



ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK VA DERIVATSION QONUNIYATLAR

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI

Samarqand, 2022-yil 25-may



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK VA DERIVATSION QONUNIYATLAR

Respublika ilmiy-amaliy anjumani
MATERIALLARI

Samarqand shahri, 2022-yil, 25-may

Samarqand – 2022

Zamonaviy tilshunoslik va derivatsion qonuniyatlar. Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. - Samarqand: SamDCHTI nashri, 2022. – 276 bet.

Ushbu to‘plamdan “Zamonaviy tilshunoslik va derivatsion qonuniyatlar” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani ishtirokchilarining maqolalari o‘rin olgan bo‘lib, undan barcha tilshunos, adabiyotshunos va pedagoglar foydalanishi mumkin.

Tahrir hay’ati:

Professor I.M.Tuxtasinov	rais
Dotsent Sh.Ashurov	rais o‘rinbosari
Professor N.Q.Turniyozov	a’zo
Professor Sh.S.Safarov	a’zo
Professor T.A. Bushuy	a’zo
Professor X.Z.Xayrullayev	a’zo
Dotsent B.Turniyozov	a’zo
Dotsent M.A.Xalova	mas’ul muharrir
PhD. D.Ma’mirova	mas’ul kotib

To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’ul.

I SHO'BA

TIL TARAQQIYOTINING DERIVATSION QONUNIYATLARI

проф. И.М.Тухтасинов
(Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори)

ТАРЖИМАГА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Таржимон тайёрлашда таржима услуб ва усуллари ўқитишнинг ўзига хосликлари, бўлажак таржимонларнинг касбий компетенциясини ривожлантиришда оғзаки таржимонлик имкониятлари ҳамда лингвист-таржимон касбий компетенциясини ривожлантириш шарҳланди. Таржимага оид амалиётлар таҳлилида таржима усуллари таржима услубларидан фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Усул – қўйилган мақсадга эришишнинг асосий йўли бўлиб, қилинадиган ҳаракатларнинг мавжуд қонунларини акс эттиради. Бир тилдан бошқа тилга ўтишнинг иккита усули бор: биринчиси бир тилга мансуб сўз ёки белгидан бошқа тилга мансуб сўз ёки белгига тўғридан-тўғри ўтиш, иккинчиси эса айланма йўл орқали – аввал бир тилга мансуб белгидан мўлжалдаги ёки предметли вазиятга ва фақат шундан кейин ўгириладиган тилга мансуб белгига ўтишдир. Илмий манбаларда таржиманинг бу икки усулидан биринчиси белгили, иккинчиси эса маъноли деб номланади. Метод ёки бошқача айтганда, таржима услуби, одатда, хусусий масалани ҳал қилади, яъни таржима жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Таржима услублари, ўз навбатида, яна икки гуруҳга бўлинади: 1) таржима мутаносибликлари; 2) таржима тузилишининг ўзгариши. Таржимани аслият билан таққослаш шуни кўрсатадики, ўгириш жараёнида аслият тилнинг муайян бирликлари маъноси ўгирилаётган тилнинг бир хил бирликлари ёрдамида узатилади (масалан: уй - house, хона - room, tree - дарахт). Тил бирликлари нисбатан барқарор маънога эга. Шунинг учун тиллардаги (бизнинг ҳолатда ҳинд-европа тил оиласига мансуб тилларда) бир хил предметли ҳолатлар ўхшаш синтактик конструкциялар ёрдамида таржима қилинади. Бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар ҳамда таржимада тилнинг «руҳияти» йўқолиши, кўпинча, поэтик асарларни таржима қилишда кузатилади. Уларнинг барчаси методологик жиҳатдан нотўғри, чунки исботлашни тилга татбиқ этиб бўлмайди ҳамда киришда берилаётган ва чиқишда олинаётган ахборотлар турли қатлам ва кўламга тегишли бўлгани учун хулосаларнинг тўғрилигига қўйиладиган энг оддий мантикий қоидаларга тўғри келмайди. Масалан, немис тилида артиклни мавжудлиги немисларнинг нарса-ҳодисаларни 21 жинсига алоқадор қандайдир белгиларига қараб қабул қилади, деган хулосани бермайди. Худди шу каби эргатив қурилишга эга бўлган абхаз тилида сўзлашувчилар иш-ҳаракатнинг субъект ва объектини фарқлай олишга қодир эмас, деган хулосанинг келиб чиқиши ҳам мантикка зиддир. Ўзбекча «кўл», русча «рука» сўзларининг инглиз тилида «hand», «arm» сўзлари билан, ўзбек тилидаги «каптар» ва «мусича» сўзларининг немис тилида битта «taube» сўзи билан берилиши немисларнинг каптар ва мусича каби турлича бўлган икки қушни бир-биридан ажрата олмайди, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Чунки ўзбеклар каптар ва мусичанинг фарқига қандай етса, немислар ҳам худди шундай етади. Ўзбек тилидаги «билмоқ» сўзи немис тилида «wissen», «kennen» феъллари билан берилиши немисларнинг ўзбекларга қараганда кўпроқ билишини ёки бўлмаса билишнинг турли хилларини англашларини кўрсатади, деб бўлмайди. Инглиз тилидаги «lunch» сўзи ўзбек тилига «шунчаки нонушта», «иккинчи нонушта», «ўнбирлик», «енгил тушлик» каби тасвирий воситалар билан таржима қилиниши эса ўзбекларнинг бу тушунчани ўз ақлига сиғдира олмаганлигини кўрсатмайди. Икки ёки ундан ортиқ тилдаги сўзларнинг айрим маъноларини типологик жиҳатдан солиштирганда ва маъноларнинг мос тушмаслик ҳолатлари кузатилганда, тилшунослар томонидан «турли тилда сўзлашувчи халқларнинг тушунча аппарати турличадир», деган хулоса чиқарилади.

Тил бирликлари семантик мазмунининг миллий ўзига хослиги сўз бирикмаси, гап ва матн таркибидаги мураккаб семантик мажмуаларнинг пайдо бўлиш имкониятини инкор этмайди, лекин бу мажмуалар ифода этган маъно кўламига кўра турли тилларда бир-бирига ўхшаш бўлиши ҳам мумкин. Инъикос тушунчаси шаклининг объективлиги туфайли тил семантик томонининг миллий ўзига хослиги билиш жараёнининг субъектив унсури манба бўла олмайди¹.

Аммо тил семантикасининг миллий ўзига хослиги намоён бўлишининг яна бир томони борки, у тил тараққиёти жараёнида товуш шаклини танлашдаги мотивациянинг ўзига хослиги билан алоқадор бўлиб, унинг натижасида ҳатто ўхшаш маъно гуруҳларида ҳам «ички форма» турли чегараларни ҳосил қилади, турли фарқловчи белгилар эса мотивацияланаётган маънони характерлаб беради. Товуш таркибининг турли тилларда бир хил бўлиб қолиши фарқларнинг турли йўналишда бўлганлиги ва бу ташқи ўхшашлик «қўшимча миллий ўзига хос маъно» ҳосил қилинаётганлигидан далолат беради. Масалан, инглиз тилидаги «head» – кеманинг олдинги қисми – бурин; «head» – михнинг қалпоғи; «head» – сутнинг устки қисми, қаймоғи. Бу маънолардаги субъектив хусусият денотатнинг ўзини ифодалашга тааллуқли эмас. Барча ҳолатларда мос келувчи жисмоний ҳодиса ўзининг белгиларидан бирининг белгиси билан 12 Кубрякова Е. С. Язык и знание. – М, 2006. – 650 с. 22 аниқланади. Бу белгини танлаш эса инглиз ёки ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади². Тилнинг этимология билан узвий боғлиқ бўлган миллий ва субъектив омиллари «барча тилларда белгиланаётган ва белгилаётган унсурлар ўртасида муносабат бир хил бўлади ва бунинг натижасида предметнинг образи тўғри берилади», - деган бош фикрни инкор қила олмайди. Шундай қилиб, дунёнинг концептуал моделига сезги орқали олинган билимни қўшимча унсурлар сифатида киритишга қаршиликсиз бўлганидек, тилда сезгига алоқадор ахборот тилдаги рационал унсурларга дунёнинг концептуал модели ва дунёнинг лисоний моделига қўшимча қилинади деган фикрга қўшилиб бўлмаслиги бу ягона гносеологик моҳият касб этади. Оғзаки (синхрон) таржима қилиш учун таржимоннинг профессионал компетенцияси (билим, малака ва кўникмалар йиғиндиси) қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши лозим³: - тил компетенцияси (аслият ва таржима тилларини билиш); - коммуникатив компетенция; - таржима компетенция (таржима қилиш малакаси); - техник компетенцияси (ахборот билан ишлаш малакаси); - шахсий фазилатлар (хотирани ривожлантириш) (2-жадвалга қаранг): Ўқитишнинг асосий босқичида оғзаки таржима билан боғлиқ фаол комплекс тренинга хотира тренинги, тилдан тилга ўтиш тренинги, суръат тренинги, лексика устида ишлаш, трансформация тренинглари амалга оширилади. Ўқитишда фойдаланиладиган машқларни танлаш кўникма ва маҳорат сирларини шакллантириш зарурати билан боғлиқлигини тақозо қилади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир: - тинглаш кўникмаси; - мнемотехника кўникмаси; - трансформациялаш кўникмаси; - тилдан тилга ўтиш кўникмаси; - нутқий механизмларни бошқариш кўникмаси; - оғзаки нутқ техникаси кўникмаси; - таржима суръати; - таржима учун мўлжалланган матнни тинглаш кўникмаси. Компетенциялар илмий соҳадаги назарий билимлар, аниқ касбий вазиятларда билимлардан фойдаланиш бўйича амалий тажриба, шахснинг кадрият билан боғлиқ жиҳатларини ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, таржима жараёни аслият матнидан ўгирилаётган матнга ўтишга ёрдам берадиган аниқ операциялар тизимидан фойдаланишни талаб этади. Бу жараёнда таржима усуллари ва таржима услублари таржима сифатини таъминловчи восита сифатида юзага чиқади. Таржима жараёнида юзага келадиган қийинчиликлар таржима услуби орқали таржима мутаносибликлари ва таржима тузилишининг ўзгаришлари каби кўринишларда намоён бўлади.

¹ Кубрякова Е. С. Язык и знание. – М, 2006. – 650 с

² Махмудов Н. Тил. – Тошкент: Фан, 2006. – 48 б.

³ Аликина Е. В., Швецова Ю. О. Формирование экстралингвистической компетентности будущих устных переводчиков // Современные проблемы науки и образования. 2012. № 2. Электронный ресурс: <http://www.scienceeducation.ru/102-6037>. Дата обращения: 5.05.2018.

Адабиётлар рўйхати

1. Кубрякова Е. С. Язык и знание. – М, 2006. – 650 с
2. Махмудов Н. Тил. – Тошкент: Фан, 2006. – 48 б.
3. Аликина Е. В., Швецова Ю. О. Формирование экстралингвистической компетентности будущих устных переводчиков // Современные проблемы науки и образования. 2012. № 2.
4. Электронный ресурс: <http://www.scienceeducation.ru/102-6037>. Дата обращения: 5.05.2018.

prof. X.Z.Xayrullayev, o'qit.M.A.Ibragimova (SamDChTI)

MORFEMANING LINGVISTIK TAVSIFI VA MORFEMATIK SATH XUSUSIDA

Annotatsiya. Ishda morfemaning lingvistik tavsifi va morfematik sath xususida fiklar jamlangan. Ularga munosabat bildirilgan. Yangi xulosalar bayon etilgan.

Kalit soʻzlar: morfema, morf, morfemaning lingvistik tavsifi, morfematik sath, til birliklari, birlik, fonematik va morfematik sath.

Til birliklaridan biri – fonema haqida mulohaza yuritganimizda uning eng kichik va mustaqil holda maʼno anglatmaydigan birlik ekanligi atroflicha tavsiflandi. Biroq shuni ham aytish lozimki, fonemaning lingvistik tabiatini faqat undan katta birliklar – morfema yoxud soʻz doirasidagina oʻrgana olamiz. Bu, albatta, masalaning bir tomonini tashkil etadi. Uning ikkinchi tomoni morfema va soʻzning ham lingvistik tabiati tavsifi fonema bilan uzviy bogʻliq ekanligida oʻz aksini topadi. Til belgilari sanaluvchi morfema va soʻzning ifodalovchi jihati tovush kompleksini taqozo etadi. Shu bois bu oʻrinda tilning morfematik sathi haqida mulohaza yuritish ekanmiz, morfemaning ifoda vositasi fonema ekanligini alohida taʼkidlaymiz.

Morfema ham tilimizning eng kichik birligidir. Biroq u oʻzining nafaqat ifodalovchi, balki ifodalanuvchi jihatiga ham egaligi bilan fonemadan farqlanadi. Lekin qizigʻi shundaki, morfemaning til belgisiga xos boʻlgan jihatlarining har ikkisi ham fonema vositasida voqelanadi. Bu, oʻz navbatida, fonematik va morfematik sathlarning uzviy munosabatidan dalolat beradi. Ularning biriga taalluqli elementlar material sanalsa, ikkinchisiga tegishli elementlar shu material vositasida vujudga keluvchi formani taqozo etadi.

Tilshunoslikka «morfema» termini dastlab I.A.Boduen de Kurtene tomonidan kiritiladi. Bu xususda V.M.Solnsev quyidagilarni yozadi: «L.V.Shcherbaning guvohlik berishicha, tilshunoslik *morfema* termini uchun uni soʻzning eng kichik maʼnoli qismi deb taʼriflagan I.A.Boduen de Kurtenedan qarzdir. I.A.Boduen de Kurtene: «Bogʻlanishli nutq mustaqil gap yoki frazalarga, gaplar mustaqil soʻzlarga, soʻzlar morfologik boʻgʻinlarga yoki morfemalarga, morfemalar fonemalarga boʻlinadi», – deb yozgan edi.

Morfema haqida bildirilgan J.Vandriesning fikri ham oʻziga xos boʻlib, u mustaqil maʼno anglatuvchi til elementlari oʻrtasida munosabat oʻrnatuvchi birliklarni morfema deb ataydi va ular jumlasiga tilning barcha yordamchi vositalarini hamda soʻzlarning formal qismlarini kiritadi.

Morfema termini deskriptiv tilshunoslikning asoschilaridan biri L.Blumfild taʼlimotida yanada boshqacharoq tavsiflanadi. Bunga koʻra, boshqa biror forma bilan fonetik-semantik jihatlariga koʻra oʻxshash boʻlmagan til formasini sodda forma yoki morfema, deb atash mumkin. Bird «ptitsa», play «oʻynamoq», dance «raqsga tushmoq» va h.k. kabilar morfemalardir [L.Blumfild 2002:168].

Koʻrinadiki, L.Blumfild morfema deganda, tilning minimal birligi shaklini tushunadi va sodda (nomurakkab shaklli) soʻzlarni, nomustaqil yordamchi soʻzlarni hamda soʻzlarning maʼnoli qismlarini shu nom bilan ataydi. Boshqacha aytganda, L.Blumfild til birligi–soʻzga nisbatan *morfema* tushunchasidan koʻproq foydalanadi.

V.M.Solntsev biz yuqorida ko'rib o'tgan I.A.Boduen de Kurtene, J.Vandries, L.Blumfild kabi taniqli tilshunoslarning morfema haqida bildirishgan fikr va mulohazalarini o'rganishi jarayonida quyidagilarni alohida ta'kidlaydi:

1. J.Vandries uchun eng muhimi morfemaning nomustaqil (yordamchi) xarakteridir.

2. L.Blumfild uchun morfemaning minimal xakteri muhim bo'lib, bunda uning til sistemasidagi o'rni va boshqa birliklarga munosabati ustuvor ahamiyat kasb etmaydi. Shu bois L.Blumfild ta'limotida sodda va nomustaqil so'zlar ham, so'zning ma'noli qismlari ham morfema jumlasiga kiritiladi.

3. I.A.Boduen de Kurtene ham morfemaning minimal shaklli bo'lishini alohida qayd etadi. Biroq bunda uning til sistemasida tutgan o'rni va boshqa birliklarga bo'lgan munosabati ahamiyatli ekanligi ta'kidlanadi. Boduen so'zning minimal ma'noli qismini morfema deb ataydi.

Bizningcha, morfemaning lingvistik tabiati haqida yuqorida bildirilgan L.Blumfildning mulohazalari keng qamrovli bo'lib, u haqiqatga yaqindir. Hajman minimal sodda so'zlar ham, nomustaqil so'zlar ham qayta parchalanmasligi va muayyan ma'no ifodasini berishiga ko'ra morfemaning ta'rifi mos keladi. I.A.Boduende Kurtene mulohazalarida esa morfemaning, asosan bir turi – so'z bilan bog'liq bo'lgan, uning ma'noli qismini tashkil etuvchi minimal birliklar haqida so'z yuritiladi.

J.Vandries ham morfemani nisbatan tor ma'noda tushunadi. Shu bois u yordamchi so'zlar, so'zning formal qismlarini, urg'u va intonatsiya haqida fikr bildiradi. So'zning o'zak qismini morfema sanamaydi.

V.M.Solntsev L.Blumfild nazariyasida sodda so'zlarning morfema tarzida talqin etilishiga e'tiroz bildiradi. Bunda sodda so'zlarda nol shaklli morfema ham mavjudligini va shu bois ularni bo'linmas birlik sifatida izohlash noo'rin ekanligini aytadi [V.M. Solntsev 1971: 246-247].

To'g'ri, sodda so'zlarda nol morfema ham kuzatiladi. Biroq nol morfema hech qachon morfologik ifodalibo'lmaydiva u doim Grammatik ma'no anglatadi. Sodda so'z shaklli morfema esa leksik ma'no ifodalaydi. Masalan, *tosh*, *bosh*, *kon*, *don*, va h.k.so'zlari birlik Grammatik ma'nosini ham anglatishi tabiiydir. Agar mazkur so'zlarni tosh+loq, bosh+liq, kon+ga, don+ning tarzida tasavvur etsak, u holda o'zak va affiks morfemalar xususida so'z yuritish mumkin bo'ladi. Lekin bu o'rinda ularni uch morfemali desak (tosh- o'zak morfema+birlik ma'nosi: nol morfema+affiks morfema) to'g'ri bo'larmikan?

Ikkinchi tomondan, albatta, nol morfemaning mavjudligini ham inkor etib bo'lmaydi. Bu haqda aytilgan G.Glisonning fikri, bizningcha, birmuncha ibratlidir. G.Glison nol morfemani inkor etmaydi. Lekin material jihatdano'z ifodasiga ega bo'lmagan allomorf tushunchasidan keng foydalanish ayrim chalkashliklarga olib kelishi mumkinligini ham ta'kidlaydi. Bundan tashqari, olim nol morfema tushunchasi mantiqiy jihatdan ham o'zini oqlay olmasligini va shu bois mazkur tushunchani qo'llashda suiste'mollikka yo'l qo'yib bo'lmashligini alohida ta'kidlaydi [G.Glison 1959:119].

Darhaqiqat, nol morfema tushunchasidan til materialining lingvistik tahlili jarayonida ustalik bilan foydalanish lozim. Aks holda turlicha ma'no g'alizliklariga yo'l qo'yilishi mumkin. Masalan, *ko'z* so'zi bir paytning o'zida birlik hamda ko'plik grammatik ma'nolarini anglata oladi. Bundan kelib chiqib, mazkur so'zni leksik va ikkita grammatik ma'no ifodasini beruvchi birlik deb, aniqrog'i, o'zak morfema+grammatik ma'noli nol morfema+grammatik ma'noli nol morfema tarzida talqin etadigan bo'lsak, so'zsiz, nol morfema tushunchasini suiste'mol qilgan bo'lamiz. Bu o'rinda V.B.Kasevichning quyidagi mulohazalari ham e'tiborga molikdir: *нога* so'zi o'z ifodalovchi va ifodalanuvchilariga ega bo'lgan ikki morfemadan iboratdir: *ног+а*. Biroq *а* morfemasining ifodalanuvchi jihati yana *birlik*, *bosh kelishik* kabi Grammatik ma'no ifodalarini ham o'z ichiga oladi. Lekin mazkur grammatik ma'nolarning har biri uchun alohida ifodalovchilar (tovushlar kompleksi) mavjud emas. Shuning uchun ayni paytda *-а* minimal belgi hisoblanadi [V.B. Kasevich 1977: 53].

Morfema talqinining yuqorida eslatib o'tilgani kabi ayrim izohtalab jihatlari ba'zi tilshunoslarni o'zga bir termindan foydalanish lozim, degan xulosagacha olib keldi.

Y.Stepanov eng kichik grammatik forma *morf* ekanligini ta'kidlaydi. Olim morf deganida, ma'no yaxlitligini saqlagan holda bo'linmaydigan birlikni tushunadi. Y.Stepanov ta'limotida morfning quyidagi turlari mavjudligi ko'rsatiladi: 1. So'zning asosiy qismini tashkil etuvchi o'zak morf. 2. Kategorial ma'noli affiks morflar.

Morfning ifodalovchi jihati fonemalar bilan uzviy aloqador bo'lgani uchun uni fonemalarning pozitsion variantlaridan (yoki allofonlardan) tashkil topadi deyish mumkin.

Y.Stepanov *morfema* tushunchasi *allomorf* tushunchasiga nisbatan yuqori pog'onada turishini, morfema morflar majmuasini taqozo etishini eslatadi. Bu o'rinda morfema invariant xarakterli bo'lsa, morflar variant xarakterliligi ta'kidlanadi.

V.B.Kasevich morfemani minimal ma'noli birlik, minimal ma'noli belgi tarzida talqin etadi. U til materiali tahlilini deduktiv metod asosida olib borish lozimligini va bu jarayonda matnni segmentlash natijasida har biri o'zining ifodalanuvchisiga ega bo'lgan eng kichik ma'noli birliklar-morfemalar haqida to'liq ma'lumotga ega bo'lish mumkinligini ta'kidlaydi. V.B.Kasevich morfemalarni ikki katta guruhga bo'ladi: Mustaqil (leksik) morfemalar va yordamchi (grammatik) morfemalar. Masalan, *пыка* so'zida *пук* mustaqil, *-а* esa yordamchi morfemadir.

V.B. Kasevich yordamchi morfemalar o'zlari bog'lanib kelayotgan o'zak morfemalarsiz qo'llana olmasligini va bunday vaziyat flektiv affikslarda ham, agglyutinatив affikslarda ham kuzatilishini eslatadi. Biroq agglyutinatив affikslar har safar bir grammatik ma'no bilan, flektiv affikslar esa bir necha grammatik ma'no bilan qo'llanishi mumkin. Masalan, turk tilida *-lar* affiksi faqat ko'plik ma'nosini, rus tilidagi *-i* affiksi esa, bir paytning o'zida ko'plik ma'nosini ham, bosh kelishik ma'nosini ham ifodalaydi... Bundan tashqari, agglyutinatив affikslar standart xarakterli, ya'ni muayyan grammatik ma'no ifodalashda faqat shu affiks qo'llansa, flektiv affikslar aksariyat hollarda boshqa-boshqa ko'rinishlarda keladi: *голоса,волосы, колосья* va boshqalar.

V.B. Kasevich predlog, artikl, ko'makchi, bog'lovchi va h.k.larni yordamchi grammatik morfemalar jumlasiga kiritadi. Mazkur grammatik morfemalarning birinchi turiga kiruvchilari o'zlari bog'liq bo'lgan mustaqil elementlardan pozitsion xususiyatlariga ko'ra ajralib turadi va shu bois ular o'rtasiga boshqa elementlar kiritilishi ham mumkin. Ikkinchi tur grammatik morfemalar esa o'zlari birikayotgan o'zak yoki asosdan ajralgan holda qiymat kasb eta olmaydi.

Yordamchi so'zlar, morfema maqomiga ega ekanligidan qat'i nazar, so'zdan katta birliklar – so'z birikmalari yoxud gap uchun xizmat qilganida, ularni yordamchi so'zlar sifatida tushunmoq lozim. Ifoda materiali affikslar bo'lgan agglyutinatив tillarga xos morfemalar ham funksional salmog'iga ko'ra yordamchi so'zlarga yaqin turadi.

E.S.Kubryakovaning morfema va uning talqini haqidagi mulohazalari V.B.Kasevichning bu xususdagi fikriga ancha yaqin ekanligini ko'ramiz. Boshqacha aytganda, E.S.Kubryakova ham morfemaning lingvistik tabiatini bilmoq uchun matnni segmentlarga bo'lish zarurligini va bu orqali minimal holatdagi ma'noli elementlar haqida zaruriy ma'lumotlar olish oson kechishini qayd etadi. Biroq V.N.Golovin mazkur usul vositasida morfemalarning faqat fonemalar integratsiyasidan iborat ekanligi haqidagina ma'lumotga ega bo'lish mumkinligini, ularning funksional salmog'ini, har birining o'zigagina xos bo'lgan ma'no nozikligini o'rganish imkoniyati bo'lmasligini alohida ta'kidlaydi. U morfemani matnning segmenti emas, balki til birligi tarzida o'rganish maqsadga muvofiq ekanligini eslatib o'tadi.

Bizningcha, bu o'rinda bildirilayotgan e'tirozga qo'shilish birmuncha qiyin ko'rinadi. Chunki morfemani matnning minimal segmenti tarzida talqin etish, uning til birligi ekanligini inkor etmaydi. Bundan tashqari, morfemaning integral xususiyati ham uning funksional salmog'ining bir ko'rinishidir.

Morfemaning lingvistik tabiatini o'rganish borasida o'zbek tilshunosligida ham tadqiqot ishlari bajarilgan va ularda bu haqda ilmiy mulohazalar berilgan. Mazkur mulohazalarda morfema so'zning bo'linmas, eng kichik ma'noli qismi ekanligi ilmiy asosli tarzda ta'riflanadi (M.Mirzayev, S.Usmonov, I.Rasulov. O'zbek tili. –Toshkent, 1978; Sh.Shoabdurahmonov, M.Asqarov va boshq. Hozirgi o'zbek adabiytili. –Toshkent, 1980; A.Hojiyev. O'zbek tilida so'z yasalishi tizimi. –Toshkent, 2007; A.Hojiyev. Lingvistik terminlarning izohli lug'ati. –Toshkent, 1985; Sh.Rahmatullayev. Hozirgi adabiy o'zbek tili. –Toshkent, 2006.).

Bunda morfemaning o'zak holatidagi ko'rinishi va affiks morfemalar xususida mukammal ma'lumotlar beriladi. Shuningdek. Morfemaning so'z yasalishi tizimidagi nufuzi ham atroflicha yoritilganini ko'ramiz.

1979 yilda nashrdan chiqqan N.A.Baskakov, A.S.Sodiqov, A.A.Abdualazizovlarning «Umumiy tilshunoslik» darsligida morfema tushunchasi ancha keng va ilmiy asosli tarzda talqin etiladi. Bunda morfemaning ta'rifi quyidagicha beriladi: «Tilning (uning bir bosqichi morfologiyaning) eng kichik ma'noli birligi *morfema* deb ataladi».

Mazkur ta'rif, albatta, morfemaning barcha turlarini qamrab oladi. Bundan tashqari, A.Abdualazizov (eslatib o'tilgan darslikning morfologiya bo'limi muallifi) morfemalarning har bir ko'rinishi *morf* deb atalishi va uning fonemalar kompleksi bilan, ba'zan esa yagona fonema bilan ifodalanishi mumkinligi, morflarning yig'indisi morfemani tashkil etishi haqida ham atroflicha so'z yuritiladi. Shu bilan birga, har bir morf boshqa morfga nisbatan qo'shimcha distributsiyada turishi, bir pozitsiyada (qurshovda) ishlatilishi mumkin bo'lgan morflar *allomorflar*, ya'ni morfemaning variantlari ekanligi xususida ilmiy asosli fikr beriladi. Olim nol morfema haqida ham yetarlicha ma'lumot keltiradi. Biroq A.Abdualazizov yordamchi so'z qolipidagi morfemalar haqida fikr bildirmaydi. Bundan tashqari, olimning quyidagi mulohazasi, bizningcha, izohtalabdir: «... bir so'z sostaviga boshqa so'zlarni kiritish mumkin emas, biroq bir morfema ichiga boshqa morfemani kiritish mumkin».

A.Abdualazizov bu o'rinda L.S.Barxudarovga havola berib, misol tariqasida *ishq-i-boz* so'zini keltiradi. Nazarimizda, ayni paytda qandaydir fikr g'alizligiga yo'l qo'yilganga o'xshaydi. Agar *i* infiksini ham morfema deb hisoblaydigan bo'lsak, u holda pog'onali munosabat qoidasi buzilmaydi. Bordiyu, uni bir morfema ichiga kiritilayotgan ikkinchi morfema sifatida tushunsak, pog'onalik qoidasi buziladi.

Ko'p tadqiqotlarda morfemaning grammatik ma'no ifodalashiga urg'u beriladi. Bizningcha, bu masalaning bir tomonini tashkil etadi. O'zak morfema ham mavjud ekan, leksik ma'noni ham kun tartibiga kiritishga to'g'ri keladi. Bu haqda aytilgan A.Hojiyevning quyidagi fikri asoslidir: «O'zak ifodalaydigan ma'no so'zga xos leksik ma'noning yadrosini tashkil etadi». Darhaqiqat, aksariyat so'zlarning (masalan, suvchi, traktorchi) o'zak qismlari so'zga tengdir. Lekin ularni, ma'noli qismlarga bo'linmasligini hisobga olib, morfema deb atash mumkin. Ayni paytda, albatta, nol morfemani e'tibordan soqit qilmoqdamiz.

Sh.Rahmatullayevning «Hozirgi adabiy o'zbek tili» deb nomlanuvchi darsligida ham morfemalar haqida mukammal ma'lumot berilgan. Darslikda morfema til qurilishining grammatik ma'no ifodalaydigan eng kichik segment birligi deb ta'riflanadi. Morfemaning ma'no ifodalaydigan eng kichik segment birlik ekanligini Sh.Rahmatullayev to'g'ri ta'kidlamogda. Ammo morfema ta'rifining berilishida bu o'rinda nimadir yetishmayotgandek ko'rinadi. Boshqacha aytganda, ayni paytda o'zak morfema tushunchasi e'tibordan soqit qilinmogda.

Sh.Rahmatullayev: «Morfemaning asosiy belgisi – grammatik ma'no ifodalovchi birlik ekani ta'rifga kiritilishi lozim. Shunda «lug'aviy morfema», «o'zak morfema» tushunchalari va terminlaridan voz kechiladi», – deb yozadi. Albatta, olimning mazkur fikri morfema tushunchasini hozirgacha amalda bo'lgan izohtalab masalalar qurshovidan ozod qilish va uni imkon qadar soddaroq holda talqin etish maqsadida aytilganligi shubhasizdir. Biroq, nazarimizda, o'zak morfema tushunchasidan voz kechish qiyin ko'rinadi. Sh.Rahmatullayevning o'zi ham darslikda «leksik tabiatli morfema» tushunchasidan foydalangan. Morfemaning leksik tabiatli bo'lishi, bizningcha, o'zak morfemalarga xos tushunchani taqozo etadi. Bundan tashqari, biz ko'rinishi so'z shaklida bo'lgan bog'lovchi, ko'makchi kabilarni ham o'zak morfemalar jumlasiga kiritmoqdamiz. Yuqoridagilardan tashqari, eslatib o'tilgan darslikda leksema til qurilishining lug'at bosqichiga mansub birlik ekanligi, morfema esa til qurilishining morfemalar bosqichiga mansub birlik ekanligi alohida ta'kidlanadi. Ayni paytda leksemaning til qurilishining lug'at bosqichiga (tarkibiga) tegishli birlik ekanligi haqidagi fikr bilan to'liq qo'shilish mumkin. Lekin bunda morfemalardan holi leksemalarnigina emas, balki yasama so'zlarni ham nazarda tutmog'imiz lozim bo'ladi.

A.Hojiyevning to'g'ri ta'kidlashicha, morfema, affiks yoki so'z shaklida kelishidan qat'i nazar, so'z birikmasi yoki gapning sintaktik vazifa olishi uchun ham xizmat qilishi mumkin: *U*

brezent yopqichli mashina yonidan yer o'laydigan apparatning uch oyog'i chiqib turibdi (S.Ahmad). ...*bir ikki kundan keyin Yozyovon masalasida katta yig'in bo'lishi kerakligini angladi* (S.Ahmad).

Keltirilgan misollarning birinchisida *-li* affiksi ot birikmaga qo'shib (*brezent yopqichli*), uni sifatlovchi birikmaga aylantirayotgan bo'lsa, ikkinchisida *katta yig'in bo'lishi kerak* tarzidagi gapga teng qurilma *-lik* affiksi ta'sirida gap bo'lagi vazifasini olmoqda. Biroq affiks morfemaning (umuman, morfemalarning) nutq birligi tarzida talqin etilishi hollari ham kuzatilmoqda. Masalan, Y.Tojiyev bu haqda quyidagilarni ta'kidlaydi: «...bosh morfemaga nisbatan, umuman affiks emas, balki aniq ma'no va vazifa bajaruvchi ergash morfema sifatida ishtirok etadi, shu maqomga ega bo'ladi. Demak, u umuman affiks sifatida til birligiga kiradi, falon ma'nodagi fe'l yasashi, falon ma'nodagi bosh morfemaga qo'shib kelayotganiga ko'ra nutq birligi ham hisoblanadi».

Y.Tojiyev ayni paytda *-la* affiksi bilan misol keltiradi. Mazkur affiks til birligi sifatida – asosan fe'l yasovchi va shakl hosil qiluvchi affiks sifatida mavjud. Shuningdek, u *pichoqla* so'zida boshqa ma'noda qo'llansa, *quchoqla* yoki *qatiqla* kabi yasalmalarda boshqa ma'nolarda qo'llanadi. Ana shu imkoniyatning o'zini namoyon etishi bilan u nutq birligi hamdir.

Y.Tojiyev morfemaning, xususan, affiks morfemaning lingvistik tabiatini mukammal yoritib bera olgan. Morfemaning til birligi ekanligini to'g'ri qayd etgan va shu bilan birga, affiks morfemalar ba'zi yasama so'zlarni hosil qilishda nutq birligini taqozo etish imkoniyatiga ham ega ekanligini alohida ta'kidlagan. Eng muhimi, olimning mulohazalarida ba'zi munozarali o'rinlar bo'lishiga qaramasdan, ayni paytda til bilan nutq hodisalari farqlab o'rganilgan.

Grammatik ma'no ifodalovchi, predlog, ko'makchi, bog'lovchi, yordamchi fe'l kabi o'zak morfema qolipida keluvchi elementlar ham borki, ular so'zlar (qo'shma gap tarkibida uning komponentlari) o'rtasida grammatik munosabat o'rnatishda faol qatnashadi. Mazkur elementlar ham morfemalardir, biroq ular faqat grammatik ma'no ifodalaydi.

Shunday qilib, morfemalarning lingvistik tabiati haqida hozirgi tilshunoslikda turli xil, ba'zan qarama-qarshi fikrlar ham mavjudligini ko'ramiz. Biroq mazkur qarashlarning ko'pchiligida morfema tilning bo'linmas, eng kichik ma'noli birligi tarzida talqin etiladi.

Adabiyotlar

1. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992, 135 б.
2. Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик.–Тошкент: Ўқитувчи, 1979, 190 б.
3. Блумфилд Л. Язык.–М.: УРСС, 2002, 606 с.
4. Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. –М.: Изд. иностр. Литературы, 1959, 485 с.
5. Касевич В.Б. Элементы общей лингвистики. – М.: Наука, 1977, 182 с.
6. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент, 1978.
7. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili.–Toshkent:Universitet, 2006, 463 b.
8. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование.–М.: Наука, 1971, 292 с.
9. Степанов Ю.С. В мире семиотики//Семиотика.–М., 1983.
10. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. –М.:Просвещение, 1975, 271 с.
11. Тожиев Ё. Яна сўз, лексема, сўзшакл, морфема, морфемика ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти, 2008, №6, 42-45-бетлар.
12. Ҳожиев А. Лингвистик терминлар изохли луғати.–Тошкент: Ўқитувчи, 1985, 144 б.
13. Ҳожиев А. Морфемика // Ҳозирги ўзбек адабий тили.–Тошкент: Ўқитувчи, 1980, (159-205), 443 б.
14. Ҳожиев А. Тил қурилишининг асосий бирликлари юзасидан мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2005, №4. 46-49 б.
15. Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. –Тошкент: Ўқитувчи, 2007, 165 бет.

16. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1- қисм.–Тошкент: Ўқитувчи, 1980, 445 б.

АППЛИКАТИВ МОДЕЛЬ ВА МАТН ДЕРИВАЦИЯСИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация. Аппликатив моделнинг мантикий тузилишининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда яратувчанлик жараёни аниқ икки хил даражада — конструкциялар даражаси ва кузатиш даражасида содир бўлади. Яратувчанлик жараёни идеал объектларни, яъни яратувчанлик жараёнининг иккинчи босқичида маълум талқин қоидалари ёрдамида тилдаги сўзларни жумлаларга, уларни эса ўз навбатида, матнга айлантирадиган конструктив аналогларини чиқаришдан бошланади. Мазкур мақолада биз матн деривациясида аппликатив моделнинг яратувчанлик хусусиятини таҳлил қилдик.

Калит сўзлар. Аппликатив модель деривацион жараён, трансформация, ҳосила структура, система.

Маълумки, аппликатив модель трансформацион моделдан тубдан икки жиҳатдан фарқ қилади: мантикий тузилиши ҳамда унда расмийлаштирилган лингвистик тушунчаси билан.

Аппликатив моделнинг мантикий тузилишининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда яратувчанлик жараёни аниқ икки хил даражада — конструкциялар даражаси ва кузатиш даражасида содир бўлади. Яратувчанлик жараёни идеал объектларни, яъни яратувчанлик жараёнининг иккинчи босқичида маълум талқин қоидалари ёрдамида тилдаги сўзларни жумлаларга, уларни эса ўз навбатида, матнга айлантирадиган конструктив аналогларини чиқаришдан бошланади.

Хом ашёси идеал объектлар бўлган яратувчанлик механизми талқин қоидаларидан мустақил равишда ишлайди. Идеал объектларда маълум бир тилдаги род, шахс-сон, келишиқ, замон ва бошқа категориялар ҳақида маълумот мавжуд эмас. Ушбу ва шунга ўхшаш тоифалар фақат моделни талқин қилишда пайдо бўлади.

Аппликатив моделнинг лингвистик ўзига хослиги қуйидагича: БИ (бевосита иштирокчилар) модели ва трансформацион моделдан фарқли ўлароқ, унда операциялар объектлари бўлмиш занжирлар янги занжирларга айлантирилади. Бунда қўлланиладиган аппликатив модель икки хил лингвистик объектларни — сўз синфлари ва сўз комплексларини кўриб чиқади ва бунга мувофиқ у икки хил, сўзлар синфларини яратиш учун қурилмаларни ва сўзлар комплексларини яратиш учун қурилмаларни ҳосил қилади.

Улардан биринчиси тилнинг парадигматик ўқи бўйича бирликлар ўртасидаги муносабатларни, иккинчиси — тилнинг синтагматик ўқи бўйича бирликлар ўртасидаги муносабатларни моделлаштиради [1].

Лингвистик жиҳатдан қўлланувчи аппликатив модель трансформацион ва БИ моделдан яна бир жиҳатдан фарқ қилади. Унда иккита турлича операциялардан фойдаланилади — аппликация ва трансформация. Аппликацияни объектларни шакллантириш учун ягона қоида сифатида олиб қарашимиз мумкин, трансформация эса уларнинг инвариант ўзгариши учун ягона қоидадир.

Аппликатив яратувчан грамматиканинг асосий аппаратини кўздан кечирадиган бўлсак, қуйидаги символларга дуч келамиз: N – от ўрнида, V- феъл ўрнида, D –равиш ўрнида, A – сифат ўрнида. Энди биз элементар комплексларни аниқлашимиз мумкин: катта уй (AN), енгил шабада эсмоқда (ANV), бугун қор ёғди (DNV) ва ҳ.к. Бу муносабатларни қуйидаги схема орқали намоён қилиш мумкин:

катта уй – A N
енгил шабада эсмоқда – A N V
бугун қор ёғди – D N V

Айтиш жоизки, аппликатив модель матн доирасида макроматнларни ҳосил қилади. Матн шаклининг кенгайиши аппликатив модель асосида юз берганда, матн компонентларининг бевосита боғланиши юзага келади. Бундай матнлар компонентлари идеал боғланишни келтириб чиқаради:

Бу орада мавкаб дарё бўйидаги подшо боғига яқинлашди. Ҳумоюн бошлиқ аҳли давлат боғнинг улкан дарвозасидан ичкарига кира бошлади. Дарвоза олдида узун найза тутган қўриқчи йигитлар хиёбон четларидан томоша килиб келаётган халойиқнинг йулини тўсдилар. Боққа фақат махсус руҳсати бор одамларгина кириши мумкин. Бу руҳсатномалар турли хил ёй ўқи шаклида тарқатилган. Мавкаб кетидан боғ дарвозасига яқинлашган Гулбадан бегим отининг эгари қошидаги соқдондан олтин учли ёй ўқини олиб соқчиларга кўрсатди. Улар бусиз ҳам подшонинг синглисини таниб қолган эдилар. Бегим билан отлик келаётган Хамида бонуга ва Султоним бегимга енгил таъзим билан йўл бердилар. Боғ ичига кирганларни шиговул тартиб билан турли йўлчаларга йўналтириб турибди (П.Қодиров. Авлодлар довони).

Келтирилган матннинг компонентлари ўзаро бевосита семантик боғланиш орқали муносабатга киришган. Матн марказида боғ сўзи бўлиб, у матн таркибидаги деярли барча жумлаларда иштирок этган. Деривацион нуқтаи назардан, мазкур матнда айнан ана шу боғ сўзи орқали муаллиф лексик такрор приёмини қўллаб, мазкур сўзни деривация оператори мақомига чиқарган. Макроматннинг биринчи компоненти эса таянч гап вазифасида келмоқда. Келтирилган матнни аппликатив модель асосида таҳлил қилсак, айнан ана шу таянч гапга кейинги гапларнинг тиркалиши натижасида матн ҳажми кенгайиб, янги ҳосила структура шаклланимоқда. Таянч гапга тиркалаётган жумлалар эса аппликаторлар вазифасини бажармоқда.

Шуниси характерлики, юқоридаги каби вазиятларда таянч гапларга аппликаторлар тиркалиши билан нафақат матн шаклининг кенгайиши жараёнини, балки предикативликдан полипредикативликка ўтиш жараёнини ҳам кузатиш мумкин. Шу билан бирга, матн шаклини кенгайтираётган аппликаторлар матн структурасига тиркалиниб, ўзига нисбатан катта системани шакллантираяпти. Бироқ, юқоридагилар билан бирга шуни ҳам таъкидлаш жоизки, матн шаклини кенгайтираётган мазкур аппликатор компонентлар матндан ташқарида сўз аппликаторлардан ташкил топган алоҳида системани ҳосил қилади. Сўзлар ҳам ўз навбатида морфема шаклидаги аппликатордан ташкил топган система саналади.

Адабиётлар рўйхати

1. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. М., 1966.
2. Медьник Н.В. Деривация текста в лингвоперсонологическом освещении. Вестник Челябинского государственного университета. 2009. № 7 (188). Филология. Искусствоведение. Вып. 41. С. 106–112.
3. Турниязова Ш. Матн деривациясида лексик воситаларнинг ўрни. докт. дис. Фарғона, 2021.
4. Хайруллаев Х.З. Об иерархических отношениях между языковыми единицами // Вестник Челябинского государственного университета. – 2012. – №. 6 (260). – С. 134-137.

Б.Н.Турниязов (SamDCHTI, dotsent)

KAUZATIVLIK XUSUSIDA MULOHAZALAR

Annotatsiya. Maqolada tilshunoslikda kauzativlik tushunchasining o'rganilishi holati xususida ba'zi mulohazalar yuritilgan bo'lib, unda tilshunoslarning bu haqda bildirgan fikrlari tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: so'z yasalishi, analitik kauzatsiya, derivatsiya, kauzativ fe'l, grammatik kategoriya.

Zamonaviy tilshunoslikda kauzativlik mavzusi yoritilgan qator ilmiy tadqiqot ishlari amalga oshirildi. Masalan, bu xususda tilshunos olimlardan A.Meye, T.G.Xazagerov, B.A.Musukov, V.I.Filonenko, Y.V.Baklagova, A.Y.Bessalov va boshqalar fikr va mulohazalarini aytib o'tdilar.

Taniqli fransuz tilshunosi Antuan Meye kauzativ fe'llarni tarixiy jihatdan tadqiq etib, bunda kauzativ ma'no fe'l yasalishi orqali yuzaga chiqishini, kauzativlik tushunchasi esa fe'lning morfologik kategoriyalaridan biri hisoblanishini ta'kidlaydi. Jumladan, olim o'zining «Introduction

Al'Étude Comparative des Langues Indo-Européennes» («Hind-yevropa tillarining qiyosiy o'rganilishi») nomli asarida sanskrit, grek, slavyan, irland, lotin tillari materiali asosida kauzativ fe'llarning qiyosiy tahlilini yoritadi. Ushbu asarda quyidagi jumalarni o'qiymiz: «Hind tilida *-eyo-: -i(-y-)* qo'shimchasi har doim o'zakka qo'shilib, fe'ning hozirgi zamon shaklini hosil qilishi bilan birga, kauzativni ham yasaydi. Masalan, sanskritdagi Vedalar tilida quyidagicha: *vart-aya-ti* «*aylantiryapti*»; *sad-aya-ti* «*o'tqizyapti*», *prath-aya-ti* «*uzaytiryapti*»[1.227]. T.G.Xazagerov ham kauzativ fe'llar yasama ekanligi haqidagi fikrni qo'llab-quvvatlaydi, lekin bu yasaliş umumiy rejadagi yasaliş emas, balki o'ziga xos yasaliş hisoblanishini aytadi. Kauzativlar faqat fe'l so'z turkumi asosida emas, hatto ot va sifat so'z turkumlari asosida yasaliş mumkinligini izohlab o'tadi: *везти-возить* (tashimoq-tashitmoq), *отрезветь-отрезвумь* (hushiga kelmoq-hushiga keltirmoq), *обезлюдеть-обезлюдить* (odamsiz bo'lib (huvillab) qolmoq-odamsiz bo'lib (huvillatib) qoldirmoq) kabi [2.24]. Aytish kerakki, masalaga bunday yondashuv, turkiy tillarga (ayrimlarini hisobga olmaganda) xos emas. Chunki turkiy tillarda, jumladan, o'zbek tilida fe'l yasovchi qo'shimchalar bilan uning kauzativ ma'no ifodalovchi, ortirma nisbatini hosil qiluvchi, qo'shimchalarining chegarasi aniq sezilib turadi. Boshqacha aytganda, fe'l yasaliş yangi lug'aviy ma'noni ifodalashga xizmat qiladi, xolos. Grammatik kategoriya esa umumlashgan grammatik ma'no bo'lib, u tilning qaysi morfologik tipga kirishini ko'rsatadi va o'z ifodasini so'zlarning o'zgarishida, gapda so'zlarning bog'lanishida topadi [3.154]. Shu bois, fe'ning asosiy grammatik kategoriyalari jumlasiga zamon, nisbat, mayl kabilarni kiritamiz. Yasaliş jarayonida yangi so'z yasalişini (arra+la, qora+y, suv+sira kabi) tushunamiz. Fe'ning ortirma nisbatini hosil qiluvchi qo'shimchalar (-ir, -tir, -ir, -iz va hokazo) haqida gapirilganda esa ularni lug'aviy shakl hosil qiluvchi affikslar jumlasiga kiritamiz. Mazkur qo'shimchalar fe'l o'zagiga qo'shilib, bizningcha, faqat nisbat kategoriyasini ifodalab qolmay, balki sabab, natija, maqsad, undash, buyruq ma'nolari bilan ham qurshab olinadi. Lekin ayrim turkiy tillarda fe'ning ortirma nisbatini hosil qiluvchi qo'shimchalar so'z yasovchi affikslar sifatida talqin qilinadi. Masalan, B.A.Musukov «Морфологическая деривация глаголов в карачаево-балкарском языке» nomli doktorlik dissertatsiyasining «Проблема изучения глаголообразования в тюркских языках» deb nomlangan birinchi bobida qorachoy-bolqor tilida -t, -dir, -ar kabi fe'ning ortirma nisbati qo'shimchalari yangi so'z yasash uchun xizmat qilishini va bu orqali yasama fe'llar hosil bo'lib, qorachoy-bolqor tilining lug'at boyligi kengayishini alohida ta'kidlaydi. Bundan tashqari, ushbu qo'shimchalar bilan yasalgan fe'llarning semantik strukturasida biror harakatga da'vat etish ma'nosi o'z kuchini yo'qotganini ham aytadi va misol tariqasida quyidagilarni keltiradi: *бил-«знать» – билдир-«сообщать»; бит-«расти» – битдир-«выращивать»*[4.17].

Mazkur fikr to'g'risida mulohaza yuritib ko'rishga to'g'ri keladi. Chunki prof. V.I.Filonenko «Грамматика балкарского языка» asarida fe'ning ortirma nisbatini hosil qiluvchi qo'shimchalarni so'z yasovchilar jumlasiga qo'shmagan [5.54-56]. Bunda bir til sistemasining morfemik sathi shakllanishiga nisbatan ikki xil munosabat bildirilayotganligini kuzatamiz. V.I.Filonenkoning darsligini o'qir ekanmiz, o'zbek tili grammatikalarida fe'ning yasaliş va nisbat kategoriyalarining shakllanishi qay tarzda berilgan bo'lsa, xuddi shunday holat mavjudligini ko'ramiz. V.I.Filonenko faqat -ar qo'shimchasini fe'l yasovchi affiks deb to'g'ri ta'kidlaydi. Masalan: «акъ» - *белый*, «агъар» - *белей* kabi. Biz ham ana shuni to'g'ri deb hisoblaymiz. Bundan tashqari, masalani umumturkiy tillar nuqtayi nazaridan tahlil qiladigan bo'lsak, B.A.Musukovning -t, -dir, qo'shimchalari yordamida yasalgan fe'llarning semantik strukturasida biror harakatga da'vat etish ma'nosi kuzatilmaligi haqida aytgan fikri bilan ham qo'shilib bo'lmaydi. Qiyoslang: *o'qi – o'qit, yoz – yozdir*. Bunda da'vat etish ma'nosi borligiga hech qanday shubha yo'q.

Y.V.Baklagova rus tilida morfologik kauzatsiya borligini inkor etadi va kauzativlikning bunday turi maxsus qo'shimchalar bilan hosil bo'lishi kerakligini ta'kidlaydi. Fikrining isboti sifatida turkiy tillarga xos bo'lgan ortirma nisbat shakllarini keltirib o'tadi. U ko'proq sintaktik kauzatsiya haqida mulohaza yuritadi. Sintaktik kauzatsiyada kauzativ ma'no «*запретить*», «*заставить*», «*велеть*», «*вынудить*», «*дать*» kabi maxsus fe'llar bilan ifodalanishini, o'z navbatida, bu fe'llar harakatni bajarishga, holatni o'zgartirishga sabab bo'lishini va ayni paytda, makrokauzativ jarayon shakllanishini aytadi: *Он заставил меня порвать документ=Он*

каузировал (отношение каузации), определенным воздействием (каузирующее действие), документ изменил состояние – оказался разделенным на части (каузируемое состояние)[6].– (U meni hujjatni yirtib tashlashga majbur etdi=U muayyan ta'sir orqali (kauzatsiyalovchi harakat), kauzatsiyaladi (kauzativ munosabat), hujjat holatini o'zgartirdi – bo'laklarga bo'lindi (kauzatsiyalanuvchi holat)). Bizningcha, olim makrokauzativ jarayonni torroq tushunadi. Aslida makrokauzatsiya mikromatn hisoblanuvchi MSQ (Murakkab sintaktik qurilma – an'anaviy tilshunoslikda «qo'shma gap» termini bilan atalayotgan mikromatn) va makromatn sathida vujudga keladi. Zero, MSQ mikromatn maqomida tadqiq etilar ekan, u nutq birliklarini jamlashi bilan gapning integrativ xususiyatidan farq qiladi. Shu bois yuqoridagi misolni murakkab sintaktik qurilma tarzida shakllantirsak maqsadga muvofiq bo'lar edi: *Он заставил меня порвать документ, поэтому я порвал его. Он заставил меня порвать документ и я порвал его.*

Shuni aytish kerakki, tilshunoslikda kauzativlik hodisasining morfologik va semantik jihatdan o'rganilayotganligi mazkur tushunchaning grammatik kategoriya sifatida talqin qilinishiga sabab bo'lmoqda: «...каузативность является одной из глагольных категорий. При этом она не только категория грамматическая, но и функционально-семантическая»[7.86].– («...kauzativlik fe'lining grammatik kategoriylaridan biridir. Shu bilan birga, u faqat grammatik emas, balki funksional-semantik kategoriya hamdir»). Biz esa kauzativlikning grammatik kategoriya sifatida tadqiq qilinishini maqsadga muvofiq deb hisoblamaymiz. Bizningcha, kauzativlik tushunchasi, birinchidan, tillarni biror bir morfologik tipga (flektiv, amorf, agglyutinatив kabi) kirishini ko'rsatmaydi. Ikkinchidan, kelishik shakllari kabi so'zlarni bir-biriga bog'lashga ham xizmat qilmaydi. Bundan tashqari, grammatik kategoriya tushunchasi grammatik ma'nolarning butun bir guruhini qamrab oladi. Grammatik kategoriya loaqal ikkita grammatik ma'noni o'z ichiga oladi. Masalan, otlarga tegishli birlik va ko'plik shakllarini qiyoslash mumkin. Bitta grammatik ma'no hech vaqt grammatik kategoriya ega bo'lmaydi[8.100]. Shu bois kauzativlikni grammatik kategoriya deb bo'lmaydi va yuqoridagi holatlar kauzativlik tushunchasida kuzatilmaydi. Uning sabab va oqibat ma'nolarini qurshab olishi esa mantiqiy kategoriya xosdir.

Adabiyotlar

1. Мейе А. Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков. –М.; Л.: Изд-ва Академии Наук СССР, 1938.
2. Хазагеров Т.Г. Каузативность: статус и эволюция средств выражения в русском языке//Филологический вестник Ростовского государственного университета, №1,1998.
3. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
4. Мусуков Б.А. Морфологическая деривация глаголов в карачаево-балкарском языке//Автореф.дис.докт.филол.наук. –Нальчик, 2011.
5. Филоненко В.И. Грамматика балкарского языка. Фонетика и морфология. – Нальчик: Кабардино-балкарское государственное издательство, 1940.
6. Баклагова Ю.В. Семантика контактных и дистантных каузативов (на материале русского и немецкого языков)//Вестник Адыгейского государственного университета. Серия 2: филология и искусствоведение, № 1, 2009.
7. Бессалов А.Ю. Каузативные глаголы как средство выражения причинно-следственных отношений в английском и французском языках//Вестник МГОУ, № 6, 2010.
8. Хайруллаев Х. Нутқ лингвистикасининг ўрганиш объекти хусусида //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2019. – №. 2 (71). – С. 17-20.

Ли Чэньсюй, (Директор Института Конфуция при СамГИИЯ)

ПРОФОРИЕНТАЦИОННАЯ МОДЕЛЬ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ПО НАПРАВЛЕНИЮ «КИТАЙСКИЙ ЯЗЫК + ТУРИЗМ» В УЗБЕКСКИХ ВУЗАХ

Аннотация: Туризм уже давно стал неотъемлемой частью жизни людей. И Китай, и Узбекистан - страны с богатыми неисчерпаемыми ресурсами в сфере туристического бизнеса. Тесное сотрудничество между Китаем и Узбекистаном в области туризма определяет повышение спроса в Узбекистане на специалистов направления этой области,

способствуя для создания условий запуска программы «Китайский язык+туризм». Поэтому работа в сфере туризма является одним из важнейших направлений в трудоустройстве выпускников, осваивающих специальность «Китайский язык» в узбекских университетах.

Ключевые слова: вуз, туризм, китайский язык, подготовка кадров, трудоустройство

I. Определение цели подготовки кадров комплексного курса «китайский язык + туризм» в качестве основного направления.

Целью образовательного процесса в высшей школе в сфере туризма являются общие принципы и направления подготовки человеческих ресурсов с возможностью получения образования и навыков преподавания базового уровня в данной сфере.

С развитием бизнеса в сфере туризма Узбекистана, подготовка кадров по специальности «Китайский язык» в университетах переросла от подготовки с освоением начальных базовых навыков к подготовке всесторонне развитых, обладающих углубленными профессиональными навыками специалистов. Поэтому целью обучения студентов по программе «Китайский язык + туризм» должно явиться овладение навыками аудирования, говорения, чтения, письма и перевода китайского языка; понимания законов экономики туризма, маркетинговых стратегий и правил туризма; знакомство с профессиями гида и экскурсовода; обладание коммуникативной компетентностью и организаторскими способностями; умение использовать китайский язык как инструмент для работы в сфере туризма. Данная комплексная подготовка базового уровня предоставляет возможность выпускникам вуза стать отличным профессионалом в данной сфере, а введение курса способствует овладению студентами навыками понимания законов туризма и маркетинговых стратегий, а также правил ведения туристического бизнеса.

II. Определение учебной программы, ориентированной на трудоустройство и взаимодействие.

В основе курса китайского языка лежит развитие местной индустрии туризма и постоянно меняющиеся тенденции спроса. Основой для развития курса «Китайский язык + туризм» служит взаимное изучение двух дисциплин: китайский язык и туризм, а именно его комплексное изучение, основанное на получении знаний путем решения конкретных практических задач, что и будет являться главным направлением для развития обучения в данной сфере.

Таким образом, при разработке структуры учебного плана программы «Китайский язык + туризм» основной вектор изучения должен быть направлен на выработку основных профессиональных качеств и дальнейшее развитие способностей у студентов к выполнению ими профессиональной деятельности, обеспечивая при этом прочное знание китайского языка и навыки работы в индустрии туризма.

Учебная программа должна быть разбита на три модуля: базовые компетенции, компетенции, связанные с коммуникативными умениями общения на китайском языке и навыками ведения туристического бизнеса. В дополнение к основным профессиональным качествам, в преподавании курса «Китайский язык + туризм» должно также уделяться внимание формированию качеств личности в области психологии, умению сотрудничать с другими людьми и развитию способностей к творчеству. Курс должен быть направлен на повышение общего уровня студентов и улучшения их всесторонних способностей в области идеологии и морали, физического и психического здоровья, организации и координации языка и письменного выражения, а также навыкам компьютерной грамотности.

Курс «Китайский язык + туризм» должен изменить традиционную модель обучения, основанную на базовых и специальных дисциплинах, установить задачи в соответствии с целями обучения и основными требованиями, выстроив модульную систему обучения китайскому языку в сфере туризма с профессиональными компетенциями в качестве основы, разделив все курсы на четыре модуля: курсы китайского языка, курсы туризма, комплексный курс специальных дисциплин и обязательное изучение обществоведческих наук. Для того чтобы удовлетворить потребности работодателей и выпускников, ищущих работу,

необходимо скорректировать план преподавания и увеличить число практических занятий. Практические занятия должны включать несколько видов занятий: практику в аудитории, практику на кампусе и практику вне кампуса.

С другой стороны, необходимо внести изменения в процесс проведения практических занятий аудиторного обучения, с переносом их в реальные туристические центры с известными достопримечательностями, такими как Музей истории Самарканда, площадь Регистан и другие. Это необходимо для качественного получения профессиональных умений и навыков в области овладения экскурсионным делом, таких как: навык разработки тем экскурсии, организационные навыки, навыки экскурсионного рассказа, навыки применения методических приемов и др. Кроме того, мы смогли провести комплексное практическое обучение по ряду предметов, связанных с туристическим делом: знания экскурсовода, речь экскурсовода и деятельность экскурсовода, с высокими результатами. Также Институт сотрудничает с предприятиями, в целях укрепления связи с туристическими фирмами для взаимовыгодного партнерства и развития на основе данных предприятий учебных баз практик за пределами кампуса для апробации «практического обучения на рабочем месте», предоставляя студентам практику по должностям гида, экскурсовода и руководителя тура.

III. Определить и создать высококвалифицированную команду преподавателей «дуального педагога» с сочетанием внутривузовских должностей на полный и неполный рабочий день

Программа «Китайский язык + туризм» подчеркивает актуальность применения знаний, и поэтому преподаватели, занятые в данном проекте, должны обладать не только профессиональными качествами в области преподавания китайского языка, но и навыками преподавания в сфере туризма, а также умением осуществлять деятельность в качестве технического персонала. По сравнению с преподавателями китайского языка и туризма, педагоги курса «Китайский язык + туризм» должны обладать более полной и глубокой базой знаний, широким спектром возможностей в обеих областях, и достаточной способностью применять профессиональные знания на практике. Учитывая прикладной характер изучаемого предмета, необходимо делать упор на практические аспекты обучения в процессе преподавания, а процесс передачи знаний должен основываться на культивировании профессиональных компетенций, максимально сокращая дистанцию между теорией и практикой. Поэтому создание педагогической команды «Дуальный педагог» с сочетанием преподавателей высокого класса, работающих на полную и неполную ставку, является наиболее востребованной и актуальной задачей. Преподаватели, работающие полный рабочий день, должны обладать качественными знаниями китайского языка и знаниями основ туристического бизнеса, при этом иметь определенный опыт работы в этой сфере. Преподаватели, работающие на полставки, должны быть практикующими специалистами, которые долгое время работали в индустрии туризма. Они должны обладать современными актуальными знаниями в индустрии туризма и умением в полной мере использовать их и свой богатый профессиональный опыт на практике для формирования у студентов профессиональных умений и навыков, а также понимания значимости и важности своей работы.

Литература

1. Ян Цюнь Построение модели развития талантов английского языка в сфере высшего профессионального туризма. Новости туризма Китая, 2006 № 006 (1-2).
2. Чэнь Сакуражи Се Чжаоли Культивирование талантов с профессиональной ориентацией Чжэцзян Дэйли 2007, стр. 014 (1-2).

А.Б.Ахмедов (Қарши давлат университети, доцент)

НЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ДИНАМИК НУҚТАИ НАЗАРДАН ТАДҚИҚИ

Аннотация: мақола замонавий тилшуносликда неологизмларни динамик нуқтаи назардан тадқиқ этишга бағишланган.

Таянч сўзлар: неологизм, статик аспект, кинематик аспект, динамик аспект, динамизм, динамик қолип.

Неологизмларни фаол тадқиқ этиш, асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Бу даврга келиб тилшуносликда неологизмларни ўрганувчи икки махсус соҳа, неология ва неография майдонга келди. Неологияда неологизмларнинг пайдо бўлиши, ясалиши, қўлланиши каби масалалар ўрганилса, неография, асосан неологизмларни турли луғатларда қайд этиш, махсус неологизмлар луғатларини тузиш каби масалалар билан шуғулланиб келмоқда.

Неологизмлар ҳозирга қадар турли нуқтаи назардан тадқиқ этиб келинди, хусусан структур-семантик, интегратив, статик (турғун), деривацион, социолингвистик ва ҳ.к. Ушбу ишда неологизмларни динамик нуқтаи назардан таҳлил қилиш борасида фикр юритилади.

Неологизмларнинг когнитив ва психолингвистик аспектдаги тадқиқи неология муаммосига динамик жиҳатдан ёндашуви билан ажралиб туради. Мазкур муаммони ўрганиш жараёнида махсус динамик аспект шаклланди.

Неологизмларни тадқиқ этишда дастлабки процессуал-динамик уринишлар структур-семантик йўналиш доирасида бажарилган анъанавий тадқиқотларда бошланган [2;3;4]. Бироқ ушбу тадқиқотларда процессуаллик ва динамика сўзга тил тизими бирлиги сифатида ёндашув доирасида тушунилган. Дарҳақиқат, Р.Ю.Намитокова «замонавий поэтик (шеърӣ) матнларда берилган неологик лексиканинг структур-функционал таҳлилини ўтказишга уринган эди» [4: 1]: у бундай янги ясалмаларнинг турларини, ясалиш усулларини ва матндаги вазифаларини аниқлаган.

Л.А.Кудрявцева ўзгаришларга қодирликни тил структурасининг асосий белгиси [2: 3], деб ҳисоблайди ва динамизмни тил тизими ўзгарувчанлиги ва тараққиёти механизми ҳамда манбаларини таъминлайдиган структур ўзгаришлар аспектида муҳокама қилиш зарурлигини асослайди.

Лексикани махсус тизим сифатида тасаввур этиш уни бирликлари ясалиши учун керак бўлган қолип ва қоидалар билан тўлдириш зарурлигини тақозо этади. «Айнан динамик қолип тил тизимини барқарор ва ҳаракатчан, стабил (турғун) ва ўзгарувчан яхлит бирлик сифатида кўрсатиш имконини беради» [2: 4]. Бироқ, бундай ёндашувда янги сўз, С.И.Тогоева фикрича, анъанавий парадигма доирасида ўрганилади, бу ҳолда нутқий фаолиятнинг асосий «манбаси» эътиборга олинмайди, бу жараёнда неологизмлар пайдо бўлади, инсон эса тил эгаси сифатида муҳим ўрин тутати [5: 79]. С.И.Тогоева Г.Е.Журавлев изидан бориб, неологизмларни 3 аспектда тадқиқ этишни таклиф қилади: статик, кинематик ва динамик [5: 81].

Статик аспект – бу тилнинг бир лаҳзалик ҳолатининг акс этишидир: қайд қилинган даврда мавжуд бўлган бирликлар, уларнинг алоқалари, муносабатлари, ясалиш қолиплари. Кинематик аспект – бу тизимнинг фаоллашиш соҳалари ва унинг «дам олиш», пасайишини намоён этувчи бир тур, сатҳ, соҳа ва ш.к. доирасида алоқа ва муносабатларнинг ўзгариши ва шаклланишини кўрсатадиган турли вақтдаги структураларнинг кетма-кетлиги, вақтинчалик ёйилган ҳолат. Динамик аспект сабаб-оқибат боғланишлари, муносабатлари ва белгиланган

даврда тил тизимининг муайян қисмидаги фаоллик сабабларини таҳлил қилишни тақозо этади.

С.И.Тогоева фикрича, анъанавий тилшуносликда динамика сифатида тушуниладиган жараён моҳиятига кўра ҳодисаларнинг кинематик аспекти ҳисобланади [5: 81]. Айни пайтда, динамик тавсиф статик структура асосида муфассал баён қилинади ва намоён бўлган кинематик боғлиқликни изоҳлайди [1: 23-25].

Демак, динамик аспект кинематик ва статик аспектлар билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тақозо этади ва тўлдиради. Неологизмларни динамик аспектда тадқиқ этиш ушбу мураккаб ҳодисанинг муҳим хусусиятларини аниқлашда ўзига хос аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Журавлев Г.Е. Структура эксперимента по вероятностному прогнозированию [Текст] // Вероятностное прогнозирование в деятельности человека. – М., 1977. – С. 22-59.
2. Кудрявцева Л.А. Обратный деривационный словарь русских новообразований [Текст]. – Киев, 1993. – 156 с.
3. Мусаев, Али Меджид оглы. Устойчивость языковой системы и развитие языка (на материале лексики французского языка 1900-1985 гг.): автореф. дис. ... д-ра филол. наук [Текст]. – Баку, 1989. – 54 с.
4. Намитокова Р.Ю. Авторские новообразования: структура и функционирование (на материале современной русской поэзии): автореф. дис. ... д-ра филол. наук [Текст] / Р.Ю. Намитокова. – М., 1989. – 33 с.
5. Тогоева С.И. Новое слово: подходы и проблемы [Текст] // Психолингвистические проблемы функционирования слова в лексиконе человека: кол. монография / Под общ. ред. А.А.Залевской. – Тверь, 1999. – С.75-101.

У.Б.Усмонова (Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси)

ПУБЛИЦИСТИК МАТННИНГ СИНТАКТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (ТОҲИР МАЛИК ПУБЛИЦИСТИКАСИ МИСОЛИДА)

Аннотация. Ушбу мақолада публицистик матннинг ўзига хос синтактик-стилистик хусусиятлари Тоҳир Малик публицистикаси мисолида кўриб чиқилган ва илмий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: публицистика, публицистический текст, произведение, смысл, отношение, стилистика, стиль.

Маълумки, тилда мавжуд бўлган турли хил услубий ёки синтактик воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилганда, аввало, уларнинг нутқнинг қайси кўриниши учун хосланганлиги, қўлланилиш даражаси, эмоционал-экспрессивлиги ҳисобга олинади. Нутқнинг турли кўринишларига оид матнлар синтаксисини ўрганиш маълум услубга хос қурилмаларни, шунингдек, матн муаллифи тили ва услубига доир хусусиятларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабий тил «умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум нормага солинган, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи формаси» ҳисобланади. Белгилаб қўйилган мезонлар асосида оғзаки ёки ёзма нутқни шакллантириш, адабий тил талабларига жавоб берувчи маданий нутқни яратиш сўзловчи ёки ёзувчидан тилнинг грамматик қурилишини, қонун-қоидаларини яхши билишни ва лисоний бирликларнинг турли маъно нозикликларини ифодалаш имкониятларидан фойдаланиш маҳоратини талаб этади. Тил бирликларини тўғри танлай билиш ва қўллаш имконияти ҳар бир ижодкорда турлича намоён бўлади.

Ёзувчи Тоҳир Маликнинг публицистик асарлари жамият ижтимоий ҳаётининг энг долзарб муаммоларини кўтариб чиққанлиги, ифода-тасвир воситаларига бойлиги, таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Ёзувчи асарларининг синтактик жихатдан ўзига хослиги мақолани номлашида ҳам кўринади. Маълумки, сарлавҳа қуйидаги вазифаларни бажа-ради: 1) мақолани номлаш; 2) мақоланинг мазмунини билдириш; 3) рекламалилик (8.27.6). Масалан: «Мен танлаган йўл», «Пойдевор», «Ёзувчи ва жамият», «Сўз қадри», «Авлодлар ҳукми», «Дунёқараш» (Т.Малик, Танланган асарлар, еттинчи жилд.- Тошкент: Шарк 2008) каби сўз ва сўз бирикмаси – сарлавҳалар мақолани номлашдан ташқари ўқувчи эътиборини жалб этиш, мақола мазмуни билан танишишга қизиқтириш, таъсирчанликни таъминлаш, рекламалилик каби бир қатор вазифаларни ҳам бажармоқда.

Тоҳир Малик публицистик асарларининг айрим синтактик хусусиятлари қуйидаги ҳолларда аниқ кўзга ташланади:

Ёзувчи публицистик асарлари диалогик характерда бўлиб, журналист саволлари ва муаллиф жавобларидан иборат. Масалан: *Сизнингча бола тарбиясига ким устароқ? Бобобувиларми ёки ота-оналар?*, — *Сизнингча 21 асрда 20 ёшга кирган ўғил-қизларда қандай сифатлар кўп учраяпти? Ижобийми ёки салбийми?*, *Бугунги ҳаётингиз, оилангиз ҳақида ҳам билсак? Ўз ҳаётингизда ҳам росмана гаройиб ҳодиса рўй берганми?* (Т.Малик) каби ҳаётнинг маиший томонлари, ёзувчининг турмуш тарзи билан боғлиқ сўроқ гаплар кўп қўлланилган. Диалогнинг бу шакли, асосан, публицистик матнларга хос бўлиб, у журналист коммуникатив мақсадининг амалга ошишига хизмат қилиб, ўқувчининг эътиборини жалб этиш вазифасини бажаради.

Бундан ташқари диалогик нутқда сўроқ гаплардан ҳам унимли фойдаланган, сўроқ гапларда суҳбатдош сўзловчининг сўроғига жавоб беришга, унга ўз муносабатини билдиришга ундалади улар қуйидагича ифодаланган: – Болалигингизда қандан ўйинлар ўйнагансиз?

-Бирон нимадан нарозилигингиз ҳам борми?

-Шунинг учун айрим манзараларни шавқатсизлик билан тасвирлаганмисиз?

(Т.Малик. Даракчи газетаси. 2000 йил).

Ёзувчи публицистикасида уюшиқ бўлакли гаплар ҳам кенг қўлланилган. Гапларда уюшиқ бўлақлар белгили ёки белгисиз шаклларда қўлланилган. Бу ҳолатларда ҳам маълум бир услубий мақсад кўзда тутилган. Масалан, қуйидаги гапда грамматик кўрсаткич бўлган тушум келишиги қўшимчасининг уюшиқ бўлақларнинг охиригисига қўшилиши умумийлик мазмунини ифодалаган: *Ота-онаси, оила аъзолари, қариндошлари, қўшилари, ҳамкасбларини* ранжитиб юрган одам беш вақт намоз ўқиб қўйгани учун Худонинг розилигига етиша олармикин? (Т.Малик, Тил ва адабиёт журнали, 1996 йил).

Ҳар бир уюшиқ бўлақнинг грамматик кўрсаткич олган ҳолда ишлатилиши гапда ифодаланаётган мазмунни янада кучайтиришга хизмат қилади: Бола туғилгунича ўзаро *ҳурматни, озодаликни* касб қилиб олишлари керак. Бир-бирларига *бақирмасликни, гап қайтармасликни, бировларни гийбат қилмасликни* ўрганиб олишлари керак. Агар ўрганмасалар, фарзандлари қайсар бўлса, гап қайтарса, бақирса, буюрилган ишни бажармаса айбни ўзларидан қидирсинлар (Т.Малик Тил ва адабиёт журнали, 1996 йил).

Гап бўлақларининг уюшган тарзда қўлланиши гапда ифодаланаётган фикрларни янада бўрттириб тасвирлашга, шунингдек, таъсирчанликни оширишга, матнга публицистик рух бағишлашга хизмат қилади. Масалан, публицистик матнларда ундов гапларнинг уюшиқ тарзда қўлланиши фикрни таъсирчан ифодалашга хизмат қилган: *«Навоий бобом!»* ёки *«Бобур бобом!»* деб лоф урганимиз билан уларнинг ижодидан бебаҳра бўлсак уят эмасми? Тасаввур қилинг, шундай даврага ёзувчи келди. Зиёфатда ичиб, маст бўлиб олиб, оёғини дастурхонга узатганича оғзига келган гапларни вайсай бошлади. Аллоҳ сақласин!» , «Эҳтимол «аҳмоқ» дегандирлар. Баъзи оналарга ўхшаб: *«Балогинага учра!»*, *«Қўлинг синсин!»*, *«Башаранг қурсин!»* деган лаънатлар онамизнинг тилларидан сира учмаган. Шундайлардан бўлишдан Худо асрасин!»(Т.Малик, Маърифат газетаси, 1993 йил).

Муаллиф томонидан қўлланган *«Қозонга яқин юрсанг — қораси юқади», «Ўғри қариса сўфи булар...», «Оч қорним — тинч қулогим»* каби мақоллар публицистик эмоционал-

экспрессивлигини оширишга хизмат қилади.

Кириш сўзли гаплар ёзувчи индивидуал услубининг ўзига хослигини кўрсатишга хизмат қилган. Мисоллар: – Шубҳасиз, Ватанга муҳаббат тушунчасини икки равишда ўрганиш мумкин.

-Тўғри, мадҳ этмоқ ҳам лозим, аммо бу бир заррадир холос.

-Ҳар қандай асардаги воқеалар, албатта, қандайдир ҳаётий асослари бўлади.

- Хуллас, дилимиздаги диёнат бизларни шунга даъват этади.

каби. (Т.Малик, Постда газетаси.2006 йил).

Тоҳир Малик публицистикаси матнларида ёйиқ содда гапларнинг қўлланиш даражаси қўшма гапларга нисбатан анча юқори.* (9.23.б). Бундай матнларда қўшма гапларнинг тенг ва тобе таркибли турлари кўп қўлланилиб, улар биринчи қисмлар ёки иккинчи қисмлари бир таркибли гаплардан иборат бўлганда матнда ўқувчига маълум бир воқеа-ҳодисалар тўғрисида ахборот етказиш, таъкидлаш, воқеаларнинг кетма-кет амалга ошиши, хулосалаш, урғу бериш, ундаш, изоҳлаш, қатъийлик, эслатиш каби қатор маъно муносабатлари ифодаланади.* (7.15-16.б).

Хуллас, Тоҳир Малик жамият ва табиатда бўлаётган ҳар бир ўзгариш, ҳар бир ҳодисанинг зукко кузатувчиси сифатида адабий тилимизнинг нозик қирраларини англай олган ва тилдаги ҳар бир бирликни услубий восита сифатида қўллай олган моҳир сўз санъаткоридир. Ёзувчининг публицистик асарлари матнини лингвостилистик жиҳатдан тадқиқ этиш, адибнинг индивидуал услуби, адабий тил воситаларидан фойдаланиш маҳорати тўғрисида муайян хулосаларга келишга имкон беради.

Адабиётлар

1. Абдусаидов А. Язык газеты и литературная норма: Автореф.дис.... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988;
2. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол.фан.д-ри. ... дис. автореф. – Тошкент, 2005;
3. Абдусаидов А.. Газета жанрларининг тили ва услуби. – Самарқанд, 2001;
4. Абдусаидов А.. Газета тилида мақоллардан фойдаланиш. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1987;
5. Абдусаидов А.. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1991 ва бошқалар.
6. Бобоева А.Газета тили ҳақида.Тошкент: Фан, 1983.Б.27.
7. Джумабаева Д.Ш. Мустақиллик даври публицистик асарларидаги қўшма гаплар талқини: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. – Тошкент,2006, 15-16-бетлар.
8. Курбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф.дис. ...канд.филол.наук. Ташкент,1987.
9. Мамажонов А. Стилистические особенности сложных предложений современного узбекского литературного языка: Автореф.дис. ...д-ра филол.наук. – Ташкент, 1991, с.23

O.A.Ruzmetova (Urganch davlat universiteti tayanch doktoranti)

SINTAKTIK-DERIVATSIYA HAQIDA QARASHLAR.

Annotatsiya: Har qanday sohaga oid terminlar yasalishida sintaktik derivatsiya muhim ahamiyatga ega. Sintaktik derivatsiya hodisasi XX-asrning ikkinchi yarmida keng qamrovli tadqiqot mavzusi bo'lgan, ammo hozir ham sintaktik derivatsiyani o'rganish o'zbek tilidagi so'z shakllarining dolzarb muammolaridan biridir. Maqolada sintaktik-derivatsion xususiyatlar haqida muhokama boradi.

Kalit so'zlar: sintaktik derivatsiya, transformatsiya, so'z yasalishi, derivat.

Sintaktik derivatsiya hodisasi XX-asrning ikkinchi yarmida keng qamrovli tadqiqot mavzusi bo'lgan, ammo hozir ham sintaktik derivatsiyani o'rganish o'zbek tilidagi so'z shakllarining dolzarb muammolaridan biridir[1].

Sintaktik derivatsiya tushunchalarining asoslarini Sh. Ball-Li (transformatsiya haqidagi ta'limot doirasida) va Eji Kurilovichlar yaratganlar. Derivatsiyaning ikki turini farqlash masalasini Kurilovich o'rgangan bo'lib, gap bo'laklarining birlamchi va ikkilamchi sintaktik vazifalarni ajratib ko'rsatishni taklif qilgan. Uning fikricha har bir gap bo'lagi o'ziga xos sintaktik vazifalarga ega bo'lib, ulardan biri asosiy hisoblanadi. Kurilovich derivatsiya tushunchasiga ta'rif berib, sintaktik derivatsiya deganda mazmuni asl shakl bilan bir xil, lekin sintaktik vazifasi boshqacha bo'lgan shakl ekanligini qayd etgan. U tomondan taklif qilingan derivatsiya jarayonining formulasi quyidagicha ko'rinadi: qandaydir shaklning (ayrim so'zning) sintaktik funksiyasining o'zgarishi A ning B ga (xuddi shu leksik funksiyaga ega) rasmiy o'zgarishga olib keladi[2].

E.Kurilovich so'z yasashining butun tizimini leksik va sintaktik derivatsiyaga bo'lish haqidagi g'oyasi chex tilshunosi M.Dookulil tomonidan qabul qilingan va to'ldirilgan. U so'zning lug'aviy ma'nosini o'zgartirmagan holda nutqning bir bo'lagidan ikkinchisiga aylanishini transpozitsiya deb atagan. M.Dokulil nisbiy sifatlar, ish-harakat uchun nom vazifasini o'taydigan otlashgan fe'llarning yasashini transpozitsiyaga bog'lagan[3].

Transformatsiya tushunchasi strukturalistlar tomonidan tom ma'noda sintaktik strukturalarga nisbatan qo'llanilgan edi va bugungi kunda ham mazkur tushuncha, asosan, gapning sintaktik strukturasining tahlilida samarali ishlatilmoqda. Sintaktik derivatsiya shakllanishi albatta tayanch strukturaga asoslanadi. Bu jihatdan struktura muhim ahamiyat kasb etadi. Tayanch struktura bo'lmas ekan, hosila struktura shakllanmaydi. Bu esa muayyan tayanch strukturaga ikkinchi bir strukturaning bog'lanishi jarayoni bir paytning o'zida derivatsion jarayonni ham voqelantirishni ko'rsatadi. Biroq tayanch strukturaning shakllanishi ham boshqa bir strukturaga asoslanadi. Bunday struktura tub struktura maqomida bo'ladi. Bu esa, o'z navbatida, derivat (hosila) tayanch struktura orqali tub struktura bilan ham bog'lanishini anglatadi[4].

Sintaktik derivatsiya faqat gap emas, balki so'z birikmalariga ham dahldordir. L.N.Murzin ham o'zining dastlabki mulohazalarida sintaktik derivatsiyani faqat gapga taalluqli deb talqin etadi. Shu bois sintaktik derivatsiyaning boshlang'ich nuqtasi ham, oxirgi nuqtasi ham gap ekanligi ta'kidlangan[5].

N.Q Turniyozov sintaktik derivatsiya ta'rifini quyidagicha bergan: "Sintaktik derivatsiya – bu sintagmatik qator bo'ylab ma'lum bir qurilma asosida yangi sintaktik qurilma hosil qilinishidir." [6].

Sintaktik derivatsiyani o'rganishning dolzarb muammolari an'anaviy hisoblanadi, xususan sintaktik derivatsiyaning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish tilshunoslarning muhim vazifalaridandir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Полтавский П.Х., "Синтаксическая деривация в аспекте современных лингвистических исследований – Вестник Московского Университета, Серия 9. 2012. №2. С. 107.
2. Курилович Е, Деривация лексическая и деривация синтаксическая / Очерки по лингвистике. – Москва. 1962. С. 68.
3. Мусатов В.Н. Синтаксическая деривация полисемантических отглагольных суффиксальных существительных. Орловский государственный университет – Россия, 2010.
4. Aliyeva Sh.A. Tilning turli sath birliklari transformatsiyasi va derivatsiyasi. Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Farg'ona, 2019. B. 17.
5. Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (анализ производных предложений русского языка). – Пермь, 1974. С. 7.
6. Turniyozov N.Q. O'zbek tili derivatsion sintaksisiga kirish. – Samarqand, 1990. B.

NOMINATIVE, EXPRESSIVE AND CONSTRUCTIVE FUNCTIONS OF COMPOSITES IN COLLOQUIAL WORD FORMATION

Annotation: The author considers the high productivity of composites in English colloquialism, analyzes distinctive derivational models. The author studies the features of composites that play an active role in colloquial word formation and perform nominative, expressive and constructive functions.

Keywords: expressive function, colloquial words, derivational models, colloquial composites, colloquial lexis.

Many problems of modern linguistics converge in the study of colloquial speech. Spoken language is used in one of the main areas of communication, in which the communicative function of language is most clearly manifested. Spoken speech is the sphere of all kinds of innovations and transformation of the occasional into the ordinary, the individual into the socially conscious, the neutral into the emotional, the expressive, the stylistically marked, the non-literary into the literary. Spoken speech is the sphere of various transformations of the language, contributing to its qualitative enrichment, more fractional and subtle stylistic differentiation and its improvement, i.e. in colloquial speech, the national language is updated and, ultimately, formed.

At the same time, L.P. Katlinskaya explains the so-called “potential words as follows: “These are specific units of vocabulary: secondary as the main property of their constructive characteristic, which determines the usefulness of the performance of such a unit of the nominative function, “sets” its verbal status ... Any potential word is undoubtedly word regardless of whether it fell into the field of view of the compilers of general-purpose dictionaries or not” [2004: 110].

All this is directly reflected in the process of nomination, in the formation of derivatives and composite words. New words appear to denote new objects, phenomena, concepts, cp.:

brain drain - departure of qualified personnel abroad;

non-violence - rejection of violent methods of struggle, etc. As you can see, hyphen-free composites are also possible.

All these are actually nominatives, while transnominatives are new words that already have neutral names in the codified literary language:

legman (coll.) - “reporter”, cp. *newsman*;

trannie (coll.) – “sedative”, cp. *tranquilizer*, etc. [ELD 2007; ALED 2008].

Derivative and composite substantive formations of colloquial vocabulary are predominantly transnominatives, because they call words denoting already existing concepts, objects and phenomena. Such colloquialisms in contrast to the codified literary language express one or another emotional-evaluative attitude towards the object of the nomination.

At the same time, as can be seen from the above, “the functional aspect is recognized as the most important in determining the new word (new in the broad sense: secondary (= derivative) in relation to the language unit motivating it)” [Катлинская 2004: 104].

The most active role in colloquial word formation is played by composites that perform the following nominative, expressive and constructive functions.

1. Composites can be created for nominative purposes to give this or that phenomenon of reality the name necessary for the act of communication:

car-napper - car thief, autothief /cp. *kidnapper*/;

head-hugger - women's headdress, fitting the head;

piggy-bank – place for money;

think-tank – “a centre of thinking process”, a team of scientists;

head-falsie – “wig”, “hair cap”, etc.

2. The tendency inherent in colloquial speech to an emotional, affective way of expression is manifested in the creation of composite words, not only naming an object or phenomenon, but also expressing a subjective assessment:

meat-head - blockhead, stupid, sheep's head;

lucky-piece - an illegitimate child from a wealthy father;

lame-brain - /US/ fool, bad;

sourpuss - grumbler;

string-bean - tall, thin person, "pole";

crape-hanger - /US/ a whiner who poisons the pleasure of others. The first component acts as an amplifier or concretizer of the meaning of the reference word.

The desire to achieve the effect of expressiveness determines the active generation in colloquial speech and literary text of all kinds of occasional words, including composites. These are the author's words, which are a derivatively diverse product of individual creativity.

As a rule, during their formation, the laws of construction of the corresponding general language units, the norms of the language are violated (intentionally for the sake of expressiveness).

In general, "these are words for which the nominative function is secondary in comparison with the primary emotional-expressive one, and therefore, in the general case, occasionalisms are not dictionary words, but purely individual, often authorial ones" [Катлинская 2004: 110].

For example, combinations of bases of the following composites seem not quite usual in terms of meaning: *experiencescarred* ("covered with scars as a result of a certain way of life"), ("covered with wrinkles because of time"), etc. It is obvious that such a semantic combination of bases creates a certain stylistic effect and tangible expressive connotation.

3. Composites convey the content of any syntactic construction with the help of one word:

hell-raiser - brawler, squabbler [cp. a person who raises hell];

eye-popper - amazing event, you'll pop it in the eye [cp. something that makes the eyes pop];

pop-catcher - something that catches the eye.

Such lexis is already partially receiving its codification status in the latest explanatory dictionaries as referring to informal, colloquially reduced speech deviating from the current norm ["informal"]:

For example: *hell-raiser* (*hell-raisers*). If you describe someone as a hell-raiser, you mean that they often behave in a wild and unacceptable way, especially because they have drunk too much alcohol ["informal"] [ALED 2008: 678].

The impact on the productivity of the model of composite word formation can be explained by its structural and semantic proximity to the model of the original word combination, which is unlimited in its derivational activity. Thus, the high productivity of the composite in English colloquialism is distinguished by models built by analogy with the structure of the corresponding phrases in the common English language: n + adj: *snow-white*; n + PI: *freedom-loving*; adj (n) + n + ed" *blue eyed*, etc..

List of used literature

1. Катлинская Л.Л. Проблема слова и словообразование // Филологические науки. - М., 2003. - №3. - С. 102-110.

2. Advanced Learner's English Dictionary. - London: Collins Cobuild, 2008. - 1712 +32 p. [ALED].

3. English Language Dictionary. - London: Harper Collins Publishers, 2007. - 1703 p. [ELD].

КОНЦЕПТНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ

Аннотация. Концепт атамасини талқин қилиш, лисоний ифодаланиши ва уни таҳлил этиш услублари, унинг миллий менталитет ва маданият, тил ва лисоний тафаккур билан боғлиқлигини ўрганиш ҳозирги кунда долзарб саналади. Концептларни ўрганиш концептуал ва лисоний дунё образларини тушунишга, миллий ўзига хосликни аниқлашга ёрдам беради. Концепт кўпгина лексик бирликларнинг маъноларини ўзлаштиради ва уларни фақат сўз билан эмас, балки сўз бирикмасида, жумлада, матнда ҳам реаллаштиради.

Калит сўзлар: концепт, лингвомаданият, қиймат ва баҳо, тил, тафаккур.

Лингвомаданият ёндашувда, концепт маданиятнинг асосий бирлиги, унинг концентрати сифатида эътироф этилади. Ю.С. Степановга кўра, “концепт – инсон онгида маданиятнинг қуйқасига ўхшайди... Бошқа томондан, концепт – инсонни маданият билан боғлайди (Степанов, 1997: 40). Шундай қилиб, концептлар маданий доминантлар, ўзига хос маданий константалар сифатида пайдо бўлади (Ўша манба, 45).

Концептлар, одатда, инсон турмуш тарзи билан боғлиқ маълум тушунчаларни махсус қолипларга солиш, лисоний ва маданий мавжудлигини белгилашга қаратилади (Мардиев, 2016: 36).

В.И. Карасикнинг фикрича, концепт лингвомаданиятнинг асосий бирлиги бўлиб, унинг моҳиятини “қиймат, образ ва тушунчали томонлари ажратиб кўрсатилган кўп ўлчовли семантик қурилма” деб тушунишни таклиф этади (Карасик, 2002: 129). Концептнинг таърифини С.Х. Ляпин қуйидагича тушунтиради: “бирон-бир белги мазмунига бириктирилган тушунчали асосга асосланган ўз-ўзини ташкил этувчи интегратив функционал-тизимли кўп ўлчовли идеаллаштирилган шакл шаклланиши... Концептдаги асосий нарса – мазмуннинг кенг қамровли ва дискрет яхлитлигидир... узлуксиз маданий-тарихий маконда ҳосил бўлиб, бир мавзу доирасидан бошқасига маданий ўтишига мойил” (Ляпин, 1997: 18-19).

Концептнинг лингвомаданият йўналишининг ўрнини тушунтирар экан, В.В. Карасик “концепт ҳақида, концептуаллаштираётган майдон лисоний тафаккурда бир сўзли тушунча орқали ёритилгандагина гапирамиз”, деб ёзади (Карасик, 2002: 130). В.П. Нерознакнинг фикрига кўра, миллий маданият концепти – бу сўзда ёритилган оламнинг миллий манзарасининг бир қисмини акс эттирувчи муҳим (сигнификатив) образдир. Концепт-сўзда миллий-маданий тасвир мавжудлигини/йўқлигини таржиманинг эквивалентлик тушунчаси орқали аниқлаш мумкин: “Оламнинг миллий манзарасини акс эттирувчи маданий концептлар, эквиваленти бўлмаган бирликлардир, яъни таржима жараёнида сўзма-сўз эмас, балки изоҳ билан берилиши керак. Эквивалентсиз сўз... айнан шу материал орқали фундаментал миллий-маданий концептлар рўйхатини тузиш лозим бўлган лексикондир (Нерознак, 1998: 85). Концептлар луғатини яратиш муаммолари (Нерознак, 1998; Слышкин, 2001) асарларида белгиланган.

Тил ва онгнинг жамоатчиликнинг яшаш шароити, асрлар давомида тўплаган тажрибаси, билими, дунёқараши акс эттирган ҳолда бир даврда пайдо бўлиши ва ривожланиши эътироф этилганлиги инсоннинг когнитив амалларининг маҳсули деб қараш мумкин (Сафаров, 2015: 295).

С.Г. Воркачевнинг сўзларига кўра, концептни лингвомаданият хусусиятлар билан белгиланган ментал таълим сифатида аниқлаш – гуманитар билимларнинг антропосентрик парадигмасини шакллантиришда аниқ қадамдир (Воркачев, 2001: 67). С.Г. Воркачев миллий лисоний тафаккур мазмунини аниқлайдиган “автохтон” ва “универсал” лингвомаданият концептларни фарқлашни таклиф қилади. Бу концептларнинг умумийлиги миллатнинг маданияти жамланган тилнинг концептуал соҳасини ташкил этади. Тор маънода, лингвомаданият концептлар қаторига этномаданият хусусиятлар билан белгиланадиган ва муайян этномаданият вакиллари тавсифлайдиган ментал тузилмалар киради.

Лингвомаданият нуқтаи назаридан концептга умумий таъриф қуйидагича акс этади: “Концепт – билим/тафаккурнинг умумий бирлиги бўлиб, лисоний ифодага эга бўлган ва этномаданий хусусият билан белгиланган энг олий маънавий қадриятларга бориб тақалади (Воркачев, 2001: 70).

Фалсафий нуқтаи назардан қиймат ва баҳолаш тушунчаси аксиологик трансцендентализм вакили Г. Риккерт томонидан аниқ ажратилган. “О понятии философии” (“Фалсафа тушунчаси тўғрисида”) деб номланган мақоласида Г. Риккерт қиймат ва баҳолашни идеал борлиқ тушунчаси ва баҳолаш субъектининг аклий ҳаракати сифатида баҳолайди. Файласуфнинг фикрича, қиймат на объектга ва на субъектга тегишли бўлиб, балки бутунлай мустақил салтанатни, воқелик оламининг тескарисини ташкил этади. Файласуфларнинг вазифаси – ана шу икки соҳани маъно оламига бирлаштиришдан иборат. Лекин фақат қиймат асосида субъектнинг мазмунига ва унинг баҳолаш актларига кириб бориш мумкин (Риккерт, 1998: 35).

В.И. Карасик қийматни хулқ-атворнинг энг юқори кўрсатмалари, маданиятнинг энг асосий хусусиятлари сифатида белгилайди. Қиймат-баҳолашнинг асоси бўлиб, предметларни, сифатларни, ходисаларни тасвирлашда инсон қиладиган афзалликлардир. Қиймат (умуминсоний, этник, гуруҳий ва индивидуал) баҳо орқали намоён бўлади (Карасик, 1996).

В.Н. Телиянинг ёзишича, баҳолашни ифодаловчи ахборот тури белгиланган объектнинг қийматини билиш билан изоҳланади. “Баҳолаш белгиланган ифоданинг бир бутун ёки унинг бир қисми (баҳолаш объекти) қиймати ҳақидаги ҳукмни англатади, аммо баҳолашнинг ўзи турли аспектларга эга... бу жиҳатларнинг реестри субъектнинг объектда қандай қиймат кўришига боғлиқ” (Телия, 1996: 109).

Карасикнинг ишида, бир-бирига боғлиқ қиймат ҳукмлари шаклида қайта тузилган оламнинг қийматли манзараси мавжудлигини таъкидлайди. Оламнинг қиймат манзарасида маълум маданият учун энг муҳим маъноларни аниқлаш мумкин: қиймат доминантлари, унинг умумийлигида маданиятнинг муайян тури ташкил этилади (Карасик, 1996: 5). Концептнинг этномаданий хусиятлари сўзлар, барқарор иборалар ва прецедент матнлар маъноларида акс этган хулқ-атвор стереотипларидан келиб чиқадиган қиймат ҳукмларини таққослаш асосида аниқланиши мумкин.

Н.Ф. Алефиренко маданий қиймат моддий ва маънавий объектлар сифатида эмас, балки унинг қиймати кўрсатмалари бўлиб хизмат қиладиган атроф-муҳитга модус (маданий ифодага эга) муносабатлар сифатида тушунилганлигига эътибор қаратади. “Қиймат ориентирлари схемаси шахс ички тузилишининг энг муҳим элементи бўлиб, унга кўра шахс ҳаёти учун аҳамиятли бўлган нарсалар аҳамиятсиз нарсалардан чегараланади. Қиймат ориентирлари тизимидаги стереотипларни аниқлаш – тарихий лингвомаданиятнинг энг муҳим вазифасидир, чунки улар этномаданий тафаккурнинг муайян доирасини ташкил этади... Фақат... қиймат-мазмунли контекстда инсон ҳаёти маданият предметиға, унинг нутқий фикрлаш фаолияти эса лингвомаданият предметиға айланади” (Алефиренко, 2002: 160).

Қиймат ва баҳолашнинг яқин муносабати, бизнингча, концепт мазмунида ягона қиймат-баҳо қатламининг мавжудлиги ҳақида гапириш имконини беради.

Лингвомаданий нуқтаи назардан Ж.Н. Маслова концептларни қуйидаги гуруҳларга ажратади: 1) олам – масалан, *макон, вақт, сана*; 2) элементлар ва табиат – *сув, ёнгин, ўтин*; 3) инсон ҳақида ғоялар – *интеллектуал, янги рус*; 4) маънавий тушунчалар – *ҳақиқат, виждон*; 5) ижтимоий тушунчалар ва муносабат – *озодлик, уруш*; 6) эмоционал – *бахт, севги*; 7) артефактлар олами – *уй, шам*; 8) илмий билим концептуал соҳаси – *фалсафа, филология*; 9) санъат концептуал соҳаси – *мусиқа, рақс* ва бошқалар (Маслова, 2012).

Шундай қилиб, лингвомаданий концепт тил, тафаккур ва маданиятни комплекс тарзда ўрганишда қўлланиладиган шартли ментал бирлик сифатида тушунилади. Лингвомаданий концептнинг мазкур учта соҳага алоқаси қуйидагича ифодаланади: тафаккур – концептнинг

ҳосил бўлиш майдони; маданият – концептни аниқлайди; тил ва ёки нутқ – концептнинг белгиланадиган соҳаларидир (Карасик, Слишкин, 2001, 76).

Адабиётлар рўйхати

1. Алефиренко Н.Ф. Поэтическая энергия слова. Синергетика языка, сознания и культуры. – М.: Академия, 2002. – 394 с.
2. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкознании // Филологические науки. 2001. №1. – С.64-72.
3. Карасик В.И. Культурные доминанты в языке // Языковая личность: культурные концепты. – Волгоград: Перемена, 1996. – С. 316.
4. Карасик В.И., Слишкин Г.Г. Лингвокультурный концепт как единица исследования. Методологические проблемы когнитивной лингвистики. – Воронеж: Воронежский государственный университет, 2001. – С.75-80.
5. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.

М.Х.Зайниева (СамДЧТИ таянч докторанти)

МАТН ВА УНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАВСИФИДАГИ МУНОЗАРАЛИ МАСАЛАЛАРГА ДОИР

Аннотация. Мақолада XX аср тилшунослигида муаммоли ва мунозарали масалалардан ҳисобланган глобал синтактик структура тушунчаси ва унинг компонентлари хусусида айрим мулоҳазалар ва унинг илмий тадқиқи, тавсифи хусусида фикр юритилган. Лингвистикада глобал синтактик структура тушунчаси ва унинг компонентлари хусусида ҳамда унинг тавсифи билан боғлиқ олиб борилган ишлар, тадқиқотлар, уларнинг муҳим натижалари қайд этилган. Ушбу фикр ва мулоҳазаларга муаллиф ўз нуктаи назаридан муносабат билдирган ҳамда тегишли хулосаларга келган.

Калит сўзлар: Синтактик структура, лисоний бирлик, гап, жумла, предикативлик, матн, матн бирлиги.

Тилшунослик фани тараққиёти асрлар оша инсоният ҳаётининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кўплаб босқичларни босиб ўтди. Бу босқичларнинг ҳар бирида ўзига хос вазифалар бажарилди. Қайд этиш лозимки, муайян бир давр учун хос бўлган масалалар ечими бошқа бир давр учун катта аямият касб этмаслиги ҳам мумкин. Аммо шуниси аҳамиятлики, ҳар қандай натижа ҳам ўзидан кейин шаклланган босқич учун қандайдир хулосалар чиқаришда, муайян масалаларни ҳал этишда хизмат қилиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди[4, 5].

Фан тараққиётининг ҳозирги даврига келиб, матннинг ўзига хос жиҳатларини кенг қўламда ва ҳар томонлама чуқур ўрганиш учун эҳтиёжлар мавжуд бўлгани боис тилшунослар томонидан ана шунга йўналган масалаларни ўрганишга киришилди. Бошқача айтганда, бугунги давр тилшунослигида матн ва унинг масалаларини ўрганиш долзарблик ва устиворлик касб этмоқда [1].

Маълум бир даврлар бўлдики, бу даврда тилнинг фонетик, фонологик, лексик, семантик, фразеологик, морфологик, синтактик, стилистик, лексикографик муаммолар ечимига эҳтиёжлар юқори даражада эди. Бир қараганда мазкур соҳаларнинг натижаларига бугунги кунда ҳам эҳтиёж мавжудлигини инкор этиш ноўрин. Бироқ ушбу соҳаларда эришилган натижаларнинг том маънода қиммат касб этиши, уларнинг амалий қўлланишини аниқ қайд этиш, янада аниқроқ тасаввур этиш, мавжуд янгиликлардан амалда фойдаланиш учун фан тараққиётида эришилган натижаларни матнда, матннинг шаклланиши, матн синтактикаси, матн семантикаси ва прагматикасида нечоғлик аҳамият касб этишини ўрганиш долзарб бўлиб бормоқда [2]. Бунинг ўзига хос собаблари бор. Чунки тилдан фойдаланиш, жаҳонда бугунги кунга келиб ниҳоятда ўзгача тус олди. Бундай ўзгариш тез суръатларда

ўсиб бормоқда. Шунинг учун ҳам матнни анализ қилиш орқали эришилаётган натижалар бугунги кунда коммуникатив-прагматик, когнитив-прагматик, ижтимоий-психологик, ижтимоий-гендер муносабатлар нутқий актларнинг энг кичик кўринишларида ҳам коммуникатив-функционал аҳамият касб этар экан, юқорида қайд этилган қарашларимизнинг нечоғлик муҳим ва аҳамиятли эканини инкор этиш мумкин эмас.

Кўп даврлар мобайнида тилга информатив вазифани бажарувчи восита сифатида қаралган бўлса, муайян бир даврларда уни мулоқотни амалга оширишдаги қурол – восита сифатида қаралди. Бироқ ижтимоий ҳаёт тажрибалари шуни кўрсатдики, тилнинг потенциали, унинг куч-қудрати, намоён бўлиш шакллари ва шу каби бошқа хусусиятлари унинг ниҳоятда қиёслаб бўлмас даражадаги қудрат ва имкониятлар манбаи эканини тан олишга, эътироф этишга мажбур қилмоқда [3]. Демак, тилни илмий ўрганишнинг янги босқичи олдида турган тадқиқотлар ўз тадқиқотчиларидан айна давргача бўлган муносабатлардан кескин фарқланувчи ёндашувларни амалга оширишлари лозим кўринади. Бу, бизнингча, кечиктириб бўлмас масалалар сирасига киради. Унинг тадқиқот объекти, ҳеч шубҳасиз, нутқ ва матн бўлади. Албатта, нутқ лингвистикаси, матн тилшунослиги масалалари билан шуғулланиш лозимлиги ҳақида жуда кўп тилшунослар фикр билдирганлар. Бу мазкур соҳанинг актуаллик касб этиб бораётганини кўрсатади. Биз эса, матнни ўрганишда унинг маълум бир томонини эмас, балки уни яхлитлигича ўрганишга, бошқача айтганда, яхлит ўрганишлар натижаси сифатида юзага келган натижаларга эҳтиёж ортиб бораётганини ҳисобга олиш лозимлигини қайд этиш керак, деган мулоҳазадамиз.

Тилшунослик фанининг узоқ ўтмишидан тортиб токи яқин кунларгача бўлган даврида ҳам, бир қараганда, ўрганиш объекти матн бўлганидек тасаввур уйғониши мумкин. Масала моҳиятига чуқурроқ ёндашилганида эса, бундай эмаслиги рўйи-рост кўриниб қолади. Бошқача айтганда, фанимиз тараққиётининг ҳозирги давригача матнни эмас, балки матндан ажратиб олинган ҳолдаги ёндашув асосида фонемалар, морфемалар, сўзлар, бирикмалар, гап ва жумлалар ўрганилди. Яна ҳам аниқроқ тавсифлайдиган бўлсак, айна давргача тил ва нутқ бирликларининг белгиланиши, уларнинг тавсифи ва таснифи, функционал ва структурал моҳияти гап доирасида ўрганиш билан чекланди ва унинг доирасидан ташқарига ёриб чиқа олмади [6]. Бу ўринда ҳам ниҳоятда катта натижаларга эришилди. Буни инкор этиш, фан тараққиёти динамикасини тан олмасликдан бошқа нарса эмас. Албатта бу борадаги ютуқларга айтмоқчи бўлаётганимиз, матнни глобал структура сифатида қайд этиш, уни шундай моҳом доирасида ўрганиш, тадқиқ этиш орқали янгидан-янги сир-синоатларини очиш жараёнида ҳам, тилшуносликнинг шу кунга қадар эришган ютуқларига том маънода суянмасликни иложи йўқ.

Бугунги курда шахдам одимлар билан ривожланиб бораётган когнитив тилшунослик, прагматик лингвистика, семантик тилшунослик каби соҳаларда кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда[5]. Бироқ мазкур соҳаларнинг натижалари фанимиз, ҳаётимиз эҳтиёжлари учун қанчалик муҳим ва зарур бўлмасин, уларнинг асл хулосаларининг шаклланиши, ривожланиши, юксалиши ва ҳаётий заруратларга хизмат қилиши учун айна тадқиқотлар жараёнида синтактика, семантика ва прагматиканинг ўзаро узвийлигига асосланувчи ёндашувларнинг бўлиши муҳимдир. Айтиш жоизки, ҳар қандай прагматик ахборот учун когнитив жараёнлар муҳим. Когнитив жараённинг моҳияти эса семантикага дахлдор. Семантика, ўз навбатида, синтактикага бориб тақалади. Шундай экан, матнни, ва умуман, нутқни лингвистик жиҳатдан илмий ўрганишда буни ҳисобга олиш, ҳисобга олганда ҳам, принцип сифатида амал қилиш, бизнингча, тадқиқотчини қутилган натижага томон олиб бориш учун аҳамиятли ҳисобланади.

Матнни ўрганиш, илмий тадқиқ этиш борасида жаҳон тилшунослигида, хусусан, инглиз ва ўзбек тилшуносликларида ҳам катта ишлар амалга оширилган. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, масала моҳияти ҳалигача ҳам баҳслардан, мунозаралардан холи бўла олганича йўқ. Чунки матн том маънодаги инсон борлиғи, унинг ижтимоий, иқтисодий, молиявий, илмий, диний, моддий, маънавий, мафкуравий ва бошқа кўплаб эҳтиёжлари, истаклари, талаб ва таклифлари, эътироз ва бошқа хоҳиш-иродаси ифодасидир. Шундай

экан, уни тадқиқ этишда ана шу муҳим жиҳатларнинг бирортаси ҳам назардан четда қолмаслиги шарт бўлади. Аммо бу эҳтиёжни тўла қондиришга қодир таҳлил принципларининг ҳалигача тўла шаклланмагани ёки мавжуд эмаслиги фанимизнинг айтилиши муаммолар қуршовида қолиб кетиши учун етарли асос бўлмоқда.

Тўғри, тилшуносликда қўллаб методология, таҳлил методлари, турли-туман таҳлил усуллари шаклланган. Бироқ улар қанчалик самарадор ва сермахсул бўлмасин, қўйилган масалани айнан ўзигагина тегишли жиҳатларини аниқлашга қудрати етади. Матннинг ўзига хос комплекс хусусиятларини бира тўла аниқлаш, тавсифлаш ва таснифлашга буларнинг қўл келолмаслиги аниқ бўлиб қолади.

Инсоният ҳаётининг бугунги даврида эса, матнни одатдагидан бошқачароқ, яъни инсониятнинг тил ва нутқ билан боғлиқ бўлган замонавий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилувчи, шунга қодир бўлган тадқиқ метод ва методологиясига асосланган принциплар юзага келиши лозим. Мазкур эҳтиёж тилшунослик ва тилшунослар олдига катта ва кечиктириб бўлмас вазифаларни қўйиши табиий.

Тилшунослик ўз тадқиқ объектига асрлар давомида фалсафий, мантиқий, миллий, маданий, мафкуравий, бадиий каби жиҳатлардан ёндашиб келди ва бу борада муайян ютуқларга эришилди. Бироқ бугунги кунда тилшунослик ўз тадқиқ объектига математик, кибернетик, табиий биологик, компьютер технологиялари қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашуви лозим экани эҳтиёжга айланиб улгурди. Бу, ўз навбатида, ўзбек тилшунослиги учун ҳам кечиктириб бўлмас масалалар сирасидандир.

Адабиётлар

1. Дейк ван Т., Кинч В. Стратегии понимания связного текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. – М.: Прогресс, 1996. – С. 153 – 211.
2. Дейк ван Т. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Флинта, 2000. – 308 с.
3. Долбунова Л.А. Стратегический анализ глобальной структуры англоязычного правового документа // Лингвистические и экстралингвистические проблемы коммуникации: теоретические и прикладные аспекты: межвуз. сб. науч. трудов. Вып. 10. ISBN 978-5-7103-2640-4/ отв. ред.: И. В. Коровина. – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2016. (– С. 21-27) – 182 с.
4. Хайруллаев Х. 3. Сатҳ тушунчаси ва унинг лингвистик табиати //Международный журнал языка, образования, перевода. – 2021. – Т. 4. – №. 2.
5. ХайруллаевХ. Нутқбирликларинингпоғоналимуносабати. – Самарқанд, 2008, 79 б.
6. Соссюр Ф.де., Труды по языкознанию. – М., 1977.

G.Y.Xoliqulova (SamDCHTI, o'qituvchi)

SINTAKTIK MUNOSABATNING TILSHUNOSLIKDA O'RGANILISHI

Annotatsiya: Maqolada o'zbek tilshunosligida o'rganib kelinayotgan sintaktik munosabat va sintaktik aloqa yoritildi. Shuningdek, sintaktik aloqa bilan sintaktik munosabat bir-biri bilan aloqadorligi, lekin bu ularni bir xil narsa sifatida baholashga imkon bermasligi, har qalay sintaktik aloqa sintaktik munosabatlardan farq qilishi misollar yordamida tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: Sintaktik munosabat, sintaktik aloqa, so'z birikmasi, predikativ munosabat, ob'ektlilik munosabat, hollik munosabat, atributiv munosabat, ega, kesim, to'ldiruvchi, aniqlovchi.

O'zbek tilshunosligimizdagi adabiyotlarda sintaksis bo'limiga nisbatan leksikologiya va morfologiya bo'limlari ko'proq tadqiq qilinganligini ko'rishimiz mumkin. Yuqoridagi fikrimizning isboti sifatida, M.Qoshg'ariy va A.Navoiyning asarlarida ham so'zlarning fonetik, leksik, morfologik jihatlari ko'proq to'xtalganligini kuzatamiz. Shu bilan birgalikda sintaksisga bag'ishlangan ishlar ham salmoqli o'rin egallaydi.

O'zbek tilshunosligida sintaksis bo'limidan sintaktik munosabat haqida fikr yuritish ekanimiz, sintaktik aloqadan farqlab olishimiz kerak. Ba'zi adabiyotlarda bu ikki tushunchani biri o'rnida

ikkinchisini qo'llash holatlari ham uchraydi. Sintaktik munosabat tushunchasi sintaktik aloqalar yordamida shakllanadi.

A.Hojiyevning "Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati"da sintaktik aloqaga so'z birikmasi hamda gap qismlarining o'zaro bog'lanishi, sintaktik munosabatga so'z birikmasi tarkibiy qismlari va gap bo'laklari orasidagi munosabat deb keltirilgan.

"O'zbek tili grammatikasi" ikki jildlik akademik nashrining ikkinchi jildida sintaktik aloqa va sintaktik munosabatlar, ularning turlari haqida quydagicha fikrlar bildirilgan: "Sintaktik aloqa" termini o'rnida "sintaktik munosabat" terminini qo'llaydilar yoki bu ikki terminni bir-biridan farq qilmay, sinonim tarzda, aralash ishlatadilar. Natijada, bu terminlarning har ikkalasi ham bir xil narsani aks ettiradi, degan xulosa kelib chiqadi. To'g'ri, sintaktik aloqa bilan sintaktik munosabat bir-biri bilan aloqador: sintaktik aloqa bor joyda sintaktik munosabat ham bo'ladi. Lekin bu ularni bir xil narsa sifatida baholashga imkon bermaydi. Har qalay sintaktik aloqa sintaktik munosabatlardan farq qiladi.

Sintaktik aloqa, yuqorida aytganimizdek, so'z birikmasidagi va gapdagi so'zlarning hamda nutqdagi gaplarning o'zaro grammatik bog'lanishini bildiradi. Sintaktik munosabat esa so'z birikmasi va gapdagi so'zlarning hamda nutqdagi gaplarning bir-biriga nisbatan qanday grammatik ma'no va vazifada qo'llanilishini bildiradi.

B.O'rinboyev "Hozirgi o'zbek adabiy tilida sintaktik munosabatlar" o'quv qo'llanmasida: "Sintaktik munosabat va sintaktik aloqalar yordamida ifodalanadi. Sintaktik munosabat bilan sintaktik aloqa bir-birini taqozo qiluvchi bir hodisaning ikki tomoni bo'lsa ham, lekin ularning har ikkisi ma'lum o'ziga xoslikka egaligi tufayli bir-biriga muvofiq kelishi shart emas. Masalan, sintaktik munosabat tarkibiga kiruvchi vokativ va modal munosabatlar sintaktik aloqa tarkibiga kirishmaydi",-deb fikr bildirganlar.

Yuqoridagi fikrlarga tayanib, sintaktik aloqa va sintaktik munosabat bir-biridan farq qiladigan tushuncha ekanligini ko'rishimiz mumkin. Sintaktik aloqada, asosan, so'z birikmalari misolida aytadigan bo'lsak, tobe va hokim qismlarni bog'lovchi grammatik vositalarga e'tiborni qaratamiz. Masalan, tobe va hokim qismlar o'rtasidagi kelishiklar misolida ko'ramiz: kutubxonaga bordi, institutga bordi va ukasiga oldi, opasiga qaradi misollari ostida tahlil qilamiz. Bu yerda barcha so'z birikmalarida tobe va hokim qismni bog'lash uchun jo'nalish kelishigi xizmat qilyapti. Sintaktik munosabat tomonidan tahlil qilsak, kutubxonaga va institutga bordi birikmasida kutubxonaga, institutga hol vazifasini, ukasiga oldi, opasiga qaradi birikmasida ukasiga, opasiga to'ldiruvchi vazifasini bajarib kelmoqda. Demak, sintaktik aloqa bir xil shakl bilan ifoda etilsada, sintaktik munosabatda ikki xil vazifa: to'ldiruvchi va hol vazifasini bajaryapti.

Sintaktik aloqaga kirishgan so'zlar orasidagi munosabatlarning eng muhimlari quyidagilar:

1. Predikativ munosabat. Bunda ega vazifasidagi so'z kesim vazifasidagi so'z bilan sintaktik aloqaga kirishadi. Masalan, biz bordik, talabalar kelishdi, men ko'rdim, u tingladi kabilar.

2. Ob'ektli munosabat. Bunda to'ldiruvchi vazifasidagi so'z bilan to'ldirilmish aloqaga chiqadi. To'ldiruvchi va to'ldirilmish sintaktik aloqaga tushum, jo'nalish, o'rin-payt, chiqish kelishiklari va ko'makchilar yordamida aloqaga kirishadi. Masalan, kitobni o'qimoq, uni chaqirmoq, daftarga yozmoq, onasiga aytmoq...

3. Holli munosabat. Bu hol vazifasidagi so'z bilan hollanmish vazifasidagi so'z aloqaga kirishadi. Masalan, darsdan qaytmoq, ko'chaga chiqmoq, yozda bormoq...

4. Atributiv munosabat. Bunda aniqlovchi vazifasidagi so'z bilan aniqlanmish vazifasidagi so'z aloqaga kirishadi. Masalan, moviy osmon, toza havo, ko'm-ko'k dala, mening hovlim, bizning darsxonamiz ...

Shuni aytish joizki, ba'zi hollarda tobe va hokim qismlarni bog'lovchi vositalar yuqoridagi munosabat turlarini o'zgartirib yuboradi. Masalan, bilan ko'makchisi, asosan, ob'ektli munosabatni yuzaga chiqaradi: ukasi bilan kelmoq, mashina bilan bormoq... shunday holatlar bo'ladiki, bu vositalar holli munosabat yuzaga kelishida ham xizmat qiladi: qunt bilan o'qimoq, zavq bilan kuylamoq kabilar.

Demak, sintaktik munosabatlarning turini belgilashda biz e'tiborimizni qaratadigan zarur omillarga, so'zlarni aloqaga kirituvchi vositalar bilan birga, aloqaga kirishuvchi elementlarning

leksik-semantik xususiyatlari ham hisobga olinishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘rinboyev B., Ozbek tili so‘zlashuv nutqi sintaksisi masalalari. – Toshkent: “Fan”, 1974.
2. G‘ulomov A., Asqarova M. Hozirgi o‘zbek adabiy tili. Sintaksis. – Toshkent, 1987.
3. Berdialiyev A. O‘zbek tili ergash gapli qo‘shma gaplarida sintaktik aloqa va sintaktik munosabatlar. – Toshkent, 1992.
4. Mahmudov N., Nurmonov A. O‘zbek tilining nazariy grammatikasi.–Toshkent, 1995, 21-bet.
5. O‘rinboyev B., Hozirgi o‘zbek adabiy tili so‘z birikmasi va sodda gap sintaksisidan leksiyalar. – Toshkent, 1990, 86-bet.
6. Nurmonov A. Va boshqalar. O‘zbek tilining mazmuniy sintaksisi. –Toshkent, 1992, 94-bet.
7. Хайруллаев Х. З. Сатҳ тушунчаси ва унинг лингвистик табиати //Международный журнал языка, образования, перевода. – 2021. – Т. 4. – №. 2.

Amonova Gulsanam Bahodir qizi (SamDChTI magistranti)

ASPEKTUALLIK LINGVISTIK HODISASI XUSUSIDA

Annotatsiya: Ushbu maqolada aspektuallikning funksional-semantik kategoriyasi, uning temporallik, modallik, aniqlik, miqdoriylik, harakatchanlik hamda o‘rinlilik tushunchalari bilan bog‘liqligi haqida so‘z yuritiladi. Shuningdek, aspektuallikni ifodalashning lingvistik vositalarini tanlashga ko‘plab omillar ta’sir qilishini ham ko‘rib o‘tishimiz mumkin.

Kalit so‘zlar: aspektuallik, fazalilik, skanerlash, temporallik, deysis, deytik belgi, aksionallik.

Aspektologik hodisalarning funksional-semantik maydonda tahlil etilishida predikat vazifasidagi fe‘lning aksional ma’nosiga asoslanilishi barobarida, kontekstdagi boshqa til birliklarining predikatga ta’siri ham e’tiborga olinadi.

Ma’lum vaqt jarayonida yuzaga keladigan vaziyatlarning barchasi o‘z ifodalanish xususiyatiga ko‘ra aspektuallik sohasiga tegishli. “Aspektuallik” atamasini A.V. Bondarko maxsus funksional-semantik toifani belgilash uchun fanga kiritgan. Uning ta’rifiga ko‘ra, aspektuallik kategoriya bo‘lib, uning mazmuni harakatning sodir bo‘lish jarayonlari, ifodasi esa gapning ayrim sintaktik elementlari ishtirokidagi morfologik, hosilaviy va leksik vositalardir. A.V. Bondarko aspekt kategoriyasida aspektuallikning periferik komponenti harakat vositasi, morfologik o‘zagi esa jihat, deb hisoblaydi [Bondarko, Bulanin, 1967]. Olim aspektuallikni nafaqat funksional-semantik maydon sifatida, balki chegaralanish, davomiylilik, ko‘plik, fazalilik, mukammallik sohalari, shuningdek, harakat (doimiylik), holat (stativlik), munosabat (nisbiylik) va boshqa sohalarini o‘z ichiga olgan sohalar guruhi sifatida ham ko‘rib chiqadi. U “aspektuallikning funksional-semantik kategoriyasi harakat oqimini xarakterlovchi barcha vositalarni qamrab oladi” [Bondarko, 2001; 117], degan fikrni bildiradi. Albatta, ifodalanadigan aspektual vaziyatlar birgina kesim doirasida yuzaga kelmaydi va ularning farqlanishi kontekst tarkibidagi barcha til birliklarining qo‘llanishiga bog‘liq. Shuning uchun ham birgina fe‘l leksema kontekst tarkibiga ko‘ra, turli aspektual vaziyatlarni ifodalashi mumkin.

Aspektuallik boshqa tushuncha va kategoriyalar: temporallik, modallik, aniqlik, miqdoriylik, harakatchanlik, o‘rinlilik bilan bog‘liq bo‘lib, nutq momenti, murojaat nuqtasi, so‘zlovchi (kuzatuvchi) kabi umumiy tushunchalarning ishtirokini ham o‘z ichiga oladi. Aspektuallik “vaqtinchalilik” tushunchasi bilan chambarchas bog‘liq, chunki har ikkala tushuncha ham "vaqt" haqidagi umumiy fikrni ifodalashga xizmat qiladi. Biroq, vaqt o‘qi bo‘yicha vaziyatning oddiy lokalizatsiyasini nazarda tutuvchi temporallikdan farqli o‘laroq, aspektuallik hodisani uning borishi (davomiyligi, takrorlanishi, to‘liqligi va boshqalar) nuqtai nazaridan belgilaydi, shuningdek, so‘zlovchi uchun eng muhim bo‘lgan turli bosqichlarni ajratib ko‘rsatishda bir xil vaziyatni turli xil

ko‘rinishda tasvirlash imkonini beradi [Paducheva, 1996; 287-290]. Shuning uchun aspektual ma‘no har doim subyektiv bo‘lib, ko‘rsatilgan hodisalarni turli xil talqin qilish imkoniyatini beradi.

Bundan tashqari, alohida gap yoki gaplar guruhining bir qismi sifatida aspektuallik payt ergash gaplarning yuklama va bog‘lovchilari (funksiyasi bo‘yicha qo‘shimcha zamon ifodalariga o‘xshash), shuningdek, tashqi struktura konteksti yordamida ifodalanishi mumkin. Yu.S. Maslov [Maslov, 1978; 15] va A.V. Bondarko [Bondarko, 1983; 187] fe‘l leksemaning ichki xossasi sifatida aspektual xususiyatlarni va aspektning grammatik kategoriyasini o‘z ichiga oluvchi verbal aspektuallikni va aspektual funksiyalarni ifodalashning boshqa ko‘p darajali vositalarini o‘z ichiga oluvchi noverbal (leksik va kontekst-sintaktik) aspektuallikni ajratadi. Shuning uchun aspektuallik lingvistik konseptual kategoriyasi nuqtai nazaridan harakatlarning noaniqligini ta‘minlaydigan va harakatning borishi mohiyatini aniqlaydigan, bir-biriga va ma‘no shakllanishining ekstralingvistik omillariga o‘zaro ta‘sir qiluvchi, ko‘p darajali lingvistik vositalar yordamida ifodalanadigan, inson ongining eng muhim tushunchalaridan biri sifatida ko‘rib chiqilishi kerak. Ko‘pincha, og‘zaki ma‘noning aspektual tegishli qiymati sifatida cheklovchi / cheklanmagan harakat belgisi ko‘rib chiqiladi, ammo ko‘pchilik tadqiqotchilar fe‘llarning bunday bo‘linishi yetarli emasligini tan olishadi va harakatning statik / dinamik, vaqtinchalik / doimiylik, fazasi, chastotasi, samaradorligi, intensivlik kabi xususiyatlarni ham hisobga olishni taklif qilishadi [Bondarko, 1983; 208; Maslov, 1978; 39; Cheyf, 1975; 432; Comrie, 1976; 142]. Aspektuallikni ifodalashning lingvistik vositalarini tanlashga ko‘plab omillar ta‘sir qiladi: vaziyatning o‘ziga xos xususiyatlari va uni idrok etish, so‘zlovchining kommunikativ maqsadi va til tajribasi, nutqiy faoliyat turi. Predikat doirasidagi aspektuallik, "o‘zining kognitiv tabiati bilan ... hodisalarni ramziy ifodalashi va ular bilan bog‘liq bo‘lgan vaqtinchalik ma‘lumotlarni ko‘rsatishi" bilan xarakterlanadi [Kubryakova, 2004; 560]. Gapning aspektual ahamiyatli komponentlariga dastlab predikativ kompleks komponentlari kiradi: gapning grammatik va semantik xususiyatlariga ega subyekt va obyekt, fe‘lli leksema semantik tuzilishining o‘zi kabi harakat va uning predmeti, shuningdek, vaqtni ifodalovchi iboralar vazifasini bajaradigan shartli vositalar o‘rtasidagi ma‘lum bir bog‘liqlikni nazarda tutadi [Kubryakova, 1978; 116].

Temporal munosabat sifatida fe‘l vositasida kodlashgan jarayonlar nazarda tutilsa, atemporal munosabat ancha murakkab bo‘lgan kategoriya sanaladi va sifat, predlog, ravish, fe‘lning shaxssiz shakllarini qamrab oladi. Vaqt tushunchasining yetakchi belgisi temporal va atemporal munosabatlar o‘rtasidagi farqni belgilaydi. Bunda «skanerlash» harakat joyi turlari qanday qabul qilinishi, hamda konseptual idrokning boshlanishini ko‘rsatadi. Ketma-ket «skanerlash» turida vaqt konseptuallashuvi dinamik jarayon va voqea-hodisaning xususiyati sifatida xarakterlanadi [Evans, 2006; 535].

Shu o‘rinda aspektual vaziyat, aspektual hodisa va aspektual jarayon turlarini izohlab o‘tish joizdir. A.V. Bondarko aspektual ma‘nolarning kontekst doirasida qo‘llanishini tavsiflashda «aspektual vaziyat» atamasini kiritadi. Muallif ta‘rificha, aspektual vaziyat bu «muayyan jumladagi me‘yoriy signifikativ vaziyatni aspektual element sifatida baholashdir» [Bondarko, 1987; 23]. B. Rizayev aspektual vaziyat doirasida fe‘l aksional xususiyatlarining o‘rnini belgilab beradi [Rizayev, 1999; 56]. Aspektual hodisa (events) mustaqil sanaladigan, mazmunan to‘liq bo‘lgan va ma‘lum nutqiy ifodani anglatadigan fe‘l xususiyatidir.

Har bir gapning ma‘lum bir qismi propozitsional mazmunning sohibi sifatida ajratiladi va o‘sha qism kompozitsionallik prinsipiga asoslangan ifoda hisoblanadi. Demak, aspektual kompozitsiyaning asosiy maqsadi tilda ifodalanadigan murakkab qurilmalarning sintaktik bog‘liqligi va semantik natijani aniqlashga qaratiladi.

Mazkur yondashuv tarafdorlari aspektual kompozitsiyaning aniqlashda Manfred Krifkaning «Mereologik yondashuv» nazariyasiga asoslangan ichki argument(asos)ning miqdoriy ko‘rsatkichlariga e‘tibor qaratishadi. Mazkur hollarda predikat tomonidan ifodalangan hodisaning zamon (vaqt)dagi oqimi va denotativ argumentning xususiyati o‘zgarishi nazarda tutiladi. Ushbu o‘zgarishning yuzaga kelishida obyekt hajmi kengayishi hamda holat o‘zgarishi hosil bo‘lishi yoki kamayish jarayoni tugallanishi o‘ziga xos gradual semantika sifatida qaralib, inkerementallik (fe‘l

leksemaga xos tabiiy tugallanish)ni yuzaga keltiradi. Quyida ingliz va o'zbek tillaridagi inkremental fe'llar ifodalaydigan aspektual semantik belgilarning ba'zilariga e'tibor qaratamiz:

plough (earth) cheklanmagan aspektual semantika;
plough (the tree) cheklangan aspektual semantika;
ag'darmoq (yerni) cheklanmagan aspektual semantika;
ag'darmoq (daraxt tagini) cheklangan aspektual semantika;
clean the room cheklangan aspektual semantika;
clean the floor cheklanmagan aspektual semantika;
xonani tozalamoq cheklangan aspektual semantika;
polni tozalamoq cheklanmagan aspektual semantika;
maydonni tozalamoq cheklanmagan aspektual semantika.

Aynan kompozitsion yondashuv aspektuallikka oid hodisalar mohiyatini tushunishning diskursiv ko'rinishiga asos bo'ladi. Chunki vaziyat mazmuni o'z mohiyatiga ko'ra aspektualdir.

Aspektual ma'noni ifodalovchi birliklar matn doirasida deyksis vazifasini ham bajarishi mumkin. Quyidagi misolga e'tibor qaratamiz:

Hathall drew in his breath. He seemed to have a very real need of oxygen. Slowly he shook his head.

'No idea at all, Mr Hathall?'

The head-shaking went on. It was robot-like, automatic, as if running on some dreadful cerebral clockwork, and Wexford had the notion that Hathall would have to take his head in both hands and grasp it to stop that slow mechanical movement. (Ruth Rendell, 69).

Ushbu misoldagi *The head-shaking went on* aspektual xususiyatli tuzilma oldingi vaziyatga ishora, ya'ni deyksis vazifasini o'tagan. Berilgan misoldagi *he* deyksisi anaforik xususiyatga egaligi, ya'ni *Hathall* shaxsiga bo'lgan ishoradan tashqari, vaziyatda ishtirok etayotgan subyektlar bajarayotgan harakatlar to'g'risidagi ma'lumotlarning natija va sabablarini aniqlashga qaratilganligini kuzatish mumkin.

Diskurs deyksisining turli sathlarda faollashish xususiyatining kengligi uni batafsil to'xtalish imkonini bermaydi. Biz o'z maqsadimizdan chetga chiqmagan holda, diskurs deyksisining temporal va aspektual jihatlariga e'tibor qaratamiz. Masalan: *For a moment he stood with his back to her, then he turned on his heel and faced her, his dark eyes glittering, his cheeks pulled in in fury.* «I am disappointed in you, Amanda (Jude Deveraux, 50);

He sat in unnatural silence beside ol' stiff-necked Taylor, eating veal cutlets while Taylor ate more boiled fish (Jude Deveraux, 51).

Kechki paytlar bo'lsa Yodgorni ko'tarib olaman. Parklarga borib, sirkklarga kiramiz. Aylanma ot o'yinida Yodgorni otga mindirib aylantiraman. Quvnoq, baxtli, saodatli umr juda sekin o'tib turadi. Yodgor kelgan kunlarimda bir oz tortinib turgan bo'lsa, keyingi kunlarda juda inoqlashib ketdi (G'. G'ulom, 128).

Keltirilgan misollardagi vaziyatlar o'z ichiga davomiylik va holat ma'nolarini qamrab olgan bo'lib, *for a moment, while, kechki paytlar, kelgan kunlarimda, keyingi kunlarda* kabi temporal deyksislar vaziyatlarni zamonda joylashtirish vazifasini bajarib kelgan. Mazkur narrativ tuzilmalarda bir necha o'xshash bo'lmagan vaziyatlar ifodalangan. Ushbu ketma-ket qo'llanilgan vaziyatlarda bir holatdan ikkinchi holatga o'tish *stood*, tugallanganlik (*turned on his heel*), inxoativlik (*faced her*), perfektivlik (*pulled in in fury*) kabi aspektual vaziyatlarga duch kelamiz. O'zbek tilidagi misolda (*otga mindirib aylantiraman*) xabitual, (*umr juda sekin o'tib turibdi*) durativ, (*inoqlashib ketdik*) intensiv aspektual vaziyatlar yuzaga kelgan. Deyktik belgi matn doirasida temporallik va aspektuallik kabi boshqa kategorial belgilari bilan ham uzviy bog'liq bo'lib, ular matnda turli vositalar yordamida ifodalanadi. Deyksis ifodalanayotgan voqea-hodisalarning muhim lavhalariga ishora qilish vazifasini bajaradi. Bu jarayonda deyktik ifoda ma'lum fe'llar zimmasiga ham yuklatilishi mumkin.

Kognitiv grammatikaga doir tadqiqotlarda ma'no va mazmun farqiga nisbatan konseptlar bir necha turlarga ajratiladi. Mazkur konseptlardan biri «aksionallik» konsepti hisoblanadi. «Aksionallik», o'z navbatida, «harakat bajaruvchisiga moslanganlik», «harakatga yo'naltirilganlik»,

«obyektga yo‘naltirilganlik», «ta’sir etuvchi vositaga yo‘naltirilganlik», «harakat natijasiga yo‘naltirilganlik» va shuningdek, fakultativ xususiyatlardan «vaqt-zamonga moslashish», «makonga moslanganlik» kabi semantik xususiyatlarni faollashtiradi.

Adabiyotlar:

1. Бондарко А.В. Русский глагол / А.В. Бондарко, Л.Л. Буланин. – Л.: Просвещение, 1967. – 192 с.
2. Бондарко А.В. Теория функциональной грамматики. Введение, Аспектуальность, Временная локализованность, Таксис (Коллективная монография). – Л.: Наука, 1987. – С. 348.
3. Бондарко А.В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии (2-изд.). – М.: Эдиториал УРСС, 2001. – С. 117.4
4. Кубрякова Е. С. Язык и знание: На пути получения знаний о языке: Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. — М.: Языки славянской культуры, 2004. —С. 560.
5. Маслов Ю.С. К основаниям сопоставительной аспектологии / Ю.С. Маслов // Вопросы сопоставительной аспектологии. – Л., 1978. – С. 220.
6. Падучева Е. В. Семантические исследования: Семантика времени и вида в русском языке. Семантика нарратива. М.: Языки рус. культуры, 1996. – С.190
7. Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита. – Ташкент: «Фан», 1999. –С. 156.
8. Чейф У.Л. Значение и структуры языка / У.Л. Чейф. – М.: Прогресс, 1975. – С. 432.
9. Comrie B. Aspect. An Introduction to the Study of Verbal Aspect and Related Problems. – Cambridge, 1976. –P. 300.
10. Evans V., Green M. Cognitive linguistics. An introduction. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2006. – P. 535.
11. Jude Deveraux, The Black Lyon. –Avon Books, 2007. – P. 276.
12. Ruth Rendelle, The Rottweiler Hutchinson (UK), 2003. – P. 356.
13. G'.G'ulom, “Tanlangan asarlar”. «SHARQ» Nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, Toshkent – 2020. – 450 bet.

Adham Sujarow Begmuradowitsch
(Karschiner Ingenieur-Wirtschaftsinstitut)

PERSPEKTIVEN EINER VERGLEICHENDEN KULTUR- UND MENTALITÄTSFORSCHUNG IN DEUTSCH ALS FREMD-UND ZWEITSPRACHE

Anmerkung: In dem Artikel wird aufgrund der wachsenden Bedeutung der Landeskunde als Kulturwissenschaft, vergleichende Kultur- und Mentalitätsforschung des Deutschen als Fremdsprache insbesondere die Bedeutung des Deutschen als Zweitsprache aufgrund nationalpolitischer Erfordernisse und Vorgaben dargestellt. Voraussetzung für seine Ausgestaltung ist die Entwicklung einer empirischen Basis, die die vergleichende Kultur- und Mentalitätsforschung unabhängiger von den Ergebnissen fachfremder Forschungsbereiche macht, ohne die interdisziplinäre Perspektive zu verlieren. Es wurde argumentiert, dass das durch Kulturforschung gewonnene Wissen einer Systematisierung und Didaktik bedarf, die das wirkliche Leben des Schülers einschließt.

Schlüsselwörter: Landeskunde als Kulturwissenschaft, Kultur-und Mentalitätsforschung, in Deutsch als Zweitsprache, Systematisierung und Didaktisierung, Empathie, Ambiguitätstoleranz und Sensibilisierung, Verständigungsprozesses, Verstehens- und;

Durch die zunehmende Gewichtung der Landeskunde als Kulturwissenschaft gewinnt auch die vergleichende Kultur-und Mentalitätsforschung in Deutsch als Fremdsprache und insbesondere,

angesichts überregionaler politischer Forderungen und Erfordernisse, in Deutsch als Zweitsprache an Bedeutung. Voraussetzung für ihre Etablierung ist die Erarbeitung einer empirischen Basis, die die vergleichende Kultur- und Mentalitätsforschung von Ergebnissen fachfremder Forschungsfelder zunehmend unabhängiger macht, ohne dass der interdisziplinäre Blick verloren geht. Die aus kulturwissenschaftlicher Forschung gewonnenen Erkenntnisse bedürfen einer Systematisierung und Didaktisierung, die die Lebenswirklichkeit des Lernalers mit einbeziehen. Mit der Akzentuierung eines Lerner- und lernprozessorientierten Unterrichts von Landeskunde wird die Erlangung von konkretem, spezifisch kulturellem Wissen notwendig, welches die vom Individuum/vom Lerner her zu konkretisierenden, regional- und Bedürfnis orientierten Alltagswissensbestände auf der Basis der sozio-kulturellen Wirklichkeit mit den im Vergleich von Kultur und Mentalität zu eruiierenden Welt- und Lebenswissen in Bezug setzt und sie rekonstruiert, berücksichtigt und selektiv einbringt. Dabei müssen individuelle wie generationsübergreifende Faktoren, aber auch kurzfristige, die Aktualität des Geschehens betreffende Momente und umgesteuertes Lernen aufgenommen werden. Hierzu wird die vergleichende Kultur- und Mentalitätsforschung in Zukunft einen wesentlichen Beitrag leisten können. Der Integration und Akkulturation der in Deutschland lebenden Migranten stehen häufig unüberwindbare Barrieren gegenüber, weil deren lebensweltliche Voraussetzungen völlig andere Implikationen mit sich führen als die, die in deren soziokultureller Wirklichkeit gegeben sind. Soziokulturelle Wirklichkeit wird als die Gesamtheit der auf ein Individuum einwirkenden Prozesse verstanden, die sein Leben und Handeln prägend beeinflussen, im Wechselspiel von elementaren Erfahrungs- und Sozialisierungsprozessen sein Bewusstsein formen und als Mentalität konstruieren sowie sein kulturelles Wissen in einer Gesellschaft entwickeln. Diese Inkongruenz, in der die Menschen leben, verstärkt die Ausprägung jeweilig spezifischer Denk- und Handlungsmodelle, denen unterschiedliche Parallel-Welten bzw. Konzeptionen von Lebenswirklichkeit zu Grunde liegen. Für einen interkulturellen Unterricht in Deutsch als Fremd- und besonders Zweitsprache stellt sich die Frage, wie die in einer vorgegebenen Lebenswirklichkeit zu vermittelnden Kenntnisse von Regeln, Normen, Werten einer Gesellschaft, einer Kultur und die daraus resultierenden Verhaltens- und Handlungsmuster, die sich in den unterschiedlichen Alltagssituationen manifestieren, zu didaktisieren sind. Dies setzt ein Beschreibungsmodell voraus, das von einem *kulturellen Fundament* ausgeht, das einerseits die Basis für die im Interkulturellen geforderte Empathie, Ambiguitätstoleranz und Sensibilisierung bietet, Gemeinsames betont und Unterschiede benennt, andererseits aber auch auf kulturellem und mentalitätsorientiertem Feld Möglichkeiten für Vergleiche erschließt, das jeweilige kulturelle Wissen systematisiert und dadurch eine Didaktisierung ermöglicht. Ein solches Modell ist Kultur als *Kultext*.

Kultext meint in diesem Zusammenhang die Verflechtung von Bestandteilen des kulturellen Wissens und des Bewusstseins eines Individuums und Kollektivs, ein Netzwerk aus Wissensbeständen aller Art, das nicht nur die kognitive Komponente umfasst, sondern auch Erfahrungen, Erwartungen, Einstellungen, Wahrnehmungs-, Denk- und Verhaltensweisen beinhaltet, die vom Mentalen konstruiert werden und damit nicht unmittelbar offen liegen. Gleichsam synaptischen Konnektoren beeinflussen und bedingen sie sich wechselseitig und bringen sich zugleich gegenseitig hervor, erzeugen einander. Hinter dem Terminus *Kultext* verbirgt sich die Erkenntnis, dass alle Aspekte der Lebenswirklichkeit auf enge Weise miteinander verflochten sind und einen Gesamtkomplex an Wissens- und Bewusstseinsbeständen ergeben, dessen Beschreibung sehr schwer im Einzelnen greifbar und festzuhalten ist. Kultext wird damit einerseits zum Synonym für die Verstrickung aller Aspekte von Lebenswirklichkeit, will andererseits aber auch ein Beschreibungskonzept sein, eine Deskription von Leben als „selbstgesponnenem Bedeutungsgewebe“. Das *kulturelle Fundament* bestimmt als suprakulturelle Dimension die Grundpfeiler von Orientierungssystemen, grundlegende Normen, Werte und Konzepte des Handelns, Lebensziele, die die in einem definierten Kollektiv existierenden kulturspezifischen Ausprägungen von Kulturstandards ummanteln. Es bestimmt die Einstellung zu Erziehung, Krankheit, Kleidung, Psyche usw. und wird in seiner Konkretisierung durch Faktoren wie Klima, geomorphologische Gegebenheiten oder Naturkatastrophen beeinflusst. Jede Kultur entwickelt auf der Grundlage dieses kulturellen Fundaments eine charakteristische Sicht der Welt, die das

kulturelle Bewusstsein des Einzelnen, aber auch das kollektive Wissen bestimmt. Zeit- und Raumverständnis, Individualität und Kollektivität formen und prägen unter Einbezug vielfältiger weiterer Prozesse und Faktoren auch hier die Herausbildung des kulturellen Wissens und Bewusstseins. Das Beschreibungsmodell beabsichtigt ebenso wie alle kulturellen Modelle sowohl im Detail wie auch in der Struktur/im Aufbau einer leichteren, systematischeren und zweckdienlicheren Erfassung und Didaktisierung der Landeskunde in Deutsch als Fremd- und Zweitsprache und damit auch der vergleichenden Kultur- und Mentalitätsforschung zu dienen. Gegenstand und Grundlage eines Vergleichs verschiedener Kulturen, Orientierungssysteme und Mentalitäten sind elementare Bedürfnisse und Erfahrungsbereiche, die alle Menschen betreffen und unabhängig vom Kulturkreis in jeder Kultur zu finden sind. In einer richtungsweisenden Studie vergleicht Hofstede (nationale) Kulturen „hinsichtlich ihrer grundlegenden Wertorientierungen“ miteinander, wobei er vier Strategien der Operationalisieren „mentaler Programme“ durchführt (Vesper 1996: 60). So lasse sich eine nationale Kultur bzw. die Mentalität eines nationalen Kollektivs in vier Dimensionen beschreiben, die ein charakteristisches Profil dieser Kultur entwerfen: Individualismus/ Kollektivismus, Unsicherheitsvermeidung, Machtdistanz und Maskulinität/ Fazilität.

Für die vergleichende Kultur- und Mentalitätsforschung sind sie insofern interessant, als sie per definitionem interkulturell ausgerichtet sind, weil sie nur in der Begegnung von Vertretern mindestens zweier Kulturen auftreten und als Basis der kulturvergleichenden Analyse von Verhalten, Sprache und Bedeutungen Anwendung finden, die Gefahr einer Subjektivierung aber nicht ganz ausschließen können. Ähnlich verweist Müller-Jacques, auf die Interaktions- und Kommunikationsdynamik interkultureller Prozesse Bezug nehmend, auf den Begriff „Interkultur“, der eine kommunikative „Zwischenkult“ bezeichnet, „die durch Kulturkontakt konstruiert wird“ [1:37]. Demnach haben interkulturelle Kommunikationssituationen eine eigene, interaktive Dynamik, „in der Kommunikations- und Verhaltensregeln ausgehandelt werden und deren Verlauf durch diese Kommunikations- und Kulturstandards der Beteiligten nur in begrenztem Maße gesteuert wird und demzufolge vorhersehbar ist“ [2: 14-15].

Das von Müller-Jacques entworfene, auch für Kultur- und mentalitätsvergleichende Forschung interessante Raster für die Analyse interkultureller Kommunikationssituationen umfasst zehn Komponenten, die Kultur- und mentalitätsbedingte Verhaltens- und Handlungsweisen, Unterschiede, aber auch Fehlinterpretationen und Missverständnisse, „Critical Incidents“, verständlich und damit über den Vergleich erklärbar und behandelbar machen können. Mit der aktuellen Debatte um die Etablierung der Landeskunde als Kulturwissenschaft gewinnen Konzepte wie das einer geologisch-transkulturellen (-transnationalen), vergleichenden, wissenschaftlichen Landeskunde von Wörner für die vergleichende Kultur- und Mentalitätsforschung an Interesse. In Abwendung der Gefahr der „Aporie der Totalität“ (Picht) fordert Wörner Forschungen zu „Phänomenen partieller gesellschaftlicher Wirklichkeit, verstanden als konkret fassbare Gegenstände“, die die Lebenswirklichkeit individuellen und institutionellen Handelns aus pluriperspektivischer Tätigkeit kulturenübergreifend und disziplinkooperativ beschreibt. Eine eher vom Lerner her gedachte Konzept verfolgt Altmeyer, der die Landeskundeforschung „nicht primär über ihre Forschungsgegenstände, sondern über ihre erkenntnisleitenden Interessen“ definiert und damit die Perspektive der Lernenden und die Lernprozesse in den Vordergrund rückt. In Anlehnung an Teske schlägt er als Themenplanung einer diskursanalytischen Forschung im Rahmen der Kulturwissenschaft des Faches Deutsch als Fremdsprache ein Modell aus den vier übergeordneten Kategorien „Raum“, „Zeit“, „Identität“ und „Wertorientierungen“ vor, erweitert und mit jeweils wiederum spezifischen Themenzuordnungen versehen (z. B. bei der Kategorie „Identität“ mit Themen wie „nationale“, „regionale“, „soziale“ oder „Geschlechteridentität“).

Wenn Hofstede Dimensionen, und damit auch implizit Daseinserfahrungen, Lakunen und andere interkulturelle Komponenten als strategisch günstige Ausgangspunkte für einen Kulturvergleich begrüßenswert sind, so dürfen u. a. folgende Kritikpunkte an Hofstede Arbeit nicht außer Acht gelassen werden: Trotz eines gemeinsamen Fundus aus kollektiven und individuellen mentalen Mustern kann nicht von einer gemeinsamen, relativ homogenen nationalen Kultur

ausgegangen werden. Transnationale Organisationen, wie sie Hofstede oder Thomas [3:116-120] untersuchen, stehen nicht repräsentativ für mentale Programme der Bevölkerung bzw. eines definierten Kollektivs wie das der Nation. Die Entwicklung der letzten zwei Jahrzehnte hat gezeigt, dass eine Ausdifferenzierung der Gesellschaft erfolgte, die eine repräsentative empirische Erhebung im Bereich der Kultur und Mentalität erschwert.

Die vergleichende Kultur- und Mentalitätsforschung beabsichtigt, die inneren Beziehungen, den Zusammenhalt und die Veränderung von Gesellschaft bzw. eines typischen Orientierungssystems herauszuarbeiten und vergleichend einem (oder mehreren) weiteren Orientierungssystem(en) gegenüberzustellen. Sie bietet in Deutsch als Fremd- und Zweitsprache die Möglichkeit, Fremdkulturelles und Eigenkulturelles wahrzunehmen, zu erkennen und folgend in der Auseinandersetzung mit Angehörigen anderer Kulturen die individuelle Kompetenz — das (implizite) Wissen als Mitglied einer Kultur um die zentralen Bedeutungen und Regeln der eigenen und fremden Kultur, die nicht abfragbar oder reflektiert, sondern im Handeln erkennbar sind — auszubauen und ein erweitertes Kulturverständnis aufzubauen. Kultur ist zusammenfassend zu verstehen als etwas Dynamisches, vielfach Differenziertes, Prozessakte und Deskriptives, als ein bestimmtes Repertoire an Bedeutungsmustern und Zeichensystemen (Kulturstandards wie Werte, Normen, Bräuche und allgemeine Wissensbestände wie Traditionen, Rituale, Glaubensvorstellungen, Mythen), über das Gruppen, Kollektive, Organisationen oder Gesellschaften zu einem bestimmten, immer wieder neu zu definierenden Zeitpunkt ihrer Entwicklung verfügen und damit Orientierungsfunktion besitzen. In ihrer Orientierungsfunktion sind Bedeutungs- und Zeichensysteme bzw. Symbolsysteme fortwährend Veränderungen der Lebensverhältnisse unterworfen, wobei Elemente einer Kultur in unterschiedlichen Situationen unterschiedlich eingebracht werden („kulturelle Flexibilität“) und ein ständiger Austausch von kulturellen.

Informationen zwischen Kulturen stattfinden. Kulturelle Bedeutungsmuster lassen Raum für Deutungen und Interpretationen. Der Einzelne wird durch die interkulturellen Bedeutungsmuster beeinflusst, aber nicht völlig dominiert, indem er seine Umwelt, seinen sozialen Kontext beeinflusst und in ständigem Austausch mit diesen (*historische*) Bedeutungsmuster mehr oder weniger verändert.

Mit dem Begriff der Kultur eng verbunden ist der der *Mentalität*. Kultur verbindet mit Mentalität, dass sie „keine historische, gleichsam naturhafte Größe darstellt, sondern selbst ein Produkt sozialer Prozesse und damit eine historische (...) veränderliche Größe ist“. Der Bestand dessen, womit eine jeweilige Gesellschaft und deren soziale Gruppen sowie deren Individuen stillschweigend rechnen, wird zum Gegenstand einer Mentalitätsforschung. Der *Vergleich* ist, wie bereits Paul Drach [4:12] feststellt, die beliebteste Methode einer Gegenüberstellung von Kulturen. Im Vergleich von Mentalität und Weltansicht verschiedener Kulturen erfolgt vor dem Hintergrund des Wissens um die zu vergleichenden Phänomene und des Vergleichs unterschiedlicher individueller und kollektiver Sicht- und Deutungsweisen einer sich ständig verändernden Lebenswirklichkeit eine Kontrastierung explizit differenzierter kultureller Deutungsmuster sinngebenden Handelns. Der Vergleich in der landeskundlich orientierten Kultur- und Mentalitätsforschung ist als Mittel zur Erkenntnisgewinnung mit seiner Konnotation „Bewertung“ und der Gefahr der Typisierung (*Stereotypenbildung*) nur bedingt heranziehbar, insofern als verschiedene Orientierungssysteme, wie sie Kulturen darstellen, nie ein und derselben Ebene entstammen können [5:23-26]. Wenn Pauldrach also den „alltäglichen“ Vergleich als Methode der Erkenntnisgewinnung kritisiert und aus diesem Grund das Wissen um die zu vergleichenden Gegenstände voraussetzt, die im interkulturellen Vergleich kontrastiert werden, so muss der Erkenntnis Raum gegeben werden, dass viele Erscheinungen in anderen Kulturen und Mentalitäten nicht vergleichbar sind, uns daher immer fremd, aber auch anziehend bleiben werden. Als Ziel der Erkenntnisgewinnung findet der Vergleich „seinen Platz am Ende des Verstehens- und Verständigungsprozesses zwischen zwei Gesellschaften und Kulturen“

Literatur

1. Picht, Robert Interesse und Vergleich: zur Sozialpsychologie des Deutschlandbilds. *Jahrbuch Deutsch als Fremdsprache* 6, 132. 1980
2. Röperts, Norbert Vom andern her denken. Empathie als paradigmatischer Beitrag zur Völkerverständigung. In: Reiner Steinweg und Christian Wellmann (Red.), *Die vergessene Dimension internationaler Konflikte: Subjektivität*, 150. Frankfurt a. M.: Suhrkamp. 1990
3. Stanzel, Franz K. *Europäer: ein Imago logischer Essay*. Heidelberg: Winter. 1997
4. Steinmann, Siegfried 1992 Vorurteile? Ja, bitte! Plädoyer für den redlichen Umgang mit Vorurteilen im Fremdsprachenunterricht. *Zielsprache Deutsch* 23(4): 224.
5. Weinrich, Harald Typen der Gedächtnismetaphorik. *Archiv für Begriffsgeschichte* 9: 23 — 26. Hans-Joachim Althaus, Hagen (Deutschland).

Н.Раимназарова

(Термиз давлат университетининг катта ўқитувчиси)

ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРДА ДИАЛЕКТАЛ СЎЗЛАРНИНГ ИЛЛЮСТРАТИВ МИСОЛЛАРДА БЕРИЛИШИ

Аннотация: Диалект лексикографиясининг изчил ривожланиши изоҳли луғатда ўзини биринчи бўлиб намоён этади, луғат сафидан жой олади. Бугунги кунда ўзбек уруғлари кенг тарқалган юртимизда шева ва лаҳжаларнинг ўрни бекиёс. Луғатларда халқ нутқи қанчалик кўп ёритилса, асосланса, тасвирланса, лексик сатҳдаги сўзларнинг маъно тараққиёти, семантик, структур, морфемик тузилиши, этимологик хусусиятлари ёритилишига хизмат қилади.

Калит сўзлар: Шева, изоҳли луғат, иллюстратив, сўзлик, маъно семаси, ижтимоийлашув, грамматик шакллар, сўзлик мақоласи, маънодошлик ҳолати.

Ўзбек тилшунослигида луғатлар яратилишининг белгиланган қатъий қонун қоидалари мавжуд. Хусусан, луғатни шакллантиришда асосий эътибор қаратиладиган сифатлардан бири **сўзлик**, яъни **бош сўз мақоласининг** танлаб олиш масаласи туради. Сўзлик танлаш луғатларнинг хусусиятига, типига ва турига боғлиқ бўлади. Биз ушбу бўлимда изоҳли луғат таркибидаги шевага оид сўзларнинг хусусияти ва сўзлик учун берилган иллюстратив мисоллар ҳақида фикримизни баён этамиз.

Изоҳли луғатда шевага оид сўзликнинг киритилишини изоҳлашда иллюстратив мисоллар баъзи ўринларда тўлиқ изоҳланади, айрим ўринларда бир нечта мисолдан биттаси ёки иккитасигина тўлиқ изоҳланади.

Луғат сарлавҳасида чиқарилган сўзлик маъносини, агар кўп маъноли бўлса, маъноларини изоҳлаш, таркибида бош сўз сифатида танланган сўзлик иштирок этган бирикма ва мураккаб бирикмалар, фразеологик бирикмаларни изоҳлаш ва зарур ўринларда сўзнинг ҳар бир маъносини тасдиқловчи иллюстратив мисоллар келтиришдан иборатдир. Шу ўринда қайд этиш керакки, сўзликка берилаётган таъриф луғатга эмас, балки танланган бош сўзга қаратилган бўлиб, луғатлар, асосан, **бош сўз** ва **сўзлик мақоласи** изоҳидан таркиб топган бўлади. Яъни, бош сўзга тегишли барча тўпланган материаллар **сўзлик мақоласи** изоҳини ташкил қилади.

Кўпчилик изоҳли луғатда шевага ёки маълум бир лаҳжаларга оид сўзлар берилмайди, деган мулоҳазада юради. Бизнингча, бундай қатъий фикрлаш ноўрин. Боиси шевага оид сўзлар луғат бойитилишининг ички имкониятларидан ҳисобланиши барчамизга маълум. Тўғри, ҳар қандай шевага оид сўзларнинг барчаси ҳам луғатдан жой олмайди. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, луғатга киритилаётган сўзликнинг тарқалиш ареали ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён шевага оид сўзларнинг луғатдан жой олиш, олмаслигини белгилайдиган хусусиятдан бири ҳисобланади. Масалан, **МОЙЛИҚ** шевага оид сўзи(сўзлик эмас) ижтимоий оммалашмаган ва ҳар иккала изоҳли луғатда мавжуж эмас. Шу сабабли сўзлик мақомини олмаган ҳамда *шв.* пометаси мақомига эга эмас. *Мойлиқ* лексемаси тор

худудни қамраб олган инсонлар нутқида (маълум бир қишлоқ учун) “овқат еб бўлгандан сўнг қўл ва оғизни артишга мўлжалланган нарс-буюм” маъносида келади. Демак, бу сўзнинг тарқалиш ареали мавжуд эмас, шу сабабдан худудий шевага оид сўз ҳисобланади. Бироқ, беш жилдли ЎТИЛда бу сўзнинг *мойлиқи* шакли маъно ихтисослашган ҳолда қўлланган.

МОЙЛИҚИ *шв.* Кир босган, кирланиб кетган, мойи чиққан. *Қорасоч унинг мойлиқи бўлиб кетган уст-бошини юваётиб, қўкрак чўнтагидан шу хатни олиб ўқиди.* Т. Сулаймон, Қорасоч. Бу иллюстратив мисолларида “кийим-кечак” маъносининг берилиши орқали *мойлиқ* ва *мойлиқи* сўзидаги семантик узилишини кузатиш мумкин. Ҳар иккаласида ҳам умумий маъно “мой босмоқ”, “доғ бўлиб кетмоқ” семаси турса, хусусий маъносида “кийим-кечак” ва “қўл мойини артишга мато” семаси билан фарқ қилади. Демак, сўзлик маъносини ёритишда иллюстратив мисолларнинг ўрни сезилиб туради.

Изоҳли луғатда шевага оид сўзлар берилишининг маълум қоидаларига таяниб иш кўриши мақсадга мувофиқ. Шу сабабдан бош сўзга қўйилган талаблар мавжуд.

биринчидан, бош сўзнинг(сўзлик)талаблар асосида киритилганлиги, шевага оид танланган сўзнинг тарқалиш ареали мавжудлиги, яъни фақат бир худуднинг(хусусий) шева лексемаси бўлмаслиги зарур, яъни бошқа бир лаҳжада(умумий) ҳам бўлиши даркор. Шунда изоҳли луғатдан жой олади.

иккинчидан, бош сўз таркибидаги грамматик шаклларнинг тўғри берилганлиги. Бош сўз таркиби сўзликнинг грамматик шаклланмаслиги зарур. Шевага оид сўз таркибида сўз ясовчи ва нисбат шакллари бўлиши бундан мустасно.

учинчидан, бош сўз таркибидаги услубий белгиларнинг тўғрилиги. Шевага оид сўз ва унинг изоҳида услубий хилма-хилликнинг кузатилишида иллюстратив мисолларнинг берилиши.

тўртинчидан, изоҳланувчи бирлик маъносининг тўғри, аниқ белгиланганлиги. Бошқа сўзлик мақоласига мос бўлмаслиги(шевадаги маънодошлик ҳолати бундан мустасно)

бешинчидан, ҳар бир сўзликка берилган изоҳнинг тўғрилигини, қайта изоҳ талаб қилмаслигини тасдиқлаш.

Кўрсатилган шарҳлар луғат тузишда муҳим омиллар саналади. Айниқса, тўртинчи ва бешинчи бандлар ўзбек тилининг изоҳли луғатларида шевага оид сўзлар учун иллюстратив мисолларнинг берилишида муҳим аҳамият касб этади.

Шевага оид сўзлар луғат мақоласининг сўнгги изоҳи, сўзлик маъноси изоҳидан кейин бериладиган қисми иллюстратив мисоллар ҳисобланади. Иллюстратив мисол танланган сўзлик маъносининг таърифидан кейин акс этса-да, бироқ у танланган бош сўзнинг юқоридаги талаблар асосида киритилишини назарда тутати ва маънонинг тўғрилигини тасдиқлаш мақсадида киритилади. Маънони янада ёркинлаштирадиган ҳодиса иллюстратив мисолларнинг тўғри берилиши ҳисобланади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида шевага оид сўзларнинг изоҳи ва берилишида ўзига хос ёндашувларни кузатиш мумкин. Бу икки томли Ўзбек тилининг изоҳли луғати ва беш жилдли Ўзбек тилининг изоҳли луғатлари билан таққослаганда янада аниқроқ кўринади. Масалан, II томли ЎТИЛда **БОЛОР** [ф-т] *диал.* Тўсин. Бу шевага оид сўзликнинг луғат мақоласи (тўсин) компоненти сўзлик маъноси изоҳидан кейин иллюстратив мисолларнинг акс эттирилмаганлиги сўзлик ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотмайди. Сабаби *тўсин* лексемасининг семаларида “иморатнинг ва, умуман, ҳар қандай қурилма ёки иншоотнинг томи, ора ёпмалари, полига кўндаланг солинган бақувват ёғоч, темир ёки бошқа нарс-а” маъносини акс эттиради. Бу ҳақли равишда беш жилдли ЎТИЛда иллюстратив мисоллар билан бойитилган ва маъноси кенгайган.

БОЛОР [ф. – тўсин; устун] *шв.* Иморат томига кўндалангига ташланадиган ёғоч; тўсин. *Пойтешада болор чопавериб, белларинг қотиб кетгандир.* С. Аҳмад, Жимжитлик. *Бу айвоннинг болорлари орасига тахтачалар қоқиб, каптарлар учун уя тайёрланган.* С.Айний, Қуллар.

Кўринадик, луғат мақоласидан кейин берилган иллюстратив мисоллар шевага оид сўзларнинг ижтимоийлашувига туртки бўлади. Бу ижтимоийлашув жараёни кейинчалик фаоллашиб, адабий тил маҳсулига айланади. Буни қуйидаги сўзлар мисолида кўриб ўтамиз.

Икки томли ЎТИЛда *алаҳсирамоқ* сўзи шундай изоҳланган: **АЛАҲСИРАМОҚ** *диал.* Алаҳламоқ. Луғатда акс этган сўзлик ва унга тиркалган сўзлик мақоласи фойдаланувчилар учун дастлаб тўла тасаввур бермаган. Бироқ бу сўзлик йиллар ўтган сайин ижтимоийлашиб, адабий тил қатламидан ўрин олган. Буни беш жилдли ЎТИЛда кузатиш мумкин, ҳатто маъно тараққиётида ҳам ўсиш кузатилган. Иллюстратив мисолларнинг берилиши сўзликни бир маънодан кўп маъноли сўзга айлантириб юборган. 2 томли ЎТИЛда сўзлик мақоласидан сўнг бундай мисол берилмаганлиги унинг маъно тараққиётини торайтирган. Кейинчалик маъно тараққиёт иллюстратив мисолларнинг киритилиши сабаб кенгайган.

АЛАҲЛАМОҚ 1 Босинқираб ёки иситманинг зўридан қовушмаган, ноаниқ сўзлар сўзламоқ. *Тун ярмига борганда, Бобоқул отанинг аҳволи ёмонлашди. Дам-бадам ҳушини йўқотиб, алаҳлай бошлади.* С. Анорбоев, Оксой.

2 кўчма. Тутуриқсиз, бемаъни гап қилмоқ, валдирамоқ. *Ҳамёнингда бир миринг йўқ, намунча миллат, миллат деб бижиб алаҳлайсан.* К. Яшин, Ҳамза. Мисоллардаги ҳушини ёқотмоқ бирикмасидан кейин келган *алаҳсирамоқ* сўзлиги *босинқираш* маъносини беради.

Ушбу сўзнинг адабий тилга ўтганлигини *диал.* пометасининг берилмаганлиги ва унинг бугунги маъновий фаоллашганлигидан дарак беради.

Шевалар яқин худудий, ижтимоий ва маълум касбий доираларда қўлланиладиган жонли нутқнинг мулоқат воситаси бўлганлиги сабабли иллюстратив мисолларнинг ҳажми, структураси, яъни сўз бирикмаси, мураккаб бирикма, кенгайган бирикма ҳамда гап ҳолида берилиши ҳам сўзлик учун муҳим. Айниқса, луғатда берилаётган сўзнинг маълум манбадан олиниши бош сўзнинг маъновий хусусиятларига боғлиқ.

Луғат иллюстрацияси ибора, мақол шакллари орқали изоҳланади. Ушбу иллюстратив мисоллар орқали шева сўзликларининг маъновий хилма хилликларини кўрсата олади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида шевага оид сўзлар учун иллюстратив мисолларнинг берилиши маънодошлик муносабати, шаклдошлик муносабати, қўлланишдаги фаол, нофаоллик ҳолати, ўз ва ўзлашганлик муносабати, ўз ва кўчма маъно касб этишига иллюстратив мисолларнинг берилиши муҳим рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. – Тошкент: "O'zbekiston nashriyoti", 2020. – Б. 8.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. II. – Тошкент: "O'zbekiston nashriyoti", 2020. – Б. 609.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. – Тошкент: "O'zbekiston nashriyoti", 2020. – Б. 309.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. – Тошкент: "O'zbekiston nashriyoti", 2020. – Б. 246.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. – Тошкент: "O'zbekiston nashriyoti", 2020. – Б. 246.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. – Тошкент: "O'zbekiston nashriyoti", 2020. – Б. 39.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. I. – Тошкент: "O'zbekiston nashriyoti", 2020. – Б. 68.

ФОНЕМАЛАР ВА УЛАРНИНГ МАТНДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Аннотация. Мазкур мақолада фонемалар, уларнинг тилдаги ва реал қўлланиш билан боғлиқ нутқдаги ҳолати хусусида муносабат билдирилган. Мавжуд қарашларнинг энг муҳимларига эътибор қаратилган ва муаллиф ўз муносабатини акс эттиришга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: тил, нутқ, фонема, вариант, график восита, товуш, тил товуши, нутқ товуши, товуш ўзгаришлари.

Маълумки, товуш ўзининг мураккаб ва серқирра лингвистик хусусиятлари билан тил бирликлари орасида ўзига хос ўрин ва аҳамиятга эга. Унинг бундай тавсифланишида ўзига хос жиҳатлар инобатга олинади. Чунки товуш ва унинг вариантлари тил ва нутқда ўзида бошқа бирликлар билан умумийлик касб этиши баробарида, улардан фарқли белгилари билан ҳам ажралиб туриши табиийдир. Товуш тилшунослик адабиётларининг аксариятида тилнинг хомашёси, ўзидан катта барча бирликлар учун моддий асос, қурилиш материали, маънога эга бўлган ёки аксинча, яъни маънога эга бўлмаган бирлик сифатида ёритилган.

Тилнинг бирлиги ҳисобланган фонемалар ўзининг тил ва нутқ таркибидаги ҳолатлари, хоссалари ва функционал қимматига кўра ўзаро фарқланади. Шундай экан, уларнинг узвийлик касб этувчи белгилари билан бир қаторда фарқларни келтириб чиқарувчи томонлари ҳам борлиги масала моҳиятининг нақадар мураккаб табиатидан далолат беради.

Қайд этилганларнинг барчаси, бизнингча, товуш ва фонема, фонема ва унинг вариантлари хусусидаги баҳсли масалалар тавсифи билан алоқадордир.

Фонетик хусусиятлар товушларнинг материал жиҳатидан келтирилган тасниф ва хусусиятлари мажмуида намоён бўлса, унинг вариантлари ва инвариант ҳолати нутқ жараёнидаги функционал жиҳатларини мужассам этади. Бироқ қайд этилганлардан ташқари товушлар билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам борки, уларда товушларнинг нутқий қўлланиши ва матнда намоён бўлиши билан алоқадор ҳолатлар кўзга ташланади. Бундай масалалар сирасига фонемаларнинг реал ҳолатда нутқда намоён бўлиши ва уларнинг график воситалар орқали матнда акс эттирилиши муаммоси билан боғлиқ ҳолатларни киритиш мумкин бўлади. Шундай экан, мазкур ҳолатлар ва уларнинг ечими билан узвийликдаги муаммоларни ҳал қилиш ҳам кўпчиликни қизиқтиради ва бунга ечим топиш алоқадор бошқа саволларга ҳам аниқлик киритиш имконини беради.

Дунё тилларида товушлар умумийлик белгилари билан бир қаторда, фақат ўзига хос бўлган ёки бўлмаса, айрим қариндош ва қариндош бўлмаган миллий тиллар таркибида кузатиш мумкин бўлган фонемаларнинг белгилари, хусусиятлари билан ўхшашлик ва фарқланиш ҳолатларининг қайд этилишига дуч келиниши мумкин. Бундай белгилар товушларнинг фонетик белгилари сирасига дахлдор бўлиб, улар фонетик ёки фонологик хусусиятлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Масалан, товушлардаги миқдор белгиларидан ҳисобланган чўзиқлик ва қисқалик белгиси. Бу белги товушнинг фонетик белгиси ҳисобланади ва айни пайтда товушларни бир-биридан фарқлашга, уларнинг алоҳида-алоҳида фонемалар сифатида ажратишга хизмат қилади. Мазкур белгиларнинг фарқланиши кўпчилик ғарб тилларида фарқланса ҳам, ҳозирги ўзбек тилида фарқланмайди. Демак, ҳозирги ўзбек тилида товушларнинг чўзиқ ёки қисқалиги улар бошқа-бошқа фонема бўла олмаслигида кўринади. Чўзиқ ва қисқалик белгилари товушларда тебраниш давом этган вақт билан ўлчанади. Мазкур ҳолатга ёндашув икки хил бўлиб, бунда фонетик чўзиқлик ва фонологик чўзиқлик фарқланади. Фонетик чўзиқлик товушни товушдан фарқлашга, яъни бир фонемани иккинчи бошқа бир фонемадан ажратиб турувчи белгиси асосида намоён бўлишини тақозо қилса, фонологик чўзиқлик бунинг аксидир. Нутқда ўзбек тили учун хос бўлган яна шундай бир жиҳат борки, унга кўра товуш сўз таркибида нутқий вазият, сўзловчи хоҳиши, эҳтиёжи, коммуникатив жараёни тўғри, ўзи истаётгандек шакллантириш эҳтиёжи билан содир бўлади. Шуни эътиборга олиш керакки бундай вазиятда фонема эмас, балки унинг нутқий

варианти шаклланаётгани кузатилади. Матнда бундай ҳолатни акс эттириш учун унли ҳарфларни бир неча бор такрор ёзиш орқали бериш мумкинлигини кузатиш мумкин.

Кўринадики, тилдаги товуш табиатини график акс эттириш билан боғлиқ муаммоли масалалар катта миқдорни ташкил қилади. Буни алоҳида илмий тадқиқи қилиш масаласи ҳам ўзида жуда кўплаб янгиликларни қамраб олади. Бу, айниқса, бадиий ва публицистик матнларда алоҳида аҳамият касб этади. Унлиларнинг чўзиб айтилиши, ундошларнинг қаватлаб талаффуз қилиниши сингарилар демоқчи бўлган фикримизнинг яққол далили бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Кўринадики, матнда фонетик унсурларнинг намоён бўлиши шунчаки фикр ифодасининг ўзини бериш билан чегараланиб қолмасдан, балки руҳий, ижтимоий, ҳиссий-таъсирий, ифоданинг ортиқлиги, субъектик муносабатнинг турли-туман ифодаси зоҳир бўлиши, акс этишида ўзига хос функция бажаради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992, 135 б.
2. Абдуазизов А.А. О фонологической валентности // Филологиянинг долзарб муаммолари. –Тошкент, 2008, 223 б.
3. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 1992.

H.A.Urmonova (SamDU, talaba)

OKSYUMORON – POETIK INDIVIDUALLIKNI YUZAGA KELTIRUVCHI VOSITA SIFATIDA (ABDULLA ORIPOV SHE'RIYATI MISOLIDA)

Annotatsiya: Bizga ma'lumki, ijodkorning o'ziga xos uslubini shakllantirishda barcha til birliklari, tasviriy vositalar, poetik sintaksis namunalari faol ishtirok etadi. Ushbu maqolada poetik individuallikni ta'minlashda oksyumoron va uning Abdulla Oripov she'riyatida tutgan o'rni yoritildi.

Kalit so'zlar: individual uslub, oksyumoron, poetika, aktuallashuv, stilistik figura, antiteza.

She'riyatda yuzaga chiqishi muhim bo'lgan mazmunni shoir (ijodkor) har xil vositalar orqali vujudga keltiradi. Shunday vositalardan biri oksyumoron sanalib, bu haqida S.Umirovning "O'zbek she'riyatida lingvistik vositalar va poetik individuallik" dissertatsiyasida quyidagicha ta'rif beriladi: "Til vositalarining birikmalar shaklidagi aktuallashuviga asoslangan oksyumoron haqiqiy ma'noda individual poetik vositadir. U stilistik figura sifatida antitezaning bir ko'rinishi sanaladi" [4. –B.115]. Aktualizatsiya – lotincha "actualis- harakatchan, ishchan", - degan ma'noni bildirib, til elementlari potensial xususiyatlarining nutqda ma'lum aktuallashtiruvchi vositasida ishga tushirilishi, ularning mazkur nutq vaziyati talablariga muvofiqlashuvidir. Chunki matnda qo'llangan birliklar matning bir juzviga aylanib, unda ekspressiv bo'yoqdorlikni amalga oshirish uchun xizmat qiladi. Shu ma'noda aktualizatsiya muallif tomonidan til vositalarini alohida, o'ziga xos tarzda qo'llaydigan stilistik usul sifatida baholanadi. Oksyumoron haqida S.Karimovning "Badiiy uslub va tilning ifoda tasvir vositalari" asarida quyidagi fikrlar keltiriladi: "Bunda ham ma'nolari bir biriga qarama-qarshi bo'lgan so'zlar ishtirok etadi. Shu bilan birga, ular o'rtasida jiddiy farq ham bor. Bu farq shundan iboratki, antitezada ma'no bir-biriga zid birliklarni parallel, yonma-yon qo'yish orqali ochiladi, oksyumoronda esa, bu ikki so'z birikma holida bo'ladi va zid ma'noli so'zlardan ularning har birining ma'nosi saqlab qolingani yangi bir kontekstual ma'no kelib chiqadi" [1.–B.129]. Darhaqiqat, antiteza oksyumorondan farqli ravishda, qiyoslanuvchi fikr, tushuncha kabilarni qarama qarshi qo'yishdan iborat uslubiy qo'llanishdir: yaxshi topib gapirar, yomon qopib gapirar. Oksyumoronning kelish holati esa aksincha. Bu usulning o'ziga xos tomonlarini Abdulla Oripov she'riyati orqali ochib berishga harakat qilamiz:

Afsus, bunga chora yo'q,
Yo'qdir aslo imkoni.
Ortga qaytganmi axir,

Falak biror zamonda.
Insonni qabrigacha
Kuzatgaydir armoni,
Ilojing-ilojsizlik,

Iloj esa osmonda satrlaridagi ilojning ilojsizligi sirtidan qaraganda oksyumoron vositasidek ko'rinadi. Ammo haqiqatdan iloj aslida ilojsizlikda bo'lishi mumkin. Ya'ni ilojni topish mumkin. Bu yo'qlikdan axtarishga qaraganda ancha kuchli uslubiy bo'yoqdorlikka ega. Yagona chora ilojsizlik (chorasizlik)da qolishdir shoir ta'rifi bo'yicha. Bu o'rinda ushbu birliklar yonma-yon qo'llanib, poetik individuallikni yuzaga keltirgan. Yoki bo'lmasa boshqa bir she'rida ma'no-mazmun jihatidan bir-biri bilan qarshi turuvchi birliklar bilan oksyumoronni gavdalantirgan.

Azizim, g'unchalar nazar sol bir on,
Bag'rida hozircha turfa hol pinhon.
Ranglar yashar unda balki pushti, oq,
Ajab, tikoni ham hozircha yumshoq.

Bu she'rida yumshoq tikon(tikan) nazarda tutilyapti. Bilishimizcha, tikon nomi bilan bog'liq holda ba'zi hayvon va o'simliklarning ingichka uchli ninasimon a'zosi. Demak, bu a'zo yumshoq bo'lishi tasavvurga ham sig'maydigan holat. Ammo shu holat she'r mazmunini anglashtirib turibdi. Balki, bu misralarda aynan o'simliklarning ilk ungan davri ifodalangan bo'lsa, qaysidir ma'noda tikan yumshoqligini tasavvur ham qilish mumkin. Chunki ilk o'simlik rivojlanish paytida uning tikanlari hali mustahkam bo'lmaydi, ular endigina sabza urib chiqayotgan bo'ladi. Shu sababli ular yumshoq bo'lishadi. Ammo buni faqatgina kontekst ichidan anglab olish mumkin. Yuqorida atirgul o'simligining g'unchalik davri nazarda tutilgan shu tufayli uning tikanini yumshoq deyilishi to'g'ridir.

Bog'ingda bir nihol gullabdi bu kech,
Erta qiyg'os bo'lar olma noparmon.
Ilk bahor zahrini o'yladingmi hech,
Zaminda ne armon, senda ne armon.

Bilamizki, bahor fasli yangilanish, yasharish faslidir. Unga nisbatan zahr so'zini qo'llash bahor fasliga beriladigan noto'g'ri nisbatdir. Zahr deb aynan zahar nazarda tutilib, bu ta'rifni qish fasliga berilganda biroz erish tuyilmasdi. Chunki qish fasli boshqa fasllarga qaraganda, eng sovuq fasl. Hamma harakatdan to'xtagani va sovuq insonni "yeb yuborgudek" bo'lganligi uchun shunday ta'rif to'g'ri bo'ladi. Ammo shoir Abdulla Oripov bu birlikni aynan bahor bilan tasnifladi. Buni qaysidir ma'noda o'z o'rnida tushunish ham mumkin. Tabiat qishdan chiqqach tabiiy holki, undan so'ng bahor fasli keladi. Tabiat qonuni bilan birdan havo ochilib ketmaydi. Birinchi haftalikda anchagina sovuq bo'ladi. Buni xalq orasida mavjud bo'lgan "Ayamajuz" mifologik qarashi bilan ta'riflash ham mumkin. Ayamajuz (arab. Ayyom kunlar, ajuz-kampir)- qishning oxirgi kunlari. Mart oyining birinchi haftasida bo'ladigan sovuq va izg'irinli kunlar. Ayamajuz haqida xalq orasida "ayyom kampir olti kun, qahr aylasa yetti kun", Ayamajuz kirganda to'qson- bir kunimcha yo'qsan", kabi qarashlar tarqalgan. Ijodkor shu aqidaga tayanib bahorga shunday ta'rif bergan bo'lishi ham mumkin.

Muvozanat- qiynoqsiz qiynoq,

Muvozanat- eng bebaxt baxtim misralarida oksyumoron orqali shoir muvozanat tushunchasini ochib beryapti, shu tushunchaning butun mohiyatini kitobxon shuuriga singdirishga harakat qilyapti.

Darpardalar silkinadi sirli ravishda,
Gaz o'choqdan cho'ziladi ajdaho tili.
Kelining ham odam emas, yovuz farishta,
Salom bergan "qor odam"ning jun bosgan qo'li.

Ushbu bandda yovuz va farishta so'zlari birikib, oksyumoron sodir bo'lmoqda. Farishta termini, aslida, malak, hur va faqat yaxshi amallarni bajaruvchi g'ayritabiiy mavjudotdir. Yovuz esa yomon xulq-atvordagi har qanday mavjudot bo'lishi mumkin. Ammo shoir bu ikki bir-biriga zid tushunchalarni yonma-yon qo'llab, o'z qarashini bayon etadi.

Barglarin to‘kmoqda daraxtlar qadim,
U bilan to‘kilar ezgu dardlarim.

Insonni dard hamisha azoblaydi. Dard bu ruhiy azob, kasallik, ozor, alamdir. Uning ezgu yoki yovuz bo‘lishi insonni biroz o‘ylantirib qo‘yadi. Unga sifat berishning keragi ham yo‘q. Uning nomiyoq azobni anglatadi. Ammo shoirning darga ezgu sifatini berishidan bir qancha maqsadni ko‘rishimiz mumkin. Bu kabi noodatiy birikmalar Abdulla Oripov she‘riyatida ko‘p uchraydi, nafaqat shoir g‘oyalari, o‘y-kechinmalarini ochib berishda, balki shoir asarlarining poetik individualligini ta‘minlashda ham faol ishtirok etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov S. Badiiy uslub va tilning ifoda tasvir vositalari. – Samarqand, 1994.
2. www.textologia.ru/.../aktualizaciya/
3. Oripov. A Tanlangan asarlar. – Toshkent, 2001.
4. Umirova S. O‘zbek she‘riyatida lingvistik vositalar va poetik individuallik (Usmon Azim she‘riyati misolida): Filol.fan bo‘yicha falsafa d-ri. (Phd)diss. – Samarqand, 2019.
5. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. II tomlik, 1-jild. –M.: Rus tili, 1981.

II SHO'BA SISTEM VA STRUKTUR TILSHUNOSLIK MUAMMOLARI

Н.Қ. Турниёзов (СамДЧТИ профессори)

МАТН ВА УНИНГ САРЛАВҲАСИ: СТРУКТУР-СЕМАНТИК ҲАМДА ДЕРИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада матн сарлавҳаси ва унинг структур-семантик хусусиятлари хусусида айрим мулоҳазалар юритилган. Жумладан, сарлавҳани таҳлил қилишда унинг полифункционаллигини, сарлавҳа кўпинча бир вақтнинг ўзида бир нечта функцияларни бажариши, бу ўринда айнан қайси функция муҳим роль ўйнаши матн турига ва унинг функционал мақсадига қараб аниқланиши тўғрисида назарий фикрлар келтирилган. Шунингдек, мазкур мақолада сарлавҳанинг деривацион хусусиятлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: матн, сарлавҳа, полифункционаллик, оператор, фрейм, таркибли оператор, макроматн.

Сарлавҳа “матннинг мажбурий қисми саналган ва унда ўз белгиланган позициясига эга бўлган нутқнинг ажралмас бирлиги (матн белгиси) бўлиб, – матндан олдин ва унинг юқорисида ўрин эгаллайди” [1,188]. Сарлавҳанинг асосий ички функцияларидан бири номинативлик ёки информативликдир -сарлавҳа “матннинг асосий мазмунини, мавзусини ёки ғоясини қисқача ифода этади”[1,188]. Шунингдек, олимлар сарлавҳаларнинг прогнозлаш, тузиш, аниқлаш, алмаштириш ва сигнал функцияларини ҳам таъкидлаб ўтишади.

Шу билан бирга, ҳозирда бадиий асар сарлавҳасининг ўзига хос функциялари, яъни метафорик, метонимик, рамзий, баҳолаш кабилар кўриб чиқилмоқда. Олимларнинг фикрига кўра, агар сарлавҳалар ишнинг мазмун моҳиятини ўзида тўлиқ қамраб олган бўлса, мустақил гуруҳларга ажратилиши мумкин.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сарлавҳани таҳлил қилишда унинг полифункционаллигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур: сарлавҳа кўпинча бир вақтнинг ўзида бир нечта функцияларни бажаради. Бу ўринда айнан қайси функция муҳим роль ўйнаши матн турига ва унинг функционал мақсадига қараб аниқланади.

Узоқ вақт давомида сарлавҳа олимлар томонидан асарнинг элементи, унинг мутлақо кучли позицияси сифатида талқин қилинган. Шу билан бирга, тилшуносликда қарама-қарши қарашлар ривожланмоқда, бу сарлавҳани матндан маълум даражада мустақиллигини таъминловчи нуқтаи назардир. Унга кўра сарлавҳа нисбатан мустақил хабар бўлиши билан бир қаторда, "бутун бир макроматннинг ички хусусиятларини акс эттирувчи матннинг том маънодаги тўлиқ бирлигидир" [2,395].

Мақоланинг бошида берган таърифимиз, қанчалик ғалати бўлмасин, иккала нуқтаи назарни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Сарлавҳани ўрганишда иккала ёндашувнинг асослилиги кўплаб тадқиқотчиларнинг асарларида тўлиқ исботланган. Сарлавҳа ҳодисасини талқин қилишда муштарак қарашлар йўқлиги, биринчи навбатда, унинг матннинг мажбурий компоненти сифатида қўлланишига доир қоидалар ишлаб чиқилганидир. Аммо бу қарашлар бирмунча изоҳталаб кўринади, зеро, масалан, шеърый матнлар учун сарлавҳа мажбурий эмаслиги аллақачон исботланган. Яна бир сабаб – сарлавҳанинг асосий матн билан яқин семантик алоқаси борлигидир.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, сарлавҳа матннинг семантик эквиваленти вазифасини бажаради ва унга матн мазмунининг ўзига хос калити сифатида қаралиши мумкин. И.Р.Галпериннинг фикрига кўра, сарлавҳа "матннинг сиқик, ошкор этилмаган мазмуни бўлиб, уни метафорик тарзда, очилгани сайин ўз имкониятларини кўрсатиб берувчи бурама пружина сифатида тасвирлаш мумкин" [3,133]. Сарлавҳа матнни идрок этиш стратегиясини белгилайди, ўқувчида матннинг асосий мазмунига нисбатан қизиқишнинг пайдо бўлишига таъсир қилади (ёки аксинча): "сарлавҳа матннинг лексик, баҳоловчи қисми

саналади, китобхонни матннинг асосий мазмунига жалб қилиш унинг вазифаларидан бири саналади " [4,10].

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугунги кунда сарлавҳа танлашдаги хато тез-тез учраб туради. Е.А.Лазареванинг фикрича, матн билан сарлавҳанинг семантик боғланишлари бузилган ҳолларда хатолар юзага келади [5]. Агар сарлавҳа нотўғри танланган бўлса, ифода пайдо бўлмайди ва сарлавҳа билан матн мазмуни ўртасидаги боғлиқликни тушуниш қийин бўлади.

Сарлавҳа бутун матнни акс эттирганлиги сабабли, у ўқувчининг қизиқишини, ёки салбий муносабатини, ёки, умуман, берилган материалга бефарқлигини шакллантиради. Сарлавҳани матн мазмунига нисбатан фрейм тушунчаси билан тенглаштириш мумкин. Таҳлил қилаётган масаламизга деривацион нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, маълум макроматнга қўйилган сарлавҳани фрейм сифатида олиб, унга матннинг оператори мақомини ҳам бериш мумкин.

Аслида олганда, абзац қолипидаги матнларнинг деривацион таҳлилида, матн компонентлари семантик жиҳатдан бевосита боғланишда бўлса, унда ҳукм сураётган фрейм-оператор ўша абзацнинг сарлавҳаси сифатида фаоллашади, десак ҳам назаримизда хато бўлмайди:

Боғи Зогон қасрининг муҳташам қабулхонасига гавҳар ва ёқутлар билан безатилган баланд тахт ўрнатилган. Бир вақтлар бу тахтда Шохруҳ Мирзо ўлтирар эди. Ҳозир уни бошига тилла тоғж кийган Султон Абусайид эгаллаган (П. Қодиров. Она лочин видоси).

Кўринадик, мазкур абзацда **тахт** сўзи матн семантик салмоғининг асосини (мавзусини) ташкил этмоқда [6,109] ҳамда фрейм тушунчаси билан узвий боғланмоқда. Бу эса **тахт** сўзини қайсидир маънода шу абзацнинг сарлавҳаси мақомига олиб чиқмоқда.

Шуниси ҳарактерлики, матндан ажратиб олинган сарлавҳанинг ёлғиз ўзини ҳам семантик жиҳатдан катта мазмунга эга бўлган матн санасак бўлади. Бундай матнлар шакл жиҳатидан микроматн саналади. Н.В.Петрованинг фикрига кўра, “Продуктовый магазин”, “Цветы”, “Зоопарк” каби пештоқ ёзувлари матн саналади [7,123]. Шунга ўхшаш фикрни Ш.Турниёзованинг ишларида ҳам учратамиз[6, 22].

Шундай экан, матн сарлавҳасини матндан чиқариб олинган тақдирда ҳам мустақил мақомдаги матн санашимиз мумкин. Деривацион нуқтаи назардан у семантик деривация маҳсули ҳисобланади.

Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сарлавҳалар бир эмас, балки бир нечта сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин: “*Тушда кечган умрлар*”, “*Урушнинг сўнгги қурбони*” ва ҳ.к.. Агар мазкур сарлавҳаларни матндан ташқарига чиқариб олсак, бундай вазиятларда деривацион муносабат сарлавҳа компонентлари ўртасида амалга ошади. Унда биринчи сарлавҳамиз деривациясининг оператори *–ган* сифатдош қўшимчаси бўлса, иккинчи сарлавҳамизда таркибли операторга кўзимиз тушади: *–нинг* ва *–и*. Бироқ бу сарлавҳаларни матнга нисбат қилиб оладиган бўлсак, келтириган сарлавҳаларнинг ўзи тўлиғича матн (асар)нинг оператори саналади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, матн ҳажми сарлавҳанинг деривацион тузилишига ҳам таъсир ўтказди, бу жараён матндаги детерминантлар тўпламига тўғри келадиган калит сўзлар тўплами сифатида амалга оширилади. Сарлавҳа матнга мос келмаса, улар ўртасидаги семантик ва синтактик муносабатлар бузилиши мумкин. Агар структуранинг деформацияси мавжуд бўлса, демак матнда оператор белгилашда хатолик юз берган бўлади, бундай ҳолларда операторни тўғри танлаш, ўз-ўзидан сарлавҳани тўғри танлашга олиб келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Культура русской речи : энциклопедический словарь справочник / под ред. Л.Ю. Иванова, А.П. Сковородникова, Е.Н. Ширява и др. – М., 2003.
2. Фатеева Н.А. Заглавие и текст в русской поэзии конца XX века: параллельная динамика // Текст. Интертекст. Культура : сб-к докл. междунар. научн. конф. (Москва, 4–7 апреля 2001 г.) / ред.-сост. В.П. Григорьев, Н.А. Фатеева. –М., 2001.
3. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М., 1981.

4. Сабурова Н.В. Заголовочная игра слов как смыслоформирующий механизм текста (на примере англоязычной публицистики) : автореф. дис. канд. филол. наук. – СПб., 2007.
5. Лазарева Э.А. Заголовок в газете. – Свердловск, 1989.
6. Турниязова Ш.Н. Матн деривациясида лексик воситаларнинг ўрни. Докт. дис. Фаргона, 2021.
7. Петрова Н.В. Текст и дискурс // Вопросы языкознания, 2003, № 6. – С. 123.

Профессор Т.А. Бушуй (СамГИИЯ)

СЛОВАРИ СОВРЕМЕННОГО ТИПА

Аннотация: в статье освещаются вопросы, связанные с раскрытием многообразия современных лексикографических источников и своеобразия подачи в них языкового материала.

Проблема создания словарей различных типов всегда была и остается актуальной. В связи с широкими процессами глобализации и интеграции в мире лексикографическая наука также совершенствуется и обогащается. На сегодняшний день наиболее востребованными являются словари-справочники, словари для детей в картинках, словари трудностей, словари цитат, лингвострановедческие словари, словообразовательные словари учебной направленности, причем как одноязычные, так и контрастивные.

Совершенно справедливо отмечает российский лингвист М.В. Авдеева, что «лексикография – это теория и практика составления словарей, главным образом языковых, лингвистических, в отличие от неязыковых, энциклопедических. Лексикография как научная дисциплина носит комплексный характер, но определяющей чертой лексикографии является ее прикладная направленность. Ученые утверждают, что теоретическая лексикография изучает вопросы разработки макроструктуры и микроструктуры словаря, разработку типологии словарей, историю развития лексикографии. Макроструктура словаря определяет отбор лексики, объем и характер словника, принципы расположения материала. Практическую лексикографию можно определить как процесс составления словарей различных типов на базе теоретических разработок» [2012: 27-28].

На наш взгляд, в первую очередь необходимо сосредоточить свое внимание на расположение данных в словарных статьях. Немаловажное значение имеет и целевая аудитория, т.е. специфика адресата. Составители словаря также определяют функциональную направленность. Это могут быть лексикографические источники, имеющие коммуникативную или когнитивную направленность.

Важно также учитывать и тот факт, что на современном этапе среди традиционных бумажного типа словарей появилось множество электронных. Последние имеют свои характерные признаки, а также плюсы и минусы. К положительным сторонам словарей электронного типа можно отнести следующие: *объемность*; *многоязычный характер*; *динамичность*, связанная с оперативным добавлением и изъятием информации; *гибкость*, заключающаяся в быстроте получения информации при поиске; *обратимость*, т.е. изменение как входного, так и выходного языка; использование мультимедийных средств, а именно: игры, аудио- и видеоинформация.

Одним из удачно составленных словарей справочного типа можно назвать «Англо-русский, русско-английский словарь мнимых друзей переводчика», автором которого является российский языковед А.И. Пахотин [2003: 128]. Известно, что при переводе некоторых лексем могут возникнуть сложности, ведущих к ошибкам. Это так называемые «ложные друзья» переводчика. Задача такого рода словарей избежать ошибки и недоразумения как в процессе письменного, так и устного перевода.

Принцип подачи материала в данном источнике сводится к следующему: 1) после заглавного слова приводится транскрипция, 2) размещается небольшой комментарий, 3)

дается вариант (при необходимости приводятся несколько вариантов) перевода, 4) демонстрируется пример употребления данной лексики. Ср.:

«**Academia** [ækə'di:miə]

Это слово ошибочно может переводиться на русский язык как академия, хотя его следует переводить, прежде всего, как *академические (ученые) круги*.

Пример: He's been in academia for twenty years. He's a PhD. (Он уже двадцать лет в академических кругах. У него степень доктора философии.).

Значение и перевод слова академия смотрите в русско-английской части словаря» [7].

Аналогичная картина наблюдается и в следующем случае:

Baton ['bætən] имеет значение «палочка дирижера, эстафетная палочка или дубинка полицейского (truncheon)». Однако возможен ошибочный перевод – «батон».

И такого рода ошибочных переводов в данном источнике насчитывается до 400 случаев.

Кроме того словарь содержит систему отсылок ко второй части, в которой расположены лексемы с ошибочным значением. Ср.: «Значение и перевод слова **батон** смотрите в русско-английской части словаря».

Выделяются словари, рассчитанные на разную возрастную аудиторию. Так, скажем, интересно построен «Мой англо-русский словарь в картинках» [1997: 71], включающий 500 слов и 500 выражений на английском языке (материал был отобран преподавателями Оксфордского университета). Первое издание вышло в издательстве Oxford University Press в 1994 г. на английском языке. Данный словарь рассчитан на детей дошкольного и младшего школьного возраста. Рисунки художника Вэл Биро способствуют пониманию значения слов и выражений в увлекательной форме. Слова располагаются в алфавитном порядке от А до Z. С точки зрения частеречной принадлежности это: имена существительные, прилагательные, глаголы. Материал подается в следующей последовательности: 1) слово, 2) фраза, включающая данное слово, 3) перевод на русский язык английской лексики, 4) перевод английской фразы на русский язык, 5) в правом углу статьи помещен рисунок или целая сценка. Ср.:

bear

a polar bear

медведь

белый медведь

Данный лексикографический источник включает следующую тематику: «Числа» («Numbers»); слова, связанные с математикой, типа: *big* (большой), *small* (маленький), *whole* (целый), *part* (часть), *more* (больше), *less* (меньше); календарь, включающий времена года, месяцы и дни недели («The calendar»); «Открытый космос» («Outer space»): *planets* (планеты), *asteroids* (астероиды), *satellite* (спутник), *rocket* (ракета), *moon* (луна), *Earth* (Земля), *lifeline* спасательный трос, *spacesuit* (скафандр) и др.; «Пикник в парке» («A picnic in the park»): *kite* (воздушный змей), *jogger* (любитель ходьбы), *paper plates* (бумажные тарелки), *orange drink* (апельсиновый напиток) и др.; «Наша классная комната» («Our classroom»): *the teacher* (учительница), *maths table* (стол для занятий математикой), *technology table* (стол для конструирования), *new books* (новые книги) и др.; «Посещение больницы» («A Visit to the clinic»); «На игровой площадке» («At the playground»): *swings* (качели), *bench* (скамейка), *dig in the sandbox* (копать в песочнице), *bucket and spade* (ведерко и лопата), *sand castle* (замок из песка) и др.; «День спорта» («Sports Day»): *running a race* (соревнование в беге), *do gymnastics* (заниматься гимнастикой), *slide* (съезжать), *catch* (ловить); «Давным-давно...» («Once upon a time...»), где представлены герои сказок: *Cinderella* (Золушка), *the seven dwarfs* (семь гномов), *Puss in boots* (Кот в сапогах), *the Frog Prince* (принц-лягушонок), *wicked witch* (злая ведьма) и др.

Это словарь тематической направленности с опорой на игровые сценки. Подобного рода словарь помогает улучшить грамотность, а также увеличить словарный запас детей.

Особый тип представляет собой «Лингвострановедческий словарь. Культура Германии», составленный Л.Г. Маркиной, Е.Н. Муравлёвой, Н.В. Муравлёвой [2006: 1181]. Данный лексикографический источник включает свыше 5000 единиц, отражающих культурную жизнь Германии. Словарь также тематической направленности. Он знакомит русскоязычного пользователя с историей, обычаями, традициями, достопримечательностями, архитектурой, наукой, изобразительным искусством, музеями, литературой, музыкой, театром, кино, сферой образования, а также с выдающимися представителями немецкого народа. Авторы разместили в приложении необходимую информацию для переводчиков, преподавателей и изучающих немецкий язык, а именно: списки городов, достопримечательностей и персоналий. Такой словарь помогает заполнить информационные лакуны, способствует успешной межкультурной коммуникации, правильному восприятию культурного своеобразия другой нации и оценить вклад страны и народа в мировую культуру в целом. Данный источник направлен на решение как лингвистических, так и культурологических задач. Ср. образец словарной статьи:

ADELBERT VON CHAMISSE-PREIS ПРЕМИЯ им. АДЕЛЬБЕРТА ФОН ШАМИССО, литературная награда штутгартского фонда Роберта Боша*. Решение о её присуждении принимает Баварская академия изящных искусств (Bayerische Akademie der schönen Künste) совместно с институтом «Немецкий язык как иностранный» Мюнхенского университета (Institut Deutsch als Fremdsprache der Universität München). Присуждается авторам, для которых немецкий язык не является родным. Учреждена в честь Адельберта фон Шамиссо*, писателя и учёного-естествоиспытателя XIX в.

=> Chamisso-Denkmal / Berlin-Mitte,
Robert-Bosch-Stiftung [2, С.17-18].

Появились необычные словари языка персонажей произведений художественной литературы, фильмов, компьютерных игр. В этом плане интерес представляет труд Эдуарда Ключко «Словарь языков хоббитов, гномов, орков и других созданий Средиземья, Нуменора и Амана = Dictionnaire des langues des Hobbits, des Nains, des Orques & autres créatures de la Terre du milieu, de Númenor & d'Aman» [2002: 179]. Источником являются вымышленные эльфийские языки из романа Дж. Р.Р.Толкина «Властелин колец» («The Lord of the Rings»). В словарь включены такого рода вымышленные языки, как «синдарин», образованный Толкином на основе валлийского языка, древнеанглийского и древнескандинавского; «голдогрин» (Goldogrin) / «гномий» (Gnomish) язык, основанный на кельтских языках; «эльфин» (Elfin), «нолдорин», «роханский» («рохирийский» (Rohirian) или «рохиррик») (Rohirric), при создании которого Толкин использовал англосаксонский.

Таким образом, очевидно, что современная практическая лексикография не только отличается разнообразием типов словарей, но и носит комплексный характер, в ней все отчетливее проявляется тенденция направленности на потребности конкретного адресата.

Литература

1. Авдеева М. В. Компьютерная лексикография в системе практической и теоретической лексикографии [Электронный ресурс] // Социосфера. 2012. № 44. – С. 26-28. URL: <http://goo.gl/i9op6>

2. Ключко Э. Словарь языков хоббитов, гномов, орков и других созданий Средиземья, Нуменора и Амана = Dictionnaire des langues des Hobbits, des Nains, des Orques & autres créatures de la Terre du milieu, de Númenor & d'Aman».–2002.–179с. [Электронный ресурс] Режим доступа: http://khuzdul.su/blog/ehduard_klochko_slovar_jazykov_khobbitov_gnomov_orkov_perevod/2013-04-20-20

3. Маркина Л.Г., Муравлёва Е.Н., Муравлёва Н.В. Лингвострановедческий словарь. Культура Германии – Москва: АСТ Астрель Хранитель, 2006. – 1181 с.

4. Мой англо-русский словарь в картинках. – Москва: «РОСМЭН», 1997. – 71 с. (Составитель Шейла Пембертон. Русский текст И.Б. Соболевой).

5. Пахотин А.И. Англо-русский, русско-английский словарь мнимых друзей переводчика / - М.: Издатель Карева А.К., 2003. - 128 с.

Р.Д.Журакулов (и.о.проф.СамГИИЯ)

ОСНОВНЫЕ СЕМАНТИКО-СТРУКТУРНЫЕ РАЗРЯДЫ СКАЗОЧНОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ

(На материале русских текстов узбекских народных сказок)

Аннотация. В статье приведены результаты анализа фразеологических единиц (ФЕ) и устойчивых словесных комплексов (УСК) общенародной фразеологии русских текстов узбекских народных сказок, которые характеризуются следующими семантико-структурными разрядами: именные, глагольно-именные, сравнительные ФЕ, ФЕ-предложения, включающие устойчивые разговорные формулы. Здесь мы привели информацию об именных ФЕ и УСК.

Ключевые слова: фразеологические единицы, устойчивые словесные комплексы, семантико-структурные разряды, именные, модель, фразеопотребление, индекс активности, фразеоактивность, фразеоформа.

Общенародная фразеология русских текстов узбекских народных сказок характеризуется следующими семантико-структурными разрядами фразеологических единиц (ФЕ) и устойчивых словесных комплексов (УСК): именные (субстантивно-субстантивные, адъективно-субстантивные), глагольно-именные (беспредложные, предложные, структурно-простые и структурно-развернутые), сравнительные ФЕ, ФЕ-предложения, включающие устойчивые разговорные формулы (структурно - это различные предложения побудительной семантики, распределяемые по отдельным группам: формулы благожелания с различными модально-семантическими подтипами, а также обращения).

В этой статье мы привели результаты анализа по именным ФЕ и УСК.

Именная фразеология языка сказки отличается многообразием ФЕ. Всего в рассматриваемом нами тексте отмечаются 854 ФЕ. Их фразеопотребление - 2989 раз, а индекс активности (выводимый из соотношения числа ФЕ и числа их встречаемости в тексте) – 3,5.

Они регулярно образуются по следующим структурным моделям: 1. Модель «сущ. + сущ.»: подруга жизни (3 фразеопотребления, *далее даётся только цифры*), расположение духа (3), бразды правления (1) и др. Всего 26 ФЕ (134 фразеопотребления). 2. Модель «прил. + сущ.»: белый свет (2), смертный час (11), вороной конь (10), ясное дело (2), бешеные деньги (1), ад крошечный (1) и др. Всего 182 ФЕ (463 фразеопотребления).

В качестве адъективного компонента используются также:

а) местоимение (свой час (2), тот свет/мир (2) и др; всего местоименно-субстантивных ФЕ 42, их фразеопотребление -158);

б) числительное (одно слово (6), первым делом (5), одним словом (4), первое лицо (1) и др.; всего номеративно-субстантивных ФЕ 14, их фразеопотребление - 38).

Таким образом, наиболее продуктивно представляются ФЕ, образуемые по адъективно-субстантивной модели; (всего 238 ФЕ, их фразеопотребление -659). ФЕ же субстантивно-субстантивной модели менее продуктивны. Вместе с тем интерес представляет величина их фразеоактивности: у субстантивно- субстантивных ФЕ ее индекс- 4,55. Индекс адъективно-субстантивных ФЕ-2,94.

Если учесть ФЕ, построенные только на комбинации «прил. + сущ.», то индекс их фразеоактивности составляет 2,54. Фразеоактивность прочих адъективно-субстантивных ФЕ имеет соответственно следующие индексы частотности: ФЕ модели «мест. + сущ.» - 3,76; ФЕ модели «номер. + сущ.»-2,71.

Продуктивную группу составляют ФЕ, основанные на предложно-именной модели:

1. Модель «предлог + сущ.»: при виде (31), на душе(13), в знак (10), по случаю (10), под видом (7), с умом (3), сквозь сон (2) и др. Всего 213 ФЕ (838- фразеопотреблений, индекс фразеоактивности - 3,9).

2. Модель «не +предлог + сущ.»: не в силах (16), не на шутку (7), не в жизнь (2), не в обиду (1) и др. Всего 16 ФЕ (57 фразеопотреблений, индекс фразеоактивности-3,56).

3. Модель «предлог + сущ. + сущ.»: на старости лет (6), на произвол судьбы (3), в поте лица (1), со времен Адама (1) и др. Всего 34 ФЕ (107 фразеопотреблений, индекс фразеоактивности - 3,14).

4. Модель «сущ. + предлог + сущ.»: день ото дня (8), время от времени (6), кровь с молоком (1), капля в море (1) и др. Всего 30 ФЕ (144 фразеопотребления , индекс фразеоактивности - 4,8).

5. Предложно-именные ФЕ, модель которых основывается на сочетании двух предлогов и двух существительных (предлог + сущ. + предлог + сущ.): от начала до конца (13), с утра до вечера (13), с пылу с жару (1), до поры до времени (1), за хлеб, за соль (1), с болью в сердце (1) и др. Всего 44 ФЕ (110 фразеопотреблений, индекс фразеоактивности - 2,5).

Итак, общие данные ФЕ собственно предложно-субстантивных сочетаний следующие: всего ФЕ – 337, их фразеопотребление – 1256 и индекс фразеоактивности - 3,72.

6. Модель «предлог + адъектив + субстантив»:

а) подмодель «предлог + прил. + сущ.»: по белому/белу свету (7), в добрый час (3), со спокойной душой (3), на смертном одре (2), без дальнейших разговоров (2) и др. Всего 41 ФЕ (фразеопотребление – 109, индекс фразеоактивности -2,66);

б) подмодель «предлог + мест. + сущ.»: на самом деле (27), изо всех сил (23), во весь дух (9), на всякий случай (5), на каждом шагу (1) и др. Всего 92 ФЕ (фразеопотребление - 567, индекс фразеоактивности - 6,16);

в) подмодель «предлог + числ. + сущ.»: в один голос (16), с первого взгляда (10), в/за один присест (10), во сто крат (2), в семь раз (2), в первую очередь (2), в три шеи (1), по первому слову (1) и др. Всего 23 ФЕ (фразеопотребление -126, индекс фразеоактивности - 5,5).

Если учитывать ФЕ, основанные на сочетании предлога и существительного с разными адъективами (прилагательными, местоимениями, числительными), то их характеристика выражается следующими данными: всего ФЕ – 156, их фразеопотребление - 820 и индекс фразеоактивности – 5,14.

Таким образом, именные ФЕ сказки представляют собой деривационно активный пласт фольклорной фразеологии. В большинстве своем это ФЕ, близкие к устойчивым аналитическим конструкциям.

С функциональной точки зрения именные ФЕ сказки выделяются таким двумя важными особенностями: а) коммуникативная активность ФЕ без каких-либо трансформаций базовой фразеоформы и б) контекстуальные дооформления ФЕ за счет префиксации и адъективного расширения субстантивного компонента. В последнем случае достигается эффект большей конкретизации образной основы ФЕ. Кроме того, контекстуальное дооформление именных ФЕ есть следствие действующей в языке сказки тенденции, направленной против их излишней клишированности.

Литература

1. Ройзензон Л.И. Лекции по общей и русской фразеологии. – Самарканд: СамГУ, 1973. – С.171-180.

2.Бабкин А.М. Русская фразеология, ее развитие и источники. – Л.: Наука, 1970, С.50.

3. Бушуй А.М. Сущность языка как проблема общей лингвистики. – Самарканд: СамГИИЯ, 2004. – 90 с.

4. Журакулов Р.Д. Об особенностях фразеологии узбекских народных сказок// В журн. «Хорижий филология», Самарканд, 2018, № 2, С. 47-51.

CLASSIFICATION OF SENTENCES INTO COMMUNICATIVE TYPES

Abstract. Speech as a communicative unit of the language is characterized primarily by the ability to express information, which is said by the speaker with a certain purpose. The specific objectives of communication are diverse, however, regardless of such diversity, they are divided into three general categories, namely the message, the interrogative, the comb, which means the command, the interrogative and the command.

Keywords: communication, pragmatic syntax, functional approach, paradigmatic and syntagmatic relations.

The main purpose pursued in these sentences is to give information about a particular event, to motivate the listener to respond in relation to the meaning of this sentence and to call it to perform an action [Иванова, Бурлаков, Почепцов, 1981]. It is worth noting that the above-mentioned three categories of communicative classification of the sentence are not directly accepted by all researchers.

The traditional classification is based on different principles, one against the other. After all, if the comb and interrogative sentences are separated in relation to the functional indicator, then the command refers not only to the pure functional feature, but also to the modal meaning of the desire [Демидова, 2005:16]. Therefore, it is understandable that some linguists, attempts to describe speech in the style of a communicative type of dichotomic system. Pinabin, M.V.Nikitin is not the type of sentence, separating the types of speech, Derek's speech is interpreted as a kind of command-desire speech, while he looks at command speech, because in both cases the purpose of motivating an action is expressed [НИКИТИН, 2007: 517]. In other words, M.V.Nikitin emphasizes that in both cases there is a command or desire. If in the first case there is a desire to answer the interrogative pronoun, then in the second case it is implied that there is a desire to perform the exclamation action.

Of course, in the description of linguistic phenomena, it is important to base classification categories, since only in this way will there be an opportunity to distinguish and characterize the object characteristics of events. It became known that there were some discrepancies in the proposed classifications. These discrepancies were mainly manifested in the following: a) introduction of exclamation sentences into the classification line; b) compactness of the classification by adding the command sentences to the range of comb or interrogative sentences; C) exclusion from the classification rows of sentences of the comb due to the fact that it does not have a special indicator of intonation.

The appearance of such classification discrepancies, of course, depends on some reasons. Already, all of the functional types that are allocated have some meaningful and grammatic commonality. In particular, assertive and command statements are intended to convey information to the listener and in this respect are opposed to interrogative statements aimed at obtaining information from the interlocutor.

Therefore, there is a similarity in the communicative function of the command and interrogative, that is, both of them motivate the listener to one action. Therefore, it should be noted that this type of speech, in contrast to the assertive speech, occurs mainly in dialogical speech. There is to some extent a commonality between the assertive and the interrogative sentence, since their both also have the property of characterizing the relationship between the predicate and the phenomenon. Therefore, the expression of modality in this type of sentence is free. And the use of command sentences is always associated with modality in the possibility. Taking into account the fact that these same features and the subject of the command sentences do not find a formal expression, L.S.Barkhudarov puts the command sentences against other sentences [Бархударов, 2008: 172].

One of those who tried to identify the shortcomings of the traditional classification of simple sentences of the communicative type, which divides it into three independent types, is I.P.

Raspopov. According to the author, in the separation of words from such a Category, various features of the communicative purpose and modal meaning were confused. I.P. Raspopov, first of all, divided the comb and interrogative sentences into the main types with respect to their task of the performance of a communicative purpose, only after that proposed a separate analysis of the modal features of these sentences [Распопов, 2005].

In Particular, G.I. Mullayanova, depending on the modal characteristics, calls for the separation of objects or declaratives (that is, they inform information that is not connected with the desire and desire of the speaker) and sub - objects (that is, the possibility or necessity to convey a message that depends on the desire and desire of the speaker) at the first stage of the classification of words. At the next stage, all subordinate clauses are divided into a group of optative sentences that express the desire of the speaker not addressed to another person, as well as an order (imperative) sentences that express the desire and desire of the speaker to another person. At the third stage, all command sentences are divided into direct-command and indirect-command sentences [Муллаянова, 1997: 15-16].

In such an approach, optative and command sentences are included in a category with comb sentences. Because these three types of sentences have the meaning of data transmission, in this context they are opposed to interrogative sentences, the meaning of which is to seek information. However, it is not desirable that assertive command and optative sentences should be included in one group only depending on the meaning of the message. Because any sentence has the property of transmitting information to a certain extent. Even more so, interrogative sentences do not consist of pure question, they always carry information of a certain appearance. For example, “*Why do you say that?*” [Серафимова, 1967: 120] hidden in the contents of the sentence you say that information is stored [Почепцов, 1981, 2001].

Apparently, the attempt of linguists to incorporate the communicative classification of sentences into the dichotomic system has not found its solution. As noted above, linguists tend to use comb and interrogative sentences on the one hand' and comb and command sentences on the other hand. At the same time, interrogative command and each of the optative sentences have their own unique structure and semantic characters. Therefore, it can not be said that it is worthwhile to include these communicative species in dichotomic rows. A relatively accurate classification of the communicative types of sentences is found in the work of other researchers, that they are not satisfied with the separation of simple sentences into three traditionally independent types.

Used literature

1. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. –М.: Наука, 2008. – 248 с.
2. Демидова И.А. Средства выражения побудительной модальности в русском и английском языках (на материале газет): Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Калининград: 2005. – 23с.
3. Иванова И.П., Бурлаков В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М. Высшая школа 1981. – 285 с.
4. Муллаянова Г.И. Побудительная модальность: императивные ситуации и их реализация в современном французском языке: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Нижний Новгород: 1997. – 17 с.
5. Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. Учебное пособие. – Санкт-Петербург: Издательство РГПУ им. А.И. Герцена, 2007. – 819с.
6. Почепцов Г.Г. Фатическая метакommunikация// Семантика и прагматика синтаксических единств. Межвуз. Тематич. Сб. – Калинин: Изд-во Калининского ун-та, 1981 а. – С. 52-59.
7. Распопов И.П. Очерки по теории синтаксиса. – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 2005. – 188с.
8. Серафимова М.А., Шаевич А.М. Topical Dialogues. – L.: Prosveshcheniye, 1967. – 192 р.

OT TURKUMIGA XOSLANGAN SO‘ZLARDA METONIMIYA

Annotatsiya: Badiiy tasvir vositalaridan metonimiya o‘ziga xos xususiyatga ega. Metonimiyaning so‘z turkumlariga xoslanishini ko‘rib chiqar ekanmiz, ko‘proq ot turkumiga xos ekanligi va sematik jihatdan ko‘p qirrali ekanligini kuzatamiz.

Kalit so‘z: Metonimiya, badiiy tasviriylilik, ot so‘z turkumi, semantik guruhlar, atoqli otlar va joy nomlari.

Uslubiyat tilshunoslikning eng serqirra va sermazmun bo‘limlaridan biridir. Badiiy tasvir vositalari nasriy hamda nazmiy asarlarni doimiy jilolantirib turadi. Shunday badiiy vositalardan biri metonimiya hodisasidir.

Metonimiya hodisasi barcha so‘z turkumlarida sodir bo‘ladi. U asosan ot turkumida keng tarqalgan. Fe‘l so‘z turkumida ham misollar bisyor. Metonimiyaga xos belgilar ot turkumlaridagi ma‘no ko‘chishida yaqqol ko‘zga tashlanib turadi. Shuning uchun ko‘pgina asarlarda tilshunoslar metonimiyani ot turkumidan olingan metonimiyalar doirasida tahlil etishga harakat qilganlar⁴. Uning ko‘rinishlarini ajratganda ham ko‘proq ot turkumida sodir bo‘lgan metonimiyalarga ustuvorlik berilgan. Shuning uchun birinchi o‘rinda ot metonimiyalarni tahlil etish maqsadga muvofiq bo‘lgan.

Ot turkumidagi metonimiyalar atoqli otlar doirasida salmoqli miqdorda uchraydi. Buning ustiga, u turli sabablarga ko‘ra sodir bo‘lishi kuzatiladi. Metonimiyaning atoqli otlarda sodir bo‘lishi boshqa hosila ma‘no beruvchi so‘zlar ichida o‘ziga xos tarzda namoyon bo‘ladi. Chunki atoqli otlarda hosila ma‘noning yuzaga kelishi metonimiyadan tashqari ko‘rinishlarda kuzatilmaydi. Jumladan:

1. Atoqli otlarda metonimiyaning sodir bo‘lishi til hodisasi sifatida faqat bir xoldagina qayd etiladi. Qolgan holatlarda esa nutq hodisasi sifatida uchraydi.

Kishi nomida joyning atalishi metonimiya bo‘lib, bu lingvistik hodisadir. Masalan: Ikki daryo tutashgan joyga / Oybek deya quyibsizlar nom (A Oripov). Bu gapdagi Oybek so‘zi asli taniqli yozuvchining nomi. Mazkur she‘rda shu nom bilan joy atalgan. Oybek so‘zining bu ma‘nosi mazkur misrani tarkib toptirgan gapda yuzaga kelmagan, balki unda namoyon bo‘lgan. Bu hosila ma‘noning yuzaga kelishi garchi metonimiya deb atalsa ham, bu ikki ma‘no asosida ikki so‘z mavjuddir: biri - yozuvchi nomi, ikkinchisi - joy nomi. Ammo metonimiyaga ko‘ra hosila ma‘no yuzaga kelar ekan, bu jarayon polisemantik so‘zni tarkib toptiradi. Yuqorida esa rasmiyat nuqtai nazaridan ikki so‘z sifatida qayd etilgan edi.

Navoiy va Furqat so‘zlari ham shoirning, ham shaharning nomi. Xamza ham shoir, ham tumanning nomi, Mo‘minovham olim, ham ko‘chaning nomi xolatida qo‘llanadi. Xalq yoki joy nomida kishining nomi bo‘lishi va mazkur sababga ko‘ra metonimiyaning sodir bo‘lishi lingvistik hodisa hisoblanadi.

Masalan: O‘zbek, Qozoq, Qirg‘iz degan kishi nomlari o‘zbek tilida ko‘plab uchraydi.

Kishi nomlarining hosila ma‘no berishi ko‘proq nutqiy holatda kuzatiladi deb aytilgan edi. Bunda kishilarning kashfiyoti, xarakteri, ramziy tomonlari uning asari va hokazolarga ko‘chiriladi va oqibatda metonimiya sodir bo‘ladi⁵. Masalan, yozuvchilarga xos asarlarni uning nomi bilan qayd etish orqali metonimiya yuz berishi mumkin.

Bunda nutq tarkibidagi aniqlanmish - asar bilan bog‘liq so‘z ellipsisga uchragani uchun nutqda uning aniqlovchisi - yozuvchi nomida "asar" ma‘nosi o‘z ifodasini topganbo‘ladi: Chol-chi, ko‘zoynagin artgancha bot-bot kitob varaqlaydi: Bedilmi, Mashrab (A.Oripov). Menga Pushkin bir jahonu, menga Bayron bir jahon.(E.Vohidov).

Bu misralardagi Bedil, Mashrab, Pushkin, Bayron kabi atoqli otlar metonimik hosila ma‘no bilan ifodalangan. Ular shu shoirlarga xos asar ma‘nosida qo‘llangan, yaratuvchisiga oid asar ma‘nosini beruvchi atoqli otfaqat shoirlar nomidan iborat bo‘lib qolmay, turli alloma va

⁴Mahmudov N. Tilimizning tilla sandig‘i. – Toshkent, 2012, 67-69-betlar.

⁵Миртожиёв М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2013, 133-137-бетлар.

kashfiyotchi nomini ham bildirishi mumkin: O'qdim Gerodot tarixin ko'p bor, / Forobiy, Danteni takror va takror. Bu misralardagi Gerodot, Forobiy, Dante so'zlari shu allomalarga oid asar ma'nosida qo'llangan. Bundan tashqari, Glinkani eshitdim, Mamatni maza qilib tingladim, Ayvazovskiyni tomosha qildim kabi gaplarda ham yuqoridagiga o'xshash metonimik hodisalar o'z ifodasini topgan.

Atoqli ot shu atoqli otda ifodalangan allomaning kashfiyoti ma'nosida ham qo'llanadi: Bu kun Abu Rayhonga ta'zimda ekanjahon (A.Oripov 29-b). Bu gapdagi Abu Rayhon atoqli oti Abu Rayhon kashfiyoti ma'nosini bergan.

Ayrim shaxslar o'z kasbi, xarakteri, kechmishi bilan shu sohaning ramzi bo'libqoladi va ularning nomi nutqda o'sha ramz ma'nosida qo'llanishi kuzatiladi: Nechun bu tuproq deb yig'ladi Furqat. Chunki haligacha Otello rosti, /Yagoni o'qitib qo'yguchilar bor. Sen - Nurxon, Sen - Sora, turibsan shoyon?

Ulug' mamlakatning sardaftarida (A.Oripov 57-b). Bu misralardagi Furqat so'zi "vatanidan judo bo'lgan kishi" ma'nosida, Otello so'zi "aldangan rashqchi" ma'nosida, Yago so'zi "ig'vogar" ma'nosida, Nurxon, Sora so'zlari "aktyor ayol" ma'nosida qo'llangan.

Atoqli ot asar nomi va shu nom qayd etilgan kitob ma'nosida qo'llanishi mumkin: Qo'ltiqda Dante bilan uning ortidan chopdim (A.Oripov). Bu gapda Dante so'zi "Dante yaratgan "ohiy komediya" ma'nosida qo'llangan.

Kishi nomi u yashagan davrni bildiruvchi ramz ifodasini berishi mumkin: Men hamQoshg'ariydan Registongacha Ko'rgan-bilganlarim sanadim bir-bir (A.Oripov).

2. Joy nomi va joy bildiruvchi so'zlarda metonimiya sodir bo'lishi nutqda ko'plab uchraydi. Ayniqsa, joy nomini bildiruvchi so'zlar o'sha joyda ishlab chiqarilgan mahsulotni bildirishi orqali metonimiya sodir bo'lar ekan, bu jarayon til hodisasi sifatida kuzatiladi. Masalan: Qorako'l so'zi asli Buxorodagi bir tumanning nomidir. U hozir qo'zi terisidan ishlangan jingalak yungli mo'ynani bildiradi. Bunday mo'yna olinadigan qo'zilar dastlab shu tumanda yetishtirilgan. Bu hosila ma'no joy munosabatiga ko'ra yuzaga kelgan. Yana shiving'on, kattaqo'rg'on, g'ulja, uchqora kabi joy nomlari ham bor. Bu nomlar kelib chiqishi jihatidan o'sha joylar bilan aloqador bo'lgan uzum navlarini ham ifodalaydigan bo'lgan, ya'ni metonimiya hodisasi kechgan. Yana Samarqand shahri nomida olma navi ham bor. Bu keltirilgan misollarning barchasi til hodisasi bo'lgan metonimiyaga xosdir.

Joy nomi bilan o'sha joyda yashovchi aholini atash orqali ham metonimiya sodir bo'ladi. Lekin ular deyarli nutqiy hodisa sifatida kuzatiladi: Agar kerak bo'lsa, Sharqni va G'arbni / Yolg'iz bir she'riga eta olur jo (A.Oripov). Bu gapdagi Sharq va G'arb so'zlari o'sha yerlarda yashovchi barcha aholini ifoda etgan. Toshkent chiqdi Shostri yo'liga (E.Vohidov). Bu gapda ham Tashkent so'zi Toshkent aholisini ifoda etgan. Quyidagi misolda berilgan Osiyo so'zini ham shunday izohlash mumkin: Zabtga olib keng Osiyoni, / Bir zot chiqdi mag'rur, davangir (A.Oripov). Joy nomi, ayrim hollarda, o'sha joyga oid kishini ham bildirishi mumkin: Tanladi Kavkazning papoq, burkini. (A.Oripov) Bu gapdagi Kavkaz so'zi "kavkaz kishisi" ma'nosida qo'llangan.

Joy nomi bilan unda yashaydigan aholi ifodalanar va metonimiya sodir bo'lar ekan, bu nom ma'lum hududni bildiradi. Bunga shahar, qishloq, tuman, vodi, mahalla, O'zbekistan, viloyat so'zlaridagi metonimiyani ko'rsatish mumkin.

Xullas, ot turkumida metonimiyaning sodir bo'lishi keng tarqalgan: u til hodisasi sifatida ham, nutq hodisasi sifatida ham kuzatiladi. Metonimiya sodir bo'lishida hosil qilyuchi va hosila ma'nolar denotati o'rtasidagi aloqadorlik yaratuvchi nomi bilan atash, joy munosabatiga egalik zamon va makon birligi, kechim va unga sarflangan vaqt birligi, joy va mahsulot birligi, yaralish asosi kabilardan iboratdir.

Foydalangan adabiyotlar ro'yxati

1. Abdurahmonov X., Mahmudov N. So'z estetikasi. –Toshkent: Fan, 1981.
2. Mirtojiyev M. O'zbek tili fonetikasi.-Toshkent: Fan, 2013. - 420 b Abdusaidov
3. Mahmudov N. Til tilsimi tadqiqi. -Toshkent :“Mumtoz so'z”, 2017.-B.175.
4. Qo'ng'urov R. O'zbek tilining tasviriy vositalari. –Toshkent: Fan, 1977. 144 b
5. Suvonova R. O'zbek tilida metonimiya. –Toshkent: A. Qodiriy, 2004,89 -bet.

РЕКЛАМА МАТНЛАРИДА ОЛМОШЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аннотация. Ушбу мақолада олмош сўз туркумининг реклама матнларида қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари мисоллар асосида ёритилган. Олмошларнинг маъно турларидан кишилиқ олмошлари фаол экнлиги исботланган.

Калит сўзлар: объект, шахс, предмет, прагматик маъно, экспрессив

Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида яратилган бой назарий маълумотларга таянган ҳолда реклама тилининг грамматик хусусиятларини ўрганиш реклама матнини ёритиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Тилнинг ифодали воситалари реклама қилинаётган маҳсулотнинг муҳим қирраларини очиш учун зарурдир.

Ҳар қандай реклама матни реклама қилинган товарлар ёки хизматлар, ишлаб чиқарувчилар ёки етказиб берувчилар тўғрисида маълумот беради. Шунинг учун тегишли олмошлардан фойдаланиш ахборот функциясини амалга оширадиган восита ҳисобланади.

Рекламада оз миқдорда олмош сўз туркуми ҳам қўлланади. Олмош туркумига мансуб сўзлар объектларни, уларнинг белгиларини, миқдорини ёки санаш тартибини билдирмайди, уларга фақат ишора қилади, холос. Олмошнинг маъно турларидан кишилиқ олмошлари реклама матнларида кенг қўлланилади. Кишилиқ олмошлари шахс билдиради (сиз, биз, улар, сиз); ўзлик олмоши белги билан шахснинг алоқасини билдиради ва шахсга тегишли бўлган сўзлар ўрнида алмашилиб келади (меники, сеники, бизники); кўрсатиш олмошлари объектларни, уларнинг сифатини ёки миқдорини кўрсатади (бу, шунча, бундай, шундай); сўроқ олмошлари шахс, предмет, белги (ким, нима, қандай) ҳақидаги саволларни ўз ичига олади; жамловчи олмошлар умумлаштирилган хусусиятини билдиради (барчаси, ҳар бири, ҳар хил); гумон олмошлари номаълум, ноаниқ шахсларни, объектларни, уларнинг белгиларини (бирор нарсани, кимнидир, ниманидир) билдиради; бўлишсизлик олмошлари шахснинг, нарсанинг мавжуд эмаслигини ёки уларнинг белгисини билдиради (ҳеч нарса, ҳеч ким, ҳеч қандай).

Реклама матнида олмошларни танлаб қўллаш бир қатор омилларга, шу жумладан, маҳсулот тоифасига ва мақсадли аудиторияга тегишли бўлишига боғлиқ. Масалан, «сиз» олмоши ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасидаги расмий муносабатни белгилайди, мулоқот натижасида ҳурмат ва иккинчисига хизмат қилишга тайёриги намоён бўлади: *Сиз маълум даражага етганингизда, қўздан яширилган нарсаларни қадрлай бошлайсиз. Янги Cadillac SRX сизга йўлда бутунлай янги тажриба беради (машина рекламаси).* Бундан ташқари, «сиз» олмоши маҳсулот яратувчисини харидорга яқинлаштиради: *BUKVA UZ реклама агентлиги - биз ҳар доим сизнинг бизнесингиз ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун, сизга кенг реклама хизматларини таклиф қилишдан хурсандмиз!*

Рекламаларда кишилиқ олмошининг биринчи шахс бирликда қўлланилиши реклама белгиларининг аниқ тажриба асосида тавсия қилинаётганлигини белгилайди: *Мен шунчаки пушти ранг (лаб бўёғи)ни севиб қолдим; Loreal. Ахир мен бунга лойиқман! Менинг лабларим - бу ажойиб санъат асари!*

Мазкур матндаги биринчи шахс маҳсулотни муваффақиятли ишлатган одам борлигини англатади, бу кўриниш таниқли кишиларнинг сўзлари билан асосланади. Реклама объектини олмош сўз туркуми ёрдамида мижозга етказишнинг прагматик маъноси шу тарзда амалга оширилади. Бир томондан, *биз* сўзини қўллаш орқали адресат ўзини маълум бир ижтимоий гуруҳ вакили деб кўрсатса (*Биз дунёни янада яхши жойга айлантирамиз*), бошқа томондан ишлаб чиқарувчи ўзини кўпроқ англатади ва ўзи ҳақида гапирди (*Биз бу ғояни амалга оширдик. Ғоя бир кишига тегишли*). «Реклама берувчилар олмошларда нутқни ифодалашнинг ўзига хос манбаларини қидирмоқдалар, уларга мурожаат қилиш кўпинча

ўзига хос услубий қизиқиш уйғотадиган эстетик мотивлар билан белгиланади»⁶. Экспрессив рангларнинг бойлиги жиҳатидан биринчи ўринда кишилик олмошлари туради. Кишилик олмошларининг ишлатилиши муаллифнинг баёнини субъективлаштиришга олиб келади. Ушбу услубий қурилма ёзувчилар ва публицистлар томонидан камтарлик маъносида ҳам кенг қўлланилади: *Биз бу таҳлилдан шу хулосага келдик (аслида бир киши).*

Кишилик олмошлари тасвирланган вазиятда ўқувчининг (истеъмолчининг) мавжудлик белгисини билдиради: «... бу сизга қулай, обрўли ва фойдалидир!» («Rymzhan» фирмаси); «Сизнинг расмингиз! Сизнинг характерингиз! Сизнинг эркинлигингиз!» («Style» эркалар ва аёллар кийимлари дўкони); «Менинг банким, менинг шахримда!» (Банк рекламаси).

Бундан ташқари, ташқи реклама тилида ҳам кишилик олмошларидан самарали фойдаланиш мумкин, бу реклама матнига самимийлик бағишлайди, истеъмолчини реклама қилинган маҳсулотни сотиб олиш мумкинлигига асослантиради, одамни унга ишонишини, ушбу маҳсулотни (ёки хизматни) сотиб олишга интилишини кучайтиради. Тасвирлар эса сўзларнинг моҳиятига сингдирилган, чунки улар ҳаракатлар, ҳолатлар, хусусиятларнинг сифат белгиларини аниқлайди. Матнлар таркибида келган *қулай, обрўли ва фойдали, тез ва содда* каби сўзлар миқдор жиҳатидан бошқалардан устун туради ва услуб нуқтаи назардан етакчи роль ўйнайди, нутқда ёрқин ифода манбаи бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида айтиб ўтилганидек, кишилик олмошлари ташқи реклама матнларида тасвирланган вазиятда ўқувчининг (истеъмолчининг) мавжудлик белгисини аниқлатади, харидорни реклама қилинаётган маҳсулот ҳақиқатан ҳам унга тегишли бўлишини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://articlekz.com/article/13381/>. Филиппова Д.Н., Антонова П.Н. Лексикология. Реклама. Художественный текст. Вестник Инновационного Евразийского университета. – Павлодар, 2012.
2. <https://classes.ru/grammar/> /Л.Теньер и его структурный синтаксис.
3. Тоҳиров З. Сўз туркумлари услубияти // Ўзбекистонда хорижий тиллар. –Тошкент, 2017. -№5-6. – Б.55.

N.S.Sadinova (SamDCHTI, katta o'qituvchi)

METAFORALARNING LIRIK ASARLARDA VOQE'LANISHI

Annotatsiya. Maqolada ma'no ko'chishining metafora usuli haqida ma'lumot berilgan. Nazariy fikrlar Anvar Obidjon she'rlari bilan tahlil qilinib, asoslangan.

Kalit so'zlar: metafora, lirik kechinma, tasvir, talqin, poetika, ijobiy va salbiy baho.

Metaforaga xos ana shunday xususiyatlarni biz Anvar Obidjon ijodida uchratamiz. Metafora poetik matnlarda muallif munosabatini ifodalashdan tashqari nutq obyektini ijobiylik yoki salbiylik nuqtai nazaridan baholaydi.

Quyidagi misolda oshiqning o'z sevgilisiga munosabati metafora vositasida ifodalangan. U sevgilisiga so'zlaganda uning nomini tilga olmaydi, balki uni “gulim” deb ataydi. Murojaatning bu shaklida muhabbat, hurmat, erkalash semalari sezilib turadi:

Qizg'anchiq deb o'ylama, gulim,
Bu so'z men-chun tengdir o'limga.
Inon,
Juda ochiqdir qo'lim,
Hech narsa yo'q faqat qo'limda.
“Bir baxshiman”

⁶ <https://articlekz.com/article/13381/>. Филиппова Д.Н., Антонова П.Н. Лексикология. Реклама. Художественный текст. Вестник Инновационного Евразийского университета. –Павлодар, 2012.

Lirik qahramon uchun sevimli qiz va gul o‘zaro egiz tushunchalardir. Ularni bir-biridan ajratib bo‘lmaydi. U shuning uchun boshqa qizlarni ham gul sifatida ko‘radi. Quyidagi misolda shu holat kuzatiladi:

Mening yorim bo‘lsangiz,
Arazlatib qo‘ymasdim.
Hatto qarib so‘lsangiz,
Boshqa gulni suymasdim.
“Mening yorim bo‘lsangiz”

Oshiqning o‘z sevgilisiga murojaatidan ham anglashiladiki, metaforada voqelikdagi jonli va jonsiz predmetlar, narsa yoki tushunchalar o‘rtasida o‘xshashlik mavjudligiga asoslanib, bir narsaga hos belgi-xususiyatlarni boshqa bir narsaga ko‘chiradi va bu o‘z navbatida nom ko‘chish hodisasini yuzaga keltiradi. Yuqorida tahlilga tortilgan misolda ishtirok etgan “gulim” so‘zi lingvopoetik vosita sifatida ma‘nosini metaforik ma‘no kasb etgan. Metafora gul va qizni o‘zaro bog‘lab turuvchi xususiyatlar, ya‘ni ularning go‘zalligi, nozikligi, kuzatuvchiga estetik zavq bag‘ishlashi kabilar asosida yuzaga kelgan. Gul so‘zining metafora sifatida qo‘llanishi bevosita matnga bog‘liq. Uning biz yuqorida ko‘rib o‘tgan “go‘zal yor” ma‘nosi adabiy tilimizda doimiy metafora sifatida qaralmaydi. Shuning uchun gul so‘zi matndan tashqarida o‘simlik ma‘nosini ifodalash bilan cheklanadi. U yakka holda nominativ xarakterda bo‘lib, emotsional-ekspressivlikdan xoli bo‘ladi. Boshqa bir o‘rinda shoir gul leksemasi o‘rnida shunga yaqin bo‘lgan “g‘uncha” so‘zini qo‘llash bilan yangi metafora hosil qilgan:

So‘lg‘in g‘uncha edim men,
Sizni ko‘rib ochildim.
Kamalakning o‘qidek
Bag‘ringizga sanchildim.
Keldim yo‘ldan toliqib,
Qolar bo‘lsam tez uxlab,
Sochlaringiz uyg‘otsin
Yuzlarimni qitiqlab. “Qaytish” (B.19)

Quyidagi misolda esa yorga nisbatan “oqqush” metaforasi qo‘llanilgan:

Yomonmanmi? O, yo‘q, oqqushim,
Ba‘zilardan ko‘ra aybim oz.
Sho‘xlikka goh moyildir hushim,
Goh gaplarim achchiqroq, xolos.
“Yomonmanmi?” (B.94)

Oqqush so‘zining metafora sifatida qo‘llanishida yor va oqqushning go‘zal va beg‘uborligi, rangdagi o‘xshashlik asos qilib olingan. Bundan tashqari oq rangda pokizalik, begunohlik ma‘nolari ham jamlangan bo‘lib, muallif shu jihatlarni ham e‘tiborga olganligi tabiiy.

Munosabat ifodalovchi har bir vosita tilning hamma sathlari bilan birday aloqador ekanligi yuqorida keltirilgan sxemada aniq ko‘rsatilgan. Metafora ham erkalash funksional-semantik maydonida o‘ziga xos o‘ringa ega.

Metaforalar Anvar Obidjon ijodida ko‘p uchraydi. Shoir tomonidan metafora sifatida tanlangan poetik obraz real voqelikni badiiy bo‘yoqlarda aks yettiradi, kitobxonga badiiy-estetik ta‘sir ko‘rsatadi. Tilshunoslikka doir adabiyotlarda metaforalar lingvistik va badiiy metaforalarga ajratiladi. Tilshunos B.Umurqulovning ko‘rsatishicha, “til metaforasi badiiy metaforadan o‘xshashlikning formasiga ko‘ra farqlanadi: til metaforasi ikki predmet orasidagi bevosita yoki ochiq o‘xshashlikka asoslangan ko‘chimdir. Masalan: bosh so‘zining asosiy leksik ma‘nosi “bosh qism” bo‘lib, tog‘ning boshi, yo‘lning boshi, ish boshi, jo‘raboshi kabi ko‘chma ma‘nolarga yega. Badiiy metaforada predmetlar orasidagi o‘xshashlik asosida badiiy bo‘yoq, obrazlilik yotadi. Demak, badiiy metafora til metaforasidan, dastlab, fikrni obrazli ifodalashi bilan ajralib turadi. Badiiy metaforada o‘xshashlik yashiringan holda bo‘ladi”⁷.

⁷ Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. Тошкент, 1990. Б.109.

Lingvistik va badiiy metafora vazifasiga ko‘ra farqlanib turadi: “Badiiy adabiyotda metafora o‘xshatishning qisqargan formasi bo‘lib, predmetning nomi vazifasini bajarmaydi. Chunki bunda so‘z shu nutqiy parchada ilgari hech qanday anglanmagan predmet yoki hodisani anglatadi. Metafora predmetning doimiy nomi bo‘lib qolgandagina tilshunoslik fani tekshiradigan hodisa hisoblanadi. Chunki bunday metafora umumxalq tiliga xos, badiiy metafora esa, yozuvchining individual priyomiga xosdir”⁸. Poetik matnlarda metafora ijodkorning o‘z asari tilining emotsional-ekspressivligini ta‘minlashida, obrazlilik hosil qilishda muhim ahamiyat kasb yetadi.

Poetik matnlarda metafora ijodkorning o‘z asari tilining emotsional-yekspressivligini ta‘minlashida, obrazlilik hosil qilishda muhim ahamiyat kasb yetadi. Tilshunos olim M.Mirtojiyev ham o‘z kuzatishlarida bu vositaning mohiyatini ochib berishga harakat qilgan. U metaforaning sof metaforalar, sinteziyalar va jonlantirishlar kabi turlari mavjud deb hisoblaydi. Sof metaforalarda o‘zaro o‘xshatilgan denotatlarning biror belgisi, aniq va ko‘zga tashlanadigan belgisi asos qilib olingan bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. Тошкент, 1990. Б.109.
2. Усмонов С. Метафора.- «Ўзбек тили ва адабиёти», 1964, 4-сон, -Б.34-35.
3. Мамирова Д. Реклама матнларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2018. – Т. 3. – №. 3 (68). – С. 56-59.

Д.Н.Рахматова Д.Н. (СамДЧТИ,ўқитувчи)

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ АСАРЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАДҚИҚИ

Аннотация: Лексикографик ва статистик таҳлил натижасида XIX аср охири XX аср бошларидаги вақтли матбуот тили ва услуби ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. Луғавий бирлик, сўзшакллар, кўшимчаларнинг ўтган давр мобайнида меъёрлаша бориши, фаол ва нофаол лексем бирликлар частотаси, сўз туркумларига оид шаклларнинг оммавийлиги ва бошқа кўплаб маълумотлар ойдинлашади. Қуйидаги мақола Беҳбудий асарлари юзасидан ўтказилган кичик тадқиқот хусусида.

Калит сўзлар: Лексикография, сўзшакл, частота, луғавий бирлик, кўшимча, ёрдамчи сўзлар, статистика, компьютер технологияси, алфавитлаштириш, терс луғатлар.

Матннинг лингвистик таҳлилида лексикографик ва статистик методларга таяниб иш кўриш, айниқса, ёзувчилик лексикографияси билан шуғулланиш бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди.

Шу маънода Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ўзбек драматургиясининг илк намунаси ҳисобланган «Падаркуш» драмаси, ҳикоялари, публицистик мақолалари, хат ва ёзишмалари, шунингдек саёхатнома жанрида ёзилган «Қасди сафар» асари матннинг луғатини яратиш ҳам маълум илмий-амалий аҳамиятга эга бўлади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий асарлари матни луғатини яратиш учун адибнинг 2018 йилда «Akademnashr» нашриёти томонидан чоп этилган икки жилдли «Танланган асарлар»и манба сифатида олинди. Бу асарлар адиб ижодий тафаккури, бадий маҳорати ва тилдан фойдаланишдаги ўзига хос услуби ҳақида бирмунча тўла ва асосли хулосалар чиқаришга имкон беради. Шунингдек, XIX аср охири XX аср бошларидаги матбуот адабий тили ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин бўлади. Чунки «Танланган асарлар»да адибнинг бадий асарлари билан бирга ўша давр вақтли матбуотида эълон қилинган адабий-танқидий мақолалари, ижтимоий-сиёсий ва маърифий мақолалари, иймон-этиқодга оид мақолалари, саломатликни мустаҳкамлаш борасидаги публицистик мақолалари ўрин олган. Улар ўз вақтида «Туркистон вилоятининг газети», «Тужжор» ва хорижий «Улфат», «Таржимон» газеталари ҳамда «Шўро» журналида эълон қилинган. Шунингдек, Маҳмудхўжа

⁸ Усмонов С. Метафора.- «Ўзбек тили ва адабиёти», 1964, 4-сон, -Б.34-35.

Беҳбудийнинг ўзи нашр эттирган «Самарқанд» газетаси ва «Ойина» журналида бериб борилган. Бу эса давр матбуоти ҳақида ишончли тасаввур бериши табиий.

Бугунги компьютер технологияси замонида сўзлик яратиш муаммоси осонлик билан ҳал этилади. Қўлда бир неча йиллар давомида бажариладиган ишни компьютер ёрдамида санокли соатларда уддалаш мумкин. Фактларнинг ишончилиги ва сифати билан у қўлда яратилган луғатларга нисбатан анча юқори туради. Лекин кириллча ёзувдаги матнларни алфавитлаштиришда ўзбекча ў,қ,ғ,ҳ сингари ҳарфларни ўқиш билан боғлиқ қийинчиликлар мавжуд. Матннинг Word дастурини яратиш учун бу ҳарфлар қўлда тузатилиб чиқилади. Лотин ёзувидаги матнларда эса бу муаммо йўқ.

Маҳмудхўжа Беҳбудий «Танланган асарлари»нинг биринчи жилдида жами 25841 та сўз ишлатилган, ушбу сўзлар 100690 марта қўлланилган, иккинчи жилдида эса 16640 та сўз 51977 марта ишлатилган. Ҳар иккала жилдда эса жами 42481 та сўз 152667 марта қўлланилган. «Б», «В» ва «М» ҳарфлари билан бошланувчи сўзлар миқдор жиҳатдан кўп бўлса, «Г», «Ғ» ва «Е» товушлари билан бошланувчи сўзлар оз: «Б» ҳарфи 12,1 фоизни, «В» ҳарфи 8,2 фоизни, «М» ҳарфи билан бошланувчи сўзлар 19,1 фоизни ташкил этиб юқори ўринда турибди. Фоиз жиҳатдан камроқ ишлатилган «Г» ва «Е» ҳарфи 0,5 фоиз, «Ғ» ҳарфи 0,3 фоизни ташкил этди.

Асарларда «Ц» ҳарфи билан бошланувчи сўз йўқ. Аслида Беҳбудий рус тили орқали кириб келган сензур (цензура), Сезар (Цезар), ситрус (цитрус), Франция (Франция), фраксия (фракция) каби сўзларни ишлатган: *Тўрт юз саҳифадан зиёда бўлди, иншооллох, сензурдин келса, беш қитъа ер қуруқлик харитаси ва Русия мамлакатини харитаси, полушар ва бошқаларни илова қилиб, таб ва нашр этмоққа ниятимиз бордур* (219), *Бу маҳкама ва муассасанинг моддий-маънавий ижро ва лавозимоти лойиҳасини Русия мусулмонлари иттифоқи аъзолари ва мусулмон фраксияси рижоли машварат ила тайёр этсалар керак* (139) каби.

Ўтган асрнинг 20 йилларида Туркистон ўлкасида араб алифбосидан фойдаланилгани ва бу алифбода «ц» ҳарфи йўқлигини инобатга олсак, масала яна ҳам ойдинлашади. Ўша даврда русча ва рус тили орқали кириб келган сўзлар сўзлашув услубида қандай талаффуз қилинса, тилимиз қонуниятларига амал қилинган ҳолда адабий тилга олиб кирилган. «Ц» товуши билан боғлиқ муаммолар лотин алифбоси асосида яратилган ҳозирги ўзбек алифбосида ҳам мавжуд.

«Танланган асарлар»нинг биринчи жилдида ва боғловчиси 7566 марта ишлатилган бўлиб, жами сўзларнинг 15,5 фоизни ташкил этмоқда. Иккинчи ўринда бир сўзи 1249 марта ишлатилган бўлиб, 7,5 фоизни ташкил этмоқда. Кейинги ўринда ила боғловчиси 994 марта қўлланилган, 5,9 фоиз. Ҳам боғловчиси 674 марта, 4,9 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу жилдда бир марта қўлланилган сўзлар сони 10998 тани ташкил этиб, 66,1 фоизни кўрсатмоқда. «Танланган асарлар»нинг иккинчи жилдида ҳам ва боғловчиси етакчилик қилмоқда. У 1426 марта ишлатилган бўлиб, жами сўзларнинг 14,4 фоизни ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, айрим тил бирликлари қўлланиши ниҳоятда фаол. Масалан, адибнинг «Туркистон вилоятининг газети»и саҳифаларида усмонли туркчадан баёний таржимаси бериб борилган «Бир вафолик заифа хусусида ҳикоя»сида ва боғловчисининг ишлатилиши ҳақида шу гапни айтиш мумкин: *Ул маслаҳатни қабул қилиб ва бечора хотун кечқурун ўз эри бирлан ҳовлига бориб ва анда мевалик ва хушбўй дарахтларнинг соясида ҳар хил бегона одамларни кўруб ва уялуб ва бир олисроқ жойда ўлтуруб яхши овоз бирлан ва баъзи маънолик абётни ўқуб нағма чалди.*⁹ Биргина ушбу гапнинг ўзида 6 марта ва боғловчиси қўлланилган. Уларнинг ўрнида ҳамда, шунингдек боғловчилари ёки тиниш белгиларидан фойдаланиш мумкин эди. Бу ҳолатни матннинг баёний, яъни эркин таржима эканлиги билан боғлаш мумкин. Асарда, ҳатто ва боғловчиси билан бошланадиган гаплар ҳам мавжуд: *Ва эри ўз хотунини кўриб йиглаб хафалик илан айтибдур...* каби.

⁹ Беҳбудий М. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – Б.115.

Иккинчи ўринда *бир* сўзи туради. У 1036 марта қўлланилиб, 10,4 фоизни ташкил этмоқда. Ундан кейинги ўринда *ила* боғловчиси – 627 марта қўлланилиб, жами сўзларнинг 6,8 фоизини кўрсатмоқда. Асарнинг иккинчи жилдида бир марта қўлланилган сўзлар сони 873 тани ташкил этиб, жами сўзларнинг 58,8 фоизини кўрсатмоқда. Ҳар икки жилдда бир марта қўлланилган сўзларнинг асосий қисмини от ва феъллар ташкил этади.

Бехбудий асарлари луғатига асосланиб айтиш мумкинки, XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек тилида *ва, бир, ила, бу, ҳам, учун, бўлиб, ҳар* каби сўзлар фаол қўлланган. Биргина *ила* боғловчиси юқори ўринларда туриб, ҳар икки жилдда 1621 марта ишлатилган ва жами сўзларнинг 6,1 фоизини ташкил этмоқда. Шунингдек, *билан* боғловчисининг *илан* шакли ҳам асарда кўп қўлланган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса эскирган ушбу боғловчига фақат бадиий услубда мурожаат қилинади.

Шунингдек, ўша даврда *ани* (37 марта), *анинг* (49 марта), *мунинг* (40 марта), *алар* (21 марта), *аларни* (28 марта), *ул* (56 марта), *бул* (62 марта), *ман* (58 марта), *мани* (24 марта) сингари олмошлар маҳсулдор қўлланган бўлиб, улар ҳозирги ўзбек адабий тилида ўз шаклини ўзгартирган. Бу мисоллар «Танланган асарлар»нинг иккинчи жилдидан олинди. Ҳар иккала жилдда уларнинг қўлланиши бундан-да юқори бўлиши табиий.

Бу эса ўзбек тилидаги муайян сўз шакллариининг кейинги юз йилликларда муайян ўзгаришларга юз тутганлигидан, бинобарин, тил бирликларининг шакли ва мазмуни доимий ўзгариш ва тараққиётда эканлигидан далолатдир.

Кичик бир таҳлилдан маълум бўладики, лексик бирликларни статистик метод билан таҳлил қилиш лексикология ва лексикографиянинг кўплаб масалаларини ҳал этишга кўмаклашади. Бу метод ёрдамида ёзувчи ижоди учун характерли бўлган лингвистик бирликлар аниқланади ва бошқа ижодкорлар матнига қиёслаш имконияти пайдо бўлади.

Бу каби луғат шаклида тартиб берилаётган матнларнинг филологик тадқиқотлар олиб боришда, шоир ва ёзувчилар тили ва услубини ўрганишда афзаллик ва қулайликлари бордир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бехбудий М. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2018.
2. Бехбудий М. Танланган асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2018.
3. Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. – Тошкент: «ЎЗМЭ» 2007.
4. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2014.
5. Shirinboyevna M.D. Basic features of advertising language. JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN No: 2581 - 4230 VOLUME 6, ISSUE 10, Oct. - 2020.

О.Анорқулова (СамДУ, ўқитувчи)

КОНЦЕПТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДАГИ ТАДҚИҚИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Ушбу мақолада концепт тушунчаси ҳамда унга берилган таърифлар, унинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида шаклланиши, рус тилшунослари томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан олинган мисоллар, фикр-мулоҳазалар ва шунинг билан биргаликда концептосфера ҳамда унинг моҳиятига алоҳида эътибор қаратилган. Қолаверса илмий мақолада сўз, тушунча ва концептнинг ўзаро алоқаси, уларнинг умумий ва алоҳидалик хусусиятлари ҳақида ҳам айрим мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Калит сўзар: Концепт, концептология, концептосфера, тушунча, сўз, таҳлил, лингвокогнитология, прагматика, жаҳон тилшунослиги, ўзбек тилшунослиги.

Бугунги кунда антропоцентрик йўналишда кузатишлар олиб бориш замонавий тилшуносликнинг асосий масалаларидан бирига айланди. Антропоцентрик таҳлил кўринишлари, хусусан, матн тадқиқи бағишланган ишларда яққол кўзга ташланади. Дунё тилшунослигининг лингвопрагматика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик,

психоллингвистика, нейролингвистика, этнолингвистика, дискурсив таҳлил каби йўналишларида шахс омили тадқиқот объектининг марказини ташкил этади. Мазкур соҳаларнинг юзага келиши фанда инсонни янада чуқурроқ ўрганиш ҳамда лисоний фаолиятни шахс омили билан узвийликда ёритиш ҳаракатлари билан боғлиқдир. [11, 5-бет.] Бу эса концепт тушунчаси билан боғлиқ бир қатор масалаларни кўриб чиқишни тақозо қилади.

Рус лингвистикасида 20-асрнинг биринчи ярмида файласуф С. Аскольдов томонидан муомалага киритилган бу тушунчани олим турли миллат вакиллари мулоқотига сабаб бўлиши мумкин бўлган коммуникатив жараён сифатида баҳолайди. С.А.Аскольдов концептларни ўрганиш, назарий асосларини яратиш бўйича китоблар, мақолалар нашр эттирган машҳур рус олими саналади. У концептнинг оғзаки, концептуал ва образли шакли масаласида ўз фикрларини баён этиш баробарида уни икки: когнитив ва бадий турга ажратади ҳамда энг муҳим хусусият сифатида когнитив концептни биринчи ўринга қўяди. [1, 267-269.] Чунки бирор сўз ёки атаманинг концептуал хусусиятларини таҳлил қилишда, дастлаб, киши онги, идроки ишга тушади. Кишилар билан мулоқотга киришишда ҳам, коммуникатив ҳолатни юзага чиқаришда ҳам, нутқий стратегия тузишда ва самарага эришишда ҳам инсон идрокининг аҳамияти катта.

Ю.С.Степанов томонидан ёзилган “Концепты. Тонкая пленка цивилизации” китобининг ҳам асосий атамаси концепт бўлиб, олим бу тушунчани мантиқ, психология, фалсафага тегишли бўлган “Концепт” га, тарихий нуқтайи назардан Платон “ғоялари”га ўхшаш маданият ҳодисаси сифатида баҳолайди.

Яна бир олим В.З.Демьянков “Концепт” атамасининг маъноси, этимологияси, турли тиллардаги шакллари ҳамда таърифлари ҳақида мақолалар эълон қилган. У ўзининг “Термин «концепт» как элемент терминологической культуры” номли китобида “концепт” ва “тушунча” сўзларини тарихий дублетлар эканлиги, бироқ, эндиликда илмий ва ноилмий фойдаланишда уларнинг ўзаро фарқланиши ҳақида фикр-мулоҳазаларини баён этиш баробарида уларга шундай таъриф беради: “Концепт - оғзаки белгининг мазмун томони, тушунча эса воқелик. Улар инсон ҳаётининг ақлий, маънавий ёки ҳаётий муҳим моддий соҳасига тегишли бўлган, одамларнинг ижтимоий тажрибаси билан ривожланган ва мустаҳкамланган, уларнинг ҳаётида тарихий илдизларга эга бўлган, ижтимоий ва субъектив равишда тушунилан жараёнлардир”. [2, 606-622.] Ҳақиқатдан ҳам, аввало, белгилаб олинган сўзга тегишли бўлган концепт инсон онгида гавдаланади, сўнгра бу бўйича тушунчалар пайдо бўлади.

Д.С.Лихачева ўзининг «Концептосфера русского языка» номли илмий ишида концептни сўзнинг луғат маъноси ва инсоннинг ўз миллий қарашлари билан тўқнашув натижасида ҳосил бўладиган фикрлаш жараёни маҳсули деб таърифлайди. С.Г.Воркачев бу тушунчани “Концепт – тилдаги ўз ифодаси ва лингвокультурологик спетсификасига эга тушунча, тасаввур ва билимлар тўпламидир”, дейди. Бу маданий тушунча ва тасаввурларнинг вербаллашган фикрни ҳам англатади. Концепт миллий тил ва миллий тафаккурга тегишли элементдир. Абстрактликнинг юқори босқичида семантик шаклланиш концептнинг ўзига хослигидир”. Бу билдирилган фикр Ю.С.Степанованинг билдирган фикрига жуда яқин, “концепт бу маданият элементларидан бирининг киши тафаккурида шаклланган шаклидир, худди шу шаклда маданият киши ментал дунёсига кириб боради”. [13, <https://hozir.org/7-mavzu-milliy-madaniy-konsept-va-til-semantikasi-1-topshiriq.html>.]

Концепт тушунчасининг моҳиятини яқиндан англаш учун тилшуносликда унга берилган айрим таърифларни келтириб ўтамиз:

Д.С.Лихачев концептга таъриф беришда маъно ва тушунча нуқтаи назаридан ёндашади ва қуйидагича баҳо беради: «концепт – шахснинг тушуниши, мазмундорликнинг оз миқдорда объектив маъно ва тушунча тарзида намоён бўлиши »[4, 281].

Е.С.Кубрякова эса концептнинг тилда ифодаланишини эътироф этган ҳолда уни бевосита хотира билан боғлайди ва хотира бирлиги сифатида таърифлайди: «Концепт –

хотиранинг фаол бирлиги, ментал сўз бойлиги, концептуал тизимлар ва мия тили, оламнинг жами манзаралари, билим кванти. Энг муҳим концептлар тилда ифодаланган.»[4, 90-91.].

Ю.С.Степанов концептга эмоционал-экспрессивлик жиҳатдан ёндашади ва «Концепт –мавҳум, аниқ-ассоциатив ва эмоционал-баҳоловчи бирликларни, шунингдек, исқанжаланган тушунча тарихини қамраб олувчи ғоя.» деб таърифлайди.[11, 41-42.]

А.Соломоник эса концептга реаллик ва ирреаллик нуктаи назаридан ёндашишни маъқул кўради. У мазкур терминга қуйидагича таъриф беради: «концепт – бу реал ҳаёт тушунчалари асосида ишлов берилган мавҳум илмий тушунча»[10, 246.]

В.В.Колесов концептга таъриф беришда унда бадиийлик хусусиятларининг мавжудлиги, адабиётга хос бўлган терминларнинг унда акс этишини ҳисобга олади: «концепт – ўзининг мазмундор шаклида – образ, тушунча ва рамзда намоён бўлган тушунча моҳияти»[3, 19-20.].

Назаримизда, Е.С.Кубрякова бошчилигида яратилган ”Когнитив терминларнинг қисқача луғати”да концепт тушунчасига бирмунча тўлиқ маълумот берилган: Концепт (лот.conceptual: маъно, мазмун, тушунча) – инсон онгининг руҳий заҳиралари ва ментал бирликларни ҳамда унинг тажрибаси, билимини акс эттирадиган маълумотларни изоҳлаш учун хизмат қилувчи атама; хотира, ментал сўзлар ва мия билан боғлиқ фаол бирлик - инсон руҳиятида акс этган олам манзарасининг концептуал тизими, яъни шахснинг дунё объектларига оид тасаввурлари, ўйлари, тахминлари, билимлари ҳақидаги маълумотлардир [4, 97-99].

Бирмунча янги ҳисобланган бу йўналиш бўйича ўзбек тилшунослигида ҳам тадқиқот ишлари кўлами ортмоқда. Шу ўринда Ш. Сафаров, Н.Маҳмудов, Т. Мардиев, Э.Маматов, М. Раҳматова, Ў.Юсупов, Г.Ҳошимов каби олимларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзбек тилшунослигида Т.Мардиев ўзининг ўттизга яқин муаллифлик ишларида айнан концепт тушунчасига берилган таърифлар, хулосалар, назариялар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Олимнинг фикрича: “Концептлар, одатда, инсон турмуш тарзи билан боғлиқ маълум тушунчаларни махсус қолипларга солиш, лисоний ва маданий мавжудлигини белгилашга қаратилади. Маълум бир концепт ҳар бир лингвوماданиятда ўзига хос шаклланишга эга саналади. Концептлар, ўз навбатида, сўз маъноларига нисбатан кенг талқин этиладиган, мураккаб типологик қурилмага эга”[6, 36-44]. Худди шу асосда Т.Мардиев “Бахт” концепти орасида олиб борган изланишлари натижасида ушбу тушунча ўз атрофида *эр-хотин (оила) муносабатларидаги ижобий ҳолат, қариндошчиликнинг ижобий муносабатлари, соғлом турмуш тарзи, жамоавий муносабатлардаги ижобийлик (қўни-қўшни, жамоа ва шу қабилада ўз ўрнига эга бўлиш), маънавий-ахлоқий турмуш тарзи, жисмоний соғлиқ, севги, муҳаббат, турмуш тарзидан тўлалигича қониқиш ҳосил қилиш ва розилик, худодан розилик, истак-хоҳишнинг амалга ошиши, етуклик, турмушга чиқиш ёки турмуш қуриш, тақдирдан ризолик, фарзандли бўлиш ва фарзандларнинг ахлоқий-маънавий етуқлиги* каби концептуал бирикларни қамраб олади, деган хулосага келади.

Бундан ташқари олим “Дўст/friend”, “бахтсизлик”, “мехр-муҳаббат”, “юррак” концептлари бўйича ҳам илмий изланишлар олиб бориб, тадқиқотлари жараёнида ўзбек ва инглиз тили материалларини ўзаро солиштирган ҳолатда лингвوماданий кўринишда лексик-семантик, этник жиҳатдан таҳлил қилиб берган.

Худди шу йўналишда М.М.Раҳматованинг ҳам филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси “Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида “Гўзаллик” концептининг лисоний хусусиятлари” деб номланиб, олима бу тадқиқот ишида инглиз, ўзбек ва тожик тиллари мақолларида акс этган “гўзаллик концепти доирасида гўзаллик прототип маъноларининг ботиний гўзаллик, зоҳирий гўзаллик, муҳит, ҳодиса, предмет гўзалликлари каби аксиологик хусусиятлари асослаб берилган. Қолаверса, ишда чоғиштирилаётган тилларда “гўзаллик” концептига оид лексема ва фраземаларнинг пайдо бўлиши, ва ўзгариши жараёнида миллий қадриятлар таъсирининг сўз ясалишидаги дериватсион жиҳати далиллаб берилган. Бундан ташқари, ушбу концептнинг тилда

воқеланишида ҳар уччала халқнинг этник хусусиятига хос табиат ҳодисалари, зоонимлар, ўсимликлар дунёси, антропонимлар, таом номлари, диний антропонимлар, историзмлар, услубий хос сўзлар ва ижтимоий мавзуларга оид лисоний бирликларнинг универсал ҳамда миллий-маданий хусусиятларининг концептуал изоморфик ва алломорфик жиҳатлари исботланган.[7, 13]

Тилшунос олим Ў.Қ. Юсупов концепт ҳақида фикр юритар экан, уни шундай таърифлайди: концептни “ташқи ёки ички дунёдаги бирор бир нарса ёки ҳодиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий, нейтрал муносабатлар, яъни баҳолашлардир. Концепт билан тушунчани айсбергга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир”[13, 49]. Бу фикрга ҳам қўшилиш мумкин, чунки айсбергнинг сувдан чиқиб турган қисми унинг сувостидаги қисмига нисбатан анчайин кичик. Демак, бирор сўзни концептуал таҳлилга тортишда, дастлаб, унинг лисонда пайдо бўлган воқеланиши тушунча деб қараладиган бўлса, чуқурроқ когнитив талқин қилинганда унинг янда кўпроқ мазмуни намоён бўлаверади. Концепт сўзни шунчаки англатган маъносига қараб эмас, унинг борлиқда ифодаланадиган барча тушунчаларини, инсон идроки билан бўлиқ жиҳатларини, лингвмаданий кўринишларини когнитив талқинда таҳлил этади.

Хуллас, кейинги йилларда тилшунослик соҳасида пайдо бўлаётган ва шаклланаётган янги йўналишларнинг мавжудлиги бу соҳадаги модернизатсияланишнинг кескин суръатларда эканлигидан далолат беради. Ана шундай йўналишлардан бири бўлган когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчаларидан бири бўлган концепт атамаси, дастлаб, рус тилшунослигида, сўнгра жаҳоннинг бошқа тилшунослик соҳаларига кириб борди. Айнан ўзбек тилшунослигида 90- йилларга келиб шаклланган бу тушунча бугунги кунда ҳам ўз тадқиқотчиларига эга. Жаҳон тилшунослигига назар ташласак, тилнинг концептуал табиатига бўлган талаб ва бу кўламда қилинган ишлар, назариялар 80-йилларга келиб бирмунча танқидларга учрайди. Йиллар ўтиши билан эса тадқиқот майдони кенгайиб концепт ва концептуал соҳага талаб ва қизиқиш қайта тикланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аскольдов С.А. Концепт и слово. Статья. Опубликовано в книге: Русская словесность: От теории словесности к структуре текста: Антология / Под общ. ред. В.П. Нерознака. - М.: Academia, 1997. - С. 267-279.
2. В.З.Демьянков Термин «концепт» как элемент терминологической культуры // Язык как материя смысла: Сборник статей в честь академика Н.Ю.Шведовой / Отв. ред. М.В.Ляпон. – М.: Издательский центр «Азбуковник», 2007. (РАН: Институт русского языка им. В.В.Виноградова). С.606–622.
3. Колесов В. В. Язык и ментальность. - СПб, 2004.С.19-20.
4. Кубрякова Е.С. Концепт / Е.С. Кубрякова, В.З. Демьянков, Ю.Г. Панкрац, Л.Г. Лузина // Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996.С.90-92.
5. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка / Серия литературы и языка. Т. 52. № 1.- М., 1993.С.281.
6. Мардиев Т. “Бахт” концептининг лингвмаданий ва семантик талқини (инглиз ва ўзбек тиллари қиёсида)// “Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим” (Илмий ахборотнома журнали). – Самарқанд:СамДЧТИ нашриёти, 2016, №10.Б.36-44.;
7. Рахматова М.М. инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида “тўзаллик” концептининг лисоний хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Бухоро-2019.13-бет.
8. Сафаров Ш. «Концепт» ҳодисаси ҳақида//Систем-структур тилшунослик муаммолари (Н.Қ.Турниёзов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари).–Самарқанд, 2010. 185-188-бетлар.
9. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах: Сангзор, 2006-йил, 13-бет.
10. Соломоник А. Семиотика и лингвистика. - М.: Молодая гвардия, 1995.С.246.
11. Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. М.,1997. С.41-42.

12. Худайберганава Д.С. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фанлари доктори дисс. автореф. Тошкент, 2015. Б. 5.

13. Юсупов Ў.Қ- Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультура атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида: Илмий амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 49.

A.A.To'xtamishhev (SamDChTI tayanch doktorant)

“是” BOG‘LAMASINING SINTAKTIK SATHDA QO‘LLANILISHIGA OID

Annotatsiya. Xitoy tilida “是” bog‘lamasi sintaktik jihatdan rang-barang qo‘llaniladi. Jumladan, u ega, kesim, to‘ldiruvchi, aniqllovchi, hol kabi gap bo‘laklari vazifasida kela oladi. Mazkur maqolada biz aynan “是” bog‘lamasining sintaktik sathda qo‘llanilishiga doir ma’lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: 是” bog‘lamasi, ega (主语), kesim (谓语), to‘ldiruvchi (宾语), aniqllovchi (定语), hol (状语),存在, 呈现.

Xitoy tilida so‘zlar turli gap bo‘lagi vazifasini bajarib keladi, ularning qaysi gap bo‘ladi vazifasida kelishiga qarab, ma’nolari ham turlicha bo‘ladi. Quyida biz “是” bog‘lamasining ning turli gap bo‘laklari vazifasida kelishi haqida fikr yuritamiz.

I. “是” bog‘lamasining ega (主语) vazifasida qo‘llanilishi:

Qadimgi xitoy tilida “是” gapda ko‘rsatish olmoshi bo‘lib kelgan, “此” (o‘qilishi-“cǐ”, tarjimasi-“bu”) bilan bir xil ma’noni anglatgan. Odatda “是” darak gaplarda bog‘lama bo‘lib kelib, ega vazifasida keladi. Masalan,

1. 是社稷之臣也。 [2;133]

shì shèjì zhī chén yě.

Bu davlat amaldori.

Chin sulolasi davridan oldin “是” darak gaplarda bog‘lama sifatida qo‘llanmagan. Ba’zida bog‘lamaga juda o‘xshagan bo‘lsa-da, lekin ular aslida ko‘rsatish olmoshi sifatida ishlatilgan. “是” qachon bog‘lama sifatida shakllangan degan savolga to‘xtaladigan bo‘lsak, bizningcha “是” Qin sulolasi davridan oldingi davrda bog‘lama sifatida shakllana boshlagan, Xan sulolasi davriga kelib esa to‘liq shakllangan. “是”ning bog‘lama sifatida ishlatilishi, uning ko‘rsatish olmoshi sifatida qo‘llanilishidan kelib chiqqan. [1;56]

2: 此必是豫让也。 [3;78]

cǐ bì shì yù ràng yě

Bu albatta Yu rang.

Qadimgi xitoy tilida “是” bog‘lama sifatida deyarli ishlatilmagan, bu o‘z-o‘zidan qadimgi va zamonaviy xitoy tilini bir-biridan farqidir. Xitoy tili rivojlanib borgan sari “是”ning ko‘rsatish olmoshi sifatida qo‘llanilishi yo‘qolib borib, aksincha, uning bog‘lama sifatida qo‘llanilishi sezilarli darajada ko‘paydi.

II. “是” bog‘lamasining kesim (谓语) vazifasida qo‘llanilishi.

Garchi “是” gapda kesim vazifasida qo‘llansa-da, lekin bog‘lamani ifodalab keladi. Ega va to‘ldiruvchi o‘rtasidagi bog‘lovchi komponent bo‘lib xizmat qiladi. Bunday gaplarda ega va to‘ldiruvchi ikki xil usulda bog‘lanadi.

1. O‘zaro bog‘lashuv:

a) 哈尔滨是黑龙江省会。

Hā'ěrbīn shì hēilóngjiāng shěnghuì.

Harbin Heylongjiang provinsiyasining poytaxti.

b) 我是这篇论文的作者。

Wǒ shì zhè piān lùnwén de zuòzhě.

Men ushbu maqolaning muallifiman.

Bog'lama ishtirok etgan bunday gaplarda odatda ot, olmosh, son, otli birikma ega va to'ldiruvchi vazifasini bajarib kelib, ega va to'ldiruvchi bir xil xarakterga ega bo'ladi. Bir-biri bilan teng munosabatda bog'langanligi bois, o'zaro teng komponent hisoblanadi.

2. Tobe bog'lanish (ega to'ldiruvchining bir turi yoki qismi bo'ladi).

a) 我是恒星学院的学生。

Wǒ shì héngxīng xuéyuàn de xuéshēng.

Men Hengxing institutining talabasiman.

b) 哈尔滨是省会城市。

Hā'ěrbīn shì shěnghuì chéngshì.

Harbin provinsiyaning poytaxt shahri.

Bog'lama ishtirok etgan bunday gaplarda odatda ot, otli birikma ega vazifasida kelib, ega va to'ldiruvchi tobe bog'lanadi, ular teng komponent hisoblanmaydi.

Bundan tashqari “是” bog'lamasi quyidagi holatlarda ham uchraydi:

3. “Bor bo'lmoq” (“存在”) ma'nosini ifodalaydi. Asosan mavzu doirasida shaxs yoki predmetning mavjud ekanligini bildiradi:

a) 门外全是等着答辩的人。

Mén wài quán shì děngzhe dábiàn de rén.

Eshik oldi himoya qiluvchi odamlar bilan to'la.

b) 动物园展出的都是日常生活中少见的动物。

Dòngwùyuán zhǎn chū de dōu shì rìcháng shēnghuó zhōng shǎo jiàn de dòngwù.

Hayvonot bog'ida ko'rsatilgan barcha hayvonlar hayotda kam uchraydigan hayvonlardir.

4. “Ko'rinmoq”, “bo'lmoq” (“呈现”) ma'nolarini ifodalaydi.

a) 广场上是一片欢腾的气氛。

Guǎngchǎng shàng shì yīpiàn huānténg de qìfēn

Maydonda shodlik muhiti hukmrondek ko'rinmoqda.

b) 新年里是一片祥和喜庆的气氛。

Xīnnián lǐ shì yīpiàn xiánghé xǐqìng de qìfēn

Yangi yilda bayramona kayfiyat atmosferasi bo'lmoqda.

III. “是” bog'lamasi gapda sifat bo'lib kelib, “正确”-“to'g'ri”, “haqiqiy”; “对”-“to'g'ri” (“错”-“xato”ning antonimi) ma'nolarini ifodalab keladi. Bunday holda “是” gapda to'ldiruvchi, aniqlovchi va boshqa gap bo'laklari vazifasida keladi:

a) 这件事你做得是。

Zhè jiàn shì nǐ zuò dé shì

Sen bu ishni to'g'ri bajargansan.

b) 他说的很是。

Tā shuō de hěn shì

Sen juda to'g'ri gapirding.

c) 你也该向他赔个不是。

Nǐ yě gāi xiàng tā péi gè bùshì.

Sen xatoying uchun undn kechirim so'rashing kerak.

IV. “是” bog'lamasi gapda urg'uni ifodalab, ravish so'z turkumi sifatida hol (状态) vazifasini bajarib keladi, urg'u asosan kesimga qaratilgan bo'ladi:

a) 他是厉害，这么强大的敌人都能打败。

Tā shì lìhài, zhème qiángdà de dírén dōu néng dǎbài .

U kuchli, eng kuchli dushmanni ham mag'lub eta oladi.

b) 这本书是好，写的很全面。

Zhè běn shū shì hǎo, xiě de hěn quánmiàn.

Bu kitob yaxshi, hamma narsa yozilgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, asrlar davomida “是” bog‘lamasining uzluksiz rivojlanib borishi uning qadimgi va zamonaviy xitoy tilida uning qo‘llanilishi borasida tavofutlar keltirib chiqardi. Ya’ni uning qadimgi xitoy tilida bajargan sintaktik vazifasi zamonaviy xitoy tilida yo‘qolib ketgan, yoki aksincha, zamonaviy xitoy tilida uchraydigan ayrim sintaktik vazifalari qadimgi xitoy tilida uchramaydi. “是” bog‘lamasini o‘rganish jarayonida biz nafaqat uning qadimgi va zamonaviy xitoy tilidagi qo‘llanilishini to‘liq anglashimiz, balki noto‘g‘ri qo‘llamaslik uchun farqlarini ham yaxshi bilishimiz zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Wang Li “The copula in Chinese grammar”, China. 1937.
2. “论语-季氏”, Xitoy. Eramizdan avvalgi 22-770.
3. 豫让 “史记 刺客列传”, Xitoy. Eramizdan avvalgi 104 y.
4. 夏征农主编.辞海 [M] .上海：上海辞书出版社.1979
5. 刘兰玲.探析《论语》中“是”的用法及其发展流变[J].白城师范学院学报, 2007
6. 高级汉语大词典 [M] .上海：商务印书馆.1998
7. 吕叔湘.中国文法要略 [M] .北京：商务印书馆.1982
8. 马建通.马氏文通 [M] .北京：商务印书馆.1983
9. 黎锦熙.新著国语文法 [M] .北京：商务印书馆.2000
10. 高名凯.汉语语法论 [M] .北京：商务印书馆.1986

М.А.Махмудова (Преподаватель, СамГИЯ)

ПОНЯТИЕ «УМ» В ФИЛОСОФСКОЙ ТРАКТОВКЕ

Аннотация. Язык фиксирует опыт всего человечество, его мышление, благодаря которой человеческое мировидение и мироощущение запечатлевается, хранится и передается от поколения к поколению обогащая историю нашей культуры; язык это познавательный механизм, система знаков, специфически кодифицирующая и трансформирующая информацию. Особенности истории и культуры народа, прежде всего, проходят осмысление, входят в мир мысли народа становятся составной частью его концептосферы, а затем, получая языковое выражение, включаются в семантическое пространство языка народа.

Ключевые слова: концепт, этимология лексемы «ум», философская трактовка «ум»а, языковое сознание, дискурс.

Мыслительная деятельность, по общефилософским представлениям, относится к духовной сфере человека, которая имеет скрытую форму существования. Автор книги «Қобуснома» Кайковус, который считается представителем идеалистической философии, говорит: «Человек является одним из божьих существ который отличается высоким душевным состоянием, т.е. умом». Так же он восхваляет талант и способность. Он делит ум на две категории: природный и приобретенный. Природный ум это дар божий его невозможно приобрести «...ақл икки хилдир: бири туғма, ақлдирки, буни азизий (табийй ақл) дерлар. Иккинчиси касбий ақл, буни муктасиб (халол меҳнат билан топилган ақл) дерлар. Касбий ақлга дониш ҳам дерлар. Муктасибни ўрганиб бўлади, аммо азизий ақл худонинг совғасидир, уни таълим билан ўрганиб бўлмас». Он утверждает что человек должен развить свой ум. И если даже у него нет природного ума то он должен приобрести его учением.[1]

Абу Райхан Бируни в своей «Геодезии» пишет о необходимости ума в решении жизненно важных проблем человечества. Он писал «когда умам есть в помощи нужда, а душам в поисках поддержки есть потребность».[3]

Концепт ум репрезентирует определенные умения, навыки и способности человека, связанные с мыслительной деятельностью, отличаясь тем самым от других концептов внутреннего мира человека своим ценностным статусом. Ум, являясь определяющим свойством человека и отличающим его от животных, и в то же время отличающим людей друг от друга, послужил при выборе ключевого слова в данной работе. Шейх Назир Мухаммед Мансур, известный ученый, наставник Омара Хайяма сказал своему ученику: «Ум удобен в известных пределах. Мало ума – плохо, много ума – еще хуже. Хорошо человеку среднего ума, которое ровно столько, сколько надо, чтобы человек был доволен собою и жизнью»[3]. Для когнитивного изучения был выбран концепт **ум** и его антиномия концепт *глупость* в узбекском и английском языках.

С точки зрения методологии исследование концептов целесообразно начинать с областей их бытования, представляющих собой типы сознания, в которых эти концепты объективируются. Для ума таковыми являются обыденное/ языковое сознание и сознание специальное – научное и религиозное. Две последние области бытования концепта отражаются в соответствующих типах дискурса, в свою очередь являющихся разновидностями сложного коммуникативного явления, включающего, кроме текста, еще и экстралингвистические факторы (знания о мире, мнения, установки, цели адресанта), необходимые для понимания текста. Взятый во всей совокупности прагматических, социокультурных и психологических факторов, дискурс как речь, «погруженная в жизнь», участвует во взаимодействии людей друг с другом и в механизмах их сознания, позволяя тем самым определить наиболее значимые стороны его составляющих – концептов. В отличие от собственно языковых, философские и научные представления, систематизированные в рамках различных концепций, являются универсальными, более точными и детальными, что вызывает необходимость их экспликации с целью постижения природы и сущности.

Так, например, концепт **ум** под разным углом зрения может пониматься по-разному. С точки зрения психологии ум – обобщенная характеристика познавательных возможностей человека (в отличие от чувств и воли). В более узком смысле – индивидуально-психологическая характеристика мыслительных способностей человека.[3]

В практической психологии **ум** считается средством воздействия. В философии **ум** (или интеллект) (лат. *intellectus* – рассудок, разумение, понимание, познание) – эта особая функция психической деятельности организмов с высокоразвитым и сложно дифференцированным мозгом; способность получать, хранить, преобразовывать и выдавать информацию, вырабатывать новые знания, принимать рационально обоснованные решения, формулировать цели и контролировать деятельность по их достижению, оценивать ситуации, возникающие в окружающем мире. Важнейший источник информации, перерабатываемой и преобразуемой умом и объект приложения выработанных им знаний, решений и целей – объективный мир. В этом смысле умственная или интеллектуальная деятельность человека является отражением объективной реальности на основе деятельности по преобразованию последней.

В европейской философии традиционно принято различать в качестве основных уровней интеллектуальной деятельности разум и рассудок. Рассудок рассматривается как интеллектуальная деятельность, не выходящая за пределы норм и стандартов, выработанных в социально- историческом и культурном процессе и в ходе индивидуальной деятельности, а разум – как высшая творческая способность ума создавать принципиально новые знания и постигать глубинную сущность реальности.

Метафизический и естественнонаучный материализм сводят **ум** к нейрофизиологической деятельности мозга. Диалектический материализм признает ум и психическую деятельность в целом функцией мозга, которая, однако, не может быть полностью сведена к нейрофизиологическим процессам, т.к. оперирует символами, несущими информацию, формируется и развивается на основе изменяющейся социально- исторической практики, в процессе общественного и культурного развития человечества.[4] Представители диалектического материализма утверждали, что миром владеет разум.[3]

Логические словари трактуют **ум** как рассудочное мышление. Великий философ древности Аристотель считал «Умом своей мы причастны к истине извечно. И правильным размышлением мы находим ее». Гениальные люди говорили, что пьющий вино ничего умного сотворит, не может. Умное могут сотворить только умные [3]. Ум не следует отождествлять, с одной стороны, с интуицией, а с другой – с разумом и рациональным мышлением в целом. Связь и различие между интуицией, умом и разумом не поддается точному логическому определению ввиду первичности самих понятий интуиции и мышления [5].

Список использованной литературы

1. Кобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 1968, с.19.
2. Кубрякова Е.С., Демьянков В.З., Лузина Л.Г., Панкрац Ю.Г. Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1992.
3. Хуршид Самибаев. Философия мудрости: Учебно-методическое пособие. – Сам.: СамГИИЯ. 2012, с.23.
4. Психологический словарь / Под ред. А.В. Петровского и М.Г. Ярошевского. 2 изд. – М., 1990. – с.414
5. Философский словарь / Под ред. И.Т. Флорова. 5 изд. – М., 1987. – с.493
6. Логический словарь. Деффорд. – М., 1994. – с.238.
7. Лихачев С.Д. Концептосфера русского языка // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология / Под ред. проф. В.П. Нерознака. – М., 1998.
8. Логический словарь. Деффорд. – М., 1994.
9. Ляпин С.Х. Концептология: к становлению подхода // Концепты. Вып.1. – Архангельск, 1997.

А.Ибаев (СамДЧТИ, ўқитувчи)

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОМПОНЕНТЛАРИ СИФАТДОШ ШАКЛИ БИЛАН БОҒЛАНГАН ПАЙТ МУНОСАБАТЛИ МУРАККАБ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ДЕРИВАЦИЯСИ

Аннотация. Мазкур мақолада инглиз ва ўзбек тилларида пайт муносабатли мураккаб синтактик қурилмалар компонентларининг боғланишида сифатдош шакллариининг ўрни таҳлил қилинган. Жумладан, сифатдошларнинг МСҚ деривациясидаги мақоми, уларнинг боғловчи восита сифатидаги роли хусусида айрим мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар. Деривация, мураккаб синтактик қурилмалар, сифатдош, оператор, боғловчи.

Мураккаб синтактик қурилмаларнинг тилшунослик фани тараққиётининг ўтган даври учун характерли бўлган илмий асосли таснифини, тенг ва тобе компонентли МСҚ компонентларининг ўзаро тенглик ёхуд тобелик асосидаги муносабатини, уларнинг формал-структур ҳамда семантик талқинини, мазкур синтактик қурилмаларнинг шаклланишида боғловчи воситаларнинг вазифалари, МСҚларнинг предикативлик ҳодисасига муносабати ва бошқа кўплаб масалалар тадқиқини киритиш мумкин.

Компонентлари сифатдош шакли билан боғланган пайт муносабатли мураккаб синтактик қурилмалар МСҚларнинг бошқа турларига нисбатан анча кенг тарқалган. Бундай МСҚ компонентлари ўзаро -р, -ар, -масдан, -ган сифатдош шаклини пайтни кўрсатувчи турли ёрдамчи сўзлар, постпозициялар ва равишлар билан қўллаиди. Бошқача қилиб айтганда, тобе гапда мослаштирилган сифатдош шакллари ёрдамида бош гапнинг ҳаракати аниқланади ва конкретлаштирилади. МСҚларда кеттирилган вазиятлар эса бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет амалга ошиши мумкин. Шу сабабли сифатдошнинг ҳар бир конкрет шакли ҳам семантик, ҳам деривацион структур аспектда ўз ўрнига эга бўлади. Жумладан, сифатдошларнинг айримлари мустақил ҳолда, айримлари эса қўшимчалар, равишлар ёки махсус кўмакчи элементлар ёрдамида қўлланилади.

Сифатдошнинг позитив-негатив шакли вазиятнинг ҳозирги-келаси замониға ишора қилиб, шундай ҳаракатни ифодалаш учун хизмат қиладики, у ўзидан кейин иммедиа (тезлик билан амалға ошадиган. А.И.) характерға эға бўлган бошқа ҳаракатни ифода этади. Буни проф. Н.К. Турниёзов қуйидагича ёритиб беради:

1. *Ҳакимжон колхоз саройиға етар-етмас, узидан анчагача нариға келаетган Булутбоиға кузи тушиб колди (М. Мухамедов. Оидин булок)*

2. *Катта сурп халтани олиб чопиб кетар ва бир нечада дакика ўтар-ўтмас халтасини беш юз граммлик қилиб уралган чойлар билан тўлдириб олиб,... яна гапға киришиб кетарди (С.Айний. Эсдаликлар).*

3. *Ҳамза субҳи содиқда шарқ уфқи бўзарар-бўзармас, уйғониб ўрнини йиғиштирди (К.Яшин. Ҳамза).*

Келтирилган мисолларда позитив-негатив характерли вазиятни ифодалаш учун хизмат қиладиган сифатдош шакллари қўлланилган: етар-етмас, ўтар-ўтмас, бўзарар-бўзармас. Мазкур вазиятда сифатдош шакли **такрор** морфологик усули билан қўлланилиб, синтактик нуқтаи назардан тобе қисмларнинг формал кесими вазифасида келмоқда [1.172].

Шуни ҳам айтиш жоизки, пайтни ифода этувчи белгилар барча вазиятлар учун хосдир. Аммо синтактик деривация нуқтаи назаридан пайт муносабатли МСҚларнинг бошқаларидан фарқи шундаки, уларнинг компонентлари боғланишида боғловчи вазифасини ўтаётган ва ўзи боғланиб келган сўз билан бирга қачон? сўроғиға жавоб берган сифатдош шакллари муҳим элемент саналади (формал кесим етар-етмас, ўтар-ўтмас, бўзарар-бўзармас).

Пайт муносабатли МСҚлар компонентлари юқорида келтирилган воситалар билан бир қаторда –ган + –да шаклини қўшиш орқали ҳам ҳосил бўлади. Шуниси характерлики, бу восита замон миқёсида иш ҳаракатнинг бир пайтда ҳамда шу билан бирга, кетма-кет пайтларда бажарилганлигини ҳам ифодалаш мумкин:

When the owner came, the Pilot began to jump merrily (Charlotte Bronte Jane Eyre). – Эғаси келганда, Пилот қувониб сакрай бошлади.

Кўринадики, инглиз тилидаги мисолда ўзбек тилидаги –ганда қўшимчаси **When** олмоши билан ифодаланган. Бу вазиятда олмош иш- ҳаракатнинг пайт кесимида кетма-кет бажарилганлигини ифодаламоқда. Бунда мураккаб синтактик қурилмалар қисмларидаги ҳаракат ва ҳолатнинг рўй бериши қисман бир-бириға тўғри келиб қолган.

Демак, пайт муносабатли МСҚ компонентлари орасида замон муносабати мавжуд бўлади; бунда тобе компонентдаги ҳаракат, хусусият ҳоким компонентдаги ҳаракат, хусусият билан баробар, бир вақтда рўй бериши ёки ундан олдин ё сўнг юзаға келиши мумкин. Бу маъноларнинг ҳар бири ўзига хос грамматик белгилар, тобе гап кесимларининг семантикаси, махсус сўзлар орқали ифодаланади ёки контекстан аён бўлади [2. 142].

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, пайт муносабатли МСҚлар компонентларини сифатдошнинг қандай шакли боғланмасин, деривацион нуқтаи назардан улар оператор мақомини олади. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсланганда бу воситалар шакл жиҳатидан ўзгарса-да, бажарадиган функцияси жиҳатидан бир хил мақомда бўлади. Умуман олганда, мураккаб синтактик қурилма компонентларининг бирикуви натижасида ҳосил бўлган ситуациялар умумлашиб, бир бутун ҳолда шаклланади ва ана шу тарзда МСҚ синтактик деривацияси воқеланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Турниязов Н. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке: дисс. ... д-ра филол.наук – Москва, 1985.

2. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, 1968.

3. <https://hozir.org/felning-vazifadosh-shakllari-reja.html>.

QADIMGI INGLIZ TILI YO'NALISH HARAKAT FE'LLARINING SEMANTIK TARAQQIYOTI

Annotasiya. Mazkur maqolada ingliz tilidagi ba'zi harakat fe'llarining semantik taraqqiyotini tahlil qilish, shu asosda yurish harakati fe'llarining o'ziga xos semantik voqealanishini belgilash. Yurish harakat semali fe'llarning tarkibi va chegarasini aniqlash, ya'ni ushbu fe'llarning semantik maydonini aniqlash hamda mazkur fe'l leksemalarning semantik tasnifini amalga oshirish ularning mushtarak (umumiy), birlashtiruvchi, farqlovchi semalarini aniqlashga e'tibor qaratilgan.

Kalit so'zlar. Diaxronik, tipologiya, simema, ma'no, semantika, shakl, makon, semema, harakat fe'llari, komponent, lingvistika, leksikologiya, harakat, yo'nalish, leksikografiya.

Qadimgi ingliz tili tashqi harakat komponenti bo'lgan holat fe'llari harakat fe'llari orasida eng katta turkum bo'lib, qariyb 107 ta qismini tashkil etadi. Fe'llarning ikkinchi katta qismini neytral harakat fe'llari tashkil etadi. Ushbu turkumga asosan yo'nalish hamda holat fe'llari kiritiladi. Harakat fe'llarining uchinchi qismi yo'nalish fe'llari tashkil etadi. Fe'llarining juda kam qismini boshlang'ich harakat ma'nosini beruvchi fe'llar tashkil qiladi. Maqolaning asosiy mazmunini qadimgi ingliz tili fe'llarining mazmun jihatdan o'zrganib va ularning bugungi kunga qadar o'zgarib kelganlarini o'rganib chiqishdan iboratdir. Mazkur maqolamizda asosan holat fe'llari va yo'nalish harakat fe'llariga e'tiborimizni qaratamiz. Demak quyida ko'rsatilgan qadimgi ingliz tili harakat fe'llari saralanib, ularning semantik kategoriyalari maqolamizning keyingi qismlarida keltirilgan. Asosan yo'nalish harakat fe'llari keltirilgan bo'lib ularning semantik taraqqiyoti ko'rib chiqilgan. Qadimgi ingliz tili davrida 189 ta usul bilan tasvirlangan harakat fe'llari aniqlangan:

II. Qadimgi ingliz tilida yo'nalish harakat ma'nolarini ifodalovchi fe'llar:

a) Yo'nalish harakatini ifodalovchi fe'llar: grētan, lendan, genēahian, nēahlæcan

b) Ichkarida bo'ladigan harakatlarni ifodalovchi fe'llar: innian, scipian

c) Uzoqda bo'ladigan harakatlarni ifodalovchi fe'llar: feorrian, feorsian/ fyrsian, (for)lætan, wīcan, (ge)witan

d) Yuqoridan pastga qarab harakat fe'llari: gryndan, hnīgan, hyltan, līhtan, sīgan

Holat hamda neytral harakat fe'llar bilan taqqoslaganimizda yo'nalish harakat fe'llari kamchilikni tashkil etadi. Ammo ular kamchilikni tashkil etsada qadimgi ingliz tilida tez-tez qo'llanilgan. Shuning uchun yo'nalish harakat fe'llari semantik taraqqiyotiga hech qanday chegara qo'yilmagan. Qadimgi ingliz tilida yo'nalish harakat fe'llari kodlangan ma'noga ega bo'lib ularning sof ma'nosi kamdan kam hollarda uchragan. Masalan qadimgi "scipian" "to take ship" ya'ni "kemaga chiqish" ma'nosidagi yo'nalish harakat fe'li "kemaning ichiga qarab harakatlanish" aniqrog'i "ichkariga harakat" kabi asoslangan ya'ni faqatgina kemaga nisbatan bajarilayotgan harakat ma'nosini ifodalagan. Qadimgi ingliz tilida yo'nalish harakat ma'nosida kelgan fe'llar ko'plab qo'shimcha tushunchalarga ega bo'lgan va ushbu fe'llar sof yo'nalish harakat sifatida ishlatilmagan. Ushbu qarashlar juda ko'p tortishuvlarga sabab bo'lgan va natijada qadimgi ingliz tilidagi sof yo'nalish harakat fe'llari inventarizasiyaga uchragan va qadimgi Lotin tili yoki Fransuz tilidan o'zlashtirilgan. Yuqorida keltirilgan fikrlarning isbotini maqolaning asosiy qismida keltirilgan misollar bilan ko'rsatib berishga harakat qilamiz.

Qadimgi ingliz tilidagi "feorrian" yo'nalish harakat fe'li "uzoqlarga ketish, ketish" ma'nosida ishlatilgan. Ushbu fe'l o'zi bilan albatta qo'shimcha ya'ni "uzoqlarga" ma'nosini ifodalab kelgan. Qadimgi lotin tilidan tarjima qilinganda "longe fugiunt" ya'ni "uzoqlarga ketishadi va qochib ketishadi" ma'nolarini ifodalab kelgan. Shunday qilib ushbu fe'l o'zida "uzoqlarga" kabi ma'noni mujassamlashtirgan. Masalan:

1 misol:

a) gif hi hwylcne man on ðam landum ongitað oððe him hwylc folligende bið, þonne feorriað hi & fleoð.

a) agar ular gigantlar bu yurtda biror kishini sezsalor yoki ko'rsalar yoki kimdir ularni kuzatishayotganini sezishsa, keyin ular uzoqqa borib, qochib ketishadi.

“Uzoq” ma’nosidagi qo’shimcha komponent dan tashqari “feorrian” fe’li sof yo’nalish harakat fe’liga mos keladi. Qadimgi ingliz tilida “feorrian” “jilo, jilolanish” kabi ma’nolarni ifodalagan. Qadimgi lotin tilining “elongare” fe’lidan kelib chiqqan. Demak bundan ko’rinib turibdiki, qadimgi lotin tilidan kelib chiqqan “elongare” fe’li qadimgi ingliz tili “feorrian” fe’li bilan morfologik jihatdan o’xshash bo’lib bunda “longus” “long, far” va qadimgi ingliz tili “feor” “far” ma’nolarini ifodalagan. Kornexlning ta’kidlashicha yuqorida keltirilgan misollar morfologik tahlillar hamda har bir bo’g’inining ma’nosini yetkazib berish uchun tadbiiq etilgan.

Qadimgi (for)lætan fe’li.

Qadimgi (for)lætan fe’li ko’pincha “to leave” “tark etish” ma’nosida ishlatilgan. “Fæder va modor, þæt child, hine” fe’llari kabi nafaqat joylarni balki insonlarni tark etish ma’nolarida ham ishlatilgan (4 misol a-c).

2 misol:

a) for ðan forlæt se man fæder & modor, & geðeot hine to his wife.

a) o’g’il bolalar ota – onasini tark etib alohida o’z oilasi bilan yashaydi.

b) þa cyrdon heo ham mid þam & þæt child forlæten æt þam temple mid þam oðre femnen.

b) Qolgan ayollar ketishdi va farzandlarini qal’ada boshqa ayollar bilan qoldirib ketishdi.

c) he wearð þa gebunden . . . and to ðam lande gelæd, and forleton hine þær to anum treowe huxlice gebundenne.

c) Uni kishanlab quruqlikka olib borishdi va sharmandalarcha daraxtga bog’lab tashlab ketishdi.

Narsa yoki shaxsga nisbatan “Forlætan” fe’lining ma’nolari orasida "orqada qoldirish", "yaqinda qoldirish, e’tiborsizlik, qarovsiz qoldirmoq”, “tashlab ketmoq, butunlay tark etmoq, aloqani uzmoq” ishlatilgan. Semantik ta’sirlanishda manba va maqsad yoki devor va shahar ma’nolarida keltirilgan (5 misol a,b,c).

Yuqorida keltirilgan misollarga tayanib, shunday xulosaga kelindiki qadimgi ingliz tilida ishlatilgan yo’nlish harakat fe’llari o’zlashtirilgan fe’llar bo’lib ularning ko’pchiligi sof yo’nalish harakat fe’llari emasligi aniqlandi. Qadimgi ingliz tilida ishlatilgan “feorrian, fyrsian/feorsian, wīcan, forlætan” yo’nalish harakat fe’llari qo’shimcha ma’nolarga ega bo’lgan. Demak qadimgi ingliz tili “feor” bilan shakllangan fe’llar “far” ya’ni “uzoq” ma’nosini ifodalagan. Qadimgi ingliz tilida ishlatilgan “wīcan” fe’li “kuch” ma’nosida ham ishlatilgan. Bunda ushbu fe’l shaklning harakatiga ta’sir etgan ya’ni harakatni kuchaytirgan yoki susaytirgan. Qadimgi ingliz tili “forlætan” fe’li ko’proq makonga ta’sir etgan bunda semantik hodisa ro’y bergan. Ko’rinib turibdiki hech bir yo’nalish harakat fe’llari sof harakat fe’llari sifatida ishlatilmagan.

Адабиётлар руйхати

1. Croft, William, Willem Hollman, Violeta Sotirova & Chiaki. Revising Talmy’s typological classification of complex event constructions \ Contrastive construction grammar. 2010. – P 201-35.

2. Fanego T. Motion events in English // The emergence and diachrony of manner salience from Old English to Late Modern English. Folia Linguistica Historica 33., 2012. -P 29– 85.

3. Filipović. Talking about motion \ A crosslinguistic investigation of lexicalization patterns. 2007. – P 35-250.

4. Langacker. Constructions and constructional meaning \ New directions in cognitive linguistics. 2009. - P 225– 67.

5. Langacker. Grammar and conceptualization \ Berlin: Mouton de Gruyter. 2000. – P 50-250.

6. Slobin Dan I. Two ways to travel: Verbs of motion in English and Spanish // Grammatical constructions: Their form and meaning., Oxford: Clarendon Press., 1996. - P 195– 220.

7. Talmy. Lexicalization patterns \ Semantic structure in lexical forms. Language typology and syntactic description. Vol. 3, 1985 -P. 57– 149.

8. Talmy. Path to realization \ A typology of event conflation. Proceedings of the Annual Meeting of the Berkeley Linguistics Society 7, 1991 - P. 480 – 510.

9. Talmy. Semantics and the syntax of motion // Syntax and semantics vol. 4, 1975- P. 181–238.
10. Talmy. Toward a cognitive semantics \ Concept structuring systems. Vol. I, 2000- P. 69-270.
11. Zlatev. Spatial semantics \ The Oxford handbook of cognitive linguistics. 2007. – P 318-50.
12. Мирсанов Ғ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш ҳаракат феълларининг акционал ва аспектиал хусусиятлари. Автореферат. Филология фанлари номзоди., Тошкент, 2009. – 21 Б.

М.Зайниддинов (СамДЧТИ, ўқитувчи)

ГАП ВА УНИНГ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ ХУСУСИДА

Аннотация. Ишда тилшуносликда долзарб бўлиб келаётган гап ва унинг таҳлил усуллар, нутқнинг минимал, яъни энг кичик бирлиги хусусида фикр юритилган. Бу борадаги қарашларнинг айримлари хусусида тавсиф берилган.

Калит сўзлар: тил, нутқ, гап, жумла, синтаксис, синтактик таҳлил, метод, усул, актуал бўлак, бош бўлак, иккинчи даражали бўлак, монема, тема, рема, актант.

Тилшунослик фани тараққиётининг илк даврлариданок инсон нутқининг энг кичик бўлаги, бирлиги хусусида баҳслар юритилган ва бу баҳслар ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бизнингча, бу борада айтилган фикрлар, юзага келган қарашларнинг барчаси ўзининг қандайдир асосларига эга. Бироқ бу борада тилшунослар ва бошқа соҳа мутахассисларининг бир тўхтамга келала олмаганликларининг ўзига хос сабаблари ҳам бисёр. Шундай экан, нутқнинг энг кичик бирлиги сифатида фонемалар асосида вужудга келувчи товушлар ва бошқа бирликлар, хусусан, сўз ва унинг вариантлари, сўзшакл, сўз бирикмаси, гап ва бошқа шу каби бирликлар алоҳида-алоҳида қайд этиб келинаётгани масала моҳиятининг нечоғлик мунозарали эканидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолатда айтиш жоизки, нутқнинг энг кичик бирлиги статуси қайси бирликка хос, бу мақом товушгами, морфемагами, сўз ёки сўзшаклгами, сўз бирикмасими ёки гапгами, аниқроғи уларнинг қай бирига тааллуқли экани хусусидаги қарашларга эътибор қаратиш лозим кўринади.

Бизнингча, бу мақом том маънода гапга тегишлидир. Чунки гап нутқда ҳосил бўлувчи синтактик, семантик, коммуникатив ва когнитив-прагматик факторларни ҳам том маънода ўзида мужассам этишга қодир бўлган бирлик ҳисобланади. Шундай экан, унинг ўзига хос ва бошқа бирликлардан фарқли бўлган жиҳатларини ёритиш масала моҳиятига аниқлик киритиш учун муҳим саналади.

Гап тилнинг бирлиги сифатида қайд этилган ўринларни ҳам кўп кузатиш мумкин. Бу назарий қараш ҳам асослидек тасаввурни келтириб чиқариши табиий. Чунки тилнинг табиати тўлалигича матнда акс этар экан, матн гапларнинг реал қўлланишидан ҳосил бўлиши исбот талаб қилмайди. Бу яққол кўриниб турган ҳолатдир.

Гап ва, умуман, мулоқот бирликлари тавсифи, уларнинг лисоний таҳлили борасида катта ишлар амалга оширилган бўлса ҳам, бу борада ҳали хануз мунозаралар фанда давом этмоқда. Демак, мавжуд фикр ва қарашлар том маънода мазкур масалага тўлиқ ечим топа олишимиз учун етарли эмас кўринади.

Бу ҳақида фикр юритар эканмиз, гапнинг анъанавий синтактик таҳлили, яъни бош ва иккинчи даражали бўлакларга ажратиб таҳлил қилишда муайян аниқликларнинг мавжудлигига қарамай, унда ҳам тўлдирилиши лозим бўлган ўринларнинг мавжудлиги, лисоний ёндашувга нисбатан мантикий-фалсафий муносабатларнинг устиворлиги диққатни жал этади. Бунда шуни алоҳида қайд этиш керакки, бўлакларнинг бирини бошқасига нисбатан устиворлик белгисининг акс этишига асосланиш, яъни бош бўлаклар ва иккинчи даражали бўлакларга ажратишнинг ўзи мазкур таҳлилнинг мунозарали масалаларидан бири бўлиши шубҳасиз. Бундан ташқари, таҳлил жараёнида коммуникатив белгиларнинг ҳисобга

олиниши назардан четда қолган бўлиб, унга кўра коммуникация жараёнида бош бўлақлар ҳамма вақт ҳам семантик жиҳатдан актуалликка эга бўлавермайди. Шу боис ҳам мазкур жараёнда гапнинг бошқа бўлақлари ҳам одатдагидан фарқли хусусиятлари билан намоён бўлади. Бу тил бирликларининг нутқда реал қўлланиши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг функционал коммуникатив қўдратини намоён этади. Айни жараёнда одатда иккинчи даражали бўлақ моқомида тавсифланаётган бўлақларнинг ҳам коммуникатив қиммати нисбатлардан иборатлигини аниқлаш, кузатиш ва тавсифлаш имконияти янада кенгайишини кузатиш мумкин бўлади.

Шу боис бўлса керак, фан тараққиёти тарихига назар ташланганида гап ва унинг лингвистик таҳлили борасидаги турлича қарашлар, жумладан, уни таҳлил қилишнинг усуллари кўплаб учрайди. Уларнинг барчаси бир умумий мақсадга, яъни гапнинг синтактик-грамматик таҳлиliga қаратилган бўлса-да, ўзига хос белгилари, вазифалари, мақсадининг аниқ бир моҳиятни очишга қаратилгани билан ажралиб туради. Масалан, гапнинг актуал бўлақлари таҳлили дейилганида, тилшуносликда тема-рема муносабати орқали таҳлил этиш, коммуникатив жараёнда хабарнинг мулоқот иштирокчиларига аввалдан маълум бўлган ва айни пайтда, мулоқот жараёнининг ўзида реаллашадиган янгилик назарда тутилади. Шундай экан, бунда синтактик қурилма таҳлили нутқ вазияти, коммуникатив жараёндаги ҳолат, мулоқот иштирокчиларининг мазкур вазиятдаги қизиқиш ва хоҳиш-истаги кабиларга кўпроқ боғлиқ бўлади. Бунинг сабаби ўзига хос бўлиб, нутқнинг коммуникатив акти билан узвийликда эканини асосий эътиборда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, гапнинг актуал бўлақлари масаласи Л.Теньер томонидан илгари сурилган актантлар билан боғлиқ таҳлил жараёнида ҳам, А.Мартине назариясидаги монемалар билан ҳам муайян даражада тавсифлашга эришилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунингдек, А.М.Мухин томонидан фанга киритилган синтаксим таҳлил ҳам гапни синтаксималарга ажратиб таҳлил қилишда ўзининг алоҳида устувор белгилари ва хусусият ҳамда имкониятлари билан ажралиб туради. Бироқ мазкур таҳлил усуллари ҳам қанчалик муҳим натижа ва ҳулосаларни олиш учун имкон бермасин, улар анъанавий бош ва иккинчи даражали бўлақларга асосланиб амалга ошириладиган таҳлилдан қўлланиш борасида кенг қўлам касб эта олмади. Кўринадикки, мазкур таҳлил усулларининг кучи ва имкониятлари жумланинг муайян бир хусусиятини очишга қодирдир. Таҳлил учун танланган объектнинг турли томонларини тўла қамраб олиш хусусияти бу таҳлил усулларида ҳам мукамал эмас.

Ана шулар асосида қайд этиш мумкинки, гап нутқдаги энг муҳим коммуникатив бирликдир. Унда синтактик ва коммуникатив белгиларнинг барчаси мужассамдир. Бироқ мавжуд таҳлил усулларининг ҳар бири унга хос бўлган алоҳида-алоҳида хусусиятларнинг ҳар бирини очишга қодир бўлса-да, мавжуд таҳлил усулларининг ҳеч бири унинг барча хусусиятларини тўла очиш имконига эга эмаслиги кузатилади.

Адабиётлар:

1. Н.Турниёзов. Тилшуносликка кириш. – Самарқанд, 2006.
2. Х.Хайруллаев. Тилшуносликка кириш. Услубий тавсиялар. – Самарқанд, 2006.
3. Х.Хайруллаев. Умумий тилшунослик. Услубий тавсиялар. – Самарқанд, 2006.
4. М.Ирискулов. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАР ТАРКИБИГА КИРУВЧИ СИНТАКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ТАДҚИҚ ҚИЛИНИШИ

Аннотация. Синтактик сатҳ бирликлари ҳисобланган мураккаблашган содда гапларнинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилиши ҳамон баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ушбу мақолада мураккаблашган содда гаплар таркибига кирувчи синтактик сатҳ бирликларининг тилшунос олимлар томонидан ўрганилиши бирмунча ёритилган.

Калит сўзлар. Мураккаблашган содда гаплар, синтактик сатҳ, макросистема, микросистема, ундалма, уюшиқ бўлақлар, кириш сўзлар.

Ўзбек тилидаги ҳар бир сатҳ бирликлари лисоний ва нутқий хусусиятлари билан бошқа тиллар сатҳидан фарқланади, маълум маънода бетакрорлик касб этади. Биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитрат "... Тилимиздаги сўз бойлиғи, иштиқоқ кенглиги, қоида тугаллиғи, сарф-наҳв ингичлари (хусусиятлари) бошқа шарқ тилларидан қолишмас"¹⁰, – деган фикрлари ўзбек тилининг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Бу каби имкониятлар синтактик сатҳ бирликлари ҳисобланган ва қизгин муҳокамага сабаб бўлаётган содда гапларни мураккаблаштирувчи лисоний бирликлар орқали ҳам юзага чиқиши мумкин. Дастлаб бу терминнинг тилшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида қўлланилиши ва унинг таркибига қайси тил бирликлари кириши ҳақида фикр юритсак. Негаки, "мураккаблашган содда гаплар" атамаси ҳамда содда гапларни мураккаблаштирувчи (шаклан ёки мазмунан) синтактик бирликлар хусусидаги фикр ва мулоҳазалар ҳали ҳануз тилшунос олимлар томонидан билдирилмоқда.

Тилнинг ҳар бир сатҳи (макросистема сифатида) микросистемадан ташкил топади. Шу жиҳатдан ўзбек тилшунослигида илк бор содда гап ва қўшма гап орасидаги оралик гапларга нисбатан "мураккаб гаплар"ни қўллаган Ғ.Абдурахмонов бу типдаги гапларга дастлаб ундалма, ажратилган бўлақли гаплар, киришлар мансублигини таъкидлаган¹¹. А.Ғуломов ва М.Асқаровалар эса "содда гапни мураккаблаштирувчи элементлар хилма-хил: уюшиқ бўлақлар, ажратилган бўлақлар, кириш конструкциялар ва киритма конструкциялар, ундалмалар. Бундай мураккаблаштириш гапни содда гап доирасидан чиқариб юбормайди, балки мураккаблашган содда гап ҳосил қилади"¹², – деган фикрларни билдиради.

Ҳ.Болтабоева содда гапларнинг мураккаблашиши синтагматик ёки интонацион бўлақларнинг иштироки асосида юзага келишини ва бу типдаги гаплар ажратилган бўлақлар, ундалмалар, кириш бўлақлар воситасида мураккаблашишини таъкидлаб ўтади¹³. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, содда гап таркибида ана шу синтагматик бўлақлар иштирок этса, бундай гап мураккаблашган содда гап бўлади. Ваҳоланки, синтагматик бўлақ таркибида ҳам алоҳида синтагмалар мавжуд бўлиши мумкин.

Проф.Б.Ўринбоев эса бу микросистемани кенгайтирган ҳолда уларга қўшимча равишда илова қурилмалари, равишдош ва сифатдош ўрамлар, ҳаракат номили тизимларни ҳам киритади. Айрим илмий адабиётларда ундалма, кириш ва қурилмалар, баъзан ажратилган бўлақларни мураккаблашган гаплар; равишдош, сифатдош, ҳаракат номили, шарт майлидаги феълли ўрам (оборот)лар қатнашган гапларни мураккаблашган содда гаплар¹⁴ деб номланиши ўзбек тилшунослигида бу масалада аниқ фикрга келмаганлигидан далолат беради.

¹⁰ Фитрат А. Тилимизнинг абадийлиги // Танланган асарлар, IV жилд. – Тошкент: Маънавият. – 2006. – Б.132.

¹¹ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.57.

¹² Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987. – Б.157.

¹³ Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. Тошкент: Фан, 1969. – Б.12.

¹⁴ Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995 – Б.57,69.

Содда гапларни юзага келтирувчи бирликларнинг полуфункционал (вазифаси жиҳатидан хилма хиллик) хусусиятга эгаллиги ҳақидаги янги илмий-назарий қарашлар ҳам тилшунослар эътиборидан четда қолмади. Илмий аҳамиятга молик бўлган бу қарашларнинг тарихийлик жиҳатидан ва тарихий асарлар мисолида тадқиқ этилиши ҳали ўрганилиши лозим бўлган тил сатҳи бирликларининг хусусиятлари кўплигидан дарак беради. Ҳозирги туркий тилларнинг дастлабки кўриниши бўлган қадимги туркий тилнинг грамматикасини тадқиқ этган Н.Абдурахмонов ажратилган бўлақлар, кириш бўлақлар, равишдош ва сифатдош оборотли гаплар содда гапларни мураккаблаштирувчи синтактик бирлик эканлиги ҳақида фикр билдириб, негадир бу қаторга ундалма ва уюшиқ бўлақларни киритмайди¹⁵.

Лисоний тараққиёт ва шаклланиш жиҳатидан қадимги туркий тилдан кейинги давр бўлган эски ўзбек тили намуналарида ҳам содда гапни мураккаблаштирувчи бирликлар кўплаб учрайди. Бу даврнинг ёрқин намунаси бўлган Алишер Навоий асарларида ҳам “мураккаблашган содда гаплар” атамаси остидаги синтактик бирликларнинг қўлланилиши табиий. Алишер Навоий насрий асарлари тилининг синтактик қурилишини уюшиқ бўлақлар, ажратилган бўлақлар, сифатдош, равишдош ва инфинитив оборотли қурилмалар, ундалмали, кириш ва киритмали конструкцияларсиз холи тасаввур қилиб бўлмаслиги, бу айниқса синтагматик ассимметрия орқали ўзини тўлақонли намойиш этиши ҳақидаги фикрлар мужассам бўлган илмий тадқиқот мураккаблашган содда гапларнинг вазифаси турлича эканлигининг илмий далилидир¹⁶. А.Навоийнинг насрий асарларида қўлланган мураккаблашган содда гаплар ҳақидаги илмий қарашлар ва фикрлар дастлаб С.Аширбоевнинг тадқиқотида ўз аксини топган эди. Олимнинг фикрича, Алишер Навоийнинг насрий асарлари тилида, умуман, эски ўзбек тилида ундалма, кириш сўз, изоҳ ва киритмалар фаол қўлланган бўлиб, табиий равишда гапни ҳам шаклан, ҳам мазмунан мураккаблаштирган¹⁷.

Мураккаблашган содда гаплар туркий тиллар миқёсида ҳам ўрганилган (А.М.Пешковский, Х.М.Есенов, Г.А. Габитова, Ф.Г.Галлямов, И.Г.Агаева). Туркий тиллардаги содда гапнинг мураккаблашиши ҳақидаги фикрлар қозоқ, бошқирд, татар, кумик, турк тиллари синтаксисидида ҳам тадқиқ этилган. Жумладан, турк тилидаги уюшиқ бўлақлар, киритма конструкциялар, кириш конструкциялар ёки ундалмалар иштирокидаги содда гапларни мураккаблашган содда гаплар дея эътироф этган олимлар негадир бу қаторга ажратилган бўлақларни киритмайди¹⁸. Кўриниб турибдики, юқоридаги илмий тадқиқотларда, худди ўзбек тилидаги сингари синтактик сатҳ бирликларидан қай бирлари содда гапни мураккаблаштириши ҳақидаги аниқ тўхтамга келингани йўқ. Бу эса синтактик сатҳ бирликлари маълум давргача тадқиқот объекти бўлишидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 161 б.
2. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Филол.фанлари д-ри...дис. – Тошкент, 1990. – 303 б.
3. Бердиалиева А., Зокирова С. Алишер Навоий насрий асарлари тили синтактик қурилишида шаклий-маъновий ассимметрия (“Ва” боғловчили гаплар мисолида) // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни” халқаро илмий анжуман материаллари, 2017. – Б. 249-252.
4. Болтабоева Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гаплар. Тошкент: Фан, 1969. – 173 б.
5. Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). –

¹⁵ Абдурахмонов Н. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – Б.108.

¹⁶ Бердиалиева А., Зокирова С. Алишер Навоий насрий асарлари тили синтактик қурилишида шаклий-маъновий ассимметрия (“Ва” боғловчили гаплар мисолида) // “Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни ” халқаро илмий анжуман материаллари, 2017. –Б.251.

¹⁷ Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Филол.фанлари д-ри...дис. – Тошкент, 1990. – Б.231-240.

¹⁸ Худойберганаева З., Ҳамидов Х. Турк тилининг назарий грамматикаси.- Тошкент: Тафаккур бўстони.- Б.261.

Тошкент: Ўқитувчи, 1995 – 149 б.

6. Худойберганаева З., Ҳамидов Х. Турк тилининг назарий грамматикаси.- Тошкент: Тафаккур бўстони. – 320 б.

7. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987. – 279 б.

Z.U.Usmonova (SamDCTI, o'qituvchi)

TILDA IJOBIY BAHO BIRLIKLARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Maqolada ijobiy baho ma'nosini ifodalovchi so'zlarning tahlili berilgan. Ijobiy baho ifodalovchi so'zlar misollar bilan yoritilib, leksik-semantik jihatlarini keng tarzda ochib berilgan. Olimlarning nazariy fikrlari keltirilib, ularga munosabat bildirilgan.

Kalit so'zlar: baho, munosabat, gap tartibi, poetika, obe'kr va sube'kt, leksika, xalq og'zaki ijodi, leksik-semantik xususiyat.

Baho sub'ekti deganda ma'lum predmetni o'z nuqtai nazaridan yoki boshqa predmetga qiyosan baholovchi shaxs tushuniladi. Har qanday shaxsning o'z nazdi bo'yicha predmetni his etish, u haqda o'z munosabatini bildirish shaxs bahosidir. Shaxs bahosi individual xususiyat kasb etishi yoki umumlashgan bo'lishi mumkin. Ob'ekt bahosi ifodalanayotgan narsa, uning ma'lum holatda, vaqtda tutgan o'rni asosida baholanadi.

Ob'ekt bahosi narsaning qiymati sanaladi. Masalan: *Nodirbek chindan ham halol vijdonli yigit* gapida *Nodirbek* – ob'ekt, uning *halolligi, vijdonliligi* – xususiyati – bahosi sanaladi. Ko'rinib turibdiki, xususiyat predmetning qanday ekanini ifoda etadi va o'sha xususiyat orqali predmetning bahosi aniqlanadi. Tilda bu hodisa nihoyatda muhim. Sabab munosabat orqali xususiyat ochiladi.

Baho semantik tushuncha hisoblanib, u doimo moddiy asosga ega bo'ladi. Baho olamda mavjud bo'lgan har qanday hodisaga sub'ekt tomonidan belgilangan o'lchovdir. U nutq momentida nisbatan tanlanayotgan hodisaga qarab qiyoslanadi. Shu sababdan ham baho nisbiydir va qiyoslashdan ajralmasdir. Har qanday ob'ektning bahosi qiyos asosida aniqlanadi va chog'ishtirma baho sanaladi. Shuning uchun ham har qanday ob'ektning mavjudligini ta'min etuvchi xususiyat mavjud bo'ladi. Bu xususiyat shakllanishi, o'zgarishi mumkinki, shunga ko'ra o'sha predmet baholanadi.

Baho o'z xarakteriga ko'ra mutloq va qiyosiy bo'ladi. Mutloq baho predmet tasavvur etilgandayoq his qilish mumkin bo'lgan baho. Qiyosiy baho esa hajm, shakl, vaqt kabi munosabat bahosini ifodalashda ishlatiladi. Mutloq baho sub'ektning barcha ob'ektlari uchun va ob'ektiv borliqdagi barcha narsa, voqea, hodisa, belgi, harakat uchun ijobiy neytral – salbiy munosabatlardan birini ifodalashini bildiradi.

Mutloq baho logikasining ta'rifi uni tushunish borasida sistemali tadqiqotlarning yo'qligi A. A. Ivin tomonidan ham ta'kidlanadi va olim bu haqidagi qarashlarini bayon etadi: - Mantiqiy baho ifodasini uch holatda ko'rish mumkin: sintaktik, semantik, pragmatik. Sintaktik jihatga ko'ra har qanday sistema formal logikaning shakli tuzilishi asosida amalga oshadi. Mutloq baho sintaktik jihatdan qat'iy shakl asosida ro'yobga chiqadi. Pragmatik baho me'yori hosil qilingan amaliyot asosida aniqlanadi va ekstralingvistik faktorlariga ham asoslanadi. Semantik me'yor ko'p aspektli bo'lib, mantiqiy munosabatga (borliqdagi haqiqiy denotativ baho ma'nosi va individning bunga munosabati) aloqadordir. Lisoniy jihatdan esa baho gap mazmuniga yashiringan holda, presuppozitsion ma'no xarakterida bo'ladi. – *Ra'no yuragi toza qiz edi* - kabi holatlarda ob'ektning ma'nosi ichiga uning sifatli bahosi (*samimiyligi, mehrbonligi*) yashiringan bo'ladi, ya'ni ob'ektning ma'nosini tashkil etuvchi semalardan biri baho semasini bildiradi.

Bahoning ifodalanishida ma'lum predmet bahosi davriy o'zaro zid baho munosabatlarini ifodalash mumkin. Yoki baho munosabati turli individlar tomonidan o'z nuqtai nazariga ko'ra o'zaro qarama – qarshi munosabatni bildiradi. Baho munosabatlaridagi qarama – qarshilik va bahoning ratsional munosabati baho logikasidagi asosiy prinsplardan biri sanaladi. Mantiqiy jihatning lisoniy ko'rinishi lug'aviy birliklarning turli vositalari yordamida ko'chma ma'no etishi, semantik strukturasidagi o'zgarishlar kontekst, pauza, talaffuz asosida amalga oshiriladi. Qiyosiy

baho logikasining asosiy prinsipi assimetrlik xususiyatidir. Qiyosiy baho logikasida davriylik va individuallik etakchi faktorlaridan sanaladi. Shunga ko'ra qiyosiy baho o'zgaruvchan xususiyat kasb etadi¹⁹.

Masalan: Asadbek – ijobiy - salbiy misolimizda berilgandagi kabi bir timsolga ikki xil baho berilishiga sabab baho berayotgan individning ikki xil ekanligidir. Ba'zi o'rinlarda logik va lisoniy baho munosabati nomunosib kelishi hollari kuzatiladi. Logik baho nazariyasi falsafiy, psixologik, lingvistik, iqtisodiy baho tushunchasi uchun asos bo'lib xizmat qiladi va u har bir fanga o'z muammolarni echishda maba sanaladi.

Tilshunoslik keyingi yillarda an'anaviy usullardan chekingan holda, tilni funksional logik – semantik aspektda o'rganilmoqda. Natijada bu sohada, tilshunoslikda, o'rganilishi lozim bo'lgan yangi – yangi qirralar, yo'nalishlar ochilmoqda va bu holat lisoniy ilmni mukammal o'rganishga asos bo'lmoqda. Tilga mantiqiy yondashish natijasida til sathlari va birliklarining mantiqiy jihatlari aniqlanmoqda va logik kategoriyalar muvofiq qilinmoqda. Har qanday mantiqiy munosabat til birliklari orqali ifodalanadi. Shu qatorda baho munosabatlari, ularning ob'ektiv borliqda mavjudligi, tushuncha sifatida inson ongida paydo bo'lishi, uning turlari, mezonlari kabi masalalar faylasuf va mantiqning o'rganish ob'ekti sanalsa, bahoning tilda namoyon bo'lishi uni ifodalovchi fonetik, leksik, morfologik, sintaktik, paralingvistik vositalar, baho semantikasi kabi masalalar tilshunoslar tomonidan o'rganiladi. Agar mantiq ilmida qiyosiy va mutloq baho munosabatlari mavjud bo'lsa²⁰, tilda sifat darajalari sinonim so'zlarda ma'no nozikliklari mavjuddir. Agar voqelikda inkor va tasdiq, ijobiy va salbiy munosabatlar mavjud bo'lsa, tilda inkor va tasdiq gaplar, bo'lishli va bo'lishsizlik, ijobiy va salbiy bo'yoqdorlik, antonomik munosabatlar ahamiyatli ekanligidan dalolat beradi. Baho munosabatlari mantiq va tilshunoslik fanlarining dialektik holati asosida o'rganiladi. Mashhur faylasuf V.P. Tugorinov baho munosabatlarining mohiyati haqida gapirib, bahoni hozirgi zamonda jamiyat va tabiatning rivojlanishi, takomili va hatto o'zgarishi uchun eng ahamiyatli kategoriya sifatida baholaydi²¹.

O'zbek xalq og'zaki poetik ijodida olqishlar mavjud bo'lib, ularni ijodiy istak mazmunini ifodalovchi birliklar deb atasak bo'ladi. Chunki bunday birliklar olqishlar bilan birga duo iboralari, maqollar, frazemalar, nutqiy etiketlar, so'z-gap shaklidagi ijobiy mazmun ifodalovchi yashang, xormang kabi undov gaplarni ham o'z ichiga oladi. Bunday birliklarni umumlashtiruvchi xususiyat shundan iboratki, ularning barchasida so'zlovchining o'ziga yoki boshqalarga nisbatan aytilgan ijobiy istagi mazmuni ifodalanadi:

Masalan: Ishtahangiz karnay bo'lsin! (So'zlashuvdan); Qanoting qayrilmasin! Piru badavlat bo'li! (So'zlashuvdan); Pirlar madadkor bo'lsin! (So'zlashuvdan);

O'zbek tilida shunday ijobiy baho mazmunini ifodalovchi sodda gaplar borki, ularda ijobiy istak aynan uning tarkibidagi frazema ma'nosidan anglashiladi. Bunday gaplarda kesim ibora bilan ifodalanganligi sababli, gap mazmunan ekspressivlikka ega bo'ladi. Masalan: *Naziraga ko'z tegmasin, juda suluv bo'libdi. (S.O'nar). Bu nikohga o'zing rozi bo'lding. Endi yoshlarning yulduzi yulduziga to'g'ri kelsin. (I.Rahim).*

Ma'lumki, muayyan til va jamiyatning o'zaro munosabatlari o'rganilganda, so'zlovchining qanday sotsial guruhga mansubligi, kasbi, mashg'uloti kabi omillar qatorida uning yoshi va jinsi ham e'tiborga olinadi. Ijobiy baho mazmunini ifodalovchi birliklarning yoshga va jinsga ko'ra ham farqli qo'llanish holatlari kuzatiladi. Chunki, olqishlar, maqtoqlar, ijobiy fikrlarni ifodalanishi katta yoshli kishilar tomonidan aytilishi bu fikrlarning isbotidir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Қамбаров Ғ. Баҳо лисоний ва мантикий категория сифатида. “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари”. Андижон, 1995, 89-бет.

2. Imomov K., Mirzaev T., Sarimsoqov B., Safarov O. O'zbek xalq og'zaki poetik ijodi. – T., O'qituvchi, 1990.

¹⁹ Қамбаров Ғ. Баҳо лисоний ва мантикий категория сифатида. Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Андижон, 1995, 89-бет.

²⁰ Ивин А.А. Основания логики оценок. МГУ. 1970.

²¹ Тугоринов В.П. О ценностях жизни и культуры. М, 1960.

3. Ивин А.А. Основания логики оценок. МГУ. 1970.
4. Тугоринов В.П. О ценностях жизни и культуры. М, 1960.

О.С.Эшбоева (СамДЧТИ, ўқитувчи)

ТРАНСФОРМАЦИЯ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада трансформация тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Шу билан бир қаторда трансформациянинг вужудга келишига бевосита туртки бўлган дистрибутив таҳлил методи ва Бевосита иштирокчилар методлари ҳақида ҳам қисқача тўхтаб ўтилган.

Калит сўзлар. Трансформация, Леонард Блумфилд, структурализм, З.Херрис, трансформа, Н. Хомский, трансформацион метод.

Трансформация тушунчаси даставвал тилшунослик тарихида америкалик олимлар томонидан ўтган асрнинг 50-йилларида ўрганила бошланган бўлиб, ушбу тушунчанинг кенг истеъмолга киришига дескриптив тилшуносликнинг вакили ва асосчиси Леонард Блумфилднинг «Тил» номли асарида келтирилган структурализмнинг шаклланишига асос бўлган ғоялар сабаб бўлган дейиш мумкин²². Л.Блумфилд гарчи трансформацион метод ҳақида алоҳида тадқиқотлар олиб бормаган бўлса ҳам, юқоридаги асарида *трансформация* термини ҳақида фикр юритганлигини гувоҳи бўламиз.

Трансформация тушунчаси структуралистлар томонидан том маънода синтактик структураларга нисбатан қўлланилган эди ва бугунги кунда ҳам мазкур тушунча, асосан, гапнинг синтактик структурасининг таҳлилида самарали қўлланилмоқда. Фикримиз далили сифатида қуйидаги нуфузли манба «Лингвистик энциклопедик луғат»да берилган трансформацион метод таърифини келтирайлик: «Трансформацион метод – бу нисбатан кичик структуралардан катта структураларни ҳосил қилишга асосланган гапнинг синтактик шаклини вужудга келтирувчи метод саналади». Бу жараёнда муайян синтактик қурилма замирида ҳосила вужудга келади. Аммо трансформациянинг шартига кўра, ҳосила структуранинг маъно ифодаси олдинги қурилманинг мазмуни билан муштарак бўлмоғи керак.

Трансформацион метод дистрибутив (куршов) методнинг заиф томонларини тўлдириш мақсадида жорий қилинган бўлиб, у бевосита иштирокчилар методини ҳам ўз ичига олади. Трансформацион методнинг лингвистик моҳияти дастлаб америкалик олим З.Хэррис томонидан мукамал ёритиб берилди. Олим трансформация жараёнида ҳосила гап асосланаётган қурилмани ядровий структура деб атади. З.Хэррис ҳосила гап, яъни трансформа билан ядровий гапнинг лексик бирликлари бир хил бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Масалан: *Талабалар китобни ўқишди. Китоб талабалар томонидан ўқилди. Талабаларнинг китобни ўқиши.*

Айни пайтда олдинги гап асос, унинг трансформаси эса ҳосила гап саналади. Кўриниб турибдики, ҳар бир гапда деярли бир хил лексик воситалар қатнашмоқда. Бундан ташқари, мазкур гапларда маъно муштараклиги тўлиқ сақланмоқда. Аммо З.Херрис трансформа билан асос гап ўртасидаги мазмуний муносабатни аниқлаш осон эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлайди²³. Олим трансформациянинг қўлланиш доираси *фақат синтактик қурилмалар эканлигини*, чунки ҳар бир бирликнинг ўзига хос куршови муайян қурилмага муносабати нуқтаи назаридан характерланиши лозимлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, асос гапдаги баъзи сўзлар трансформада синтактик воситалар билан алмаштирилиши мумкинлиги эслатиб ўтилади. Бироқ мазкур жараёнда трансформа билан асос гапнинг маъно салмоқлари бир хил бўлмоғи лозим. Шу боис юқорида айтиб ўтилган трансформаларнинг лексик

²²Қаранг: Блумилд Л. Язык. –М.,2002.

²³Қаранг: Хэррис З.С. Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре//Новое в лингвистике. Вып.П. –М., 1962. –С.537-541.

бирликлари кескин фарқланмаслиги ҳақидаги З.Хэрриснинг фикрини нисбий тушунамиз. Бошқача айтганда, бу ўринда олим трансформалар лексик бирликларнинг бир қуршовда кела олишини кўпроқ назарда тутмоқда. Бу жуда муҳимдир, зотан, трансформация дистрибутив ва БИ методларининг давоми сифатида шаклланди.

Трансформацион методнинг жорий этилиши унинг дистрибутив ва БИ методларининг заиф томонларини бартараф этди ва жаҳон тилшунослигида катта обрў қозонди. Лекин бу билан трансформацион метод дистрибутив ва БИ таҳлил методларини тўлиқ инкор этади, деган хулосага бормаслик керак. Чунки трансформацион метод уларнинг барча ижобий томонларини тўлиқ қамраб олади ва амалда уларнинг мантикий давоми ҳисобланади. Буни кўпроқ Н.Хомскийнинг трансформацион грамматикасида кузатамиз²⁴. Бугунги кунда трансформацион грамматика қоидалари математик лингвистика, компьютер техникаси каби соҳаларда қўлланилаётганлиги трансформациянинг айна пайтда ҳам ўта керакли назария бўлиб қолаётганидан далолат беради. Бунинг асосий сабаби шундаки, трансформация жараёнида трансформалар шаклланиши инвариантлик тушунчасига асосланади ва ҳар бир трансформацион грамматик жиҳатдан тўлиқ шаклланган бўлиши асосий шартлардан бирини ташкил этади.

Албатта, трансформация статик характерли эмас, балки динамик характерлидир. Динамик характер тушунчаси статик характер тушунчасига қараганда анча мураккабдир, зотан, у тилнинг таракқиётинигина эмас, балки унинг амалда қўлланилиши ҳам тақозо этади²⁵. Бу жуда муҳимдир. Чунки тилнинг амалда қўлланилиши жараёнида лингвистик ва экстралингвистик омилларнинг барчаси ўзаро кесишади. Айнаан ана шу жараёнда ядровий структураларнинг ҳосила структураларга айланиши нутқнинг шаклланиши учун самарали хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, трансформациянинг яратувчилик хусусиятини кўрсатади.

Н.Хомскийнинг трансформацион грамматикасида ҳосила структуранинг шаклланишида ядровий структура асосида юзаки синтактик структура воқеланиши масаласига жиддий эътибор қаратилади. Бу нуқтаи назардан Н.Хомскийнинг ғоялари америка структурализми ғояларидан кескин фарқ қилади²⁶. Н.Хомскийнинг трансформацион грамматикасининг кучи шундаки, унинг ёрдамида ҳар бир гапнинг, ҳар бир сўз бирикмасининг структураси алоҳида вакуумда эмас, балки шу доирада қўлланилаётган бошқа гаплар ва сўз бирикмалари билан узвий муносабатда олиб текширилади. Бунинг аҳамияти катта, чунки тил системасининг нутқда қўлланилиши ана шундай вазият билан ўта боғлиқдир²⁷. Дарҳақиқат, тилнинг динамик хусусиятини биринчи навбатда гап воситасида кўра оламиз. Шунинг учун бўлса керак, Н.Хомский тилнинг асосий бирлигини фонема ёхуд морфемаларда эмас, балки гапда кўради. Олим гап хусусидаги мулоҳазаларини унинг абстракт бирликлардан ташкил топиб, ҳосила қурилмаларни шакллантириши ва бу жараёнда қатъий қоидаларга асосланиши лозимлигини ҳар сафар ўз тадқиқотлари кун тартибига қўйган. Бошқача айтганда, Н.Хомскийнинг трансформацион грамматикаси математик лингвистиканинг асосида ётади, десак муболаға бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш лозимки, трансформалар парадигмасини ташкил этувчи синтактик структуралар нафақат элементар гапларни, балки сўз бирикмасини, мураккаб синтактик қурилмаларни тақозо этиши ҳам мумкин. Фикр исботи учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: *Инсоният пайдо бўптики, шу савол устида бош қотиради* (Ў.Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар).

Берилган мисол мураккаб синтактик қурилмани тақозо этмоқда (анъанавий қўшма гапни). Агар уни трансформацияга тортадиган бўлсак, қуйидаги парадигма шаклланади:

1. *Инсоният пайдо бўптики, шу савол устида бош қотиради.*

²⁴Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М., 1974. – С.136.

²⁵ Алексеева Л.М., Мишланова С.Л. Теория деривации//Вестник Пермского университета, 2015, вып. 3 (31). – С.130.

²⁶Бу ҳақда қаранг: Илия Л.И. Очерки по грамматике современного французского языка. – М., 1970. – С.131.

²⁷Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. –М., 1966. –С.27.

2. *Пайдо бўлганидан буён инсоният шу савол устида бош қотиради.*
3. *Шу савол инсониятнинг бошини у пайдо бўлганидан бери қотиради.*
4. *Пайдо бўлганидан бери инсониятнинг шу савол устида боши қотиши.*

Кўринадики, берилган мураккаб синтактик қурилма айтилганда мураккаб гап, сўз бирикмаси ва яна мураккаб синтактик қурилма мақомидаги синтактик структураларга трансформация қилинмоқда. Албатта, мазкур трансформаларнинг ҳар бири ортида ўзига хос ситуация турмоқда. Бошқача айтганда, ҳар бир трансформация муайян тил орти вазияти билан боғланмоқда. Бироқ трансформалар мазмуний жиҳатдан муштарак эканлигини кўрамиз. Демак, айтилганда трансформаларнинг барчаси ягона ситуация ифодасини бермоқда. Агар уларнинг ҳар бири алоҳида ситуацияга боғланган бўлганида, трансформалар парадигмаси вужудга келмаган бўларди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М., 1974. – С.136.
2. Алексеева Л.М., Мишланова С.Л. Теория деривации//Вестник Пермского университета, 2015, вып. 3 (31). – С.130.
3. Блумилд Л. Язык. –М., 2002.
4. Татьяна Бушуй, Шахриёр Сафаров. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. 191 бет. «Фан» нашриёти. Тошкент. 2007 й.
5. N.Turniyozov. Xorijiy mamlakatlar Lingvistik nazariyalari. Samarqand – 2007. 59-b.
6. Х.Хайруллаев. Умумий тилшунослик. Услубий тавсиялар. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2007, 48 бет.

Нарзиева Диёра (студентка СамГИИЯ)

РОЛЬ КЛАССИЧЕСКОЙ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В НАШЕЙ ЖИЗНИ

Аннотация: Статья посвящается роли художественной классической литературы в наши дни в воспитании молодого поколения, и призыву молодежи к чтению.

Ключевые слова: Литература, художественное произведение, поэты, писатели, воздействие литературы на человека, духовный мир, воспитание, чтение, классика, мировоззрение, развитие.

Литература – это мощный источник воспитания духа, личности. Посредством раскрытия художественных образов литература даёт нам понятия о добре и зле, правде и кривде, истине и лжи. Никакие рассуждения, самые красноречивые, никакие доводы, самые убедительные, не могут оказать на ум человека такого воздействия, как правдиво нарисованный образ. И в этом сила и значимость литературы.

Крупнейшие мыслители, общественные деятели, писатели всего мира много раз отмечали выдающуюся роль книги, чтения в развитии человечества, указывали на то, что без них невозможна ни одна из форм трудовой, политической, культурной и научной деятельности. Книга, как и прежде, считается уникальной формой хранения и распространения накопленных за века человечеством знаний, это фундамент духовной культуры народа. При этом следует сказать, что классика, по своей сути, универсальна: национализм в ней присутствует незначительно, по крайней мере, он ни как не выражен в лучших устремлениях и порывах души героев литературных произведений. Классика вечна, как вечны совесть, ответственность, любовь и сострадание. И без этих составляющих мир, конечно же, не выживет. Большую роль чтения классической художественной литературы в жизни человека подчеркивают практически все писатели, философы, культурологи, историки.

С развитием техники и технологий человек стал меньше времени уделять на классическую и художественную литературу, которая имеет огромный вклад в становлении человека как личности. Изучая произведения великих классиков, мы полностью погружаемся в события происходящие в произведении. Многие поставленные проблемы до сих пор

актуальны и по сей день и, непременно, эти произведения играют огромную роль в воспитании и мировоззрении личности. В связи с этим необходимо сказать, что в интеллектуальном отношении люди читающие отличаются от людей не читающих. Отличаются способностью мыслить проблемно, схватывать целое и выявлять частности, более адекватно оценивать ситуации, быстро находить правильные решения. Они, читающие, имеют больший объем памяти, активное творческое воображение, лучше владеют речью. Телевидение же, компьютер, Интернет – разве не они отвлекли людей от чтения художественных книг и разрушили веками сложившиеся интимные «отношения» человека с книгой? Ведь книга не только фиксирует и распространяет культурные достижения, она служит и действенным инструментом формирования новых культурных ценностей. «Электронная» же книга, в свою очередь, книгой как таковой не является, так как в ней отсутствует единство духовного и материального, характерное для книги традиционной. Читая книжный текст на дисплее компьютера, человек общается уже не с книгой, а с машиной, которая несет совершенно иной набор энергий.

Человек – существо духовное, и в этом его главная сила. Литература же, в свою очередь, и направлена на духовную сторону, на ее развитие. Если человек принял классику в свой духовный мир – он никогда с ней не расстанется и в трудные минуты жизни будет снова и снова обращаться к книгам за помощью, искать, словно у лучших друзей, поддержки в чтении. И, безусловно, перечитывая одну и ту же книгу заново, человек будет открывать ее по-новому, ощущая неисчерпаемый источник литературной мудрости.

Русская литература чрезвычайно богата как положительными, так и отрицательными образами. Наблюдая за ними, читатель имеет возможность пережить всю гамму чувств – от негодования и отвращения ко всему низкому, грубому, лживому, до глубокого восхищения, преклонения перед истинно благородным, мужественным, честным.

Литература многогранна, её создатели очень разные. Литература выросла вместе с Пушкиным и Лермонтовым, Гоголем и Чеховым, Блоком и Ахматовой. Она развивается и сейчас. Её идеи продолжают жить и бороться на нашей планете, они помогают избавить мир от скверны, жестокости, ничтожности.

Литература развивает кругозор, можно почитать описания различных стран и городов и мысленно побывать там. Может, вы найдете именно то место, куда захочется уехать. Фантазию развивает литература очень хорошо. Не зря говорят, что книга лучше отснятого фильма. Когда читаешь можно самому придумать недостающее описание. Это полет фантазии, развитие мышления. Много фантастических литературных идей превратилось в реальность. Никого уже не удивит полетами в космос, видеосвязью и летающими автомобилями.

Литература обеспечивает многовековую преемственность культур, её нарастающую универсальность. Создавая общезначимые идеи – образы, вырастающие до всечеловеческих символов, оно выражает смысл всего исторического развития. Гамлет, Дон Кихот, Князь Мышкин, Мастер и Маргарита – это уже не просто художественные образы, а это символы культурно – значимых общечеловеческих ценностей. Читая произведения как “Преступление и наказание”, “Война и Мир”, “Анна Каренина”, “Гранатовый браслет”, молодёжь меняется, у них меняется отношение к жизни, и становится лучше. Произведения затрагивают их до глубины сердца и воспитывают.

Что же говорят о художественной литературе классики? Замечательный русский писатель-сатирик М. Е. Салтыков-Щедрин отмечал, что «литература — это...сокращенная вселенная». Н. Г. Чернышевский назвал литературу «учебником жизни», подчеркивая ее познавательную ценность, глубину проникновения в жизнь. М. Горький считал главной заслугой литературы ее общественное значение: «Беспоощадно ярко освещая пороки жизни, недостатки людей, она воспитывала жажду лучшего, она учила». По его мнению, «цель литературы — помогать человеку понимать себя самого, поднять его веру в себя и развить в нем стремление к истине, бороться с пошлостью в людях, уметь найти хорошее в них,

возбуждать в их душах стыд, гнев, мужество, делать все для того, чтоб люди стали благородно сильными и могли одухотворить свою жизнь святым духом красоты».

«Чем же сильна литература?» — спрашивает М. Горький и отвечает: «Насыщая идеи плотью и кровью, она дает им большую наглядность, большую убедительность, чем философия или наука».

По словам А. Н. Островского, литература «оживляет голые... факты и делает их понятными; из исторических имен творит живых людей. Историк-ученый только объясняет историю, указывая причинную связь явлений, а историк-художник пишет, как очевидец, он переносит нас в прошлые века и ставит зрителем событий».

В заключение следует сказать, что чтение художественной литературы должно стать обязательным для каждого человека с детского возраста и до глубокой старости.

Литература доставляет много радости, она просветляет умственный взор, обогащает духовный мир читателя, вольно или невольно оказывает положительное влияние на характер. Воспитание художественной литературой не тяжкий труд, а увлекательный, доставляющий глубокое удовлетворение. Художественная литература является своеобразной летописью человеческого общества, могучим орудием человеческой культуры, великим средством воспитания молодого поколения.

Литература

1. Мережковский Д.С. Русская поэзия и русская культура // О причинах упадка и новых течениях современной русской литературы. – URL: <http://modernlib.ru/books/>.

2. Куценко Н.Ю. Роль художественной классической литературы в формировании мировоззрения личности, 2011.

3. Лихачев Д.С. О культуре // Заметки и наблюдения: из записных книжек разных лет. – Л.: Сов. писатель, 1989.

4. Бахтин М. М. Литературно-критические статьи. М., 1986.

5. Бахтин М. М. Эстетика словесного творчества. М., 1986.

6. Каган М.С. Философская теория ценности. СПб., 1997

ГРАММАТИКАДА АССИМЕТРИЯ. ФУНКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ

1. Марказ (ядро) ва қуйи. Тилнинг ҳар бир сатҳи ва бўғинида марказий (ядровий, типик, асосий) элементлар билан бир қаторда қуйи элементларни ҳам фарқлаш керак. Марказ – қуйининг ўзаро муносабати тилнинг қурилиш, семантик ва функционал аспектларида намоён бўлади.

Структур аспект и да: марказ – сўз ўзгариши, сўзлар бирикишининг устувор қолиплари. Қуйи – шу моделлардан оғиш. Кўплик соннинг -s ёрдамида ҳосил қилиниши (ёзма нутқда) тил системасининг марказини, *oeil-yeux, travail-travaux* каби сўз шакллари эса қуйини ташкил этади.

Категориал – семантик аспект и да: марказ бир турдаги шакл ва маънолар, қуйи оралиқ шакл ва маънолардир. Ядровий элементлар муайян категориянинг асосий белгиларига эга бўлади, қуйи элементлар эса мазкур ва бошқа категорияларда оралиқ ўринни эгаллайди. Феъл шакллари тизимида тусланувчи шакллар марказни, шахсизлари (инфинитив, сифатдош, герундий (равишдош) қуйини ташкил қилади ҳамда ўзида феъл ва бошқа сўз туркумларига хос белгиларни мужассам этган бўлади.

Аниқлик (индикатив) майли замонлари (*présent, imparfait, futur, passé composé* ва бошқалар) марказни, морфологик шакл ва синтактик қурилма оралиғидаги иммедиат шакллар, перифразалар қуйини ташкил қилади.

Қуйи		
Ядро	«ЭНГ яқини»	«ЭНГ узоғи»
<i>Present</i>	<i>Passé immédiat</i>	<i>être en train de faire qch</i>
<i>passé composé</i> ва б.	<i>futur immédiat</i>	<i>commencer par faire qch</i> ва б.

Иммедиат шакллар феълнинг морфологик шаклими ёки йўқ деган савол туриши мумкин. *Être en train de faire qch* каби перифразалар морфологик аналитик шакллар ҳосил қилмайди. Бироқ улар тур ва замонни ифодаловчи қуйи феъл воситалар сифатида ўрганилиши мумкин.

Функционал аспект и да: қўлланувчан шакллар марказий, кам қўлланиладиганлари – қуйи шакллардир. Шунинг учун замонлар тизимида қуйи ҳодисаларга *imparfait du subjonctif, formes surcomposées* ларни киритиш мумкин.

2. Грамматик асимметрия. Тилда асимметрия доимийлик ва бир хилликдан чекинишда намоён бўлади. Тил тизими кўплаб бўғинларининг асимметрик табиати грамматик назарияларда, кўпинча, инобатга олинмайди. Тилшунослар доимо идеал «симметрик» схемани яратишга интиладилар ва бунинг натижасида тилдаги айрим ҳодисалар ихтиёрий тарзда бирлаштирилади ва тасниф қилинади. Масалан, Гийом [21 (2,3)] феъл актуализациясининг уч босқичи мавжудлигига асосланиб, барча феъл шакллари уч «майл»га жамлайди. Бу унга *conditionnel*ни майл категория таркибидан чиқариб, аниқлик майлига киритиш учун қўшимча асос бўлди. Индикатив феъл шакллариининг симметриясига асосланиб, Гийом уларни шундай тақсимлайди: ўтган замонлар - *parlai/parlais*, келаси замонлар *parlerai/parlerais*, гарчи ҳар бир жуфтлик орасидаги муносабатлар муштарак бўлмаса ҳам. А.Ивон [34] *parl-ons -parl-i ons; parler-ons parl-er-i-ons* феълларининг шакл ва маъно асимметрияси (структура асимметрияси) ни асос қилиб олиб, -er морфемасига майл маъносини, -i- морфемасига эса ўтган замон маъносини юклайди. Шунга асосланиб, у *parlerons ni* ҳам, *parlions ni* ҳам «*suppositif*» майлига бирлаштиради.

Асимметриянинг уч тури бор: а) тизим (*система*) асимметрияси; б) *структура* асимметрияси (ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатлари); в) *функция* асимметрияси.

3. Тизим асимметрияси. *Тизим асимметрияси* тил тизими бўғинларининг бир хил ривожланмаганлигида кўринади. Масалан, индикативда (анъанавий таснифга кўра) 8 замон борлиги баробарида субжонтивда уларнинг сони фақат 4 та.

Асимметрия баъзи сўзлар парадигмасининг нотўлиқлигида ҳам кўзга ташланади. Масалан, айрим феъллар тўлиқ тусланиш шакллари эга эмас (*échoir, bruire, frire* ва б.)

4. Структура асимметрияси эса грамматик шаклларда ифодаловчи ва ифодаланмиш орасидаги тафовутларда кузатилади.

Шакл (Ш) ва мазмун (М) асимметрияси уч синтагматик, парадигматик ва семиотик аспектда кўринади. Бунда ифода плани унсурлари (ифодаловчилар) билан мазмун плани унсурлари (ифодаланмишлар) миқдори ўзаро тенг бўлмаган ҳолатлар билан асослаш мумкин, яъни биринчилари иккинчиларига қараганда кўп ($Ш > М$) ёки, аксинча, кам ($М > Ш$) бўлади. Шу тарзда асимметриянинг олти тури ҳосил қилинади.

І. Синтагматик план. Симметрия нутқ занжирида ифода плани ва мазмун плани параллел тарзда бўлакларга бўлинишини тақозо қилади. Бунда ифодаловчи ва ифодаланмиш сони ўзаро тенг бўлади.

Ифода плани	Ш ₁	+Ш ₂	+Ш ₃ ва б.
Мазмун плани	М ₁	+М ₂	+М ₃ ва б.

Масалан, *nationales* сўз шаклда ифода планида ҳар бир маънога ўз унсури тўғри келади:

Лексик маъно	сифат	ж.род.	кўплик сон
nation	-al-	-e-	-s-

Синтагматик аспектда параллелизмнинг бузилиши натижасида асимметриянинг икки тури юзага келади.

Синтетик шакл	Ш ₁	Ш ₁ + Ш ₂ аналитик шакл
	М ₁ + М ₂	М ₃

Т у т а ш ш а к л д а бошқа ҳолатларда алоҳида-алоҳида ифодаланадиган маънолар бирга келади. Масалан, *nationaux* шаклида -aux сигменти уч маънони ифодалайди: «сифат+род+сон», ҳолбуки, *nation+al+e+s* да бу маънолар алоҳида-алоҳида берилади. Француз тилшунослари синтетик шаклларни ифодаланмишларнинг бирикиши» (*le cumul*, Балли) ёки амальгалар» (Мартине), деб номлайдилар. Синтетик шакллар қуйидагича намоён бўлади:

- грамматик категорияларни ифодалашда (*nationaux* мисолига қаранг);
- ёрдамчи сўзларнинг кетма-кет келишида; *à la* да предлог ва артикл маънолари алоҳида-алоҳида, *au* да бу маънолар бир фонема [o] билан ифодаланadi;
- сўзнинг лексик ва грамматик маъноларини ифодалашда; *il parl/a*, *fin/it* да лексик ва грамматик маънолар алоҳида-алоҳида ифодаланган; *il sut*, *il fit* даги s-, f- да асосни, -ut, -it да эса грамматик формантларни топишнинг иложи йўқ, чунки su-, / бир пайтнинг ўзида ҳам лексик маънони ва ҳам *passé simple* маъносини англатади.


А н а л и т и к ш а к л д а бир умумий маъно турли унсурларнинг йиғиндиси билан ифодаланadi. *Je parlai* да замон маъноси синтетик усул билан, *j 'ai parlé* да эса аналитик усул, яъни ёрдамчи феъл ва сифатдошнинг бирикуви асосида ифодаланadi.

ІІ. Парадигматик план. Ифода плани ва мазмун плани бирликлари орасида симметрик муносабатлар мавжуд бўлганда, ўзаро бир хил муносабатлар аниқланади: мазкур шаклга доимо фақат бир маъно мос келади ва бу маъно доимо фақат бир шакл билан ифодаланadi.

Ифода плани	Ш ₁	М ₁ мазмун плани
Ш ₂	М ₂	

Парадигматик планда симметриянинг бузилиши натижасида асимметриянинг икки тури - полисемия ва синонимия юзага келади.

Полисемия грамматикада қатор кўринишларга эга:



- омонимия, яъни бир шакл ёрдамида турли маъноларнинг ифодаланиши. Масалан, феълнинг иккинчи шахс (*tu marches*) белгиси ёки отнинг (*des marches*) кўплик сони;
- полисемия тор маънода шаклнинг кўп маънолигидир *Il part* (ҳозирги замон) келаси замонни ҳам ифодалайди: *Il part demain*;
- шаклнинг семантик синкретизми шунда намоён бўладики, бошқа ҳолатларда фарқланиши мумкин бўлган икки маъно контекстда бирга қўлланади. Масалан, *plus-que-parfait* ўтган замонда содир бўлган ҳаракатнинг бирин-кетин келишини ёки ҳаракатнинг ўтган замонда тугалланганлигини ифодалайди. Кўп ҳолларда бу икки маъно бир пайтда намоён бўлади. Синкретик шакл полисемия (кўп маънолилик) нинг энг мужмал, омонимия⁴ эса энг аниқ намоён бўлишидир.

Грамматик омонимияни аниқлашда парадигматика катта аҳамият касб этади. Турли парадигмаларда келадиган бир хил шакл турли категорияларга мансуб турли шакллар тарзида кўзга ташланади. Қёсланг: (*tu*) *marches- nous marchons* ва *une marche des marches*; *je parle - nous parlous* ва (*que*) *je parle - (que) nous parlions*.

Синонимия бир маънонинг ҳар хил шакллар ёрдамида ифодаланиши бўлиб, у ҳам турли кўринишларга эга:

- грамматик шакллар (алломорфлар) нинг қўшимча куршови. Бунда маънодош шакллар бир-бирини алмаштира олмайди. Уларнинг қўлланиши Балли «ихтиёрий ўз-ўзига хизмат қилиш» деб номлаган синтагматик қоида билан асосланади. Масалан, *-er, -ir* синоним алломорфлардан биринчиси I гуруҳ феъллари (*parler*), иккинчиси эса II гуруҳ феъллари (*finir*) билан қўлланади.

- ўзаро алмашинадиган шакллар. Уларнинг қўлланилиши парадигматикага асосланган. Синонимларни ўзаро алмаштириш баъзан маъно ўзгаришига олиб келмайди (ёки деярли олиб келмайди): *commencer à* ёки *de faire qch*. Бошқа ҳолатларда умумий маъноли синонимлар баъзи нозикликлар билан ўзаро фарқланади: *Il part demain* ва *Il partira demain*;

- параллел ифода воситалари, яъни муайян маънони ифодадашнинг турли усуллари. Улар қандай грамматик ёки лексик воситалар билан берилишидан қатъи назар, кенг маънодаги синонимлардир.

Ш. С е м и о т и к п л а н да симметрия шаклнинг маъно билан ўзаро алоқасида намоён бўлади.

Ш -----М

Бу томонлардан бири (Ш ёки М) қўлланмаса, симметрия бузилади ва натижада ассиметриянинг икки тури ҳосил бўлади:

Ноль шакл Ø ----- М

Пуч шакл Ш ----- Ø

Н о л ь шакл махсус кўрсаткичнинг йўқлиги билан характерланади. *Nationales* да род ва сон махсус морфемалар (*-e, -s*) билан берилган. *National* да эса м. р. ва сон махсус кўрсаткичларсиз (ноль морфемалар) ёрдамида ифодаланган. Ноль шакллар тилда кенг тарқалган, чунки улар грамматик маъноларни тежамли ифодалаш имконини беради. Ноль шаклларнинг куйидаги турларини қайд этиш мумкин:

- морфологияда ноль морфема. Қиёсланг: *je parle-nous parlons; regarde!* ва *regardez!*

Сўзнинг муайян туркумга мансублиги фақат унинг куршови билан аниқланади. Қиёсланг: *travailler durement* ва *travailler dur*.

Ноль морфема лингвистик таҳлилда шартли белга вазифасини ўтайди, чунки у морфологик кўрсаткич белгисиз қўлланганини кўрсатади;

- эллипсис ва синтаксисда назарда тутилган белги. Қиёсланг: *Il a deux enfants, l 'un*

de dix ans, l'autre de sept.

Пуч шакл. Агар муайян шакл борликдаги бирор унсурни ифодаламаса, десемантизацияга учрайди ва ўз маъносини йўқотади. У морфологик ва синтактик шакл унсури сифатида структуравий вазифа бажариши мумкин, холос.

Пуч шаклнинг бир неча турини кўрсатиш мумкин:

- морфология ва сўз яшашдаги интерфикслар. II гуруҳ феълларидаги *-iss-*, *-t-* ва бошқа унсур вербализациядаги (*numéro-numéroter*) – интерфикслардир;

- пуч маъноли ёрдамчи сўзлар, масалан, инфинитив билан қўлланадиган қўплаб предлоглар: *prier de faire qch*;

- маъносизлашган, яъни ноль белгига айланишга мойил бўлган ва нутқнинг эҳтиёждан ортиқ қўлланадиган ҳар қандай унсури бу ҳодисаларни ўзаро фарқлаш мураккаб назарий муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, **-issons** сегменти *nous finissons*да ё **-ons** (*fin-issons*) алломорфи сифатада ёки **-iss-** интерфиксининг **-ons** (*nous fin-iss-ons*) морфи билан бирикиши ёинки асосга қўшимча (*finiss-ons*) тарзида изоҳланиши мумкин.

5. Функционал асимметрия. Грамматик шакллар функцияларининг типологияси. Шакл ва мазмун аро функционал асимметрия айнан бир функциянинг нутқда турли шакллар билан ифодаланиши ҳамда айнан бир шаклни турли функцияларда қўллаш мумкинлигида намоён бўлади. Грамматик шаклнинг функцияси деганда, унинг хос маъноси ёки юкори сатҳ бирликларини ҳосил қилишдаги роли (масалан, боғловчи функцияси) тушунилади.

Грамматик шакллар функцияларини қуйидаги белгиларига кўра, ўзаро зид бир неча асосий турга бўлиш мумкин:

- **маъноли**, семантик функция (бунда грамматик шакл объектив борлик унсурларининг реал хусусиятини ифодалайди ва *пуч* (маъносиз), асемантик функция (бунда грамматик шакл объектларнинг реал фарқларини акс эттирмайди);

- тилда, энг аввало, мазкур шаклни ифодалаш учун мавжуд бўлган *бирламчи* функция ва *иккиламчи* мазкур грамматик шаклнинг кўчма маънода қўлланиши натижасида ҳосил бўлган функция фарқланади. Бирламчи ва иккиламчи функцияларнинг бирикиши уларнинг қуйидаги турларини ҳосил қилади:

I. Бирламчи функция. Грамматик шаклнинг бу функцияси қуйидаги хусусиятлар билан характерланади: а) у маъноли; б) мазкур категорияни ҳосил қилувчи оппозициялар (масалан, сон категорияси учун бирлик ва кўпликнинг зидланиши) ёрдамида ҳосил қилинади; в) контекстга боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён бўлади ва шаклнинг грамматик маъносини ифодалайди.

II. Иккиламчи функция. Бирламчи функциядан фарқли ўлароқ, иккиламчи функция муайян контекстуал шароитларда (нутқ эҳтиёжларига кўра) ҳосил бўлади.

A. Умумлаштирувчи ёки нейтраллаштирувчи функция. Айрим нутқий вазиятларда грамматик шакллар орасидаги оппозиция йўқотилади, чунки борликнинг тасвирланаётган бўлагида хос хусусиятлар бўлмайди ва бунинг натижасида маъно умумлашади (мавҳумлашади). Масалан, сон категорияси мисолида буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

сондаги оппозиция	singulier	pluriel
сонда нейтраллашиш	↓	↓

Агар зидланиш йўқотилса (бунда фикр мазкур синфнинг ҳар қандай унсурга тааллуқли бўлади), у ҳолда шакл нейтраллашади ва шунинг учун уни маънога зиён етказмаган ҳолда оппозициянинг ҳар қандай шаклига нисбатан қўллаш мумкин. (Қиёсланг: *Le chien est carnivore; Les chiens sont carnivores*). Нейтрализация функциясида қўлланган шакл, одатда, белгисиз шакл дейилади. Бу шакл сон учун - бирлик, род учун - м.р. шакл, замон учун - ҳозирги замон ва ш.к. Нейтрализацияда белгисиз шакл, кам бўлса-да, қўлланади.

Б. Иккиламчи маъноли функция (*т р а н с п о з и ц и я* функцияси). У грамматик шаклни оппозиция бўлаги маъносида, яъни ўша парадигманинг бошқа шаклини қўллашда намоён бўлади. Бунда маъно нозикликлари билан фарқланувчи синонимик қаторлар ҳосил бўлади. Масалан, иккиламчи маъноли функция бирлик сон ўрнида кўплик сон (*la neige* урнида *les neiges*), ўтган ёки келаси замон ўрнида ҳозирги замон, (*présent historique* ёки келаси замон ўрнида ҳозирги замон (*futur proche*), ўтган замон (*futur historique*) ўрнида келаси замон қўллаганда ҳосил бўлади. Семантик транспозиция қуйидаги омиллар асосида юзага чиқади.

- грамматик шаклнинг сўз лексик маъносига номутаносиблиги ёрдамида: *neiges* - саналмайдиган объект + кўплик сон. Бунда кўплик сон кўпликни эмас, микдорни ифодалайди;

- грамматик шакл маъноларининг синтагмадаги бошқа сўз ва шакл маъноларига номутаносиблиги асосида: *Il arrive demain*;

- феълнинг ҳозирги замон шакли + келаси замонга оид ҳол билан. Бунда феъл шакли ўзга маъно касб этиб, якин келажак маъносини ифодалайди;

- грамматик шакл маъноси билан нутқ вазиятининг номутаносиблиги ёрдамида. Масалан, *La première guerre mondiale éclate. Il part au front*. Биринчи гапдан урушнинг ўтган даврга тегишлилиги маълум. *Présent* шакли эса ўзининг бирламчи маъносини йўқотиб, *présent historique* маъносини ифодалаган.

В. Иккиламчи маъносиз (пуч) функция (*десемантизация*). Бу функцияда келган грамматик унсур ғайрилисоний борлиқнинг бирор белги-хусусиятини кўрсатмайди, яъни у маъносизлашади ва сўз, сўз бирикмаси ёки гапнинг ташқи унсури тарзида намоён бўлади. Род жонли отларда маъноли, чунки у жинслар орасидаги фарқни акс эттиради (Қиёсланг: *acteur - actrice, un élève – une élève*). Бироқ у жонсиз отларда тасвирланаётган объектларнинг ҳеч қандай хусусиятини акс эттирмайди ва шунинг учун сўзшаклнинг бир қисмига айланади, холос. Грамматик категория сўз маъносини фарқлаганда маъносиз функция *дистинктив* (фарқловчи) бўлиши мумкин. *Le livre* ва *la livre* сўзларида род маъносиз, бироқ у маъно фарқловчи восита сифатида қўлланган.

Таъкидлаш жоизки, десемантизация деганда, мазкур грамматик категория шакли маъносининг барҳам топиши назарда тутилади. Бироқ бу шакл ўзининг тилдаги бирор маъносини батамом йўқотмайди.

Функцияларни фарқлаш ҳам амалий ва ҳам методик нуқтаи назардан муштарак бўлса ҳамда ўзларининг бирламчи функцияларида қўлланса, одатда, турли алмаштиришларга, интерференцияга ўрин қолмайди. Агар грамматик шакл иккиламчи функцияларда қўлланса, у ҳолда тилнинг хусусияти намоён бўлади ва шунинг учун сўзма-сўз таржима қилшнинг иложи бўлмайди.

6. Грамматик категорияларнинг мазмуний тузилиши. Грамматик шаклнинг турли қўлланишга, маъно ва функцияларга эга бўлиши грамматик категория ҳамда грамматик маъно ички структураларининг қўламини аниқлаш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди. Бу муаммонинг турлича талқин этилаётганини у ёки бу масала бўйича француз тили грамматикасида турли фикрларнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин.

Бу ерда қуйидаги фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин:

- плюралистик ёндашиш алоҳида олинган функцияда грамматик шаклнинг махсус грамматик категория (грамматик *омонимия*) ни ҳосил қилишига асосланади. Масалан, қуйидаги икки омоним ўзаро фарқланади: *conditionnel* ва *futur dans le passé*, истак майлининг бир неча шакллари (*subjonctif de doute, de volonté etc*).

- унитар (бир бутунликни ҳосил қиладиган) ёндашишга кўра, шаклнинг ҳар қандай маъноси ёки қўлланиши бир умумий маънонинг кўринишлари (грамматик омонимия) тарзида талқин этилади. Бундай ёндашишни, масалан, Гийом қўллаб- қувватлаган эди. Унинг фикрича, грамматик шаклда фақат бир маъно бўлиб, тадқиқотчининг вазифаси уни аниқлашдир. Бироқ айрим қўлланишлар орасида катта тафовут мавжуд бўлган бир пайтда, уларни бир маъно доирасида бирлаштиришнинг ҳамиша ҳам иложи бўлавермайди. Масалан,

жонли ва жонсиз отларда род категорияси учун умумий маънони келтириб чиқаришнинг сира ҳам иложи йўқ;

- функционал ёндашишга кўра, бир грамматик шаклда бир умумий маънога бирлаштириб бўлмайдиган турли маъноларнинг мавжудлиги тан олинади (*грамматик кўп маънолилиқ*). Маънолар тизимини ташкил этади. Тизимда эса асосий маъно (бирламчи функция) ҳамда бирламчи маънодан қонуний тарзда келиб чиқадиган иккиламчи маъно мавжуд бўлади. Баъзан икки маъно тенг қийматли асосий маънолар тарзида гавдаланиши ҳам мумкин.

Моносемия, полисемия ва омонимия ўзаро бир-бирига ўтиб туриш ҳолатлари билан боғланади. Бу эса грамматик маънони аниқ, кўрсатиш ва таснифлаш жараёнини қийинлаштиради.

7. Функционал ёндашувнинг икки тури. Грамматик тадқиқотнинг икки - семасиологик ва ономасиологик – турига мувофиқ тарзда функционал ёндошиш ҳам икки хил бўлади. Семасиологик функционал ёндашиш грамматик шаклларнинг нутқда бажариши мумкин бўлган турли функция ва маъноларини очиб беради. Ономасиологик функционал ёндашиш эса, аксинча, муайян маънони ифодалашнинг усулларини тавсифлашни назарда тутади. Бунда тилнинг лексик-грамматик ёки функционал майдонлари ўрганилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гак Владимир Григорьевич Грамматика французского языка. –М., 2002. – стр.53-62.

Ш.Н.Турниязова (СамДЧТИ, ф.ф.д. доц. в.б.)

МАТНДА АЙРИМ НУҚСОНЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА УНИНГ ПРАГМАТИК ВАЗИЯТГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада матн шаклланиши жараёнида айрим нуқсонларнинг юзага келиши ва уларнинг прагматик вазиятга таъсири ёритиб берилган. Матн шаклланишида нуқсонлар деганда биз тор маънодаги нуқсонларини (орфографик ва грамматик) назарда тутаётганимиз йўқ, албатта. Биз таҳлил қилаётган нуқсонлар матннинг информацион сатҳида намоён бўлади. Улар матннинг шаклида юзага келиб, мазмунига ҳам таъсир қилади. Бундай нутқий вазиятда китобхонда (ёки тингловчида) нотўғри тасаввур юзага келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, деривацион жараёнга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Калит сўзлар: Матн, прагматик вазият, нуқсонлар, деривацион жараён, контаминация, субституция, номинализация.

Тилшуносликнинг турли йўналишлари матншуносликни ўзига хос хусусиятларини ўрганар экан, матнни инсон омилининг маҳсули сифатида тадқиқ қилади ҳамда уни тўғри тузиш мезонларини, шу билан бирга, матн тузиш жараёнидаги муаммоларни кун тартибига кўяди.

Матннинг ўзига хусусиятларини ўрганиш унинг лисоний мақомига (Н.П.Харченко, 1974; М.А.К.Хеллидей, 1978; В.Р.Борьботько, 1982), параметрларига (Х.Изенберг, 1978; Б. Палек, 1978; Г.А.Золотова 1982), унинг структураси, яъни таркибига (И.Р.Гальперин, 1981; О.И.Москальская, 1981; Н.А.Левковская, 1988) оид муаммоларнинг ечимини ўз ичига қамраб олади [1,2,3,4].

Матнни тўғри тузиш мезонлари матн грамматикаси (В. Дресслер 1978) ҳамда матн стилистикаси (Р. Харвег, 1978; М.Н.Кожина, 1993) доирасида тадқиқ қилинади [5,6].

Матн тўғрилигининг коммуникатив жиҳатларини прагматика, (G.Leech, 1983; И.П.Сусов, 1988; Б.А.Ермолаев, 1990), унинг тўғри шаклланиш принципларини эса дериватология ҳамда генератив грамматика ўрганади (Л.Н. Мурзин, 1974-86; А.С.Штерн, 1991; В.С.Храковский, 1982) [4,8].

Кўринадик, матннинг тўғри шаклланиш мезонлари турли сатҳларда кенг тадқиқ қилинади. Келтирилганлар билан бир қаторда шуни ҳам таъкидлаш керакки, санаб ўтилган

йўналишлар орасида прагматика (ва демакки дериватология ҳам) матннинг бошқа жиҳатлари каторида унинг шаклланишидаги нуқсонларни ҳам ўрганади.

М.Нистранднинг фикрига кўра, матннинг тўғрилиги бир қатор асосларга бориб тақалади. Улардан бири унинг формал, яъни шаклий тўғрилигидир. Шунинг учун матн таҳлилини унинг шаклланишини ўрганишдан бошлаш тўғри бўлади [9].


Бизнингча, М.Нистранднинг фикрига қўшилса бўлади. Чунки матннинг шаклий нуқсонлари унинг ҳосил бўлиш жараёнида туғилади. Шунинг учун бундай хатоларнинг сабабларини микро- ва макроматнларнинг деривацион механизмида излаш лозим бўлади [10].

Мазкур механизмни тадқиқ қилиш нуқсонларни келиб чиқиш сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Бу жараён эса, табиийки, матннинг деривацион моделига таянади.

Таъкидлаш жоизки, матн шаклланишида нуқсонлар деганда биз тор маънодаги нуқсонларини (орфографик ва грамматик) назарда тутаётганимиз йуқ, албатта. Биз таҳлил қилаётган нуқсонлар матннинг информацион сатҳида намоён бўлади. Улар матннинг шаклида юзага келиб, мазмунига ҳам таъсир қилади. Бундай нутқий вазиятда китобхонда (ёки тингловчида) нотўғри тасаввур юзага келиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, деривацион жараёнга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Фикр далили учун қуйидаги мисолни олайлик:

Бундай вазиятда ҳакамларга ғолибни чиқариш қийин бўлади.

Берилган микроматнда контаминация асосида нуқсон юзага келаяпти. Микроматн замирида *ҳакамлар ғолибни чиқариши керак* деган асос мазмун ётганлиги изоҳ талаб қилмайди. Уни биз деривацион таҳлил қиладиган бўлсак, аввало матннинг асл, яъни тўғри ҳолатини келтириб чиқаришимиз керак бўлади. Бунинг учун биз микроматнни деталларга ажратиб, структур схемасини кўриб чиқамиз:



Гувоҳи бўлганимиздек, берилган мисолда контаминация ҳодисаси асосида матннинг окказионал маъноси фаоллик кўрсатапти. Аслида бу икки структура меъёр талабларига кўра контаминацияга йўлиқмаслиги керак эди. Уни деривацион таҳлил қиладиган бўлсак қуйидаги формулаларга дуч келамиз:

1. Қийин бўлади → туб структура (V);
2. Ҳакамларга (ғолибни аниқлаб қарор чиқариш) қийин бўлади → таянч структура (N + V);
3. Бундай вазиятда ҳакамларга ғолибни аниқлаб қарор чиқариш қийин бўлади → синтактик деривация босқичи → ҳосила структура (X + N + V);

Матн таркибида бундай нуқсонларни конверсия сатҳида ҳам учратишимиз мумкин.

Агар шу меъёр талабларига амал қилмасак, бизга катта қулфатларни олиб келиши мумкин (Тошкент оқшоми газетаси, «Ёнгинларни олдини олайлик», 22.09 2015).

Келтирилган мисолда гап бўлақларининг тушиб қолиши натижасида нуқсон юзага келаятганлигини кўрамиз. Агар биз гапни тўлдирадиган бўлсак, матннинг қуйидаги шакли келиб чиқади:

Агар биз шу меъёр талабларига амал қилмасак, бу бизга катта кулфатларни олиб келиши мумкин.

Бироқ, фикримизча, матннинг бу шакли ҳам нуқсондан ҳоли эмас. Чунки мазкур вазиятда тобе компонентли МСҚ шаклланиб, унинг биринчи қисмида ҳам, иккинчи қисмида ҳам **биз** кишилиқ олмоши иштироқ этиб, бу такрорийлик матннинг услубий ғализлигини келтириб чиқаряпти.

Бизнингча, бу вазиятда микроматн номинализация сатҳида шаклланса мақсадга мувофиқ бўлади:

Шу меъёр талабларига амал қилмаслик бизга катта кулфатларни олиб келиши мумкин.


Кўринадики, бунда номинализация ҳодисаси орқали микроматн таркибидаги нуқсон бартараф этилмоқда. Буни биз қуйидаги схемада кўришимиз мумкин:



Матн таркибида бундай нуқсонлар айрим ҳолатларда маълум субъектни бошқасига алмаштириш орқали ҳам юзага келиши мумкин:

У масъуллиққа олган сигирларнинг тўрталаси ҳам фермада қолди: учтаси болалаган, тўртинчисининг эса оёғи оғриган эди ва шунинг учун ҳам у бугун фермага эртароқ келди. (<http://dooks.google.co.uz>, Бизнес ва экономика.2017.)

Мазкур матн абзац қолипидаги макроматн бўлиб, унда **сигир** сўзи фрейм сифатида фаоллашяпти. Ушбу мисол деривацион нуқтаи назардан бир қараганда бенуқсон кўринади. Бироқ матннинг тўртинчи компонентида у кишилиқ олмоши ноўрин қўлланилган. Чунки берилган матндан олдинги абзацда фермер қиз ҳақида сўз юритилган эди. Келтирилган мисолнинг биринчи ва тўртинчи компонентларида у кишилиқ олмоши айнан ана шу қизнинг ўрнида субститут сифатида қўлланилаяпти. Аммо тўртинчи компонентдаги субституция ҳодисаси матн мазмунида нуқсон келтириб чиқараяпти. Бу ҳолатда китобхонда нотўғри тушунча ҳосил қилиш эҳтимоли келиб чиқаяпти. Бу эса, албатта, прагматик хатоликни ҳам юзага келтираяпти. Буни схемада қуйидагича ифодалаш мумкин:



Кўринадик, мазкур ҳолатда охирги компонентдаги у олмоши гўёки оёғи оғриган тўртинчи сигир ўрнида келган, деган хато тушунча келиб чиқаяпти.

Демак, юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб шуни таъкидласа бўладик, матн таркибида дуч келадиган айрим нуқсонлар нафақат унинг мазмунига, балки мазкур матннинг структур жихатига ҳам ўз таъсири ўтказмай қўймайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М., 2006. С.87.
2. Золотова Г.А. Роль ремы в организации и типологии текста // Синтаксис текста. – М.: Наука, 1979, 368 (113-133).
3. Москальская О.И. Семантика текста // Вопросы языкознания, 1980, № 6. (32-42).
4. Мурзин Л. Н. Основы дериватологии. – Премь, 1984, 55 с.
5. Dressler W.U., Schmidt S.J., Textlinguistik. Kommentierte Bibliographie, Munch., 1973.
6. Harweg R. Pronomina und Textkonstitution, Munch., 1979.
7. Harweg R. Textlinguistik.- Yn. Praspektiken der Linguistik, Bd. 2.- Stuttgart, 1974.
8. Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики -1972.- М.: Наука, 1973, 599 с. (489-507).
9. Письмо как лингвистическое мастерство: развитие жанровой педагогики грамотности. Р. Бирд, Д. Майхилл, Дж. Райли и М. Нистранд (ред.) Справочник по развитию письма. Лондон: Сейдж, 151–166. Энциклопедия site:wikisko.ru.
10. Красиков, Ю. В. Теория речевых ошибок / Ю. В. Красиков. – М.: Наука, 1980. – 124 с.

В.А.Воситов (АнДДУ доценти)

ИНГЛИЗ ТИЛИГА ТУРКИЙ ТИЛЛАРДАН СЎЗ ЎЗЛАШТИРИШДА ИНСОН ОМИЛИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: Мақолада инглиз тилида туркий ўзлашмаларнинг пайдо бўлишида инсон омилининг тутган ўрни масаласи таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: ўзлашма сўз, луғат таркиб, ички омил, ташқи омил, француз, рус, итальян, немис тиллари.

Тилнинг луғат таркиби доимо ўзгариб ва янгиланиб боради. Бунда, албатта, ички ва ташқи омиллар катта ўрин тутади. Ташқи омил маълум сабабларга кўра сўз ўзлаштириш жараёни саналади. Ўзлашма сўз дастлаб янги сўз хусусиятига эга бўлса, вақт ўтиши билан қабул қилувчи тилда ассимиляцияга учрайди ва борган сари ўзлашма сўз ётлиги сезилмай қолади.

Ўзлашмаларнинг тилда пайдо бўлишида, албатта, инсон омили асосий ўринда туради. Ҳар бир жонли тил концептуаллашувнинг ўзига хос усулига эга.

Ўзлаштирилган бирликлар маълум тушунча ва ҳодисаларни билдиради, уларни тўлиқ тушуниш учун инсон тушунтиришнинг қўшимча манбаларига ҳамда лексик материалнинг верификациясига мурожаат қилиши керак. Бу, ўз навбатида, коммуникатив актнинг давомийлиги ҳамда олинаётган маълумот кўламининг кенгайишига олиб келади.

Таниш ўзлаштирмаларни қўллашда бошқа тил сўзларининг компонентларини аниқлаш учун инсон когнитив стратегияларни қўллайди. Шу ўринда тадқиқотчилар С.И.Тогоева ва Т.Ю.Сазоновалар вазиятга ва формал элементларга таяниш стратегиясини ажратиб кўрсатадилар ва улар ушбу стратегияларни амалга оширишнинг қуйидаги моделларини таклиф этадилар: [4; 5]

- дефиниция орқали идентификациялаш (“башлык – бош кийим”);
- категоризациялаш (“каракал – силовсин”);
- мисол билан тасвирлаш (“бурка – Чапаев”);
- бир ўзакли сўз билан боғлаш (“шагрень – шагреньевая кожа”);

- сўзнинг келиб чиқишини аниқлаш (“катык – татарча сўз”);
- вазиятга боғлаш (“баши бузук – Усмонли турк империяси);
- товуш-график шаклланганлигига реакция (“шашлык – башлык”);
- эмоционал баҳо (“айран – лаззатли”);
- синоним билан боғлаш (“чалма – салла”);
- реакциядан воз кечиш.

Ўзлаштирманинг кўп маънолилиги унинг идрок қилиниши учун тўсиқ бўла олмайди, чунки, илгари қайд қилинганидек, сўз маъносини аниқлаш жараёнида кўп маъноли ўзлаштирама бўлиши мумкин маъноларнинг қаторидан битта маънони ажратиш учун зарур барча маълумот мавжуд бўлган ташқи контекст билан боғланади. Ўзлаштирмаларни нутқда қўллаш уларнинг тил соҳиби томонидан ўзлаштирилганлигининг ягона кўрсаткичи бўла олмайди, чунки ўзлаштирилган сўзлар коммуникатив актда нотўғри идентификациялаштирилишлари мумкин. Уларнинг кўп қўлланилиши билан бир қаторда ўзлаштирмаларнинг билиб олинганлиги кўрсаткичи сифатида уларнинг тил соҳиблари томонидан қайта тикланишини ва семантик даражада ассимиляцияланганлигини ажратиб кўрсатамиз.

Семантикани қайта ўзгартирганда ўзлаштирама бирликнинг асосий вазифаси луғат фондининг бирликлари ҳамда тил тизимининг бошқа структур элементлари билан синтагматик ва парадигматик муносабатларни ўрнатиш орқали уни тил тизимига киритиш бўлиб қолади. Коммуникация жараёнида бундай контекстуал-боғлиқ вазифаларни бажариш учун ишлатилади.

Инглиз тилига туркий тиллардан сўзлар тўғридан-тўғри ёки бошқа тиллар, масалан, француз, рус, итальян, немис тиллари орқали ижтимоий алоқа ва бошқа бир қатор сабабларга кўра орқали ўзлашган.

Француз тили орқали *chagrin, tandour, caftan*, рус тили орқали *aul, boyar, kulak, astrakhan*, итальян тили орқали *kiosk, sultana, oke*, немис тили орқали *trabant, chabracke*, испан тили орқали эса *bocasin* каби туркий сўзлар инглиз тилига ўзлашган.

Туркий ўзлашма сўзлар инглиз тилига фонетик, лексик ва грамматик таъсирга учрамаган ҳолда француз тили орқали кўпроқ ўтган.

Типологик жиҳатдан билвосита туркий тиллардан олинган сўзларнинг барча таркибини воситачи тил орқали ўзлаштирган туркизмлар ва инглиз тилидан воситачи тил орқали ўтган, лекин келиб чиқиши туркий тилларданлигини маълум даражада кўрсатувчи лексик бирликлар ташкил этади.

Ўзлашган туркий сўзларнинг айримларининг кўринишлари тилшунослар ҳам ажрата олмайдиган даражада инглиз тили лексикасига шўмғиб кетган.

Масалан: koumiss, Bukeef, orta juz, kalim, kok-saghyz, arsakal, airan.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, воситачи тил орқали инглиз тилга ўтган туркий ўзлашмалар ўзининг дастлабки, аслий маъносини сақлаган. Масалан, туркий тилларда аҳоли яшаш жойини англатувчи “**aul**” сўзи инглиз тилига рус тили орқали ўзлашган ва шу маъносини инглиз тилида ҳам сақлаган:

“No”, said the guiede, “we will go to Kalenderhana, and then from my **aul** to the fort.” (F.Burnaby. A ride to Khiva, - L.: 1875. – P. 234.)

Ўзлашма сўзлар ўзлаштирилган инглиз ва воситачи рус, француз, итальян ва бошқа тилларда ҳам аслий маъносини сақлаган. Улар фақат туркий халққа хос воқелик ва тушунчалари ва ҳодисаларни ифодалаш учун ишлатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Козырев В.А., Черняк В.Д. Образовательная среда. Языковая ситуация. Речевая культура/Рос. Гос. Пед. Ун-т им. А.И.Герцена. - СПб. , 2007. - С. 61.

2. Коренькова Е.В., Пушкарева Н.В. Русский язык и культура речи. - Москва: Проспект, 2010. – С. 229.

3. Мухин С.В. Соотношение понятий ассимиляции и натурализации заимствований / С.В. Мухин // Теория и практика лексикологических исследований: Вестник МГЛУ. - 2007. -

Вып. 532. – С. 145.

4. Сезонова Т.Ю. От слова к смыслу // Теория языка и межкультурная коммуникация. – 2008. -№3. – С. 72-76.

5. Тогоева С.И. «Пространство» для нового слова // Слово и текст: психолингвистический подход: сб. науч. тр. Тверь: ТвГУ, 2014. С. 79–83.

F.E.Sattorova (SamDCHTI, mustaqil tadqiqotchi)

MULOQOTDA KOMMUNIKATIV KOMPETENTSIYANING AHAMIYATI

Annotatsiya. Til ta'limida kompetentsiyaviy yondashuv ta'lim oluvchilarning o'rganayotgan til materiallaridan va olingan axborotlardan o'z hayotiy faoliyatida oqilona foydalana olish, shu tilda o'z fikrini og'zaki va yozma tarzda mustaqil ifodalash va nutqiy vaziyatlarga mos ravishda qo'llay olish ko'nikma-malakalarini tarkib toptirish, ya'ni tilni maqsadli ravishda amaliy qo'llay olish layoqatini shakllantirishdan iborat. Ushbu maqolada aloqa- arlashuv jarayonida kommunikativ qobiliyat va uning tashkil etuvchilari ahamiyati haqida mulohazalar berib o'tilgan.

Kalit so'zlar: kommunikativ kompetentsiya, nutqiy jarayon, pragmatic qobiliyat, nutq vaziyati, nutq aktlari.

Kommunikativ metodologiyadan maqsad chet tilini o'qib o'rganish jarayonida ijtimoiy va madaniy jihatdan muvofiq, mos tarzda muloqotga kirisha olishni talab qiladigan ko'nikma va malakalarni shakllantirish. Bunga erishish uchun o'rganish jarayonida tilning vazifasiga diqqat qaratish, turli rollarni o'ynash va haqiqatga yaqin vaziyatlarni yaratish muhim hisoblanadi. A.S. Belkin esa o'zining fundamental tadqiqotida "kompetentsiya – insonda mavjud bo'lgan sifatlar to'plami", kompetentlik – muayyan shaxs ega bo'lishi zarur bo'lgan narsalar to'plami – degan fikrni ilgari suradi. O'z-o'zidan ma'lum bo'ladiki, bu har ikkala atama o'zaro bir-birini to'ldiruvchi va bir-biriga bog'liq bo'lgan tushunchalardir.

Shuning uchun muloqot kompetentsiyasi ikki katta bilimlar guruhidan iboratdir: 1.Tilni bilish va 2.Tildan qanday foydalanish. Muloqotga kirisha olish uchun kommunikativ ko'nikmaning ahamiyatini inkor etmagan holda, til o'rganuvchilar bu ko'nikmani shakllantirish uchun tilning qo'shimcha ko'nikmalar (additional skills, ba'zi ingliz tili manbalarida subskills deb berilgan) so'z boyligi, to'g'ri talaffuz va grammatikani, shuningdek asosiy ko'nikmalar (ingliz tili manbalarida communicative skills, primary or basic skills deb yuritiladi) tinglab tushunish, gapirish, o'qish va yozish kabi bilimlarni o'zlarida shakllantirishlari lozim. Yuqorida ta'kidlagan asosiy va qo'shimcha til ko'nikmalarining o'zi turli nutqiy vaziyatlarda muvafaqqiyatli muloqot qobiliyatini kafolatlay olmaydi, balki H.G. Viddovson ta'kidlaganidek, bu til ko'nikmalari qoidalar asosida gaplar tuzishni ta'minlasa, faoliyatda berilgan vaziyatga qarab shu egallangan ko'nikmalarni til o'rganuvchi mos tarzda qo'llay olishi muloqotni mufavaqqiyatli kechishiga sabab bo'ladi.

1960 va 1970-yillar atrofida til o'qitishdagi talablar keskin o'zgardi, bunday burilishga sabab, tilshunoslar Halliday va Xaymslarning ishlari, til tabiatiga nisbatan o'z davri uchun yangi nazariy qarashlarning vujudga kelishi deb hisoblashadi. Ayniqsa, Xaymsning kommunikativ kompetentsiya haqidagi nazariyasi til o'qitishdagi qarashlarni olib kirishda muhim rol o'ynadi. Uning fikricha, til ma'lum jamoadagi tushuncha, sezgilar va qadriyatlar bilan birgalikda ijtimoiy kontekstda o'zaro aloqa vositasi bo'lib xizmat qila oladi. Tilning jamiyatda aloqa quroli vazifasini bajarishi uning kommunikativ vazifasini tashkil qiladi. Tilning kommunikativ (nutqiy aloqa) vazifasida ikki hodisa farqlanadi:

1. Fikr olishuv (aloqa-aralashuv) vazifasi
2. Xabar vazifasi.¹

Til faqatgina o'zi mavjud bo'lgan nutq jamiyati a'zolari o'rtasida tushuniladigan ma'nolar tuzilmasi qobig'ida tushuniladi, shuning uchun o'rganilayotgan tilni o'zi mavjud bo'lgan ijtimoiy va ijtimoiy–madaniy qobig'ini nazardan chetda qoldirmaslik kerak. Natijada til o'rganuvchi o'rganilayotgan tilga aloqador nutq jamoasida mos nutq aktlaridan unumli foydalana oladi.Tilga

bunday kommunikativlik nuqtai nazardan qarash til o'qitishda yangi yo'nalishlar vujudga kelishiga va bu yo'nalishlarda til o'rganuvchilar ma'lum ijtimoiy muhitda ijtimoiy rollar o'ynaydigan aktyorlar sifatida qaraladi. Boshqacha aytganda, tildan til o'rganuvchi ma'lum maqsad uchun foydalanadi, ya'ni til aniq maqsad uchun (Language for specific purpose LSP) deb nomlanuvchi yo'nalish vujudga keldi, bu yo'nalishda tilga vazifaviylik tamoyili asosida yondashadi. Tilga vazifaviy tamoyillik asosida yondashish ko'p til o'rganuvchilar fikricha, ma'lum vazifaviy maqsadga erishishni anglatadi: ma'lum kasbga doir materialni o'qish, chet mamlakatda joylashish, yoki xaridorga ma'lumot yetkazish, telefonga javob berish kabi kasbiy vazifalar amalga oshiriladi. Yuqoridagi fikrlar orasidan tilni nutqiy vaziyatlarga mos ravishda maqsadli qo'llay olish aynan biz fikr yuritayotgan pragmatik qobiliyatga to'g'ri keladi, ya'ni ma'lum berilgan vaziyatda ma'noni to'g'ri anglash va uni makon, zamon va ijtimoiy kontekstda to'g'ri tushunish va qo'llash qobiliyati. O'tgan asrning 70-yillarida Hayms tomonidan taklif qilingan til o'rganishda muloqot qobiliyatini rivojlantirishni maqsad qilgan kommunikativlik orqali yondashish tamoyili chet tilida muvaffaqiyatli muloqot qila olish uchun til tizimi bilan bog'liq grammatik qobiliyatning o'zi yetarli emasligini, balki uni turli ijtimoiy vaziyatlar qo'llay olish kompetentsiyasi ya'ni sotsiolingvistikning ham muhimligini ta'kidlovchi nazariya pragmatik qobiliyat tushunchasining chet tilini o'qitish va o'rganishga tatbiq etilishining dastlabki pillapoyasi bo'ldi; garchand bular orasida pragmatic qobiliyat ta'kidlanmagan bo'lsada, bu tushuncha tildan foydalanishning qoidalari nomi ostida sotsiolingvistik qobiliyat tarkibida yotardi. Haymsning g'oyalarini rivojlantirgan olimlar Kenel va Sveinlar 1980-yillarda kommunikativ kompetentsiya tushunchasining yangi modelini taklif qilishdi. Unga ko'ra leksikologiya, morfologiya, sintaksis, semantika va fonologiyani o'z ichiga oluvchi Grammatik kompetentsiya, ijtimoiy-madaniy vaziyatga bog'liq ravishda til birligini to'g'ri tanlay olishni taqozo etuvchi sotsiolingvistik qobiliyat va muloqotda uchrab turadigan kamchiliklarni to'ldirishga xizmat qiladigan verbal va noverbal vositalarni munosib qo'llay olish qobiliyat strategik qobiliyatlar kommunikativ qobiliyatning muhim tarkibiy qismlarini tashkil etadi. Keyinchalik tilshunos Kenel nutqiy muloqotda bog'liqlik (coherence) va kogerentlikni o'rganuvchi diskursiv qobiliyatni kommunikativ qobiliyatning to'rtinchi komponenti sifatida qo'shdi. Yuqoridagi modellarda pragmatic qobiliyat tushunchasi sotsiolingvistik qobiliyat tarkibida yotardi. Ammo o'n yillar vaqt o'tib (1990) tilshunos Bachman kommunikativ qobiliyatning asosiy tarkiblaridan biri pragmatik qobiliyat ekanligini ta'kidlay boshladi. Uning fikricha, pragmatic kompetentsiya turli vaziyatlarda til shakllarni to'g'ri tanlay olish va qo'llash, nutq aktlari haqida bilimga ega bo'lish va tilning vazifalarini to'g'ri anglay olish kabi bilimlar majmuidan iborat. Shuningdek Sels-Mursia kommunikativ qobiliyat tarkibi lingvistik qobiliyat, sotsiolingvistik qobiliyat, strategik qobiliyat, diskurs qobiliyat va faoliyat qobiliyat kabi qismlardan tashkil topgan deb hisoblaydi. Bunda u faoliyat qobiliyati orqali muloqotdan maqsadini tushuntirib va tushunib olish qobiliyati pragmatik qobiliyatni nazarda tutgani ehtimoldan holi emas. Pragmatik qobiliyat chet tilini o'qitishda muhim hisoblangan, qaysidir ma'noda o'zini oqlagan kommunikativlik tamoyili negizida shakllangan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ian Tudor. The dynamics of the language classroom. Cambridge University Press 2001
2. J.J.Jalolov, G.T. Mahkamova, Sh.S Ashurov. English Language Teaching Methodology. T-2015. Ps 334, p 14
3. N.Uluqov. tilshunoslik nazariyasi. O'quv qo'llanma . – T.: “Barkamol fayz mediya”, 2016, 192 bet.(18 bet)
4. Белкин А.С. Компетентность. Профессионализм. Мастерство. – Челябинск. – 2004 – 176 с.

NATIONAL-CULTURAL AND UNIVERSAL FEATURES OF PROVERBS IN ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

Annotation: This article discusses the national-cultural and universal features of English, Russian and Uzbek articles in both languages. This article summarizes the work of famous writers and scholars on proverbs and the role and importance of proverbs in human life. When we compare proverbs in different languages, we find differences and similarities between them.

Keywords: proverb, spiritual culture, grammar, comparison.

The unity of the spiritual culture created by the people is, of course, the proverbs of that nation. Let us take the oral or original memory of each nation, in which the myths and legends that are vaguely preserved in the memory of mankind, the primitive ideas and concepts of the depths of long history, the wisdom of life formed from centuries of observations are creamed. we see a reflection of the experience of i-human thinking. English and Uzbek folk proverbs have been collected and refined over thousands of years as a result of scientific and artistic thinking. . The best proverbs created and used in the past, as an example of folk wisdom, are still of great educational value. Such proverbs and wise sayings are a precious treasure of the spiritual wealth of every nation.

Poets and writers such as Alisher Navoi, Babir, Muqimi, Furqat, Zavqi, Lutfi have used folk art effectively to make it easier for people to understand. The writer M. Gorky also praised the proverbs: "The greatest wisdom is in the simplicity of the word. Proverbs and songs are always short. They have ideas and instincts that match the content of the whole book. "

An in-depth analysis of proverbs and their study through the reflection of national-cultural and universal values in different languages is a pressing problem of modern linguistics. By comparison, all the languages in the world have their own characteristics, and it is this phenomenon that distinguishes different languages. However, it is known that language learners learn a foreign language on the basis of a certain connection between the mother tongue and that language. These languages are grouped under certain categories. These categories include grammatical categories, lexical-semantic categories, and linguistic symbols such as functional categories. This means that generalizing categories provide universality in languages. At the same time, proverbs have a common language, which is common to every language. G. L. Permiakov thinks that the generalization of cases, the combination of the same or similar cases, occurs in the proverbs of different peoples. This similarity in proverbs provides universality and, in many cases, a special logical meaning. It follows that the world of proverbs is connected with the world civilization, and it is absolutely wrong to say that it belongs to only one nation. The universality of proverbs is a key aspect of paremiology; it generalizes similarities and similarities in proverbs, and even occurs in unrelated languages, regardless of their history or ethnicity [1, 49].

It should be noted that many forms of proverbs in different languages have similarities in form, meaning, or general function. For example, the Uzbek version of the article First think, then speak corresponds to the article Think first - then say, because this proverb has the same meaning in both languages and its grammatical system is much different close.

However, in translations from one language to another, it is difficult to find exactly the same sentences. Then comments or a second adequate option will be used. It is very difficult to find an English version of an Uzbek proverb or an Uzbek version of an English proverb, and commenting on the proverbs when appropriate will not impair the translation, but will complement and enrich it.

If the speaker is ignorant, the proverb may be given with a closer equivalent, provided that the exact copy of the proverb is not available in English. But if it is translated as If speaker is an active listener should be wise, its Uzbek color will be preserved and it will be clear to everyone. The same words are used in the article The Butcher grieves for the bacon, and the goat is for his life. An English reader who is unfamiliar with the peoples of Central Asia, especially Uzbek customs, may not fully understand the proverb of his daughter, who has a daughter who has a whim.

There is no choice but to translate it into English as Parents of the bride may be capricious (they can expose their own terms). The other way is that we need to find another proverb that gives the meaning of this proverb.

They are compatible with each other in terms of meaning and stylistic function, and rarely differ in number, while in lexical order; they are alternatives that differ in terms of lexical content. Most of them are national in form and international in content. When they prove their affiliation with a particular national language in form, they show that they are a product of world culture and civilization.

Pigeon's milk	Anqoning urug'i
Every dog is a lion at home	Har kim o'z uyida bek
All bread is not baked in one oven	Besh qo'l baravar emas
No pleasure without pain	Gul tikansiz bo'lmas

The British call it Pigeon's milk, the Russians call it птичье молоко, and the Uzbeks call it anqoni urug'i. In the eyes of the British and Russians, the representatives of the noble society are "Blue blood", "Голубая кровь", and in the imagination of the Uzbeks - "Oq suyak ". While the Russians use the article "Shila v meshke ne utonesh" to illustrate the futility of hiding a secret that is already known to the public, the Uzbeks use the article " Oyni etak bilan yopib bo'lmas " The concept of "not everyone is the same" is figuratively called "All bread is not baked in one oven" by the British, and " Besh qo'l baravar emas " by the Uzbeks.

It is known that each nation has its own beliefs, national identity, unique fantastic images, examples based on different district combinations.

The same is true of the proverbs and sayings of W. Shakespeare. The reason why it is possible to translate from one language to another is that although the peoples of the world speak different languages, their laws of thinking are the same.

The proverbs and sayings of Shakespeare's centuries also embody the notion that the life of his time was based on popular thought.

E. V. Kukhareva, researching Arabic and Russian proverbs, concludes that most of the proverbs have something in common with the subject and context. Paremiologists argue that this commonality is based on a variety of reasons: some scholars attribute the similarity in the articles to ethnic origin and kinship, others to the introduction and acceptance of new domestic and cultural connections; 'argue that the verses are in harmony [2,111].

The term "universal" is derived from the Latin word "universalis", meaning "general", and it covers features in almost all languages. Universals come in two forms: deductive universals are features of language that occur in all languages and are clearly expressed. These mainly include the use of different structural types of sentences; inductive universes are available in almost all popular languages. In short, the definition of proverbs should be relevant and satisfying to all cultures². For example: Love and cough cannot be hidden - **Muhabbat va yo'talni yashirib bo'lmaydi va Kasalni yashirsang, isitmasi oshkor qiladi**. Although the logical content in them is almost the same, that is, if you hide the patient, the fever is revealed. The universality of different languages and national cultures is evident in the above articles. K. Y. Alibekov notes that today proverbs are studied not only as an example of folklore, but also as a unit of linguoculture. He compares the concepts of "health" and "hygiene" in Russian, Uzbek and Kazakh languages and concludes that if the concepts of "health" and "hygiene" are of great value in Russian culture, then Uzbek and Kazakh in languages these concepts equate to wealth. It is obvious that in the national culture of the three peoples, this concept has almost similar meanings [3, 38].

K. Tumanishvili's proverbs are the result of the nation's historical thinking, which he calls the "autobiographical" memory of a certain group. Proverbs are examples of national forms, which are in harmony in the minds of the nation and are based on the national system of thinking. This naturally reflects the edges of the ethnic group. And it is built as a result of genetic information [4, 68].

This means that a lot of research has been done on the universal and national characteristics of articles. While universal features are reflected in the structure of articles, monotheism and

plurality, and in their themes, they are due to historical development, the strengthening of international relations, and the growth of universal values. National characteristics - national character, a reflection of the national spirit, are the characteristics of a particular ethnic group. It is absolutely impossible to understand the essence of a proverb without knowing its essential aspects, such as place of residence, history and nationality.

Proverbs to be vigilant, to distinguish friend from foe, to be humane, kind, sweet word, to be loyal, to respect parents, relatives and friends, to respect adults, to be kind to the little ones “Yaxshi bilan yursang etarsan murodga, yomon bilan yursang qolarsan uyatga”, “Hurmat qilsang hurmat ko‘rasan”. Proverbs that call for cleanliness and health are short and simple, but deep, profound, and purposeful. “Ko‘zing og‘risa qo‘lingni tiy, iching og‘risa nafsingni tiy!”, “Odam – po‘latdan qattiq, guldin nozik”, “Sihat tilasang, ko‘p ema, izzat tilasang, ko‘p dema!”, “Pokliging-sog‘liging” are popular among our people and are one of our best spiritual heritage. Therefore, in order to inculcate the idea of national independence in the minds of young people, to bring them up as a harmoniously developed generation, it is necessary to decorate our conversations with wise sayings and use them effectively.

References

1. Permyakov G.L. Basic structural paremiology. - Moscow, 1988, p. 14-28.
2. Kuxareva E. V. Tipologicheski-universalnoe and natsionalno- spetsificheskoe v arabskix poslovitsakh i pogovorkax. Ch.2.- M.: RUDN, 2003,105-114.
3. Alibekova K. E. Obuchenie tryukoyazychnyx studentov meditsinskoy lexike i poslovitsam russkogo yazyka s bazovymi kontseptami “zdorove”, “gigiena”. –Tashkent, 2006, 36-38.
4. Tumanishvili “The specific and the Universal in the Proverb Genre / Rustaveli Institute of Georgian Literature ”, Volume1, 2007,68-69.
5. Mirzaev T. Uzbek folk proverbs.- Tashkent: Sharq, 2012.
6. Yuldasheva, M. M. (2019). THE INTERPRETATION OF THE CONCEPT "KNOWLEDGE" IN ENGLISH LITERATURE. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7 (10).
7. Mahliyo, M. (2019). REVIEW OF THE SCIENTIFIC TRANSLATION PROBLEM. International Journal of Word Art, 1 (5).
8. Surmanov, S., Tuyeva Akobirova, S., & Alisherovna Rasulmukhamedova, U. (2020). PECULIARITIES OF IMPLICITNESS IN ARTISTIC TEXT. Theoretical & Applied Science, 2, 158–161.
9. Dumb, Z. (2019). EFFECTIVE TEACHING OF THE ENGLISH LANGUAGE BASED ON THE COMMUNICATIVE-CUMULATIVE METHOD IN THE PROCESS OF EDUCATION USING MODERN TECHNOLOGIES. International Journal of Word Art, 1 (5).
10. Bazarova N. et al. The basis of the word “heart” to become a poetic image // Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. - 2019. - T. 11. - №. 7. - S. 982-991.

С.С.Каримова (СамДЧТИ, докторант)

МУАЛЛИФ ИДИОСТИЛИ ТАЪРИФИ: КОГНИТИВ АСПЕКТ

Аннотация. Бадиий матнни, муаллифнинг шахсий нутқи тадқиқини идиостил тушунчасини назарда тутмасдан амалга ошириб бўлмайди. Индивидуал олам манзарасида инсон дунёқарашининг асосий категориялари намоён бўлиб, уларнинг шахсий талқинида субъектни шакллантириш, мақсад ва мотивлар бўлади.

Калит сўзлар: идиостил, ментал ифода, шахсий маъно, олам манзараси, коммуникатив модел.

Идиостил – бу лисоний шахс томонидан яратилган идиолект воситалари орқали намоён қилишнинг турли усулларига муносабатлари тизимидир (Леденева, 2001:40). “Идиостил ҳам лисоний услуб, ҳам нутқ услуби бўлиб, муайян ифода тизимлари ўртасидаги

таркибий ёки конструктив қарама-қаршиликлар ва муносабатлар асосида фаркланади” (Северская, Преображенский, 1991, 147).

А.Г. Котованинг фикрича, идиостил тушунчаси асосида поэтик матнни коммуникатив-эстетик яхлитлик сифатида яратиш вазифаларини бажаришда индивидуал-образли услубни шакллантирувчи воситаларнинг алоҳида ҳамда бир-бири билан ўзаро муносабатининг барча жабҳалари тушунилади (Котова, 2000).

Идиостилнинг психоллингвистик асослари В.А. Пишчалникова асарларида кўриб чиқилган. Унинг концепцияси идиостилни икки жиҳатдан кўриб чиқиш билан тавсифланади: ёзувчи нутқ фаолиятининг модели сифатида (лисоний бирликлардан фойдаланиш ва эстетик аҳамиятга эга бўлган элементларни шакллантиришнинг ўзига хос эстетик лисоний бирликлари тизими) ҳамда матннинг муайян концептуал мазмуни сифатида. Шу муносабат билан идиостил, бир томондан, “муаллифнинг эстетик нутқий фаолиятида доминант шахсий маъноларнинг лисоний ифодаланиши тизими”, бошқа томондан – “поэтик матн муаллифининг эстетик нутқий фаолиятини кўрсатувчи концептуал тизимларнинг мантикий-семантик тизимини ифода этиш усуллари”, деб белгиланган (Пिशчалникова, 1992: 49).

М.Л. Левченко ишида, В.А. Пишчалникова ғоялари ривожлантирилиб, идиостил “лисоний воситаларнинг тасири орқали объективлашган доминант шахсий маънони намоён этишнинг мантикий-семантик тизими усуллари” деб қаралади (Левченко, 2000: 8).

Идиостилнинг барча таърифлари ёзувчининг тасаввури – олам манзараси билан боғлиқлиги ҳақидаги баёнотни ўз ичига олади. Ушбу ишларнинг асосий хулосалари куйидагилардан иборат:

1. Индивидуал олам манзараси деганда, “воқеликнинг субъектив онг призмаси орқали ментал ифодаланиши” деб тушунилади (Воронцова, 1985, 21). Бадиий матн “объектив оламнинг субъектив образи”, оламнинг лингвистик воситалар билан ифодаланган индивидуал манзараси тасвири мақомига тааллуқлидир (Самосудова, 2000).

2. Матн муаллиф дунёқарашининг субъектив, ижодий характерга эга бўлган лисоний фрагменти (Болотнова, 1992; Драчева, 2000; Бутакова, 2001; Кузнецова, 2003);

3. Олам манзараси кесишган семантик-ассоциатив майдонлар тизими сифатида намоён бўлиши мумкин (Тарасова, 1994; Орлова, 2000; Карташова, 2001);

4. Муаллифнинг шахсий дунёқараши – ижодий онгнинг умуминсоний тафаккур бўлаги каби умумлисоний қисмидир; олам тасвирини яратиш усуллари бир вақтнинг ўзида ҳам алоҳида-субъектив, ҳам умумий-объективдир (Бутакова, 2000);

5. Оламнинг поэтик манзараси воқеълик оламига алтернатив бўлиб, бу олам тасаввури, ижодкорнинг руҳий фаолияти натижасида шаклланган (Кузьмина, 2000);

6. Сўнгги йиллардаги асарларда “олам манзараси” атамаси “концептуал” тушунтириш билан бирга олиб борилади (Карпенко, 2000: 23); оламнинг поэтик манзараси бирликлари индивидуал-муаллифлик концептлари деб қабул қилинган (Голикова, 1996; Орлова, 2000; Носовец, 2002).

Идиостилни когнитив аспектда ўрганишнинг асосий вазифаси ментал ҳодисалар ва уларнинг лисоний ифода воситалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ўрнатишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Болотнова Н.С. Художественный текст в коммуникативном аспекте и комплексный анализ единиц лексического уровня. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 1992. – 312 с.

2. Бутакова Л.О. Человек-мир-речь. Индивидуально-авторская картина мира в творчестве поэта Т.Белозерова // Язык. Человек. Картина мира. Лингвоантропологические и философские очерки (на материале русского языка). Часть I. – Омск: Омск. гос. ун-т, 2000. – С. 94-118.

3. Бутакова Л.О. Авторское сознание в поэзии и прозе: когнитивное моделирование. – Барнаул: Изд-во Алтайского ун-та, 2001. – 283 с.

4. Голикова Т.А. Слово как интегративный компонент репрезентации концептуальной картины мира (на материале творчества В.Набокова): Автореф... канд. филол. наук. – Барнаул, 1996. – 22 с.

5. Драчева С.И. Психолгвистический анализ фрагмента картины мира Ф.Сологуба // Язык. Человек. Картина мира. Лингвоантропологические и философские очерки. Часть I. – Омск: Омск. гос. ун-т, 2000. – С.90-92.

B.I.Qodirova (SamDU, dotsent)

O‘ZBEK VA QOZOQ TILLARI TERMINLARINING QIYOSIY TAHLILI (PUNKTUATSIYAGA DOIR TERMINLAR MISOLIDA)

Annotatsiya. Mazkur maqolada mustaqillik yillarida o‘zbek va qozoq tillarida nashr etilgan “Ona tili” va “Қазақ тілі” darsliklaridagi punktuatsiyaga doir terminlar qiyosiy-tipologik jihatdan o‘rganilgan. Bunda bir oilaga mansub bo‘lgan ikki qardosh tildagi terminlarning bir-biriga bog‘liqligi, o‘xshashligi hamda ularning farqli jihatlari tahlil qilingan. Tillardagi tinish belgilari va ularning turlari hamda uni ifodalovchi terminlarning har ikki til uchun xos bo‘lgan xususiyatlari ko‘rsatib berilgan.

Kalit so‘zlar: punktuatsiya, tinish belgilari, тыныс белгілері, undov belgisi, леп белгісі, vergul, үтіп, tire, сызықша, qavs, жақша...

Jahon tilshunosligida lisoniy hodisalarni zamonaviy ilm-fan doirasida izohlashga, ijtimoiy-siyosiy muhit, milliy-madaniy, tarixiy nuqtayi nazardan qiyoslash masalalariga alohida e‘tibor qaratilmoqda. Dunyo tillari lingvistik terminlar tizimining taraqqiyot bosqichlarini, tarixiy ildizlarini, qardoshlik xususiyatlarini muayyan tillar materiallari asosida qiyoslash, ularning didaktik adabiyotlarda qo‘llanilish darajasini aniqlash, qardosh hamda ayni hududlarda amal qilayotgan tillardagi turli sohalarga oid terminlarning yasaliş usul va vositalarini, lingvistik-konseptual, mantiqiy-falsafiy nazariyalarni tadqiq etish soha taraqqiyotini ta‘minlaydigan muhim omillardan hisoblanadi.

Dunyo tilshunosligi tajribasida o‘zbek va qozoq tillari kabi qardosh hamda terminologik tizimlari bir sotsiolingvistik muhitda shakllangan tillar misolida qiyosiy tahlillar amalga oshirilmoqda. Biroq o‘rganilayotgan tillar terminologiyasidagi tizimli munosabatlar, tillararo qiyosiy-tipologik umumiylik va xususiyliklar, tavsifiy xarakterdagi tadqiqotlar olib borish, tilshunoslik terminosferasi bosma hamda elektron lug‘atlarini yaratish, terminologik birliklarning har ikkala til o‘quv darsliklarida qo‘llanishidagi mutanosiblik va nomutanosiblik holatlarini, terminlarning mohiyatini tashkil qilgan morfologik, leksik-semantik, sintaktik hodisalararo tafovutlarni tahlil qilish zarurati mavjuddir.

O‘zbekiston Respublikasining keyingi yillardagi qo‘shni davlatlar bilan o‘zaro manfaatli va do‘stona munosabatlar o‘rnatish va mintaqaviy hamkorlikni yo‘lga qo‘yish bo‘yicha yuritgan tashqi siyosati natijasida Qozog‘iston Respublikasi bilan madaniy-ma‘rifiy va ilmiy sohalardagi hamkorlik o‘zining yangi bosqichiga qadam qo‘ydi. 2018-yilning Qozog‘istonda “O‘zbekiston yili”, 2019-yilning O‘zbekistonda “Qozog‘iston yili” deb e‘lon qilinishi davlatlararo aloqalar tarixida muhim voqea bo‘lishi bilan birga ilm-fan sohasidagi hamkorlikni yanada rivojlantirish uchun muhim asos bo‘lib xizmat qiladi. Binobarin, “o‘zbek tili va adabiyoti bo‘yicha ilmiy izlanishlar olib borayotgan chet ellik olim va tadqiqotchilar soni yil sayin ko‘paymoqda” [Mirziyoyev, Xalq so‘zi, 21-oktabr, 2019]. Jumladan, qardosh Qozog‘istonda 500 mingga yaqin o‘zbeklar yashaydi, 139 ta o‘zbek maktabi, 10 ta gazeta va jurnal, 2 ta teatr, 15 ta milliy-madaniy markazlar mavjuddir [Этносы Казахстана. Узбеки, январь, 2020]. Ana shu ijtimoiy-siyosiy yaqinlik va qardoshlik bir til oilasiga mansub bo‘lgan o‘zbek va qozoq tillarining terminologik tizimlarini bugungi zamonaviy tilshunoslik yondashuvlari asosida qiyosiy jihatdan tahlil qilish tilshunosligimiz oldida turgan dolzarb vazifalar yechimini ta‘minlaydi. Shu maqsadda maskur maqolada qardosh o‘zbek va qozoq tillaridagi tinish belgilariga doir terminlarni qiyoslashni maqsad qildik.

Tinish belgilari yozuv madaniyatini shakllantirishda muhim tarkibiy qism hisoblanadi. Uning yozma va og'zaki nutq uchun ahamiyati katta. Ayniqsa, tinish belgilari tilning sintaktik qurilishi bilan uzviy bog'liq bo'lib, yozma nutqni to'g'ri, ifodali, aniq bayon qilishda, uning uslubiy ravonligini, tez tushunilishini ta'minlashda zaruriy vositadir.

O'zbek va qozoq tillarida *punktuatsiya* tilshunoslikning alohida bir bo'limi bo'lib, tinish belgilarini o'rganadi. Maktab darsliklarida keltirilgan *punktuatsiya* terminining izohlarini solishtiramiz: "Ona tili"da: "Tinish belgilari va ularni yozma nutqda to'g'ri qo'llash yo'l-yo'riqlarini o'rgatuvchi tilshunoslik bo'limiga punktuatsiya deyiladi" [Mahmudov, 2015: 18; Назаров, 1974: 7]. "Қазақ тілі"да: "Тыныс белгілері туралы ережелер жинағын пунктуация дейді. Пунктуация – латынның пунктум (нүкте) деген сөзінен алынған" [Айтбаев, 2019: 14]. Izohlardan ma'lumki, "Ona tili"da *punktuatsiya* terminining qaysi tildan olinganligi keltirilmagan. Mazkur termin ikkala tilda ham tinish belgilarini o'rganuvchi bo'lim sifatida izohlangan.

"Ona tili" darsliklarida jami o'nta tinish belgisi haqida qisqacha ma'lumotlar berilgan [Mahmudov, 2015: 18; Qodirov, 2014: 108]. "Қазақ тілі" darsliklarida ham o'nta tinish belgisi va ularning gapdagi o'rni, ya'ni gapning sintaktik xususiyati, ma'nosi va aytilish ohangiga qarab ishlatilishi ko'rsatilgan [Aytbayev, 2019: 14; Amanjolov, 2019: 120]. Qozog'istonda nashr etilgan "Қазақ тілі" darsliklarida [Yermekova, 2018: 180; Yermekova, 2017: 159] esa yuqorida keltirilgan darsliklarda uchramaydigan *үтірлі сызықша* (–) termini tinish belgilaridan biri sifatida berilgan bo'lib, gap ichida qo'llaniladigan tinish belgisi tarzida izohlangan. O'zbek tilida ushbu terminning ekvivalenti mavjud emas.

Tinish belgilariga doir terminlarning qiyosiy tahlili ularning har ikki til uchun ham umumiy xususiyatga egaligini ko'rsatadi. *Undov* [Undov (*unda* fe'li qadimgi turkiy tilda "ovoz" ma'nosini anglatgan *un* otidan *-dä* qo'shimchasi bilan yasalgan) "*chaqiriq ovozi*". Bu ot o'zbek tilida *unda*-fe'lidan *-v* qo'shimchasi bilan yasalgan. Qarang: Rahmatullayev, 2000: 391] *belgisi* – *леп белгісі*, *vergul* [***Vergul*** (frans. *vergul*) — tinish belgisi (,). Eng ko'p qo'llanadigan tinish belgilar jumlasiga kiradi. Qo'llanish o'rni, shakli turli davrlarda va turli tillarga oid yozuvlarda turlicha bo'lgan. O'zbek tilida *vergul* *teskari pesh*, *pesh*, *yarim turish*, *yarim tinish* kabi nomlar bilan ham yuritilgan. Vergul dastlab qisqa pauza uchun ishlatilgan, keyinchalik uning qo'llanish doirasi va vazifasi kengaygan. Qarang: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi. 2-jild. – Toshkent, 2001. – B. 432.] – *ymip*, *tire* (fran. *tiret* — chiziqcha; cho'ziq narsa) – *сызықша*, *qavs* (arab. — yoy, egilgan narsa) – *жақша* kabi terminlarning nomlanishi esa bundan mustasno. O'zbek tilida *nuqta*, qozoq tilida *nүкте* deb nomlanuvchi tinish belgisi arabcha so'z *nuqtat* (*un*) shakliga ega; o'zbek tiliga *itqi* undoshini *t* undoshiga almashtirib, so'z oxiridagi *t* tovushini tashlab qabul qilingan: *nuqtat* – *nuqta*; ko'p ma'noli *naqata* fe'lidan hosil qilingan I bob masdari bo'lib, "o'rin", "punkt", "odatda darak gap oxiriga qo'yiladigan tinish belgisi" kabi ma'nolarni anglatadi [Rahmatullayev, 2003: 334]. O'zbek tilidagi chiziqcha orfografik, tire punktuatsion termin bo'lsa, qozoq tilida дефис orfografik, сызықша esa punktuatsion termin sanaladi.

Xullas, tinish belgilarining o'zbek va qozoq tillarida matndagi belgilari ham, ma'nosi va vazifasi ham bir xil.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 21 октябрь, 2019.
2. Этноссы Казахстана. Узбеки// Ассамблея народов Казахстана - ASSEMBLY.KZ - <https://assely.kz/ru/ethnos/ru/uzbeki/> (январь, 2020).
3. Mahmudov N., Nurmonov A., Sobirov A., Qodirov V., Jo'raboyeva Z. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. To'ldirilgan 4-nashri. –Toshkent: Ma'naviyat, 2015. – B. 18;
4. Назаров К. Тиниш белгилари ва ёзма нутқ. – Тошкент, Фан, 1974. – Б. 7.
5. Айтбаев Д, Айтбаева Г, Темірбаева М. "Қазақ тілі" Жалпы орта білім беретін мектептердің 8-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: "O'zbekiston", 2019. – Б. 14.
6. Qodirov M., Ne'matov H., Abduraimova M., Sayfullayeva R. Ona tili. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. 3-nashri. – Toshkent: Cho'lpon, 2014. – B. 108.

7. Айтбаев Д, Айтбаева Г, Темірбаева М. “Қазақ тілі” Жалпы орта білім беретін мектептердің 8-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: “O‘zbekiston”, 2019. – Б. 14, 119;
8. Аманжолов С, Хасенов Ә, Ұйықбаев И, Айтбаев Д, Айменова Е. Қазақ тілі. Жалпы орта білім беретін мектептердің 9-сыныбына арналған оқулық. – Ташкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 120.
9. Ермекова Т.Н. Қазақ тілі: жалпы білім беретін мектептің 6-сыныбына арналған оқулық. / Ермекова Т.Н., Отарбекова Ж.К., Тоқтыбаева Г.Б., – Астана: «Арман-ПВ» баспасы, 2018. – Б. 180;
10. Ермекова Т.Н. ж.б. Қазақ тілі: жалпы білім беретін мектептің 7-сыныбына арналған оқулық. / Ермекова Т.Н., Ильясова Н.Ә., Тоқтыбаева Г.Б. – Астана: «Арман-ПВ», 2017. – Б. 159.
11. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати I (туркий сўзлар). – Тошкент: Университет, 2000. – Б. 391.
12. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Тошкент, 2001. – Б. 432.
13. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати II (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 334.

3.Ш.Холмурадова (Старший преподаватель, соискатель Самаркандского государственного института иностранных языков)

**СТИЛИСТИЧЕСКИЕ И ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФРАНЦУЗСКИХ
ВКРАПЛЕНИЙ В РУССКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ**

Аннотация. Статья посвящается анализу стилистических и прагматических особенностей использования французских вкраплений в текстах русских произведений.

Ключевые слова: стилистический потенциал, прагматическая функция, художественный текст, французские вкрапления.

Стилистика является аспектом, исследующим использование стилистических средств в тексте и речи. Стилистический диапазон стилистических средств довольно широк и реализуется в сознании и восприятии человека [Г.Г. Молчанова, 2004, с. 65].

Национальные и культурные реалии или национально-культурные концепты описываются в тексте с помощью стилистических средств [К.М. Ирисханова, 2004, с.20].

Прагматика, в свою очередь, исследует отношение к определённом объекту высказывания. Прагматический потенциал формирует коммуникативный эффект для рецептора [П. Вацлавик, Д. Бивии, Д. Джексон, 2000, с. 34].

В художественном тексте следует обращать внимание не только на порядок слов в предложениях, но и на стилистико-прагматический потенциал. Рассмотрим его на примере русских художественных произведений с французскими вкраплениями.

Согласно следующему контексту становится ясно, что в семьях русских дворян XVIII века дети обрались к своим родителям по-французски:

Mon pere, Andre? – сказала неграциозная, неловкая княжна с такой невыразимой прелестью печали и самозабвения, что отец не выдержал ее взгляда и, всхлипнув, отвернулся [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.2, с. 26]. В данном контексте дочь обращается к своему отцу “Батюшка, Андре!”. Значит такое обращение к отцу считалось нормой у русских дворян.

В русских аристократических кругах друзья и подруги также обращались друг к другу по-французски:

Ma bonne amie, - сказала маленькая княгиня утром 19 марта после завтрака, и губка ее с усиками поднялась по старой привычке [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.2, с. 27]. Выделенное словосочетание означает “милый друг”.

В русских художественных произведениях часто используются речевые формулы:

Медведя-то, говорит, как не бояться? Да как увидишь его, и страх прошел, как бы только не ушел! Ну, так-то и я. *Demain, mon cher!* [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.2, с. 18]. Данная речевая формула используется в контексте с целью прощания и переводится как “Прощайте, милый!” в следующем контексте также используется речевая формула прощания:

- *Это ужасно! Ужасно! – говорила она. – Но чего бы мне ни стоило, я исполню свой долг. Я приеду ночевать. Его нельзя так оставить. Каждая минута дорога. Я не понимаю, чего мешают княжны. Может, бог поможет мне найти средство его приготовить... Adieu, mon prince, que le bon dieu vous soutienne...* [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.1, с. 52]. Речевая формула передаёт значение “До свидания, князь, да хранит вас Господь”.

В русских художественных текстах французские вкрапления часто выполняют функцию эвфемизма и заменяют грубые и неловкие высказывания. Например, в следующем отрывке используется “*Je vous aime*” вместо “я вас люблю”:

- *Но в чем же я виноват? – спрашивал он. – В том, что ты женился, не любя ее, в том, что ты обманул и себя и ее, – и ему живо представилась та минута после ужина у князя Василия, когда он сказал эти не выходившие из него слова: «Je vous aime» Все от этого?* [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.2, с. 22].

Иногда в тексте произведения встречается выражение, созданное каким-либо известным писателем:

*Но в ту минуту, как он считал себя успокоенным такого рода рассуждениями, вдруг представлялась она и в те минуты, когда он сильнее всего выказывал ей свою неискреннюю любовь, и он чувствовал прилив крови к сердцу, и должен был опять вставать, двигаться, и ломать, и рвать попадающиеся ему под руки вещи: «Зачем я сказал ей: Je vous aime?» – все повторял он сам себе. И, повторив десятый раз этот вопрос, ему пришло в голову Мольерово *mais que diable allait-il faire dans cette galere?*, и он засмеялся сам над собою* [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.2, с. 23]. Данное предложение взято из произведения Мольера и выражает значение “зачем я вообще связался в это дело?”

С точки зрения стилистики заимствования играют немаловажную роль в тексте. Так, например, в нижеприведённом отрывке французское вкрапление заменяет грубое выражение “исчезни или убирайся”:

Потом он вспомнил ясность и грубость мыслей и вульгарность выражений, свойственных ей, несмотря на ее воспитание в высшем аристократическом кругу. «Я не какая-нибудь дура... поди сам попробуй... allez vous promener», – говорила она [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.2, с. 22].

Далее приводится уважительное обращение на французском языке с целью иронии и насмешки:

- *Ну, как же, батюшка, mon tres honorable, Альфонс Карлыч, – говорил Шиншин, посмеиваясь и соединяя (в чем и состояла особенность его речи) самые простые народные русские выражения с изысканными французскими фразами. – Vous comptez vous faire des rentes sur l'etat, – с роты доходец получить хотите?* [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.1, с. 54]

Таким же образом, французские слова и фразы употребляются в русских художественных текстах при разговоре персонажей на политическую тему:

L'Angleterre a vecu, – проговорил он, нахмуриваясь и указывая на кого-то пальцем [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.1, с. 49]. Предложение реализует значение “Англия, тебе пришёл конец!”.

Как видно из анализа, русские писатели 18-19 веков отличались пристрастием к употреблению французских слов и фраз на своих страницах. Причиной тому была популярность французского языка в дворянской России той эпохи. Дворяне обучали своих детей французскому языку и литературе. Знание французского языка говорило о хорошем воспитании молодёжи, а чтение произведений французских писателей приобрело невероятную актуальность. К примеру, А.С.Пушкин так пишет о своём герое Онегине:

Стал вновь читать он без разбора.

Прочел он Гиббона, Руссо,
Манзони, Гёрдера, Шамфора,
Madame de Stael, Биша, Тиссо,
Прочел скептического Беля,
Прочел творенья Фонтенеля,
Прочел из наших кой-кого,

Не отвергая ничего [А.С. Пушкин, «Евгений Онегин», т.2, с. 330].

В некоторых репликах персонажей использованы только французские слова:

Princesse, il faut que je vous privienne, - прибавила она, понижая голос, - le prince a eu une alteration, - alteration, - сказала она, особенно грассируя и с удовольствием слушая себя, - une alteration avec Michel Ivonoff. Il est de tres mauvaise humeur, tres morose. Soyez prevenue, vous savez [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.1, с. 90]. Данная речь высказана с целью предупреждения: “Княгиня, хочу вас оповестить, что князь сильно отругал Михаила Иванов. Хочу сказать, что он очень сердитый”.

Французские вкрапления часто использовались в текстах художественной литературы с целью упрёка:

На другой день приехал князь Василий и поместился в доме графа. Он призвал к себе Пьера и сказал ему:

- Mon cher, si vous vous conduisez ici, comme a Petersbourg, vous finirez tres mal; c'est tout ce que je vous dis. Граф очень, очень болен: тебе совсем не надо его видеть [Л.Н. Толстой, «Война и мир», т.1, с. 49]. Французское предложение реализует следующее значение: “Милый друг, если вы и здесь будете вести себя, как в Петербурге, будет плохо”. Как видно, значение упрёка довольно сильное и негативное. Именно поэтому он высказан на французском языке.

Можно заключить, что использование французских выражений в русских произведениях связано со стилистической и особенно прагматической заданностью текста.

Литература:

1. Вацлавик П., Бивии Д., Джексон Д. Прагматика человеческих коммуникаций: Изучение паттернов, патологий и парадоксов взаимодействия. // Пер. с англ. А. Суворовой. – Москва: Апрель-Пресс, Изд-во ЭКСМО Пресс, 2000. – 320с.
2. Ирисханова К.М. Стилистический приём как культурная модель // Вестник МГЛУ, 2004. - № 486. – С. 16-22.
3. Молчанова Г.Г. Холистика текста (на основе триады: система – языковая личность – текст) // Языки в современном мире. – том 2. – Москва, 2004. – С. 64-93.
4. Пушкин А.С. Сочинения в трёх томах. Том второй. Поэмы. Евгений Онегин. Драматические произведения. – Москва: Художественная литература, 1986. – 528 с.
5. Толстой Л.Н. Война и мир. Том первый. – Москва: Просвещение, 1987. – 288 с.
6. Толстой Л.Н. Война и мир. Том второй. – Москва: Просвещение, 1987. – 302 с.

Д.А.Исламова (СамДУ, ўқитувчи)

ОЛАМНИНГ БАДИЙ МАНЗАРАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ПАРАМЕТРЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада оламнинг бадий манзараси ҳамда унинг асосий параметрлари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, тил бирликларининг транспозитив қўлланилиши оламнинг бадий манзарасини ифодалашдаги ўрни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: лисоний манзара, оламнинг бадий манзараси, тил сатҳи, маъновий воқеланиш, тил бирликлари, тарнспозиция.

Оламнинг бадий манзарасининг шакли ва мазмуни (буларнинг ҳар иккаласи бадий нутқ орқали воқеланади) маълум тамаддун, дунёқараш ва унга боғлиқ ментал маданият бағрида шаклланган оламнинг лисоний манзараси таъсирида шаклланади. Айниқса, дунёқараш санъат асарининг шаклланиши ва ифодаланиш усулида, шу жумладан тилида

катта ўрин тутати. Шу сабабли бадиий асарларда, унинг оғзаки шаклда ижро этилувчи (фольклор, театр) ва ёзма бадиий нутқ ёрдамида ифодаланган олам манзарасини чуқур ўрганиш филология фанининг, янада аниқлаштиради, тилшунослик фанининг олдида турган долзарб вазирадир.

Оламнинг бадиий манзарасида ифодаланадиган тасвирлар ҳамиша ўхшатиш, тавсифлаш, кўз ўнгида гавдалантириш каби усуллар билан баён қилинганидан, тугал бадиий тасвир ва бадиий образлар ўқувчи ёки тингловчи тафаккурида жонли шаклланади.

Оламнинг бадиий манзарасининг воқеликни ифода этишнинг алоҳида шакли эканлиги ва унда қўлланадиган лисоний бирликлар ва тилнинг ифода воситалари кўпдан бери тадқиқотчилар эътиборида бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Бунинг натижасида тилшунослигимизда санъат асарининг ғояси, шакли, мазмуни, қаҳрамонлар силсиласи, ифода усуллари, ёзувчи, персонаж нутқи каби компонентлар билан ифодаланувчи умумий бадиий манзара мавжудлиги ва улар маданиятимизда узоқ даврларда яратилгандан бери катта ҳажмдаги санъат ва адабиёт асарлари ёрдамида шаклланилтирилгани хусусида ҳулоса чиқарилган. Буларнинг жумласига бадиий адабиёт билан туташ соҳалардаги – рассомлик, театр, ҳайкалтарошлик, мусиқа, қўшиқчилик, халқ оғзаки ижоди каби лисоний компонентлар билан узоқ-яқиндан алоқаси бўлган соҳалардаги асарларни ҳам киритиш мумкин.

Дунёнинг лисоний манзараси билан бадиий тил орқали ифода этилган дунёнинг бадиий тасвири айни бир нарса эмас. Тил ёрдамида ифодаланган дунёнинг бадиий манзараси ҳамма вақт ҳам маълум тарихий даврга хос «дунёнинг лисоний манзараси» билан мос келавермайди. Бунинг бир қанча сабаблари бор: биринчидан, адиб тарафидан реал воқеликни бадиий тафаккур қилиш натижасида оламнинг субъектив бадиий лисоний манзараси ва эстетизм шаклланади, иккинчидан, бадиий лисоний манзара воқеликни образли ифодалаш натижасидир, учинчидан, оламнинг лисоний, бадиий ва илмий манзаралари лисоний инвентарнинг ҳажми жиҳатидан ҳам фарқ қилади.

Оламнинг бадиий манзарасининг бадиий матн шаклидаги кўриниши айсбергнинг кўзга кўринган қисми каbidир. Унинг асосида эса бадииятдан ташқари бир-бири билан боғланган кўплаб қисмлар мавжуд. Булардан бири маълум тарихий давр ва географик макон билан боғлиқ бўлган ижтимоий-маданий муҳитдир. Бундан ташқари, маълум бир менталитетга эга кишилар гуруҳи ёки конкрет инсон, унинг ҳаётга муносабати, унинг фикр ва тушунчалари ҳам бу қаторни тўлдиради. Оламнинг бадиий манзарасининг ташқи шакли бадииятга йўғрилган санъатнинг ички импульслари, адибнинг ва қаҳрамонларнинг - тасвир объектларига макон ва замон қолдирган из, ўтказган таъсир демакдир. У маълум маънода ижодкор тафаккурининг, ҳис-туйғуларининг тамғасини ташийди. Шу сабабли ушбу форма икки муҳим воқеланиш шаклига эга - у конкрет маъно-мазмунга, шу билан бирга бирмунча рамзий умумлашмаларга эга бўлади. Бу умумлашма эса айнан объектив борлиқни абстрактлаш, уни лисоний белги орқали ифодалашга йўл очади. Бу ҳол Ф.де Соссюрнинг лисоний белгининг атовчи ва аталганни бирлаштирувчи умумийлик эканлиги ҳамда Э.Бенвенистнинг табиий тилдаги лисоний белгининг икки томонлама маъно англатиш, яъни тил ва нутқ тизимидаги алоҳида маъно жилолари ҳақидаги таълимотига уйғун келади¹. Маълумки, Э.Бенвенист иккита турлича, аммо бир-бири билан боғлиқ ва шартланган лисоний семиозис (маъно шаклланиш) жараёнини кўрсатган ва уни нутқий бирликларнинг семантик интерпретацияси деб атаган эди. Лисоний бирлик биринчи марта (тил сатҳида) маъновий воқеланганда улар ўзлари англатган нарса ва предметларни ифодалайди, иккиламчи маъновий воқеланганда эса гап ва матн (семантик майдон)даги фикр ва мазмунга бўйсундирилган тушунчани англатади. Айнан бадиий нутқда ана шу хусусият бўртиб кўриниши ва ифода этилиши барчага аён ҳақиқат. Тил бирликларининг транспозитив қўлланилишини ҳам ана шу ҳолат билан изоҳлаш мумкин бўлади. Қуйидаги матн парчасига эътибор берайлик:

Навбат билан тизилганлар, тизилганлар

Эзганлар, эзмаганлар, эзилганлар;

«Худо» деган: тангрини бир сезмаганлар –

Одамизот бу дунёдан ўтиб борар¹.

Тизилганлар, тизилганлар, эзганлару эзмаганлар, эзилганлар каби сифатдошларнинг одатдаги нарсанинг ҳаракат ва ҳолат белгисини кўрсатиб, сифатловчи вазифасида келмаётгани ва отлашиб эга вазифасида келиши ана шу иккиламчи маъновий воқеланиш туфайли юз бермоқда ва *тизилган одамлар, тизилган одамлар, эзган одамлару эзмаган одамлар, эзилган одамлар* қабилидаги бирикмадаги отнинг функциясини ўз устига олмоқда (маънонинг абстрактлашиши, умумийлашиши → иккиламчи маъновий воқеланиш → икки тил бирлигининг маъноси ягона тушунча орқали ифодаланмоқда).

Оламнинг бадиий манзараси маълум бир дунёқарашга оид ҳамда тегишли бадиий-эстетик категорияларга асосан яратилади. Бу жараён атрубутив категорияларнинг ва образ-концептларнинг ва бадиий образларнинг ўзаро алоқаси замирида амалга ошади. Ана шу ҳолат оламнинг бадиий манзарасини оламнинг лисоний манзарасидан фарқлайдиган контент билан шаклланишини таъминлайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, оламнинг бадиий манзарасининг функциялари бадиий-эстетик концептуалликни тизимлаштиришга қаратилган бўлиб, у бадиий асарда ижтимоий-маданий контекстни лисоний белги (сўз ва жумла) билан такроран ифодалаб беришга олиб келади. Муаллиф томонидан киритилган образ-концепт ва бадиий образ-концепт асардаги эмоционал таркибни шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. Тошкент: Фан, 1988. – 206 Б.
2. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – Б 170.
3. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 164 Б.
4. Усмон Азим. Фонус. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 76 б.
5. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975. – 240 б.

A.K.Usmonov (SamDU, tayanch doktorant)

BOG‘LOVCHILARINING LINGVOPRAGMATIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada bog‘lovchilar lingvopragmatik xususiyati yoritilgan bo‘lib, bog‘lovchilarning matinda qo‘llanishi orqali yuzaga keladigan nutqiy aktik ma’nolar misollar asosida ko‘rib chiqilgan va ilmiy tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar. bog‘lovchi, pragmatika, matn, bo‘lak, ma’no, munosabat, nutqiy vaziyat.

Pragmatik tadqiqotlarda asosiy e’tibor til birligining kontekst, nutq vaziyati, til egalarining voqelik haqidagi umumiy bilimlari va til ko‘nikmalari kabi omillar bilan bog‘liq jihatiga qaratiladi. Hatto kishilar o‘rtasidagi munosabatni ifoda etuvchi nutqiy etiketlar, nutqning ijtimoiy xoslanishi, baho bildiruvchi so‘z va vositalar, insonning ichki sub’ektiv ruhiyatini ifoda etuvchi diskurs hamda presuppozitsiya hodisasi ham pragmatikaning o‘rganish obyekti hisoblanadi. Tilshunos M. Hakimov pragmatikaga – “Pragmatika lingvistik belgilarning nutqdagi funksional qo‘llanishini o‘rganadi” shaklida ta’rif berib o‘tadi. Anglashiladiki, pragmatik tadqiqotlar til birligining nolisoniy omillar bilan bog‘liq bevosita kuzatishda berilmagan imkoniyatlarini yuzaga chiqarishga yordam beradi.

Shu bilan bir qatorda, nutqiy muloqot jarayonida lisoniy va nolisoniy vositalarning birgalikda, hamkorlikda ishlatilishi tushuniladi. Bu nutqiy muloqotning eng birinchi o‘ziga xosligidir. Nutqiy faoliyat lisoniy, etik, estetik, milliy, ma’naviy-madaniy, ijtimoiy, kauzal (sabab, oqibat, maqsad) va hokazo omillar majmuasi bilan uzviy bog‘liq.

Bog‘lovchilarning nutqiy vaziyat, til egalarining umumiy bilimlari bilan bog‘liq pragmatik xususiyatlarini o‘rganish muhim ahamiyatga ega. Turkiy tillarda, jumladan, o‘zbek tilida ham

bog'lovchilarning morfologik xususiyatlari, tarixiy shakllari, gap qurilishida tutgan o'rni, uslubiy qo'llanishi, sinonimik munosabatga kirishuvi kabi jihatlari atroflicha o'rganilgan. O'zbek tilshunosligida bog'lovchilarning tadqiqiga oid ishlarda quyidagi nazariy va amaliy masalalar yuzasidan ilmiy xulosalar chiqarilgan:

1. Bog'lovchilarning morfologik xususiyatlari
2. Bog'lovchilarning vazifasiga ko'ra turlari
3. Bog'lovchilarning uslubiy xususiyatlari
4. Bog'lovchilarning tarixiy shakllari
5. Bog'lovchilarning sinonimiyasi
6. Bog'lovchilarni o'qitish masalasi

O'zbek tilshunosligida bog'lovchilar ko'p jihatdan o'rganilgan. Biroq bog'lovchi turkumiga oid so'zlar shu kunga qadar pragmatik aspektda tekshirish obyekti bo'lgan emas. Bog'lovchining pragmatik imkoniyati fikrni bayon qilish, muayyan matn, kommunikativ maqsad, nutqiy vaziyat, til egalarining tashqi olam haqidagi umumiy bilimlari va til ko'nikmalari kabi omillar bilan bog'liq holda tekshirish zaruratini yuzaga keltiradi.

O'zbek tilida bog'lovchilarning muayyan matn, nutqiy vaziyat kabi omillar bilan bog'liq holda pragmatik vazifa bajarishi o'rganilmagan bo'lsa-da, bu haqda qisman ma'lumot berilgan. Xususan, ustoz, A.B.Pardayev «O'zbek tilida yordamchi so'z turkumlarning lisoniy tizimdagi o'rni va lingvopragmatik tahlili» nomli monografiyasida ayrim bog'lovchilar presuppozitsiyasi tahlil qilingan. Muallif bog'lovchilarning presuppozitsiyani yuzaga keltirishi haqida so'z yuritir ekan – “presuppozitsiyasi tahliliga bag'ishlangan ishlarda, asosan, yuklama va ko'makchilarning presuppozitiv imkoniyatlari haqida so'z yuritiladi” deb ta'kidlaydi. Fikrlarini davom etib – “Bunday xususiyat bog'lovchilarda yo'qmi? Kuzatishlarimiz bog'lovchilarning ma'lum qismini faol presuppozitsiya ifodalovchi vositalar sirasiga kiritish mumkinligini ko'rsatdi” – deydi. Va ayrim bog'lovchilarni presuppozitsiyaga ishora qilishini misollar orqali tushuntiradi. Bundan ko'rinib turibdiki, bog'lovchilar ham presuppozitsiyaga ishora qilishi orqali pragmatik vazifa bajarishi mumkin.

Pragmatik tadqiqotlarning barcha til sathi birliklariga tatbiq etilishi til tizimi va uning birliklariga xos ko'zga ko'rinmas jihatlarni aniqlash imkonini tug'diradi. Hozirgi kunda o'z tadqiq obyektiga ega fonopragmatika, morfopragmatika, leksopragmatika, sintaktik pragmatika yo'nalishlari pragmatik xususiyatlarning barcha til sathi birliklarida namoyon bo'lishidan dalolat beradi. Yuqoridagi fikrlarga asoslangan holda aytish mumkinki, nutqiy muloqot jarayonida bog'lovchilar pragmatik imkoniyatlari namoyon bo'ladi.

Ma'lumki, bevosita muloqot muhiti, asosan, matnda o'zining bor imkoniyatlari va xususiyatlarini namoyon etadi. Shunga ko'ra lingvistik birliklarning pragmatik xususiyatlarini o'rganish matn lingvistikasini chuqur o'rganishni talab etadi. Chunki mazmun yoki fikr bayon qilishning matn (Matn-o'zida konteksni hamda nutqiy vaziyatni ifodalagan mazmun va shakl birligi.) orqali ham amalga oshiriladi.

Kampirning mol-mulkining manbai, haqiqiy bahosi, mulklarining hududini hech kim aniq bilmasdi, chunki odamlar oqar va ko'lmak suvlar, yog'ib o'tgan va yog'ayotgan yomg'irlar, yo'llar va so'qmoqlar, har bir simyog'och, qurg'oqchilik va kabisa yillari, umuman, shaksiz meros huquqiga ko'ra, yer yuzida, hayotda nima bo'lsa barchasi uning hukmida ekaniga allaqachon ko'nikib qolishgandi. (Gabriel Garsia Markes. Ulug' onaning janozasi (hikoya). Maskur matnni bog'lovchilar yordamida anglashilayotgan ma'noni ularsiz anglab bo'lmaydi. Bu holatda bog'lovchilardan foydalanmaslik matnning mazmundorligiga va serjiloligiga ta'sir etmay qolmaydi.

Bizga ma'lumki, shuning uchun ergashtiruvchi bog'lovchi aksar holda birinchi gapdan anglashilayotgan mazmunning sababini (bo'lishli shakldagi gapning bo'lishli shaklidagi sababini shakllantiradi.) ifodalaydi. Masalan: Uch daqiqacha u suv tagida tura olishini bilardi, shuning uchun «ishqilib shu paytda tushsin-da», deb o'ylardi. –... bilardi, shuning uchun... o'ylardi. (O'lmas Umarbekov. Odam bo'lish qiyin (roman) 49- bet.); Har qalay shaharda intizom qattiq edi. Shuning uchun ham yo'lning buyog'ida qiynalмай O'lmasning uyiga omon-eson yetib keldim. –... qattiq

edi. *Shuning uchun... yetib keldim* kabi. (Said Ahmad. Kiprikda qolgan tong (qissa) 57-bet). Lekin bu bog'lovchi shunday o'rinlarda qo'llanadiki, birinchi gap bo'lishsiz shaklda bo'lgan holda gapning davomi (ikkinchi sodda gap) bo'lishli shaklda bo'ladi. Bunday halatda tenglovchi birinchi gapni tinglaganda (matnda o'qiganda) shuning uchun bog'lovchisi bilan ifadalanayotgan bo'lishsiz sabab gapni ko'tadi. Lekin unday bo'lmaydi. *Men professional pedagog emasman, shuning uchun bu ishni qila olmayman*|| *professional pedagog kabi tajribaga ega emasman* deb tushuniladi. Aslida: *Men professional pedagog emasman, shuning uchun ham mutaxassis ko'rishi qiyin narsalarga e'tibor qarata olaman deb o'ylab tadqiqotimni davom ettirdim*. Bunday halat bu bog'lovchining o'ziga xos pragmatik xususiyati namoyon bo'lganini bildiradi.

F.Jumayeva pragmatik semema (pragmatik ma'no)ni shakllantiruvchi sema sifatida "potensial sema"ni ko'rsatadi, M.Mirtojiyevining "potensial sema" haqidagi fikrlari keltiradi. Potensial semaning hosil bo'lishi uchun nutqiy vaziyat, sub'ektiv munosabat va muayyan tushunchalarning ta'siri asos bo'ladi. M.: Ey erkakmisan? "Subudli", "vijdonli" semalari yuzaga chiqadi. Ushbu semalar erkak semasining lug'viy ma'nosini shakllantirmaydi. U bilan bog'liq muayyan belgilarni aks ettiradi va bu tushunchalar pragmatik sememani hosil qiladi. Biz ham M.Mirtojiyevining: "Potensial sema leksema sememasida hamma vaqt fakultativ, yashirin holda bo'lib, ma'lum nutq sharoitidagina namoyon bo'ladi, aks holda e'tiborga olinmaydi" – kabi qarashlariga qo'shilamiz. Bu bog'lovchilarda qanday bo'ladi? Yuqaridagi fikrga diqqat bilan nazar tashlasak, "Potensial sema leksema sememasida ..." shaklida keltirilgan. Lekin biz o'rganayotgan birliklar (bog'lovchilar) leksema emas. Biroq bog'lovchilar bilan bog'liq fakultativ, yashirin holda bo'lgan semalar ma'lum nutq sharoitida pragmatik ma'noni namoyon qiladi. Masalan: *Koinot hamda insoniyat ahmoqligining chagarasi yo'q. Lekin birinchisiga sal shubham bor*. (Eynshteym) *Hamda bog'lovchisi bu o'rinda "tenglik" ma'nosini qo'llanmoqda*. Lekin bog'lovchisi yordamida shakllangan ikkinchi gap esa bu ikki birlikni (*Koinot hamda insoniyat*) teng emasligini ifodalab turibdi. *Beriladigan savollar oson va qiyin bo'ladi*. Gapda va bog'lovchisining bu o'rinda qo'llanishi orqali "har xil", "aralash", "bir xil emas" ma'nolari yuzaga chiqadi. *Men bosh pushtani olaman. Birinchi va ikkinchi qatorlarni*. Pushta [(f.) bog', bog'lam; tepacha, do'ngcha; tuproq devor, g'ov; marza]. Yonma-yon jo'yaklar orasidagi, odatda, qator qilib ekin ekiladigan uzun yer bo'lagi, ekin palak otishi uchun qoldirilgan bo'sh joy. Birinchi gapdagi pushta ma'nosi bizga ma'lum (yuqorida o'zbek tilining izohli lug'atida pushta so'zining ma'nosini keltirdik). Birinchi gapda shu ma'noni ifodalagan birlikni, kontekst, nutq vaziyati, so'zlovchi va tinglovchilarning umumiy bilimlari va til ko'nikmalari kabi omillar ta'sirida so'zlovchi ikkinchi gapda va bog'lovchisi bilan bog'langan birikma shaklida qo'llaydi. Tushuniladiki, "birinchi va ikkinchi qator orasidagi joy".

Ma'lumki, bog'lovchilar gapda qo'shma gaplar tarkibidagi ayrim sodda gaplarni, uyushiq bo'laklarni o'zaro bog'lashga, sintaktik-semantik jihatdan munosabatga kiritishga xizmat qiladi. Ularning nutq jarayonida o'rinli, maqsadga muvofiq holda qo'llanishi vujudga kelishi mumkin bo'lgan uslubiy g'alizlikning oldini oladi. Ularning nutqdagi qo'llanishi esa pragmatik (hosila) ma'nolarning vujudga kelishi bilan bog'liq. Ba'zi o'rinlarda bog'lovchilar tinish belgilari bilan gapda bir xil ma'no yuzaga chiqarishga xizmat qilishi mumkin. Masalan: *Qir-adirda lola gullar ochilgan* (U.) Gapida *lola* so'zidan keyin vergul qo'yilmasa, faqat lolalar ochilganligi; vergul yoki va bog'lovchisi qo'yilsa, loladan tashqari boshqa gullar ham ochilganligi anglashiladi. *Qir-adirda lola, gullar ochilgan yoki qir-adirda lola va gullar ochilgan* tarzda.

Ba'zan bog'lovchilar, umuman, yordamchi so'zlar gapda qo'llanishida ortiq darajada (gap tarkibidagi mustaqil so'zlar miqdoridan yordamchi so'zlarning miqdori ko'p bo'lishi) ishlatilganday tuyuladi, ammo bunday holat gap mazmuniga salbiy tasir qilmaydi. M.: Cheklovlarini yumashatamiz, ammo aql va bilim bilan. Ammo bog'lovchisini bu ta'rzda qo'llanishi orqali "ziddlik" ma'nosi kuchsizlanib, unda "ta'kid" ma'nosi ham ifodalanmoqda. Bog'lovchilar nutqda qo'llanishi bilan bog'liq nutqiy g'alizliklar ham mavjud. Masalan: Shaytonsaroyga birinchi g'isht o'sha kuni qo'yildi! Keyin shaytoni lain bu saroyga boshqa alamzada va valadi zinolarni yetaklab kelib, Asadbek xizmatiga topshirdi. Tohir Malik, Shaytanat (3-kitob). "Mening sodiq va vafodor do'stim, o'ttiz yetti qochoq mahbusni tutib bergan va o'zi yovuz mahbus qo'lida halok bo'lgan Jek nomli

itga minnatdor do'sti general mayor Maksim Mixaylovich Rechnikovdan". Said Ahmad, Umrim bayoni (qissa va hikoyalar). —Nimaga tentiraysiz? Mastmisiz? Ko'zlaringiz g'alati? — dedi Dilnura Qosimova va o'rnidan adil turib, unga dadil qo'l uzatdi. (Shukur Xolmirzayev, Saylanma). Keltirilgan misollarda va bog'lovchisi shaklan o'ziga o'xshash so'zlarning bir qismi (valadi, vafodor, Qosimova) bilan bir o'rinda qo'llanilib nutqiy g'alizlikni yuzaga keltirmoqda. Ba'zan bu kabi o'rinlarda va bog'lovchisining o'rniga shu bog'lovchiga sinonim bo'la oladigan bog'lovchini qo'yish orqali nutqiy g'alizlikni bartaraf etish mumkin. M.: alamzada *hamda* valadi zinolar, sodiq *hamda* vafodor do'stim kabi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Hakimov M. O'zbek tilida matnning pragmatik talqini: Filol. fan. d-ri ...dis. avtoref. - Toshkent. 2001.
2. Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари.- Т.: Фан, 1983.
3. Хозирги ўзбек адабий тили, II томлик, I том.-Т.: 1966 йил.
4. Пардаев А. Ўзбек тилида ёрдамчи сўз туркумларнинг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили.-Т.:Фан , 2013
5. Jumayeva F. Polisemem leksemalar doirasidagi sinonim va antonim semalarning tadqiqi.- Tosh: Qomus media, 2019.
6. Mirtojiev M.M. O'zbek tili semasiologiyasi. –Toshkent: MUMTOZ SO'Z, 2010-yil.

М.Хрождиддинова (Қўқон давлат педагогика институти, докторант)

БИР РАНГ-ТУС СИФАТИНИНГ КОННОТАЦИЯСИВА ПРАГМАТИКАСИ.

Аннотация: мазкур мақолада коннотация, айрим шоирларнинг лирик ва эпик асарларида ранг-тус билдирувчи сифатларнинг коннотацияси ва прагматикаси ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: лингвистика, лингвопоэтика, коннотация, прагматика, ўз маъно, кўчма маъно, таъсирчанлик, баҳолаш, сифат сўзлар, ранг билдирувчи сўзлар.

Лингвистикада товуш алмаштириш ҳодисаси мавжуд бўлиб, унинг икки кўриниши кўп тилга олинади. Бирида айтилган сўзнинг товушнинг ўрни алмаштирилади ва бу кўпроқ метатеза деб юритилади. Иккинчисидан эса муайян сўзнинг товуш бутунлай бошқа товуш билан алмаштирилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам сўзнинг семантик структурасида ўзгариш келиб чиқмайди. Масалан, Алишер Навоий, Амирий, Нодира, Увайсий, Анбар отин шеърларида “қора” сўзининг “қаро”, “қоро”, “қара” вариантлари кўп қўлланадики, булар сўзнинг эмоционал жиҳатдан таъсирчан чиқишига сабаб бўлади. Бошқа томондан эса, сўзнинг денотатив маъноси устига коннотатив маъно юкланишига сабаб бўлади.

Кези келганида масалани ана шундай томонларига, яъни денотатив ва коннотатив, парадигматик жиҳатларига мухтасар тўхтаб ўтишга тўғри келади. Тилшуносликда лингвопоэтикага бўлган эътиборнинг кучайиши коннотация ва унинг ифода воситаларига доир кўплаб тадқиқотларнинг юзага келишига туртки бўлди. Тилшунос олим А.Липгартнинг қайд этишича, лингвопоэтик таҳлил семантик ва метасемиотик таҳлил асосида ойдinлашади. Метасемиотик таҳлил тилнинг *мулоқот – хабар – таъсир этиши* вазифалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни намоён этади [1, 73] Бу эса тилнинг таъсир этиш функцияси, яъни коннотатив аспекти лингвопоэтик таҳлилда муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Тил бирликларининг денотатив ва коннотатив маъноси рус тилшунослигида ХХ асрдан ўрганила бошланган. А.В.Филипповнинг “Лексик коннотация муаммосига доир” номли мақоласи [2], В.М.Говердовскийнинг “Коннотация тушунчаси тарихи”, “Сўзнинг коннотем тузилиши” [2] сингари китоблари, Е.Ф.Лебедеванинг “Бадий асар матнида ифодаларнинг коннотатив воситалари” [2], Н.А.Вострякованинг “Лексик бирликларнинг турли даражалардаги тасвифи” [2] каби мақолалари буни ёрқин далиллайди.

Ўзбек тилшунослигида бу масалага А.Ғуломов, А.Ҳожиев, А.Абдуллаев, М.Миртожиев, Р.Қўнғуров, Ш.Ғозиева, С.Ғойибов, Р.Ҳадятуллаевларнинг тадқиқотларида у ёки бу даражада муносабат билдирилган, яъни зикр этилган олимларнинг ишларида ўзбек тилида эмоционал-экспрессивликни ҳосил қилувчи фонетик, лексик, морфологик воситаларга тавсиф берилганда коннотатив маъно нима эканлигига урғу берилган ўринлар кўп учрайди. Бироқ айтилган масалада сўз юритган олимлар ҳам талайгина. Масалан, М.Мамадалиева коннотация прагматик ҳодиса сифатида баҳо муносабати билан узвий боғлиқлигини таъкидлайди [3, 40-42]. З.Мамаражабова эса коннотатив маънонинг экспрессив бўёқ асосида белгиланишини, яъни унинг экспрессивликка ишора қилишини қайд этади [4,18]. Э.Қиличев, Б.Қиличевлар эса коннотатив маънонинг (К) сўз семантикасида (С) денотатив маъно (Д) ажралгандан кейин ҳосил бўлган айирмага тенглигини кўрсатадилар. Яъни: $K = C - D$. Уларнинг қайд этишича, сўзнинг коннотатив маъноси нафақат контекстда, балки муайян синонимик қаторда ҳам юзага чиқиши мумкин. Бунда коннотатив маъно сўзларнинг парадигматик муносабати асосида белгиланади. Шу нуқтаи назардан, тилшуносликда коннотациянинг ингерент ва адгерент турлари фарқланади. Ингерент коннотация бу – сўзнинг контекстдан ташқари олинган ҳолатда англанадиган, адгерент коннотация – сўзнинг маълум контекст асосида англашилувчи коннотатив маъносидир [5,68]. Юқорида баён этилганлар асосида хулоса қилиш мумкинки, коннотация денотатив маъно устига қурилиб, унга қўшимча маъно (экспрессив-эмоционал маъно) юқловчи ҳамда нутқ субъектининг воқеликка баҳо муносабатини ифода этишга хизмат қилувчи тилнинг семантик-прагматик аспекти ҳисобланади.

Коннотациянинг нутқий вазият, контекст ёрдамида реаллашувчи ҳодиса эканлигини инобатга олинадиган бўлса, у прагматиканинг тадқиқот объекти эканлигини англаш мумкин. Ўзбек тилшунослигида тил бирликларининг прагматик табиатини ўрганишга дастлаб XX асрнинг 80 йилларида эътибор қаратилган. Бу даврда А.Нурмонов, Н.Махмудовларнинг кўмакчилар ҳамда риторик сўроқ гапларнинг пресуппозицион хусусиятлари тавсифига доир илмий мақолалари эълон қилинган [6]. Бу масала кейинги даврларда айрим морфологик бирликлар ҳамда матн таҳлили мисолида махсус тадқиқот объекти бўлди [7].

Прагматика тилшунослик фанининг янги соҳаларидан бўлиб, у бир қанча масалаларни ўз ичига олади. Лингвистик прагматиканинг умумназарий масалалари қуйидагилардан иборат: тил бирликларининг нутқ вазияти, контекст билан боғлиқ жиҳатлари, кишилар ўртасидаги муносабатни ифода этувчи нутқий этикетлар, нутқнинг ижтимоий ҳосиланиши, ифоданинг субъектив модал аспектига алоқадор кириш, баҳо билдирувчи сўз ва воситалар, инсоннинг ички руҳиятини ифода этувчи дискурс ҳамда пресуппозиция ҳодисасини ўрганиш. Коннотация ҳам прагматиканинг ўрганиш объекти сифатида нутқ жараёнида юзага чиқади. Унинг юзага чиқишида турли хил тил бирликлари хизмат қилади.

Тилимизда кўп қўлланувчи “қора” сўзидаги унлиларнинг ўрнини алмаштириб қўллаш ёки “а” унлисини “о” билан, “о” унлисини “а” билан алмаштириб ишлатиш ҳар қандай ҳолда ўринли, деб мутлақликда англаш мумкин эмас. Навоий, Амирий, Увайсий, Нодира, Анбар Отин шеърларида мумкин. “қора” сўзи ёлғиз ҳолда ёки от туркумига оид сўзлар билан бирикиб, унинг рангини эмас, бошқа белгиларини ифодалашга ўтса, унда коннотация мутлақо янгича тус олади. Бу ўринда “қора” сифати ҳатто сўзнинг бошқа туркумга кўчишини ҳам ифодалашга ўтади:

Не учун киймиш *қора* ҳарён солиб жайбиға чок,
 Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро. [8, 27]
 Бу ўринда “қора” сифати “мотам тутмоқ” маъносига ишора қилмоқда.
 Мен ўлармен ғамдину, йиғлаб куюб бошимда шамъ
 Дудидин чирмаб *қора* ҳар тун тутар шеван манга. [8, 30]

Бунда эса ғам-ҳижронни қуюқлаштириш маъносига ишора қилмоқда. “қора” сифати шоир лирикасида кўп қўлланишининг асосий сабаби шундаки, бу шеърларда банданинг Аллоҳ ва таъалодан, Пайғамбар (с.а.в.)дан, солиқнинг пири муршид назаридан, реал ошанинг маъшуқадан айролиғини ифодалаш учун танланганини тўғри қабул қилиш лозим.

Шунинг учун Навоий шеърлятида “бахти қаро”, “анбар соч”, “холи мушкин”, “зулф саводи”, “қаро кўз”, “юзи қаро”, “қаро ер”, “қоши қаро” каби синтактик бирликлар учрайдики, булар шоир маҳоратини белгиловчи унсур сифатида намоён бўлган.

Алишер Навоий лирикасида эмас, эпик асарларида ҳам ранг билдирувчи сифатлар кўп учрайди. Чунончи, шоир “Хамса”сининг тўртинчи достони “Сабъаи сайёр” достонидида ранг-тус билдирувчи етти хил сифат қаҳрамоннинг ички туйғу ва туғёнларини ифодаловчи восита сифатида ишлатилган. Биламизки, “Сабъаи сайёр” буржлар, ҳафта кунлари, сайёралар билан боғлиқ етти хил рангнинг уйғунлиги асосида бош қаҳрамоннинг бахтию бахтсизлиги, шодлигию хижронини ифодалашга хизмат қилган. Юқорида “қора” сифатининг лирик шеърлятидаги коннотацияси тўғрисида сўз юритган эдик. Айни шу мақсадни мазкур бўлган достонга ҳам татбиқ қилиб кўрайлик. Достоннинг XX бобининг сарлавҳасидаёқ Баҳромнинг қора кунини тунга улагани ҳақида ҳикоя қилади. Сарлавҳадаги “қоралик” маъносини англатувчи “*мушкфом либос*”, “*мушкин гунбанд*”, “*мушкбў газол*”, “*мушкин бода*”, “*дуди қаро*”, *шом*” сўз ва бирикмалари коннотатив маъноси билан эътиборни тортади: “Шанба куни Баҳромнинг *мушкфом* либослар кийиб, *гунбади мушкинга* хиром қилиб, *газоли мушкбў* била *бодани мушкин* ичғони ва бу машғуллуқ била хижрон ўтининг дуди қаро қилғон кунни шомға еткурғони”. [9, 393]

Замонавий адабиётда ҳам мазкур ранг-тус сифатининг “қора”, “қаро” фонетик шакл семантик структураси таркибида шундай маъно фарқланишлари мавжудки, бундай ҳолларда уларни алмаштириб бўлмайди.

Қалин ўртоқ Ҳадича

Қизлар қорамағизи [10, 14]

Бу қўшмисрада истифода этилган “қора мағиз” эркин сўз бирикмаси эмас, балки ажралмас бирикма саналади. Тўғрироғи, бу – турғун бирикма ҳисобланади. Шунинг учун “қорамағиз” яхлит қўшма сўздаги ифода “қора мағиз” тарзида аниқловчи-аниқланмиш муносабатини юзага келтирмайди. Бунда семантик жиҳатдан тўғри келмайдиган ҳолат юз беради. “Қора” сўзи кўчимсиз қўлланганда ҳам товуш алмаштириш мумкин бўлмай қолади.

Қондан, тердан сувланган

Далалар олди банг.

Пахта терган қора қиз

Ўзи қолди яланғоч,

Миср кули каби оч [11, 52].

Инсоннинг қора ёки оқлигига нисбатан берилган сифатда юқоридаги иқтибосда қўлланган “қора” сўзидаги унлиларнинг ўрнини алмаштириб бўлмайди. Аммо мумтоз адабиётда, биз юқорида тилга олган шоирларнинг асарларида ранг-тус сифатларининг оҳанг, ритм, урғу, бўғин каби фонетик компонентлар доирасида алмаштириш имкони туғилади. Натижада сўзларнинг коннотацияси шоирнинг ниятига мувофиқ ҳолда бошқача семантик вазифани бажаришга ўтади.

Бир сўз билан айтганда, ранг-тус билдирувчи сифатларда товуш алмаштириш, орттирилиш, тушириш, чўзиш ҳодисалари сўзнинг контекстда айрича маъно ифодалашига хизмат қилади. Дейлик “оқ” сифатини “оппоқ”, “сарик” сифатини “сап-сарик” шаклда орттирма даражада ифодалаш ҳам ана шундай ҳодисалар сирасига киради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Липгарт А.А. Основы лингвопоэтики. – М., 2006.
2. Филиппов А.В. К проблеме лексической коннотации // Вопросы языкознания. – Москва, 1978. – №1. – С. 57-63; Говердовский В.И. История понятия коннотации. – М., 1979. – 83 с.; Говердовский В.И. Коннотемная структура слова. – Харьков, 1989. – 96 с.; Лебедева Е.Ф. Лингвистический анализ текста. – Иркутск, 1985. – С.69- 74; Вострякова Н.А. Понятие коннотации в современной лингвистике // Разноуровневые характеристики лексических единиц. – Смоленск, 2001. Ч. 1. – С.35-42. ва б.
3. Мамадалиева М. Номловчи бирликларнинг ички маънолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2000. – №. 6.

4. Мамаражабова З. Ўзбек тилида сифатларнинг коннотатив маънолари: Филол. Фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Т.: 2004.
5. Қиличев Э., Қиличев Б. Коннотатив маъно ва унинг ифодакланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 2006. – № 6.
6. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: – 1986. – №6. – Б. 28-31; Нурмонов А. Қўмақчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1986. – №6. – Б. 42-45.
7. Раҳимов У. Ўзбек тилида юктамалар пресуппозицияси: Филол. фанлари номзоди ...дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – 23 б.; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Т.: 2001. – 49 б.
8. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик, 1-жилд. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
9. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик, 1-жилд. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
10. Ойбек МАТ. 20-томлик. 3-том. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ. – 1998.
11. Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. 1-том. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ. -1984.

Sh.U.Ishonkulov, A.T.Ziyatov (Karshi engineering-economic instituti)

DISCOURSE, PRAGMATIC AND FUNCTIONAL APPROACHES

Annotation. This article outlines earlier integrated all these aspects into a multidisciplinary translation model for text analysis and evaluation. It also informs about discourse, pragmatic and functional approaches.

Key words. discourse, socio-cultural environment, critical discourse, semantic concept, interactants.

The usage-oriented approaches of discourse, pragmatic and functional analyses are particularly appropriate for translation. The historical roots of discourse analysis range from classical rhetoric, Russian formalism and French structuralism to semiotics. In the 1970s, discourse analysis began to establish itself as a discipline in its own right. It was influenced by socio-linguistics with its emphasis on language variation and the crucial role of the social context; speech act theory, where a discourse is seen as a form of social action and cooperative achievement such that a speaker's intention and her relationship with her addressee(s) are taken into account as added features of meaning; anthropology, where studies on the 'ethnography of speaking' link up with linguistics and stylistics – all these played an important part in widening our understanding of the role of discourse in human life.

Branches of discourse analysis that are of immediate relevance for translation are contrastive rhetoric and contrastive discourse analysis. They compare underlying text conventions holding in different linguacultures and examine their influence on the production and comprehension of different discourse types. Research methodologies employed in cross-cultural discourse analysis include discourse organization, coherence, use of cohesive devices, and the presence of reader or writer perspective. Findings suggest differences in the sequencing of topical strands in texts (linear or circular), presence or absence of digressions and other arrangements of textual parts in different genres and languages [1]. The culture-specificity of discourse structuring is also exemplified in the work by Clyne and, with reference to translation, in my work for the typologically close languages of English and German. Findings of a variety of contrastive discourse studies using diverse genres, subjects and methodologies led me to hypothesize different L1 and L2 discourse norms as the basis of the 'cultural filter' necessary in a certain type of translation. Contrastive discourse analyses are crucial for translation because they provide translators and translation evaluators with the necessary empirical foundation for explaining changes in the target text. There is a need for more language-pair specific contrastive discourse research. Translation studies would greatly benefit from its finding another research strand that has had an impact on translation studies for the past twenty

years or so is Critical Discourse Analysis [2] here, power relations and ideology and their influence on the content and structure of texts are regarded as most important for the analysis of discourse.

The importance of the socio-cultural environment enveloping a text has been captured early on by the anthropologist Malinowski in his concept 'context of situation', which strongly influenced British contextualism.[3] The concept embraces the human participants in a situation, their verbal and non-verbal actions, the effect of these actions and other relevant features, objects and events. Detailed descriptions of the context of situation in which a given text functions, involve the notions of Field (the general sense of what the text is about, its topic and social actions), Tenor (capturing the interpersonal and role relationships, the writer's stance, and the participation of the addressees), and Mode (referring to the particular part played by the language used in the text, i.e. if and how a spoken or written medium is used, and how coherence and cohesion are manufactured). These categories have influenced what came to be known as Register, i.e. the variety of language according to use.

Register is a semantic concept referring to configurations of meaning typically associated with particular situational constellations of Field, Tenor and Mode. In Register analysis, texts are related to context such that both are mutually predictable, the outcome being the isolation of different text types or genres. Register analysis has been fruitfully used in translation studies by House (1977, 1997) and Erich Steiner (2004).

Other suggestions of types of texts – a popular quest in Translations Studies – have involved the concept of 'function of language'. Many different views of functions of language have been proposed, most famously by Bühler (1934), Jakobson (1960), Ogden and Richards (1946), Halliday (1973) and Popper (1972). Although they vary greatly, a basic distinction between an informative, cognitive function and an interpersonal function to do with the 'me' and 'you' of language use can be found in all functional classifications. Classifications of language functions were often used to devise 'text typologies' following the equation 'one function – one text type'.[4] This equation has been very popular in translation studies, since it is often assumed that knowledge of a text type is an important prerequisite for effective translation procedures. Koller (2011), on the other hand, recommends a division into two main (idealized) text types for translation: *Fiktivtexte* und *Sachtexte* (fictional and non-fictional texts). However, preferable to any externally motivated text typology seems to be a view of a text as being in principle multifunctional (i.e. not embodying a predetermined function), such that each text is to be analysed and translated as an individual 'case', considered in its particular context of situation and culture on the basis of an explicit set of text linguistic procedures for describing and explaining how a text is what it is, how it fares in translation, and what the effect of the translation is in each individual case. Such text-linguistically based, case-study approaches to translation can today be combined with large text corpora featuring original texts and translations in L1 and L2 in many different languages, fruitfully combining qualitative and quantitative methodologies. [5]

The role of translation in multicultural societies. Another new area of interest lies in the exploration of the interface between translation and migration, minorities and the larger issues of power and inequality, and the role translation activities may play in shaping the relation between majority and minority groups in society. The importance of the role played by translation in the context of present day multi-ethnic and multicultural societies is now recognized. Translations into minority languages are crucial in that they help their survival and help build up confidence and pride of its speakers. [6]

Recently, however, intercultural research increasingly focuses on how interactants manage to understand one another, and how intercultural understanding is constructed in processes of translation. [7] Intercultural communication is now often explored from a post-structuralist perspective, one that is dynamic, critical, socially constructed, dialogic and ecological. Scholars such as Suresh Canagarajah (2013) have recently advocated the adoption of a cosmopolitan rather than an intercultural rhetoric, one that is important for global citizenship and one that does emphasize universal or common values.

This cosmopolitan turn requires a new complex framework not necessarily compatible with traditional culturally oriented view of communication.

One of the most challenging issues today concerns the tension between the traditional view of intercultural communication which is based on a solid monolithic notion of culture, and a postmodern and cosmopolitan view of intercultural communication which emphasizes a 'diverse and complex notion of culture'. [8]

Translation as intercultural communication is a today an immensely popular area of research, which is, however, also laden with populist assumptions of the type described above as 'the old thinking of culture'. For translation, we need to base our judgements about when and how a 'cultural filter' is to be applied in the process of translation, on serious qualitative ethnographic and contrastive discourse analysis based on detailed micro and macro-contextual analyses.

Used literature

- 1 Connor, Ulla (1996) Contrastive Rhetoric. Cambridge: Cambridge University Press.
- 2 Fairclough, Norman (1995) Critical Discourse Analysis. The Critical Study of Language. Cambridge, MA: Blackwell.
- 3 Halliday, M.A.K. (1994) An Introduction to Functional Grammar. 2nd ed. London: Arnold.
- 4 Reiss, Katharina Möglichkeiten und Grenzen der Übersetzungskritik. Munich: Hueber. (1971)
- 5 Kruger, Alet, Kim Wallmach and Jeremy Munday (2011) Corpus-based Translation Studies. London: Continuum.
- 6 Cronin, Michael (2003) Translation and Globalization. London: Routledge.
- 7 Bührig, Kristin, Juliane House and Jan ten Thije (eds) (2009) Translational Action and Intercultural Communication. Manchester: St. Jerome.
- 8 Atkinson, Dwight and Paul K. Matsuda (2013) 'Intercultural Rhetoric: A Conversation – The Sequel', in Diane Belcher and Gayle Nelson (eds) Critical and Corpus-based Approaches to Intercultural Rhetoric. Ann Arbor: University of Michigan Press, 227–42.

A.S.Kushbakova (SamDCHTI, magistrant)

O‘ZBEK- INGLIZ MATNLARIDA PRAGMATIKANING QO‘LLANILISHI

Annotatsiya. Tilshunoslikning pragmatika sohasi bo'yicha dunyo bo'ylab ko'pchilik tilshunos olimlar ilmiy ishlar olib borgan. Pragmatika ham tilshunoslikning boshqa bo'limlariga o'xshab muhim soha hisoblanadi. Ushbu maqola pragmatika atamasini yaqindan tushunishga yordam beradi va u bo'yicha ma'lumotlarni o'zida aks ettiradi.

Kalit so'zlar. Pragmatika, tilshunoslik, metod, xorijiy til, nutq, tarjima, til vositalari, matn, og'zaki nutq, presuppozitsiya.

O'zbekiston mustaqillikni qo'lga kiritgandan so'ng yurtimizda xorijiy tillarga bo'lgan e'tibor yanada kuchaydi. Chunki butun dunyo bo'ylab glaballashuv jarayoni, rivojlanishlar davri davom etadi. Shu sababdan muhtaram birinchi prezidentimiz I. A. Karimov shunday fikrlar bildirgan: "Bugun jahon hamjamiyatidan o'ziga munosib o'rin egallashga intilayotgan mamlakatimiz uchun chet ellik sheriklari bilan hamjamiyatlikda, hamkorlikda o'z buyuk kelajagini qurayotgan xalqimiz uchun xorijiy tillarni mukammal bilishning ahamiyatini baholashning hojati yoqdir.

Yurtimizda olib borilayotgan islohatlarda «Mamlakatimizda bir necha xorijiy tillarni biluvchi zamonaviy kadrlar tayyorlash, xorijiy tillar bo'yicha ilmiy ishlar olib borish, til o'rgatish metodologiyasini takomillashtirish» ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilanishi jahonning rivojlangan mamlakatlarida ilm-fan va texnika sohalarining so'ngi yutuqlaridan mamlakatimiz yoshlarini bohabar etishda adekvat tarjimalarni amalga oshirish va buning uchun tarjimashunoslik sohasiga doir ilmiy tadqiqot ishlarini kengaytirish bugungi kunning muhim masalalaridan biri sifatida ko'riladi. O'zbek tilidan ingliz tiliga amalga oshiriladigan tarjima jarayoni, uning o'ziga xos

xususiyatlari, unda tarjimon ahamiyat berishi lozim bo'lgan masalalar, tarjima jarayonida asliyatning pragmatik xususiyatlari va uni tarjimada qayta tiklashning o'ziga xosliklari, ish faoliyatida tarjimonga engillik berishi mumkin bo'lgan jihatlar va u yo'l qo'yishi mumkin bo'lgan xatolarning oldi olinadi. Har bir tarjima jarayonida ma'no kasb etuvchi gaplar va tagma'noga ega so'zlar sifatida ikki bosqichdan o'tadi. Shunday bo'lsada toki nutq faoliyatining madaniyatlararo shakli mavjud emas ekan tarjimon uchun tarjimaning pragmatik muammolari ham mavjud bo'ladi [1]

Tilshunoslikning fan sifatida o'rganish ob'ekti va predmetini aniqlash antik davrlardan beri falsafiy va metodologik nazariy muammo sifatida tadqiqotchilarni qiziqtirib keladi. Mazkur muammoning murakkabligi tilning mohiyati ko'pqirrali va rivojlanib boruvchi hodisa ekanligi bilan izohlanadi. Tilshunoslikning ko'p asrlik tarixida tadqiqotchilar tomonidan tilning ichki qurilishini har tomonlama izchil izohlashga imkon beradigan nazariy mezonlar ishlab chiqilgan.

Har qanday soha rivojlanishi uchun unga qiziquvchilar bo'lishi zarur. Qaysi sohada qiziquvchilar ko'p bo'lsa ana o'sha soha tez rivojlanishni boshlaydi. Shu tariqa pragmatika ham rivojlandi. "Pragmatika"- aslida yunoncha so'zdan olingan bo'lib "pragma, pragmatos – ish-harakat" degan ma'noni anglatadi. U tilshunoslikda belgilar tizimiga munosabatni o'rganuvchi fan sifatida kiritilgan. Dastlab pragmatika to'g'risidagi g'oyalarni amerikalik olim Pirs tomonidan jamoatga taqdim etilgan. Shundan so'ng, yana bir mashhur amerikalik olim Ch. Morris shu g'oyani rivojlantiradi va pragmatika atamasini semiotika bo'limining nomi sifatida fanga olib kiradi.

Pragmatika insonning ijtimoiy faoliyatini o'zida qamrab oluvchi nutq jarayo-ni, muayyan aloqa vaziyati orqali namoyon bo'ladi. Lingvistik pragmatika aniq shakl, tashqi ko'rinishga ega emas; uning doirasiga so'zlovchi subyekt, adresat, ularning aloqa-aralashuvdagi o'zaro munosabatlari, aloqa-aralashuv vaziyati bilan bog'liq ko'plab masalalar kiradi. Masalan, nutq sub'ekti bilan bog'liq holda quyidagi masalalar o'rganiladi: bayonning oshkora va yashirin maqsadlari (biron-bir axborot yoki fikrni yetkazish, so'roq, buyruq, iltimos, maslahat va'da berish, uzr so'rash, tabriklash, shikoyat va boshqalar); nutq taktikasi hamda nutq odobi turlari; suhbat, so'zlashish qoidalari; so'zlovchining maqsadv; so'zlovchi tomonidan adresatning umumiy bilim jamg'armasi, dunyoqarashi, qiziqishlari va boshqa hislatlariga baho berilishi; so'zlovchining o'zi bayon qilayotgan xabarga munosabati kabilar. Pragmatikada nutq adresati, o'zaro aloqaga kiruvchilarning munosabatlari, muayyan aloqa vaziyati singari omillar bilan bog'liq holda ham ko'plab masalalar o'rganiladi. Pragmatika g'oyalari evristik (yo'naltiruvchi) dasturlash, mashina tarjimasi, informatsion-qidiruv tizimlari va boshqalarni ishlab chiqishda qo'llanadi.

O'tgan asrdan boshlab o'zbek tilshunosligida ham pragmatika sohasida bir qancha ishlar olib borildi va hozirda ham A. Mahmudov, M. Hakimov, Sh. Safarov, J. Burhonov, U. Rahimov, D. Lutfullayeva kabi tilshunos olimlarimiz bu sohani rivojlantirishga o'z hissalarini qo'shishmoqda.

Sh.Safarov pragmalingvistikaga berilgan ta'riflarni umumlashtirib, tadqiqotchilarning bu boradagi asosiy g'oyalarini quyidagicha tasniflaydi: kommunikativ faoliyat tavsifining tayanch nuqtasi faoliyat tushunchasidir, lison muloqot ishtirokchilarining o'zaro munosabatini harakatga keltiruvchi vositadir; M.Hakimov esa quyidagicha ta'riflaydi: lisoniy faoliyat voqelanishi bevosita muloqot muhiti bilan bog'liq hodisadir.

Sh.Safarov ta'kidlaydiki, lisoniy faoliyatning pragmatik xususiyatlari, bu xususiyatlarni yuzaga keltiruvchi omillarni o'rganish tilning ijtimoiy mohiyatini aniqlash uchun muhimdir. Bu lisoniy muloqotning ijtimoiy va ruhiy-psixologik qonuniyatlar bilan moslashgan holda ro'yobga chiqishini va shu asnoda til tizimi rivojlanishini tasdiqlovchi dalillar topish imkonini beradi. Til tizimi taraqqiyotining boshlang'ich nuqtasi (davri) pragmatikadan boshlanadi [2]

Ma'lumki, bevosita muloqot muhiti, asosan, matnda o'zining bor imkoniyatlari va xususiyatlarini namoyon etadi. Shunga ko'ra lingvistik birliklarning pragmatik xususiyatlarini o'rganish matn lingvistikasini chuqur o'rganishni talab etadi. Zero, so'zlovchining axborot uzatishdan maqsadi, tinglovchining axborotni qanday qabul qilganligini matnda yanada aniqroq bilishimiz mumkin. Bugungi kunda matnni tadqiq etish pragmalingvistika yo'nalishiga bo'lgan e'tiborning kuchayishi bilan yanada avj oldi.[3]

Pragmatika tilshunoslikning nisbatan yangidan shakllangan, insonning nutq faoliyatini o'rganishga, bunday faoliyatning maqsadi, mazmuni, bunday maqsad va mazmunning og'zaki va yozma matnda verbal va noverbal ifodalanish vositalarini, ularning nutq aktidagi o'rnini, kommunikativ ta'sirini, so'zlovchi va tinglovchi nutqidagi turlicha munosabatlarni lisoniy belgilarda ifodalanishini o'rganuvchi fan tarmog'idir. Pragmatika til belgilarining nutqdagi harakatini o'rganuvchi tilshunoslikning tadqiqot doirasidir. Lingvistik pragmatika aniq shaklga ega emas. Uning tarkibiga so'zlovchi va tinglovchiga, ularning nutq jarayonidagi o'zaro munosabatiga bog'liq masalalar majmui kiradi. Gapiruvchi shaxsning tinglovchi diqqat-e'tiborini tortish, ularga kommunikativ ta'sir qilish, qiziqtirib qo'yish, fikrini jalb qilish yoki aksincha, chalg'itish, hayajonga solish, to'qinlashtirish, ishontirish yoki aldashga urinishida so'zning, so'z birikmasining ekspressiv-emotsional baholovchi konnotativ ma'nosini, ya'ni pragmatik ma'nosini tadqiq qilish ehtiyoji vujudga keldi.

Pragmatika tilshunoslikning nisbatan yangidan shakllangan, insonning nutq faoliyatini o'rganishga, bunday faoliyatning maqsadi, mazmuni, bunday maqsad va mazmunning og'zaki va yozma matnda verbal va noverbal ifodalanish vositalarini, ularning nutq aktidagi o'rnini, kommunikativ ta'sirini, so'zlovchi va tinglovchi nutqidagi turlicha munosabatlarni lisoniy belgilarda ifodalanishini o'rganuvchi fan tarmog'idir. Pragmatika til belgilarining nutqdagi harakatini o'rganuvchi tilshunoslikning tadqiqot doirasidir. Lingvistik pragmatika aniq shaklga ega emas. Uning tarkibiga so'zlovchi va tinglovchiga, ularning nutq jarayonidagi o'zaro munosabatiga bog'liq masalalar majmui kiradi. Gapiruvchi shaxsning tinglovchi diqqat-e'tiborini tortish, ularga kommunikativ ta'sir qilish, qiziqtirib qo'yish, fikrini jalb qilish yoki aksincha, chalg'itish, hayajonga solish, to'qinlashtirish, ishontirish yoki aldashga urinishida so'zning, so'z birikmasining ekspressiv-emotsional-baholovchi konnotativ ma'nosini, ya'ni pragmatik ma'nosini tadqiq qilish ehtiyoji vujudga keldi. Tarjima bu qayta yaratish san'ati, yuksak badiiy ijoddir, ijod bo'lganda ham tarjima muallifidan izlanish, mehnat, sabr-toqat talab qiladigan, turli xil materiallar ustida mashaqqatli ish olib borishni talab qiladigan ijoddir.[4]

Tarjima qilish jarayonida ikki holat ro'y beradi, ya'ni birinchidan, tarjima qilish uchun o'girilayotgan narsani tushunish, anglash va talqin qilish kerak. Bu hodisa ona tilida ro'y beradi. Ikkinchidan, asar o'girilayotgan tilda muvofiq ifoda vositalari, ya'ni so'z, so'z birikmasi, grammatik formalarni topish lozim. So'zlovchi biror nutq yaratar ekan, u o'zining bu faoliyati bilan qabul qiluvchiga (tinglovchi) qandaydir axborotni etkazishni, kechmishlarini bayon etishni, atrofimizda kechayotgan yangiliklarni etkazishni nazarda tutadi. Bu orqali so'zlovchi retseptorga ma'lum ta'sir ham o'tkazadi. Retseptorga nutq orqali ko'rsatiladigan ta'sir pragmatik xususiyatlar orqali amalga oshiriladi.

Pragmatik tadqiqotlarda asosiy e'tibor til birligining kontekst, nutq vaziyati, til egalarining voqelik haqidagi umumiy bilimlari va til ko'nikmalari kabi nolisoniy omillar bilan bog'liq jihatiga qaratiladi. Hatto kishilar o'rtasidagi munosabatni ifoda etuvchi nutqiy etiketlar, nutqning ijtimoiy xoslanishi, ifodaning subyektiv modal aspektiga aloqador kirish, baho bildiruvchi so'z va vositalar, insonning ichki subyektiv ruhiyatini ifoda etuvchi diskurs hamda presuppozitsiya hodisasi ham pragmatikaning o'rganish ob'ekti hisoblanadi.

Anglashiladiki, pragmatik tadqiqotlar til birligining nolisoniy omillar bilan bog'liq bevosita kuzatishda berilmagan imkoniyatlarini yuzaga chiqarishga yordam beradi. Pragmatik tadqiqotlarning barcha til sathi birliklariga tatbiq etilishi til tizimi va uning birliklariga xos ko'zga ko'rinmas jihatlarni aniqlash imkonini tug'diradi. Hozirgi kunda o'z tadqiq obyektiga ega fonopragmatika, mazmuniy nomuvofiqlik, morfopragmatika, leksopragmatika, sintaktik pragmatika yo'nalishlari pragmatik xususiyatlarning barcha til sathi birliklarida namoyon bo'lishidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. "Adabiyot, san'at va madaniyat yashasa, millat va xalq, butun insoniyat bezavol yashaydi", T.: Xalq so'zi, 2018, 07.08.
2. 3. Safarov SH. Pragmalingvistika. Monografiya. – Toshkent, O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008.

3. Hakimov M. O'zbek tilida matnning pragmatik talqini: Fil. fan. d.dis. avtoreferat. - Toshkent. 2001. - 49 b

4. Rahimov G'. Tarjima nazariyasi va amaliyoti: darslik-majmua. T., "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2016. – 176 b.

5. Panu Kosonen. Pragmatic adaptation in translating skeptics vs creationists: a formal debate from English into Finnish. University of Jyväskylä Department of Languages English April 2011.

R.Eshaliyeva (SamDU, magistrant)

O'ZBEK TILIDA “QANDAYDIR” GUMON OLMOSHINING LINGVOPRAGMATIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Maqola o'zbek tilshunosligida lingvopragmatika sohasini yaxshiroq o'rganishda olmosh so'z turkumi va bu turkumning presupozitsiya xususiyatlari mavjud ekanligi, belgi bildiruvchi so'zlarni turli ma'no ottenkalarda kelishi misollar orqali yoritilgan.

Kalit so'zlar. Pragmalingvistika, presupozitsiya, stilistik so'zlar, vaziyat omili, ottenka.

O'zbek tilshunosligida olmoshlarning stilistik xususiyatlari hamda ularni yuzaga kelishda vaziyat omiliga qarab variantlilik, ya'ni boshqa ma'no kasb etishi mumkin ekanligini, uning pragmatik xususiyatlari ham mavjud ekanligini kuzatamiz. Olmosh so'z turkumi boshqa so'z turkumlari o'rnida qo'llanib kelishi barchamizga ma'lum. Ammo u vaziyat nutqiga qarab turli ma'nolarda kelishi mumkin ekan. Olmoshlarning vazifalari gapdagi o'rni haqida ko'pincha olimlarimiz samarali ish olib borgan. Olmoshlarning nominativlik xususiyatlari yo'qligi va faqat gap tarkibida, sifat, son, ot o'rnida qo'llanilishi ularni leksik va grammatik jihatdan teng kelishi kuzatiladi. Olmoshlarning stilistik ko'lamini kengaytiruvchi omillardan biri uning gapda konkretazorlik-aniqlashtiruvchi (omillardan biri ularning) vazifasini o'tashidir.

Pragmatika nima? (yunoncha-pragmos-ish harakat) u ya'ni nutqimizdagi fikr semiotikasi va tilshunoslikning nutqda til belgilarining amal qilinishini o'rganuvchi sohasidir. Boshqacha qilib aytganda muayyan belgilar tizimini o'zlashtirib, undan foydalanuvchi sub'ektlarni ayni shu belgilar tizimiga munosabatini o'rganuvchi fan tarmog'idir. O'zbek tilida olmosh ham belgi bildiruvchi xususiyatga ega bo'lib uning pragmatik xususiyati mavjudligini quyidagi misollar orqali ko'rib chiqamiz. Olmoshlarning stilistik xususiyatini ifodalovchi ushbu gapga e'tibor qaratamiz .

1. *Qandaydir Tursunov mening ishimga to'g'anoq bo'lmoqchi.* Ushbu gapda xabar mazmunini ko'rishimiz mumkin. Qandaydir Tursunov uning ishiga xalaqit berayotgani haqida xabar beryapti. Ammo pragmatik xususiyatlarini vaziyat dorasida turli ma'noli jihatlarini kuzatamiz.

2. *Qandaydir Tursunov mening ishimga to'g'anoq bo'lmoqchi.* Endi xabar ma'nosidan tashqari mavhumlik yuzaga keladi. “qandaydir “ olmoshi orqali uni tanimaganligini, u kim bilmasligi, begona shaxs ekanligini bilib olamiz . Gumon ma'nosini beryapti.

3. *Qandaydir Tursunov mening ishimga to'g'anoq bo'lmoqchi.* Bu gapda vaziyat omiliga ko'ra “qandaydir” olmoshi orqali endi mensimaslik ya'ni uni pisand qilmay gapirayotganini tushunib olamiz.

4. *Qandaydir Tursunov mening ishimga to'g'anoq bo'lmoqchi.* Ushbu vaziyatda taajjub ya'ni unga hech narsa qilgan emas, negadir u odam buning ishiga xalaqit berayotganini tushunishimiz mumkin.

5. *Qandaydir Tursunov mening ishimga to'g'anoq bo'lmoqchi.* Endi matn orqali vaziyatga qarab begona odam uni ishiga to'g'anoq bo'lib, qilgan ishini kamsityapti, nazar pisand qilmayapti. Kamsitish ottenkasini ko'ramiz. Bu esa olmoshlarning lingvopragmatik xususiyatidir. Turli ma'no attenkasida kelishi nutq vaziyatida uchratiladi.

O'zbek tilshunosligida pragmatika sohasi bo'yicha ko'pgina olimlarimiz ilmiy ish qilmoqdalar. Olmoshlar o'z ma'nosidan tashqari tag ma'no (presupozitsiya) berish xususiyatiga ham ega. Bu esa nutq vaziyatida AKT da namoyon bo'ladi. Buni quyidagi misolda uchratamiz.

1. ... *Kechagi gazetada edi shekilli, shu ish uchun Amerikadan qandaydir aeroplan sotib olibmizmi?*" (Oltin zanglamas.Shuhrat.28-b)

Ushbu gapda endi biz gumon olmoshi bo'lgan qandaydir so'zi orqali notanish ,begona narsa yutib olganligini aytib o'tyapti. Gumon hali yutub olganmi, yo'qmi so'roq ohanggi orqali bildirib kelyapti.

2. ... *Kechagi gazetada edi shekilli,shu ish uchun Amerikadan qandaydir aeroplan sotib olibmizmi?*" (Oltin zanglamas.Shuhrat.28-b)

Endi bu gapimizda biz xabar ma'nosini uchratamiz qandaydir gumon olmoshi orqali qandaydir aeroplan yutib olganli haqida Amerikadan xabar kelganligini buni gazeta orqali eshitganligini anglaymiz.

3. ... *Kechagi gazetada edi shekilli,shu ish uchun Amerikadan qandaydir aeroplan sotib olibmizmi?* (Oltin zanglamas.Shuhrat.28-b)

Bu matnimizda taajjublikni,hayratlanish ma'nosini uchratamiz qandaydir aeroplan yutib olganmizmish. U hayron va taajjubda bu ishi uchun olganligiga taajjublanyapti.

4. ...*Kechagi gazetada edi shekilli,shu ish uchun Amerikadan qandaydir aeroplan sotib olibmizmi?*" (Oltin zanglamas.Shuhrat.28-b)

Keyingi gapda biz ta'kid ma'nosini ham uchratamiz sababi olmoshlar nutq orqali matni ichida o'zining pragmatik xususiyatlarini nomoyon etadi. Sababi ushbu holatda uning ma'noli jihatlarini ochiladi. U Amerikadan qandaydir aeroplan yutub olganligini ta'kidlayapti. Bu haqida kechagi gazetada xabar berganligini aytib o'tyapti. Ushbu matnimiz orqali olmoshlarning pragmatik xususiyatlarini uchratamiz. Bu gapda shu olmoshi ham ikki ma'no kasb etyapti. Bir o'rinda ko'rsatish olmoshi o'z o'rnida qo'llangan bo'lsa, ikkinchi o'rinda ta'kid, xabar ma'nosini ham berib kelmoqda. Ushbu gap matni orqali biz qandaydir gumon olmoshining pragmatik ma'nosini uchratamiz.

Quyidagi misol orqali qandaydir gumon olmoshining turli ma'no ottenkasini kuzatamiz.

1. ... *Uning qulog'iga Jannatning tovushi umrida birinchi marta qandaydir do'rillab, xo'nuk eshitildi.* (Oltin zanglamas.Shuhrat.52-b)

Ushbu gapimiz orqali ham gumon olmoshi qo'llanilishida haqiqatdan ham gumon ma'nosini bildirib kelyapti. Demak, Jannatning tovushi go'rillab eshitilganligi, o'zgarganligini, shu ovoz uniki ekanligi u uchun gumon, noma'lumligini uchratamiz.

2. ... *Uning qo'log'iga Jannatning tovushi umrida birinchi marta qandaydir do'rillab,xo'nuk eshitildi.* (Oltin zanglamas.Shuhrat.52-b)

Bu gapda esa hayratlanish, taajjub ma'nosini qandaydir gumon olmoshi orqali anglaymiz. Birinchi marta Jannatning ovozi do'rillab eshitilyapti, u bundan lol qolyapti va hayratlanyapti, ilgari Jannatning ovozi boshqacha yoqimli edi. Endi boshqacha eshitilyapti bu nutq vaziyatida namoyon bo'ladi.

3.,, *Uning qo'log'iga Jannatning tovushi umrida birinchi marta qandaydir do'rillab,xo'nuk eshitildi.* (Oltin zanglamas.Shuhrat.52-b)

Endi e'tibor qaratsak qandaydir olmoshi xabar ma'nosini bildirib kelyapti. Jannatning ovozi qandaydir do'rillab, xo'nuk eshitilganligi haqida bizga xabar beryapti. Umri davomida uning ovozi o'zgarmaganligi faqat shu ovozni eshitganligi, endi unga boshqacha ovoz eshitilganligini aytib xabar berib kelyapti.

4.... *Uning qo'log'iga Jannatning tovushi umrida birinchi marta qandaydir do'rillab,xo'nuk eshitildi."* (Oltin zanglamas.Shuhrat.52-b)

Gapda sodir bo'lgan nutq vaziyatiga qarab biz qandaydir gumon olmoshini boshqa ma'noni berib kelyotganini matn ichida ko'rib chiqamiz. Qandaydir so'zi endi sabab ma'nosini beryapti. Qandaydir ya'ni biror voqea sodir bo'lganki, Jannatning ovozi nimadir sababdan endi do'rillab qoldi. Sababi borligini bizga aytmoqchidek tuyuladi. Bu esa o'quvchini nutq vaziyatida nomoyon bo'ladi. Shu fikrlar orqali turli jarayonda, turli ma'no kelib chiqishi o'quvchiga turli jihatdan ta'sir etishi uning mulohazasiga bog'liqdir.

Quyidagi misol orqali buni yanada oydinlashtiramiz.

1. ... *Uning ko'ksida Zebiga nisbatan qandaydir alamli o'ch yotardi.* (Adabiyot darsligi T., 2019. 195-b)

Bu gapimizda qandaydir gumon olmoshi qo'llangan xabar ma'nosini bildirib kelyapti. Zebiga nisbatan qandaydir o'chi borligi haqida xabar berib kelyapti. Buni nutqiy vaziyatda xabar ma'nosida uchratamiz.

2. ... *Uning ko'ksida Zebiga nisbatan qandaydir alamli o'ch yotardi.* (Adabiyot darsligi. To., 2019. 195-b)

Endi qandaydir olmoshi orqali nafrat tuyg'usini his etamiz buni ifodalashda nutqiy vaziyatdan kelib chiqib sezamiz. Uning ko'ksida Zebiga nisbatan nafrat mavjudligini qandaydir so'zi orqali ifodalaganini anglaymiz.

3. ... *Uning ko'ksida Zebiga nisbatan qandaydir alamli o'ch yotardi.* (Adabiyot darsligi. T., 2019. 195-b)

Ushbu gapda qandaydir olmoshini taajjub ya'ni hayratlanish ma'nosini berayotganini kuzatamiz. Zebiga nisbatan o'zi ham hayron. Hayratlanish, taajjublilik kuchli ko'ksida unga nisbatan nimadir borligi uni ajablantiryapti.

Quyidagi misol orqali ham olmoshlarning lingvopragmatik xususiyatlarini uchratamiz.

1. O'shanda ba'zi davlatlar mustaqillik g'alabasidan qandaydir mag'rurlanib endi yangi jamiyat quramiz deb, yaratishdan ko'ra buzishga ko'proq e'tibor berib ketgan edi. (Vatan tuyg'usi. 7-sinf. 2015)

Bu gapda qandaydir gumon olmoshi qatnashgan. O'z ma'nosida kelyapti. Mustaqillik g'alabasidan qandaydir davlatlarni yangi davlat qurmoqchi bo'lganini ehtimollab aytib kelyapti.

2. ... *O'shanda ba'zi davlatlar mustaqillik g'alabasidan qandaydir mag'rurlanib endi yangi jamiyat quramiz deb yaratishdan ko'ra buzishga ko'proq e'tibor berib ketgan edi.* (Vatan tuyg'usi. 7-sinf. 2015)

Bu gapimizda endi qandaydir olmoshini nutq vaziyatida katta ketgan insonlar ta'siri ostida mag'rurlanib, mensimay qolgan davlatlarni shu so'z orqali ochib berayotganligini tushunamiz.

3. ... *O'shanda ba'zi davlatlar mustaqillik g'alabasidan qandaydir mag'rurlanib endi yangi jamiyat quramiz deb yaratishdan ko'ra buzishga ko'proq e'tibor berib ketgan edi.* (Vatan tuyg'usi. 7-sinf. 2015)

Endi e'tibor bersak bu gapda qandaydir olmoshi orqali bepisandlik ottenkasini ham uchratamiz. Mustaqillikka erishib qandaydir davlatlar, yangisini quramiz deb eskisini buzib qolishi natijasida yurti rivojlanishdan ortda qoldi, degan maqsadda ham shu fikr aytilgan bo'lishi mumkinligini kuzatamiz. Bu nutq vaziyatida namoyon bo'ladi. Buni biz olmoshning lingvopragmatika jihatini ochib berayotganimizda tushunamiz.

Olmoshlar faol qo'llanishida umumiylik va mavhumlik ottenkasi kuchli bo'lib buni nutqiy vaziyat belgilaydi. Olmoshlar konkretorlik vazifasini ado etadi. Bu davr o'tishi bilan tovush tushushi, ortirilishi, almashinishi bilan yuzaga kelgan. Olmoshlarning pragmatik xususiyati bu nutqiy vaziyatda amalga oshadi. Endilikda olmosh so'z turkumi orqali inson o'z ichki kechinmalarini izohlashi so'zlovchi va tinglovchining o'zaro suhbat ta'sir doirasida amalga oshadi. Buni sezish adresat va adresantni nutqiy vaziyatida namoyon bo'ladi. Buni his etish tenglovchiga bog'liq. Olmoshlarning stilistik xususiyatlari o'z ma'nosida kelishi bo'lsa uning pragmatik xususiyatlar turli ma'no ottenkalarini berishi o'z ma'nosidan tashqari boshqa ma'no ifoda etishidadir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Adabiyot darsligi. Toshkent, 2019.
2. Hakimov M. O'zbek pragmatolingvistika asoslari. Toshkent, 2013.
3. Qo'ng'urov R. O'zbek tilida stilistik ochirklar. SamDU, 1975.
4. Safarov Sh. Pragmatolingvistika. Toshkent. 2008
5. Vatan tuyg'usi. 7-sinf uchun o'quv darsligi uchun qo'llanma. Toshkent, 2015.
6. Yusupov O. O'zbek tilida olmoshlarning funksional lingvistik xususiyatlari. Samarqand, 2007.
7. Shuhrat. Oltin zanglamas. Toshkent, 2018

ERKIN VOHIDOV SHE`RIYATIDA ANTONIMLARNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Shoir she`rlaridagi kommunikativ niyat ifodasining oshkora va yashirin shakllarini pragmatik yondashuv asosida o`rganish maqsad qilingan. Shoir she`riyatida ifoda topgan nutqiy ijtimoiy-estetik shakllarni muloqot ishtirokchilari o`rtasidagi munosabatini ifodalovchi nutqiy akt ko`rinishlarining pragmatik xususiyatlarini ochib berishdan iborat.

**Kalit so`zlar:** she`riy nutq, tahlil, talqin, matn mazmuni, lingvistik birlik, leksik assotsiatsiyalar, ekstralingvistik.

Bugungi kunda o`zbek tilini har tomonlama rivojlantirishga keng imkoniyatlar yaratilgan. Ayni paytda badiiy asar tilining lingvopragmatik xususiyatlarini tadqiq etish ustuvor yo`nalishlardan biri sifatida belgilangan. Erkin Vohidov she`riyatida nutq ob`ekti, nutq sub`ekti, nutq vaziyati bilan bog`liq ravishda yuzaga kelgan ma`no-mazmunni ochib berish, til birliklarining nutqdagi pragmatik ma`no hosil qilish imkoniyatlari juda keng. Badiiy matnlar lingvistik birliklar asosida shakllantirilsa-da, tafakkur mahsuli sifatida keng doirada tahlil etiladi. Bunday tahlillarda assotsiatsiyalar asosiy vosita hisoblanadi. D.E.Lutfullaeva leksik assotsiatsiyalarning hosil bo`lish nuqtai nazaridan lingvistik va ekstralingvistik turlarga ajratadi. Shunga ko`ra aytish mumkinki, matn mazmunini, asosan, leksik assotsiatsiyalar boyitadi: Erkin Vohidovning "Inson" qasidasidagi:

Bunda oq birla qora,
Zulmat, ziyo shoh-u gado,
Jang qilurlar doimo,
Ul yon o`zing, bul yon o`zing.

Bandida oq bilan qora; zulmat, ziyo; shoh-u gado; ul yon, bul yon leksik assotsiatiqlari inson leksemasiga nisbatan birlashadi. Ushbu misralarda oq-qora, zulmat-ziyo leksemalari ko`chma ma`nolarda antonim bo`lgan. Bunday zidlanishlarda yaxshilik va yomonlik, marifat va jaholat haqida so`z boradi va bu birliklar semalar sifatida ul yon-bu yon zidlanishlarida pragmatik ma`noni hosil qiladi. Demak, ayrim insonlar yaxshilikka xizmat qilsa, ayrimi yomonlik urug`ini sochishga harakat qilishi haqidagi tushunchani paydo qiladi. Bunday semema va semalar doirasidagi zidlanishlar F.Jumayevaning ishida semantik antonimlar sifatida o`rganilgan. Qasidaning keyingi bandida:

"Sen balo, ham muhtalo,
Xayr ila kin, rost-u riyo,
Fitnagar olam aro
Fatton o`zing, qurbon o`zing".

Misralari keltirilgan bo`lib, birinchi misrada balo va muhtalo leksemalari assotsiativ bog`lanishni hosil qiladi. Xalq tilida baloga muhtalo bo`ldi jumlasida ishlatiladi. Shoir balo va muhtalo assotsiatlarini o`zaro zid ma`noda qo`llashga erishgan va asarning badiiy qiymatini oshirgan. Kimdir balo keltirsa, kimdir baloga muhtalo bo`ladi. Shoirning bunday birliklarni qo`llashi assotsiativ tafakkur olamining kengligidandir. Shunday ma`nolar to`rtinchi misradagi fatton (fitna qiluvchi) va qurbon leksemalarida ham ifodalangan. Bu misralarda zolim va mazlum qiyofasi yaratiladi. Bunday okkazional zidlanishlarni F.Jumayeva pragmatik antonimlar sifatida, semalar jihatidan tahlil etganda esa antonim potentsial semalar sifatida o`rgangan.

Bu hayot ummon ekan,
Ummon abad gardon ekan,
Qatradek sarson ekan,
Sarson o`zing, gardon o`zing.

Hayotga nisbatan ummon assotsiatini, ummonga nisbatan gardon, gardonga nisbatan qatra, qatraga nisbatan sarson, sarsonga nisbatan esa gardon assotsiatini keltirib, bu assotsiatlar orasidan ummon va qatra leksemalarini zidlashga erishadi. Demak, inson ummondagi bir qatra misoli hayotda sarson-sargardon hayot kechirishi mumkinligi haqida ham xulosa olish mumkin.

She’rda assotsiativ birliklarning o’rinli qo’llanilishi, shoir tafakkurning kengligini ifodalaydi. Erkin Vohidov she’rlarida ham leksik, ham grammatik assotsiatlardan mahorat bilan foydalanadi. M: “Yaxshidir achchiq haqiqat” she’rida:

Yaxshidir achchiq haqiqat,

Lek shirin yolg’on yomon. Misralari keltiriladi.

Yaxshi – yomon leksik birliklarining hamda achchiq haqiqat-shirin yolg’on grammatik birliklarining zidlanishi kuzatiladi. Haqiqat va yolg’on assotsiatlariga keltirilgan yaxshi-yomon, shirin-achchiq belgi ifodalovchi assotsiatlar ham antonim bo’lib, bu qarama –qarshilik asosida antitezaning go’zal ifodasi yaratilgan.

Shoirning “O’zbek Navoiyni o’qimay qo’ysa...” she’rida oksyumorondan unumli foydalangan Masalan, “Oltin boshning kalla bo’lgani” bosh va kalla leksemalari “ijobiy”, “salbiy” konnotativ semalariga ega va shu semalariga ko’ra zidlangan.

“Aza chog’i yalla bo’lgani” birikmasidagi oksyumoron aza va yalla leksik leksemalarining zidlanishi asosida hosil bo’lgan.

“Paytavaning salla bo’lgani” birikmasida bosh-oyoq semalarining zidlanishi asosida “oyoq osti bo’lmoq” iborasi yodga tushadi. Bunday zidlanishlarni shoir ijodida ko’plab uchratish mumkin. Antonim birliklar she’r mazmunini boyituvchi asosiy badiiy-tasviriy vosita hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. D. E. Lutfullaeva Assotsiativ tilshunoslik nazariyasi. Monografiya. – MERIYUS. Toshkent – 2017. B. 39.
2. F. U. Jumaeva Polisemem leksemalar doirasidagi sinonim va antonim semalar tadqiqi. Fil.fan....falsafa doktori diss. avtoreferati. – Farg’ona 2018. B. 18.
3. Ёўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. - Т.: Фан, 2007.

IV SHO‘BA

ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA MATN NAZARIYASI VA TA‘LIM USLUBIYATI MASALALARI

prof.X.Z.Xayrullayev, mag. I.Hamroqul (SamDCHTI)

INGLIZ VA O‘ZBEK TILLARIDA BOKS TERMINLARI VA ULARNING TAVSIFI

Annotatsiya. Butun dunyoda sportga juda katta e‘tibor qaratilayapti. Shu jumladan, boks sport turi ham rivojlanib bormoqda. Rivojlanish oqibatida bu sport turiga juda ko‘p termin va tushunchalar kirib kelmoqda. Ushbu maqola boks terminlarining paydo bo‘lishi, ularning derivatsiyasi, mavzuviy guruhlariga ajratilishi va boks terminlarining suffiks va affiksalar orqali yasalishi haqida ma‘lumot beradi. Boks sport turidagi iboralar va terminlarning ingliz va o‘zbek tilidagi tavsifi yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Boks tarixi, boks termini, boks terminlarining yasalishi, boks terminlarini affiks va suffiksalar orqali yasalishi, boks terminlarining mavzuviy guruhlanishi, ingliz va o‘zbek tillarida boks terminlarining tavsifi, boks sport turidagi iboralar.

Boks tarixi ming yildan ko‘proq vaqtga borib taqaladi. Misrda (freskalardagi rasmlar), shuningdek, Minoan va Shumer releflarida mushtlar haqida turli xil eslatmalar uchraydi. Turli ma‘lumotlar manbalariga ko‘ra, birinchi topilmalar miloddan avvalgi 4000 yilga yoki miloddan avvalgi 7000 yilga to‘g‘ri keladi. Boks jang san‘ati turi sifatida miloddan avvalgi 688 yilda qadimgi Olimpiya o‘yinlari dasturiga kiritilganidan keyin ko‘rib chiqila boshlandi.

Boks sport turi qadimgi Yunonistonda paydo bo‘lganligi sababli, bu sport turining dastlabki terminlari yunon-lotinchada tilda o‘z aksini topgan. "Pugilizm" ya‘ni "mushtli jang", "boks" ma‘nosini anglatib, lotinchada "Pugnus" - "musht" demakdir. "Pugil" so‘zi lotinchada asosga borib taqalgan holda, ingliz tilida pugilist - bokschi, pugilizm esa "boks" sport turi ma‘nosida saqlanib qolgan. Balki bunga lotin tilining barcha hind-yevropa tillariga bobotil sifatida qaralishi ham sabab bo‘lishi mumkin. **Boks** (ingl. *boxing, box* — «urish» so‘zidan) sportning yakkakurash turlaridan biridir.

Zamonaviy boks tarixi Buyuk Britaniya bilan chambarchas bog‘liq. Boks Angliyaga Rim imperiyasining kelishi bilan keldi (Fleisher va Andre 1993)¹. Zamonaviy boks o‘sha yerda XVIII asrda boshlangan. 1719 - yilda Jeyms Figg birinchi og‘ir vazn toifasi chempioni sifatida tan olingan va hozirda u "boksning otasi" sifatida tan olingan. Ushbu mamlakat boks sport turini rivojlantirgan va shakllantirgan mamalakat deb qaraladi. O‘tkazilgan boks musobaqasining birinchi yozma eslatmasi 1681-yilga to‘g‘ri keladi.

Boksning terminologik lug‘atida ham terminologik, ham xalqaro munosabatlar mavjud bo‘lganligi sababli, ingliz va o‘zbek tillaridagi ushbu boksning maxsus tilida yaxlit terminologik umumiylik mavjud.

Ushbu sport turi terminologik tizimini tahlil qilish va tasniflash uchun turli xil terminlar ko‘rib chiqilgan bo‘lib, ularga leksik-semantik, morfologik-sintaktik terminlar va terminologik jihatdan so‘zlarni o‘zlashtirishni ko‘rishimiz mumkin.

Boksning terminologik jihatdan o‘rganish jarayonida turli xil termin va leksemalarga duch kelamiz. Ularga bir asosli terminlar, murakkab asosli terminlar, qo‘shma so‘zli terminlar va abbreviaturalar(qo‘shma otlar)ni misol keltirishimiz mumkin.

Ingliz tilidagi boks terminlarini o‘zbek tiliga o‘zlashtirilishi bu "boks tili" terminologik tizimining rivojlanishiga va umuman olganda har bitta yangi neologizm yoki o‘zlashma so‘z o‘zbek tili lug‘at boyligining rivojlanishiga katta ta‘sir ko‘rsatadi.

Boks sport turi terminlarining talaffuzida ingliz tilidan qarzdorlik ustunlik qiladi, ya‘ni boks sohasiga oid inglizcha so‘zlar ko‘plab ushbu sport turi bilan shug‘ullanuvchi mamlakatlarga tarqalgan, chunki bu sport tilining rasmiy tili ingliz tili hisoblanadi.

O‘zbek boks terminologiyasida ingliz tilidan kelib chiqqan so‘zlar juda ko‘p, chunki inglizcha boks terminlarini o‘zbek tiliga tarjima qilish va uning muqobil variantlarini topish xuddi

O'zbek Milliy Kurashi sport turi singari ilojsizdir. Chunki Kurash sport turining vatani O'zbekiston bo'lgani uchun undagi "kurash", "halol", "chala", "yonbosh" singari terminlar kurash sport turi bilan shug'ullanuvchi boshqa mamlakatlarga keng yoyilganidek boks terminlari ham o'zgarmsdan asl holidek qo'llaniladi. Masalan: "swing" - "uzoq masofadan yuborilgan yon zarba", "uppercut" - "jag' qismiga pastki tomondan yuborilgan zarba, ring – boks maydoni. Biz bu so'zlarni inglizcha talaffuziga va transkripsiyasiga e'tibor bergan holda o'zlashtirib olganmiz. Bu so'zlarning o'zbek tilida muqobil varianti yo'q.

Shuningdek, ingliz tili so'z tarkibiy qismi ham o'ziga xosdir. So'zlar turli xil usullar bilan yasaladi. Ingliz tilida ayrim sport terminlari affiksatsiya orqali shakllanadi. E.R. Medvedeva o'z ishida sport leksemalarining quyidagi eng keng tarqalgan affikslarini aniqlaydi [3, p. 183]:

1. Qo'shimchalar: -ing, -ed, -y ("cross-country skiing" – chang'i yugurish, "dribbling" – futbolda chiroyli harakat qilish, "safety car" – xavfsizlik mashinasi, "lapped car" – aylana avtomobil).

2. Prefikslar: mis-, re-, un-, under - ("miskick" – futbolda to'pga noqulay zarba berish, "restart" – qayta boshlash (poyga), "unseated" - otdan uloqtirish, "underarm". " - suzishda tana darajasidan past olingan zarba).

Ingliz tilida ayrim boks terminlari ham so'zlarga affiks, suffiks va prefikslar qo'shish orqali yasalgan. Bunda asosan -ist, -ing, -ation, -er suffikslari orqali sport terminlari hosil bo'ladi. Masalan: -ing: awarding – mukofotlash, blocking – chuqur himoyalani, -er/-or: announcer – natijani e'lon qiluvchi hakam, boxer - bokschi, -ist: titlist, -ation: qualification, disqualification, -er: stomacher, counter.

Prefikslar orqali: -re: rematch – qayta boks tushish, -semi: semi-finalist – yarim finalchi, semi-final – yarim final, -dis: disqualification – diskvalifikatsiya qilish ya'ni, o'yinda noto'g'ri harakat uchun bokschini mag'lubiyati, disqualify,

Boks terminologiyasida sintaktik so'z qurilishi ham o'ziga xos xususiyat va ko'rinishga egadir. Masalan bunga so'z birikmalarining yasalishi misol qilib keltirishimiz mumkin. Bunda so'z birikmalarining nechta so'zdan tashkil topganligiga ko'ra quyidagi turlarga bo'lib o'rganamiz:

1) Ikki so'zdan tashkil topgan boks terminlari:

- Hand wrap – boks bintlari, durable boxer – chidamli bokschi, sparring partner – bokschi birligida tayyorlanadigan sherigi, Medicine Ball – bokschi tibbiy yordam ko'rsatish uchun chalinadigan qo'ng'iroq;

2) Uchta so'zdan tashkil topgan boks terminlari:

- Hand wrap inspection – boks bintlarini ko'rikdan o'tkazish, Accidental Head-butt - tasodifan bosh bilan urish boksga qarshi zarbadir, lekin ko'pincha beixtiyor amalga oshiriladi, counter with partying – partiyalar bo'yicha hisoblovchi, Close-range fighting – yaqin masofadagi jang;

3) To'rtta so'zdan tashkil topgan boks terminlari:

«be on the ropes» - повиснуть на канатах, Five-point Must System – besh ballik baholanish, Hitting on the Break – tannafus jarayonida raqibga zarba berish, «counter with right ducking» - контрудар с нырком вправо

4) Beshta so'zdan tashkil topgan boks terminlari:

Third Man in the Ring – boks hakamiga nisbatan ishlatiladigan ibora, «blow with the open glove» - ochiq perchatkada zarba berish;

5) Olti va undan ortiq so'zdan iborat so'z birikmali terminlar:

pressing with the arm in the opponent's face» - raqib bokschi yuzini qo'l bilan bosish.

Boks ingliz va o'zbek tillarini jang san'ati terminologiyasidan kundalik hayotga kirib boruvchi yorqin iboralar bilan boyitdi, bunda majoziy ma'noga ega bo'lgan turli xildagi terminlarni misol qilib keltirishimiz mumkin:

- kamar ostiga zarba berish ("blow below the belt" – "beldan pastga yuborilgan zarba", "ta'qiqlangan zarba");

- "to take it on the chin" – ("bu boks metaforasi bo'lib, qiyinchilikdan qochmang");

- "be on the ropes" ("jang mobaynida ring arqonlariga suyanish);

- "round" ("boksda o'yin davomiyligi" - "muzokaralar davri");
- "to parry" ("zarbani qaytarish, o'zini himoya qilish" - "hujumlarni tez va mohirlik bilan daf qilish", "munozarada raqibning dalillarini rad etish");
- "sparring" ("o'quv mashg'ulotidagi musobaqa" - "nizo", "bahslashish");
- "shadow fighting" = "shadow boxing" ("soya bilan boks" - "jo'shqin va shiddatli kurash", "jangning ko'rinishi");
- "infighting" ("yaqin masofadagi jang" - "ichki muhitdagi kurash", "ichki mojaro");
- "punch-drunk" ("zarba holatida boshiga shikast etkazish" -> "hayratda qolish, hayratlanish");
- "side-step" ("yon tomonga qadam tashlash" -> "qochish");
- "knock-out" ("nokaut zarbasi" -> "g'ayrioddiy narsa", "sensatsiya", "ajoyib muvaffaqiyat").

Qarzga olingan elementlarning turiga (ta'lim shakli yoki modeliga) qarab, qarzga olingan terminlarni quyidagicha keltirishimiz mumkin:

Ildiz so'zdan tarkib topgan morfema:

-pugil- pugilist, pugilizm, pugilistik kabi terminlar;

Affiksal morfema:

-semi-finalist (lotin), counter — offensive (fr.), ex-champion (lot.), sz/per-weight (lot), professions (lotin).

Ingliz tilida ko'p sonli frazeologik birliklar vaqt o'tishi bilan boks sport turining rivojlanishi va uning terminologiyasi sifatida o'zgargan. Ba'zi iboralar g'oyib bo'lgan (masalan, "fight with the gloves" "qo'lqoplar bilan kurashish". Ba'zi bir frazeologik birikmalar asl ma'nosini yo'qotdi, masalan, "skin-game" "teri o'yini".

Bir qator iboralar tilda o'zgarishsiz saqlanib qoldi (masalan, "throw / toss in the towel" - "sochiq uloqtirish-taslim bo'lish, mag'lubiyatga iqror bo'lish").

Boks terminlarining deyarli barchasi ingliz tilidan olingan. Biz ingliz va o'zbek tillarida boks terminlarini mavzuviy jihatdan tahlil qildik. Boks terminlarini quyidagi mavzuviy guruhlariga bo'lib o'rganish sport vakillari va bu sohaga qiziquvchilar uchun tushunarli va o'rganish uchun oson bo'ladi:

1. Boks sport turida ishtirok etadigan sportchilarni va shaxslarni nomlari bo'yicha: boxer – bokschi, promoter – bokschini moliyaviy tomondan qo'llab – quvvatlovchi shaxs, sparring partner – bokschi bilan birga mashq qiluvchi shaxs, ring doctor – ring shifokori, matchmaker – boks janglarini tashkillashtiruvchi shaxs, judge – baholovchi hakam, referee – hakam, trainer – murabbiy.

2. Boksda joy nomlari va boks uchun kerakli narsa, predmetlarni ifodalovchi terminlar: ring – boks tushish maydoni, rope – ring arqoni, corner burchak, canvas – ring poli, boxing gloves – boks qo'lqopi, teethguard – tishlarni himoya qiluvchi rezina buyum, boxing shoes – boks oyoq kiyimi, ring lader – ringga chiqish uchun zina va boshq.

3. Ushbu sport turida bokschi harakatlarini va holatlarini ifodalovchi terminlar : jab – qisqa to'g'ri zarba, punch – zarba , mushtlash, block – himoyalash, knockout –nokaut qilib yiqitish, knockdown – qulatish, blow – qoringa zarba berish, foul – belgilanmagan joyga urish, upper cut – jag' qismiga kuchli zarba berish, hit – urmoq va b.

Boks sport turida boshqa sport turlarida bo'lganidek qisqartma so'z(abbreviatura)lar mavjud. Bu qisqartma so'zlar boks sport turidagi vazn bo'yicha xalqaro boks yo'nalishlarini ifodalaydi. Biz bu so'zlarni ham ma'lum bir ma'noda boks sport turiga oid termin deb keltirsak bo'ladi. Chunki bu so'zlar faqat boks sportiga oid. Quyida ulardan eng mashhur qisqartmalarni keltirdik:

WBA – World Boxing Association – Butunjahon Boks Assotsatsiyasi;

WBC – World Boxing Council - Butunjahon Boks Kengashi;

IBF – International Boxing Federation – Xalqaro Boks Federatsiyasi;

WBO – World Boxing Organization - Butunjahon Boks Tashkiloti

Bundan tashqari boks sport turida har bir vazn alohida nomlanadi. Biz pastdagi jadvalda vazn toifa nomlarini inglizcha va o'zbekcha variantini keltirib o'tdik:

Og'irlik/weight	Toifaning o'zbekcha nomi	Inglizcha nomi
91 kg dan ortiq	Super og'ir vazn	Super heavyweight
91 kg	Birinchi og'ir vazn	Heavyweight
81 kg	Yarim og'ir vazn	Light heavyweight
75 kg	O'rta vazn	Middleweight
69 kg	Yarim og'ir vazn	Welterweight
64 kg	Birinchi yarim og'i vazn	Light welterweight
60 kg	Yengil vazn	Lightweight
57 kg	Yarim yengil vazn	Featherweight
54 kg	Yengilroq vazn	Bantamweight
51 kg	Juda yengil vazn	Flyweight
48 kg	Birinchi juda yengil vazn	Light flyweight

Hozirgi vaqtda boksning barcha turlari keng tarqalgan bo'lib ulardan biri kikkoksing (ingl. "kick" – tepmoq va "boxing" – boks tushmoq) - u oyoq va qo'l zarbalarini o'zida birlashtirgan karate va klassik ingliz boksini aks ettiradi. Kikkoksing boksdan meros bo'lib, asosiy zarbani boshga beradi va tepaga to'g'ridan-to'g'ri zarba, yon tomondan zarba, pastdan tepish, boshga tepish kabi zarbalarni o'z ichiga oladi. "Block", "parrying", "slipping", "duck", "side-stepping" kabi iboralar bu sport turida ham mavjud.

Kikkoksichilar uchun maxsus himoya uskunolari ishlab chiqilgan bo'lib, bu nafaqat o'g'il bolalar uchun, balki qizlar uchun ham turli qulayliklar yaratib kelmoqda. Ularga "shin-pads", "foot protectors" – oyoqlar himoyasi uchun va "beast protectors" ko'krak qafasi himoyasi asboblari kiradi.

Fransuz boksi (ingliz klassik boksining yana bir shakli) esa ko'cha janglari asosida paydo bo'lgan. Bu sport turida :

- oyoqlar bilan urish - "hitting with the feet",
- tizzalar bilan urish "hitting with the knees",
- tirsaklar bilan urish "hitting with the elbows" kabi zarbalar mavjud bo'lib,
- oyoq bilan boshga berilgan zarba "a high kick to the head" ayniqsa mashhur.

Tailand boksi ham klassik ingliz boksini eslatib asosiy zarbalari musht orqali yuboriladi, shuningdek unda tirsak zarbalari ("hitting with the elbow"), tosga yuborilagan to'g'ridan-to'g'ri zarba (прямой удар стопой в пах) – "straight groin kicking" kabi zarbalar mavjud. Tailand boksining nomi – "eight hand fight"- sakkiz qo'l jangi " ya'ni bunda qo'l mushtlaridan tashqari tizzalar ham qo'llaniladi.

Izlanishlardan shuni xulosa qilish mumkinki, tahlil qilish jarayonida boks terminologiyasini tub mohiyati va uning lingvistikadagi o'rnini, shuningdek boks sohasi terminologiyasining kelib chiqish xususiyatlari haqida atroflicha ma'lumotlarga ega bo'ldik.

Yuqorida keltirilganidek, hozirgi o'zbek tilida morfemika bo'limidan tashqari so'z yasalishi ham alohida soha sifatida o'rganib kelinmoqda. So'z yasash usullari esa affiksatsiya (qo'shimcha qo'shish orqali), kompozitsiya (so'zlarni qo'shish orqali) kabilardir.

Boks terminlarini mavzuiy jihatdan ham guruhlariga ajratdik. Chunki, mavzuiy guruhlariga bo'lib o'rganish yosh boksichilar va bu sohaga qiziquvchilar uchun oson va tushunarli bo'ladi. Boks terminologiyasida sintaktik so'z qurilishi ham o'ziga xos xususiyat va ko'rinishga egadir. Masalan bunga so'z birikmalarining yasalishi misol qilib keltirishimiz mumkin. Biz tahlil jarayonida boks terminlari orasida nafaqat ikkita yoki uchta, balki to'rtta, beshta, oltitagacha so'z birikmalarida tashkil topgan terminlarga ham duch keldik. Bunday so'zlar asosan idiomalarni tashkil etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Fleisher, Nat, and Sam Andre. 1993. *A Pictorial History of Boxing*. New York: Carol Publishing Group.
2. Апалько ИЛО. Специальная лексика бокса // Современные направления в обучении иностранным языкам в неязыковом вузе: Матер, регион, науч.-практ. конф. Краснодар: КубГУ, 2004. - С. 65-67.
3. Medvedeva, E.R. "Sport nutqida terminologik nominatsiya (nemis, ingliz va rus tillari materiallari bo'yicha)" / E.R. Medvedev // Vestnik VolGU. 9-seriya: Yosh olimlar tadqiqotlari. - 2013. - 11-son. – 181-185-betlar.

О.С.Юсупова (СамДУ, доцент)

СОДДА ГАП ТУРЛАРИНИНГ ШЕЪРИЙ МАТНДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Аннотация. Ушбу мақолада шеърий матнларнинг ўзига хослигини таъминлашда ва шоирларнинг индивидуал услубини ҳосил қилишда содда гап ва унинг турларининг ўрни масаласи айрим синтактик бирликлар орқали таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Шеърий матн, синтаксис, содда гап, риторик сўроқ гап, тасдиқ ва инкор гап, кесим, ундалма, ажратилган бўлақлар.

Поэзиянинг асосий мақсади – шоир фикрини ўқувчига жуда ихчам ва эмоционал таъсир ўтказадиган шаклда етказишдир [4.–Б.5]. Тил материаллини танлаш ҳам, жамлаш ҳам, унинг семантик ва эмоционал янгилиниши ҳам ана шу интилишга бўйсундирилган бўлади.

Тропнинг барча турлари (метафоралар, метонимиялар ва бошқалар), бадиий матн мисраларининг контакт бирликлари кесишувидаги услубий алмашинувлар, бадиий аҳамиятга эга бўлган қисқарувлар ёки тил шакллари таянч бирликлари семантикасидаги ўзгаришлар, услубий аломатларга эга бўлган лексика (диалектизмлар, оддий сўзлашув элементлари, ижтимоий, ёшга оид ва профессионал жаргонлар)дан фойдаланиш, хронологик материаллар (историзм ва архаизмлар), ўзга тиллардан олинган ва кодификациялашмаган ўзлашмалар, лексик ва синтактик индивидуал-муаллиф окказионализмлари – барчаси мана шу асосий мақсадга йўналтирилади.

Бу борада синтаксис шу даражада қудратлики, уни тилнинг бошқа сатҳларида учратиш қийин. Агар фонетик, лексик ёки морфологик сатҳ бирликлари матнда ўз экспрессив имкониятини яқка ҳолда намоиш этса, синтаксис туфайли, биринчидан, бу кучлар бирлашади, иккинчидан, бу бирлашувдан инсон тафаккурининг мутлақо янги мевалари – сўз тушунча ифодалаш доирасидан ташқарига чиқиб, ҳиссиёт дунёсининг энг нозик ифодаларини ҳам ўқувчи ёки тингловчига етказадиган тил бирлиги юзага келади. Гап таркибида тил воситаларининг эркин жой алмашиши келтириб чиқарадиган ва ижодкорларга яратиб берадиган имкониятлари, тил бирликларининг гап таркибидаги синтактик ҳаракатчанлиги юзага келтирадиган тасвирий куч, ҳар бир синтактик қурилманинг алоҳида стилистик оттенкаларга эга бўлиши, ҳар бирининг алоҳида оҳангда талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўладиган табиийлик, жарангдорлик ва эмоционаллик, синтактик товланишлар келтириб чиқарадиган содда гаплар ёки содда гап ва қўшма гаплар ўртасидаги синонимия ва ҳар бир вариант, ҳар бир синтактик қурилманинг алоҳида стилистик оттенкага эга бўлиши экспрессив синтаксиснинг ёрқин намуналаридир.

Поэзиянинг қудрати шундаки, мазмуни бир-бирига мутлақо тўғри келмайдиган сўзлар ҳам ўзаро бирикади, гап кўринишида яхлит синтактик бутунликни ташкил қилади. Оҳанг уларни бирлаштиради. Тингловчи ёки ўқувчи эса бу бирикувлардан маъно излайди, ижодкор кўзда тутган фикрни илғашга интилади ва имконияти доирасида бунга эришади. Айни пайтда, бу бирикувларнинг фавқулудда эстетик кучини ҳис қилади. Усмон Азим шеъриятида учрайдиган куйидаги ноодатий бирикмалар юқоридаги фикримиз далилидир: *жимжит суҳбат, сокин сел, сўзсиз ялла, инжа гусса, жим сўз, ёруғ тубсизлик, гўзал доғ, беқанот парвоз, унсиз фарёд, гўзал зулмат, ҳаётсиз умр, бепарво видо, қувончининг коми,*

пинҳон сас, муз кул, бесўз ашула, тилсиз ун, азиз армон, қийноқсиз қийноқ, тирик жасад, муз гулхан каби. О, жимжит суҳбатлар! Англадим аён// Яшил дўстларимнинг нозик тилини (Усмон Азим).

Бундан ташқари шеърий матнда муаллиф идеостили ҳам мавжудки, бир шоир услубида поэтик актуаллашган тил бирлиги иккинчи бир шоир ижодида такрорланмайди. Айнан мана шу ўзига хосликни ҳосил қилишда риторик сўроқ гап ва риторик мурожаатлар, тасдиқ ва инкор гаплар, гап бўлаклари, атов гап каби содда гап турларининг поэтик актуаллашуви, синтактик фигураларнинг иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, шеъриятда ўзига жалб қилиш, билиб билмасликка олиш мазмунида риторик сўроқ гаплар маълум вазифа бажаради, мумтоз адабиётда тажохули ориф санъатини ҳосил қилади [5. – Б.35]. Риторик сўроқ гаплар ҳозирги замон шеъриятида ҳам жавоб топиб бўлмайдиган қалб кечинмаларини ифодалашда шоирга қўл келади. *Нега тим садолар чўзилиб кетди, // Нега қўлим бутун, оёғим бутун // Нега менинг бағрим силқиб чиқмади, // Нега менга интиқ бунча ярим тун. // Нега менга бунча карамли Аллоҳ, // Нега бошим узиб қўймайди шартта // ... Нега китобимда бир саҳфа қолмиш, // Васфингиз... таърифи... битик... саҳифа... Нега...* (Абдували Қутбиддин). Бундан ташқари, шеъриятда шакл ва мазмун номувофиклиги ўзига хос таъсир кучига эга бўлади. Масалан, шоир ўз кечинмаларини таъсирчан ва индивидуал тарзда етказиб бериш учун тасдиқни ифодалашда ҳам инкор шакллардан фойдаланади: *Ўйламай дейман ўйламай бўлмас, // Ўтсанг, сен томон бир бўйламай бўлмас, // Сен менинг ҳаммадан яширган сирим, // Менинг эртагимсан, сўйламай бўлмас* (Муҳаммад Юсуф). Инкор гап ҳосил қилувчи воситалар мумтоз адабиётимизда ружуъ санъатини ҳосил қилишда иштирок этади [5. – Б.47-48]: *Кирди икки жисм бир кафанга, // Йўқ, йўқ, икки рух бир баданга* (Алишер Навоий). Ҳозирги замон шеърияти ҳам бу усулдан воз кечган эмас: *Оташин гул уздим, ол, бу // Шоҳи гуллар шоҳи гул. // Шоҳи гул эрмас, бу ўтлуғ // Юзларинг ҳижронида // Интизор бог кўксидан // Чиққан фигону оҳи гул* (Эркин Воҳидов).

Содда йиғиқ гапларнинг шеъриятда кенг қўлланилиши лирик синтаксиснинг ўзига хос хусусияти саналади. *Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида... // Замин – тилсим, осмон – тилсим... шеър – бешафқат! // Замин – улкан, само – чексиз, олам – бесарҳад, // Сен нимасан? Бир заррасан, нуқтасан фақат* (Усмон Азим). Кесимнинг бадиий матнда фаол иштироки оддий ҳолат, лингвопоэтик актуаллашиш эмас. Бироқ кесимларнинг ўзидан гап тузиш, уларни кетма-кет қўллаш, айрим шеърий асарларда мисранинг кесим билан бошланиши, такрорланиши каби «лингвопоэтик ҳаракатлар» гап-фикрнинг ядросида турган кесимнинг шеърий матнда ўзига хос бадиий-эстетик вазифа бажаришини тасдиқлайди. Кесимларнинг уюшиб келишини олайлик. Поэтик матнларда унинг синтактик параллелизм ҳосил қилиши шеърнинг ўқилишида бир маромни таъмин этса, мазмун жиҳатдан эса фикрий кетма-кетлик – иерархияни, изчилликни, бинобарин матннинг алоҳида бир эътибор билан англанишини юзага келтиради: *Энди бизга ишқ йўллари хатарлидир, // Маъюслидир, оғриқлидир, қадарлидир, // Ибтидомиз интиҳодан хабарлидир, // Қувончи оз, гами ўлим қадарлидир*. (У.Азим).

Шеърий матнларда инсоннинг турли ҳис-туйғуларини уйғотиш, воқеа-ҳодиса, пайт, ўрин маъноларини ифодалаш, турли манзараларни китобхон кўз ўнгидан яққол гавдалантириш учун атов гаплар кенг қўлланилади. Усмон Азимнинг “Бог” номли шеърида атов гаплар ўрин маъносидан ташқари, тасвирни ниҳоятда ёрқин ифодалашга хизмат қилган: *Бог. Ўртасида ҳовуз. Теграсида супа. // Тўрт тарафи толлар. // Бир четда дум-думалоқ қайрағоч. // Қайрағочнинг соясида ухлар бир одам*. Атов гаплар лирик қаҳрамон ҳис-туйғуларини очиб беришда алоҳида хусусиятга эгалиги А.Қутбиддин шеърияти мисолида яққол кўзга ташланади. Унинг “Тасаввур лаҳзалари” туркум шеърида атов гаплар шоирнинг дунё, ҳаёт, инсоният ҳақидаги тасаввурлари, ўй-кечинмаларини китобхон қалбига таъсир этишида асосий восита бўлган: *Чанқовуз ва кампир... Тишу бармоқ фарёди... Оғиз ва бўшлиқ фарёди... (Лабдаги фаришта) Парчаланган тупроқ ингроғи... Сув ингроғи... Коинот ингроғи... (Рўзгор гордир – чиқмайсан). Жағлар... Қўллар шалтаяр... Тигсимон кўзлар... (Нонга муҳтож эмас ҳуррият...).* Чанқовуз ва кампир...

Ажратилган бўлак, айниқса, ажратилган сифатловчи аниқловчи шеърий матнда алоҳида вазифа бажаради. Сифатловчи аниқловчи сифатланмишдан кейин келиб, гапдаги энг муҳим, аҳамиятли, янги ахборот ташувчи, фикр қаратилган қисмга айланади. Ажратилган сифатловчи аниқловчининг бу хусусиятидан А.Орипов ўз шеърларида унумли фойдаланган: *Инсон яшар, пайти ҳам келар // Тўхтаб қолар умр – югурик.// Лекин, дўстлар, айтинг, не бўлар // Дўст дўстидан айрилса тирик?*

Ундалмаларнинг қўлланилиши поэтик синтаксис нуктаи назаридан ҳам аҳамиятли. Масалан, У.Азимнинг «Сабрнинг бесабр парчалари» туркумида ҳар бир шеър ундалма билан бошланиб, ундалма билан тугайди ва у композицион жиҳатдан гўё фикрий ва ҳиссий яхлитликни ушлаб турувчи ҳалқа вазифасини бажаради: *Шамол, ўтиб кетаверамизми? Бир иш қилсак-чи! Бу дунёга ўзимизни қолдириб кетсак-чи, шамол?* (У.Азим. «Фонус»). Ундалма сифатида қўлланилаётган сўзлар фалсафий умумлашма образ сифатида асарнинг ядросида туради. Унинг бу тарзда такрорланиши эса таъкид ва эътиборни кучайтиради.

Бог, бу дарахтни нега қуритдинг?

Сизмадим бу шўрлик шундай кенг қучоғингга?

Қўлимдаги болтани эса энди ўзинг овут, бог...

Тог, сен қандай тоғ бўлдинг бир жойда туравериб?

Юрганигда нима бўлар эдинг тоғ?

Тош! Бунча юмишқсан, тош!

Бошимни ургани ҳеч нарсга қолмади дунёда!..

Шу тарзда шоир *гул, сой, йўловчи, балиқ, осмон, япроқ, тупроқ, юрак, лаб, жон ва пешона* сўзларини ундалма сифатида қўллайди ва кучли поэтик воситага айлантиради.

Хуллас, шеърий матнларда ҳар бир тил бирлиги каби синтактик бирликлар ҳам поэтик актуаллашади. Поэтик актуаллашган синтактик бирликлар ижодкорнинг ўзига хос услубини шакллантиришга хизмат қилади, эмоционаллик, тасвирийлик, таъсирчанликни юзага келтиради, ифоданинг бадиий қувватини оширувчи воситага айланади.

Адабиётлар

- 1.Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983.
- 2.Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008.
- 3.Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994.
4. Языковые процессы современной русской художественной литературы. Поэзия. – М., 1977.
- 5.Ҳожаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999.

U.Rashidova (SamDU, dotsent)

INGLIZ TILIDAGI FE'L IBORALAR VA ULARNI O'ZBEK TILIGA TARJIMA QILISHNING AYRIM USULLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz tilidagi fe'l iboralarning fikr ifodalashda tutgan o'rni, o'zbek tilidagi tarjimasi, talqini va kommunikativ vazifasi ochib berilgan. Shuning bilan birga, ingliz tilidagi fe'l iboralarning o'zbek tiliga tarjima qilish metodlari va usullari haqida ham so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: ibora, idioma, component, metod va usul, iboraviy birlik, madaniyat.

Dunyoda yashaydigan har bir xalqning til boyligi uning tarixi, madaniyati, urf-odati, turmush tarzi, mentaliteti va xarakterli xususiyatlarini aks ettiradi. Jumladan, O'zbekiston ham mustaqillikka erishgach, eng dolzarb vazifa sifatida chet tillarini chuqur o'rganishni va uni o'sib kelayotgan yosh avlodga o'rgatishni kun tartibiga qo'ydi. Xususan, O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A. Karimovning 2012- yil 10-dekabrda 1875-sonli "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora- tadbirlari to'g'risida" gi qarori ham fikrimizning dalilidir.

Frazeologiya-tilshunoslikning alohida bir bo'limidir. Uning o'rganish obyekti bo'lgan frazemalar shakllanganiga hali ko'p vaqt bo'lmagan bo'lsa-da, tarixi til taraqqiyotining ilk bosqichlariga borib taqaladi. Iboraviy birliklar til bilan birga paydo bo'lib, til bilan birgalikda rivojlanib kelgan. Ammo jamiyatning turli davrlarida ularning o'rnini va ahamiyati turlicha baholanadi. Iboralar tuzilishi, leksik-semantik, funksional-uslubiy va sintaktik vazifalari, shuningdek, o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan til birligidir.

Iboralarni fikrni bayon etishga yo'naltirish va iste'molga kiritish jarayoni bir nechta omillarni o'z ichiga oladi. Bular so'zlarning turli xil bog'lanishi, omonimlar, sinonimlar, frazeologik birliklarning turli xil ma'noni berish, polisemiya va boshqalar. Bulardan tashqari, frazeologik birliklardan o'sha xalqqa mansub bo'lgan uslubiy bo'yoqdorlik mavjudki, ba'zi bir boshqa tillarda u uchramasligi ham mumkin. Frazeologiyani asosini tushinishda yuqorida qayd etilganlarni esda saqlash lozim.

Iboraviy birliklarni har bir turi va shakli aniq mikrotuzilma deb qaralishi mumkin. Frazeologik birliklarni tarjima qilish vaqtida vazifadosh, teng lingvistik birliklar ikki til o'rtasida taqqoslab tanlanadi. Taqqoslash tamoyili o'rtadagi o'xshashlik va farqni ko'rsatib beradi. Bu sistemaning ba'zi aniq qismlari shaklan teng, to'g'ri kelsa (qisman yoki butunlay), ba'zilarining esa umuman muqobil variant topilmasligi mumkin.

Iboralarning ingliz tilida eng ko'p uchraydigan turi bu fe'lli iboralaridir. O'zbek tilida esa fe'lli iboralar yo'q. Fe'lli iboralar ingliz tilida *phrasal verb* deb ataladi: fe'lli ibora *fe'l + ko'makchi (predlog)* yoki *fe'l + ravish* tuzulishiga ega bo'lgan iboradir. Fe'lli iboralarni mazmuniga ko'ra uch turga ajratish mumkin:

- O'zini tashkil qiluvchi fe'l va ko'makchining ma'nosiga to'la mos keladigan fe'lli iboralar. Masalan: *go to – ga bormoq. I go to Samarqand every year. – Men har yili Samarqandga boraman.*

- O'zini tashkil qiluvchi fe'l yoki ko'makchining biriga tegishli ma'noni aks ettiruvchi fe'lli iboralar. Masalan: *stay up – uyg'oq qolmoq. I don't like to stay up late. – Men kechgacha uyg'oq qolishni (uxlamaslikni) yoqtirmayman.*

- O'zini tashkil etuvchi fe'l va ko'makchining ma'nosidan umuman farqli, yangicha ma'no ifodalovchi fe'lli iboralar. Masalan: *put up with – ko'nikmoq.* Bu iboraning ma'nosi, ko'rinib turibdiki, *put (qo'ymoq), up (yuqori)* va *with (bilan)* so'zlarining birortasi bilan ma'no jihatidan bog'liq emas. *He had to put up with the bad condition in the hotel. – U mehmonxonadagi yomon holatga ko'nikishga majbur bo'ldi.*

Fe'lli iboralar ingliz tili asosini tashkil qilib – non o'zbek dasturxonida qanday o'rin tutsa, fe'lli iboralar ingliz tilida shunchalik ahamiyatli. Ya'ni, ularsiz ingliz tilini tasavvur qilish mumkin emas. Ular shu darajada muhimki, fe'lli iboralarga bag'ishlab alohida lug'atlar nashrdan chiqariladi va ular juda xaridorgir.

Fe'lli iboralarning ma'nosi matn tarkibida ochiladi. Shuningdek, fe'lli iboralar tarjimasida uch usulni ko'rsatish mumkin: 1) asliyatdagi frazeologizmga tarjima tilidan teng qiymatli ekvivalent qidirib topish; 2) asar o'girilayotgan tildan monand muqobil variant topib qo'yish; 3) frazeologizmlarni aynan, so'zma-so'z tarjima qilish. Har uchala usul ham uchramagan taqdirda tarjimon ularning umumiy ma'nosini aks ettirish bilan kifoyalanishga majbur bo'ladi.

Fe'lli iboralarni tarjima qilish oson ish emas, chunki u quyidagi bir nechta tamoyillarga asoslanadi: so'zlarning turli xil birikishi, so'zlarning omonimligi, sinonimligi, iboralarning ko'p ma'noligi va tarjimonni chalkashtiradigan matniy ma'nolar. Bundan tashqari, ko'pchilik fe'lli iboralarda milliy xarakterga ega uslubiy bo'yoqdorlik mavjud bo'ladi. Tarjima jarayonida asliyatdagi iboralarning o'rniga mos lingvistik birlik tanlash ikkita o'ziga xos lingvistik tamoyilga asoslanadi. Bu tamoyillar o'xshashlik va no'o'xshashlik alomatlarini aniqlab beradi. Fe'lli iboralar shakl va mazmuniga ko'ra mos kelishi yoki umuman mos kelmaydigan unsurlardan tashkil topishi mumkin. Ushbularni hisobga olib fe'lli iboralarni tarjima qilishda va ularning kommunikativ vazifasini saqlashda, asosan, quyidagi uchta muvofiqlik turiga e'tibor berish lozim: 1) to'liq mos keladigan fe'lli iboralar: *to lose one's head – gangib qolmoq*; 2) qisman mos keladigan fe'lli iboralar: *to lose one's temper – sabri tugamoq, g'azablanmoq; to agree like cats and dogs – it-*

mushukdek yashamoq; 3) muvofiqlikning yo'qligi: *to pull somebody's leg- mazax qilmoq*; *to beat about the bush-gapni aylantirmoq*.

Yuqoridagi fikr va mulohazalardan shu narsa ma'lum bo'ladiki, fe'lli iboralar ko'chma ma'no kasb etadigan ideomatik birliklardir. Bunday birikmalarning kishilik jamiyatida aloqani ta'minlashdagi roli juda katta. Ular kishilarga biror xabarni yetkazishdan tashqari nutqqa hissiy ta'sirchanlik qo'shib, yozma materiallardagi iboralar o'quvchining hissiyotiga ta'sir o'tkazadi, estetik adabiy va madaniy ma'no kasb etadi. Asliyat matnida muallif tomonidan iboralar qo'llanilar ekan, uni tarjima matnida ham imkon qadar saqlab qolish tarjimon oldida turgan juda murakkab bir masaladir. Fe'lli iboralarining semantik xususiyati juda murakkab birlikni tashkil etib, ularning ma'nosini tarjima matnida saqlab qolish uchun quyidagi asosiy beshta jihat ularning: 1) ko'chma ma'nodaligi; 2) badiiyligi; 3) hissiy ta'sirchanligi; 4) uslubiy bo'yoqdorligi; 5) milliy xususiyatga ega ekanligiga e'tibor qaratish lozim.

Fe'lli iboralarining ko'chma ma'no kasb etishi, bu ularning eng asosiy elementidir. Misol uchun: *to kick the bucket – vafot etmoq*; *to wash dirty face in public – oilaviy sirni oshkora qilmoq*.

Iboralar ijobiy, salbiy va neytral xarakterga ega bo'lishi mumkin. Masalan, *to kill two birds with one stone* iborasi ijobiy ma'no kasb etsa, *to find a mare's nest* kulgili xatoni ifodalab salbiy ma'no kasb etadi. *Rome was not built in a day* iborasi esa neytral xarakterga ega ibora hisoblanadi. Iboralar uslubiy qo'llanilishiga qarab ham farqlanishi mumkin, yani ular kitobiy (*to show one's true colours*), og'zaki (*to be pained in the neck*) va milliy xarakterga ega (*to set the Thames on fire, to carry coals to Newcastle*) bo'lishi mumkin.

Fe'lli iboralarining murakkab semantikaga egaligi ularni tarjima qilishni bir- muncha og'irlashtiradi. Bundan tashqari, birikmalarning ekvivalentlik darajasini aniqlash vazifasini ularni tushunish va tarjimasini murakkablashtiradigan bir nechta qo'shimcha omillar ham mavjud.

Birinchidan, fe'lli iboralarni erkin so'z birikmalari bilan chalkashtirib yuborilishi mumkin. Ayniqsa, ularning badiiyligi ekzotik emas (*to have butterflies in one's stomach*), balki kundalik ishlatiladigan oddiy so'zlar kabi bo'lganda (*to measure one's length, to let one's hair down*) ko'proq kuzatiladi.

Ikkinchidan, asliyatdagi ibora bilan tarjima matndagi iboraning shakli bir xil bo'lib, mazmuni esa tomoman har xil bo'lishi mumkin. Masalan, ingliz tilidagi *to lead smb, by the nose* (*burnidan ip o'tkazib olmoq*) rus tilidagi *водить на нос* iborasiga o'xshash.

Uchinchidan, asliyatdagi fe'lli ibora tarjima tilidagi o'xshash ibora bilan chalkashtirib yuborilishi mumkin. Masalan, ingliz tilidagi *to pull the devil by the tail* (*muammoning girdobida qolmoq*) iborasini rus tilidagi *держатъ бога за бороду* yoki *поймать за хвост жар-птицу* iboralari bilan chalkashtirish holatlari uchraydi.

To'rtinchidan, asliyatdagi fe'lli iborani noto'g'ri izohlash, asliyatdagi boshqa bir shakli o'xshash, lekin ma'nosi boshqacha fe'lli iborani keltirib chiqarishi mumkin. Masalan, *to make good time* va *to have a good time*.

Beshinchidan, asliyatdagi fe'lli iboraning tarjima tilidagi variantiga qaraganda ma'nosi kengroq bo'lishi mumkin. Masalan, ingliz tilidagi *to get out of hand* o'zbek tilidagi *bebosh bo'lib ketmoq* iborasiga qaraganda kengroq ma'no ifodalaydi.

The children got out of hand while their parents were away.

Ota- onasining yo'qligidan bolalar juda bebosh bo'lib ketishdi.

Yuqorida keltirilgan inglizcha fe'lli iboraning o'zbek tilidagi muqobiliga qaraganda ma'nosi kengroq ekanligini quyidagi misolda kuzatishimiz mumkin. Ingliz tilidagi *to get out of hand* iborasi *kishi, narsa yoki hodisaning boshqarib bo'lmaz holatga kelganligini* bildirsa, o'zbek tilidagi *bebosh bo'lib ketmoq* iborasini *narsa yoki hodisalarga nisbatan ishlata olmasligimiz* tufayli ularni quyidagi misollarda qo'llay olmaymiz:

What caused the meeting to get out of hand?

Yig'ilishning tartibsiz o'tishiga nima sabab bo'ldi?

Tarjima jarayonida asliyat tilidagi fe'lli iboralarni tarjima tiliga o'girishda to'rtta metodga asoslanadi:

Birinchisi, tarjimon ibora semantikasining yuqorida aytib o'tilgan beshta jihati bo'yicha asliyat matnidagi fe'lli iboraga to'liq mos keladigan tarjima tili iborasini ishlatishga harakat qilishi lozim. Masalan: *to pull chestnuts out of the fire for smb – birov uchun o'zini o'tga urmoq, o'lib - qutulib (jon kuydirib) harakat qilmoq.*

Ikkinchisi, asliyat fe'lli iborasi shakli va abadiy ma'nosi o'xshamasa-da, bir xil ko'chma ma'noga, hissiy ta'sirchanlik va uslubiy xarakterga ega tarjima tili iborasi bilan tarjima qilinishi mumkin. Masalan: *Make hay while the sun shines-Temirni qizig'ida bos.*

Uchinchidan, asliyat tilidagi fe'lli ibora so'zma-so'z, shakli saqlangan holda tarjima qilinishi ham mumkin. Masalan: *People who live in glass houses should not throw stones-Oynali uylarda istiqomat qiluvchi kishilar tosh otmasliklari lozim.*

To'rtinchidan, fe'lli ibora tarjima qilinmasdan, balki uning ma'nosi izohlab berilishi ham mumkin.

Tarjimaning mos metodlarini tanlayotib tarjimon quyidagi jihatlarga e'tibor qaratlsa, maqsadga muvofiq bo'ladi:

1) asliyat tilidagi iborani tarjima tilidagi mos ibora bilan tarjima qilish eng muvofiq usul, lekin har ikkala tilda bir xil ma'noli iborani topish juda kam uchraydigan holat. Agar asliyat tilidagi ibora xalqaro xarakterga ega bo'lsa, lotin yoki grek tillaridan olingan bo'lsa, o'sha iborani tarjima tiliga o'girish osonlashadi. Masalan: ingliz tilidagi *Achille's heel* iborasi o'zbek tilidagi kimsaning nozik (zaif) tomoni, qaltis joyi shaklida tarjima qilinmoqda. Bunday muvofiq iboralar yaqin yillarda o'zlashgan bo'lishi ham mumkin: *the game is not worth the candle – ovora bo'lishga arzimaydi, arzimaydigan ish* (har ikkala ibora ham fransuz tilidan o'zlashgan). Ba'zan tarjimon mos iborani topsa-da, matnda uni qo'llay olmasligi mumkin. Masalan: *to save one's skin* iborasi, agarda uning ma'nosi salbiy xarakterga ega bo'lsa, o'zbek tiliga esa faqat *o'zini (o'z hayotini) qutqarib qolmoq, o'zini panaga olmoq* shaklida tarjima qilinishi mumkin. Lekin bu ibora ingliz tilida ijobiy ma'no kasb etishi ham mumkin. Biroq bu holat o'zbek tilida kuzatilmaydi. Unda tarjimon uni o'zgartirib tarjima qilishga majbur:

Betty saved Tim's skin by typing his report for him.

Betty Timga hisobotini yozib berib uni qo'llab-quvvatlab yubordi.

2) agarda tarjimon tarjima tilida asliyat tilidagi fe'lli iboraga o'xshashini topolmasa, unda abadiy ma'nosi bir xil bo'lgan brikmanni izlab ko'rishi maqsadga muvofiq. Masalan: *to get out of bed on the wrong side- chap yoni bilan turmoq.* Bu yerda fe'lli iboradagi so'zlar noo'xshash bo'lgani bilan asosiy ko'chma ma'no saqlangan

3) agar tarjima qilingan til kitobxonga tushunarsiz bo'lsa, iboralarni so'zma-so'z tarjima qilish yaramaydi. Shuning uchun ingliz tilidagi *a skeleton in the cupboard* iborasini o'zbek tiliga mos ibora bilan tarjima qilib bo'lmaydi, *to put the cart before the horse* fe'lli iborasi o'zbek tiliga *aravani ot oldidan qo'ymoq* shaklida muvofiq tarjima qilinishi mumkin.

4) agar asliyat tilidagi fe'lli iboraga berilgan tarjima tilidagi muqobil variant fe'lli iboraning ma'nosini to'liq qamrab ololmasa, unda umuman muvofiq kelmasa-da, ushbu fe'lli iboraning to'liq ma'nosini beradigan erkin so'z brikmalaridan foydalanish maqsadga muvofiq. Masalan: *to cut off with a shilling – me'rosdan mahrum qilmoq* yoki *to dine with Duke Humphrey – tushliksiz qolmoq.*

Maqolani yozishdan quyidagi xulosaga kelindi: 1) ingliz tilidagi eng ko'p uchraydigan fe'lli iboralar har qanday yozuvchi yoki notiq uchun ulkan xazina hisoblanadi; 2) ulardan ustalik bilan foydalanish yozuvchining asarini, notiqning nutqini ma'noli va jozibali qiladi; 3) yozuvchining aytmoqchi bo'lgan fikrini obrazli ifodalashga yordam beradi hamda badiiy jihatdan g'oyat ta'sirchan bo'lishiga olib keladi; 4) ingliz tilidagi fe'lli iboralarni o'zbek tiliga muvofiq ravishda tarjima qilish, tarjimondan ulkan mahorat talab etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" Qaror // Xalq so'zi Toshkent, 2012. 10-dekabr.

2. Cambridge International Dictionary of Idioms. Cambridge: Cambridge University Press, 2002. -P 604.

3. A. Xolmurodov, R. Azizov “Inglizcha-o‘zbekcha, o‘zbekcha-inglizcha lug‘at” T.: 2005. 510-bet.

4. Мамирова Д. Ш. Reklama matnlarining til xususiyatlari //Международный журнал искусство слова. – 2020. – Т. 3. – №. 4..

М.А.Убайдуллаева (СамДУ, ўқитувчи)

ТЕРМИН ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ ТУШУНЧАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада термин тушунчаси ҳамда унга берилган таърифлар, унинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигида шаклланиши, рус тилшунослари томонидан амалга оширилган тадқиқотлардан олинган мисоллар, фикр мулоҳазалар ва шунинг билан биргаликда термин ва терминология ҳамда унинг моҳиятига алоҳида эътибор қаратилган. Термин ҳам сўз, лекин у одатдаги сўзлардан маъносининг аниқлиги, бир маънолилиги билан фарқланади. *Термин* маълум соҳада, шу соҳа вакиллари нуткида учрайди. Терминлар йиғиндиси ва шу терминларни ўрганувчи соҳа ҳам *терминология* дейилади.

Калит сўзлар: термин, терминология, номенклатура, атама, истелоҳ, фонема, товуш, морфема, эга, тўлдирувчи, кесим.

Жаҳон тилшунослигида XVIII-XIX асрлардаёқ терминология муаммолари, термин тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланган қатор тадқиқотлар юзага кела бошлаган. Тилшунос С.Усмонов ўзининг «Юристнинг нутқ маданияти» китобида термин «...ҳам ишлаб чиқариш қуруллари соҳасида, ҳам маданият ва фан соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар даставвал тил бирликлари, тўғрироғи, терминлар орқали ўз ифодасини топади. Шу маънода терминология (маълум тилдаги терминлар мажмуи) замона тарихининг гувоҳи, кўзгусидир» деб таъкидлайди²⁸. Олим ўз кузатишларида бугунги кунда *термин* маъносини ифодалашда *истилоҳ*, *атама*, *номенклатура* каби сўзлардан ҳам фойдаланилаётганлигини назарда тутиб, «...*атама* сўзининг маъноси *термин* сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, *термин* эса муайян бир тор соҳада қўлланувчи расмийлашган сўздир. Шу маънода, *термин* тушунчаси «*атама*» тушунчасининг ичига кирувчи илмий-луғавий бирликдир» деган хулосага келади²⁹. Яна бир олим О.Аҳмедов ҳам бу тушунчалар орасида фарқ мавжудлигини эътироф этар экан, «*Терминлар* аслида лексик-семантик жиҳатдан умумадабий қолипга эга бўлиб, улар умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади. Зеро, *терминлар* ва *умумистеъмолдаги сўзлар* бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир», дея таъкидлайди³⁰.

Номенклатура тушунчасига луғатларда «Ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат ва шу кабиларнинг бирор соҳасида қўлланадиган *номлар*, *атамалар*, *терминлар* ва шу номлар билан аталувчи нарсалар рўйхати ёки мажмуи» тарзида изоҳ берилган³¹. Тилшунос П.Нишоновнинг «Бирор предмет ёки воқеликка қўйилган *термин* аввало, шу предмет ёки воқеликка таъриф ва тасниф беради. *Номенклатура*да эса бу нарса кузатилмайди. Уларнинг функцияси нарса ва предметларни номлаш билан чегараланади. Демак, «*термин*» *номенклатура*га нисбатан кенг ва аниқ тушунча бўлиб махсус вазифадаги сўз маъносини берса, «*номенклатура*» ўзаро ўхшаш бўлган предмет ва тушунчаларни номлаш учун хизмат қилувчи атамалар» деган фикрлари улар орасидаги фарқни янада аниқроқ очиб берган³². «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида ҳам бу фикрлар қўллаб-қувватланганлиги кўзга

²⁸ Usmonov S. Yuristning nutq madaniyati. –T.: 2007. -B.28. (233 b. 6. O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi. –T.: 2000. -B.323.

²⁹ Ўша ерда.-B.323.

³⁰ Ahmedov O.S. Ingliz va o‘zbek tillarida soliq va bojxona terminlarining lingvistik tahlili va tarjima muammolari: Filol.fan.d-ri. ... diss. –T., 2016. -B.21.

³¹ <https://uz.wiktionary.org/wiki/nomenklatura>.

³² Nishonov P. Fransuz va o‘zbek tillari yuridik terminologiyasining qiyosiy-tipologik tadqiqi. Nomz.disser...– Toshkent, 2009, -B.17.

ташланади: «Сўз кўп маънога, кўшимча маъноларга эга бўлади, аммо термин (атама) бундай хусусиятга эга эмас. Термин ҳам сўз, лекин у одатдаги сўзлардан маъносининг аниқлиги, бир маънолилиги билан фарқланади. *Термин* маълум соҳада, шу соҳа вакиллари нутқида учрайди. Масалан: *фонема, товуш, морфема, эга, тўлдирувчи, кесим* тилшуносликда учрайди. Терминлар йиғиндиси ва шу терминларни ўрганувчи соҳа ҳам *терминология* дейилади. *Термин* грекча “*terminos*” сўзидан олинган бўлиб, чек, чегара маъноларини билдиради. Кейинги йилларда *термин* сўзи ўрнида *атама* сўзи қўлланылган. Бундай қўллаш хатодир. Чунки *атама* сўзининг маъноси *термин* сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, *термин* эса муайян бир соҳада қўлланыувчи сўздир. Шу маънода *термин* тушунчаси *атама* тушунчасининг ичига кирувчи ходисадир»³³.

Таниқли тилшунос олим И.Мирзаев томонидан берилган таъриф назаримизда мазкур терминнинг мазмун-моҳиятини тўлароқ очиб берган: «*Термин* (лот. *terminus* – чегара, ҳад) – билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси. *Термин* умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади, бинобарин, *термин* ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир. Систем характерга эгалик, ўз терминологик майдонида бир маънолиликка мойиллик, ҳис-туйғуни ифодаламаслик, услубий бетарафлик кабилар терминга хос хусусиятлардир.... Умумхалқ лексикасига доир қонуниятлар *термин* ҳосил қилишда ҳам кузатилади. Сўз билан *термин*нинг умумий ва хусусий томонлари етарли даражада очиб берилган эмас; кундалик турмушда кенг истеъмолда бўлган сўзлар айти пайтда турли соҳаларга доир терминлар ҳамдир. Масалан, *қулоқ, бурун, томоқ* – анатомия ва тиббиёт; *гилам, шолча, палос* – гиламдўзлик; *китоб, ручка, дафтар* – педагогик соҳа терминлари бўлиш билан бирга умумхалқ тилида фаол қўлланади. Ҳозирги кунда «*термин*» сўзи билан бир қаторда «*атама*», «*истилоҳ*» сўзлари ҳам айти маънода қўлланмоқда. Лекин улар «*термин*» сўзининг ҳозирги маъносини тўлиқ ифода эта олмайди. «*Атама*» сўзи кенг маънода бўлиб, географик объектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланади. «*Истилоҳ*» сўзини эса термин маъносида тарихий мавзулардаги матнлар (мас., адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси ва б.)да бемалол қўллаш мумкин»³⁴. Термин ҳақида билдирилган фикрларни яна давом эттириш мумкин. *Термин*, аввало, бошқа бирликлардан ўзининг илмийлик хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Унинг қатор алоқавий сифатларга эгаллиги эса унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Терминнинг умумистеъмолдаги сўзлардан, атамалардан фарқ қилишини олимлар қуйидагича тавсифлайдилар: Шунингдек, *сўз, атама* – кенг, умумий; *Термин* – тор, хусусий; *Сўз, атама* – нисбатан мавҳум, абстракт; *Термин* – аниқ, конкрет; *Сўз, атама* – илмийлик тушунчасига (семасига эга эмас); *Термин* – илмийлик тушунчасига (семасига эга); *Атама* – эскирган, нофаол; *Термин* – фаол, ҳаракатчан; *Сўз* эмоционалликка, экспрессивликка эга; *Термин* – эмоционалликка, экспрессивликка эга эмас; *Сўз* – жамиятга, умумга, турли соҳа вакилларига оид; *Термин* – фанга, фан вакилларига оид; *Сўз* – алоқа қуроли; *Термин* – фан қуроли; *Сўз* – келиб чиқишига кўра бирламчи; *Термин* келиб чиқишига кўра иккиламчи. У жамият тараққиётининг муайян даврида фан билан, фан тараққиёти билан, фан фаолияти билан юзага келган. Сўз лексикада ўрганилади, лексикологиянинг текшириш объекти; термин терминологик лексикага оид сўз сифатида терминологияда ўрганилади ва бошқалар»³⁵.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, *термин* ва *атама, ислоҳ, номенклатура* сўзлари термин мақомида ҳозирга қадар аралаш қўлланиши ҳоллари кузатилмоқда. Бу эса мазкур масалага янада жиддий ёндашиш зарурлигини далилат беради.

Adabiyotlar ro'yxati

³³ Мухитдинова Х., Худойберганаева Д., Умиров И., Жиянова Н., Юсупова Т. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: «ILM ZIYO», 2004. -Б.47.

³⁴ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. www.ziyouz.com кутубхонаси. -Б.323.

³⁵ Расулов Р., Суюнов Б., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Тошкент, 2010. -Б.47.

1. Usmonov S. Yuristning nutq madaniyati. –T.: 2007. -B.28.
2. Ўша ерда.-Б.323.
3. Ahmedov O.S. Ingliz va o‘zbek tillarida soliq va bojxona terminlarining lingvistik tahlili va tarjima muammolari: Filol.fan.d-ri. ... diss. –T., 2016. -B.21.
4. <https://uz.wiktionary.org/wiki/nomenklatura>.
5. Nishonov P. Fransuz va o‘zbek tillari yuridik terminologiyasining qiyosiy-tipologik tadqiqi. Nomz.disser...–Toshkent, 2009, -B.17.
6. Мухитдинова Х., Худойберганаева Д., УмировИ., Жиянова Н., Юсупова Т. Ҳозирги ўзбек адабий тили.–Тошкент:«ILM ZIYO», 2004. -Б.47.
7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.:«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. www.ziyouz.com кутубхонаси.-Б.323.
8. Расулов Р.,Суюнов Б.,Мўйдинов Қ.Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Тошкент, 2010.-Б.47.

Қ.М.Бегматов (СамДЧТИ)

КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ СИФАТИДА

Аннотация: Ушбу мақолада касбий компетенция педагогик фаолиятнинг ажралмас қисми эканлиги ҳақидаги фойдали маълумотлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Касбий компетентлик, ижтимоий таҳлил, педагогик вазиятлар диагностикаси, ўзини-акс эттириш ва касбий ҳаракатлар.

Ўқитувчининг касбий компетентлигини шакллантириш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган, мураккаб тузилмани ташкил этади.

Д. А. Ивановнинг фикрига кўра, касбий компетентлиги ўқитувчининг умумий ва махсус компетенцияни ўз ичига олади, хусусий компетенция умумийдан келиб чиқиб, унинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Кўпроқ ўзига хос компетенция дейилади: ижтимоий ва шахсий компетенция, ташкилий ва бошқарув компетенциялари [1; 27].

Немис тилшунос олимларининг фикрича, "Kompetenz" сўзининг маъносини очиб беришда "компетентлик ва компетенция" касбий етуклик тушунчалари мос келади. Уларнинг фикрича, бу тушунчалар синоним сўзлар ҳисобланади. Бу тушунчаларни рус тилига таржима қилганда, ушбу атаманинг семантик мазмуни, "компетенция" (лотин тилидан competere — ёндашув) сўзи билан ифодаланади ва мутахассиснинг касбий фаолиятни ҳал қилишдаги вазифаларни бажаришдаги шахсий қобилиятини англатади.

Олимларининг илмий тадқиқот ишларини таҳлил қилиб шуни айтиш жоизки, ҳар бир немис ўқитувчисининг "компетентлик" мазмунига нисбатан ўз ёндашувлари ва компетенцияси жуда муҳим ҳисобланади. Тадқиқотчиларнинг аксарияти учун, ўқитувчининг касбий компетенцияси тушунчаси кенг қамровли бўлиб, уни ҳам режалаштириш, ҳам натижавийлигини таъминлаш талаб қилинади.

Мазкур муаммони атрофлича тадқиқ қилган таникли немис тадқиқотчиси Е.Терхарт ўқитувчилар педагогик компетенциялари деганда уларнинг малакасини оширишларини, касб-ҳунарни "зарурий касбнинг бирлиги" сифатида билим, касб маҳорати ва касб этикасини тушунади " [5;19].

Демак, " компетентлик": - вазифани тўғри уудалай олиш; мувофиқ равишда ўқитиш вазифаларининг сифати амалдаги стандартлар; муайян вазифаларни бажарганлик учун жавобгарлик ўзига хос қобилият ва касб этикаси асосида шаклланади.

Касбий педагогик компетенциялар қуйидаги тўртликнинг ўзаро таъсири орқали амалга оширилиши мумкин, бу таркибий қисмлар қуйидагилар: ижтимоий таҳлил, педагогик вазиятлар диагностикаси, ўзини-акс эттириш ва касбий ҳаракатлар.

Педагогик вазифа каби муҳим таркибий қисмлар, касбий этика ва рефлексив кўникмалар, юқоридагилар таърифлар шуни кўрсатадики, "компетентлик" тушунчасига

асосланган ҳолда педагогик фаолият амалга оширилади. Шу билан бирга, тадқиқотчилар томонидан таъкидланишича, ўқитувчининг қуйидаги компетенцияларини кўриб чиқиш мумкин:

- дунё ҳақидаги мавжуд билимлар асосида вазифаларни бажара олиш, шунингдек, ўқув фани ва тегишли мавзуга оид махсус билимлар бўйича касбий компетентликлар ҳақида;
- махсус касб этикаси асосида баркамол бўлиши мумкин бўлган талабалар манфаатларини кўзлаб муайян педагогик вазиятни ҳал қилиш;
- юқоридаги икки шартнинг бажарилиши лозим ва педагогик ҳаракатларда ҳар бир шахс учун зарур бўлган жавобгар бўлиш масъулияти керак.

Ушбу муаммони ҳал қилишда касбий маҳорат ва садоқат марказий рол ўйнайдиган тушунчалар бўлиб, улар ўқитувчининг муваффақиятини таъминлайди. Чет тили ўқитувчисининг муваффақияти "компетентлик" тушунчасини яхши тушуниб муваффақиятли педагогик раҳбарликни ва педагогик фаолиятни амалга оширишда намоён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, бир қатор немис олимлари (J.Fleischer [2], S.Lerch [4], K.Kucher [3]) компетентликни билим ва имкониятларнинг ўзаро таъсири деб ҳисоблаганлар, тажриба ва қобилиятлар, этика ва тафаккур зарурий воситалар сифатида қаралган. Шу билан бирга, компетенцияларни эгаллаш ҳар қандай усуллардан фойдаланиш ёки билимларни кўпайтириш дегани эмас, балки олимлар томонидан анча кенгроқ кўриб чиқилган-қобилиятларнинг ифодаси сифатида, атрофдагиларга нисбатан касбий педагогик ҳаракатлар орқали амалга ошириладиган педагогик фаолият ҳам ҳисобланади.

Умумий компетенциялар-дунёқараш, мулоқот, ҳуқуқий, психологик ва педагогик, рефлексив ва махсус компетенциялар: мавзу ва услубий компетенцияларни ўз ичига олади. Ушбу компетенцияларнинг таркибий қисмлари билим, кўникма ва усуллар, фаолият ҳисобланади.

Таълим жараёни шароитида, педагогнинг коммуникатив компетентликка эгалиги таълимнинг юқори даражасини англатади, эмотив, ҳулқ-атвор, ахлоқий тарбия ва ривожланиш талабаларнинг бевосита инсоний фазилатлари, улар билан ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди. "Касбий тайёргарлик натижасида чет тили ўқитувчиси педагогик коммуникатив компетенцияси шаклланади. Бу вазиятларда ўқитувчининг қобилияти намоён бўлишида касбий-педагогик фаолият ва талабалар билан ўзаро мулоқот катта рол ўйнайди.

Чет тиллар бўйича ўқитувчиларнинг компетентлиги муайян ўзига хосликка эга. Бу нарсa материалдан бошлаб ва таълим муассасаларининг техник базаси, маданиятини ўрганишга тили ўрганилаётган халқ ва бунда доимий мулоқот шароитига бевосита боғлиқ бўлиб, тил, шунингдек, касбий фаолиятни такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг бу соҳалардаги вазифаларини аниқ белгилашни тақозо қилади. Шундай қилиб, чет тили ўқитувчисининг касбий компетентлиги ўқитишдаги мақсад ва вазифаларни белгилаш, сифат кўрсаткичи чет тиллар бўйича малака кўникмаларни аниқлайди ва кўникмалар, шахсий фазилатлар, ўқув қобилияти замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, қарор қабул қилиш ва педагогик фаолият дастурини ишлаб чиқишни амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Иванов Д.А. Компетентности и компетентностный подход в со- временном образовании. – М.: Чистые пруды, 2007. – 32 с.
2. Fleischer J. (2012). Modellierung von Kompetenzen im Bereich der Bildung: eine psychologische Perspektive: Themenheft / Jens Fleischer [Hrsg.]; Detlev Leutner [Hrsg.]; Eckhard Klieme [Hrsg.]. – Literaturangaben, Abb. In: Psychologische Rundschau. – 63, H. 1, –S. 1-53.
3. Kucher K. (2011). Kompetenzfeststellung fuer Migrantinnen und Migranten - Ansatzpunkte, Problemfelder und Handlungsperspektiven / Katharina Kucher; Nadine Wacker. – Literaturangaben. In: Migration als Chance: ein Beitrag der beruflichen Bildung. – Bielefeld. – S. 161–174.

4. Lerch S. (2012). Selbstkompetenz – Eine neue berufliche Qualitaet oder die Vervollkommnung des funktionalen Subjekts ≤ / Sebastian Lerch. – Literaturangaben. In: Zeitschrift fuer Berufs – und Wirtschaftspaedagogik. – 108, H. 1, S. 118–125.

5. Terhart E. Erfassung und Beurteilung der beruflichen Kompetenz von Lehrkräften. In: Laeders, Manfred; Wissinger, Jochen, Hg. Kompetenzentwicklung und Programmevaluation. Forschung zur Lehrer-bildung. - Muenster, New York, Mbnchen, 2007.

H.M.Berdibekova, D.A.Artikova (Abdulla Qodiriy nomidagi JDPI)

TERMINOLOGIYADA TERMIN TUSHUNCHASI

Annotatsiya. Ushbu maqolada bugungi tilshunoslikning muhim masalalaridan bo‘lgan terminologiyaning o‘rganish obyekti – termin, uning ta’riflari xususidagi qarashlar haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: termin, terminologiya, tilshunoslik, maxsus so‘zlar.

Terminologiya masalalari hamisha tilshunoslikning dolzarb masalalaridan biri bo‘lib kelgan. Chunki terminlarning sohalar lug‘aviy qatlamlaridagi o‘rni va vazifasini belgilash tushunchaning mazmun-mohiyatini to‘g‘ri anglash imkonini beradi.

Tilning jamiyat bilan aloqasi uning leksikasida namoyon biladi. Jamiyat hayotida sodir bo‘ladigan ilmiy-texnik taraqqiyot tilning leksikasida va terminologiyasida o‘z ifodasini topib boradi. Terminlar bu – ilmiy-texnik jarayon va ma‘lum fan sohalariga doir bilimlarni o‘zida mujassam etuvchi muayyanlashgan so‘z yoki so‘z birikmalaridir. Hech bir fan sohasi terminlarsiz mavjud bo‘lmaydi. Ilmiy tushunchalarni nomlash va tavsiflash turli fan sohalarida alohida ahamiyat kasb etadi. Har bir fan sohasi o‘z terminologik tizimiga ega va ular asosida ish ko‘radi. Dunyo tilshunosligida ish olib borayotgan terminologiya maktablari, xususan, Avstriyadagi “Vena terminologiya maktabi”, Rossiyadagi “Rossiya terminologiya maktabi”, Chexoslovakiyaning “Praga terminologiya maktabi”, kabilar terminlarning jamiyat hayotida, har bir fan sohasida naqadar muhim o‘rin tutishini ko‘rsatadi[1].

Terminologiya ma‘lum bir tilning leksikasi negizida vujudga kelib, shu tilning boyishi uchun xizmat qiladi. Terminlarning leksikasi umumxalq tilining ajralmas qismi sifatida u bilan birga rivojlanadi, jamiyat va til rivojidadagi barcha jarayonlarni boshidan kechiradi. Terminologiyaning boyishi jamiyat va til taraqqiyoti bilan bog‘liq bo‘lib, asosan, ichki so‘z yasash va boshqa tillardan so‘z olish hisobiga ro‘y beradi. Terminologiya tilshunoslikning terminlarni o‘rganuvchi maxsus sohasidir. Yillar davomida jamiyatda yuz beradigan har qanday o‘zgarishlar, evrilishlar, kashfiyot, taraqqiyot va ilm-fan sohasidagi yangiliklar muayyan terminlar bilan ifoda etilib, buning natijasida tilning terminologik bazasi boyib, rivojlanib boradi. Boshqacha aytganda, borliq hodisalarning lisoniy ongda maxsus ifodaviy shaklga kirishi va turg‘unlashuvi tilda terminlarning vujudga kelishiga sabab bo‘ladi[2].

Tilshunoslikda *termin* turlicha talqin etiladi. O.Axmanovanning qayd etishicha, terminologiya qaysidir fan o‘z taraqqiyotining oliy darajasiga erishgandagina yuzaga chiqadi, ya‘ni termin muayyan tushuncha aniq ilmiy ifoda kasb etgandan so‘ng tan olinadi. Terminni notermindan farqlashning muhim vositasi uni ilmiy asosda ta’riflashning mumkin emasligidadir. Demak, u yoki bu soha terminologik tizimining barqarorligini belgilovchi asosiy omil uning tartibga solinganligi va muntazamligidir.

Sh.Ko‘chimovning qayd etishicha, “termin – kasbiy ma‘no bildiruvchi, kasbiy tushuncha ifodalovchi va shakllantiruvchi ayrim obyektlar va ular o‘rtasidagi aloqalarni muayyan kasblar nuqtai nazaridan bilish hamda o‘zlashtirish jarayonida ishlatiladigan so‘z yoxud birikmadir”[3]. Shu o‘rinda shuni qayd etish kerakki, tilning terminologik tizimi sohaviy xoslanganligi bilan xarakterlanadi. T.Q.Valiyevning fikricha, *terminlar* – ilmiy-texnik jarayon, turli fan sohalariga doir bilimlarni aks ettiruvchi ixtisoslashgan birliklar[4]. S.Usmonovga ko‘ra, ilm-fan, texnika, qishloq xo‘jaligi va san‘atga oid tushunchalarning aniq nomini bildiruvchi bir ma‘noli so‘z va birikmalar *termin* deyiladi[5].

X. Narxodjayeva terminga xos quyidagi xususiyatlarni ko'rsatib o'tgan:

1) *termin* – umumadabiy tilning maxsus vazifa bajaruvchi bir turi bo'lgan ishlab chiqarish, fan va texnika tiliga mansub lisoniy birlik, so'z yoki birikmadir;

2) *termin* – aniq narsa-predmet, ashyo, mavhum tushunchalarning maxsuslashtirilgan nomidir;

3) *termin* – uchun muayyan ta'rif (definisiya) zarurki, uning yordamida tegishli tushuncha mazmunini aniqroq ifodalash, tushunchadan birini ikkinchisidan chegaradan ajratish imkonini beruvchi, ayni mahalda, ma'lum tushunchani muayyan tasnifiy qatorga joylashtirishga yo'l qo'yuvchi, farqlovchi belgilarni ravshanroq ko'rsatish mumkin bo'lsin[6].

Butun dunyoda shiddat bilan kechayotgan globallashuv jarayoni tilga o'z ta'sirini o'tkazmay qolmaydi. Bu o'z navbatida o'sha til leksikasida o'zini namoyon etadi. Globallashuv davri o'zbek terminologiyasini tartibga solishga zarurat tug'dirmoqda. Dunyo terminologik tizimida falsafiy terminlar alohida o'rin tutadi. Tilshunoslikda falsafiy terminlar tizimini yaratish, tartibga solish, lingvistik va leksikografik talqini masalasi terminshunoslar diqqat e'tiborida bo'lib kelgan. Til leksik tizimida terminlarning o'rnini aniqlash dolzarb muammolardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Temmerman, Rita. (2017). Questioning the univocity ideal. The difference between socio-cognitive Terminology and traditional Terminology. HERMES - Journal of Language and Communication in Business. 10. 51. 10.7146/hjlc.v10i18.25412.

2. Аксенов А. Г. К вопросу о взаимодействии между английской военной терминологией и общенародной лексикой: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.

3. Кўчимов Ш. Дипломатик тил асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2006. – 76 б

4. Валиев Т.Қ. Ўзбек тили йўлсозлик терминларининг структур-семантик хусусиятлари ва лексикографик талқини: Фил. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертация. – Тошкент, 2018.

5. Усмонов С. Юристнинг нутқ маданияти: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик/Сарлавҳада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: ТДЮИ наشريёти, 2005. – Б. 24.

6. Нарходжаева Х. Жараён англлатувчи терминларнинг ўзбек тилида тутган ўрни. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 11.

Ф.Ф.Болтаев (SamDCHTI, stajyor-tadqiqotchi)

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ТИЛ МАДАНИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада тил тизими ва коммуникатив фаолият ўртасидаги муносабатлар, бошқа томондан эса, тил тизимида ижтимоий ва нуткий фаолиятнинг индивидуал хусусиятларининг ўзаро алоқадорлиги тил маданиятида намоён бўлиши ўрганилган. “Тил маданияти” тушунчаси ва маданиятнинг бошқа соҳалари билан биргаликда ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши ёритилган.

Калит сўзлар: Тил маданияти, мулоқот, миллат, тил субъекти, транскрипция.

Ҳозирги даврда бутун дунё халқларининг ижтимоий-сиёсий ва маданий алоқаларига глобаллашув жараёни катта таъсир кўрсатаётганлиги одатий ҳол бўлиб қолди. Турли миллат ва элатларга мансуб халқларнинг маданий бойликлардан баҳраманд бўлиш бу алоқалар тизимида муҳим аҳамиятга эгаллигини эътироф этиш зарур. Ўзбекистон мустақил давлат суверенитетини қўлга киритгач, маданий қадриятларнинг нуфузига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Албатта, энг муҳим алоқа воситаси ҳисобланган тилнинг турли жамият аъзоларини маданий-маърифий жиҳатдан бирлаштиришдаги роли бекиёсдир. И.А.Каримов “миллий туйғулар тил муаммолари билан боғлиқ бўлиб, жамиятнинг гуллаб-яшнаши тилнинг мукамаллиги ва бойлигига боғлиқдир” [4, 83], деб эътироф этади.

Маданиятнинг бирор-бир соҳаси тилсиз мавжуд бўла олмайди. Тил курилишини таҳлил қилиш орқали турли тарихий давр, халқларнинг маданиятини ўрганиш имконияти туғилади. Тилнинг жамият, миллат, элат ҳамда турли қатламларнинг тарихи ва маданиятини акс эттириши унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Дунё халқлари турли тилларда мулоқот қилишларига қарамасдан, у маданиятнинг муҳим атрибутлардан бири сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Н.И.Толстойнинг фикрича тил ва маданият муносабатини маданият кўп жиҳатли ҳодиса эканлигини ҳисобга олиб ўрганиш зарур [5, 10]. Шуни эътироф этиш жоизки, тил мураккаб тизим сифатида маданиятнинг турли жиҳатларига бир хил муносабатда бўлмайди. Тил ижтимоий тизим ва унинг таркибига кирувчи маданиятга ҳал қилувчи таъсир кўрсата олмайди. Тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири масаласига макон ва замон нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

“Тил маданияти” тушунчасини маданиятнинг бошқа соҳалари билан биргаликда ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Олимларнинг фикрича “тил маданияти” тушунчасини унда сўзловчи шахслар маданияти билан боғлаб ўрганиш зарур. Чунки “тил маданияти” тушунчасида бир томондан тил тизими ва нутқ фаолиятининг, иккинчи томондан, тил ва нутқ орқали юз берадиган ижтимоий ва индивидуал фаолиятнинг диалектик муносабатлари ўз аксини топади. Тил маданиятининг бу томонлари алоҳида шахс фазилярларининг мажмуасини ташкил қилади. Шу сабабли, тил маданиятини шакллантириш шахсга таълим ва тарбия бериш жараёнида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги масалалар муҳокамаси муҳимдир: шахснинг таълим ва тарбия жараёнида тил маданияти қандай роль ўйнайди? Таълимнинг турли босқичларида тил маданиятини ўргатиш борасида қандай вазифалар илгари сурилади?

Тил маданияти инсоннинг маънавий оламида муҳим ўрин тутати. Ўтган тарихий давр, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларнинг муҳим хусусиятлари унда ўз аксини топади. Жамият тараққиёти давомида тил тузилишида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Тил маданияти- бу авваламбор тилнинг ижтимоий амалиёт туфайли пайдо бўлган ва қатъий тартибга келтирилган қонун - қоидалари, унинг луғат бойлигидир. Худди шу луғат бойлиги лисоний тафаккурнинг аниқлиги ва мантиқий зиддиятсизлигини таъминлаши мумкин. Тил қонун-қоидаларининг қўлланилиши, муқомлигини таъминлашда орфография, орфоэпия, фонетика, морфология, синтаксис, семантика каби соҳалар муҳим аҳамият касб этади [3, 50-51].

Тил маданияти-социолингвистик ҳодисадир. Бир томондан, тил тизими ва коммуникатив фаолият ўртасидаги муносабатлар, бошқа томондан эса, тил тизимида ижтимоий ва нутқий фаолиятнинг индивидуал хусусиятларининг ўзаро алоқадорлиги тил маданиятида намоён бўлади. Тилшунос олимлар Т.Бушуй, Ш.Сафаров “Тилнинг маданий мазмунини ифодаловчи муҳим хусусиятлари қаторига унинг эркин ишлатилишини (ўзи ифодалайдиган нарсага нисбатан ҳеч қандай физик ва биологик размиёликнинг йўқлиги), маҳсулдорлигини (жумладан тузиш имкониятининг чекланмаганлигини), семантик универсалликни (ифодалайдиган фикрнинг мавзуси чекланмаганлиги), қатламларнинг силжишини киритиш мумкин”, деган фикрни билдирадилар [3, 52].

Маълумки, тил одамларнинг ўз замондошлари, олдинги ва келажак авлодлар билан ўзаро алоқалари, ижтимоий тараққиётда ворисийликни таъминлаш воситасидир. Инсоннинг тажрибаси, билими, ижодининг натижалари тил белгилари ва рамзлар ёрдамида шахсий мулкдан ижтимоий мулкка, яъни бутун жамият мулкига айланади. Машҳур файласуф Гадамер тил инсон борлигининг марказида туради, деган фикрга келди. Бу олимнинг эътироф этишича “Оламни тил нуқтаи назаридан талқин қилиш ҳар қандай фикр, ҳар қандай билишдан устун туради” [1,51]. Айрим олинган «Мен» тилнинг субъекти бўла олмайди. Тил бу-инсоний мулоқот, сўзлашув ва диалогдир.

Женева университетининг профессори Ж.Стайнер Европа халқларининг анъанавий маданияти шаклланиши жараёнини ўрганиб, улар маданиятининг хусусиятлари типологиясини ишлаб чиқди. Бу концепияга биноан, Европа маданияти ва цивилизацияси қадимий Ўрта Ер денгизи маданияти намуналаридан “транскрипция” қилиб олинган

меросдир. Ж.Стайнернинг бу соҳада шундай илмий хулосага келади. Унинг нуқтаи назарича, эҳтимол, маданий анъаналар бизнинг синтаксисимизда тахмин қилганимиздан мустаҳкамроқ ўрнашиб қолгандир ва бизнинг ҳаётимиз, биз буни хоҳлаймизми ёки йўқми, шахсий ва ижтимоий ўтмишимизнинг таржимаси бўлиб қолаверади [2, 22].

Қиёсий-тарихий ва типологик тилшунослик назариясининг асосчиси Вилгельм фон Гумбольдт (1767-1895 й.й.) тилни миллат характери (хусусиятларини) белгиловчи ходисалар сирасига киритади. Гумбольдт концепциясида тилнинг моҳиятини инсон онги ва тафаккури, унинг маданияти ва маънавий ҳаёти билан боғлаб ўрганиш керак”, деган ғоя муҳим аҳамиятга эгадир [6, 123].

Жамиятда бошқа одамлар билан ҳамкорликда ҳаёт кечириш, фаолият кўрсатиш, қонун-қоидаларга амал қилиш, маданият ва қадриятларни ўзлаштириш ижтимоийлашув жараёни маҳсулидир. Социолог олим Э.Гидденснинг фикрича “Тилни ва бошқа мураккаб кўникмаларни эгаллашда шундай бир “чегара давр” борга ўхшайдики, ундан кейин буларни мукамал ўрганиб бўлмайди” [9, 84]. Шу асосда, инсоннинг ижтимоийлашувига болаликда бошқа одамлар билан узоқ муддатли алоқалари ҳал қилувчи таъсир ўтказади, деган хулоса қилиш мумкин.

Т.А.Бушуй илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида тил қонун-қоидаларини аниқлаш ва фарқлашда қуйидаги ҳолатларга асосланиш зарурлигини кўрсатади: тил кўп қатламли, кўп қисмли қурилмадир, бироқ у яхлит воқелик сифатида доимий ривожланишда бўлади ва ҳар доим мулоқот жараёнининг қийинчиликсиз рўй беришини таъминлаш қобилиятига эга; тил қонун-қоидалари тил тизимида мавжуд бўлган имкониятлар ичидан танлаб олинган бирликлар мажмуасидир; тил қонун-қоидаси муайян узусга асосланади; тил қонун-қоидаларидаги ўзгаришлар мазкур тилда сўзловчи жамият аъзоларининг коммуникатив эҳтиёжлари ўзгариши туфайлигини юзага келиши мумкин; тил воқелигида мулоқот муҳитига мос ҳолда фарқланадиган қонун-қоида қатор ўзига хос белгиларга эга бўлган ўлчамдир; тил қонун-қоидасини фарқлаш ва унинг хусусиятларини тушуниш учун фарқловчи белгилар икки асосий турда бўлишини унутмаслик зарур: соҳалардаги фарқлаш бўйича (диалект қонун-қоидаси, сўзлашув нутқи қонун-қоидаси, адабий тил қонун-қоидаси); хусусиятига кўра фарқлаш (вариантли ва вариантсиз қонун-қоидалар, зарурий ва факультатив қонун-қоидалар ва ҳоказо) [2, 23].

Тил маданиятининг юқорида қайд этилган тамойилларига шахс умумий хусусиятларининг таркибий қисмлари деб ҳам қараш мумкин. Сўзловчи шахснинг тил маданияти мақомини ўрганишда эса, унинг ижтимоий-маданий қоидаларга қандай риоя қилиши ҳисобга олинади. Бу қоидаларни белгилашда шахснинг ёши, жинси, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва иқтисодий ҳолати кабилар инобатга олинади [7, 8-10]. Тил маданиятига жиддий эътибор қаратган инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон (1561-1626 й.й.) кўпинча одамлар томонидан англамаган ҳолда тилдан эҳтиётсизлик билан фойдаланишга ундайдиган сабабаларни “Бозор идоли” (ёки “Бозор майдони”) деб атади. Тилга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш, тилнинг тўғрилиги ва аниқлигига эътибор бермаслик, одамлар ўртасидаги муносабатларда тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатни бозор куни савдо майдонида кузатиш мумкин [8, 43].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, жамият тизимида муҳим компонент ҳисобланадиган маданият ва тилнинг ривожланиши диалектик алоқадорликда бўлиб, улар ҳар бир тарихий даврда инсон турмуш тарзи, тафаккури ҳамда дунёқарашига ўзининг муайян таъсирини кўрсатади. Тил маданиятининг такомиллашуви жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳаларининг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Gadamer. H. G. *Reason, slow, dzie.* Szkice wubranawa. Warszawa. 1979. 51-бет.
2. Бушуй Т.А. *Язык в истории развития человеческой мысли.* Издательство. «Фан». Ташкент-2011. С.-22.
3. Бушуй Т.А. , Сафаров Ш.С. *Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.* Тошкент. Фан нашриёти. 2007. 50-51-бетлар.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. “Маънавият”. 2008. 83-бет.
5. Толстой Н.И. Язык и народная культура. Очерки по славянской мифологии и этнолингвистике.-М.: Индрик. 1995. 10-бет.
6. Рамишвили Т.В. Гумбольдианство //Лингвистический энциклопедический словарь М.: СЭ, 1990, с.123
7. Розанов В.В.Религия и культура. – М.: Республика, 1995. С.-8-10.
8. Шаповалов В.Ф.Основы философии современности к итогам XX века.Курс лекции. Флинта. Наука. 1998.стр.43.
9. Энтони Гидденс.Социология. “Шарк” нашриёти. Тошкет-2002. 84-бет.

Е.А.Сурмилова(Ургенчский государственный университет)

ГЕНДЕРНАЯ МАРКИРОВАННОСТЬ РЕЧЕВОГО ПОВЕДЕНИЯ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация. В статье рассматриваются особенности речи в английском языке в зависимости от гендера говорящего. Материалом для исследования послужил роман английского писателя Томаса Гарди «Тэсс из рода Д’Эрбервиллей»; кроме того, проанализировано речевое поведение женских и мужских персонажей, выявлены различия речи на различных уровнях языка. Рассмотрена зависимость использования хедж-маркеров женщинами и мужчинами, а также попытка объяснить причины данных различий.

Ключевые слова. Гендер, гендерная лингвистика, хеджинг, женский язык, Тэсс из рода Д.Эрбервиллей.

«Женский язык» присутствует на всех уровнях грамматики английского языка. Мы находим различия в выборе и частоте употребления лексических единиц; в ситуациях, в которых отдаются предпочтения определенным синтаксическим правилам; в интонационных и других суперсегментных единицах языка.

В обществе сложились определенные стереотипы поведения и речи мужчин и женщин. Социальная реальность выглядит следующим образом.

Мужчины и женщины выполняют разные социальные роли. В большинстве обществ мужчины занимаются военной и политической деятельностью, являются добытчиками, обеспечивают семью, а женщины ведут дом, растят детей, занимаются образованием и воспитанием. Различное поведение в соответствии со своими гендерными ролями обнаруживают мужчины и женщины, комментируя одно и то же событие. Мужчины проявляют себя «в инструментальной роли», женщины – «в экспрессивной» [Серова И.Г. Роль гендерной интерпретанты в высказывании: параметризация события // Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2003. – Вып. 2. – С. 210-227.]

В соответствии с гендерной идентичностью мужчины должны быть уверены и атлетичны, а женщины – слабы, скромны.

Целью значительной доли речевых контактов женщин является само общение, контакт, фатика, тогда как для мужчин – обмен информацией. Разговор о неприятностях между мужчиной и женщиной часто заканчивается коммуникативной неудачей, так как мужчина ориентируется на информационную модель, а женщина – на эмпатическую.

Можно говорить о «гендерной специфике наименований лиц с оценочным значением..., значительно большее количество отрицательно маркированных слов имеет мужскую специфику» [Смирнова Л.Г. «Ветреная кокетка» и «прожженный делец». Гендерная специфика // Русская речь. – 2012. – № 2. – С. 59-67.]

Хеджинг, или эпистемическая модальность, – еще один пример различия в речи мужчин и женщин. Следует дать определение данному термину. В лингвистике хеджингом, или уклонением от прямого ответа, именуется использование таких слов, как *rather, sort of, kind of, strictly speaking*, нацеленных на внесение неясности. Подобные слова именуется

хедж-маркерами. Термин был введен в научное использование Дж.Лакоффом в его работе «Hedges: A Study in Meaning Criteria and the Logic of Fuzzy Concepts.» Дж. Лакофф впервые предложил название данного явления, отталкиваясь от слова hedge – «живая изгородь», «метафорически перенеся свойства и действие живой изгороди на лингвистический феномен» [Lakoff, 1972;]. Лингвистическое хеджирование в некотором смысле созвучно хеджированию в экономике, где оно осуществляется с целью страхования рисков. В контексте речевой коммуникации хедж-маркеры «страхуют» ответственность говорящего за неверность пропозиции. Например, *I think, his feet were sort of blue*. Вместо уверенного утверждения: «Этот препарат поможет вам выздороветь» хедж-маркеры используются для более неопределенного высказывания: «Я полагаю, что этот препарат мог бы помочь вам выздороветь быстрее». Таким образом, как в письменном, так и в устном дискурсе хеджирование выступает в роли речевого «страхования» и позволяет не только индивидуализировать высказывание, но и установить границы ответственности за достоверность пропозиции, ограничить степень достоверности или действительности суждения, избежать абсолютной трактовки [O’Keeffe et al., 2007; Knight et al., 2013].

Зачастую, хедж-маркеры выполняют функцию даунтонера, смягчая отрицательно-коннотированные существительные, в сочетании с которыми они употребляются.

Холмс (1984) утверждает, что рассмотрение контекстуальных факторов во взаимодействии помогает идентифицировать функции эпистемической модальности. Затем она утверждает, что эпистемическая модальность выражает два типа значений. Первый - это модальное значение, которое связано с неопределенностью, которую высказывание намеревается передать. Второй - эффективное значение, которое прагматично отражает отношения между взаимодействующими сторонами. В эффективном значении эпистемологические модальные элементы используются взаимодействующими лицами, чтобы ослабить силу утверждения, которое в конечном итоге указывает на озабоченность говорящего по поводу других людей. Когда эффективное значение является основной функцией эпистемических модальных элементов, а не модальным значением, это показывает, что говорящий намеревается выразить вежливость и сохранить лицо адресата.

В таблице ниже представлен количественный сопоставительный анализ хедж-маркеров, использованных мужскими и женскими персонажами «Тэсс из рода д’Эрбервиллей»

маркеры	Мужчины	женщины
выражающие неопределенность		
I think	15	18
it seems	4	7
I believe	2	4
ослабляющие силу утверждения		
sort of	3	1
rather	8	4
strictly speaking	1	1
probably	2	-
really	11	5

Из приведенной выше таблицы можно сделать вывод, что женщины чаще используют хедж-маркеры, выражающие неопределенность, что может свидетельствовать о том, что делают они это в силу отсутствия власти и контроля над ситуацией, неуверенности, в то время как мужчинам более свойственны хедж-маркеры, ослабляющие силу утверждения, призванные показать вежливость.

Рассмотрим некоторые примеры.

‘And letting everybody know the reason—such a thing to be ashamed of! *I think* I could go if Abraham could go with me to kip me company.’ – Тэсс

'I don't know; but *I think* so. They sometimes seem to be like the apples on our stubborn-tree. Most of them splendid and sound—a few blighted.' – Tess

'But *it seems* they will never leave off, and I really think I will wait no longer.' – Тэсс

They become, *I believe*, heirlooms, strictly speaking, according to the terms of your godmother's will.

'She was in a *sort of* nervous state when I zid her last; and so thin and hollow-cheeked that 'a do seem in a decline. Nobody will ever fall in love wi' her any more,' said Izz absently.

Подобные различия существуют и в других аспектах словарного запаса. Например, существует группа прилагательных, которые, помимо их конкретных и буквальных значений, имеют еще одно назначение, а именно указание на одобрение или восхищение говорящим чем-либо. Некоторые из этих прилагательных нейтральны по отношению к полу говорящего: их могут использовать как мужчины, так и женщины. Но другой набор в его образном использовании в значительной степени ограничивается женской речью. Имена прилагательные часто используются в речи, чтобы сделать ее ярче, выразительнее, красноречивее, поэтому женщины так часто любят употреблять их в своей речи. От них часто можно услышать: *adorable, charming, lovely, fantastic, heavenly* и т.д. Мужская речь более конкретизирована и лишена эмоциональной окраски. Использование большого количества прилагательных позволяет женщинам лучше описывать вещи и собственные чувства, что указывает на их большую чувствительность к окружающей среде, что, в свою очередь, делает женский язык более интересным, чем мужской. Женщины употребляют более сложные конструкции при описании цветовой палитры. В женской речи чаще можно встретить такие слова как: *mauve, lavender aquamarine, azure, magenta* и т.д. Мужская половина не использовала данные слова.

Использованная литература

1. Серова И.Г. Роль гендерной интерпретанты в высказывании: параметризация события // Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Гуманитарные науки. – 2003. – Вып. 2. – С. 210-227.

2. Смирнова Л.Г. «Ветреная кокетка» и «прожженный делец». Гендерная специфика // Русская речь. – 2012. – № 2. – С. 59-67.

3. Hardy, T. (1984). *Tess of the D'urbervilles*. Shang Hai: Shanghai Translation Publishing House.

4. Holmes, J. (1984). Hedging your bets and sitting on the fence: Some evidence for hedges as support structures. *Te Reo*, 27(1), 47-62

5. Lakoff, G., (1972) Hedges: A Study in Meaning Criteria and the Logic of Fuzzy Concepts. *Journal of Philosophical Logic* Vol. 2, No. 4 (Oct., 1973), pp. 458-508 (51 pages) Published By: Springer

6. O'Keeffe, A., McCarthy, M. J. and R. A. Carter (2007) *From Corpus to Classroom: language use and language teaching*. Cambridge: Cambridge University Press

M.3.Safarova (BuxDU, o'qituvchi)

ETNONIMLAR JOY NOMI SIFATIDA

Annotatsiya: Ushbu maqolada etnonimlar, ularning etnik xususiyatlari hamda nomlanish xususiyatlari haqida so'z boradi. Etnonimlar ma'lum bir hududlarda tarqalgan xalq va urug' nomlari bo'lib, o'zlari yashab turgan joyni nomlashga sabab bo'lganligi yoritilgan.

Kalit so'zlar: etnonim, turkiy til, leksik birlik, tahlil, talqin.

Kishilar ismi, joy nomlarining kelib chiqishi, etnografiya, etnonimning ma'no va etimologiyasi haqida tarixiy manbalar orqali anchagina ma'lumot olishimiz mumkin. Atoqli ot materiallarini tizimli va izchil ravishda to'plash, ularni ilmiy asosda tahlil qilish o'zbek tilshunosligida o'tgan asrning 60-yillaridan boshlandi. O'zbek nomshunosligi, ayniqsa, etnonimika sohasi jadal rivojlandi. Endilikda, o'zbek etnonimlarining materiallari qoniqarli ravishda to'plangan

va tadqiq qilinganini, deyarli barcha viloyatlar, bir qator tumanlar etnonimiyasi ilmiy asosda o'rganilganligini qayd etish mumkin.

Xususan, etnonimlar, ya'ni urug' va qabila nomlari haqidagi qadimiy va qimmatli ma'lumotni qadimiy turkiy tilga oid yozma bitiklarda, *M.Qoshg'ariyning "Devonu lug'ati turk"* va *"Jome-at tavorix"*, *"Ravzat-us safo"*, *"Zafarnoma"*, *"Boburnoma"*, *"Shajarayi turk"*, *"Shajarayi tarokima"*, *"Tarixi Abulxayrxon"*, *"Shayboniynoma"*, *"Abdullanoma"*, *"Tarixi Muqimxoniy"*, *"Tarixi Abulfayzxon"*, *"Tarixi Salotini mang'itiya"* kabi tarixiy va tarixiy-badiiy asarlarda,³⁶ shuningdek, o'rta asrlarga mansub arab va fors tillarida yozilgan bir qator bitiklar orqali bizgacha yetib kelgan.

Bundan tashqari etnonimiya sohasida shu vaqtga qadar bir qancha ilmiy izlanishlar olib borilgan. Jumladan, turkiy etnonimlarni ilmiy jihatdan o'rganish bilan bir qator rus va Yevropa olimlari shug'ullanishgan. Bular qatoriga N.A.Aristov, L.Z.Budagov, N.N.Muravyov, V.V.Radlov, M.N.Galkin, G.Vamberi, K.Bades kabi olimlarni kiritish mumkin.

XX asrda turkiy, jumladan, o'zbek etnonimlarining tarixi va etnografik xususiyatlari taniqli tarixchi va sharqshunoslardan B.Bartold, L.S.Tolstova, Y.G'ulomov, D.X.Karmisheva, B.Ahmedov, A.Muhammadjonov, K.Shoniyoov va boshqalar tomonidan yoritilgan.

O'zbek etnonimlarini lingvistik nuqtayi nazaridan to'laqonli tadqiq qilingan deyish qiyin. Bu masalaga oid ba'zi ilk kuzatishlar X.Doniyorov, A.Ishayev, A.Otajonovning ishlarida uchraydi. Ushbu olimlarning ishlarida ham etnonimlar, asosan, etnografik va tasniflash nuqtayi nazaridan tadqiq qilingan³⁷.

Yuqoridagi asarlar va nomlari sanab o'tilgan olimlarimizning ilmiy izlanishlaridagi etnonimlar asosida shakllangan toponimlar anchani tashkil etadi. Qabila va urug'lar yashab o'tgan joylar aholi istiqomat qiladigan hudud nomiga ko'chgan va ular bugungi kun qadar yashab kelmoqda. Bularni etnotoponimlar sifatida o'rganib kelmoqdamiz.

Etnonim asosida shakllangan etnotoponimlar toponimikaning bir bo'limi sifatida o'rganilmoqda. Bu esa o'z navbatida, o'zbek nomshunoslik sohasining yanada kengayishiga sabab bo'ldi.

O'zbekistonning boshqa viloyatlari singari Buxoro viloyati hududida ham qadimgi davrlardan boshlab turli xalq, elat va qabilalar istiqomat qilib kelgan. Ma'lumotlarga qaraganda, bu hududda turkiy qavmlarning o'ndan ortig'iga mansub aholi yashagan³⁸. Biz quyida Vobkent tumani misolida qabila va urug' nomlari asosida shakllangan joy nomlarini ko'rib o'tamiz:

Burqut – qishloqning tarixiy nomi. Qo'ri, Tumat kabi bir-biriga yaqin qabilalar hisoblanib, umumiy nom bilan burqut deb atashgan. Tarixchi olim Rashiddinning fikricha, "Burqut" so'zining asli kelib chiqishi Borgujin to'qim so'zidan kelib chiqqan bo'lib, *"daryoning naryog'i"* degan ma'noni anglatgan.

Qipchoq – XVI asrda Shayboniynon bilan kelgan qabilalardan biri. Turkiy qabilalarning yirik bo'g'ini. O'g'iz itbaroq qabilasidan yengilib chekinayotgan vaqtida eri urushda o'lgan bir xotinini to'lg'oq tutib qoladi. Katta bir daraxtning kavagida ko'zi yoriydi. Buni eshitgan O'g'iz xotinga achinib, bolani o'ziga o'g'illikka oladi va ismini Qipchoq deb qo'yadi. Rashiddin fikricha, qipchoq so'zi turkcha "qobiq" so'zidan olinib, hamma qipchoqlar ana shundan tarqalgan emish³⁹.

Nayman – qishloqning tarixiy nomi bo'lib, qadimiy va kuchli qabilalardan biri bo'lgan. X.Doniyorovning ma'lumotlariga qaraganda, Chingizxon davrida naymanlarning boshliqlari Buyruqxon, Tayon va Eniyatlar bo'lgan va shuning uchun ham bu qabilalar bir necha tarmoqlarga bo'lingan.

Qo'ng'iroq – turkiy xalq urug'i bo'lib, Ergunekunga ketganlardan kelib chiqqan emish. Tumanda Yuqori Qo'ng'iroq va Quyi Qo'ng'iroq nomli qishloqlar ham bor.

³⁶ Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Ўзбекистон ССР "Фан", -Т.: 1968 й. 14-б.

³⁷ Марқаев К. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи. Автореферат. –Т.: 2007. 4-б.

³⁸ Қиличев Б. Бухоро этнотопонимлари ва уларнинг этимологик хусусиятлари. Бухоро, 2018.

³⁹ Дониёров Х., Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Ўзбекистон ССР "Фан", -Т.: 1968 й. 21-б.

Bulardan tashqari, Vobkent tumanidan *qatag'on, minglar, pabotisariq, shakarkent, arabon* kabi etnonimlar asosida shakllangan etnotoponimlar ham uchraydi. Bular xususida keyingi ishlarimizda to'xtalib o'tamiz.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, inson borliqdagi narsa-hodisalarga nom qo'ymay yashay olmaydi. Shuning uchun ham onomastikaning har bir obyektini millatning madaniyati va ma'naviyatini, boy lingvistik, etnografik hamda tarixiy xususiyatlarini o'zida mujassam etuvchi qimmatli manbadir. Etnotoponimlarning ilmiy tadqiqi bunday nomlar asosida yotgan lug'aviy birliklarning ma'no mohiyatini to'g'ri anglashga ham yordam beradi.

Adabiyotlar:

1. Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. Т.: “Фан”, 1968, 21-б.
2. Марқаев К. Ўзбек тили этнонимларининг лисоний тадқиқи. Номзод.диссер. автореф. –Т.: 2007. 4-б.
3. Қиличев Б. Бухоро этнотопонимлари ва уларнинг этимологик хусусиятлари. Бухоро университети ахборотлари, 2018 1-сон.
4. Қиличев Э. Ўзбек тили ономастикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2004, 4-б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 10-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2005, 615-б.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик, 3-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2002, 399-б.

Ш.Ш.Улугова (СамДЧТИ, ўқитувчи)

МЕТАФОРА ВАЗИФАЛАРИ ТАҲЛИЛИГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада метафора ҳодисасининг илмий тадқиқида замонавий ёндашувлар, жумладан, метафоранинг семиотик, стилистик, когнитив нуқтаи назаридан назарий ёндашувларлари ақс этган. Метафора когнитив ёндашув доирасида юқори қийматли ҳодиса сифатида баҳоланади. Зотан, метафора инсон тафаккур фаолиятининг ажралмас қисмидир ва у воқелик идроки жараёнида оламда кечаётган воқеа-ҳодисаларни концептуаллаштириш ҳамда категориаллаштиришнинг муҳим воситасидир.

Калит сўзлар: метафора, лисоний ва бадиий метафора, семантик ва стилистик сатҳ, концептуал метафора.

Метафора ҳодисаси қарийб икки минг йилдан буён файласуф, тилшунос, адабиётшунослар ва бошқа фанлар вакиллариининг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Аммо метафора бажарадиган вазифалар моҳияти фақат 20-асрнинг олтинчи йилларига келиб махсус ўрганила бошланди. Чунки шу даврда метафора илмий тадқиқида янги ёндашувлар жорий қилина бошланган эди. Метафора ҳодисаси тадқиқини бевосита илмий билиш назарияси билан боғлиқ ҳолда ўрганишга биринчилардан бўлиб америкалик мантиқшунос М. Блэк киришди. Метафора назариясига “focus” ва “frame” тушунчаларини татбиқ этган М. Блэк, қисман А. Ричардс хулосаларидан фойдаланган ҳолда, “interaction approach” интеракцион (ўзаро таъсир) ёндашув таҳлил услубини ишлаб чиқди. Мазкур ёндашув доирасида метафоранинг сўзлар бирикуви тилнинг сиртки сатҳидан кўра чуқурроқ жойлашган ботиний сатҳда фаоллик кўрсатадиган ҳодиса эканлиги исботланди (Блэк, 1990: 153).

Маълумки, метафора онгда кечаётган ижодкорлик жараёни маҳсулидир. Инсоннинг онгли ижодкорлиги, ўз навбатида, атрофдаги воқелик ҳақида чексиз билим соҳиби бўлишга йўналтирилган. Метафора ҳодисаси таҳлиliga семиотик ёндашув усул ва амалларининг жалб қилиниши ушбу ҳодисанинг лисоний тафаккур фаолият ботинида сақланадиган “қора нуқталари”ни равшанлаштиришга йўл очади.

М.Миртожиев метафора турларини ажратиш муаммосига тўхталиб, бундай тасниф, биринчидан, ўхшатиш белгиларига асосланиши ва, иккинчидан, ҳосила маъно юзага келиш сабабларини аниқлашга йўналтирилиши лозимлигини уқтиради. Олим, немис тилшунослари

ажратишган метафоранинг персонификация, символизация, аллегория, синестезия кўринишларини санаб ўтиб, улар қаторига оддий метафорани ҳам қўшиб қўяди (Миртожиев, 2010: 89).

Кўринадики, М.Миртожиев метафоранинг ҳар қандай тури ҳосила маъно референтини ҳосил қилувчи маъно референтига ўхшатиш, қиёслаш орқали содир бўлишини эътироф этади. Г.Н. Скляревская айтаётганидек, метафора таҳлилига ёндашувлар фарқ қилишига қарамадан, лисоний ва бадий метафоранинг иккита алоҳида соҳа–семасиология ва стилистик тадқиқ объекти сифатида мавжудлиги ҳақиқатдир. Метафоранинг ушбу икки тури ўртасидаги фарқ айниқса уларнинг луғавий маъноси инобатга олинганида яққол кўзга ташланади. Лисоний метафора семантик алоқаларга эркин киришадиган алоҳида ёки мустақил луғавий бирликдир. Бадий метафора аксарият ҳолларда контекстга боғлиқ ҳолда юзага келади ва шу сабаб мустақил луғавий бирлик маънога эга эмас (Скляревская, 1993: 30).

Ушбу икки турдаги метафоранинг ўзаро фарқи метафоранинг семантик сатҳида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир бадий метафора ўзига хос ва ноёбдир, лисоний метафоранинг лексик маъносини эса қисмларга ажратиш ва схемалаштиришнинг имконияти мавжуд.

Кейинги йилларда метафоранинг яна бир тури – когнитив метафора ҳодисаси атрофидаги баҳслар тобора авж олмакда. “Когнитив терминлар қисқача луғати”да метафора концептуаллашув шаклларида бири сифатида таърифланади. Луғат муаллифларининг фикрича, метафоранинг ҳосил бўлиши “янги тушунчани шаклланиши ва ифодаланишини таъминловчи когнитив жараён” (Кубрякова, 1996: 58).

Когнитивистлар ўз ишларида метафоранинг концептуал ҳодиса эканлигини ва у орқали тафаккур жараёни кечишини кузатиш мумкинлигини исботлашни ўз зиммаларига оладилар.

Америкалик олимлар Ж. Лакофф ва М. Жонсон томонидан яратилган концептуал метафора назарияси метафора ҳодисаси назарий таҳлилига қўшилган катта ҳиссадир. Мазкур назарияга биноан метафора-оддий лисоний ҳодиса бўлиб қолмасдан, балки кундалик концептуал воқеликдир, зотан биз кўпчилик ҳолатларда бирор нарса ҳақида фикр юритаётганимизда бошқа нарса-ҳодисаларнинг шаклу-сиймоси кўз ўнгимизда туради. Оқибатда, семантик кўчимлар юзага келиб, шакл ва мазмун ассиметрияси фаоллашади. Америкалик олимлар изидан бораётган тадқиқотчилар концептуал метафорани “мўлжал худуди – мақсад худуди” схемасида тавсифлашни маъқул топмоқдалар.

Адабиётлар рўйхати

1. Блэк М. Метафора // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – С. 153-172.
2. Кубрякова Е.С. и др. Краткий словарь когнитивных терминов. – М.: Изд-во МГУ, 1996. – 245 с.
3. Миртожиев М. Семасиология. – Т.:Мумтоз сўз, 2010. – 288б.
4. Скляревская Г.Н. Метафора в системе языка. – СПб. Изд-во СПб.у-та, 1993. – 152 с.

F.Sadinov (SamDCHTI, o'qituvchi)

VETERINARIYA TERMINLARI SHAKLDOSHLIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya: Maqolada terminologiyada omonimiya hodisasi xususida fikr yuritilgan. Jumladan, veterinariya terminlarining boshqa sohalar hamda o'ziga tegishli tarmoqlararo omonimik munosobatga kirishuvi masalalari yoritilgan.

Kalit so'z va birikmalar: veterinariya, terminologiya, termin, omonim, sheva.

Ma'lumki, barcha terminologik tizimlar qatori veterinariyada ham omonimik xususiyat mavjud bo'lib, bu birinchi galda ularning ikki va undan ortiq soha terminologik tizimiga tegishli tushunchalarni anglatishida namoyon bo'ladi. Masalan, morfologiya termini tibbiyot va veterinariyada deyarli bir xil ma'noda qo'llansa-da, botanika va tilshunoslikda esa butunlay boshqa sohalarni anglatadi.

Morfologiya [yun.morphe –shakl+logos – ta’limot]

1. Odam, hayvonlar va o’simliklar organizmining shakli va tuzilishini o’rganadigan fanlar majmuyi. Eksperimental morfologiya. Odam morfologiyasi. O’simlik poyasining morfologiyasi. Bakteriya morfologiyasi.

2. tlsh. Til tizimining bir o’z doirasida grammatik ma’nolarni ifodalash vositalarini qamrab oluvchi qismi.

3. tlsh. Grammatikaning so’z tuzilishi (tarkibi)ni, so’z doirasida grammatik ma’nolarning ifodalanishini, so’z o’zgartiruvchi shakllarni, shuningdek, so’zlarning so’z turkumlari bo’yicha guruhlanishini o’rganuvchi bo’limi; so’z shakllari haqidagi ta’limot. O’zbek tili morfologiyasi. Fe’l morfologiyasi.[1.,616].

NefritI [yun.nefhros- buyrak] tib. Buyrakning, eng avvalo, buyrak tugunchasining yallig’lanishi.

Nefrit II min. Yashil yoki oq rangli tig’iz kristall mineral (Nefritning mayda toshlari buyrak shaklida bo’lganligidan ushbu mineral shunday ataladi) [2., 35].

Veterinariya terminlariga xos omonimik xususiyat nafaqat boshqa terminologik sohalar bilan bir qatorda aynan soha bo’g’imlariga oid terminlarga xos ekanligini materiallar tahlilida namoyon bo’lishiga ham guvoh bo’ldik.

Quyida veterinariya terminologik tizimiga oid terminlarga xos bo’lgan omonimik xususiyalar xususida fikr yuritishga harakat qilamiz.

OQSIL I biol. Hayvon va o’simliklar organizmining eng muhim tarkibiy qismini tashkil etgan, tarkibida azot bo’lgan murakkab organik modda. *Oqsil hujayralar tuzilishi uchun zarur bo’lgan moddadir.* N.Ismoilov, Kasallarni parvarish qilish. *Non mahsulotlari tarkibida oqsil, turli mineral moddalar va vitaminlar bo’lishi muhim ahamiyatga ega. “Fan va turmush”. Ushbu guruh vositalari (burishtiruvchi moddalar) yallig’langan shilliq pardalarga ta’sir ko’rsatishi natijasida to’qima oqsillari hamda suyuqlik kaogulatsiyaga uchratadi va albuminatlar hosil qiladi* [6., 123].

2 Tovuq tuxumining oq moddasi. *Ayol tuxumni chaqdi. Yutoqib oqsilni so’rdi. Keyin tuxumdagi teshikni barmog’i bilan kengaytirib, sarig’ini yutdi. “Yoshlik”. Buning uchun tuxumning oqsil qismidan sarig’i ajratib olinadi-da, suv bilan aralashtiriladi.* Gazetedan.

OQSIL II Og’iz shilimshiq pardalari, yelin, teri va tuyoqlar orasining aftozli zararlanib, pufaklar va eroziyalar paydo bo’lishi bilan namoyon bo’ladigan, juft tuyoqli hayvonlarga xos o’tkir, juda tez tarqaluvchi yuqumli kasallik. *Qoramol, echki, qo’y, cho’chqa va yovvoyi kavsh qaytaruvchi hayvonlar oqsil bilan ko’p kasallanadi. Bir tuyoqli hayvonlarga oqsil yuqmaydi* [5., 376].

Ushbulardan oqsil terminining omonimlik bilan bir qatorda ko’p ma’ nolilik xususiyatiga ham ega ekanligini ko’rishimiz mumkin.

Oqsil terminining shevalarga xos so’zlashuv nutqida bir qancha fonetik variantlari ham mavjud: oqsim, ovsil, osil kabilar.

CHECHAK I Filtrlanuvchi viruslar tomonidan qo’zg’aladigan, qishloq xo’jalik hayvonlari, ayrim tur parrandalar hamda odamlar kasallanib intoksikatsiya, isitmalash, teri va shilliq pardalarda toshmalar, yiringli tugunchalar paydo bo’lish bilan namoyon bo’ladigan, asosan qishda uchraydigan o’tkir o’tuvchi yuqumli kasallik. *Chechak bilan qo’y, echki, cho’chqa, qoramol, tuya, otlar, qushlardan tovuqlar, kurka va kaptarlar kasallanadi. Lekin chechak kasali bilan ko’proq qo’y, echki, cho’chqa va qushlar og’riydi* [5., 379].

CHECHAK II Tabiiy ravishda o’sadigan gulli o’simlik; gul. *Rango-rang kapalaklar chechaklarning xushbo’y hididan mast.* M.Osim, Karvon yo’llarida. *Shamollar ichida men ham bir shamol, Chechaklar atridan men ham sarmastman.* A.Oripov [4.,477].

MANQA I Asosan surunkali o’tishi, shilimshiq qavatlar, teri hamda ichki organlarda kazeoz chirishiga moyil bo’lgan tugunchalarni, yaralarning paydo bo’lishi bilan namoyon bo’ladigan toq tuyoqli hayvonlarga xos yuqumli kasallik. *Manqa bilan kasallangan mollar yo’qotiladi. Shuningdek, kasallikning oldini olish va u bilan kurashga ko’plab mablag’ sarflanadi. Manqa bilan odamlar ham kasallanadi* [5., 404].

MANQA II Dimog'ida gapiruvchi. *Shu payt Eshon machitdan manqa manqa so'fining pang ovozi eshitildi.* H. G'ulom, Toshkentliklar.

2 shv. Mishiq[1., 540].

DABBA I ot Ichki a'zolarining o'zi joylashib turgan bo'shliqdan shu bo'shliq devori orqali tashqariga turtib chiqishi yoki pastga – moyakdonga tushishidan iborat kasallik; churra. *Dabbani operatsiya qilish uchun juda ko'p usullar taklif etilgan. Bular dabbaning xususiyatlari va hayvonning turiga qarab belgilanadi*

[5., 297].

2 sft Shunday kasallikka chalingan, muhtalo bo'lgan odam yoki jonivor. *Dabba odam. Dabba ot.*

3 ko'chma Sudralgan, yurishmay qolgan ish, kasod bo'lgan mol; dangasa va ishyoqmas odam va shu kabilar haqida. *Nima balo dabbamisan, yotganing yotgan. Dabba mol. Bu hafta bozor dabba.*

DABBA II Juvozkashlarning charmdan yoki metaldan yasalgan va yog', umuman, suyuqlik quyib ichadigan idishi [3., 534].

BO'KA I Ba'zi hasharotlarning tuxumidan chiqadigan, qo'shqanotlilar turkumiga mansub qurt (o'qaloq); hayvonlarning terisi ostida, oshqozonida, burnida parazitlarcha yashab yetiladigan, qo'shqanotlilar turkumiga mansub hasharotlarning umumiy nomi. Qo'y bo'kasi. Qoramol bo'kasi. Hayvonlarning ko'pchiligi teri butunligini buzadi va uning sanitariya jihatidan sifatini yomonlashtiradi, sut va go'sht sifati ham pasayadi. Masalan, qoramollarning bo'ka (ovod) kasalligida. Veterinariya farmakologiyasi. Men yetib borgunimcha, o't chimdib turadi, yetib borganimdan keyin menga bir qarab qo'yadi-da, xuddi sag'risiga bo'ka tushganday yana o'ynoqlab qochadi, - dedi shum bola. G'. G'ulom.

BO'KA II shv. Sayg'oq[3., 406].

Shuningdek, veterinariya terminologiyasiga tegishli bo'lgan manqa, bez, bint, bichmoq, bog'lam, bo'ka, dabba, mushak va shu kabi bir qator terminlar qo'llanishida ham shakldoshlik xususiyatlari o'ziga xos ichki qonuniyat asosida yuzaga kelganligidan dalolat berib turibdi.

Xullas, veterinariya terminologik tizimda omonimiklik o'ziga xos tarzda yuzaga kelishi natijasida nafaqat boshqa sohalar, balki uning o'zaro ichki bo'linmalari doirasida ham yuzaga kelishini tadqiq etish terminologiya fani oldidagi muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Adabiyotlar

1. Ўзбек тилинг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд.- Тошкент: “ О‘zbekiston nashriyoti”, 2020.

2. Ўзбек тилинг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд.- Тошкент: “ О‘zbekiston nashriyoti”, 2020.

3. Ўзбек тилинг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд.- Тошкент: “ О‘zbekiston nashriyoti”, 2020.

4. Ўзбек тилинг изоҳли луғати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд.- Тошкент: “ О‘zbekiston nashriyoti”, 2020.

5. Шопұлатов Ж. Ветеринария асослари.- Тошкент “Меҳнат”, 1993 .

6. Salimov Y. Veterinariya farmakologiyasi. - Toshkent: “Noshir”, 2019.

D.Sh.Norkuziyeva (SamDU, tayanch doktorant)

BADIIY ADABIYOTDA ZOOMORFIZMLARNI QO'LLANILISHINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada badiiy adabiyotda zoomorfizmlar va ularning uslubiy-semantik xususiyatlari, hayvon obrazlarining turli xalqlar madaniyati va adabiyotida tutgan o'rni hamda ahamiyati misollar orqali tahlil qilingan va yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: zoomorfizm, badiiy asar, havvon nomlari, metafora, frazeologik birlik, mifik dunyoqarash, obraz, tasavvur.

Kirish. Zoomorfizm – san’atda yoki adabiyotda hayvon nomlarini va xususiyatlarini inson xarakteri nuqtayi nazaridan qo’llanilishiga aytiladi. Bu leksikologik termin yunon tilidan olingan bo‘lib, “zoo” - hayvonot, “morfizm” - shakl ma’nosini anglatadi. Zoomorfizmlar orqali inson qiyofasiga murojaatning o‘ziga xosliklariga urg‘u berilgan bo‘lib, asosan inson qiyofasi va xarakter xususiyatlarini ochib berishda ba’zi bir hayvon nomlaridan foydalanishgan. Ibtidoiy tuzum va undagi dunyoqarash shakllangan davridanoq insoniyat tabiat va nabobat dunyosiga qiziqish va qo‘rquv bilan munosabatda bo‘lishgan. Undagi totemistik munosabatlar ko‘ra arslon, yo‘lbars, sher, qoplon va lochin, burgut, qirg‘iy kabilar dovyuraklik, mardlik, oliyjanoblik timsollari sifatida tasvirlangan bo‘lsa, qora quzg‘unlarni esa pastkashlik, qonxo‘rlik, timsollari sifatida tasavvur qilishgan. Ular orqali inson qiyofasini ochib berishda tilda bir qancha imkoniyatlar mavjud. Hayvon obrazlari orqali inson qiyofasini aks ettirish, ularning xarakterlarini ochib berishda tildagi so‘z boyligining ahamiyati yanada ortadi.

Asosiy qism. Insonlar qadim zamonlardan beri tabiatdagi hayvonot va jamiki jonivorlar bilan juda yaqin munosabatda bo‘lishgan. Bundan ko‘zlangan asosiy maqsadlar shundan iborat ediki, hayvonlar bir necha ming yillardan beri bashariyat ahli uchun kundalik turmushda va mehnat jarayonida asosiy ko‘makchi bo‘lib kelmoqda. Bundan tashqari hayvonot dunyosi insoniyat uchun asosiy ozuqa manbai hisoblanadi. Insoniyatda ong rivojlana boshlaganidan buyon hayvonlar ov qilish jarayonida asosiy ko‘makchi bo‘lib kelgan. Bu jarayon esa insonlardagi hayvonlar olamidagi sir-sinoatlarni to‘liq egallashga, ulardagi mehnat qobiliyatini rivojlantirishga hamda qiziqishini ortib borishiga sabab bo‘lgan. Yovvoyi hayvonlarga nisbatan qanday munosabatda bo‘lish ko‘nikmalari shakllantirilishi asnosida uy hayvonlarni qo‘lga o‘rgatishga doim ehtiyoj ortib borgan.

Badiiy adabiyotning ko‘plab namunalari uslubning ta’sirchanligini syujetlar salmog‘ini kengaytirish va kitobxon e’tiborini tortirish maqsadida ko‘plab hayvonlar xarakterlari va ularning nomlaridan foydalanib kelishiga sabab bo‘lgan. Jumladan, ayyor odamlarni tulkiga, ahmoq, landovur odamlarni bo‘riga, ayyor shu bilan birga o‘ziga yarasha dono odamlar esa ilonga, beg‘am betashvish hayotda faqat rohatda yashovchi odamlarni esa ayiqqa xos xislatlar va nomlar bilan bayon qilgan holda o‘xshatishib kelinadi. Shundan kelib chiqib aytish mumkinki, bu hayvon shakllarining har biri asar matnida o‘ziga xos uslubiy vazifani bajargan. Shuni alohida ta’kidlash kerakki, salbiy xulq-atvorga va xarakterga ega bo‘lgan insonlar doimo yirtqich va vaxshiy hayvonlarga, ijobiy va ezgu fazilatli insonlar esa har doimo uy hayvonlariga o‘xshatib tasvirlangan.

Badiiy adabiyot va san’atda hayvonga xos xislatlarni odamlar xulq-atvori va xarakter xususiyatlaridan kelib chiqib tasvirlash mumkin. Tarixdan ma’lumki, qadimgi davlatlarda ba’zi xudolar hayvon shaklida tasvirlangan, bunday qarashlar nafaqat san’atda, balki diniy xarakterli zoomorfizmning vujudga kelishida ham muhim omil bo‘lgan. Har bir xalq o‘zining madaniyati, tarixi mentalitetidan kelib chiqib, hayvonlarga ham turlicha nuqtayi nazar bilan yondashadi. Masalan, qadimgi Misrda Anubis ma’budi odatda yarim inson va yarim shoqol ba’zan esa [it](#) qiyofasida tasvirlangan. Bastet deb nomlanadigan ma’bud esa sherga o‘xshash, yoki ayolning boshi sherning boshi ko‘rinishida gavdalantirgan. Boshqa bir tasvirlarda esa u yonida mushukchalar bilan tasvirlangan, chunki u tug‘ilishning ma’budasi sifatida e’tirof etilgan.

Turkiy xalqlar orasida it obraziga mardlik, oliyjanoblik, sadoqat va vafo timsoli sifatida qaraladi. Masalan, Said Ahmadning hikoyalarida it obrazi alohida estetik bo‘yoqdorlik bilan tasvirlangan. Hatto hikoya epigrafining o‘zidayoq “Jannatga kiradigan o‘n nafar hayvondan biri bu “Ashobi kahf”ning vafodor itidir” [6] kabi jumlar keltirib o‘tilgan. Ko‘plab Yevropa xalqlari madaniyati va san’atida esa aksincha. It bilan bog‘liq frazeologizmlarning ko‘pchiligi salbiy bo‘yoqdorlikka egaligi bilan ajralib turadi. Buni quyidagi salbiy bo‘yoqdorlikka ega bo‘lgan frazeologik birliklarda ham uchratishimiz mumkin. Kein bunter Hund shchaut dich an - Senga hech e’tiborini qaratmaydi yoki senga hech kim ahamiyat bermaydi kabi. Auf den Hund kommen - o‘zini o‘zligini yo‘qotmoq kabi. Lekin turkiy xalqlar orasida salbiy bo‘yoqdorlikka ega bo‘lgan cho‘chqa obrazi ko‘plab boshqa madaniyat vakillari orasida o‘zgacha estetik zavq bilan ulug‘lanadi. It hayvoni obraziga aks sifatida cho‘chqa hayvoni baxt, omad, xotirjamlik ramzi hisoblanadi. Er hat Schwein - Unga hammasi omadli keldi kabi.

Turkiy xalqlarda qadim-qadimdan o'z madaniyati va adabiyotida ko'plab hayvon obrazlari uchraydi. Bundan tashqari echki hayvoni ham qadimgi turkiy va eski o'zbek tilida echki, kechi nomlari bilan qo'llanilib, umumma'noni ifodalovchi so'z bo'lgan. Uloq - echkining olti oygacha bo'lgan bolasi. Sarka - umumxalq tilida bichilgan bir yoshdan oshgan echki bolasiga nisbatan qo'llanilsa, taka – xalq tilida bir yoshdan oshgan bichilmagan echki bolasiga nisbatan ishlatiladi. Nor - erkak tuyaga nisbatan ishlatiladi. Moya - urg'ochi tuyaga nisbatan qo'llaniladi. Lo'k - og'ir yuk ko'tara oladigan har qanday jinsdagi tuya.

Badiiy asarlarda qo'y obrazi ham juda ko'p keltiriladi. Jumladan u badiiy asarlarda yuvoshlik, xotirjamlik timsoli sifatida gavdalanadi. Insonlarga nisbatan ham qo'y so'zi turli xil ko'chma ma'nolarda ishlatiladi. Umumxalq tilida hanuz qo'y nomlari jinsiga, yoshiga, rangi-tusiga qarab farqlanadi. Ya'ni tilda ularning har birining o'z nomi bor. Qo'chqor - ikki yoshdan oshgan bichilmagan erkak qo'y. Bu so'z turkiy tillar tarixida qadimdan ishlatilib, M.Koshg'ariy uning chbinar, ko'chbinar shakllarida ishlatilgan o'g'uzcha so'z ekanligini ta'kidlaydi [3]. Shuningdek, umumxalq tilida pichma atamasi bichilgan erkak qo'yga nisbatan ishlatilsa, ishshak atamasi ikki yashar qo'yga nisbatan ishlatiladi. Turkiy tillar tarixida qo'zu, qo'zi [3] tarzida qo'llangan atama hozir umumxalq tilida qo'zi shaklida ishlatilib kelinadi.

Xalq og'zaki ijodiyotida ham hayvonlar obrazi mifik dunyoqarash elementlari aks ettirilgan. Masalan Alpomish dostonida ot, tuya, g'oz kabi hayvonlar totemizm tushunchalari sifatida qaralgan. Dostonlarning ibtidoiy va ilk feodal og'zaki ijodi bilan aloqadorligini yana bir karra tasdiqlaydi. Zero, bizgacha yetib kelgan yozma manbalarning guvohlik berishicha, zoonimlar turkiy xalqlar turmushida va badiiy ijodida metaforik qo'llanilishi tufayli shaxsning tengsiz kuch-qudratini, jasoratini ifodalovchi vosita bo'lishi bilan bir qatorda, shaxs ismlari, ismlarga qo'shilgan holda ijtimoiy mavqe bildiruvchi belgi sifatida ham keng qo'llangan *bo'ri, sirtlon, tulki, sher, yo'lbars, to'ng'iz, ayiq, fil* va boshqalar shular jumlasidandir. Bunday so'zlar doston matnida xalq baxshisining ijro jarayonidagi bayonga mos yoki epik qahramon nutqida metaforik ma'noni ifodalashi orqali hosil qilingan. Xalq dostonlari tilida, xususan, Ergash shoir dostonlari tilida uchraydigan badiiy ifoda vositalarining aksariyat qismini yuqorida aytib o'tilgan kabi ibtidoiy tasavvurlar mahsuli sifatida yuzaga kelgan yashirin o'xshatish, ya'ni metaforalar, ochiq o'xshatish, sifatlash (epitet)lar tashkil etadi. Ayni paytda bu ifoda vositalari o'zbek va turkiy epik asarlar tilida ham, dostonlararo keng qo'llanilishiga ko'ra ham epik, uslubiy formulalar va boshqa vositalar singari mushtaraklik kasb etadi.

Xulosa. Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, zoomorfizimlarning badiiy tasviriy ifoda vositasi sifatida qo'llanilishi badiiy asarlar uchun qadim-qadim zamonlardan boshlab an'ana tusiga kirib qolgan. Bu esa badiiy asarning uslubiyatini o'ziga xos jihatlari bilan belgilanadi. Badiiy adabiyotda insonga xos xarakter va xususiyatlarini hayvonlar obrazi orqali tasvirlanishi asarga estetik zavq bag'ishlaydi hamda uning ta'sirchanlik darajasini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Djumabayeva J va boshqalar. Doston matnidagi zoomorfizmlar va ularning uslubiy xususiyatlari. "Oriental Art and Culture" scientific-methodical journal. 2020. 138 b.
2. Marufova Z. O'zbek mumtoz she'riyatida zoonimlar vositasida go'zallik ifodalash. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Scientific journal. 309 b.
3. M.Koshg'ariy. Devonu lug'otit turk. III tomlik. T. – 1960. – I tom. 311 b.
4. Madvaliyev A va boshqalar. O'zbek tilining izohli lug'ati. "O'zbekiston nashriyoti". Toshkent – 2021.
5. Salimova Z. Turk tilida zoonim va fitonimlar orqali inson qiyofasiga murojaatning o'ziga xosliklari. "Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences" Scientific journal. 246 b.
6. <http://tafakkur.net>

SUBEKTIV BAHO FORMALARIDA PRESSUPOZITSIYA

Annotatsiya: Maqolada o'zbek tilida ayrim subektiv baho formalarining pragmatik vazifa bajara olishi, pressupozitsiyaga ishora qilishi va gaplarni semantik murrakblashtirishi misollar yordamida batafsil tushuntirilgan.

Kalit so'zlar: Subektiv baho, pressupozitsiya, affiks, ottenka, kontekst, konstruksiya.

O'zbek tilshunosligida til birliklarini pragmatik yo'nalishda tadqiq etish muammosiga ilk bor o'tgan asrning 80-yillarida e'tibor qaratildi va bu sohada ayrim fikr-mulohazalar bildirildi.⁴⁰ Keyingi yillarda o'zbek va umumiy tilshunoslik doirasida pragmalıngvistikaning nazariy masalalari, o'rganish obekti va predmeti masalasiga munosabat bildirildi, o'zbek tilidagi ayrim til birliklarining pragmatik xususiyatlarini o'rganishga oid tadqiqot ishlari yuzaga keldi. Hozirgi kunda o'zbek tilshunosligida subektiv baho formalarining semantik, stilistik xususiyatlari, sintaktik imkoniyatlari, sinonimiyasi kabi masalalar maxsus o'rganilgan. Ammo, subektiv baho formalarining gapda pragmatik vazifa bajarishi, jumladan, presuppozitsiyaga ishora qilishi va gapni semantik jihatdan murrakblashtirishi masalasi alohida tadqiqot obyekti bo'lgan emas. Bu holat o'zbek tilshunosligida subektiv baho formalarining pragmatik vazifasini aniqlash muammosini o'rta qo'yadi. Til birliklarini pragmatik yo'nalishda tadqiq etish esa asar yoki matn mohiyatida o'quvchiga bevosita ko'zga tashlanmaydigan, faqat nutqda yuzaga chiquvchi ichki imkoniyatlarini aniqlashga yo'l ochdi. Natijada til birliklarining nutqiy vaziyat bilan bog'liq holda reallashuvchi pragmatik vazifalarini aniqlash muammosi yuzaga keldi. Subektiv baho formalarining pragmatik xususiyatlarini o'rganishda esa asosan sifatlarda va ot so'z turkumiga oid ayrim subektiv baho ifodalovchi so'zlarda yuzaga chiquvchi presuppozitsiya hodisasini o'rganish talab etiladi. Bilamizki, subektiv baho formalari asosan ot va sifatlarga qo'shilib kelib, so'zlovchining obektiv borliqqa, tasvirlanayotgan predmetga nisbatan yoki o'z nutqiga o'zi tomonidan beriladigan ijobiy yoki salbiy munosabatini ifodalaydi. Hozirgi o'zbek tili grammatikalarida subektiv baho formalari nomi bilan, asosan, ot so'z turkumi tarkibidagi erkalash va kichraytirish qo'shimchalari, shuningdek, sifat so'z turkumi tarkibidagi modal munosabatni ifodalovchi so'zlar o'rganilib kelinmoqda. Masalan, bolagina, qizcha, onajon, yaxshi-yomon, chiroyli-xunuk, odobli-odobsiz v.h.k. Shuningdek, B.O'rinboyevning aytishicha murojaatda qo'llanuvchi bolam, bo'tam, arslonim, bekam, jonim, oyim, chirog'im, qo'zim kabi so'zlarga qo'shilgan egalik affikslari so'zlovchining asosiy stilistik maqsadi, ya'ni egalik ma'nosiga xususiy ottenka kiritish bilan nutqning emotsional-ekspressiv qiymatini oshiradi.⁴¹ Yuqorida keltirilganlardan tashqari R.Qo'ng'urovning qayd etishicha, ba'zan maxsus subektiv baho affikslaridan boshqa affikslar ham kontekstda o'zi qo'shilib kelgan negiz bilan bog'liq ravishda so'zlovchining obektga bo'lgan modal munosabatini bildirishi mumkin.⁴² Bunga misol tariqasida badiiy adabiyotlarda keltiriladigan g'uncha, qo'zi, bulbul, chiroq, jon so'zlarini ko'rsatgan. Gapda ba'zan aynan shu so'zlarni qo'llash orqali esa pressupozitsiya hodisasi yuz berishi mumkin. Presuppozitsiya gapning vaziyat, kontekst hamda so'zlovchi va tinglovchilarning oldindan ma'lum bo'lgan umumiy bilimlari kabi elementlarni o'z ichiga oluvchi hodisadir.⁴³ Ma'lumki, presuppozitsiya til birligining nutqiy vaziyat, matn, til egalarining nutq obyekti haqidagi umumiy bilimlari bilan bog'liq xususiyatlarini yashirin yo'l bilan namoyish etuvchi lingvistik hodisa bo'lib, subektiv baho formalarida muayyan tashqi va ichki omillar ta'sirida yuzaga chiqadi. "Presuppozitsiya gapda ishtirok etayotgan bo'laklar orqali ifodalangan ma'no emas, balki zohiriy ma'no ostidagi qo'shimcha-botiniy ma'no", degan edi U.Rahimov "O'zbek tili va adabiyoti" jurnalida e'lon qilingan "Tagma'no va presuppozitsiya" maqolasida. Ko'pincha

⁴⁰ Нурмонов А. Кўмакчили конструксиялар пресуппозитсияси // Ўзбек тили ва адабийоти. - 1986. - №6. - б. 42-45

⁴¹ Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. Тошкент: Фан 1980, 35-б.

⁴² Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. Тошкент: Фан 1980, 35-б.

⁴³ Mamarajabova Z. O'zbek tilida sifatlarning konnotativ ma'nolari: filol.fan.nom.avtoref.-Toshkent.-2004.-20 b.

pressupozitsiya hodisasi ayrim sifat so'z turkumiga oid subektiv baho ifodalovchi so'zlarda yaqqol ko'zga tashlanadi. Quyida shunday so'zlarga misollar keltiramiz.

Lekin kampirni ranjitish yo'q-shart shu. O'g'li tufayli ko'ngli yarim o'zi. Ammo-lekin, tilla kampir-da. (E. Azam "Ko'k eshik") **Tilla** leksemasi gapda ko'chma ma'noda bo'lib, ijobiy bo'yoqdorlikni kuchaytirish ma'nosida qo'llangan. Sifat so'z turkumiga oid so'z. Bunda kampirning yaxshiligi, ochiq ko'ngilligi, boshqa kampilardan juda xushmuomala va mehribon ekanligi bilan ajralib turishi kabi pressupozitsiyani ifodalagan.

Kecha kinoteatrda dahshat kino ko'rdim. (So'zlashuvdan) Aslida, **dahshat** leksemasi salbiy bo'yoqdorlikni kuchaytirish ma'nosida ishlatiladi. Qo'rqinchli, xavfli so'zlari bilan sinonimiyani hosil qiladi. Ammo, bu yerda dahshat leksemasi orqali ma'noli va qiziqarli kino ko'rilganligi ta'kidlanmoqda. **Dahshat** leksemasini qo'llash esa kinoning o'ta qiziqarli bo'lganini kuchli tarzda ifodalash uchun xizmat qilmoqda.

Ot so'z turkumiga oid subektiv baho ifodalovchi ayrim so'zlarda ham pressupozitsiya hodisasini kuzatishimiz mumkin. *Bo'stonimning guli ! Ochilmay so'ngan g'uncham ! Sen o'lguncha men o'lsam bo'lmasmu ?* (O. Yoqubov "Ulug'bek xazinasi") Ushbu gapda esa **gul, g'uncha** so'zlari ijobiy bo'yoqdorlikni kuchaytirgan, ko'chma ma'noda qo'llagan. Shuningdek bo'stonimning guli, ochilmay so'ngan g'uncham deyish orqali ota-onaning jondan aziz farzandidan erta ayrilgani, dilbandining yosh vafot etgani kabi pressupozitsiyani ifodalagan.

Belni mahkam bog'laymiz chirog'im (O. Yoqubov "Ulug'bek xazinasi") Bunda **chirog'im** so'zi ijobiy baho ifodalab ko'chma ma'noda qo'llangan ot so'z turkumiga oid so'z. Asl ma'nosi qorong'ulikni yoritish uchun ishlatiladigan asbob. Lekin yuqoridagi gapda o'zidan keyin uyining chirog'ini yoqib turuvchi farzandi, orqasida qoladigan zurriyoti, davomchisi kabi pressupozitsiyani ifodalagan.

Alisher! Chindanam shersiz, Buyuk sher! Ulug' ishlarni qilmoq istagan er. (Uyg'un. "Tanlangan asarlar") Ushbu gapda **sher** so'zi ijobiy baho ifodalagan va ko'chma ma'noda qo'llanilgan. Bilamizki, sher barcha hayvonlarning shohi hisoblanadi. Bu gapda Alisherni sherga mingzash orqali esa uning ismiga monand shaxs ekanligi, shoirlarning sultoni, to'g'ri yo'l ko'rsatuvchi rahnamosi, xalq manfaatlarini uchun kurashuvchi, adolatli, dovyurak insonligi, yurti ravnaqi uchun ko'plab bunyodkorlik ishlarini amalga oshirgan, masjid, madrasalar qurdirgan xalqparvar shaxs ekanligi kabi pressupozitsiya ifodalangan.

-Kechki kartoshkani chopiq qilamiz. Oqsaqol ko'rsalar xafa bo'ladilar. Kechqurun kelarman. (O'. Hoshimov "Ikki eshik orasi") **Oqsaqol** deganimizda, eng avvalo ko'z oldimizda soqqollari oqargan, yoshi ulug' inson gavdalanadi lekin, bu gapda oqsaqol so'zi ijobiy baho ifodalagan hamda, u insonparvar, odamlar orasida obro'-e'tibor qozongan rahbar, xalqning eng og'ir kunlarida qiyinchiliklarni yengib o'tishga kuch topgan yo'l boshlovchi, donishmand, tajribali, hayotning achchiq-chuchugini tatib ko'rgan, tashabbuskor shaxs sifatida pressupozitsiya ifodalagan.

Xullas, birgina tilla, chirog', sher, oqsaqol so'zlari ortiga yashiringan ma'nolarni yana ko'plab davom ettirish mumkin. Bundan ko'rinib turibdiki, subektiv baho formalari pressupozitsiyaga ishora qilar ekan, albatta, pressupozitsiyaning ifodalanishida muayyan nutqiy vaziyat, nutq egalariining subektiv baho ifodalovchi so'zlar semantikasi haqidagi umumiy bilimlari muhim o'rin tutadi. Quyida subektiv baho ifodalovchi so'zlar ishtirokidagi gaplarda yashirin ifodalanuvchi axborotlarning aniqlanishi subektiv baho formalariining pressupozitsion xususiyatlari uning pragmatik imkoniyatlarini o'rganishda muhim ahamiyat kasb etishini ko'rsatdi. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, o'zbek tilidagi ayrim subektiv baho formalariining pragmatik tabiatini o'rganish asosida ularning gapni semantik jihatdan murakkablashuvi qonuniyatlari ochib berildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Махмудов Н. Пресуппозитсия ва гап // Ўзбек тили ва адабийоти. - 1986. - № 6. - б. 28-31;
2. Mamarajabova Z. O'zbek tilida sifatlarning konnotativ ma'nolari: filol. fan. nom. avtoref.-Toshkent.-2004. - 20 b.
3. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозитсияси // Ўзбек тили ва адабийоти. - 1986. - №6. - б. 42-45;

4. Qambarov G'. O'zbek tilida baho munosabati. Filol.f.n. ... diss. avtoref. , 2008. – 26 b.
5. Раҳимов С. Типология текстообразующих категорий: Семантика. Прагматика. Функция. – Андижан, 1990. – 239 б.
6. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. Тошкент: Фан, 1980. - 168 б.
7. Safarov Sh. Pragmalingvistika. - Toshkent, 2008. -318 b.
8. Safarov Sh. Kognitiv tilshunoslik. - Jizzax: Sangzor, 2006.- 92 b.

Y.Qarshiboyev ((SamDCHTI magistrant))

O'QITUVCHINING O'QUVCHILAR BILAN MULOQOT MADANIYATI.

Annotatsiya. Til ta'limida kompetentsiyaviy yondashuv ta'lim oluvchilarning o'rganayotgan til materiallaridan va olingan axborotlardan o'z hayotiy faoliyatida oqilona foydalana olish, shu tilda o'z fikrini og'zaki va yozma tarzda mustaqil ifodalash va nutqiy vaziyatlarga mos ravishda qo'llay olish ko'nikma-malakalarini tarkib toptirish, ya'ni tilni maqsadli ravishda amaliy qo'llay olish layoqatini shakllantirishdan iborat. Ushbu maqolada aloqa- arlashuv jarayonida kommunikativ qobiliyat va uning tashkil etuvchilari ahamiyati haqida mulohazalar berib o'tilgan.

Kalit so'zlar: kommunikativ kompetentsiya, nutqiy jarayon, pragmatic qobiliyat, nutq vaziyati, nutq aktlari.

Pedagogik faoliyatining sub'ekti-tarbiyalanuvchilarga asosan- pedagog, ota-ona va o'quvchilar jamoasi ta'sir ko'rsatadilar. O'qituvchining shaxsi, bilimi va madaniyati o'quvchilarga ta'sir ko'rsatuvchi asosiy qurol bo'lib hisoblanadi. Agar o'quvchi pedagog shaxsini o'ziga qabul qilmasa (unga hissiy yaqinlik his etmasa), uning ta'siriga berilmaydi, qaysarlik qiladi, uni hurmat qilmaydi. O'quvchi shaxsiga doimo ijobiy-axloqiy ta'sir ko'rsata oladigan kishigina haqiqiy tarbiyachidir. Bunga erishish uchun pedagog o'zining ahloqiy sifatlarini doimo takomillashtirib borishi zarur. Pedagog tomonidan sodir etilgan arzimas bo'lsa-da ahloqsizlik, uning o'quvchilar o'rtasida misqolab yig'ilgan obro'siga jiddiy putur yetkazishi muqarrar.

Pedagogik jarayondagi aloqalar tizimida o'qituvchi bilan o'quvchi o'rtasidagi muomala - munosabatlar katta o'rin egallaydi. Bu jarayonda bola insoniyat asrlar davomida to'plangan bilimlarni axloqiy tajribani egallab oladi. Muallimlik pedagogik jarayonda yetakchi kishidir. Unga yosh avlodni o'qitish va tarbiyalash vazifasi yuklatilgan. SHuning uchun ham o'qituvchiga, uning axloqiy sifatleri xulqiga, o'quvchilar bilan muomalasiga nisbatan alohida, yuksak talablar qo'yiladi. Muallim hayotga endigina kirib kelayotgan barkamol shaxs sifatida shakllanayotgan insonlar- yosh bolalar bilan muloqotda bo'ladi.

Bolalar ta'lim - tarbiya jarayonida umuminsoniy va milliy ahloq normalarini (mezonlarini) o'zlashtiradi. O'quvchi muomala odobini asosan o'qituvchi timsolida anglab oladi. Sevimli muallim bola uchun bir umr ideal, ibrat, namuna bo'lib qolishi ham mumkin.

Respublikamiz o'qituvchilari orasida o'z ishining ustasi, Xalq o'qituvchisi, xizmat ko'rsatgan o'qituvchi deb tan olingan, ota - onalar, yoshlar e'zozlab Ustoz deb ataydigan mo'tabar insonlar ko'plab topiladi. Ular pedagogik ishda fidoyilik ko'rsatib, muallimlik burchini yuksak darajada bajarib, bolalarga bilim berib, ular qalbiga halollik, go'zallik, haqiqat, odob ahloq nurini singdira olganliklari, xushmuomal bo'lganlari uchun ham bunday obro' va hurmatga erishganlar.

Afsuski, hamma muallimlar haqida ham shunday deb bo'lmaydi. O'zining dag'al muomalasi bilan bolaning ko'nglini o'qishdan sovutib, dilini o'rinsiz ranjitadiganlari ham uchrab turadi. Pedagogik tajribada bunga misollar ko'plab topiladi. Bundaylar yoshlar tarbiyasiga, ularning ahloqiga salbiy ta'sir etadilar. Tarbiyaviy ishlarga tuzatish qiyin bo'lgan darajada ziyon yetkazadilar.

Barkamol, ijodkor shaxsni shakllantirishga, tarbiyalashga doir ahloqiy normalar pedagogik etikada ifodalangan. Tarbiyalanuvchiga ijobiy ta'sir o'tkazish shartlaridan biri bolaga bo'lgan ishonch bilan unga nisbatan qo'yilayotgan talablarning birligidadir. By qoida pedagogik amaliyotda ko'p marta sinovdan o'tgan va o'zini oqlagan. Muallimlar, talabalar bilan o'tkazilgan suhbat

natijalari shundan dalolat beradiki, maktabda xushmuomala o'qituvchilar bilan bir qatorda bolalarga xuda - bexuda do'q urib, baqirib muomala qiladigan muallimlar ham uchraydi. Bunday muomala jamiyatda qabul qilingan umuminsoniy va milliy ahloqiy normalarga to'g'ri kelmaydi. Bunday o'qituvchilar bolalar orasida obro' ortira olmaydilar.

Pedagogik jarayon, tarbiya jarayoni, odamlarning tabiati shu darajada murakkabki, muallim ba'zan istasa - istamasa qo'pollik qilishga «majbur» bo'ladi, o'quvchi muallimning o'rinli talablarini bajarmayotgan paytlarida u o'zini tutolmay qoladi. Muallim o'z talablarini, xatto, qo'pollik holatini ham, bolaga yaxshilik qilyapman deb hisoblaydi, chunki bu ishni bolaga bilim berish, uni to'g'ri yo'lga solish, yaxshi odam qilib tarbiyalash uchun qilayotganiga ishonadi. Sa'diy SHeroziynng «Guliston» (Toshkent, 1968) asarining «Tarbiyaning ta'siri bayoni» bobidagi hikoyatlarda; Alisher Navoiyning «Maxbub – ul - qulub» asaridagi «Mudarrislar to'g'risida», «Maktabdorlar to'g'risida»gi maqolatlarida bildirilgan mulohazalar bu fikrimizga hamohangdir.

Inson muloqotda shakllanadi, rivojlanadi va shaxs sifatida namoyon bo'ladi. Ijtimoiy muloqotda ruhiyat taraqqiy etadi va individ o'zini hayotga joriy etadi. Ruhiy jihatdan rivojlangan odamlar bilan muloqotda bo'lish orqali, ilm olishga bo'lgan keng imkoniyatlar evaziga inson o'zining barcha yuksak qobiliyat va sifatlarini egallab borib, shaxsga aylanadi.

Tirik mavjudotlar muloqoti filo- va ontogenezdagi rivojlanadi. Bu rivojlanish jarayonning barcha asosiy tomonlari: mazmuni, maqsadlari va vositalarini egallaydi. Muloqotning filogenetik taraqqiyoti muloqot mazmunining o'zgarishi bilan bog'liq bo'lib, quyidagi fikrlarda o'z ifodasini topadi:

- bir mavjudotdan ikkinchisiga etkaziladigan muloqot mazmunining yangi axborot bilan boyitilishi. Avvalo – bu organizmning ichki, biologik holatlari haqidagi ma'lumotlar; so'ngra – tashqi muhitning hayotiy muhim xossalari haqida axborot. Shundan so'ng muloqot mazmuniga kognitiv xususiyatga ega bo'lgan, ob'ektiv, tirik jonotning xususiy ehtiyojlaridan mustaqil bo'lgan tushunchalar ko'rinishidagi olam haqida bilimlarini ifoda etuvchi axborot kiradi. Bu, endi, inson darajasida, muloqot evolyusion rivojlanishining birinchi ikki bosqichi esa hayvonlar darajasi sodir bo'ladi;

- maqsadlarning boyitilishi o'zaro muloqotda bo'ladigan organizmlar ehtiyojlarining o'zgarishi va rivojlanishi bilan bog'liq: bu ehtiyojlar qanchalik turlicha va yuksak bo'lsa, muloqotning maqsadli nuqtai nazari ham shunchalik xilma-xil va takomillashgan bo'ladi.

Muloqot vositalarining filo- va ontogenezdagi taraqqiyoti bir necha yo'nalishlarda boradi. Birinchidan, bu muloqotchanlik vositalarining maxsus organlari. Masalan. Qo'llarning ajralishi. Ikkinchidan, ekspressiv ko'rinishdagi harakatlar (imo-ishora, mimika, pantomimika)ning rivojlanishi. Uchinchidan, axborotlarni etkazish va kodlashtirishning vositasi bo'lgan belgili tizimlarni kashf etish va qo'llash. To'rtinchidan, insonlar muloqotida qo'llaniladigan axborot etkazish va qayta tuzish, saqlashning texnik vositalarini rivojlantirish va takomillashtirish (matbuot, radio, televidenie, telefon, telefaks, texnik yozuvning magnitli, lazerli va boshqa usullari va h.k.).

Bolaning ruhiy taraqqiyotida ontogeneznining dastlabki bosqichi davridagi uning kattalar bilan muloqoti, ayniqsa, muhim ahamiyatga ega. Muloqotda, avvalo, to'g'ridan-to'g'ri taqlid qilish, keyinchalik vikar o'rganish, so'ngra esa, verbal o'rganish – iborali qoidalar orqali bolaning hayotiy tajribasi orttirilib boriladi. U bilan muloqotda bo'ladigan odamlar bola uchun bu tajribani tashuvchi bo'lib xizmat qiladi va muloqotdan tashqari, boshqa hech qanday vosita yordamida bunga erishib bo'lmaydi.

O'z tadqiqotlarida r.s. Nemov inson muloqoti taraqqiyoti ontogenezi va uning asosiy bosqichlarini ko'rib chiqadi. Uning ta'kidlashiga ko'ra, inson bolasi o'zida odamlar bilan emotsional muloqotga kirishishga bo'lgan layoqatni uch oyligida sezadi (jonlanish kompleksi), bir yoshga etganda esa uning ekspressiyasi shunchalik boyib ketadiki, muloqotning verbal tilini tezda o'zlashtirib olish, tovushli nutqdan foydalanish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ian Tudor. The dynamics of the language classroom. Cambridge University Press 2001
2. J.J.Jalolov, G.T. Mahkamova, Sh.S Ashurov. English Language Teaching Methodology. T-2015. Ps 334, p 14

3. N.Uluqov. tilshunoslik nazariyasi. O'quv qo'llanma . – T.: “Barkamol fayz mediya”, 2016, 192 bet.(18 bet)

*Н.Р.Ягафарова (магистрант Гулистанского
Государственного Университета)*

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ЯВЛЕНИЯ ПРИ ИССЛЕДОВАНИИ ФИТОНИМОВ В РАЗНОСТРУКТУРНЫХ ЯЗЫКАХ.

Аннотация: Статья посвящена изучению фитонимов в лингвокультурологическом аспекте и представляет собой национальную картину мира, которая отражается в семантике языковых единиц через систему значений и ассоциаций слова с особыми культурно-специфическими значениями. Исследование фитонимов в лингвокультурологическом аспекте позволяет получить определенное представление о многообразных языковых явлениях того или иного народа, а также проследить, как внеязыковая действительность преломляется в языке.

Ключевые слова: лингвокультурология, фитонимы, фитонимика, фитоморфизмы.

В наше время вопрос взаимосвязи языка и культуры является одной из наиболее актуальных проблем, исследованием которой и занимается лингвокультурология. Она занимается как комплексным изучением языковой системы в связи с культурой, национальным менталитетом народа, так и частными аспектами национальной языковой картины мира, к которым относятся фитонимы. Язык как феномен национальной культуры народа являлся и будет являться постоянным объектом внимания. Факты языка и феномены культуры, зачастую не поддаются окончательному разграничению, так как изменения в собственно культурной сфере воплощаются в языке – а языковые эволюции активно участвуют в культурных процессах и влияют на них. В последние годы большое значение придается фитонимам. Лингвокультурологическое изучение фитонимов разноструктурных языков становится весьма актуальной темой научных исследований. Фитонимы как один из видов семантической лексики, воплощая в себе определенные характеристики растений, отражают духовный мир людей. Исследование фитонимов в лингвокультурологическом аспекте позволяет получить определенное представление о многообразных языковых явлениях того или иного народа, а также проследить, как внеязыковая действительность преломляется в языке.

Особое внимание исследователей привлекают при этом мотивационно-номинативные поля, экспрессивно отражающие национально-культурные или универсальные особенности изучаемых языков: религиозно-мифологическое происхождение названий растений, сходство с бытовыми предметами или частями тела (человека, животного и т. д.).

Использование названий артефактов в фитонимике в каждом языке проявляется по-разному. В английской фитонимике часто встречается словообразование *lady's* + артефакт: *lady's nightcap* → «букв. женская ночная шапочка» – «выюнок», *lady's purse* → букв. «женская сумочка» – «пастушья сумка», *lady's glove* → букв. «женские перчатки» → «сердечник луговой», *lady-flock* → букв. «женские чулки» и т. д. Это наводит на мысль об особенностях организации женского мира в эпоху королевы Виктории. Для русской фитонимики более характерны такие артефакты, которые относятся к бытовым предметам, используемым в повседневной жизни: *пастушья сумка*, , *крест-трава*, *венерин башибачок*, *метла*, *юбочка*, *волчье сито*, *гребешок*, *царская свеча* и т. д.

В узбекском языке, как и в русском, часто встречаются фитонимы с бытовыми артефактами, широко используемыми в повседневной жизни узбеков. Эти предметы быта в основном ассоциируются с жизнедеятельностью кочевых племен, занимающихся скотоводством, являющимся неотъемлемой частью узбекской этнокультуры: *камтирчопон* → букв. «бабушкина шуба» → «триходесма седая»; *чўпонтелпак* → букв. «пастушья

шапка» → «мелкоголовник пластинчатый»; *келин супирги* → букв. «веник невесты» → «двучленник пузырчатый»; *қўнгизтароқ* → букв. «расческа жука» → «ворсянка».

Сходство растений с частями тела человека или животного является мощным мотиватором в наименованиях тысяч растений. Это объясняется тем, что мир людей, животных и растений тесно связан между собой. Именно поэтому в лексике рассматриваемых языков есть множество фитонимов, в составе которых имеются компоненты, обозначающие части тела человека или животного, например, англ. *lion's mouth* → букв. «львиная пасть» → «львиный зёв». Здесь сходство в том, что раскрывшиеся цветки напоминают открытую пасть льва, поэтому в русском языке оно тоже ассоциируется с пастью льва; *Blind-man's hand* → букв. «руки слепого человека» → «живучка ползучая». Здесь сходство в том, что растение распускает свои стебли поверх земли, как будто рука слепого нащупывает что-то для получения информации; русс. *анютины глазки* – жёлтые цветочки с чёрной серединкой в центре. Очевидно, здесь есть сходство с глазами девушки, кстати, в английском языке наименование этого цветка также ассоциируется с глазами девушки – *black-eyed Susan* → букв. «черноглазая Сюзан»; *вороний глаз* – травянистое растение с длинным ползучим корневищем и прямым стеблем. В центре один цветок, из которого образуется плод в виде большой чёрной ягоды, напоминающей вороний глаз; *отқулоқ* → букв. «лошадиное ухо» → «щавель конский», листья щавеля очень напоминают лошадиное ухо, в английском языке это растение называется так же, как и в русском языке *horse sorrel* – «щавель конский»; узб. *тирноқ гул* → букв. «ногтевой цветок» → «календула», лепестки цветка похожи на женские ногти. В английской и русской фитономической лексике полная эквивалентность или полное совпадение смысла и компонентов встречается очень часто. Здесь играют важную роль культурологические факторы. При сравнении и сопоставлении фитонимов в русском и узбекском языках выявляется две группы культурологических факторов: универсальные и национально специфичные.

Универсальный культурологический фактор предполагает, что ассоциативный потенциал растения, обусловленный его ролью в фольклорных, религиозных, литературных и других традициях, совпадает в различных культурах. Об универсальных факторах в полном смысле ассоциаций можно говорить лишь в случае их присутствия в неродственных культурах. В рассматриваемой нами семантической группе фитонимов можно говорить, только о значениях, характерных для европейских культур, поскольку наиболее активными источниками таких универсальных ассоциаций являются мифология и традиция античности. В русской культуре является символическое значение таких растений, как *кипарис* «символ печали», *лавр* «символ славы», *мак* «символ сна, забвения» и т. д. В национально специфичном культурологическом факторе встречаются значения, присущие исключительно одной из культур: русской или узбекской. Нередки случаи, когда ассоциативные компоненты, обусловленные культурной традицией, частично пересекаются в двух языках, обладая, тем не менее, своей спецификой. Одним из наиболее ярких примеров такого слияния уникального и специфичного являются деревья.

Например, *дуб* занимает особое место в мифологии сопоставляемых культур: в славянской мифологии с ним преимущественно связаны предания о мировом дереве, он считался священным и связывался с именем Перуна, который добывал из него огонь. Само слово *дуб* первоначально заключало в себе общее понятие дерева. В русской мифологии *дуб* также считался мировым деревом и почитался даже в большей степени, чем в других европейских культурах. Сопоставление национально обусловленной символики *дуба* в современном сознании носителей двух культур показывает, что оно более ярко представлено в русском языке, что объясняется, большим влиянием античной традиции.

Ряд представлений, связанных с миром природы, у разных народов совпадает, например, миф о «мировом дереве», однако наблюдаются значительные расхождения в символическом переосмыслении растений. Одно и то же событие может сопровождаться выбором разных растений, например, *берёза* у русских считается

«чистым» деревом, приносящим в дом здоровье, согласие, поэтому её ставят на Троицу, приближение Пасхи у русских символизирует *верба* (Вербное воскресенье).

Сюда относятся не только частные названия деревьев, но и общие понятия территорий, где растут деревья. Самым частотным названием в этой группе стал «дуб», «яблоня», «травя мурава», «корень», «травя», «береза», «цветок». Цветы отражают общепринятые смыслы о красоте, пробуждении жизни и весне, памяти о детстве, любви, быта. Травы символически обозначают родину и дом.

В узбекской традиции некоторые деревья тоже являются своеобразным символом силы, выносливости и целомудрия, но в этом случае, например, *дуб* заменяется *чинаром* – «платаном восточным», так как дуб не так широко распространён на территории Узбекистана. *Чинар* почитается в узбекских традициях как символ долголетия, мудрости и мужественности. Исходя из вышеуказанных примеров можно утверждать, что «предмет лингвокультурологии определяется как изучение и описание культурной семантики языковых знаков в их живом, синхронно действующем употреблении, отображающем культурно-национальную ментальность носителей языка».

Сравнительно-сопоставительный анализ разноструктурных языков с позиций лингвокультурологии предполагает сравнение особенностей и сходства лексико-семантических компонентов как явление, развивающееся во взаимодействии универсальных и национально специфичных факторов. В свою очередь, национальная специфика в семантике языка является результатом влияния экстралингвистических факторов – культурных и исторических особенностей развития народа. В русском и английском языках фитонимы с компонентами, которые обозначают нечистые силы, например, *devil* → «чёрт, дьявол», встречаются очень часто, а в узбекском языке их почти нет. Отсутствие таких фитонимов объясняется тем, что, согласно узбекской традиции, с точки зрения суеверия и религии упоминание нечистых сил считается неприемлемым. Между тем, понятие «женщина» в рассматриваемых языках представляется по-разному: в английском часто в форме *lady: ladies' tobacco* → букв. «сушеница подорожничколистная», *lady's laces* → букв. «скандикс гребенчатый». Это обусловлено влиянием социального статуса женщин в английской культуре. В русском языке образ женщины представляется в более жесткой форме, например, *баба* → *бабья трава* → *бабьи слёзы* → *бабьи сплетни*. В узбекском языке этот образ представляется в форме келин «невеста» или «невестка», например, *келинбармоқ* – среднеазиатский сорт *винограда*, то же, что «хусайне белый», *келинтили* → русск. «горец ползучий». Понятие невесты как образ женщины ассоциируется с красотой, началом новой жизни и самым важным периодом в жизни узбекской женщины. В русском и английском языках этот сорт *винограда* называется одинаково: *lady's finger* → «дамские пальчики». Также с образом женщины связан названия огурцов, например, *Гулноз, Зилол, Наврўз, Омад*; названия клевера: *Хива, Вахиц*; названия картофеля: *Ақраб, Умид, Диёра, Қувонч, Бақабош, Санта*.

Фитонимы могут иметь несколько лексико-семантических вариантов, выражающих анатомо-физические и физиолого-возрастные характеристики человека. Посредством фитоморфизмов, например, *бутон, персик* даётся общая оценка внешности человека, например, «красивый», «миловидный», характеризуется физиологическое состояние: «свежий», «здоровый» и возраст «молодой». В ряде русских фитоморфизмов реализуются стереотипные представления о разных типах женской красоты. Эталонами яркой красоты являются цветок *роза*, нежной, неброской – *фиалка, берёзка*. Большое число фитонимов используется в устойчивых сравнениях, характеризующих голову человека (*репа, кочан*), глаза (*васильки, вишни, смородина*), кожу (*лимон, персик*), рот, губы (*мак*), щёки (*яблочко*), нос (*картошка*), уши (*лопухи*), волосы (*лён, солома*). Общая оценка телосложения – «некрасивое, негармоничное» – присуща для наименований частей дерева (*бревно, коряга, пень*), грибов (*сморчок, мухомор*) и др., в которых могут актуализироваться и более конкретные коннотации, например, «слишком высокий и худой» (*дубина, жердь, орасина*), «приземистый с короткими ногами» (*колода*), «низкий,

худой, сгорбленный» (*стручок*) и др. Мелиоративные коннотации «стройный» характерны для наименований деревьев: о мужчине – *тополь, ясьень*, о женщине – *берёзка*, рябинка. Стереотипными образами, в которых реализуются физиологические характеристики, являются *огурчик (огурец)* – о здоровом, крепком мужчине; *бутон, персик, ягод(к)а* – о здоровой, цветущей и молодой женщине. Возраст мужчины – «пожилой, дряхлый» – характеризуется посредством фитоморфизмов *гриб, мухомор, пенёк* (часто с определением «старый»). Характеристиками слабого человека независимо от тендерного признака являются (выжатый) *лимон, сморчок, стручок, одуванчик, мимоза, овощ*, в которых актуализируются коннотации по градуальному уменьшению признака «сила»: (выжатый) *лимон* – «слабый, усталый», *одуванчик, мимоза* – «слабый, хрупкий, болезненный», *сморчок, стручок* – «слабый, тщедушный», и *овощ* – «тяжело больной, в вегетативном состоянии».

В качестве социальной характеристики внешности человека в русском языке используется только фитоморфизм – *ёлка* с коннотацией «разряженная» (о женщине); не выявлено фитоморфизмов с функциональными характеристиками.

Вышеизложенный материал показывает, что изучение фитонимов в лингвокультурном аспекте представляет национальную картину мира, которая отражается в семантике языковых единиц через систему значений и ассоциаций слова с особыми культурно-специфическими значениями.

Литература

1. Телия В. Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М., 1996. – 284 с.
2. Хошимхуджаева М.М. Особенности мотивировочных признаков номинации фитонимов в английском и русском языках // Замоначий тилшунослик ва таржимашуносликнинг долзарб масалалари: Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Ташкент, 2014.
3. Хожимхужаева М.М. Оламнинг лисоний тасвирида фитонимлар (инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида). Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 2018. – 54 с.
4. Часовникова А. В. Христианские образы растительного мира в народной культуре. Петров крест. Адамова голова. Святая верба. – М., 2003. – 248 с.
5. Шанский Н. М., Боброва Т. А. Этимологический словарь русского языка. – М., 1995. – 328 с.
6. Шведова Н. Ю. Русский семантический словарь. Т.1. – М.: Азбуковник, 2003. – 714 с.

Z.M.Murtozayeva (SamDCHTI, magistr)

INGLIZ TILIDA ERGASHGAN QO'SHMA GAPLAR VA ULARNING TURLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz tilidagi ergashgan qo'shma gap turlari va ularni shakllantiruvchi bog'lovchilar va bog'lovchi vazifasidagi vositalar haqida ma'lumotlar keltirilgan. Har bir gap turi misollar va namunalar bilan keltirilgan.

Kalit so'zlar: parataksis, gipotaksis, ega, kesim, to'ldiruvchi, aniqlovchi, hol ergash gapli qo'shma gap.

Bugungi kunda tilshunoslik masalalari talqiniga yangicha yondashish dolzarb bo'lib qoldi va buni fanimiz taraqqiyotining hozirgi davrida sintaksisning ikkiga- kichik va kata sintaksisga bo'linishida, so'z birikmasi muammosiga yangicha yondashilayotganida, gapning lingvistik maqomiga o'zgarishlar kiritilishida, qo'shma gaplarning mikromatn sifatida o'rganilishida ko'rishimiz mumkin. Sintaksis gapda so'zlarning birikish yo'llarini, so'zlarning gapdagi o'zaro aloqasini, gap tuzilishini, turlarini, gap bo'laklarini o'rganadi. (G'ulomov A, Asqarova M, 1987; 15)

An'anaga muvofiq qo'shma gap deb atalgan sintaktik qurilmalarning qurulish materiali gap hisoblanadi, ya'ni uning sathida nutq birligi- gap sintaktik faollik oladi, chunki qo'shma gap uning amalda qo'llanishi uchun sintaktik ob'ekt sanaladi. Ana shu jihatiga ko'ra qo'shma gap sodda gaplardan farqlanadi. Bizga ma'lumki, sodda gap til birliklarining (fonema, morfema, so'z) real qo'llanishi uchun ob'ekt vazifasini bajaradi. E. Benvenist to'g'ri ta'riflaganidek, gap harakatdagi tilning hayotidir. Gap orqali til belgilari sistemasi haqida emas, balki muloqot vositasi xususida tasavvurga ega bo'lamiz. Ya'ni muloqotni shakllantiruvchi omil nutqdir. Gap so'z vositasida voqelanadi. Biroq gap nutq birligi so'z esa til birligidir. (E. Benvenist, 1974; 133-139) Bu o'rinda gapni til va nutq birliklarining o'zaro kesishish nuqtasi sifatida tavsiflash mumkin.

Prof. A.G. Rudnevning qayd etishiga ko'ra, qadimgi Grammatik materiallarda, masalan, grek va lotin tillari grammatikalarida gap nazariyasining o'zi bo'lmagan. Mazkur nazariya, gap haqidagi ma'lumot, asosan, XIX asr lingvistikasi adabiyotlarida ko'zga tashlanadi. Ana shu davrga kelib parataktik va gipotaktik (parataxis- teng komponentli qo'shma gap, hipotaxis- tobe komponentli qo'shma gap) sintaktik qurilma tushunchalari ham iste'molga kiritildi va shu bilan birga, gipotaksis parataksis asosida vujudga kelganligi haqidagi nazariya shakllandi. (Rudnev A. G, 1968; 223) Bu davrda parataktik va gipotaktik qurilmalar haqida dastlabki ma'lumotlar vujudga keldi. Xususan, Paul va Berngardlarning tadqiqot ishlarida ko'rish mumkin. Parataksis tushunchasini Paul quyidagicha izohlaydi: "Parataksis deganda, muayyan bir gap ikkinchi gapni izohlashini emas, balki har ikki gap ham bir-birini izohlashini tushunmoq kerak". (Rudnev A. G, 1968; 223) Gipotaksis haqida esa Berngardning fikri quyidagicha: "Sodda gapning qo'shma gapga munosabati so'zning sodda gapga munosabati qanday bo'lsa shundaydir". (Bernhardi A.F, 1805;) Ingliz tili grammatikasida bog'lovchilar alohida o'rin tutadi. Ularning yordami bilan biz qisqa jumalarni va iboralarni uzunroq va mazmunliroq qilib birlashtira olamiz. Bog'lovchilardan to'g'ri foydalanish nafaqat og'zaki, balki yozma nutqni ham yaxshilashga yordam beradi.

Ergashgan qo'shma gaplar gipotaktik qurilmali gaplar deyilishini yuqorida aytib o'tdik va ergashgan qo'shma gaplarning turlari va ularni shakllantiruvchi bog'lovchilarni ko'rib chiqamiz:

Bosh gap va bir yoki bir necha ergash gaplarning birikuvidan tuzilgan gaplarga ergashgan qo'shma gap deyiladi. Ergashgan qo'shma gapni tashkil etgan sodda gaplar bosh gapga ikki usulda bog'lanadi:

1. Bog'lovchi yoki bog'lovchi vazifasidagi so'zlar bilan
2. Ohang bilan

Ergashgan qo'shma gaplar sintaktik vazifasiga ko'ra quyidagi turlarga bo'linadi: ega, kesim to'ldiruvchi, aniqlovchi hol ergash gaplar.

Ega ergash gaplar (Subject clauses) - bosh gap kesimiga ega vazifasida kelgan ergashgan gaplar va ular quyidagi bog'lovchilar orqali shakllantiriladi:

- a. That, if, whether bog'lovchilari orqali

I believe that he can pass the exam with flying colours.

Whether they will come or not depends on circumstances.

b. Who, which, whoever, whatever kabi bog'lovchi olmoshlar va where, when, how, why kabi bog'lovchi ravishlar bilan:

I am looking for a secretary who can use a computer well.

We bought a house which is 200 years old.

Whoever wins the elections will serve only four years.

When is good for us to meet has not been decided.

No one knows why she is afraid of lizards.

- d. Bog'lovchisiz

It is a pity you must keep Idris home from school.

Kesim ergash gaplar (Predicative clauses) - qo'shma gap tarkibida kesimlik vazifasini bajargan ergash gaplardir. Kesim ergash gapli qo'shma gaplarning o'ziga xos xususiyati shundaki, ulardagi bosh gap tarkibida kesimning faqat bir qismi, ya'ni bog'lama fe'l bo'lib, bu bog'lama kesim ergash gap bilan qo'shma ot kesimni tashkil qiladi.

What I am not quite sure about is how you are to get across.

Yuqorida berilgan gapda *how you are to get across* kesim ergash gap vasifasida kelgan, chunki u bog'lama to be fe'li bilan qo'shma ot kesim vazifasini bajargan.

Kesim ergash gaplar bosh gapga quyidagi vositalar bilan bog'lanadi:

1. That, if, whether, as though, as if bog'lovchilari yordamida:

Eliot felt as if *he had no care in the world*.

Kesim ergash gaplar gapda qat'iy o'ringa ega bo'lib, ular doimo bog'lovchi fe'lga ergashib, qo'shma nominal kesim hosil qiladi. Kesim ergash gaplar bilan ishlatiladigan bog'lovchi fe'llarning cheklangan miqdori mavjud:

Eng keng tarqalgan bog'lovchi fe'llar: to be, to look (like), to feel (like), to seem (as if).

Kam ishlatiladigan bog'lovchi fe'llar: to appear, to remain, to sound (as if).

It seemed as if he wanted us to leave.

I felt like I really achieved something.

2. Who, which, what bog'lovchi olmoshlar va where, how, why kabi bog'lovchi ravishlar:

That is what *your husband wants you to think about all this matter*.

The question was how was the matter to be kept quiet.

That was why the boy was not scared to death.

3. Kesim ergash gaplar antisedent shaklda ham kelishi mumkin:

Another thing was they couldn't find a baby-sitter for their baby.

Ingliz kesim ergash gaplari o'zbek tiliga kesim ergash gap sifatida tarjima qilinadi.

Aniqllovchi ergash gap (attributive clauses) – (nisbiy ergash gap deb ham ataladi) ot yoki olmoshni o'zgartiruvchi tobe bo'lakdir.

There is a mountain that we are going to climb.

My blue tennis shoes, which used to my mom's, were under the bed.

Daniel, who was late again, sits next to me in English.

Nisbiy olmoshlar bilan- aniqllovchi ergash gaplar odatda nisbiy olmoshlar bilan boshlanadi (that, which, who, whome, whose) bo'lakni ot yoki olmoshga o'zgartiradi. Nisbiy olmosh ergash gap bilan oldingi gap o'rtasidagi munosabatni ko'rsatadi.

There is the mountain that we are going to climb. (Antecedent- tog'. Bu biz ko'tarilamiz degan gapni oldingi gap bilan bog'lagan.

Aniqllovchi ergash gapni yasashda ishlatiladigan who va whome nisbiy olmoshlari o'rtasida tanlashda olmoshning mustaqil gapda emas, balki tobe gapda qanday qo'llanishiga e'tibor berish kerak bo'ladi:

There are the students who are going. (who- tobe gapning egasi.)

Those are the students for whom I bought the tickets. (whom- ergash gapda to'ldiruvchi bo'lib kelyapti.)

Ba'zan nisbiy olmoshlar tushirilib qoladi ya'ni yozilmaydi lekin gap mazmunidan aniqlash qiyin emas.

Did you find the keys you lost few days ago?

Did you find the keys [that] you lost few days ago?

Nisbiy ravishlar (where, when, why kabilar) ham aniqllovchi ergash gapni yasashda ishlatiladi. Ular tobe gapdagi otga bog'lanadi va gapning fe'lni o'zgartiradi.

That is the reason *why* I could not arrive on time.

Six o'clock was the time *when* we were supposed to be there.

To'ldiruvchi ergash gap (object clauses) – bodh gapning fe'l kesimiga to'ldiruvchi bo'lib keladigan gaplardir.

To'ldiruvchi ergash gaplar bosh gapga quyidagi vositalar yordamida bog'lanadi:

1. That, if, whether kabi bog'lovchilar

She said *that* she would like to learn german language.

He asked me *if* I wanted to have a cup of tea or coffee.

2. Who, which, what, whoever, whatever, whichever kabi bog'lovchi olmoshlar va

when, how, why kabi bog'lovchi ravishlar

I don't know *what* you are talking about.

I ventured on asking *why* he was in such a hurry to get back to town.

You may give *whoever* you like any presents.

To'ldiruvchi ergash gap bosh gapga after, about, before, beyond, for, near, of, as to, except kabi predloglar orqali ham yasalishi mumkin.

Bu holda u predlogli qabul qiluvchi bo'lmagan ob'ektga funksiyasi bo'yicha parallel bo'ladi. Agar bosh gap o'zidan oldingi fe'l yoki sifat-doshga juda yaqin bog'langan bo'lsa (agree, call, comment, connect, listen, insist, be sure, regret) odatda ob'ekt bo'lagidan oldin keladi.

I am not certain of what he did.

I want to be paid for what I do.

Ingliz tilidagi to'ldiruvchi ergash gapli qo'shma gaplar o'zbek tiliga soda gap tariqasida tarjima qilinadi ya'ni ko'p hollarda yoyiq toldiruvchili birikma ko'rinishida bo'ladi.

I know when I am wasting time.

Vaqtimni behuda sarflayotganimni bilaman. Bu gapda - nimani bilaman? – deb savol beradigan bo'lsak, *vaqtimni behuda sarflayotganimni* – deb so'roqqa javob bo'ladi va bu yerda birikmali yoyiq to'ldiruvchini ko'rishimiz mumkin.

Hol ergash gaplar (adverbial clauses) – bosh gap tarkibidagi fe'l, sifat, ravishni xarakterlab, qo'shma gap tarkibida hol vazifasida keluvchi ergash gaplar hol ergash gaplardir.

Anglatgan ma'nosiga ko'ra hol ergash gaplarning quyidagicha turlari mavjud va ularni jadval ko'rinishida ko'rib chiqamiz:

Hol ergash gapning turlari	Hol ergash gapni shakllantiruvchi bog'lovchilar	Qanday so'roqlarga javob bo'ladi	Misollar
Time - payt	When, while, as, after, before, by the time, as soon as, as long as,	When? - Qachon?	While you were reading I was cleaning the house
Place – o'rin joy	Where, wherever, anywhere	Where? - Qayerda?	We met kind people <u>everywhere we went.</u>
Reason - sabab	Since, because, as	Why? - Nima uchun?	<u>Since you're so kind to me</u> , I will help you.
Condition – shart	If, unless, provided that,	biror narsa sodir bo'lishi uchun mavjud bo'lishi kerak bo'lgan shartlarga javob bo'ladi	He won't go to university <u>unless he studies very hard.</u>
Comparison - qiyos	As...as, than, as	to what extent? - Qay darajada?	<i>That restaurant is not <u>as good as it used to be.</u></i>
Consession – to'siqsiz	While, though, even though, albeit, even if, whereas	Qarama-qarshi bayonot beradi	<i>Ali was very popular <u>whereas his brother had more enemies than friends.</u></i>
Manner - holat	Like, as if, as though	How? – qay tarzda?	Guli walked past <u>as if he hadn't seen us.</u>
Purpose - maqsad	So that, lest, in order that	Why? (the intended result) – nima maqsadda?	Walk carefully <u>lest you should fall.</u>

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1.Э. Бенвенист. Общая лингвистика. – М., 1974. –С. 133-139
- 2.Руднев А. Г. Синтаксис современна русскогo языка – М., 1968. –С. 223
- 3.Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Т.: Ўқитувчи, 1987. 15-бет
- 4.Bernhardi A.F. anfangsgründe der Sprachwissenschaft. –Berlin, 1805.

Петросян Неля Валерьевна (СамГИИЯ, старший преподаватель)

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ОРИГИНАЛЬНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ ДЛЯ РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

Аннотация: Данная статья посвящена использованию оригинальной литературы, с целью развития критического мышления учащихся вузов. Как полагают многие учёные, развитие критического мышления на основе аутентичной литературы, положительно влияет на подготовку будущих специалистов.

Ключевые слова: Оригинальная литература, критическое мышление, аналитическое, ассоциативное, логическое, системное мышление.

В процессе глобализации и развития мирового сообщества резко увеличилась потребность в изучении иностранных языков. Современная педагогика нуждается в переосмыслении изменений в образовательном пространстве, произошедших в последние годы и продолжающихся на сегодняшний день. Общество нуждается в качественно новых характеристиках педагогической деятельности. В настоящее время в системе высшего образования наметилась тенденция к развитию критического мышления студентов, поскольку требуются специалисты с аналитическими навыками и умениями, которые могут распознавать и решать проблемы. Конструирование навыков критического мышления формирует аналитическое, ассоциативное, логическое, системное мышление учащихся языковых вузов, с последующим применением и развитием данных способностей в сфере профессиональной деятельности.

Способность логически обосновывать предлагаемые решения конкретной проблемы, анализировать и синтезировать конкретные факты, следуя логическому порядку действий, является приоритетным в профессиональной подготовке будущих специалистов языковой направленности. В связи с этим, возникла острая необходимость использования оригинальной литературы для развития критического мышления учащихся вузов.

Проблема повышения уровня знаний студентов за счёт использования оригинальных текстов интересует педагогов всего мира. Учебный процесс в различные времена менялся в соответствии с требованиями эпохи и уровнем государственных взаимоотношений, однако вопрос о способах совершенствования знаний всегда оставался актуальным. Прогрессивные идеи, представленные в работах Ж.Ж. Жалолова, Г.Т. Махкамовой, Л.Т.Ахмедовой, Ш.С. Алимова, Г.С. Альтшуллера, Л.В. Выготского, Г. К. Селевко, П. Беспалько, М.Н. Гусловой, Н.Д. Гальсковой и других учёных, оказали немаловажное влияние на формирование современной системы образования.

Решение вопроса о роли использования аутентичной литературы для развития жизнедеятельности каждого члена общества основано на осознании феномена образования как достояния личности, как процесса приобщения к культуре и как специального социального института. Образование в значении достояния личности затрагивает систему понятий, представлений, отношений человека, определяющую и направляющую его поведение. Образование как процесс подразумевает степень освоения содержательной части культуры, влияние и взаимодействие личности и всего культурного окружения. Образование с точки зрения специального социального института, будучи составляющей, культурного окружения личности, направляет воздействие системы обучения на формирование и развитие человека.

Современная тенденция развития данной проблемы базируется на кооперации между студентом и преподавателем, разрабатывающими новые стратегии обучения. Современный способ организации образовательно-воспитательного процесса ориентирован на подготовку студента к будущей профессии и жизни в обществе, личности, способной анализировать все события, происходящие в мире, критически рассуждать, и быстро адаптироваться к изменяющимся условиям жизни, сотрудничать с другими людьми, развивать свой творческий потенциал и креативность мышления.

С целью рассмотрения вопроса об использовании оригинальных текстов в обучении, в первую очередь, обратимся к концепту критическое мышление.

Критическое мышление - широко используемый термин, который включает навыки выявления, анализа, синтеза и оценки информации для принятия обоснованных решений [Halpern 2001: 273]. Несмотря на то, что существуют значительные дебаты по поводу интерпретации определения термина критического мышления, критическое мышление было указано в качестве главного приоритета для преподавания и обучения иностранного языка в вузах.

Несмотря на устойчивый интерес к развитию критического мышления в высших учебных заведениях, есть свидетельства того, что студентам не хватает навыков критического мышления и решения проблем, необходимых на современных рабочих местах. Этот недостаток раскрывает тот факт, что преподаватели английского языка не до конца понимают эффективность формирования критического мышления, и не могут использовать задания для его развития на своих занятиях в должной мере.

Наиболее адекватную интерпретацию термину критического мышления излагает Е.И.Федотовская. По мнению исследователя, критическое мышление неотъемлемо связано с рефлексией деятельности обучающихся, и включает следующие характеристики мышления [Федотовская 2005:180]:

- аналитическое мышление (анализ информации, отбор необходимых фактов, сравнение и сопоставление фактов или событий);

- ассоциативное мышление (установление ассоциаций с ранее приобретенным материалом, знакомыми фактами, событиями; установление ассоциаций с новыми особенностями предмета),

- логическое мышление (способность логически обосновывать предлагаемые решения конкретной проблемы и следовать логическому порядку действий при представлении решений),

- системное мышление (способность анализировать объект обучения, проблему и ее характеристики).

Как заявил исследователь, критическое мышление коррелирует с творческим мышлением. Творческое мышление требует реализацию следующих способностей: 1) мысленное экспериментирование на уровне пространственного восприятия; 2) независимое применение знаний для решения новых задач, проблем и поиска новых решений; 3) комбинаторные способности (способность комбинировать ранее известные методы, способы решения проблем новым, комбинированным методом); 4) способности, основанные на прогнозировании (способность предвидеть возможные последствия после принятия решений, устанавливая причинно-следственные связи); 5) интуитивное представление, проницательность (способность проникать в суть проблемы).

Как видно из приведенных характеристик критического и творческого мышления, эти два типа мышления тесно взаимосвязаны. Первое необходимое условие познавательного процесса заключается в способности анализировать факты, требующие объяснения. Студенты с хорошо развитым критическим мышлением могут свободно конструировать вопросы и мыслить нетрадиционно. В то время как для студентов с низкими навыками критического мышления все изложенные события кажутся очевидными, исходя из фактов прочитанного оригинального материала.

Список использованной литературы

1. Федотовская Е.И. Методика развития критического мышления.- М: МГИМО, 2005-260 с.
2. Halpern D.F. Assessing the effectiveness of critical thinking instruction.- The USA: Penn State University Press, 2001.-P.270-286.

U.Muxammadiyeva (SamDCHTI, magistr)

HOZIRGI ZAMON NEMIS YOSHLAR TILI LEKSIK ELEMENTLARINI TAHLIL QILISH

Annotatsiya. Ushbu maqolada hozirgi zamon nemis yoshlar tili, uning leksik elementlari hamda bu tilning jamiyat hayotiga ijtimoiy tasiri yoritiladi.

Kalit so'zlar: ma'noning ko'chishi, o'zlashgan so'zlar, ma'no o'zgarishi, neologizmlar semantik unsurlar.

Hozirgi kunda mamlakatimizda chet tillarni jumladan nemis tilini chuqur o'rganish muhim masalalardan biriga aylandi. Maktablarda va oliy ta'lim muassasalarida chet tilini o'qitish sifatini yanada yaxshilashga juda katta ahamiyat berilmoqda. Muhtaram Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev joriy yil 6 may kuni o'tkazgan videoselektorda so'zlagan nutqida chet tillarini o'rganishga juda katta e'tibor berdi. "Chet tillarini o'qitishga boshqacha urg'u qo'yish kerak. Katta katta korxonalar qurilyapti, yangi texnologiyalar o'rnatilyapti. Xorijiy tilni mukammal bilish zaruriyati yuzaga kelyapti. Barcha hududdagi rahbarlar, ta'limga aloqador tashkilotlar o'zbek tiliga bo'lgan e'tiborimizni chetda qoldirmay, chet tillarini o'rgatish bo'yicha jiddiy shug'ullanishi kerak. Maktab, letsiy va oliygoh bitiruvchilari kamida ikkita chet tilini mukammal bilishlari shart." (1. Sh. Mirziyoyev. 06.05.2021.Videoselektor)

O'z navbatida, chet tilini, xususan nemis tilini mukammal egallashda hozirgi zamon nemis yoshlar tilini o'rganish ham muhim ahamiyatga ega. Chunki, ayni damda Germaniyada yoshlar tili sotsial hayotda va hatto madbuotda ham keng qo'llanilib bormoqda. Yoshlar tilining leksik elementlari va semantik xususiyatlari ko'plab tilshunoslar tomonidan o'rganilib, muhokama qilingan bo'lsada, ammo haligacha uning tubiga yetib borilmagan .

Ushbu maqola hozirgi zamon nemis yoshlar tilining leksik elementlarini semantik xususiyati va tahlilini, va bu tilning jamiyatga ta'sirini o'rganar ekan, undan ko'zlangan maqsad – uning leksik, semantik va sotsiolingvistik tahlilini chuqur o'rganishdir.

Manbaalarda ko'rsatilishicha nemis yoshlar tilining dastlabki tadqiqotlari 16 asr boshlariga to'g'ri kelgan. 18 asr yarmiga qadar yoshlar tiliga oid kamdan kam tadqiqot asarlari yozilgan.

Nemis tilshunos olimasi E. Neulandning fikriga ko'ra nemis yoshlar tilining ilk jadal tadqiqotlari Mayerning talabalar tilini tadqiq qilishi bilan boshlangan.(2. Neuland 2003,S 94)

20 asrga kelib jahon urushlari sabab tadqiqotlar ishlari bir necha muddat to'xtab qolgan.

80 yillarga kelib tadqiqotlar yana jadallashgan. Olima buning sababi bugungi kunda ham sezilib turgan "yoshlar tili" mavzusidagi monografiyalar oqimidir deb hisoblaydi.

1992 yilda Hermann Echmann "Neudeutsch", "Jubeldeutsch" kabi asarlarida nemis yoshlar tilini tadqiq qilgan. Ammo uning asarlari ayniqsa " Affengeil" asari Ivone Ingler tomonidan juda qattiq tanqidga uchragan. Hozirgi zamon nemis yoshlar tili leksik va semantik jihatdan ko'plab muhokama qilingan bolsa ham, aniq bir xulosaga kelinmagan. Buni Shlobinski quyidagicha izohlaydi:

"Yoshlar tilini o'rganishda til unsurlarining o'zaro farqlanishi bilan bir qatorda, suhbat doiralarning o'rniga ko'ra ham turlicha bo'lishini hisobga olish kerak". (3.Androutsopoulos J. S 508)

Bizning fikrimizcha, nemis yoshlar tilining leksik elementlarini quyidagicha tahlil qilish mumkin.

1.Ma'noning o'zgarishi (Bedeutungsveränderungen)

Fähig=sehr gut, klasse. (aslida qobiliyatli ma'nosida ishlatilishi kerak)

Melone = Kopf. (aslida qovoqdoshlar oilasiga mansub poliz ekini) bu o'rinda o'zbek yoshlar orasida ham "qovun" atamasi salbiy ma'noda bosh so'zi sifatida qo'llanishini ham aytib o'tish lozim.

2.Ma'noning kengayishi (Bedeutungserweiterungen)

Fett sein= reich sein (aslida yog'li ma'nosida ishlatiladi)

hämmern = hart arbeiten, Message=konkrete Aussage.

3.Ma'noning ko'chishi (semantische Paradoxa) bu o'rinda ma'no kontekstda anglanadi

Trällerfisch = 1. Person, die sehr viel redet.(juda kop gapiradigan ezma odam)

a. Weibliche Person, die sehr gut singt. (yaxshi qo'shiq aytadigan ayol)

b. Neologismen (Neologizmlar)

Toffel=Dummkopf(ahmoq), Harterpreis= weit überhöhter Preis (qimmatlashish)

4.Idiomalar(Idiome)

Null bock haben= Keine Lust auf etwas haben. (umuman ishtiyoqi bo'lmaslik)

5.O'zlashgan so'zlar(Entlehnungen)

a) Ingliz tilidan o'zlashgan. Abgefickt=erschöpft , down = traurig

b) Italian tilidan o'zlashgan. Ciao= Grusswort, Mafia Torte= Pizza

c) Arab tilidan o'zlashgan. Mufti=derjenige, der sich gern als Anführer anspielt. (odamlarni boshqarishni yoqtiradigan odam)

d) fransuz tilidan o'zlashgan so'zlar. crapoter= rauchen.

Nemis yoshlar tilida ingliz tilidan o'zlashgan so'zlar yetakchilik qiladi. Tilshunoslikka oid adabiyotlarda Anglisizim yoshlar tilining eng asosiy manbasi sifatida e'tirof etiladi. Bu nemis tili lug'at boyligini boyitish bilan bir qatorda nemis milliy adabiy tiliga anchayin putur yetkazadi ham. Tasavvur qilib ko'raylik 23 yoshli nemis qiz mehmondorchilik haqida shunday deydi: "Da neede ich mehr food". Bu jumlada nemis adabiy tilining ifoda etilishi anchayin buzilganligini ko'rish mumkin.

Ba'zan muloqot chog'ida bir yoki bir nechta chet tilidan o'zlashgan so'zlarni ham qo'llanilishini uchratish mumkin. Bavar dialektidagi quyidagi dialogga e'tibor qarataylik:

Der Junge: Heast Schiache, host scho wos?

Das Mädchen: Na Oida wos is mit du?

Der Junge: Geh mi net ooon!!!

Das Mädchen: Oida was nimmst du, Oida?

Der Junge: Ne heast, i was ned, Oida!

Weißt eh, die Depperte, mit der ich letztes Jahr zusamm war, Oida, der hab ich an Teddybär kauft Oida!

Bu suhbatda nemis va ingliz tili bilan bir qatorda boshqa chet tillaridagi so'zlarni ham ko'rish mumkin. Deyarli har bir gapda uchrayotgan Oida so'zi kuchli salbiy bo'yoqdorlik ifodalashda foydalanilgan. Bu so'z aslida ma'no jihatdan "Qariya" so'ziga sinonim hisoblanadi.

Yuqorida ko'rib chiqilgan fikrlar asosida shuni xulosa qilish mumkinki, hozirgi zamon nemis yoshlar tili leksik jihatdan ancha boyitilgan va semantik jihatdan ham yaxshi takomillashgan. Bu til nemis adabiy tiliga chuqur tasirini ko'rsatmoqda. U nafaqat so'zlashuv balki, ommaviy axborot vositalarining ham tiliga aylanib bormoqda.

Masalaning salbiy tomoni shundaki, yoshlar tili yoshlar orasidagina tushunarli bo'lib bu esa o'z navbatida aholining boshqa qatlamlari o'rtasida anglashilmovchilik keltirib chiqarishi mumkin. Bundan tashqari, yoshlar tomonidan adabiy til umumiy normalarning buzilib ishlatilishi nemis tilini xorijiy til sifatida o'rganuvchilarga ham qiyinchilik tug'diradi.

Shu kabi muammolarni oldini olish uchun nemis yoshlar tilining me'yor va normalarini o'rganuvchi maxsus tashkilotlar va muassasalarni tashkil etish lozim deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Sh. Mirziyoyev videoselektorda so'zlagan nutqi. 06.05.2021.

2. Neuland, Eva (2008); Jugendsprache. Eine Einführung: Tübingen ; Basel

3. Androutsopoulos J. (1998); Deutsche Jugendsprache: Untersuchungen zu ihren Strukturen und Funktionen. Frankfurt am.Main.

4. www.google.com
5. <https://de.babbel.com/jugendsprache-beispiele>.

G.U.Ochilova (SamDCHTI, magistr)

MAXSUS MAQSADLAR UCHUN INGLIZ TILINI O'QITISH VA O'RGANISHDA LUG'ATNING O'RNI.

Annotatsiya. Maxsus maqsadlar bo'yicha ingliz tilini o'qitish bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarning katta qismi so'z boyligini o'rgatish va o'rganish to'rtta asosiy ko'nikmalarni o'z ichiga olishini hamda maxsus maqsadlar bo'yicha ingliz tilining rivojlanishi eng muhim qismlaridan biri sifatida qaralishini izchil ravishda ko'rsatdi. Aslida, bu umumiy til bilimlarini qurish uchun hayotiy komponent mahoratidir. Maxsus maqsadlarda ingliz tilini o'rganishda lug'at juda muhim, chunki u o'quvchilarga o'z hududi tili va g'oyalarini tushunishga yordam beradi. Kasbiy muhitda samarali muloqot qilish uchun eng muhim ehtiyojlaridan biri bu lug'at bilimidir.

Kalit so'zlar. Maxsus maqsadlar uchun ingliz tili, so'z boyligi, xalqaro til, ilg'or o'quvchilar, professional sohalar.

Aksariyat ikkinchi til o'rganuvchilari lug'atni o'zlashtirish, ularning o'rganish jarayonining muhim tarkibiy qismi ekanligini tushunishadi. Yaxshi lug'at ko'nikmalari ingliz tili xorijiy til o'quvchilari, ayniqsa, maxsus maqsadlar uchun ingliz tilini o'rganuvchilar uchun juda muhimdir. Pol Nation o'quvchilarning tushunarli lug'atdan foydalangan holda qanday muloqotda bo'lishlari kerakligini tushuntiradi: "Agar o'quvchilar 2000-3000 ta muntazam ishlatiladigan inglizcha atamalarini o'rgangan bo'lsa, diqqatni ko'proq ixtisoslashgan sohalarga qaratish oqilona bo'lar edi" [Nation, 2001: 187]. Lug'atdan foydalanishdagi qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun talabalarga lug'atlarning ko'p turlari, ulardan qanday foydalanish va lug'atni o'zlashtirishga yordam beradigan alohida taktikalar haqida o'rgatish va yoki ma'lumot berish kerak.

Boshqa tomondan, o'qituvchilar maqsadli so'z birikmalarining turlaridan xabardor bo'lishlari kerak. Ushbu asosiy atamalar sinfda yoki o'quvchilarning o'zlari mustaqil o'rganishi paytida yoritilishi kerakmi? Bu o'qituvchi talabalar va sinfdagi darslar uchun mundarijani qanday tayyorlashi kerakligi bilan chambarchas bog'liq. Aynan men olib borayotgan dissertatsiya tadqiqoti to'rt qismga bo'lingan: lug'atlar turlari, maxsus maqsadlar uchun ingliz tilini o'rganuvchilar uchun o'qituvchilari o'rgatishlari kerak bo'lgan lug'at turi, maxsus maqsadlar uchun ingliz tilini o'rgatishda lug'atni qanday tanlashlari kerakligi va lug'at turlari ko'rsatib o'tilishi haqida yoritib berilgan bundan tashqari lug'atni o'rgatish va o'rgatishning xususiyatlari tushuntirib beriladi. Maqolada, shuningdek, maxsus maqsadlar uchun ingliz tilini o'rganish va maxsus maqsadlar uchun bo'lmagan lug'atlar va ulardan Samarqand davlat chet tillar institutida ingliz tilini o'qitishda foydalanish maqsadlari hal qilinishi kerak bo'lgan turli masalalar muhokama qilinadi.

Har qanday tilni o'rganishda lug'atning ahamiyatini oshirib bo'lmaydi. Til o'rganish odatda tugamaydigan jarayon sifatida qaraladi. Talabalar yangi so'zlarni bilishadimi yoki yo'qmi, doimiy ravishda o'rganishda va izlanishda davom etadilar. Maxsus maqsadlarda lug'atni o'rgatish umumiy maqsadlarda lug'atni o'rgatish bilan bir xil bo'lishi kerak. Maxsus maqsadlar uchun ingliz tili o'qituvchilari texnik tilda ham tez-tez ishlatiladigan umumiy tildagi atamalardan foydalanishni boshlashlari kerak. Muayyan sohalarda muhim tilni joriy etish ikkinchi darajali hisoblanadi. Ilgari lug'atni rivojlantirish atamalarining muayyan ro'yxatini yodlash va o'rganish, shuningdek, texnik yozuvlarni o'qish va tarjima qilish bilan chegaralangan. Talabalar bugungi kunga kelib til qobiliyatlarini rivojlantirishga yordam beradigan yangi ta'lim usullaridan foydalanishlari mumkin.

Maxsus maqsadlar uchun ingliz tilini o'rganuvchilar yo'riqnomasini ko'rib chiqishda yuzaga keladigan birinchi muammolardan biri bu maxsus maqsadlar uchun ingliz tili o'qituvchisi texnik jargonni o'rgatish uchun javobgar bo'lishi kerakmi yoki yo'qmi degan savol yuzaga keladi. Maxsus maqsadlar uchun ingliz tili o'qituvchisi umuman texnik jargonni o'rgatish uchun javobgar deb hisoblanmasligi kerak. Biroq, maxsus maqsadlar uchun ingliz tili o'qituvchilari o'quvchilar faoliyat yoki kitobda ishlatiladigan texnik atamalarni tushunishlarini ta'minlashi kerak bo'lgan holatlar

mavjud. Maxsus maqsadlar uchun ingliz tili o'qituvchilari o'zlari o'rgatadigan atamalarni ushbu talablarga moslashtirish uchun o'z talabalarining maxsus talablaridan xabardor bo'lishlari kerak. O'qituvchilar o'z fanlarini qanchalik yaxshi tushunsa, har bir talaba uchun eng mos strategiyani tanlash osonroq bo'ladi.

Ko'rinib turibdiki, ingliz tili butun dunyo bo'ylab savdo va muloqot tiliga aylandi, bu ushbu tilda samarali so'zlashmoqchi bo'lgan shaxslar uchun barcha til qobiliyatlarini mustahkamlash qanchalik muhimligini ko'rsatmoqda. Maxsus maqsadlar uchun ingliz tili - bu alohida talabalar talablariga moslashtirilgan til o'rganish usuli. Maxsus maqsadlar uchun ingliz tili o'qituvchisining asosiy maqsadi turli xil talabalar uchun mos kurslarni yaratishdir; u shuningdek, professional sohada xalqaro hamkorlar bilan bog'lanishni va kundalik vaziyatlarda ingliz tilidan foydalanishni xohlashi va o'z oldiga maqsad qilishi kerak.

Lug'at dasturi shunday tuzilganki, u ochiq va yopiq ta'limni o'z ichiga oladi. Ushbu ishni bajarishda turli darajadagi avtonomiyalar o'quvchilarga chuqurlik va kenglik bilan gapirishga yordam beradi. Bundan tashqari, o'quvchilarni baholashning doimiy zarurati ba'zan e'tiborga olinmaydi. Bu o'qituvchilarga o'quvchilarning talablaridan kelib chiqqan holda darslarni loyihalash va qayta rejalashtirish imkonini beradi. Hech bir sinfda lug'atni joriy qilishning "eng yaxshi" yoki "to'g'ri" texnikasi mavjud emas, chunki har bir o'quvchi o'ziga xos xislatga, xususiyatga va o'ziga xos ehtiyojlarga ega.

Xulosa. Lug'at ingliz tilini o'zlashtirish jarayonining muhim tarkibiy qismidir. Bu muloqotning o'ta muvaffaqiyatli usuli bo'lishi kerak, chunki u odamlarning og'zaki muloqotlarida eng yuqori darajada dolzarblikka ega. Biroq tilda faqat alohida leksemalar qo'shilmaydi, balki so'zlovchining maqsadini to'g'ri talqin qilish uchun bir qator grammatik qoidalarga amal qilish kerak. Shunday qilib, chet tilini o'rgatishda grammatik qoidalarni bilish bilan birga lug'at boyligini o'zlashtirish muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Baker, M. (1988). Sub-technical vocabulary and the ESP teacher: An analysis of some rhetorical items in medical journal articles. *Reading in a foreign language*, 4 (2), 91-105.
2. Breen, J., and D. Candlin. 1980. The essentials of a communicative curriculum in language teaching. *Applied Linguistics*, 1, 2, pp. 89-112
3. Cameron, L. (2001). Teaching languages to young learners. Cambridge: Cambridge University Press.
4. Collins English Dictionary for Advanced learners, third edition, 2001
5. Cummings, A. G., Piper, R. E., & Pittman, R. T. The importance of teaching vocabulary: The whys and hows. *Read An Online Journal for Literacy Educators*

У.Каримова Умрия (Магистр СамГИИЯ)

О ПРОБЛЕМЕ АНАЛИТИЗМА В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

Аннотация. Настоящая статья посвящена проблеме аналилизма в современном немецком языке. В статье рассматриваются процессы формирования отдельных аспектов аналитических тенденций на материале немецкого языка, проводится разграничение аналитической формы и аналитической конструкции.

Ключевые слова: аналилизм, аналитическая форма, аналитическая конструкция.

Исследование аналилизма предпринималось представителями разных направлений лингвистического знания, описывавших на материале различных языков его самые разнообразные проявления. Итак, попробуем проследить процессы формирования отдельных аспектов аналитических тенденций на материале немецкого языка.

В немецком языке в наибольшей степени аналилизм при формообразовании проявляется в системе глагола. Аналитические тенденции имеют два случая проявления: аналитическая форма и аналитическая конструкция. Аналитическая форма состоит, по меньшей мере, из двух компонентов и служит для выражения грамматического значения

путем взаимодействия форматива, являющегося носителем лексического значения, и служебного форматива, выступающего отдельно от первого, ср.: *ich werde lesen, ich habe gelesen* [1, 200]. При этом форма носителя лексического значения также грамматически значима.

Компоненты аналитической формы разделены и подвижны. Главная особенность аналитической формы состоит в том, что она выражает новое грамматическое значение, которое возникает только при сочетании определённых компонентов и выступает как значение неразложимого целого.

К аналитическим средствам современного немецкого языка относятся вспомогательные глаголы «haben», «sein», «werden» и артикли [4, 165].

Аналитические средства образуют в сочетании с полнозначными словами аналитические формы: перфект, плюсквамперфект, будущее время, *Konditionalis I* и *II*, все формы страдательного залога, инфинитив *II* страдательного и действительного залога, а также сочетания артикля и существительного. Лексическое единство этих форм основывается на том, что глаголы *haben, sein, werden* выполняют формообразующую функцию, так как они становятся вспомогательными глаголами, в то время как второй компонент сочетания несёт всю лексическую информацию.

Аналитические конструкции отличаются от аналитических форм тем, что они не являются специальным средством для выражения нового грамматического значения. Грамматические значения несёт в себе один из компонентов конструкции, но при этом лексически значимыми остаются все компоненты.

Возможность образования в современном немецком языке глагольных аналитических конструкций обусловлена существованием в языке широкозначных глаголов, таких как *wollen, sollen, mogen, dürfen, können, müssen, lassen, bleiben, scheinen, sein, werden* и др. [3, 41]. Широкозначные глаголы вносят определённую лексическую информацию в общее значение конструкции, основанную на лексическом значении второго «полнозначного» компонента, и при этом выражают грамматическое значение конструкции. Аналитические глагольные конструкции широко употребительны в современном немецком языке, особенно в научной прозе, публицистике, а также в языке газеты. Ср.: *Anderswo dürfen Personen, die mit dem Gesetz in Konflikt stehen, erst gar nicht Politik machen* [5, 5]; *Damit ist, nach Göttingen, Regensburg und München, schon das vierte deutsche Transplantationszentrum in Verruf geraten* [5, 30]; *Amerikanische Kampfdrohnen sind seit einigen Jahren vor allem in Pakistan und Afghanistan im Einsatz* [6, 10]; *Dieser rettende Stimmentransfer ist auch jetzt wieder im Gange, und auch diesmal könnte er zum Überleben reichen* [6, 1].

Аналитические конструкции в значительной степени восполняют отсутствующую грамматическую категорию вида, выражая различные видовые значения начала, длительности, окончания, результата действия и т.д.; они служат также для выражения каузативности и пассивности, фазовых значений [3, 77].

В последнее время в текстах научного, а также публицистического и официально-делового стиля получили широкое распространение глагольно-именные конструкции типа, *zum Abschluss kommen, in Verdacht kommen, in Bewegung bleiben, Anspruch haben, Verhandlungen führen*. Они также являются аналитическими, так как выражают грамматические и лексические значения, обладают некоторой степенью идиоматичности.

В процессе своего исторического развития немецкий язык претерпел коренные перемены, принципиально изменилось формообразование глагола. В немецком языке была создана сложная система залого-временных форм индикатива. Произошедшие изменения в глагольной системе немецкого языка свидетельствуют о том, что они не носят случайного характера, а связаны с общим развитием немецкого языка в сторону аналитизма [2].

Аналитические конструкции - это не инновация, это единицы центра грамматической системы, которые существуют в языке давно, но в процессе развития языка модифицируются. С точки зрения системы языка в целом аналитические формы являются

зачастую более унифицированным способом выражения грамматических значений, а аналитические конструкции – средством модификации лексических значений.

Наблюдается распространение аналитических глагольных конструкций, которые образуются уже не для выражения грамматического значения, а для создания определённого целостного лексического значения. Немецкий язык, эволюционирует в сторону аналитизма, таким образом можно говорить об аналитических тенденциях в развитии языка.

В дальнейшем для подтверждения гипотезы о все более растущей тенденции аналитизма в современном немецком языке необходимо провести достаточно объёмный статистический анализ прежде всего публицистических, газетных, научных текстов, представляющих собой сферу языка, наиболее восприимчивую к преобразованиям и новообразованиям.

Литература

- 1.Абрамов Б.А. Теоретическая грамматика немецкого языка. Сопоставительная типология нем. и русс. языков // Б.А. Абрамов. – М., 1999. – 286 с.
2. Гулыга Е.В. Новое и старое в лексике и грамматике немецкого языка / Е.В. Гулыга, Е.В. Розен. – Л.: Просвещение, 1977. – 160 с.
3. Соколова В.М. К проблеме слов широкозначной семантики / В.М. Соколова // Вопросы германской филологии. - Волгоград, 1977. – С. 41-77.
4. Moskalskaja O. I. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Akademia, 2004. – 352 S.
5. Die Zeit. – Hamburg: Zeitverlag Gerd Bucerius GmbH Co. KG., 10. Januar 2013. – № 3. – S. 1-65.
6. Die Zeit. – Hamburg: Zeitverlag Gerd Bucerius GmbH Co. KG., 17. Januar 2013. – № 4. – S. 1-65.

Ш.Носирова (Студентка 2-курса СамГУ)

ПРЕПОДАВАНИЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

Аннотация. В статье анализируется вопрос преподавании иностранных языков в начальных классах. Как известно, сегодня одно из важных требований, которое предъявляется к учителю, - это знакомство с передовыми педагогическими технологиями, применение их на практике и с их помощью обучение детей самостоятельному мышлению. В данной работе мы уделили внимание именно этой проблеме.

Ключевые слова. Педагог, творческий подход, аудирование, демонстративный метод, система обучения, интерактивные методы.

Как известно, сегодняшний прогресс продиктован особым творческим подходом, квалификацией и опытом каждого учителя. Это, в свою очередь, возлагает большую ответственность на преподавателей иностранных языков. В целях систематической реализации постановления Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков» ПП-1875 задачей обучения учащихся иностранных языков в начальных классах является развитие у них таких навыков, как говорение, письмо, аудирование и понимание прочитанного, он направлен на стимулирование мышления детей, культуры общения, интереса к знаниям, активности, самостоятельности, сноровки, любознательности. Успешное развитие интеллекта и речевых способностей детей создает возможность в будущем основательно овладеть науками. Навыки самостоятельного и творческого мышления у детей с помощью иностранного языка.

Сегодня одно из важных требований, которое предъявляется к учителю, - это знакомство с передовыми педагогическими технологиями, применение их на практике и с их помощью обучение детей самостоятельному мышлению.

Во всех звеньях системы непрерывного образования учитель использует педагогические технологии на нетрадиционных уроках в ходе урока, но при обучении иностранным языкам учащихся начальных классов желательно, чтобы учитель иностранного языка кроме этого усвоил правила психолого-педагогического и физиологического развития детей.

Учитель должен обратить внимание на следующее при использовании педагогических технологий в ходе урока:

- формировать в сознании учащихся новые концепции, основанные на конкретной теме;
- раскрыть суть правила, термины по новой теме;
- передать согласованность новой темы с упомянутыми темами;
- развивать уровень мышления читателей,
- достичь достижения последовательности, разнообразия и удовольствия от развивающих игр;
- проверить навыки, сформированные на основе новых знаний в ходе того же обучения;
- учитывать психологические особенности учащихся;
- добиться максимальному уровню участия всего класса в ходе уроков.

Итак, мы должны подчеркнуть, что для того, чтобы дети будучи нашим будущим сформировались как свободомыслящие, гармоничные личности, следовательно, для этого необходимо всячески развивать их. В частности, уровни изучения иностранных языков следует использовать для изучения психологических, физических и социальных аспектов учащихся в реализации этой цели, чтобы сохранить себя свободными и выявить и устранить негативные психологические ситуации, которые мешают независимому выражению их мыслей.

Это означает, что существует ряд проблем, присущих ученикам, которые учатся в начальных классах. Учитель должен быть не только учителем, но и психологом, но и знать технику работы с ними.

Исходя из вышеуказанной цели, сегодня преподавание иностранных языков включает в себя ступень "А", то есть начальные классы, которые указаны в государственном стандарте образования. Итак, чем более мастерски учитель иностранного языка использует педагогические технологии на своем месте, целенаправленно, тем выше эффективность урока в процессе обучения в 1-2-3 классах.

Каждый учитель естественных наук сегодня использует различные интерактивные методы в учебном процессе, в зависимости от характера своего предмета. Цель нашего направления - подготовить учащихся младшего возраста к свободному мышлению, используя различные интерактивные методы педагогических технологий на нетрадиционных уроках, в отличие от других предметов.

Преподавание иностранных языков в системе народного образования Республики Узбекистан в соответствии с настоящим ГСО осуществляется в следующие два этапа:

Уровень А-1: начальное образование (1-4 классы);

Уровень А - 2: общее среднее образование (5-9 классы)

Показ учащимся начальных классов того, чему учат учителя иностранного языка, на основе каких педагогических технологий обучать учащихся языку наиболее доступными методами и приемами, стимулирует внедрение инновационных направлений образования. Инновация педагога в обучении языку – реформирование системы образования путем внедрения педагогических технологий в систему образования, внедрения наиболее прогрессивных технологий в систему образования, повышения эффективности обучения, обеспечения социализации личности, достижения определенных успехов в этом возникает в результате попытки формирования доброжелательного отношения к ребенку в процессе обучения.

Для того чтобы уроки младших школьников были правильными, четкими, последовательно эффективными, учитель сегодня должен обратить внимание на следующее:

Во-первых, посредством использования педагогических технологий обеспечивается усвоение учащимися знаний, умений и навыков, достигается понятность, последовательность и доступность обучения, связь теории с практикой, наглядность, новые подходы сегодняшнего дня, реализация мультимедийной сознательности учащихся.

Во-вторых, первостепенное значение должно иметь не только обучение учащихся начальных классов иностранному языку, но и организация общения со своими друзьями.

В-третьих, каждый учитель должен на месте использовать интерактивные методы при использовании педагогических технологий в процессе урока.

В-четвертых, для формирования мыслительной деятельности учащихся учитель должен организовывать различные дидактические и сюжетно-ролевые игры с учетом физиологического развития учащихся.

В – пятых, учитель должен использовать интерактивные методы-совместное действие учителя и ученика и между учениками.

В-шестых, повторение не должно проводиться пассивно, чтобы ученики не забыли упомянутую тему.

Итак, “учитель должен организовать уроки иностранного языка с использованием педагогических технологий таким образом, чтобы это достигло своего эффекта”[5.76]. А это, в свою очередь, связано с педагогическим мастерством преподавателя, который достиг высокого уровня компетентности

Литература:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1875- сонли қарори. // «Халқ сўзи» газетаси, 11.12.2012 й., 240(5660) -сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 251-модда.

4. Жуманазаров И.И. Чет тили дарсларида педагогик технологияларни ташкилэ тиш – долзарб муаммо. / «Бошланғич таълим сифати ва самарадорлигини ошириш: муаммолар, ечимлар» мавзусидаги Республика амалий конференцияси. – Т.: 2014.

5. Кенжабоев А. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: «Наврўз», 2012.

КЕКСАЛИК ВА ДИЛБАР ШЕЪР

Аннотация. Кексалик кўприкдир. Унинг тажриба, сабоқлари кўпдир. Кексаликнинг сирлари оламжахондир.

Калит сўзлар: Кексалик, Э.Воҳидовнинг “Кексалик гашти” шеъри. Унинг образлиги. Ундаги кулгу, рухий таъсирдорлиги.

Болалик ўсмирлик билан, ўсмирлик йигитлик билан, йигитлик кексалик билан ўрин алмашганидек, умр пиллапояларидан ҳар бирининг ўзига хос овози, орзуси, эҳтироси, вазифаси, мазмуни бўлади. Биргина сифатлар билан таърифласак, болалик – беғуборлик, ўсмирлик – орзулар билан тўлиқлик, йигитлик – жўшқинлик, кексалик – таскинга мойилликдир. Энг қизиғи шуки, бу босқичларнинг барчасида ҳам ҳузур бағишловчи завқ, нашъа бўлади. Ана шу гаштли лаҳзаларнинг моҳиятига етганларнинг умрлари мазмунли, таъсирли, чиройли бўлади. Бу умр яшовчан, хушчақчақ бўлади. Доимо беғуборликни, беозорликни сақлаб қолади. Самимийликни, ҳаётдан шукроналикни, осойишталикни кўз-кўз қилади...

Жумладан, бекорга кексаликни кўприк, деб юритмайдилар. У «нолимаган одамга ганж»(В.Вольтер)дир. Гарчи унда ёшликка хос жўшқинлик, эҳтирослар жўш урмаса ҳам, кўп яшашдан орттирган тажриба, сабоқлардан йиғилган – шукроналик, итоаткорлик, адолат юзасидан иш кўришлик каби босиқликка хос сифатлар уфуриб туради. Айни пайтда, “Қарилик – хасталик”ка, “Қарилик – қайғу”га бойроқ бўлади. “Қарилик даври – қишдай” ўтади. “Қариганда қилга қоқиладиган бўлиб” қоласан. Қари суягингда мой бўлмайди. Бу ҳақиқатларни барча кексалар тасдиқлашади. Шу боис ҳам

“Қарилик гаштини мақташдан кўра,

Мухбир болам, уни бизлардан сўра”, –

дея шоир мурожаат қилади. Ва “Кексалик гашти”нинг сирларини саховатли қалбдан чиққан қувноқ кулгу воситасида чиройли изҳор қила бошлайди:

“Мана, биз бу гаштни сураётирмиз,

Эрталаб инқилаб тураётирмиз,

Оғриқдан қақшаган белимиз силаб,

Кавушимиз судраб, чунон имиллаб,

Белимиз чангаллаб юраётирмиз,

Қарилик гаштини сураётирмиз”.

Қарилик гашти фақат инқилаб туриш, белеғриққа дучор бўлиш, имиллаб юриш билангина чекланмайди, балки ёшликдаги шўхликлар, наъшу намоларнинг тугал ҳосилини бера бошлайди. Уларнинг барчасини ипга тизса, шода марваридга айланади. Кексаликдаги хасталикларнинг “гулдаста”си изҳори ўзига тамом жалб қилади:

“Билакдан куч кетган, кўздан эса нур,

Пашшамизни зўрға кўриётирмиз.

Бир вақт юз-юз отиб қилардик ҳузур,

Асқар тоғ эдик-ку, нураётирмиз.

Кўнамиз, не илож шунга ҳам шукур,

Ҳарқалай кўз тирик, кўраётирмиз,

Қарилик гаштини сураётирмиз”.

“Ақлли қария – оқиб турган дарё”ки, кексаликнинг барча қийинчиликларига шукрона келтиради ва бу ҳолатлар изтиробини англашга етаклайди; улар учун ёшлардан ҳазил тарзда узр сўрагандек бўлади:

“Қариликни ҳавас қилмагин, болам,
Ёмон кўринади кўзингга олам.
Қариганда ачиб қоларкан одам,
Баъзан бобов бўлиб ҳураётирмиз,
Қарилик гаштини сураётирмиз”.

Ҳазилнинг тагидаги яширин ва оқилона ният етила бошлайди: шоир кексаликни ёшлик билан таққослаш асосида моҳият томон етаклайди; қарияликнинг ҳузур-ҳаловати пучлигини, “кексалик – бахт” деган тушунчанинг асоссизлигини очади:

“Қарилик гашт эмас, юлғунли дашт ул,
Қарилик тикандир, ёшлик эса гул,
Ёшликка нима етсин, у ўзи маъқул,
Ёшлик хазинадир, қарилик – бир пул.
Йигитларга айтар насиҳатим шул:
Ёш ёшликда ёшлик гаштини сурсин,
Кексалик ҳам келар, уни ҳам кўрсин,
Ҳозирча қаришга шошмасдан турсин –
Белангиси курсин, йўтали курсин”.

Китобхон қалбини ана шундай туйғулар билан тўлдиргач, ҳар нафаснинг қадрига етишга чақиргач, шоир кексалар ниятини хушчақчақ ҳазилга ўраб изҳор қилишга ўтади. Ҳапқирган, покланган, соғлом қалбнинг, “Мўйсафид одамнинг шом палласида тонг шафағини орзу қилиши”(Ж.Байрон)ни, “...қариликнинг ўттиз йилини ёшликнинг ўттиз дақиқасига жон-жон деб алмаштирган бўлар эдим” (О. Ёқубов) ҳақиқатини қойилмақом қилиб ёритади:

“Агар маъқул бўлса фахрий деган ном
Барча нишонимиз олиб, бир оқшом
Ёшлигини бизга қарз бериб турсин”.

Шеър дилнинг ана шундай беимкон орзулари ифодаси билан баланд чўққига чиқади. Беғубор кулгу асосига қурилган шеърини санъат дилни қувонтиради, ҳис-ҳаяжонларга қудратли куч беради. Хушчақчақлик ҳаётнинг қувноқ ўтишига, асабларни мулоимлаштиришга, умрнинг баракасига фалсафий асосни беришини қувноқлик ва қув билан ифодалайди.

Асар қандай бошланган бўлса, бадиий композициянинг талабига биноан яхлитликни бунёд этиш учун шундай мисралар билан якунланади:

“Қарилик гаштини макташдан кўра,
Мухбир болам, бизлардан сўра”.

Фикру мулоҳазаларимизни шу билан якунлашимиз мумкин эди, лекин унда Э.Воҳидов шахси ва ижодига хос табассумнинг гўзаллиги борлигича намоён бўлмасди. Уни аниқ далиллар ва одамлар иштирокида кузатиш бу гўзалликни бекаму кўст гавдалантириш имконини бериши мумкинлиги боис, танқидчи Умарали Норматовнинг кичик лавҳасини келтираимиз:

“1997 йилнинг ёз чилласида устоз Озод ака ҳасталаниб касалхонага тушди. Узоқ йиллик қанд касаллиги оқибати ўлароқ бир оёғи учиди йирингли яра пайдо бўлиб, охири жарроҳлар тиззадан пастини кесишга мажбур бўлишди. Озод акани жарроҳлик столидан палатага олган куннинг эртаси тонгда Эркинжон билан устозни кўргани бордик. Озод ака каравотда автодахол ҳолда ётибди. Бизни кўриши билан кўзига ёш олди. Кўнглида умид учкунлари сўна бошлаган, аранг гапиради. Қарасак, секин-аста рози ризолик тилашишга ўтаяпти... Нима қилишни, нима дейишни билмай, довдираб қолдик. Шунда бирдан Эркинжон ташаббусни қўлга олди. “Қайси оёқни кесишди?” – деб сўради аҳволни билган ҳолда Эркинжон. Гап ҳазилга айланаётганлигини сизди шекилли, Озод ака оқ чойшаб устидан оёқларини пайпаслаб: “Чапи экан”, – деб жавоб қилди. Шунда Эркин: “Э, шунгаям кўз ёшими, Озод ака, энди бундан буёғига “левий”га юриш бўлмас экан-да”, – дейиши билан бирдан устознинг чехрасида нур-табассум пайдо бўлди. Эркинжон айна шахматдагидай

чапдастлик билан галдаги юришни давом эттирди: “Журнал чиқибдику!” – дея Озод аканинг ёстиғи ёнида турган “Жаҳон адабиёти”га ишора қилди. “Дарвоқе”, – дея Озод ака ўз муҳаррирлигида чиққан журналнинг илк сонини Эркинга узатди. Ҳаммамиз бу қутлуғ ходиса билан устозни табрикладик. Эркин журнални варақлаб, унда босилган ўзининг туркум шеърларидан бирини – қувноқ халқона кулгу билан йўғрилган “Кексалик гашти”ни ўқий бошлади.

Билакдан куч кетган, кўздан эса нур,
Пашшамизни зўрға қуриётимиз.
Бир маҳал оқ уриб қилардик ҳузур,
Энди валокардин ураётимиз.
Келар ичимиздан хурсиниқ чуқур,
Асқар тоғ эдик-ку, нураётимиз.
Кўнамиз, не илож, шунга ҳам шуқур,
Ҳар қалай кўз тирик, кўраётимиз,
Қарилик гаштини сураётимиз.

Шу сатрларга келганда палатада кулги – қийқириқ авжига чиқди, ҳатто кулгининг садоси каридорлардагиларга ҳам етди шекилли, навбатчи врач, ҳамширалар эшикни очиб “ўта оғир касал” ётган палатадаги бу аҳвол вазиятдан лол қолишди. Озод аканинг чехраси бирдан очилиб кетди, гўё оғир дард бир дам чекиниб, бояги тушқунлик, ваҳм йўқолди. Кейин эшитсак, эртасигаёқ у оёққа тура бошлабди. Мана, руҳшунос, топқир шоир сўзининг, ҳазил-мутойиба, ҳаётбахш юморнинг сеҳрли жозиба кучи!» (У.Норматов. Ижод сеҳри, Т., “Шарқ”, 2007, 164-165 бетлар).

Эътибор берган бўлсангиз, ўн беш йиллар олдин ёзилган шеърнинг юқоридаги бандидаги учинчи мисра (“Бир маҳал оқ уриб қилардек ҳузур”) кейинчалик, шеърни қайта ишлаш жараёнида (“Бир вақт юз-юз отиб қилардик ҳузур”га) ўзгарган ва бу ўзгаришда янада аниқлик, кўпга хослик хислати барқ урган. Шоир айтмоқчи бўлган фикр узукка мос кўз кўйгандек равшанлашган.

Хулоса. Демак, кексалик гаштини сезиш ва англашнинг йўллари бор. Биринчи навбатда, кексаликни тан олишга, унинг қийинчилик ва хасталикларини беозор кулги, ҳазил-мутойиба билан ишонч-ла енгиласанга – тетикликка, уни яхши ва фойдали дамлар билан ўтказишга, қалбнинг поклиги ва қувватига боғлиқ. Қолаверса, у осойишталикда кечирган ва кечирилаётган йилларга, кунларга алоқадор. Одамлараро инсоний, самимий, хушчақчақ муомала ва муносабатларга дахлдор. Шу сабабдан кексаликда барча қийинчиликларни мардлик ва жасорат, адолат ва ҳақгўйлик билан енгиласанга санъати етакчи хислатга айланади. Бу хислатни эгаллаган қария яшашда бардавом ва бардам, эътиборли ва эътимодли бўлади, яхшиликни эътироф этишдан, ёмонликни фош этишдан чарчамайди. Виждони ва эътиқоди ёниб, атрофга нур таратиб туради. “Қариси бор уйнинг париси”, “баракаси” борлиги, “Қарияли уй - мактаб”лиги шундандир... Худди шундай хулоса ва сабоқларни қалбга жойлайдиган, унинг ҳаётий ҳисларини, қобилятини тобора оширадиган, кайфиятчоғлик ва серзавқлик бағишлайдиган “Кексалик гашти” (1996)га ўхшаш дилбар ва умрбоқий шеърларга боғлиқ.

Шу боис, кексалик - ганж, боқий шеър ижодкори бор бўлсин!
Кексалик ҳам, адабиёт ҳам, илм ҳам мўъжизакорликка бой бўлсин!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. У.Норматов. Ижод сеҳри, Т., “Шарқ”, 2007.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. Т., “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.

ИҚРОРНОМАЛАРДА ЯҚИН КИШИЛАР ЁДИ

Аннотация. Мақолада лирикада яқин кишилар ёди ва уларнинг поэтик ифодаси тасвирланган. Ҳар бир назарий фикрлар шоира Зулфия шеърлари асосида таҳлил қилинган. Шоира Зулфия бадиий олами ва лирик қаҳрамон кечинмаси муштараклиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: лирик кечинма, илҳом, бадиий олам, қалб, туйғулар тасвири, маҳорат, талқин, таҳлил.

Шоирга юрагига яқин кишилар ҳақида ёзиш, шеърларида қалбидаги қувонч, дард, ҳаяжонлар тарихининг бир парчасини жонлантириш ва уларнинг жамиятга зарурлигини англаб ижод қилиш ҳамма вақт илҳом бахш этади. “Оҳ, ижод дардгинам! Сен меним оромим рақиби... тандаги зил-зилам, ...умрим эгови”, - дейди шоира, лекин ҳеч вақт ўз даврига ҳамоҳанглигини йўқотмайди, замондошлари туйғуларига ҳамдам, ҳамдардлигини унутмайди. Ижод билан “гоҳ тотув, гоҳ рақиб” бўлиб, шеърга айланиб “инсонлар юрагини ловулатади”, “шеър бўлиб эл ичра” уйғоқ юради. “Изтироби, ороми, тақдири, шуҳрати, толеини” чамбарчас боғлайди.

Шоира “Менинг ҳаётимда ўта бахтиёр кунлар ҳам, мусибатли онлар ҳам кўп бўлди. Бироқ, ҳатто энг оғир, мушкул дақиқаларда ҳам ўзимнинг дарду ҳасратларимни шеърга туширар эканман, мени ҳаётга муҳаббатнинг ғолиб қудрати ҳеч қачон тарк этмади. Менинг шахсий ҳаётим халқ ҳаётининг бир заррасидир. Мен худди шунда ҳам гражданликнинг ифодасини кўраман”, - деб айтар экан, унинг мардона шеърятига, гражданлигининг юксаклигига қойил қоламиз. Ҳ.Олимжон вафотидан бир йил ўтгандан кейин ёзилган “Баҳор келди сени сўроқлаб” туркумидаги шеърлар қудратини чуқурроқ тушунасиз. Шоирадаги умиднинг кучи – қудратига қойил қоласиз.

Бу иқрорноmalar – ҳаётӣй фалсафа шоира шеърятининг калити вазифасини ўтайди. Бу калит шоира поэтик оламининг моҳиятини тўла англашнинг имкониятини туғдиради.

“Юртим харитаси – менинг юрагим” суҳбатида шоира ёзади: “Эзгулик ва ёвузликнинг кураши ҳар қандай шеърятнинг моҳиятини ташкил қилади. Мен ҳаётим, ундаги ҳамма яхши нарсаларни тасдиқлаш орқали ёмонлик билан курашаман. Ҳамма китобларимда бунга мисол бор. Ҳаётда қайғу кўп, аммо мен уни енгиш, шу жумладан, ўз-ўзини енгиш жасорати тўғрисида ёзаман. Мен ҳаётнинг ноҳуш томонлари тўғрисида киноя билан, ҳажв билан гапирмайман. Оғриқ ва алам билан, эзгу истак билан гапираман, она-еримиздаги ҳар бир одам бахтли бўлишини, ҳаёт гўзал, ҳар биримизнинг аҳиллигимиз ибратли бўлишини хоҳлайман”⁴⁴. Келинг, дуч келган бир шеърни ўқийлик:

Бағриндан қўйма
Майли, заифлигим,
Кўз ёшим суйма,
Ялқовлигим, нуқсим экан бедаво,
Мен тортган дардларнинг захрини туйма,
Туйганда бердингми инжитиб сазо?

Бахтдан, бахтсизликдан қолсам довдираб,
Сенга қўшиқ айтиб, сенга дейман дод.
Ёнсам сув сепасан, сўнсам ёндириб,
Бошингга кўтардинг онадан зиёд.

Ҳа, шеърдаги оғриққа, аламли илтижога чидаш қийин. Лекин аллома Бедил айтганидек, “Шодликларнинг барчаси ғамдан яралган” экан, Ватанни – бахт деб, бахтни –

⁴⁴ Зулфия. Асарлар. 3-жилд. Камалак. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б. 133.

Ватан деб кашф этди. Ўзлиги билан Ватаннинг муштараклигини туйиш ва шундай яшашга чорлаш, қалбларга уни сингдириш – эзгуликдир, гўзалликдир.

Юқоридаги фикрлардан Зулфиянинг баҳорни севишига, уни фаслларнинг азизи сифатида қадрлашига шубҳа қилмаймиз. Худди уйғониш, тирилиш, яшариш, тозариш фасли куйчиси Зулфия қалбига бундай муҳаббатни ҳам “Шоиранинг талабчан устози, меҳрли дўсти”, ўзбекнинг баҳор ва бахт куйчиси – Ҳамид Олимжон солгандай, бунда унинг бевосита таъсири бордай туюлади.

Маълумки, “шодлигу хуррамлик ҳам, ғаму ҳасрат ҳам, бахт-саодат ҳам, фожиа ҳам – барча-барчаси юракка пайванд. Шу боисдан ижодкорни қалб таржимони деб аташади”⁴⁵. Айнан шу маслак Зулфия ижодий қарашларининг, лирикасининг бош бўғинини ташкил этади. Бир қарашда самимийлик ва соддалик уфуриб турган мўъжаз сатрларда – ўзбек аёлининг бахту саодатга ташналиги, ҳижрон туфайли «не-не» ажиб туйғулар сўлиши, қандайдир ички эзилиш заминида қабариб кўринади.

Шоира Зулфия шеърларида баҳорий кўтаринки рух, жўшқин кайфият гоҳ маҳзун, гоҳ шиддатли, гоҳ қувноқликда, гоҳ барчасининг синкретик ифодаланганлигини кузатиш мумкин. Шеърнинг умумий руҳи шоира қалб кечинмаларини идроклайди:

Салқин сахарларда, бодом гулида,
Бинафша лабида, ерларда баҳор.
Қушларнинг парвози, елларнинг нози,
Бахмал водийларда, қирларда баҳор...

Шоиранинг машҳур «Баҳор келди сени сўроқлаб» деб номланган шеъри гарчи кўпроқ ўз ҳаётига тааллуқлидек таассурот уйғотса-да, бошқа томондан зукко ўқувчи шеърнинг умумий руҳидан фақатгина шоира Зулфия қалбининг бутун дарду қувончини, унга тегишли лирик кечинмани ифодалаш баробарида ҳаммага қаратилган даъват ҳам яширин эканлигини тезда пайқайди. Бу муаззам аёл, ўзбек шоирасининг барчага қарата йўллаётган хитоби. «Баҳор келди сени сўроқлаб...» жумласи замирида шиддатли пафос мужассам. Шеърни ўқиб тугатмасингизданоқ бутун борлигингизда ўша мангу савол шукуҳи жавлон уради. Шоира қалб кечинмалари табиийлиги, умрбоқийлиги акс эттирилганини тўлиқ ҳис қиласиз.

Зулфия ўз қалбининг тубсизликларига назар ташлай олган эди. Аёл қалби дунёсининг сирларини ҳўб сирли қилиб англата билганди. Шоирамиз дунё шеърляти эҳромига қалбининг мусаффо, покиза, тиниқ, шаффоф зиёси билан эш бўлганди. У ҳаётда ҳам доимо шундай покиза зиё таратиб яшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зулфия. Асарлар. 3-жилд. Камалак. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
2. Xalova M. A. Poetikada qalb dealiktikasi //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №.
3. Қажумов Л. Зулфия. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
4. Умуров Ҳ. Шеърят маликаси. Эссе. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2004.

M.I.Davronova (SamDU.f.f.d.,dots)

ZEBO MIRZO SHE'RIYATIDA AYOL RUHIYATI TASVIRI

Annotatsiya: mazkur maqolada XX asr o'zbek she'riyatida o'ziga xos qalam tabratgan shoira Zebo Mirzo she'riyati xususida so'z yuritilgan. Asosan, ayol ruhiyatining ma'lum bir zohiriy tomonlariga urg'u berilgan.

Kalit so'zlar: ayol, ruhiyat, tabiat, fenomen, lirik qahramon, tuyg'u, she'r, ohang, lirik kechinma.

⁴⁵ Худойберганов Н. Ёшлик илҳомлари. – Т.. «Ёш гвардия», 1975. – Б. 25.

XX asr o'zbek she'riyatida o'z ovozigaga ega bo'lgan ijodkor Zebo Mirzodir. U Farida Afro'z ta'biri bilan aytganda: "Vujudiga kirib olgan, jonini cho'qigan bir qush"ning dilini tushunishni istaydi. Tushunib, tushuntirishga harakat qiladi, shu bois tinim bilmay ijod etadi. Zebo Mirzo shunchaki she'riy satrlar muallifi emas. U asl shoira. Qodir egam diliga ezgu amallar joylagan, ko'ngliga solgan, ko'ngliga yo'qtirgan chinakkam so'z ustasi. Deyarli barcha she'rlaridagi deyarli barcha so'zlar o'quvchining ongu shuuridan holi olamga mansub emas. Bu haqda N.Rahimjonov F.Afro'z she'riyati haqida quyidagi fikrlarni bayon etadi: "O'zimiz har kuni kundalik muomala-suhbatlarda qo'llaydigan so'zlar. Va lekin, hayratlanarli tomoni shundaki, ular shoiraning g'oyalari va tuyg'ularini aks ettirish jarayonida sehrli salohiyat kasb etadi. Shundoqqina ko'z oldimizda teran, serqatlam ma'noli, sershoh tuyg'ular musiqasini inkishof etuvchi go'zallik timsoli bo'lib qoladi"¹. Zebo Mirzo she'riyati haqida ham xuddi shunday fikrlarni aytish mumkin.

Zebo Mirzo nima haqida yozmasin unda ayol ko'zi orqali idrok hamda hissiyot aniq namoyon bo'ladi. "Sahrolar bag'rida adashgan", "O'sha oqshom o'zgacha edi", "Ovloq adirlarda betaskin, giryon", "Yuzlarimni bosaman toshga", "Tushlarini sevadi daraxt" kabi she'rlariga e'tibor qaratilsa, unda tabiat bilan hamohanglikda ayol ruhiyati aksi mavjud. Shoira she'riyatidagi o'ziga xoslik tabiatga, jamiyatga, dinga, hayotga bo'lgan munosabati orqali tasvir etilganki, bu o'ziga xos kayfiyatni bera olgan. Uning quyidagi she'riga e'tibor qaratamiz:

Yuzlarimni bosaman toshga,
Yomg'irlarday yog'ilaman jim.
Men boshqaman, butunlay boshqa!
Bu qanday dard,
Bu qanday o'lim?²

"Yuzlarimni bosaman toshga"sarlahvali ushbu she'r muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki shoiraning butun dardi, uning his-tuyg'ulari o'z mehvaridan tashqarida emas. Ya'ni "men" tushunchasi orqali ifoda etadiki, bu esa shoiraning tuyg'ulari faqat o'zigagina tegishlidek go'yo. She'rga e'tibor qaratilsa, nogoh tushkun kayfiyatni his etgandek bo'lamiz. Biroq misralardagi kayfiyat tushkun holatda berilmaydi. Chunki misralardagi tushunchalarda baxtsizlikdan nishona ham yo'q. Aslida ruhiy iztiroblar holati bizning tushuncha va tasavvurlarimizni qamrab olmoqda. Xususan tabiat fenomeni (yuzlarni sovuq toshlarga bosish, yomg'irlarday jim yog'ilaverish) bilan real voqelik fenomeni (men boshqaman butunlay boshqa) o'quvchi ongi tasavvurida o'rin almashingan va bir-birini tuyintirgan holda baxtga intilgan inson kechinmasining oniy holatini suratlantiradi.

Tushlarini sevadi daraxt,
Sirlarini sochadi baxtga.
Gullaganda ehtiroslari,
O'xshab qolar farishta baxtga.
Dengizdagi oppoq yelkanday,
Kechalardan suzib o'tar u.
Yaproqlarin sal ko'tarsangiz,
To'kiladi titroq va yog'du.

Zebo Mirzo tuyg'ularning shiddatli tasvirini bermaydi. Uning va o'quvchining ongida bu shunday tuyg'u bo'lib ifoda etiladiki, go'yo bu tuyg'u qo'l uzatsa to'kilgudek. Uning musaffoligi tushlarida ham ayonlashgani singari oppoq baxt qoshiga yetgudek holatni yuzaga keltiradi. Natijada, falsafiy mushohadakorlik, sertimsol idrok va ifoda realistik tasvirda alohida yo'nalish kasb etadi. Yuqoridagi misralarda voqelikning zohiriy jihatlari, botiniy jarayon bilan bog'lanib ketgan. Unda lirik qahramonning tuyg'u-kechinmalari ustuvorlik qiladi.

Shoira ijodida modernizmning ayrim xususiyati yetakchilik qiladi. Bu xususiyat esa ta'bir joiz bo'lsa tasavvuf ohanglari bilan bog'lanadi. Zebo Mirzo she'riyati o'zining rang-barangligi ko'lamdorligi va o'quvchi yuragida ancha yaqinligi bilan ajralib turadi. Ayol uning sadoqati, mehru-oqibati Zebo Mirzo she'riyatining asosiy pafosini belgilaydi. Bu fikr isbotini "Ranj",

¹Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври шеърлятигун –Тошкент: Фан, 2007, 28 - б.

²Зебо Мрзо. Нур кукуллари. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004, 5 - б.

“Yuragim”, “Sensizman”, “Ko’ngil posponi” kabi she’rlari orqali yaqqolroq ko’ramiz. Zebo Mirzoning she’riyati ayollar sadoqatining kuychisi sifatida aks etadi. Uning quyidagi she’riga murojaat etamiz:

Bilmaysan,
Men uning qonida oqdim,
Yillarninng eng nurli xayoli bo’lib
Izn ber,
Qolayin shu lahza haqqi
Uning, faqat uning haloli bo’lib.
Dunyoning eng baxtli ayoli bo’lib!

Ushbu she’rda ayol ruhiyati uning tuyg’ulari asosida shakllantirilgan. Ayolga bo’lgan ehtirom, sadoqat timsolida anglashinishi hech kimga sir emas. Mazkur she’rda ham shunday holat olovlantiriladi. Misralardagi tarovat sadoqatga o’ralgani bois Ollohga murojaat kabi holatni his ettiradi. Bir insonga sadoqat orqali jon baxshida etish va undan baxt topa olish faqat ayol ruhiyatiga xos tushunchaki, xuddi shu tushunchani shoira o’ziga xos jozibadorlikda baxsh etadiki, undan taralayotga tuyg’u esa mana shu misralarni zohiran o’qiyotgan o’quvchi qalbiga ko’chiradi. Bizningcha, shoiraning mahorati ham shunda kuzatiladi. Misralarni o’qigan o’quvchi ayol zotiga bo’lgan chuqur ehtiromni anglab turadi.

Uning “Alla sog’inchi” deb nomlanuvchi she’rida ham Zebo Mirzo she’riyatida ayol qiyofasini ko’rsatuvchi asar sifatida aks etadi. Unda odamiylik, onalik mehri jo’sh urgan ayol ruhiy holati, uning dardu quvonchlari shirin tashvishlari ifoda etilgan:

Yuragimning ostidami,
Yo ko’kda, tun pallasi.
(Sarvu suman soyasida
Hurlar aytar allasin)
Malaklarning qanotida
Nurday uxlar bir go’dak,
Eshitganday bo’laman
Shirin-shirin nafasini...

Shoira kundalik muomala-suhbatlarda qo’llaniladigan so’zlarni she’riyatga singdiradi. Bu so’zlar uning g’oyalari va tuyg’ularini aks ettirishda sehrli salohiyat kasb etadi. Ko’z oldimizga teran, serqatlamli, ma’noli inkishof etuvchi go’zallik timsoliga aylanadi. Darhaqiqat, shoira shunday mayin va tarovatli so’zlarni topa olganki, unda mayin lirizm o’quvchi qalb-shuuriga urnashadi. Go’dakning nafas olish holatini shunday bo’yoqdorlikda ifoda etadiki, go’yo bundan ortiq tasvirni berish amrimaholdek. Zebo Mirzo ona deb atalmish tuyg’uning eng yuqorigi cho’qqisini ishg’ol etadi. Shu asosda holat tasviri surat tasviriga aylanadi. Bu esa go’dak va ona tuyg’ularining timsoliga aylanadi. Bu kabi tuyg’ular hayotga, yashashga bo’lgan ishtiyoqni oshiradi. Qalbni sevinchga burkaydi, yangi-yangi sezimlar bilan qurshab olaveradi.

Zebo Mirzo she’riyatida muhabbat motivi yuksak did bilan tasvir etilgan. Uning quyidagi she’riga e’tibor qaratamiz:

Oy sinadi asta xursinib,
Oq terakka suyanib behol.
Nomozshomgul yumdi ko’zini
Ketayapman,
Tuyib qarab ol...
Yoningdagi kim?
U – shamolmi?
Endi ishq ham bo’lolmas rasan.
Kezinasan...
Pushaymoning kech.
Axir qasam...
O’rtada qasam!

Shunisi diqqatga loyiqki, Z.Mirzoning ko'pchilik she'rlarida yolqinlangan o't emas, yallig'langan cho'g' borligini sezish mumkin. Shuning uchun ham ular olovlanmay kuydiradi. Chunki shoira chaqiriqlar, hayqirig'u da'vatlarning ochiq yo'lidan bormaydi. Joni bo'g'ziga kelib titrab turgan odamning chigal ruhiy holatini beraveradi. Yuqoridagi misralarda ham xuddi shunday holat kuzatiladiki, bu tabiatning o'ziga xos tarovatini beribgina qolmay, balki inson his-tuyg'ularining ifodasi sifatida yangraydi.

Shoiraning lirik qahramoni ayol. U tabiat bilan so'zlasha oladigan, ruh va vujudni o'rtasida sarson-sargardon. O'z his-tuyg'ularini, yengilmas bir qalbini orzu qiladi. Ruhiy yuksaklikni ulug'laydi. Shoira tabiat bilan so'zlasha oladigan, ruh va vujudni o'rtasida sarson-sargardon, o'z his-tuyg'ularini she'rlarida yengilmas bir qalbni, ruhiy yuskaklikni ulug'lovchi kuychidek go'yo. Shu bois uning she'rlariga lirik qahramon shoiraning o'zidir. Bu xususiyat shoiraning barcha she'rlariga taalluqli:

Qavs bog'lariga tun tushayotir,
Yurakni bir sog'inch o'rtadi yomon.
Hech kimga bildirmay,
Uning yoniga
Borgim kelayapti,
Xudojon...

Ushbu she'rda sevgi-muhabbat qoshida ojiz qalb iztirobi gavgalangan. Bu qalb o'zining ma'sumligi bilan o'quvchi nazarini beixtiyor tortadi. She'r ritorik murojaat orqali yuzaga kelgan. Bu murojaat lirik qahramonning orzu-umidlari, xayolot dunyosi bilan bog'lanadi. Hech kimga ayta olmagan dil lavhalarini yolg'iz Xudoga bayon etadi. Ayniqsa, lirik qahramon tilidan aytilgan "Menga farishtalik taxtini emas, bir ayol baxtini bergin, Xudojon" misralar o'quvchi qalbini talotum qilishga qodir. Ayollik baxti tushunchasi zamiridagi o'y-xayol ikki dunyo saodatidan kechish orqali yuksak maqomga ko'tarilishi ham ajib hol. Bu holat va kayfiyatdan olib chiqish zimmasi ham shoiraning faqat o'zigagina berilgan sinovdek. Bu sinovda esa "Bilmaysan, men uning qonida oqdim, Yillarning eng nurli xayoli bo'lib" misralarida jamo'ljam bo'lgan.

Shoiraning barcha yaratgan she'rlarida hayot har doim ham baxtga mushkul va adoqsiz sinovlar silsilasidan iborat ekanligini istalib turadi. O'quvchini o'sha sinovlarga tayyorlaydi, ulardan ogohlantiradi.

Zebo Mirzo she'riyatida ko'proq lirik qahramon shoiraning o'zi. Ya'ni lirik "men"ni kuramiz. Bu xususiyatni uning barcha she'riy to'plamlarida kuzatishimiz mumkin. Shoiraning ko'ngil kechinmasi satrlarda ko'rinib turgandek go'yo. Uning joni, tani – bu ishq. Uning g'arib ko'ngli topgan shoni ham, joni ham, mulki ham - ishq. U she'riyatni ana shunday tushunadi va tasavvur qiladi. Uning she'riyatida she'riyatni nozik ilg'aydigan ayol qiyofasi gavdalanadi.

Sen – bo'g'zimga atalgan dorsan,
Peshonamga bitilgan qismat.
Men xudodan maxfiy yo'llangan,
Qiyomatda ochilguvchi xat.
O'limiga tashna mahbusday,
O'limga zor ko'rdek zanjirband.
Intilaman men senga, ammo
Sen balandsan,
Judayam baland!

Zebo Mirzo she'riyati sokinlikdan mustasno. Bu ohang o't kabi qalbni cho'lg'ab oladi va yurakni ko'z yoshlarga bo'rkaydi. Yurak esa taqdir yozig'idan chetga chiqqan olmay bosh egishga majbur. Shoiraning o'tkir nazari lirik qahramon ichki dunyosi bilan tashqi dunyosi o'rtasidagi munosabatni berishida kuzatiladi.

Xullas, Zebo Mirzoning lirik she'rlarida hamisha qandaydir voqea-hodisaning izlari, syujetning ko'z ilg'amas chizgilari borligini kuzatish mumkin. Shunisi diqqatga sazovorki, Zebo Mirzoning ko'pchilik she'rlarida yolqinlangan o't emas yallig'langan cho'g' borligini tuyish mumkin. Chunki shoira chaqiriqlar, hayqirig'u da'vatlarning ochiq yo'lidan bormaydi. Joni

bo'g'ziga kelib titrab turgan odamning chigal ruhiy holati ortiqcha oh-vohlarsiz tasvir etiladi. Natijada ayollarga xos bo'lgan tuyg'u va ruhiyat yangi tovlanishlar orqali o'z ifodasini topa olgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври шеърляти. –Тошкент: Фан, 2007.
2. Зебо Мрзо. Нур кукунляри. –Тошкент: Янги асп авлоди, 2004.
3. Халова М. А. Istiqloл davri she'riyatida ayollar obrazi //Международный журнал искусство слова. – 2021. – Т. 4. – №. 2.

М.А.Халова (СамДЧТИ, доцент)

СВЕТЛАНА АЛЕКСИЕВИЧНИНГ “УРУШНИНГ АЁЛДАН ЙИРОҚ ҚИЁФАСИ” АСАРИДА АЁЛ ҚАЛБИ ТАСВИРИ

Аннотация. Мазкур мақолада аёл қалби, кечинмасы таҳлил қилинган. Билдирилган назарий фикрлар Светлана Алексиевичнинг “Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси” асари таҳлили билан асосланган.

Калит сўзлар: аёллар адабиёти, қалб тасвири, туйғулар олами, ақлан ёндашув, таҳлил, тақлин.

Аёл ёзувчиларнинг ижодий йўли тарихини кузатар эканмиз, Олимп чўққиларига йўл олган “ожизалар”нинг мана шундай мураккаб жараёнда бор куч-ғайратларини намоён қилганларини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Эркаклар адабиёти ва аёллар адабиёти деганимиз гарчи бир шартли тушунчалардек туюлсада, бироқ уларнинг ўзига хос бир қатор жиҳатлари мавжуд. Бу энг аввало мавзуга бўлган муносабатда, унинг қай жиҳатларига эътибор берилишида, умуман олганда эркаклар ё аёлларга хос талқин этишда – чунки оламни қабул қилиш, объектив воқеликка аралашиниш, унга ҳиссан ё ақлан ёндашиниш масаласи иккала жинсда алабатта бир хил эмас.

Аёллар адабиёти ҳақида сўз кетганда рус шоираси Светлана Алексиевич ижодига алоҳида диққат қаратиш зарур.

Нобель мукофоти лауреати, белорус адибаси Светлана Алексиевичнинг “Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси” асари таҳлили мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин:

“Мақтаб кутубхонасидаги китобларнинг ярми уруш ҳақида. Қишлоқ кутубхонасида ҳам, отам тез-тез бориб турадиган район марказидаги кутубхонада ҳам. Энди бунинг сабабини биламан. Тасодифми? Биз доим уруш қилганмиз ёки урушга тайёрланганмиз. Урушганимиз ҳақида эслаганмиз. Ҳеч қачон бошқача яшамаганмисиз, бошқача яшай олмасак ҳам керак. Бошқача яшаш ҳақида тасаввур ҳам қилиб кўрмаганмиз, бунга қачондир узоқ-узоқ ўрганишимиз керак бўлади.

Мақтабда ўлимни севишга ўргатишарди. Биз нимадир учун ўлимни афзал билишимиз ҳақида иншолар ёзар эдик... Буни орзу қилар эдик...”⁴⁶

Урушдан кейинги болалик хотираларини эслар экан, адиба эркак зотисиз қолган “аёллар” қишлоғида фақатгина аёлларнинг уруш ҳақидаги оҳ-воҳлари, йиғи-сиғилари, ҳатто йиғига ўхшаб кетадиган қайғули кўшиқлар кўйлашини ўта синчков психологик нуқтаи назардан талқин этади. Бу талқиннинг муҳим бир аломати шундаки, унда биз оламни фақат ва фақат аёл нигоҳи орқали кўрамиз ва ҳис этамиз. Агар таъбир ўринли бўлса, “соф аёлча” нуқтаи назар ва ифода тарзига дуч келамиз. Адибанинг мазкур асари ижтимоий-психологик руҳдаги наср намунаси бўлгани боис ундаги бирор бир детални кўздан қочирмаслик мақсадида каттароқ кўчирмага мурожаат қиламиз:

“Икки йил одамлар билан учрашдим, ёздим, аммо кўпроқ ўйладим. Ўқидим. Китобим нима ҳақида бўлади? Уруш ҳақида яна бир китоб... Нима кераги бор? Минглаб урушлар бўлган – катта ва кичик, маълум ва номаълум. Улар ҳақда ёзилган китоблар эса ундан ҳам бисёр... Аммо...Дарров тушундим – бу китобларни эркаклар ёзган ва улар эркаклар ҳақида.

⁴⁶ Алексиевич С. Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси. Т.: “O'zbekiston”, 2018, 6-б.

Биз уруш ҳақидаги “эркаклар” тасаввури ва “эркаклар” нигоҳи, эркак сўзлари асиримиз. Аёллар эса сукут сақлайдилар. Мендан бошқа ҳеч ким бувимни, онамни сўроққа тутмаган. Фронтда бўлганлар ҳам мум тишлаб олганлар. Агар мабода гапира бошласалар ҳам, “аёллар” урушини эмас, “эркаклар” уруши ҳақида сўзлайдилар. Уларнинг қонунига мослашадилар. Ва фақат уйда ёки фронтдош дугоналар даврасидагина улар, кўзини намлаб, менга таниш бўлган “ўз” урушлари ҳақида гапиришади. Нафақат менга таниш, ҳаммамизга таниш бўлган уруш ҳақида. Журналистик саёҳатларимдан тамоман янги матнларнинг гувоҳи, ягона тингловчиси бўлиш бир неча бор насиб этган. Болалигимдаги каби ларзага тушганман. Бу ҳикояларда сирли оламнинг даҳшатли тиғи кўринади. Аёллар сўзга кирганда уларда биз ўқиш ва эшитишга одатланиб қолган нарсалар: бир гуруҳ одамлар қаҳрамонлик кўрсатиб бошқа гуруҳ одамларни ўлдириб, ғолиб ёки мағлуб бўлганлари, қандай техника ишга тушганлиги, мард генераллар тўғрисидаги тасвирлар йўқ ёки деярли йўқ. Аёл ҳикоялари бошқача, улар бошқа нарсалар ҳақида. “Аёллар” урушида ўзгача бўёқлар, ўзгача ифор, ўзгача тароват ва ўзгача ҳиссиётлар макони бор. Ўзгача сўзлар. Уларда қаҳрамонлар йўқ, мислсиз жасорат ҳам йўқ, уларда фақат ғайриинсоний инсоний меҳнат билан машғул одамлар, балки еру замин, осмону фалак, кушлар ва дарахтлар азият чекади. Биз билан бирга ерда тирикликни баҳам кўраётганларнинг ҳаммаси ўқубатга гирифтор. Улар унсиз азоб чекади, бундан даҳшатлироқ нарса борми?

Аммо нима учун?” – мен бу саволни ўзимга бир неча бор берганман. – Нима учун қачондир мутлақ эркакларники бўлган дунёда ўз ўрнини эгаллаган аёллар ўз тарихини яратмадилар? Ўз сўзи ва ўз ҳисларини ошкор этолмадилар? Ўзларига ишонмадилар. Биздан бутун олам пинҳон тутилган. Уларнинг урушлари номаълумлигича қолди...

Мана шу уруш тарихини ёзмоқчиман. Аёллар тарихини яратмоқчиман⁴⁷.

Тарихдан маълумки, аёллар ҳукмронлиги давридан эркаклар ҳукмронлиги даврига ўтиши, аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини ўзгартирди, уларни жамият тараққиётидаги иштирокини рад этиб, уларнинг фаолиятини оила даврасига тушурди. Шу даврдан бошлаб, жамият ва оилани бошқариш эркаклар қўлига ўтди, аёл эса фарзандлар дунёга келтириб, тарбиялаб оила доирасида чекланиб, эркак кишига моддий ва маънавий жиҳатдан қарам бўлиб қолди.⁴⁸ Лекин С.Алексиевичнинг мазкур асарида биз аёлларнинг эркаклар билан жамиятда тенг фаолият олиб бораётганини, аёллик ролини йўқотганлигини кўришимиз мумкин.

Объективнинг илғаб олинган тасвирини яхшироқ ё ёмонроқ қайд эта олиш имкониятини оптикада “ёруғлик кучи” тушунчаси билан ифода этадилар. Менинг назаримда, туйғуларнинг ҳарорат даражасини, дарддан зада бўлган кўнгил синиқларини, аёл ва олам муносабатларининг ўта нозик ва ўта мураккаб жараёнларини кўрсатишда аёллар адабиёти ана шундай “ёруғлик кучи” вазифасини бажараётгандек таассурот қолдиради.

Париждаги муҳожирлик даврини эсларкан М.Цветаева “очликдан силлам қуриб қолса ҳам, бўш, саёз шеърлар ёзмайман, деб ўз-ўзимга сўз бердим”,- деб қайд этади. Чиндан ҳам шу аҳдига содиқ қолдики, санъат, адабиёт олдидаги бу юксак маънавий талаб аксарият етук аёл ижодкорлар ижодида ҳам аниқ - тиниқ кўзга ташланади. С.Алексиевичнинг юкорида сўз юритганимиз асари ҳам ана шундай эътибор ва масъулият ҳисси билан тўлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алексиевич С. Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси. Т.: “O‘zbekiston”, 2018.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. Т., “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2007.
3. Фалсафа қисқача изоҳли луғат. Т.: “Шарқ”нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004.

⁴⁷ Алексиевич С. Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси. Т.: “O‘zbekiston”, 2018, 8-б.

⁴⁸ Фалсафа қисқача изоҳли луғат. Т.: “Шарқ”нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004, 329-б.

ХАЙНРИХ ХАЙНЕ ИЖОДИДА ДИНИЙ ТАЪЛИМОТНИНГ ИФОДАСИ

Аннотация. Мақолада олмон шоири Хайнрих Хайне ижодида диний бағрикенглик тамойиллари кенг ёритилгани таҳлил қилинган. Шу билан бирга адибнинг шарқона толерантлик ва Шарқ мифологияси билан қизиқиши олмон адабиётини тараққиётига катта таъсир кўрсатгани тилга олинади. Ҳ.Хайне халқлар ўртасида тажриба алмашиш ва шарқона шеърятни тушуниш учун асос сифатида диний бағрикенглик тушунчасига эътибор қаратган. Хайне ижодидаги диний бағрикенглик ғоялари шарқона ифодалангани ўзгача аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: шарқона мотив, инсонпарварлик тамойили, романтик фикрлаш, художўйлик, тасаввуф, “Ҳеп-хеп ҳаракати”, сенсимонизм, яҳудий, насроний, диний таълимот

Немис адиблари Хайнрих Хайне, Готтхолд Эфраим Лессинг, Йоханн Вольфганг Гёте каби Шарқ маданияти мавзусида кенг шуғулланмаган бўлса-да, лекин романтиклар томонидан юқори баҳоланган шарқона мотивлар ўта таъсирчан эди. Шулардан бири Абдурахмон Жомийнинг "Мажнун ва Лайло" қиссасидир. Бу шарқона ишқий ҳикояси, форслар унга алоҳида характер берган. Севги, азоб-укубат ва ўлимнинг ҳар хил турларини акс эттириш Хайне учун бу инсонпарварлик тамойили ва романтик фикрлашни кенгайтиришга олиб келади. Хайнени “Ҳамса”, “Мақом” ва бошқа шарқона поэзиянинг таржималари ҳам илҳомлантирди. У "Минг бир кеча" араб эртақларининг сеҳридан қочмаган. Шаҳризод ва Шаҳриёр ҳикоясида руҳият ва санъат орқали ажралиб турадиган, ўзини адолатсизлик ва кўр-кўрона зўравонликка қарши турадиган ва "инсон ҳуқуқлари"ни қатъий ҳимоя қиладиган аёл сиймоси тасвирланган. Шу маънода, бу ҳикоя енгил-елпи адабиёт эмас, балки инсон тақдири тасвирланган исломий концепцияни конкретлаштирган. Бундан ташқари, “Минг бир кеча” араб эртақлари Шарқ дунёсида ҳаётдан завқланиш мазмунини акс эттиради. Бу эса агар талаб даражасида амал қилинган бўлса, охиратда унга қувонч билан пешвоз чиқилади. [1:63] Жанг майдонида қаҳрамонлик кўрсатган ва ўз муҳаббатига содиқ рицар сиймоси художўйлик ёки ҳатто тасаввуфни ўз ичига олган шарқона анъаналарга хосдир. [2] Шу билан бирга илмий таҳлил учун Хайнрих Хайненинг "Али Бой" шеърига мурожаат қилиш мумкин.

Гарчи Хайне яҳудий мазҳабидан бўлса-да, у илгари "динсиз масҳара" (Spötteleien) деб ном чиқаришга сабаб бўлган. 1819 йилнинг ёз ва куз фаслларида "Ҳеп-Ҳеп ҳаракати" ("Нер-Нер-Bewegung") туфайли мактабдаги карьерасида у антисемитизм тажрибаларини бошдан кечирди. "Ҳеп-Ҳеп" ҳаракати („Нер-Нер-Bewegung“)нинг асосчиси яҳудийлар интеграцияси тарафдори бўлган Вюртсбургдаги либерал фуқаролар эди. Унга қарши норозилик сифатида талабалар, ҳунармандлар ва савдогарлар, кейинроқ қишлоқ деҳқонлари ҳам қўшилиб, яҳудийларга нисбатан жисмоний зўравонликни истисно қилдилар. Бу шу пайтгача шу даражада маълум бўлмаган зўравонлик эди. У бутун мамлакат бўйлаб ёнғин каби тарқалди ва тошбўрон, кўчириш, жанжал ва ҳатто ўлим таҳдиди кўринишида ажралиб турди. [3:22] Бу яҳудийларга қарши ҳужумга ишора бўлиб, Хайне ўша йили ташкил этилган маданий уюшмани бошқарган. Яҳудий зиёлилари томонидан ташкил этилган "Яҳудийларнинг маданияти ва илм-фан ассоциацияси" яҳудийлар ва Европа маданияти ўртасидаги тафовутни бартараф этишга қаратилган. Уюшманинг ишини юритиш давомида Хайне ўзининг илгари муҳокама қилинган немис-яҳудий дуал идентификациясини ишлаб чиқди. Бу ўша давр учун барқарор эмас эди. [4:34] Ассоциация ишида фаол иштирок этганига қарамай, Хайне 1825 йил июнь ойида диний эътиқод билан эмас, балки профессионал нуқтаи назарга эга бўлган ҳолда протестантизмга ўтиб олди. Натижада, насроний ғарбий элементларининг конвертацияга ҳеч бир тўсқинлик қилмай, яҳудий жамиятига киритилиши "ислохотчи яҳудийлар"ни таназзулга учратганди. Бу Хайне учун конвертация черков догматизмини

қабул қилишни англатмайди, балки Ҳайне айтганидек, "Европа маданиятига кириш чиптаси" бўлиб хизмат қилганди. [5:18]

Парижда бўлган биринчи йилларда Ҳайне Сенсимонизм (Saint-Simonismus)⁴⁹ таълимоти билан танишди. У вақти-вақти билан Сенсимонистлар йиғилишларида қатнашиб турди. У тарқатиб юборилгандан кейин ҳам, Ҳайне бу таълимотни янада ривожлантирган дўсти, файласуф, сенсимонистлар вакили Бартелемй Проспёр Анфантён (Barthélemy Prosper Enfantin, 1796-1864) билан ёзма алоқада бўлиб турди. Айниқса, Ҳайненинг муҳожирликда ёзган илк асарлари сенсимонистик ғоянинг таъсири остида бўлган. У авлиё симонизмнинг ижтимоий ва диний таълимотига қизиқарди. Ижтимоий таълимот "туғилишдаги барча имтиёзларни тубдан бекор қилишни" ўз ичига олади. Ижтимоий қонун-қоидалар "истеъдод ва хизмат"ига қараб қайта ташкил этилиши керак эди. Рассом ҳисобланадиган интеллектуал ва ижтимоий элитани ташкил этадиган санъаткордан ижтимоий тараққиёт кутилади. Ҳайнеда бу элитар-демократик иэрархия шижоат кўзғатади, чунки у "тенглик фанатизмига" берилмасдан ижтимоий тараққиётга имкон беради.

Ҳайне диний таълимотга алоҳида эътибор қаратади. Сенсимонизм "Тана-Фикр-Дуализми" ва насронийликнинг "дунёда Худо ва шохлик ҳақидаги тасаввурини" рад этади. Бу эскирган дин концепцияси ўрнига, у "ҳар томонлама, барча нарсани қамраб олувчи Худо" каби қараш билан бирга "дунёдаги инсоний бахт"га, яъни пантеизмга чорлайди. Сенсимонизм ана шу асосий тамойилдан келиб чиқиб, "танани реабилитация қилиш"ни, яъни танага тегишли бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олган ҳолда, эркин фикрлашни амалга оширишни талаб қилади. [6:29] Ҳайне бу дин таълимотига дейст динларнинг охирати концепциясининг вазифасини фош этиб қўшилади. Аллоҳ "энди ерда одамлар учун барча нарсани муҳайё қилиб яратган". Ҳайне диннинг нажот топишини хоҳлаб киноя билан "руҳан эзилган инсониятга бир неча томчи маънавий опиумдан, бир неча томчи меҳр-муҳаббат, ишонч ва эътиқоддан бир идишга қуйиб ичишни тавсия этиш керак" дейди. [7:103] 30 йилларнинг иккинчи ярмидан сўнг, Ҳайне ўша Сенсимонизмдан узоқлашди. У "Француз саҳнасида" номли асарида ўзининг Сенсимонизмдан узоқлашиши ҳақида изоҳ беради. Ҳайне Авлиё Сенсимонистик мафкурасидаги рассомнинг ижодини танқид қилади. Сенсимонизм санъатини "руҳонийлик" деб тушунади, шунинг учун рассомларнинг асарлари бу таълимотга хизмат қилиши керак. [8:259] Ҳайне эса, ҳар қандай мафкуравий ва маънавий омиллардан холи бўлган санъатнинг автономияси тарафдори. Ҳайне Сенсимонистик диний таълимотни ўзлаштирган бўлса-да, у санъат ҳақидаги тушунчасига қаршилик кўрсатарди. [6:31]

Хулоса қилиб айтганда, биз Ҳайнрих Ҳайненинг асарларидаги мотивлар ҳақида китобхон-мухлисларга тушунтириш ва изоҳлаш ёки ҳатто асослашимиз учун Шарқ оламига мурожаат қилинганига эътибор қаратишимиз зарур. Ёзувчи асарларини таҳлил қилар эканмиз, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги маданий алоқаларнинг интеллектуал тарихини, умавийлар даврида ўйлаб топилган ва элчихоналар даврида кенгайтирилган мусулмонлар орқали инсониятнинг маданий тарихини биладиган таржима тадқиқотларининг биринчи моделини яратиш билан излашимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Moustafa Maher: Das Motiv der orientalischen Landschaft in der deutschen Dichtung von Klopstocks Messias bis zu Goethes Diwan. Düsseldorf . 1962.
2. Deif Schauki: Die Ritterlichkeit in der arabischen Poesie. Kairo o.J.; Artikel "Islamische Mystik" in der Enzyklopädie des Islam.
3. Bergmann W. & Wyrwa U. (2011). Antisemitismus in Zentraleuropa: Deutschland, Österreich und die Schweiz vom 18. Jahrhundert bis zur Gegenwart. Darmstadt: WBG. 2011.
4. Höhn G. Heine Handbuch. Zeit-Person-Wirkung. 3. Auflage. Stuttgart: Metzler. 2004.
5. Windfuhr M. Heinrich Heine. Revolution und Reflexion. Stuttgart: J.B. Metzlersche Verlagsbuchhandlung. 1969.

⁴⁹ Сенсимонизм – граф Анри де Сент-Симон асос солган ижтимоий утопия йўналиши. Доктринанинг догматизацияси, сенсимонистларнинг тор диний сектани яратишга олиб келган.

6. Baumann, G. Poesie und Revolution. Zum Verhältnis von Kunst und Politik im Werk Heinrich Heines. Frankfurt am Main und Bern: Lang. 1982.

7. Heinrich Heine: XXI. Werke, Briefwechsel, Lebenszeugnisse. Säkularausgabe. Herausgegeben von den Nationalen Forschungs- und Gedenkstätten der klassischen deutschen Literatur in Weimar und dem Centre National de la Recherche Scientifique in Paris. Berlin und Paris 1970.

8. Heinrich Heine: Sämtliche Werke. XII Band. Düsseldorfer Ausgabe. Herausgegeben von Manfred Windfuhr. Hamburg. Hamburg 1973.

I.Pardaeva (SamDCHTI, dotsent)

NAVOIYNING TURKIY TILDAGI BADIY-TARIXIY NASR NAMUNASI HAQIDA

Annotatsiya. Ushbu maqolada muallif buyuk mutafakkir Alisher Navoiyning tarixiy asarlaridan “Tarixi anbiyo va hukamo” hamda “Tarixi muluki Ajam” asarlarining yaratilish davri, tarixi hamda ushbu asarlarning o’rganilish tarixi haqida fikr yuritadi.

Kalit soʻzlar: tarixiy davr, saroy, amaldorlar, tarixiy asarlar, tarix-tazkira asari, Eron podshohlari, paygʻambarlar, nabilar, obidlar, hakimlar, tarixlar qaymogʻi.

Navoiyning turkiy tildagi mashhur “Xamsa”sini yozib boʻlgandan soʻng, birinchi yaratgan asari tarixga oid, yaʼni tarixiy paygʻambarlar va tarixiy shaxslar toʻgʻrisidadir. Navoiy “Xamsa”ni yozib tugatgach, tarixiy asarlar yaratishga kirishgan.

Navoiy bu asarlarini oʻzining “Muhokamat ul-lugʻatayn” asarida bitta umumiy nom bilan “Zubdat ut-tavorix” (Tarixlar qaymogʻi) deb ataydi: “Bu “Xamsa” shugʻlidin chun farogʻat topibmen taxayyyul ul geti navardin salotin taʼrxi dashtigʻa chopibmen, chun noma savodi zulmatidin “Zubdat ut-tavorix” adosin tuzurmen, salotin oʻlgan otin bu hayvon suyi bila tirguzupmen”[1,22].

Demak, bu ikki tarixiy asar Navoiy nazarida bir turkum sifatida shakllantirilishi niyat qilingan va bitta umumiy nom bilan atalgan. “Tarixi anbiyo va hukamo” ushbu turkumning birinchisi boʻlsa, “Tarixi muluki Ajam” uning ikkinchi qismidir.

Koʻpchilik adabiyotlarda Navoiyning bu tarixiy asarlar toʻplami ikkita alohida asar sifatida tilga olinadi. Lekin Alisher Navoiy “Kulliyot”ining OʻzR FA SHI fondlaridagi qoʻlyozmalarda hamda Turkiyadagi Toʻpqopi saroyi muzeyida saqlanayotgan hazrat Navoiy hayotligida (1496-1497) Darvesh Muhammad Toqiy tomonidan koʻchirilgan “Kulliyot”da “Kitobi tarix” ruknida berilgan “Tarixi anbiyo va hukamo”dan soʻng kelgan “Tarixi muluki Ajam” alohida abzats bilan ajratilmagan holda ekanligi uning umumiy bir tarix ekanligidan dalolat beradi. Demak, asar dastlab bir butun holda boʻlgan, keyinchalik esa alohida asarlar sifatida oʻrganila boshlangan.

Asarlarning kompozitsion qurilishini yuqoridagi manbalarga asoslanib, ular sharq tarixshunosligi anʼanalariga tayanilgan holda yaratilgan, deyishimiz mumkin. Chunki sharq tarixshunosligi anʼanalari oʻz navbatida quyidagi shartlarga amal qilishini talab etar edi:

1) har bir tarix kitobi Odam (a.s)ning paydo boʻlishi, undan soʻng paygʻambarlarning faoliyati toʻgʻrisidagi voqealar bilan boshlanishi kerak;

2) soʻngra Eronning afsonaviy sulolalariga oid voqealar tasvirlanishi va nihoyat muarrix bayon etmoqchi boʻlgan voqealarga oʻtilishi lozim.

Bu oʻrta asrlarda qatʼiy amal qilingan anʼana hisoblangan. Navoiy asarlarini kuzatadigan boʻlsak, “Tarixi anbiyo va hukamo” asari Odam salovatullohu alayhning yaratilishi bilan boshlanib, soʻng nabilar, ulardan soʻng obidlar va hakimlar toʻgʻrisida, “Tarixi muluki Ajam”da esa Eronning afsonaviy sulolalari haqida hikoya qilinadi.

Akad. Boturxon Valixoʻjaev “Alisher Navoiyning nasriy asarlari tasnif va tavsifi”ni berar ekan, shunday yozadi: “Alisher Navoiyning nasriy asarlarini yoʻnalish nuqtai nazaridan quyidagicha guruhlariga ajratish mumkin: ilmiy, tazkira, holot, ijtimoiy - axloqiy. Olim tazkira usulida yozilgan asarlari sirasiga tarix va falsafaga oid “Tarixi anbiyo va hukamo”, “Tarixi muluki Ajam”, falsafa va ahli mutasavvuf'larga bagʻishlangan “Nasoyim ul-muhabbat” hamda zamondosh

shoirlardan bahs yurituvchi “Majolis un-nafois” singarilarni kiritadi va shunday yozadi: “Tarixi anbiyo va hukamo”- “Payg‘ambarlar va faylasuflar tarixi” deb nomlanuvchi bu asar aslida Alisher Navoiy tomonidan “Zubdat ut-tavorix” (Tarixlar qaymog‘i) deb atalgan jome’ asarning birinchi qismidir. Asarning yozilishi tarixi 1485-1498 yillar oralig‘ida deb taxmin qilinadi.

“Tarixi muluki Ajam” asari Alisher Navoiy tomonidan “Zubdat ut- tavorix” tarzida tilga olingan turkiy tildagi umumiy tarix haqidagi jome’ kitobning ikkinchi qismi bo‘lib, unda Ajam podshohlari tarixidan muxtasar so‘z yuritilgan. “Zubdat ut-tavorix”ning uchinchi qismida turk podshohlarining Husayn Boyqarogacha bo‘lgan tarixi tashkil etilishi nazarda tutilgan bo‘lsa-da, ammo uni yozish amalga oshmagan ko‘rinadi”[4,98].

Adabiyotshunos olim Qobiljon Tohirov o‘zining “Alisher Navoiy- tazkiralar muallifi” maqolasida bu fikrlarni davom ettirib shunday yozadi: “...Alisher Navoiyning yana ikkita asari ham tazkiraga o‘xshab ketadigan asardir. Ulardan biri “Tarixi anbiyo va hukamo” bo‘lib, uni payg‘ambar va hakimlar haqida tarix-tazkira deb hisoblash mumkin. “Tarixi muluki Ajam” asarini esa Eron podshohlari haqidagi tarix-tazkira desak, uncha xato bo‘lmaydi. Bu to‘rtala asarda ham tarixiy, falsafiy, adabiy ma‘lumotlar jamlangan, faqat ularning har biri alohida sohaga mo‘ljallangan: “Tarixi anbiyo va hukamo” - ilohiyot, “Tarixi muluki Ajam”da - davlatchilik va siyosat.

Alisher Navoiyning “Tarixi muluki Ajam” tipidagi yana bir tazkiraviy asari yozilmasdan qolgan. Unda Navoiy YOfasdan boshlab, Iskandar hamda keyingi to‘rt hoqon va sultonlar, Amir Temur va temuriylar haqida ma‘lumot berib, oxirida Husayn Boyqaro tarixiga to‘xtalmoqchi bo‘lgan, ammo, afsuski, bu niyat amalga oshmagan”[2,28].

Navoiyning bu tarixiy asarlar to‘plami o‘z yakuniga etmagan, ya’ni muarrix yoritmoqchi bo‘lgan zamonaning odil shohi Husayn Boyqaro to‘g‘risidagi tarix yozilmay qolgan, ana shu jihatdan asar tugallikka ega emas. Navoiy har ikki asarida ham Husayn Boyqaro to‘g‘risida xudo nasib qilsa, asar yozajakligini bayon etadi.

Navoiy Husayn Boyqaro tarixini va shu orqali temuriylar sulolasi tarixini yoritishga bag‘ishlangan bir buyuk tarixiy asar bitmoqchi bo‘lgan. Lekin ba’zi sabablarga ko‘ra, asar nihoyasiga etmagan.

Navoiy o‘zining tarixiy asarlarini yozishda Jaloliyning “Nizomut-tavorix”, SHarafiddin Ali Yazdiyning “Zafarnoma», Banokatinyning “Jome’ ut-tavorix”, “Tarixi Banokatiy”, Muhammad G‘azzoliyning “Nasihat ul-muluk”, Hamdulloh al-Mustavfiyning “Go‘zida”, shuningdek, Salmon Forsiy, Ibn Abbos, Vahb binni Muhabbihi kabi ko‘plab muhaddis va tarixchilarning asarlaridan foydalangan. Navoiy o‘zi keltirgan ma‘lumotlarning tarixiy aniqligini isbotlashda o‘sha asarlardan parchalar keltirish yoki asarlarda qayd etilganini ta’kidlash bilan kifoyalangan.

E.E.Bertelsning “Navoiy ijodiy biografiyasi tajribasi” kitobida uning ilmiy-nazariy asarlari ro‘yxatida “Tarixi muluki Ajam”dan so‘ng “Tarixi Anbiyo” deb berishi sho‘ro davri an‘anasiga ko‘ra, “Tarixi muluki Ajam”ning birinchi asar sifatida ro‘yxatlarga kirishiga sabab bo‘ldi. Biroq “Tarixi anbiyo va hukamo” haqida dastlabki ma‘lumot turk olimi Ogah Sirri Lavandga tegishlidir. U o‘zining 1965 yilda Istambulda bosilib chiqqan “Mir Alisher Nevai” kitobining I va IV tomrlarida “Tarixi anbiyo va hukamo” asari to‘g‘risida umumiy tavsif beradi. I tomda Ogah Sirri Lavand “Bu asar ikki bo‘lakdan iborat bo‘lib, birinchi bo‘lagida Odam alayhissalomdan Isogacha bo‘lgan payg‘ambarlar va Iso izdoshlari Jurjis va obidlar to‘g‘risida so‘z boradi, ikkinchi bo‘lagida esa hakimlarga baho beriladi”, deb yozadi [3,23]. IV tomda esa “Tarixi anbiyo va hukamo” to‘g‘risida umumiy axborot va unda zikr etilgan shaxslarning ro‘yxati keltirilgan.

Alisher Navoiy o‘zining tarixiy asarlarini “Zubdat ut-tavorix” //Tarixlar qaymog‘i// deb ataydi. Adabiyotshunos olimlardan B.Valixo‘jaev va Q.Tohirov asar “So‘z boshi”sida bu nomni “asar xarakterini ifodalovchi so‘z”, “muxtasar tarix” deb baholaydilar [2,4]. “Tarixi anbiyo va hukamo”ning ushbu Samarqand nashri ilmiy-tanqidiy matn nuqtai nazaridan avvalgi nashrlarga nisbatan muayyan ustunliklarga ega ekanligi aniq ko‘zga tashlanadi. Bu nashrda mualliflar arab yozuvining kirill harflariga o‘tkazilishidagi transliteratsiya hodisasiga katta ahamiyat berganlar, unli harflar imlosida arab tili xususiyatlarining aks etishini nazarda tutganlar.

Shunday qilib, Navoiyning “Tarixi anbiyo va hukamo” va “Tarixi muluki Ajam” nomli tarixiy asarlari o‘ziga xos ilmiy-badiiy qimmatga ega bo‘lib, navoiyshunos olimlar tomonidan hozirgi kungacha tadqiq etilib kelinmoqda.

Avvalo, bu ikki asar sharq tarixshunoslik an‘analariga to‘liq rioya qilingan holda yaratilganligi, ya‘ni payg‘ambarlar tarixi bilan boshlanishi, so‘ng salotin zikriga o‘tilishi, unda xronologik izchillik nazarda tutilganligi va tarixiy ilmiylik tamoyiliga rioya etilganligini ta’kidlamoq lozim.

Ikkinchidan, insoniyat tarixi mazmuni (tagzamini) nuqtai nazaridan bu ikki asar, avvalo, ilohiyot, so‘ng davlatchilik-siyosat tarixini aks ettirgani bois, uni mazkur ketma-ketlikda, yaxlit bir asar sifatida tadqiq etmoq maqsadga muvofiq. Chunki bu ikki asar tarixiy-xronologik mazmun-mundarijasiga qo‘shimcha ravishda ma’naviy-didaktik va ma’rifiy nuqtai nazarlardan ham bir-birini to‘ldiradi.

Uchinchidan, o‘z mazmun-mohiyatiga ko‘ra asarlar fanning ikki aniq sohasi-tarixshunoslik va adabiyotshunoslik sohalarida chuqur o‘rganishni va aniq tadqiqotlarni talab etadi.

Mazkur jarayonlarida tarixiy asarlarning bizga ma’lum bo‘lmagan qirralari ochilib, yoritilib borilishi bu boradagi yangi tadqiqotlarga yo‘l ochadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 16-жилд. – Тошкент: Фан, 2000. – 336 б.
2. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. – Самарқанд: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг бўлими, 1990. – 138 б.
3. Бертельс Е.Э. Избранные труды: Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965 – 524 с.
4. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг насрий асарлари: тасниф ва тавсиф. Мумтоз сиймолар. 1-китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 304 б.
5. Пардаева И.М. Навоий ва тарих ҳикмати. Монография. – Тошкент, “Наврўз”, 2020. 136 б.

dots.M.I.Davronova, magis. F.X.Yusufova (SamDU)

SH’ERiyATDAGI SHE’RLAR YOKI QISMATGA AYLANGAN SHE’RIYAT

Annotatsiya. Maqolada Halima Xudoyberdiyeva hayoti va ijodi haqida ma’lumot berilgan. Shoiraning hayotiy she’riyati tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: tuyg‘u, badiiy olam, kechinma, lirika, qalb dealiktikasi, badiiy tafakkur.

XX asr o‘zbek shoiralaridan biri bo‘lgan Halima Xudoyberdiyeva ijodi alohida sahifani tashkil etadi. Ayniqsa uning ijodida shoir, she’r va shuur masalasi yuqori darajaga ko‘tarilgan. Shoira she’riyatni, shoirlikni o‘z qismati deb biladi. Shu bois har bir satrida bu kabi motivni o‘ziga xos ohanglar bilan ifodalashga kirishadi. Shoiraning “She’rim” misralariga e’tibor qaratamiz:

She’rim – yulduz, yo‘q yulduz emas,
Yulduz so‘nar subhidam chog‘i.
She’rim guldir, har gul bo‘lsin, rost,
Yashnatsin tabiat quchog‘in.
Bu qiyos ham to‘g‘ri emas, yo‘q,
Xazon bo‘lar kuz kelsa gul ham.
U chashmadek, kuylab tursin, sho‘x,
Yo‘q, butunlay o‘xshamas bul ham.
Sevgi bo‘lsin she’rim! Topdim, ha,
Ishqday ardoqlasin do‘st-yoron,
Men o‘lsam-da, hislarim ila
Sevgim qolsin odamlar aro. [1, 17]

Shoira shaxsiyatida shoiralik shuuri ham qalam tebratish asosiga qurilgandek. Bu haqda shoir Erkin Vohidovning fikri ham qimmatli: “She’rni hech kim birovdan o’rganib yozmaydi, hech kim birovga she’r yozishni o’rgatolmaydi. Lekin she’riy iqtidori bor bo’lgan boshlovchiga mahorat sirlarini o’rgatuvchi ustoz kerak ” yoki “Shoirlik nima? Ming yillardan qolgan bu savolga har bir davr o’z javobini berishga intiladi. Darhaqiqat, u hunarmi, san’atmi? Tafakkurni lol qoldiruvchi sehrmi? Va yo hech kim hech qachon tafsir eta bilmas mo’jizami?.. shoir hamisha elning jigari bag’ridan bunyod bo’lgusi zurriyot, el xonadonining chirog’i, ertangi kunga yetguvchi sado” [2, 76]. Darhaqiqat, shoirlik qismat sabab u xalqning sadosiga aylanadi. Xalqning teran ko’zi, qolaversa ko’zgusiga aylanadi. Halima Xudoyberdiyeva ham ana shu sado sabab o’z vujudidan qator-qator sarflar yaratadiki, bu qismati bilan hamohang tarzda tasvir etiladi. Shoira uchun ijod jarayoni ham bitmas tuganmas ilhom manbaini bera oladi. Shu bois shoira har bir yaratayotgan yaratishlarini qiyoslashga harakat qiladi. U har bir masrasini goh yulduz, goh gul, goh chashmaga o’xshatish asosida kontrast voqelikni qo’ya oladiki, bu o’xshatishlar o’z mazmun mohiyatini hamda jilolarini kontrast qo’yilgan vaqtda yo’qotadi. Shoira ma’lum izlanishlar og’ushidan so’nggina she’rini zavol bilmas muhabbat deya ataydi. Chunki bu kabi muhabbat mangulikka daxldordir.

“Inson hayoti o’rganishdan iborat. Tug’ilganidan to umrining so’nggi lahzasigacha biron daqiqa bo’lsin o’rganishdan to’xtamaydi odam. Bu jarayon goh ixtiyoriy, goh ixtiyorsiz sur’atda davom etadi. Shu maqsad – shu niyatda u o’zidagi bor imkoniyatini safarbar etad: ko’zi, qulog’i, fahm-farosati, ilm-bilimi, xotirasi, zakovati, iste’dodi, epchilligi , uddaburonligi, boyligi... yana allaqancha “vositalari” ham yalpisiga uning o’rganishi yo’lida tinim bilmay xizmat qiladi. Yetti qavat samoga parvoz qilishidan, yetti qavat zamin qa’riga tushishidan, bahri muhitning tub-tubini o’z ko’zi bilan tinib-tinchimaslikdan ko’zlagan murodi ham bitta – o’rganish!” [3, 3]. H.Xudoyberdiyeva ham tinimsiz olam, odam qolaversa o’zligini o’rganadi. Undan mazmun-mohiyat axtaradi. Izlanishlar asosida izlagani haqiqat. Bu haqiqat juda oddiy va juda boqiy. Uning izlagan haqiqati juda katta, behisob, beqiyos ijodiy jarayon bo’lib yuzaga chiqadi:

Hech narsa yo’qdir dunyoda mavhum –
Hammasi boshlanar va tugar bir dam.
Paxta terilmoqda tugaydi mavsum –
Go’dak yig’lamoqda, yupanar u ham.
Yaproqlar to’kilar ko’zlarimda nam –
So’nggi shitirlashlar... O’kinaman jim.
Demak qachonlardir tugaysan sen ham,
Tinguningcha kuyla, kuylab qol ko’nglim. [1, 17]

Shoira ko’ngilga murojaat etar ekan, undagi hislar ohang bo’lib yarala boshlanadi. Uning mazmun-mohiyatidagi vaqt tushunchasi esa shiddatli bir kuchki, o’z yo’lidan og’may betinim harakatdadir. Bu harakatni na-da to’xtatish, na-da qaytarish mumkin. Shoira anglagan jarayon vaqt tushunchasida zohir bo’ladi. Shu bois tinimsiz jadallayotgan vaqt qoshida o’z so’zini aytib qolish ilinjida. U hayotni shunday tushunadi. Shu bois nedir hayoti va qismatiga aylangan satrlardan kelajak avlodga qoldirish umidida. Shoira yuqoridagi she’rining asl mohiyati ham ana shunda kuzatiladi. “Tabiiyki, shoirlarning ijtimoiy nuqtai nazari, individual tafakkur tabiati va ijodiy yo’sini (skladi), badiiy umumlashma-xulosalar mohiyatiga ko’ra hamisha farqlanib kelgan. Uning mundarijasi tarixiy shart-sharoitlar mazmuni bilan to’yinib, hamisha davr ruhini ifodalagan” [4, 25].

Halima Xudoyberdiyevani ham o’z nuqtai nazari orqali shoirlik qismati ya’ni shuur tushunchasini agnlash va anglatish yuqori pafosga ko’tarilgan:

Shunchalik yozmoqqa ko’ngil to’lmaydi,
Shunchaki yozmoqqa bormaydi qo’lim.
Shunchaki yozmoqqa chidab bo’lmaydi,
Shunchaki yozmoq, bu – shoirga o’lim. [1, 19]

Shunchaki yozmoq, uni his etmay o’z o’quvchisiga taqdim etmoq ma’naviy qashshoqlikni keltirib chiqaradi. Yoki shoir uchun ma’naviy o’lim bilan barobar. Albatta, shoira bu tushunchalarning asl mohiyatini anglagan. “Shoir bu yorug’ dunyoda yashayotgan insonning

cheksiz-chegarasiz kechinmalarini soʻz bilan ifoda qiluvchi shaxsdir” – deydi Rauf Parfi. Halima Xudoyberdiyeva esa oʻsha cheksizlikdagi qismat mohiyatini tortiq qiluvchi shaxs boʻlib gavdalanadi. Chunki Rauf Parfi taʼbiri bilan aytganda: “Shoirni kuylatgan – hazrati inson”. Bu hazrati inson esa shoironing oʻzidir.

“Sheʼr – cheksizlikning chekidagi tugʻilgan dunyo” [4, 100]. Shoir koʻnglini oʻrtagan ijod xususida soʻz yuritadi. Bu ijod oʻz-oʻzidan yaralgani yoʻq. Chunki soʻz sanʼatida hamma bir-biriga shogir, lekin har kim oʻz yolidan ketadi deydi R.Parfi. Halima Xudoyberdiyeva ijodining yuksaklikka erishishida shunday ustoz tushunchalari ham oʻz ifodasini topa olgan. Shoironing “Rasul Hamzatovga” bagʻishlovi fikrimizga yorqin misol:

Qizlar sheʼrlaringni yodlar paydar-pay,
Muhabbat xatiday qoʻyishmay qoʻldan.
Ogʻa! Sening noming hassos qoʻshiqday,
Tildan tilga koʻchar bizning ovulda.
Sababi bor albat, bejizmas bu hol –
Garchi ozdir mening senday bilganim,
Ammo oʻz koʻzim-la koʻrganman bir chol
Sheʼrlaring tinglagach koʻz yosh qilganin. [1, 18]

“Soʻz moʻjiza – soʻz kashfiyotdir”. Shu bois u oʻz oʻquvchisi koʻngil torlarini chertadi. Gohida kulib qarshi olingan soʻzlar, gohida yigʻlatishga qodir boʻladi. Shoir ham bu moʻjiza soʻz ekanligini anglar ekan, uning qudratiga eʼtibor qaratadi. Rasul Hamzatovning mahoratini esa cholning koʻz yoshlari orqali tasvirlaydi. Tasvir juda oddiy. Biroq bu oddiylik mahoratni oʻzida inkishof eta olgan. Umuman, shoir ijodiy jarayon va ijodkor shaxsiyati oldida, uning qalami oldida ixtiyoriy yoki beixtiyoriy holda hayratda. Uning quyidagi misralarida bu tushuncha aniqroq tasvirlangan:

Bobolar bir vaqtlar tovuq pati-la
Qiynalib-qiynalib yozgan soʻzlarin.
Men bugun oʻqiyman, tarovatiga
Toʻymayman, oʻqiyman, tinmas koʻzlarim.
Men ham sevgim bilan ancha sheʼr bitdim,
Vaqtu bevaqt yozdim shomda, peshinda.
Ammo ularga ham qachonlardir jim,
Kimdir termilarmi, hamma gap shunda. [1, 18]

“Ijtimoiy voqelikka bogʻlanmagan sheʼr kam boʻlarkan. Ijodkor tarixiy yoki zamonaviy voqelikka murojaat etadimi, undan zamonaning maʼnaviy-axloqiy muammolariga badiiy javob izlarkan, olis oʻtmishda kechgan voqea-hodisalar tafsiloti oʻzi tashigan gʻoyalar, ilgari surgan maʼnolar bilan bugungi kun manfaatlariga xizmat qiladi” [5, 123]. Shoir ham olis oʻtmishga nazar solar ekan ijodkorlarning asar yaratish jarayonini koʻz oldida bir lavha singari oʻtkazadi. Ularning mashaqqatli mehnatini taʼkid etar ekan, oʻz mehnatini bugun bilan bogʻlaydi. Oʻzi hayratda qolgan darajadagidek oʻz oʻquvchisini hayratga tushishini istaydi. Chunki “katta isteʼdod avval xalq eʼtiborini, keyin mehr-muhabbatini va nihoyat xalq eʼtiqodini qozonadi. Aslida mana shu uch bosqichning har bittasi bir umrga teng” [6, 194]. Halima Xudoyberdiyeva xalq eʼtiborini, eʼtirofini qolaversa mehr-muhabbatini qozonishga intiladi. Uning misralaridagi bu mazmun har bir ijodkor shaxsning qismatini tan olinishi muhimligini uqtiradi. “Haqiqiy badiiy asar ikkita eng xolis va beshafqat hakam sinovidan oʻtishi kerak. Biri – oʻquvchi sinovi. Oʻquvchiga yoqadigan asarlar anchagina boʻlishi mumkin. Bular eʼlon qilinishi bilan qoʻlma-qoʻl boʻlib ketadi. Albatta, bu yaxshi. Ammo oradan bir-ikki yil oʻtgach, asar unitilsa, birov uni qayta oʻqishga oʻzida ragʻbat sezmasa, demak u bir sinovdan oʻtib ikkinchisiga dosh berolmagan boʻladi. Ikkinchi sinov esa ancha murakkab. Siz qachondir, qaysidir asarni oʻqib larzaga tushgan boʻlsangizu oradan oʻn yil, yigirma yil oʻtib uni qayta oʻqiganda yana hayajonlansangiz undan yangi maʼnolar topsangiz, mana shu uzoq yillar yashaydigan asar boʻladi” [7, 34]. Halima Xudoyberdiyeva ham ana shunday sinovlarga dosh beradigan asarlarini qoldirishni istaydi.

Shoira yaratgan yaratqlarda ayol tushunchasi yani gender hodisasi ham o'z ifodasini topa olgan. U shoirlik qismatini qiz bola nigohi ila taqdim etadi:

Muhabbatday buyuk dardga
Dugona qilgan bu she'r.
Duch keltirar senday mardga,
Yagona qilgan bu she'r.
Behadik quvonsam qani –
Sendan she'r suyuk bo'lgach,
Kun kelaru sendan meni –
Begona qilar bu she'r. [1, 38]

“Shoirning ijod namunalarini yurakdan o'tkazish bu ularning butun boyligi va barcha teranligini tuyish, ularning dardlari bilan og'rish, iztiroblarini kechirish, quvonchidan rohatlanish tantanasidan zavqqa to'lish, umididan umidlanish demakdir. Muayyan vaqt davomida uning mutlaq ta'siriga berilmay, uning ko'zi bilan ko'rishni, qulog'i bilan eshitishni, tili bilan so'ylashni suymay turib, shoirni tushunish mumkin emas” deganida V.G.Belenskiy naqadar haq edi. Ijod jarayoni barcha tuyg'ulardan ustun ekanligi shoira oddiygina misralarda ta'kidlasa-da, biroq bu kabi qismatni baxt deb tushunish va unga og'rinmay intilishni jasorat sifatida ta'kidlash joiz. Chunki shoira shoirona tafakkur egasidir.

Xullas, Halima Xudoyberdiyeva uchun ijod jarayoni oddiy bir hodisa emas. Bu jarayon uning qismatiga aylangan. Satrlari esa qismatning ma'lum bir shtrixlaridir.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Халима Худойбердиева. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2020, -560 б.
2. Вохидов Э. Шоиру шеъру шуур. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987, -224 б.
3. Хуршид Дўстмуҳаммад. Ижод – кўнгил мунавварлиги. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011, - 316 б.
4. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври шеърияти. – Тошкент: Фан, 2007, - 239 б.
5. Раҳимжонов Н. Бадиият – бош мезон. – Тошкент: Академнашр, 2016, - 224 б.
6. Ҳошимов Ў. Нотаниш орол. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990, - 208 б.
7. Hotamovna U. G., Abdusalamovna K. M. New Voices in the 20th Century Uzbek Poetry //International Journal of Management. – 2020. – Т. 11. – №. 9.

С.Р.Каримова (СамДЧТИ, доцент)

ЗЕБУННИСОБЕГИМНИ ЯРАТГАН ДАВР

Аннотация. Мақолада форс-тожик шеъриятининг буюк ғазалнавис шоираси Зебуннисобегим ғазаллари ташқи жихатдан кўпроқ ишқий, аммо, мохият жихатидан чуқур фалсафий, ирфоний, ахлоқий ва ижтимоий мазмун ва маъно касб этиши ва унинг ислом фалсафаси- калом ва тасаввуф илмларидан баҳра олганлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мутафаккир, фалсафий фикрлар ва қарашлар, мажоз, рамз, ирфоний, ахлоқий, рубоий, ислом фалсафаси, тамсил.

Зебуннисобегим Абу Абдулла Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий сингари ниҳоят даражада сермахсул ижод қилган мутафаккирларга издош шоира ва адибадир. Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Эрон ва Озарбайжонда чуқур ҳурмат ва эътибор қозонган мутафаккир ва мутасаввиф шоира Зебуннисобегим ҳам мазкур давр адабиётининг ёрқин сиймоси эди. Зебуннисобегим феодализмнинг сиёсий тузумини инкор этиш билан бирга, ҳинд ва мусулмонларнинг ўзаро бирлашуви зарурлиги ҳақида қайғурди. Ўз-ўзидан маълумки, у ўзининг фалсафий фикрлари ва қарашларини очиқ айтиш имкониятидан маҳрум эди, шунинг учун ҳам ўз фикрларини хаспўшлаб, турли ишоралар, мажоз ва рамзу киноялар орқали баён этишга мажбур эди.

Зебуннисобегим ғазалларида форс-тожик шеъриятининг буюк ғазалнавис шоирлари – Рудакий, Аттор, Саъдий, Румий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий,

Навоий, Соиб Табрeзий, Калим Кошoний, Шавкат Бухoрий ғазалларининг таъсири сезилиб туради. Унинг ғазаллари ташқи жиҳатдан кўпроқ ишқий, аммо, моҳият жиҳатидан чуқур фалсафий, ирфоний, ахлоқий ва ижтимоий мазмун ва маънолар касб этади.

Зебуннисобегим рубоийлари Ибн Сино, Хайём ва Румий рубоийлари билан мавзу ва мазмун жиҳатдан узвий ҳамоҳангдир. Зеро, Зебуннисобегим юқоридаги мутафаккирларимиз сингари бир томондан Аристотель фалсафаси, иккинчи томондан ислом фалсафаси – калом ва тасаввуф илмларидан баҳра олган.

Зебуннисобегимнинг асарлари Марказий Осиё халқлари ўртасида жуда кенг тарқалди, айниқса, унинг қўлёзмалари XVII, XVIII, XIX ва XX асрларда ниҳоят даражада оммалашиб кетди. Литографик чоп этиш усули пайдо бўлгандан сўнг, унинг асарлари чиройли тошбосма китоблар ҳолида чоп қилиниб, Ҳиндистон, Эрон ва Марказий Осиё ҳудудларида кенг тарқалди. Зебуннисобегим асарларининг 1847 ва 1882 йилларда чоп этилган Мумбай нашрлари ҳам мавжуд.

Зебуннисобегим инсон ақл-тафаккури англаши осон бўлмаган маъноларни кашф этиш ва уларни энг гўзал, энг нафис тарзда назм ипига териб тортиқ этишда беназирдир. Зебуннисобегим нодир, бетакрор, бутунлай янги фалсафий, ирфоний ва ижтимоий маъно-мазмунларни топиш ва уларни етказиб беришда алоҳида қудрат ва салоҳиятга эга бўлган. Зебуннисобегим шеърляти бир томондан ислом фалсафаси, иккинчи томондан қадимги ҳинд фалсафасидан сарчашма олади. Аммо, унинг ижодида мусулмон Шарқ халқлари тафаккурининг таъсири кўпроқ сезилади. Л.Климовичнинг ёзишича, “Зебуннисобегим тили ва услубининг ўзига хос моҳияти шундаки, у анъанавий рамзийликка қарши исённи акс эттиради. Бу “сабки ҳиндий” – ҳинд услуби номи билан устувор бўлган услуб Ҳиндистонда ва бошқа жойларда яшаган шоирларга кўчиб ўтган”.

Зебуннисобегим инсонпарварликни тарғиб этади, инсоний фазилатларни улуғлайди, шу билан бирга ёмон хислатлар ва нуқсонларни қаттиқ танқид қилади. У инсонни миллий ва диний фарқлар нуқтаи назаридан эмас, балки умумбашарий инсон наслидан эканлиги тушунчасидан келиб чиққан ҳолда юксакликка кўтаради ва айнан шунинг учун ҳам инсонни энг юксак ҳурмат ва эъзозга лойиқ, деб ҳисоблайди.

Зебуннисобегим фалсафий дунёқарашининг марказида улуғ файласуф, илоҳиётшунос ва мутасаввиф Шайх Муҳйиддин ибн ал-Арабий асос солган “ваҳдат ул-вужуд” фалсафаси ётади. Зебуннисобегим бутун борлиқнинг Соқийси Ҳақ таоло ҳамда азалий ва абадий масту махмури бўлмиш Инсонни яхлит бир майхона сифатида тасаввур этади.

Зебуннисобегим ўзининг инсон зотига бўлган энг нозик, покиза ва мусаффо ҳистуйғулари ва муҳаббатини гўзал сатрларда ифодалайди. Шу билан бирга у ватанни ва ватанпарварликни улуғлайди, чунки у ўз ватани – Ҳиндистонни севарди.

Инсонпарвар шоира инсонни биринчи ўринга қўйганлиги боис, унинг табиатидаги ёлғончилик, ишёқмаслик, очкўзлик, хиёнат, жаҳолат ва золимлик каби ёмон иллатларни бадий воситалар ва санъатлар ёрдамида танқид қилади, аксинча, ундаги камтарлик, саҳийлик, ҳақгўйлик, донишмандлик, вафодорлик ва меҳнатсеварлик каби яхши фазилатларни таъриф ва тавсиф этади. Зебуннисобегим ижодида борлиқ ва инсон ўртасидаги робита масаласи асосий ўрин тутаетди, чунки у бу фалсафий масала билан доимий равишда шуғулланиб, фақат ўзигагина хос бўлган дунёқарашни такомиллаштириб борди. У баъзан ўз хатоларини тан олиб, ўз қарашлари тадрижий тарзда тараққий этиб борганлиги, турли даврда турли савияда ёзилганлиги ва осмондан тайёр ҳолда тушмаганлигини айтади.

Зебуннисобегим меҳнаткашларнинг жамиятдаги ролини, текинтомоқларнинг ким эканлигини ажойиб тамсил ва ташбиҳлар воситасида равшан ва тиниқ тарзда тасвирлаб беради. Ҳар бир касбнинг ўзига хос афзалликлари ва хусусиятларини таъкидлаб ўтар экан, уларни эгаллашга, ҳалол меҳнатдан ор қилмасликка даъват этади. Файласуф шоира қўл ишини тил, тил ишини қўл бажара олмаслигини, шунинг учун ҳар бир киши ўзи билган, эгаллаган касби билан шуғулланишини муқаддас китоблардан мисол келтириб асослайди.

Шоира ўз шеърларида ҳар бир инсонни муайян ҳунар ва маълум касбни ўрганишга чақиради, дангаса, ишёқмас кишиларни текинхўр, деб танқид оловини сочади.

Зебуннисобегим Ҳиндистонда, асосан, форсий тилда ижод этиб, асарларида форс-тожик классик адабиётининг энг гўзал ва бетакрор анъаналарини давом эттирди. Шу билан бир қаторда мамлакатда ҳукм сураётган тарихий воқеалардан доим воқиф бўлиб турди. У гуманист шоира ва мутафаккир сифатида Ҳиндистон халқларининг бирлиги ғояси позициясида собит ва мустаҳкам турди. Шоира ҳиндларнинг руҳнинг кўчиши, яъни, “таносух”га бўлган эътиқоди ва мусулмон халқларининг қазо-қадар, яъни, тақдир ҳақидаги қарашларини ўзининг фалсафий асарларида изчил таҳлил қилиб, уларга нисбатан ўз фикр ва ғояларини очиқ, тиниқ тарзда баён этди, натижада, уларни изоҳлаш ва талқин қилишда турли диний усул ва қоидаларни ишлатиб, ўз фикрларини турли илоҳий-диний тушунчаларга ўраб-чирмаб беришга мажбур бўлди. Шу боис унинг асарларининг тили мураккаб, уларда ўзаро бир-бирига зид қарашлар мавжуд, аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, уларнинг шакли ажойиб ва мундарижаси жуда бой.

Зебуннисобегим ўз ижодий фаолияти даврида ҳинд, араб, форс тили ва адабиёти, Марказий Осиё маданияти, санъати, фалсафаси ва тарихини кунт билан ўрганди, уларнинг тараққиётига муайян даражада ҳисса қўшди. Шоира баъзи бир камчиликлари, хатолари учун унга таъна қилмасликларини таъкидлайди, чунки танадаги баъзи сезгисиз, ўлик аъзоларни кесиб ташлаш эса инсон мукамаллигига путур етказмаганидек, асосий моҳиятга таъсир этмайди.

Нима бўлганда ҳам файласуф шоира ўз даврининг юксак маънавияти ва илғор тафаккури даражасига кўтарила олди. У Шарқнинг буюк мутафаккирлари сингари халқ бахт-саодати, эл-юрт фаровонлиги йўлида тинмай ижод қилди. Зебуннисобегим ижодининг Марказий Осиёда кенг тарқалишининг сабаби ҳам, унга эргашувчи шоирларнинг кўпайиши сабаби ҳам ана шунда.

Умуман олганда, асримиз шарқшунос - олимлари Зебуннисобегимнинг дунёқарашини прогрессив, деб баҳоладилар, чунки Зебуннисобегим инсон ақл-заковати қудратини, илм-фаннинг жамият тараққиётидаги ўрнини муҳим эканлигини, прогрессив ғояларни қуйлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Тўхтасин Жалолов. Ўзбек шоирлари. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1970.
- 2.Зебуннисо. Мажмӯаи шеърҳо. Нашриёти Давлати Тоҷикистон, --Сталинобод: 1958. - 255 б.
- 3.Тўхтасин Жалолов. Нафосат оламида. Адабиёт ва санъат нашриёти, -273б.
- 4.Тўхтасин Жалолов. Гўзаллик оламида. Мақолалар, адабий тадқиқотлар. Адабиёт ва санъат нашриёти, -328б.
5. Зебуннисо, Дилшод ва Анбар отинлар шеърятдан. Ўзбекистон Марказий Комитетининг нашриёти, -Тошкент: 1981.

D.Jabborova (SamDU, dotsent)

CHO‘LPONNING HIKOYACHILIK MAHORATI

Annotatsiya: Maqolada so‘nggi davr adabiyotshunosligida Cho‘lponning hikoyachilik mahorati, olimlar tomonidan Cho‘lpon hayoti va ijodiga doir chop etilgan risola va qo‘llanmalarda, maqola va tadqiqotlarda nashr etilgan maqolalar tahlilga tortilgan.

Kalit so‘zlar: ramz, qiyofa peyzaj, ruhiyat tasviri, biogragik metod, qiyosiy-tipologik tahlil

O‘zbek adabiyotshunosligida Cho‘lponning hikoyachilik mahoratini O.Sharafiddinov, N.Karimov, S.Mamajonov, N.Vladimirova, D.Quronov kabi olimlarimizning kuzatishlari misolida yaqqol ko‘zga tashlanadi.

Cho‘lponning hikoya yaratish mahorati taniqli hikoyashunos olimi Ninel Vladimirova kuzatishlarida ham o‘ziga xos talqin etilgan. Olimaning “Keleopatra Cho‘lpon talqinida”, “Cho‘lpon – hikoyanavis” kabi maqolalari adib mahorati qirralarini ochishga qaratilgani bilan

ajralab turadi. Dastlabki maqolada Cho‘lponning 1921 yilda yaratgan “Kleopatra” hikoyasi tahlil qilinadi. Olima e‘tibor qaratgan dastlabki masala ushbu ramziy-falsafiy yo‘sindagi hikoyaning pafosi, so‘zi, musiqasi, ifodasi, o‘xshatish va istioraviy quvvatida katta shoirlarga xos xususiyatning mavjudligidir. Maqola boshida tashlangan ushbu tezis tahlillar orqali asoslab beriladi.

Darhaqiqat, olima ta’kidlaganidek, “Bir necha yuz yillar davomida jahon adabiyoti – Shekspirdan tortib Pushkindan to Bernard Shougacha – murojaat qilib kelgan Misr malikasi haqidagi afsona nimasi bilan Cho‘lponni o‘ziga tortdi ekan?”⁵⁰ Bu an’anaviy poetik obrazga Cho‘lponning “mo‘‘jazgina rubobiy hikoyasi nimalar qo‘sha oldi?”

Olima fikricha, garchi adib yaratgan Kleopatra ham afsonaviy qolipdagi obrazlarga yaqin bo‘lsa-da, lekin ko‘p jihatlariga ko‘ra ulardan farq qiladi. Cho‘lpon yaratgan obraz faqat o‘z go‘zalligidan mag‘rurlanib, oshiqlarini o‘limga mahkum etuvchi makkora timsolida emas, balki o‘zini ham muhabbatning barcha hijronu quvonchlaridan mahrum qilib, sevishdek muqaddas tuyg‘udan bebahra qilgan fojeaviy qahramon sifatida namoyon bo‘ladi.

N.Vladimirova maqolada Cho‘lpon qo‘llagan xilma-xil poetik timsollarga e‘tiborni jalb qiladi. Gullab turgan nilufar shunday timsollardan biri. Olima ushbu obraz haqida fikr yuritir ekan, gulning ijodkor poetik niyatiga ko‘ra turli yo‘sinda tasvirlanishini adib mahorati sifatida baholaydi.

“Bu “vafo hidli” nilufar chechagi Kleopatraning qoshida darrov so‘lib qoladi. Ularni o‘limga mahkum oshiq yigitlarning “oh-vohi” so‘ldiradi. Shuning uchun ham Kleopatra na “vafo hidli”ga, na muhabbatga to‘yib ulguradi. Biroq, mana, “begona, adashgan odam” kelib, “sekingina bag‘rimdagi gulni olib boshingga tashladi”. Bu gullar bo‘yidan mast bo‘lgan, qimirlashga ham majoli qolmagan Kleopatra umrida ilk bor eng shirin uyquga ketdi”[1,7], deb yozadi bu haqda olim. Hikoyadagi nilufar gulining o‘zbek adabiyotidagi an’anaviy gul obraziga har doim ham mos kelavermasligini ta’kidlar ekan, olim Nil bo‘yidan terilgan gul Kleopatra oldida tez so‘lib qolishini “jaholat nafasi” bilan sevishganlar gulining chiqisholmasligi oqibati deb izohlaydi. Munaqqid fikricha, faqat hikoya qahramoni – “adashib qolgan kishi”ning guli uning sevgisidan kuch olgani uchun Keleoparta qoshida tezda so‘lib qolmaydi.

N.Vladimirova talqinicha, hikoya faqat xayoliy afsonani tasvirlab qolmasdan, balki davr voqealarga munosabatni ham o‘ziga xos ramzlar vositasida ifoda etadi. Chunonchi, hikoya qahramonini Nil Kleopatrasini o‘z jozibasi bilan rom etib yonida olib qolmoqchi bo‘lganda, u o‘z sevgilisi – Amu Kleopatrasini yoniga shoshadi. Talqinga ko‘ra, uni sevgilisi yoniga o‘tkazmay, yo‘lini to‘sgan suv toshqinlarida ham ma’lum ramziy ma’no yashirin.

“O‘z davri uchun yo‘l ayrilishida turgan odam obrazi ham ramziy, ham xarakterlidir. U o‘zida tanlash huquqi yo‘q bo‘lgani uchun ham, ehtimol, Cho‘lpon uchun qadrli va yaqin bo‘lgandir. Buni hikoyaning birinchi shaxs tilidan yozilishi ham tasdiqlaydi, desak, xato bo‘lmas”[1, 10], deb yozadi N.Vladimirovna. Cho‘lpon hikoyasidagi ramziy ma’nolarning ko‘lamdorligini ta’kidlar ekan, tadqiqotchi uni bir tomonlama talqin qilishga urinmaslik kerak, deb hisoblaydi. Asarda abadiy va azaliy insoniy qadriyatlarining ulug‘lanishi, ona zaminni shu vositalar bilan bog‘lab tasvir etishning o‘zi ham ulkan ahamiyat kasb etishi urg‘ulanadi. Munaqqid asarni badiiy-estetik xususiyatlari – poetik obrazlaru tasvir vositalari jozibasi bilan nasriy she’rga mengzaydi. Bu jihatlarini yozuvchining bu asarni keyin yaratgan hikoyalari bilan bog‘laydigan muhim halqa sifatida baholaydi.

“Cho‘lpon – hikoyanavis” nomli maqola adibning hikoyanavislik mahoratini bor ko‘lami bilan o‘rganishga qaratilgani bilan xarakterlidir. Olima “Kleopatra” hikoyasini tahlil qilar ekan, maqolada aytilgan dastlabki fikrlarni yana-da chuqurlashtiradi, yangi-yangi kuzatishlar bilan asoslaydi. Oldingi maqoladagi “nasriy she’r”ga mengzash tendensiyasi bu maqolada yanada tiniqlashib, adib ijodini poetik tahlil etish darajasiga ko‘tariladi.

“Cho‘lpon o‘z ijodini shoir bo‘lib boshladi va butun umr shoir bo‘lib qoldi. O‘sha poetik asos uning nasrida, ayniqsa, hikoyalarida ham barq urib turibdi”, [2, 97] deb yozadi bu haqda olim.

Maqolada mana shu mezon, ya’ni shoirona nigoh Cho‘lpon hikoyalarida qay darajada o‘zining poetik jozibasini topdi, degan masala olim kuzatuvida etakchilik qiladi. Bu, eng avvalo,

⁵⁰ Владимирова Н. Клеопатра Чўлпон талқинида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, №2. –Б.6.

adib hikoyalaridagi mushtaraklikda ko‘rinishini ta’kidlarkan, u Cho‘lponning barcha hikoyalariga xos bo‘lgan xususiyatlardan birini voqea va obrazlarni tabiat bilan uyg‘unlik, bir butunlikda tasvirlanishida deb biladi: “Go‘yo Cho‘lpon tabiatni tinglab turib, uni rassomning mo‘yqalami bilan qayta jonlantiradi”. [2, 102] Ayni paytda maqoladagi har bir hikoya talqini o‘ziga xos. Adibning tahlilga tortilgan “Novvoy qiz”, “Oydin kechalarda”, “Qor qo‘ynida lola”, “Nonushta” va boshqa asarlarining har biri o‘zicha bir badiiy olam, o‘ziga xos poetik hodisa ekani ilmiy asoslanib, shunday xulosaga kelinadi:

“Cho‘lpon o‘z hikoyalarida estetikaning yangi sohalarini, badiiy tahlilning yangi shakllarini o‘zlashtira boshlaydi. Cho‘lpon janrning imkoniyatlarini o‘zicha idrok etadi. U alohida, aniq hodisa haqida hikoya qilmaydi, balki har bir epizodni shunday quradiki, natijada u personajning butun taqdirini aks ettiruvchi ko‘zguga aylanadi”[2, 103].

Muhimi shundaki, bu fikrlar maqolada shunchaki aytilmaydi, balki chuqur va asosli ilmiy tahlillar bilan dalillanadi. CHunonchi, “Novvoy qiz” hikoyasidagi har bir tasvir, har bir epizod o‘zi bir sahna ekani, bu sahnaning o‘z boshlanmasi va xotimasi borligi, ayni paytda hayotning bu parchalari asarda yaxlit poetik hodisaga aylangani yozuvchi mahorati nuqtai nazaridan tadqiq etiladi. Maqolada hikoyadagi har bir bo‘lim alohida-alohida tahlilga tortilar ekan, ushbu bo‘limlar xuddi sahna asarlariga o‘xshashligi va o‘ziga xos drama ekaniga e‘tibor qaratiladi. Tadqiqotchi hikoyadagi dengiz – qiz, qirg‘oq – O‘lmas obrazlarining ramziy ma’nolarini ochadi. Maqolada muallif nega dengiz va qirg‘oq ramziy obrazlari takror-takror keltiraveradi, degan savolni qo‘yib, unga: “Chunki, mana shu dengiz stixiyasida to‘lqinlarning yolg‘izligi va himoyasizligi, paymol etilgan inson taqdirining himoyasizligi va achchiq alamlari judayam yaqqol ko‘rinadi”[2, 105), deb javob beradi.

Maqola muallifi e‘tibor qaratgan masalalardan yana biri Cho‘lpon hikoyalarining fojeaviy xarakterdaligidir.

“Fojeaviylik estetikasi Cho‘lponda o‘ziga xosdir. U fojeaviy taqdirlarga yozuvchining dildilidan achinib yondashuvni talab qiladigan an‘anaviy estetikaga juda yaqin”[2,106]. “Oydin kechalar” hikoyasidagi fojeaviylik “hikoyaning psixologik teranligida, folklor motiv va obrazlari bilan goh bevosita, goh bilvosita jo‘rovozigida, xalq badiiy madaniyatining an‘anaviy ifoda usullaridan foydalanishida namoyon bo‘ladi” [2,1065](106-bet), N.Vladimirovna.

Olima Cho‘lpon hikoyalariga xos fojeaviylik muammosiga to‘xtalar ekan, masalaning barcha jihatlariga e‘tibor qaratadi. Chunonchi, xalq og‘zaki ijodiga xos poetik manzaralarning xalq turmush tarzi bilan uyg‘unlashib ketishi, dramatzimga xos harakatlarning barcha ko‘rinishlari tasvirining chizilishi, o‘rni bilan ham bayon, ham ifoda usulidan mohirona foydalanishi kabilar shular jumlasidandir. Bu omillar hikoyadagi ko‘pqirralikning namoyon bo‘lishiga, psixologizmning teranligiga xizmat qiladi.

Xususan, kelinning fojeaviy ruhiy kechinmalari, kechalari intizor bo‘lib yum-yum yig‘lashining afsonaviy pari qizlar obraziga o‘xshatib tasvirlanishi folklorga xos motivlar orqali ifodalansa, o‘larday mast, gandraklab kirib kelgan Qodirjonning o‘zga qizning ismini tilga olib “gup” etib yiqilishi epizodi yozuvchining realistik hikoyachilik mahoratini egallaganiga misoli sifatida keltirilib tadqiq etiladi.

Tahlilda keltirilgan parchalar olim fikrlariga badiiy dalil bo‘lib xizmat qiladi. Kelin va qaynona o‘rtasidagi qismatdoshlikni asoslovchi – “Otasi ham shundoq edi, qizim...”, degan e‘tirof faqat kekxa ayolning fojiasi emas, balki kelin timsolida takrorlanayotgan o‘z taqdiri, qismati sifatida talqin etiladi.

Adibning “Qor qo‘ynida lola” hikoyasi tadqiqotchi tomonidan davr va shaxs fojiasi sifatida ko‘riladi. Yozuvchining fojiani maqsadiga mos quyuq tasvir (tun tasviri – J.D.) bilan bog‘lab gavalantirgani sababi tahlil orqali tarzda mantiqan asoslanadi.

Olima talqinicha, hikoyada keltirilgan “yor-yor” aslida to‘y-tomoshaga oid urf-odatlar shodiyonasini ifodalaydi, biroq hikoyadagi fojeaviylik yosh norasida qizning qari cholg’a sotilishidagina emas, balki “quyov” ko‘nglining ham zimstondan-da qop-qorong‘u ekanligida hamdir.

“Bu hikoyaning musiqiy ohangi g‘amgin, qayg‘uli. Cho‘lpon bitta taqdirning fojiasi va hech narsani o‘zgartira olmaydigan alamli ojizligini musiqiy jumalarda ko‘rsata olgan” (o‘sha manba,109 bet).

Cho‘lponning “Nonushta” hikoyasini tahlil qilar ekan, N.Vladimirova uning poetik asosi avvalgi hikoyalaridan farqli ravishda chuqur lirizm bilan sug‘orilganiga e‘tibor qaratadi. Olima fikriga ko‘ra, hikoyada xalq turmush turzining botiniy poeziyasi, kundalik hayot go‘zalliklari, oilaviy munosabatlarning jonli, jozibali nafasi ufurib turadi.

Asarning dialogga qurilgani opa-singillarning so‘z o‘yinlari, askiyalari chuqur lirizmi bilan romantik ruhni hosil qiladi, ayni chog‘da ularning yoshlikdanoq hayot sinovlarini boshdan kechirayotgani, o‘zlarini katta hayotga tayyorlayotganini anglatuvchi belgilar sifatida qayd etiladi.

Cho‘lponning novatorligini xarakter va sharoitni sintez qilishda deb hisoblagan olima maqolada oddiygina ko‘ringan kundalik turmush tarzi hikoyada “milliy hayot obraziga aylangani”ni e‘tirof etadi. Fotimaning yosh bo‘lashiga qaramay kattalardek mulohaza yuritishi, nasihat qilishlarini izohlar ekan, “Yoshgina qiz aql o‘rgatayotgan vaziyat – juda hayotiy. Ko‘rib o‘tdikki, psixologik tahlil to‘la dalillangan, bu esa Cho‘lpon novelistikasining eng kuchli tomonlaridan biridir”, [1, 111bet) degan xulosaga keladi olima.

Xulosa qilib aytganda, taniqli olima N.Vladimirova Cho‘lpon hikoyalariga xos bo‘lgan eng muhim qirralarni ishonarli tahlil qilib, adibning o‘zbek realistik hikoyachiligi shakllanishidagi o‘rnini aniqlab ko‘rsatib bergan.

Dilfuza Matqurbonova “Cho‘lpon hikoyalarida ayol obrazi” [3] nomli maqolasida adibning “Oydin kechalarda”, “Qor qo‘ynida lola”, “Novvoy qiz” kabi hiqoyalarini tahlilga tortadi. Muallif “Qor qo‘ynida lola” hikoyasini tekshirarkan, unda qizlarning koptok o‘ynashi, to‘satdan koptokning suvga tushib ketishi, SHarofatxonning suv yoqasi kelib qotib qolishi epizodlar bilan hayotidagi o‘zgarishga ishora qiladi. Maqoladagi “koptok” detali orqali inson hayoti kimlarningdir qo‘lida koptokdek o‘yinchoq bo‘lishi Cho‘lpon tomonidan zo‘r mahorat bilan tasvirlangani: yoshgina SHarofatning otasidan ham katta ikki xotinli eshonga nazr qilinishi, onasi Qumribushning esa o‘z haq-huquqini bilmaydigan darajada soddaligi, notavonligi sababli qizining taqdiri uchun kurasha olmaydigan ojiza ekani asarda o‘zining badiiy-g‘oyaviy tasdig‘ini topgan. Muallif Sharofatxonning otasi Samandar obrazini chizar ekan, uni qizining taqdiridan ko‘ra eshonni ko‘nglini olish, o‘zini go‘yo eshon oldida burchliday his etib yoshgina qizining umrini xazon qilishdan ham toymaydigan ayanchli kimsa sifatida talqin etadi. Muallif fikriga ko‘ra, Cho‘lpon romani va bir qator hikoyalarida mavjud tuzumga isyon, ya‘ni xotin-qizlarning xo‘rlanib, oyoq osti qilinishi, qadrsizlanishini fosh qilishga qaratilgan g‘oyani ifodalagan.

Maqolada to‘y tasviridan keyingi holat, ya‘ni tunning qorong‘iligi, osmonda birorta ham yulduzning yo‘qligi tasviri eshonning qo‘ngliga qiyoslanadi. Bu qiyos ikki yigitning o‘zaro suhbat va qorovul Mamatning “Lolaning ustiga qor yog‘di!” [3, 55] xitobi orqali amalga oshiriladi. Lola tabiatning noyob mo‘‘jizasi, agar uning ustiga qor yog‘sa, nobud bo‘lishi shubhasiz. Maqolada eshonni qorga, qizni lolaga qiyoslash orqali davr va shaxs fojiasini, mavjud muhitda kambag‘allarning bir hovuch dindorlar qo‘lida o‘yinchoqligi, qolaversa, inson sha‘nini poymol qilishda o‘z farzandidan foydalanishdan ham toymaydigan nopok ota timsolida ham ko‘rish mumkin. Maqolada e‘tibor qaratilgan yana bir jihat, adibning xarakterlar ruhiyatini chizishda inson va tabiatning uyg‘un tasvirlaridan foydalana olishidir. “Adib tabiat tasviridan mohirona foydalanib, inson va tabiat o‘rtasidagi uyg‘unlikni ko‘rsatib bera olgan” [3, 55], deb yoziladi bu haqda maqolada.

“Novvoy qiz” maqolasi uch qismda tahlil qilinadi. Birinchi qismda poymol etilgan inson sha‘ni, Qirg‘oq-O‘lmas, dengiz-qiz siymosida, ikkinchi qismda nochorlikdan qizning kasalmand onasining vafot etishi va qiz haqida mish-mishlarning paydo bo‘lishi, uchinchi qismda esa sud jarayonida Qirg‘oqning Dengiz ustidan g‘alabasi tahlil qilingan. “Qiz to‘lqindan Dengizga aylangan. Endi u har qanday asovsiz to‘lqinni qirg‘oqqa otishi mumkin. Cho‘lpon hikoyada ramzlardan ana shu tarzda ustalik bilan foydalangan” [3, 56], deb yozadi muallif bu haqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Vladimirova N. Kleoparta Cho‘lpon talqinida. “O‘zbek tili va adabiyoti”, 1992, №2. – B.6.
2. Cho‘lponning badiiy olami. –T.: 1994. –B.97.
3. Dilduza Matqurbonova “Cho‘lpon hikoyalarida ayol obrazi “O‘zbek tili va adabiyoti”. 2010 yil. 5-son. 54-56-b

Х.А.Асланова (СамДЧТИ, в.б.доцент)

ГАДОЙНИНГ НАЪТ ҒАЗАЛИ ТАҲЛИЛИ ВА ТАСАВВУФ МАСАЛАСИ

Аннотация. Мақолада Гадоий ижодида тасаввуф масаласининг ифодаланиши ёритилган. Бир ғазал таҳлили мисолида суфийликнинг назарияси бадийлик томондан тадқиқ этилган. Нақшбандия тариқати манбааларининг Гадоий ижодига таъсири баён этилган.

Калит сўзлар: тасаввуф, тариқат, шариат, маърифат, зоҳирий, ботиний, ишқ, ошиқ.

Гадоийнинг наът мазмунидаги ғазалларида инсоннинг умр кечиришдан мақсади акс эттиришини кўришимиз мумкин. Қолаверса, муқаддас динимиз, тасаввуф таълимотининг ғоя кульминацияси инсон ҳаётининг мазмуни ва бажариши лозим бўлган амалларига эга. Мумтоз адабиётимизда Ҳазрати пайғамбар сиймоси тасвирини кенг монографик ўринда илмий тадқиқ этган олим М.Қ.Муҳиддинов ҳамд-наътлар хусусида қуйидаги фикрларни ўртага ташлайди: «Бизнинг фикримизча, ҳамд ва наътлар муаллиф дунёқарашини ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга... «ҳамд» ва «наът»да қасида хусусияти бор, яъни таъриф-тавсифи, тил услуби кўтаринки руҳ билан ёзилган. Лекин, қасиданинг шакли, қофияланиш тартиби бошқа (аа, ба, ва...) бундан ташқари, қасида жанрининг объекти «наът-ҳамд»лардан фарқ қилади. Наът-ҳамдларда муаллифнинг фалсафий мушоҳадалари ҳам ифодаланган».⁵¹

Ҳусн ичинда қудрати яздоний сенсен, ё ҳабиб,
Бу қамар давринда хублар хони сенсен, ё ҳабиб.
Ул лаби жонбахшни кўргач равоне англадим,
Ким, жароҳатлиқ кўнгул дармони сенсен, ё ҳабиб.
Сен эйпарийваш хурни эл одам ўғли соғинур,
Билмайинким, одамийлар жони сенсен, ё ҳабиб.
Аллоҳ, Аллоҳ, бу малоҳатким, зилол ирнингдадур,
Хизрнинг сарчашмаи ҳайвони сенсен, ё ҳабиб.
Куфри зулфунгга гар иқрор айлади мискин, Гадо,
Бок эмас, чун равнақи иймон сенсен, ё ҳабиб.

Ғазал радифидан икки олам сарвари Муҳаммад с.а.в.га мансуб сифат – ҳабиб орқали Гадоий ўз қақирғини ифодалайди.

Биринчи байтга эътибор қаратайлик: Бу гўзалликни фақат Оллоҳ ярата оладиган қудратдан ҳосил бўлган зотсан. Шу даврнинг неча билимдон кишилари бўлса, уларга хон ўзингсан ё Оллоҳнинг ҳабиби. Биринчи мисрани ўзидаёқ, Оллоҳнинг нури Муҳаммадийнинг яратганлигига ишорани англаймиз. Адабиётшунос олим М.Қ.Муҳиддинов «Нури Муҳаммадия» хусусида шундай дейди: «Нури Муҳаммадия» тушунчаси ислом уламолари ишларида тез-тез тилга олинади, айниқса, тасаввуф таълимотида бу тушунча яхши ишланган. Тасаввуф аҳли фикрига кўра, Тангри таъоло оламларни яратишдан олдин Муҳаммад нури яратган бўлиб, шу нур туфайли оламларни ва одамларни халқ этди. Бу нури «Ҳақиқати Муҳаммадия» деб ҳам юритадилар».⁵² Гадоий ғазалларининг бирида шу нурга ишора қилиб, қуйидаги тасвирни ифодалаган:

Юзунгда қилса бўлур сунъи Ҳақ мушоҳадасин,

⁵¹ Муҳиддинов М.Қ. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б.208; Б.36.

⁵² Муҳиддинов М.Қ. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б.37.

Бу не сафо, не тароват дағи не нур бўлур!

Иккинчи байтнинг шарҳида эса, шундай фикрни кўрамиз: Ҳар бир сўзи ила имонга чорловчи зот эканлигининг англадим. Ҳар қандай қалб қусурларини яхшилик билан даволовчи Оллоҳимнинг маҳбуби – ўзингсан.

Муҳаммад с.а.в.нинг ноёб инсоний хусусиятларидан бири – ниҳоятда чиройли сўзлаши билан бошқалардан ажралиб турадиган фазилатига урғу берилган. Пайғамбаримиз ботину зоҳирларида ўзларининг Оллоҳга бўлган муҳаббатини Оллоҳ илми билан ташвиқот олиб борганлар. У зот диний маърифат соҳиби бўлиб, сўз воситасида башариятни имон келтиришлигида, Ҳақни танитишликда кўп машаққат чекканлар. Кейинги байтда ана шу зотнинг саъй-ҳаракатлари неча асрлар оша дастуруламал эканлигини тасвирлайди: Бутун мусулмон аҳлига Инсон қандай яшаш кераклигини динимиз қоидалари асосида ўргатдинг, сен туфайли онгимиз маърифат топдики – сен одамийлик жонини бахш этувчи Олий зотсан. Сени шу боис ҳам ҳар инсон соғинади.

«Маърифат – дилдаги илм, мушоҳада ва мақсад йўлидаги кучли ирода мажмуидир. Бу Ҳақни таниш йўлидаги энг юксак даража ва энг яқин йўл. Аммо бу мақом Ҳақни танишдаги куйи даражалар – ибодат (шариат илми), ақл-идрок (зоҳирий, нақлий илм) туфайли ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, дилдаги – ичкаридаги маърифатнинг ташқаридаги қўриқчилари ибодат ва зоҳирий илм кудратидир. Аммо, сўфийлар Яратгучининг уларга марҳамати бўлмиш маърифатни қанчалик пинҳон сақламасинлар, унинг нури уларнинг юзларида, кўзларида, сўзларида акс этиб туради. Дилдан ташқаридаги бу инъикосни (ошкораликни) яна ақл нурлари ихота этади ва муҳофаза қилади. Шунинг учун маърифатли инсон юзидаги нурни ҳамма кўра олмайди»⁵³.

Кейинги байтда Гадоий Муҳаммад с.а.в.нинг ҳамиша барҳақлигига, сўзларида яшаётганлигига ишора қилади: Эй Оллоҳим, ҳабибингни сенинг илминг соҳиби ва тарғиботчиси қилиб қўйдинг. Шу боис ҳам аҳли башар орасида жисман йўғу, аммо фикратларда худди Хизр сингари барҳаёт!

Ғазал моҳиятан тасаввуф тариқатларининг ижтимоий ҳаётдаги муҳим ўрни хусусида фикр юритишга даъват этади. Тасаввуф тарғиботчиси – мутасаввуф ва сўфийлар деб юритилади. «Агар кенг ва чуқур маънода тасаввуфга ёндашадиган бўлсак, энг биринчи мутасаввуф Одам алайҳиссалом бўладилар. Зеро, тасаввуфнинг асли бандаликни тан олмоқ ва Роббни танимоқдир»⁵⁴. Панду насихат билан яхшилик, тўғрилиқ, покизалиқ, ҳалоликка даъват этишлиқ муқаддас динимизнинг мақсудидир. Дунёдаги барча динларнинг асоси – Оллоҳга имон келтириш саналади. Турли даврлар, давр қаҳрамонлари ўзгаради, аммо, яқка ғоя – Ҳақ ўзгармас. «Ҳақшунослик илми ахлоқ илми билан бақамти ва биргаликда жараён топиб, умуминсоний фазилатларга бой ва оламу одам тақдири билан боғлиқ муаммоларни тарғиб-ташвиқ этади ва доимо шуларга таянади. Тасаввуфнинг бош йўналиши бўлган ғоя Аллоҳ билан боғланган руҳиятдир... XI асрда тасаввуф борасида форс тилида ёзилган энг қадимий тазкира «Кашф ул-маҳжб»да ушбу таълимотнинг «биноси», яъни тузилиши «саккиз хислат»дан иборат деб таъкидланади. Кейин бу хислатларнинг ҳар бири ўз навбатида пайғамбарларнинг шу хислатларга доир хусусиятлари билан киёсланиб, мазкур хислатларнинг пайғамбарлар хислатидан сарчашма олганига ишора этилади. Шу тартибда мазкур тазкира муаллифи Али бин Усмон томонидан тасаввуф «биноси»га том маънода диний-ирфоний оҳанг берилади. Чунончи, тасаввуф тузилишининг саккиз хислатидаги саккиз биноси (иморати) бундай таърифланади:

Биринчиси, «саховат ва у Иброҳим пайғамбарлардан нисбат оладик, саховатда тенги йўқ киши эди. Чунончи, фарзандини худо йўлида қурбон қилди» ва бу сахийликни ҳеч ким қилмаган эди. Иккинчиси, «ризоликким, Исҳоқ пайғамбарларга тааллуқдир. У Аллоҳ фармонида розилиқ бериб азиз жонини тарк этишга рози бўлди». Учинчиси, «сабрким, Айюб пайғамбарлардан илдиз олади. Бу пайғамбар танасини етмиш йил қуртлар еди ва у эса, бу балойи азимга сабр-бардош қилди». Тўртинчиси, «ишоратким, Зикриё пайғамбарларга

⁵³ Дилором Салоҳий. Тасаввуф ва бадий ижод. Ўқув қўлланма. – Тошкент: «Наврўз» нашриёти, 2018, - Б.77.

⁵⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: «Шарқ», 2011, - Б.50.

мансубдир» ва бешинчиси, «ғарибликким, Яхё пайғамбар қисмати билан боғлиқдир. У ўз ватанида ғариб ва қариндошлар орасида бегона эди». Олтинчиси, «саёҳатдаким, Исо пайғамбарнинг одатига туташади. Исо сайру саёҳатда мужаррад, яъни танҳо (якка) юрарди ва бир коса ва бир тарокдан бошқа нарса олиб юрмасди». Еттинчиси, «суф либосидаким, Мусо пайғамбарнинг либосига нисбат берилади. Мусонинг жамики киядиган кийими (тўни) суф (жун мато)дан иборат эди». Саккизинчиси, «фақирликдаким, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг асл одатларидан эди»⁵⁵.

Гадоий ғазал мактасида ўзининг имонга муносабатини ниҳоятда гўзал ташбиҳ билан ифодалаган: Гадоий кўрқувсиз битта қарор қилган: иймонимнинг ўзи сенсан ё Оллоҳнинг расули – ё Оллоҳнинг суюқлиси! «Тасаввуфдаги биринчи мақом - иймондир»⁵⁶. Гадоий айна ўринда пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.га бўлган ҳурмат ва имонга иқрорликни яна бир ғазалида шундай деб келтиради:

Бу Гадо сори не бўлғай «ҳоса индаллоҳ» учун,

Гар иноят кўзи бирла қилсангиз бир илтифот.

Мазмуни: Эй Оллоҳнинг пайғамбари, ғариб Гадога биргина назар солинг, шунинг ўзи унга (ўзига) тарбия топишлигига (диний илмга эга бўлишлигига) кифоя қилади.

Инсонларнинг чин мусулмонлик мақомини олиб, имон-эътиқодига содиқ қолишлик ҳолати юксак бадий дид билан ёритилган. Гадоий ижодида ер гўзалига бўлган муҳаббатнинг ривож топиб, Оллоҳга бўлган Ишққа айланишлик ҳолати, тасаввуфнинг «мажозий ишқ – илоҳий ишққа ўтказувчи кўприк» эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Гадоий ғазалларида поэтик санъатларни ниҳоятда нозик сўз сеҳри билан яратганки, улар орқали Гадоийнинг нақадар нозиктаъб ижодкор эканлигини англаш мумкин. Бу каби шарҳлар мумтоз адабиёт вакиллари ҳақида маълумот берибгина қолмай, унинг ижодий меросини чуқур англашга ва китобхон ва муаллифнинг автобиографияси ўртасидаги риштани ҳосил қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Аҳмад. Тасаввуф ва унинг намояндалари. - Т: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти», 2009 йил.
2. Дилором Салоҳий. Тасаввуф ва бадий ижод. Ўқув қўлланма. – Тошкент: «Наврўз» нашриёти, 2018.
3. Муҳиддинов Муслиҳиддин. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: «Маънавият», 2005.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: «Шарқ», 2011.

⁵⁵ Абдуллаев Аҳмад. Тасаввуф ва унинг намояндалари. - Т: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти», 2009 йил. - Б.10-11.

⁵⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: «Шарқ», 2011, -Б.50.

ОЛТИНХОН ТЎРА ВА УНИНГ ҚУРЪОНИ КАРИМ МАЪНОЛАРИНИНГ ТАРЖИМА ВА ТАФСИРИ

Аннотатция. Ушбу мақолада муқаддас китобимиз бўлмиш Қуръони Карим маъноларининг илк бор туркий тилда мукаммал таржима ва тафсирини тайёрлаган Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир – Олтинхон Тўра нисбаси билан қалам тебратган олимнинг ҳаёт йўли ва муқаддас китобнинг таржима ва тафсирнинг яратилиш тарихи ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Қуръони Карим, ҳадис, таржима, тафсир, шарҳ, ислоҳ, тил, услуб, ўзбек тили, сўз тузилиши, луғат бойлиги, тили ва адабиёт.

Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир – Олтинхон Тўра Фарғонанинг гўзал Чимён кишлоғида 1893 йил атрофида ўқимишли диндор оилада дунёга келган. Қизи Саидахон ва ўғли Муҳаммаджонларнинг айтишларига қараганда, Саййид Маҳмуднинг 11-12 ёшлигида отаси оиласи билан Авлиёта (ҳозирги Тароз) шаҳрига кўчиб кетган. Олимнинг отаси Саййид Назир Қуръонни тўла хатм қилган ва ҳадис илмининг билимдони бўлиб, Эшонхон домла номи билан шуҳрат қозонган. Саййид Маҳмуд аввал отаси қўлида, кейин ўша давр мадрасаларида ўқиб, араб, форс тилларини, диний адабиётни, Қуръон ва ҳадисларни мукаммал ўрганган ва халқ орасида Олтинхон Тўра нисбаси билан шуҳрат топа бошлаган эди⁵⁷.

Тарихдан маълумки, 30-йиллар қатағонида машҳур туркистонлик олимларнинг ҳаёти хавф остида қолган эди. Уларнинг айримлари хорижий Шарқ мамлакатларига ўтиб кетиб жон сақлаб қолдилар; муҳожирликда ўзларига бошпана топдилар, баъзилари илм-фан йўлидан борсалар, бошқалари касб-ҳунар, тижорат билан шуғулландилар. Диний олимларнинг ҳаёти таҳлика остида қолганда Олтинхон Тўра 1930 йили ўз ватанидан чиқиб кетади. Аввал Афғонистон, кейинчалик Ҳиндистоннинг ҳозирги Покистон ҳудудида яшаб, сўнг Мадина шаҳрида турғун бўлиб қолади. Олтинхон Тўра Мадина мадрасаларида дарс беради, туркистонлик муҳожирлар орасида обрў қозониб, уларга раҳнамолик қилади⁵⁸.

Олтинхон Тўра муҳожирликда бекорга умр ўтказмади, Қуръон ва ҳадис илмига астойдил киришди, кўплаб тафсир китобларини мутолаа қилди ва ниҳоят ватандош туркистонликлар илтимосига кўра Қуръони каримни ўзбек тилига илк бор кенг тафсир ва шарҳи билан таржима қилди; ушбу таржима 1956 йили Бомбайда, 1975 йили Карачида, 1980 йили Жиддада, 1993 йили Қатарда нашр этилди. Муфассирнинг китобга ёзган муқаддимасида у бир қанча туркистонликларнинг илтимосига кўра бу ниҳоятда оғир ва Аллоҳ олдида масъулиятли ишга сайъ-ҳаракат қилгани, ҳинду мусулмон олимларининг ёзган бир неча тафсирлари ва таржималаридан фойдаланганлигини ёзади: *«Ҳаммага баробар маълумдурки, инсон дунёга олим бўлиб келмас, ҳар нарсани новоқиф ва беҳабар бўлгон ҳолда оламга қадам қўюр. Ва ўрганиш ила ҳар нарсани ўрганур ва кўрсатиш ила ани била олур. Мана шу тариқада Аллоҳ таолони танумак ва анинг сифотларин ва ҳукмларин билмак ҳам ўргатмак ва кўрсатмак ила ҳосил бўлур. Лекин бу нарсаларни ҳеч ким Аллоҳ таоло ўзи Қуръони каримда ўргатгани каби ўргата олмас ва кўрсатган каби кўрсата олмас. Ва ул баракот ва ҳидоятларики, Қуръони карим таълимидин касб этурлар, бошқа бир кишининг таълими ва иршодидин қўлга келмас. Шунинг учун мусулмонларнинг ҳамма табақаларига лозимдурки, ўз-ўз даражаларига мутобиқ Каломуллоҳнинг маъни ва мазмунларини тушунмак ва андин баҳра олмак ва анинг ҳидоятига мувофиқ амал қилмакка кўшиш қилсунлар. Модомики ҳақиқат шул эркан, форсий ва урду забонда ёзилгон таржима ва тафсирлар, алҳамдулиллоҳ, касрат ила мавжуддур. Лекин бу икки лисондин оғиз бўлгон Туркистоний*

⁵⁷ Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Мадиний –Олтинхон Тўра. Ал-Қуръон Ал-Карим (ўзбек тилида изоҳли таржима). – Тошкент.: «Ғафур Ғулом», 1994. – 613 б.

⁵⁸ Кўрсатилган манба.

муслмонлар оммаларида бу саодатдин маҳрумлик афсуси бор эрди. Бундай нарсани сезган хассос жамоат тоифидаги ватандошлар буюклари бўлиб, алар бу хусусда уламоий киром хизматларига арз этдилар ва Туркистон шевасида бир таржима ва ҳошия таълиф этуб бермакларин алардин рижоъ этдилар. Ҳазрати уламоий киром қавмнинг бу муборак тажвизларин истеҳсон ила қабул айлаб, тезда бу нарса учун чора кўрмак ваъдасин бердилар. Сўнгра ўзаро турлук машвара ва маслаҳатлар қилишуб, охирида бу азим аш-шон хизмати муҳаддасни бу ночиз ва нотавон ходимларин зиммасига юкладилар. Банда агарчи бу буюк хизмат уҳдасидин ожизлигимни билур эрдим, лекин буюк муҳаррамларим ва муаззам пешқадамларим ҳукмларига муҳолифат эта олмадим»⁵⁹.

Олтинхон Тўра ўз таржима ва тафсирида хато-камчиликлар бўлса, уни уламоий киромлардан ислоҳ этишларини сўраб шундай ёзади: «Хусусан жаноби устоз уламоу-санад ал-қуро вал фуқаҳо, шайх ул-муфассирин, фахр ул-муҳаддисин мавлоно ал-мукаррам аш-шайх Муҳаммад Амин ал-маъруф фи-л-Ҳижоз би қори ибн Ямин мутааналлоҳу би тули бақоихи ва ҳаҳариҳи ва иёно явмил қиёмати маа аҳиббоҳоихи – амрларига имтисол этдим ва ул жанобнинг ожиз ҳақида бўлмиш ҳасан заинлари бор-бор истито этдим-да, бўлмагон буюк амрларга мутаҳаммул этган каби будафъа ҳам бу улуг хизмат устинда эътирозимни зоти ақдасларина қабул этдиролмадим. Бу жанобдин жамиъ уламоий киром хизматларидин рижом шулдурки, иншоаллоҳ, хатоларимни шафқат қалами ила ислоҳ этурлар»⁶⁰.

Муаллифнинг таъкидлашича, Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари, уларга ёзилган шарҳлар ва араб тилидаги кўпгина диний ривоятлардан фойдаланган. Бу ишни амалга оширишда таржимонга Ислом тарихи ва маданиятини, айниқса, араб ва форс тилларини мукамал билиши қўл келган.

Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг таъкидлашича, XX асрдаги номаълум олимнинг туркча таржимаси ва «Тафсири Хусайний»нинг татарча таржимасини ҳисобга олмаганда, Олтинхон Тўра таржимасига қадар Қуръоннинг туркий тиллардан биронтасига ағдарилган мукамал таржимаси ва тафсири йўқ эди. Ниҳоятда камтарлик билан бундай муқаддас ва масъул ишга қўл урган Олтинхон Тўра бор билимини сарфлаб, 1956 йил 24 апрелда мазкур таржима ва тафсирни тугатган. Таржима ва тафсир хорижда яшовчи ҳамма туркистонликларга мўлжалланганлиги учун мутаржим уни «туркистонликлар тилига таржима», деб атайтиди. Ҳақиқатда ҳам хорижда яшовчи туркистонликлар – ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркманлар бир-бирлари билан ниҳоятда аҳил яшайдилар, туркий тил эса, улар учун умумий тил вазифасини ўгаб келмоқда.

Олтинхон Тўра таржимасини нашрга тайёрловчиларнинг кузатишича, таржиманинг амалга оширилиши «Тафсири Хусайний» каби бўлиб, Қуръон оятларининг ҳар бир сатри тагига Қуръондаги жумла тузилиши қандай бўлса, шу тартибда ёзилган, яъни гап бўлаклари ҳозирги ўзбек тилимизда қабул қилинган эга, кесим, гапнинг иккинчи даражали бўлаклари ўринлари алмашилиб кетган. Албатта, бундай услуб жумлаларни тунунишда қийинчилик туғдиради. Таржимага тузилган кенг изоҳлар китоб ҳошиясида, баъзан узунроқ шарҳлар бўлса, саҳифанинг ярмидан бошлаб жойлаштирилган. Тафсирлардаги анъана каби шарҳ-изоҳлар уларнинг қайси манбалардан олинганлиги кўрсатилмаган⁶¹.

Олтинхон Тўранинг таржима тафсири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори, профессор Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ томонидан нашрга тайёрланган⁶².

Олтинхон Тўра матнида ҳам, нашрларда ҳам жузълар (биринчи жузъ, иккинчи жузъ каби...) қўйилмаган. Олтинхон Тўра таржимани эски ўзбек тилида амалга оширганлиги учун баъзи сўзлар китобхонларга тушунарсиз бўлганлигини ҳисобга олиб, китоб сўнггида

⁵⁹ Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Мадиний – Олтинхон Тўра. Ал-Қуръон Ал-Карим (ўзбек тилида изоҳли таржима). – Тошкент.: «Ғафур Ғулом», 1994. – 613 б.

⁶⁰ Кўрсатилган манба.

⁶¹ Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Мадиний – Олтинхон Тўра. Ал-Қуръон Ал-Карим (ўзбек тилида изоҳли таржима). – Тошкент.: «Ғафур Ғулом», 1994. – 613 б.

⁶² Кўрсатилган манба.

Исматуллоҳ Абдуллоҳ билан Асрор Самад тузган луғат илова қилинган, шунингдек, Исматуллоҳ Абдуллоҳ томонидан кўрсаткич тузилган.

Нашрга тайёрловчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳнинг таъкидлашича, Олтинхон Тўра таржимаси хориждаги туркистонликлар орасида Қуръонни ўрганиш учун муҳим асар вазифасини ўтади ва ниҳоят шухрат қозонди. Бу таржимани Марказий Осиёда ҳам қўлма-қўл ўтказиб ўқишди. Китобнинг яна бир аҳамияти шуки, хориждаги ўзбек тили, унинг сўз тузилиши, луғат бойлиги ва тарихини ўрганиш учун қимматли манба вазифасини ўтайди. Чунки биз хориждаги ватандошларимиз тили ва адабиётидан узоқдамиз. Қуръони каримнинг ушбу таржима ва тафсирини ҳозирги ўзбек имлосида нашрга тайёрлашда Олтинхон Тўра услуб ва тил хусусиятларини ўзгартирмай ўз ҳолича сақланган, фақат жумла мазмуни ҳозирги китобхонларга тушуниш оғир бўлган баъзи ўринларда гап бўлакларининг ўрни алмаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саййид Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий ал-Мадиний – Олтинхон Тўра. Ал-Қуръон Ал-Карим (ўзбек тилида изоҳли таржима). – Тошкент.: «Ғафур Ғулом», 1994. – 613 б.
2. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. – Тошкент.: «Чўлпон», 1992. – 768 б.
3. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент.: «Шарқ», 2009. – 624 б.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. – Тошкент.: “Hilol nashr”, 2018. – 632 б.

G.I.Ernazarova (SamDU, assistant)

ZAMONAVIY SHE’RIYATDA “ARBA’IN”AN’ANALARI TEMATIKASI

Annotatsiya. Mustaqillikdan keyin diniy-axloqiy qadriyatlarimiz adabiyotda o’zining manbalar sarchashmasini tiklay boshladi. Har jabhada bo’lgani singari, diniy-axloqiy g’oyalarning keng targ’ibi kun tartibiga ko’tarildi. Adabiyotda islom falsafasi, Qur’on oyatlari, Payg’ambarimiz sunnatlari – muborak hadislarga murojaat qilish nasriy asarlarda qahramonlar tiliga ko’chgan bo’lsa, she’riy asarlarda lirik qahramonning poetik mushohadalari, ohanglari bilan boyitildi. Ushbu maqolada zamonaviy o’zbek she’riyatida arbain yaratish an’analari davom ettirgan shoirlarning shu yo’nalishdagi she’rlari tadqiq qilinadi.

Kalit so’zlar: “Arbain”, Hadis, “Qirqhadis”, an’ana, komillik, poetik butunlik, tazarru she’riyati.

Qur’on va hadislardagi islom dini qoidalari va ahkomlarini adabiyot ilmi bilan boyitish, ularni ta’sirli darajaga olib kelib keng ommaga tarqatish turkiy adabiyotda ham ancha yillar oldin an’anaga aylangan. Alisher Navoiy o’zining diniy-islomiy qarashlarini hadis ilmi misolida o’z davri insonlarie’tiboriga havola etib, ularning komil axloq-odob egasi bo’lishga, Allohni tanitishga o’lkan hissa qo’shgan. “Arbain” asarlaridagi falsafiy-axloqiy g’oyalar Muhammad (s.a.v.)ning “Kishi ummatlarimga din xususidagi qirq hadisni etkazsa, Tangri taolo uni qiyomat kunidafiqh bilimdonlari, olimlar tudasiga qo’shadi” hadisi asosida yuzaga kelgan, degan qarashlar mutlaq haqiqatdir. Chunonchi, avval zamonlarda shoirlar ijodiga ko’chib ommalashib ketgan hadis namunalari ba’zan aynan o’xshash, ba’zan anglatgan ma’nolari bilan hadislarda zikr etilgan mazmunni o’zida ifodalaydigan maqollar ham uchrab turadi. Masalan, Navoiyning “Arbain”idagi birinchi Hadisni keltiramiz: “O’ziga ravo ko’rganni o’z birodarigaravo ko’rmaguncha hech kim chin mo’min bo’la olmas”. Mazkur hadis Al Buxoriyning “Al-jomi’ as-sahih” to’plami birinchi jildida, “Iymon” kitobining 6-bobi [7;15-b] da aynan qayd etilgan. Navoiy tanlab olgan qirq hadisning har birigamos bir necha maqollar “Arba’in hadis va qirq maqol” to’plamida keltiriladi: masalan, “O’zingga ravo ko’rmaganni, o’zgaga ham ravo ko’rma”, “O’zingga yaxshilik tilasang, o’zgaga yomonlik qilma”... kabi maqollarni keltirish mumkin.

Mustaqillikdan keyin diniy-axloqiy qadriyatlarimiz adabiyotimizda o'zining yo'qolib ulgirayozgan qadrini, manbalar sarchashmasini tiklay boshladi. Har jabhada bo'lgani singari, diniy-axloqiy g'oyalarning keng targ'ibi ham kun tartibiga ko'tarildi. Adabiyotda islom falsafasi, Qur'on oyatlari, Payg'ambarimiz sunnatlari – muborak hadislariga murojaat qilish nasriy asarlarda qahramonlar tiliga ko'chgan bo'lsa, she'riy asarlardalirik qahramonning poetik mushohadalari, ohanglari bilan boyitildi. Ushbu yo'nalishda Abdulla Oripovning "Haj daftari", Sirojiddin Sayyidning "Qirq hadis", Jamol Kamolning "Qirq hadis ilhomi", Shukur Qurbonning "Unutmadim adolat rasmin" turkumlarini alohida ta'kidlash lozim.

Adabiyotshunos No'mon Rahimjonov arbainlar haqida shunday yozadi: "Avvalo, ular odamdagi odamiylik xislat fazilatlarini kashf etish orqali shaxs va jamiyatni komillikka undashga qaratilgan mohiyati bilan e'tiborli. Axloqiy poklik, ma'naviy pokdomonlik xususiyatlarini ko'ngillarda tarbiyalashga, shaxsiyatlardashakllantirishga yo'naltirilgan yangi badiiy talqinlari, nuqtai nazarlari, qarashlari bilan ahamiyatli" [4; 67-b].

XX asr so'nggida "Arbain"chilikni boshlab bergan shoir Abdulla Oripovning "Hikmat sadolari" diniy ma'rifiy turkumi "Ibodot" she'ri bilan boshlanadi. Mazkur she'r ramziy ma'noda barcha turkum she'rlarning umumg'oyasini, diniy-falsafiy she'riyat mohiyatini anglatadi.

Dunyodan roziman dema hech qachon,
Desang ham, so'ylagil sahroga, toqqa.
Chunki seni tinglab, kimdir o'sha on,
"Nega rozisan?", deb tutgay so'roqqa.

Islomning asosiy shartlaridan biri mo'minlik bo'lsa, dunyoviy aql-idrokning afzali kamtarlikdir. Bu haqda ko'plab hadislar mavjud: "Mo'minlarning afzali xulqi yaxshirog'idir", "Mo'minlikning belgisi tili va qo'li bilan birovga ozor etkazmaslik", "Odamlarning Alloh oldida eng hurmatlisi – ularning taqvolisidir" [2; 46-b].

Dunyodan norizo bo'lsang ham agar,
So'z dema, bardosh qil azob, firoqqa.
Chunki seni tinglab, kimlardir battar,
"Nega?", deb albatta, tutgay so'roqqa.

Dunyo ishlariga boqma hech qachon,
Jimgina nazar sol kuhna bu korga.
Olis kechalari yolg'iz qolgan on,
Dilingni och faqat parvardigorga [3; 333-b].

Mo'min musulmon birodarlari oldidadunyodan roziman deb ham, noroziman deb ham aytish diniy ta'limda ham, psixologiya fani nuqtai nazaridan ham ma'qul emas. Oshib-toshib ketishlik, o'zini baxtli daqiqalarini pesh qilishlik, baxtsiz kishilar oldida odobsizlik sanaladi hamda ko'ngilsiz holatlarga sabab bo'lishi mumkin. Undan ko'ra xoh ma'naviy bo'lsin, xoh moddiy bo'lsin ozgina yordam qo'lini cho'zish kishi ruhiyatini ko'taradi. Unga taskin beradi. Baxtsiz holatlarning bartarafiga hissa qo'shgan bo'ladi.

Sirojiddin Sayyid ham she'riyatimizdagi an'anaga mehr va havas natijasida bitilgan "Yaxshilik eskirmagay" ("Qirq hadis") turkumini yaratgan. Shoir, turkum nomidan ham bilinib turganidek, ezgulikning yangi-eskisi bo'lmasligini, payg'ambarimiz so'zlarini yombi singari vaqt o'tgan sari yangicha ma'no kasb etib borishini umumlashтира bilgan. Sirojiddin Sayyid to'plamida qisman Navoiy izidan boriladi. Garchi, hadislarining arabcha variantlari keltirilmagan bo'lsa-da, o'zbek tilidagi tarjimai keltiriladi. Har bir poetik butunlik alohida nomlanadi.

Zamonning egasi

Olloh sizga bergan oy va yil uchun
Arzir har lahzaning naqshi bo'lsangiz.
Azaldan yomonga yomondir zamon,
Zamon yaxshi erur – yaxshi bo'lsangiz.

Har kimga dildagi niyati yo'ldosh,

Ezgu maqsadlari bir umr yordir.
Zamondan hech qachon koyinmangizkim,
Zamonning egasi Parvardigordir [5; 234-b].

“Hayotda har kim ekanini o’radi”, - degan gap bor. Shunday ekan bizning xatti-harakatimizga, intilishimizga, foydali-foydasiz ishlar qilishimizga qarab rizq beriladi. O’z taqdirimiz o’zimizning qo’limizda. Zamondan nolish, o’zining baxtsizligi uchun kimnidir aybdor qilish mo’minning ishi emas, deydiganlar, albatta, haqdir.

Jamol Kamol ham Istiqbol tufayli an’anaga aylangan tazarru she’riyatigahissa qo’shishgao’zida ma’naviy quvvat topa olgan shoirlarimizdan. U ibodatga chorlovchi hadislar mohiyatini nazmda ifodalashni maqsad muddaosiga aylantiradi. Turkum she’rlarini biroz kamtarlik bilan “Qirq hadis ilhomi” deb nomlaydi: “Hukmingizga havola etilayotgan ushbu manzumalar aziz payg’ambarimiz (s.a.v.) hadislarining ayni tarjimasi emas, balki o’sha durdona hikmatlarni o’qirkan, shoir qalbida kechgan kechinmalar, fikru mushohadalarning nazmiy ifodasidir. Shuning uchun ular “Qirq hadis ilhomi” deb ataldi”, [1;430-b] - deb yozadi.

Yo’llaring o’zra malaklar ham qanotin yozgusi,
Gar talab aylab, ilm soriga sen qo’ysang qadam.
Ilmu hikmat – ahli mo’minning yo’qotgan molidir,
Bor, uni topgil, agarchi bo’lsa Chin-mochinda ham...

“Ilmu hunarni Xitoydan bo’lsa ham borib o’rganinglar” [2; 60-b]. Ko’rinadiki, Jamol Kamol ham o’z navbatida Hadislardan ilhomlanib, kitobxonlarga diniy ta’limni etkazishga poetik usullardan foydalana olgan. Shoir she’riyatida hadislar mohiyatini oson, tushunarli, esda qolarli qilib etkazish uchun obrazlardan ko’ra ma’noga e’tibor qaratganki, bu holat kitobxonlarga hadislarni yaxshiroq, kengroq anglashga yordam bera oladi.

Hadislarni nazmda insho etishda muayyan ma’noda badiiylikka nisbatan ma’noni ifodalashga bo’lgan ehtiyoj asosiy mavqegaega bo’ladi. Zotan, sharhlashga moyillik va sharhlashga intilish, kitobxonning mazmunni to’liq tushunishini ta’minlashga qaratiladiki, bu ham o’sha mas’uliyat tuyg’usi bilan bog’liqdir. Hadislarning turli davrlarda har xil ijodkorlar tomonidan nazmda ifodalanishi birinchidan an’ana sifatida qaralsa, ikkinchidan hayotiy ehtiyoj tufayli yuzaga kelishidir.

Adabiyotlar:

1. Жамол Камол. Шеър санъати. IV жилд. Т.: Янги аср авлоди. 2018.
2. Муҳаммад пайғамбар қиссалари. Ҳадислар. Т.: Камалак. 1991.
3. Орипов А. Танланган асарлар. Т.: SHARQ. 2019.
4. Халова М. Шериятда аёл қалби //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2021. – №. 1 (78). – С. 27-30.
5. Саййид С. Сўз йўли. 2-жилд. Т.: Шарқ. 2008.
6. Ҳадис. Т. Қомуслар бош таҳририяти. 1991.

T.R.Kadirov (SamDCHTI, mustaqil tadqiqotchi)

KOREYS VA O’ZBEK ADABIY ALOQALARI VA TARJIMASHUNOSLIGINING TARAQQIYOT PRINSIPLARI


Annotatsiya: Hozirgi kunda jahon adabiyoti va boshqa jamiyatimizning barcha sohalarini xorijiy tildan tarjima qilganda o’zaro nomutanosibliklar va tarjima kontekstida mos kelmaydigan urf-odatlarini va o’ziga xosliklarni ifodalovchi lug’aviy birliklar har bir tarjimonlar uchun tarjima jarayonida duch keladi. Xususan, ushbu maqola tarjimadagi mana shunday har bir xalqning o’ziga xosliklarini va milliyligini, o’sha xalq an’analariga mos ravishda tarjima qilishda, ayniqsa koreys va o’zbek tillari matereallari asosida batafsil yoritib beradi.

Kalit so’zlar: transliteratsiya, diniy marosim, morfologik biriktirish, realiya, asliyat.

O’zbekistonda tarjimashunoslik fani jadal sur’at bilan rivojlanayotganligi sababi bizda uning yaratilishi, katta istiqbol sari borishi uchun zarur adabiy-tarixiy an’ana, lisoniy-uslubiy zamin,

material, sharoit mavjud. O'lkamizda tarjima nazariyasi bo'sh taqir yerda emas, balki ko'p asrlik tarjima amaliyoti qaror topib, madaniy hayotga tomir otgan turli tarjima maktablari to'plagan boy, rang-barang tajribalar asosida tug'ildi. Tarjimashunoslik fanining ildizlari uzoq tarixiy zamonlarga borib taqaladi. Tarjima qadimiy davrlarda, turli qabilaga mansub kishilar orasidagi o'zaro aloqa, muloqot ehtiyoji tufayli yuzaga kelgan. Tilmochlik deb ataladigan tarjimaning bu og'zaki turi hozirda ham saqlangan. Filologiya fanlari doktori, keksa yozuvchi va mohir tarjimon Korney Chukovskiy o'zining «Iskusstvo perevoda» nomli mashhur asarida quyidagi rus maqolini epigraf qilib olgan edi: «Tarjima xuddi xotinga o'xshaydi: to'g'ri bo'lsa – chiroyli emas, chiroyli bo'lsa – to'g'ri emas» (O'zME. Birinchi jild.2000:45). Bu maqol tarjima san'atining asosiy xususiyatini, uning zaminidagi mavjud ziddiyatni juda to'g'ri aks ettirgan. Zero, to'g'ri tarjima etishni maqsad qilib qo'ygan kishi, ko'proq, xijjalab tarjima qilishga, muddaosi chiroyli tarjima qilishdan iborat bo'lgan kishi esa ko'proq o'zini avtorlashtirishga moyil bo'ladi. (O'zbek tilining izohli lug'ati, 5 jildlik. 2000:5) Ham to'g'ri va ham chiroyli tarjimagina mukammal va ideal san'at asari bo'la oladi, bunday tarjima yaratishning o'zi esa chinakam san'atdir. Bunday san'at tarjimondan to'g'ri tarjima qilish doirasida chiroyli tarjima etishni va chiroyli tarjima etish doirasida to'g'ri tarjima qilish mahoratini egallashni talab etadi. Tarjimonning vazifasi so'z va gapning umumiy ma'nosini to'g'ri bera bilish emas, balki avtor uslubining ichki energiyasidan kelib chiqadigan eng nozik xususiyatlarni, chunonchi, badiiy ohang, harakat, so'z va so'zlar birikmasi zahirida yashirib yotgan, «oddiy» ko'z bilan ko'rib bo'lmaydigan semantik hodisani, har bir avtorning o'ziga xos yumor yaratish xususiyatini, uning so'z tanlash, so'z yaratish va so'z biriktirish borasidagi novatorligini, badiiy asarning eng muhim xossasi bo'lgan obrazlikni, har bir tovush, nuqta va vergulning badiiy funksiyasini bilib va to'g'ri aks ettirishdan iborat (G'.Salomov, N.Komilov.2009:240). Tarjimon uchun ikki tilni mukammal bilish, turmush tajribasi, badiiy mahorat hamda yozuvchining uslubini to'la egallash va buni tarjimada qayta tiklay olish juda zarur. Uslubi buzib tarjima qilingan asarda ham asl nusxada mavjud hamma narsa muxayyo bo'ladi: so'zlar ham, gaplar ham, voqealar ham, syujet, kompozitsiya va obrazlar ham. Unda fakat «kichik» bir detal yetishmaydi, xolos: u ham bo'lsa asarning bosh qahramoni – yozuvchining o'zi, uning siymosi, ovozi, yurak tepishi – ya'ni uning uslub, mahorati va san'ati. (G'.Salomov.N.Komilov.2009:250) Tarjima jarayonida san'atkor son-sanoqsiz amaliy mushkulotlarga duch keladiki, bu hol, tarjimaning ijodiy faoliyat ekanligi tufayli, tarjimondan har bir muammoli holat yechimiga ijodiy yondashishni talab qiladi. Asl nusxaga ijodiy munosabatda bo'lishgina tarjimaning muallif maqsadiga muvofiq tarzda amalga oshirilishida muhim ahamiyat kasb etadi. Ammo to'la-to'kis adekvatlikka erishish uchun birgina mahorat va ist'edod bilan bo'g'liq ijodkorlikning o'zi kifoya qilmaydi. Ilm-fan tarmoqlarining hozirgi davrdagi rivojlanish darajasi tarjima amaliyoti muammolarining chuqur ilmiy mushohada ishtirokisiz ijobiy hal qilinishini taqozo etmaydi. Demak, aslyat ruhini imkon qadar to'g'ri va to'la aks ettiradigan tarjima matni yaratish uchun tarjimon ham talantli badiiy so'z ustasi, ham ist'edodli tarjimashunos-olim bo'lishi kerak. Tarjima – tillar orasidagi vositachilikka yo'naltirilgan o'ziga xos adabiy faoliyat, ya'ni tillarning rang-baranglik xususiyati asosida paydo bo'ladigan madaniyatlararo muloqot to'siqni yengib o'tish jarayonidir. (F.Saidov.1998:110) Tarjima faoliyati shu qadar serqirrak, usiz hayotimizning biron jabhasini ham tasavvur qila olmaymiz. Tarjimonlik faoliyati o'zining boy tarixiga ega bo'lib, faqat XX asrga kelib fan sifatida olimlar tomonidan tan olindi va tadqiq qilina boshlandi.

Nutqning muloqot akti sxemasini yetuk tilshunos olim Roman Yakobson ishlab chiqqan. U quyidagicha ko'rinishga ega (И.П.Гальперин.1972:75)



Vaziyat

Ushbu keltirilgan sxemani quyidagicha talqin qilish mumkin:

Muloqot – bu muloqotning bir ishtirokchisi (manbaa, muallif, xabar yuboruvchi) ikkinchi bir ishtirokchisiga (qabul qiluvchi, adresant, xabar retseptori) ma'lumotni jo'natish jarayonidir. Xabar manbaasi gapiruvchi yoki yazoyotgan shaxs bo'lishi mumkin, retseptor esa ma'lumotni audio vositalar (tinglovchi) yoki ko'rish kanali (o'qish yoki ko'rish orqali qabul qilish) bo'lishi mumkin. (И.П.Гальперин.1972:454)


Ma'lumotni yuborish uchun manbaa kod ishlatadi, ya'ni muloqot tilini (nutq muloqotida - til). Manbaaning kommunikativ harakati nutqiy xabar orqali, matn (og'zaki yoki yozma) amalga oshiriladi. Muloqot ishtirokchilari fikr almashishi tashqi olamdan alohida holatda. Muloqotga tashqi olamning ta'sirini biz «kommunikativ situatsiya» atamasi bilan belgilaymiz. (И.П.Гальперин.1972:60)

Kommunikativ situatsiya sxemasi ko'p bosqichli. U o'ziga, birinchidan, muloqot jarayonida sodir bo'ladigan real voqelik vaziyatini mujassam etadi. Real voqelik vaziyatlari muloqotga ham ijobiy (masalan, sukunat, yoqimli kuy, yaxshi ob-havo) ham salbiy (masalan, shovqin, turli ko'rinishdagi to'siqlar) ta'sir o'tkazishi mumkin. (И.П.Гальперин.1972:36)

Ikkinchidan, ushbu vaziyat komponentlariga real voqelikni tashkil qiluvchi muloqot ishtirokchilarini ham kiritish mumkin. Ya'ni, muloqotning muvaffaqiyatli amalga oshishiga muloqot ishtirokchilarining fizik holati, muloqotga qiziqishi ham ta'sir etadi. Xuddi shu o'rinda madaniy vaziyatni ham keltirish joiz, ya'ni muloqot ishtirokchilarining o'zaro tushunishlariga olib keluvchi madaniy shart-sharoitlarning mavjudligi: madaniyat darajasining bir xilligi, ma'lum bir mavzularga oid suhbatni qura olish qobiliyat va boshqalar. (И.П.Гальперин.1972:37)

Uchinchidan, vaziyat deb real borliqning shunday kesimiga aytiladiki, u til vositalari orqali ma'lumotda aks etadi. Ya'ni ushbu matn orqali ma'lumot beruvchi o'zining maqsadini va real holatini aks ettiradi (predmet vaziyat). Vaziyatning barcha bosqichlari (real voqelik vaziyati, madaniy predmet vaziyat) kommunikativ akti muvaffaqiyatli amalga oshishiga o'zicha ta'sir o'tkazadi. (И.П.Гальперин.1972:37)

Tarjima haqida so'z borganda, biz ikki tilli muloqot, ya'ni tillararo muloqotni tushunamiz. Yuqorida keltirilgan muloqot sxemasi ikki tilli muloqotni tasvirlashda quyidagicha manzarani aks ettiradi:



Ikki tilli muloqotning bu sxemasi, mashhur nemis tilshunosi va tarjimashunosi Otto Kade tomonidan taqdim etilgan. Tillararo muloqotning boshlang'ich jarayonida ma'lumot manbaasi turadi (I1), ya'ni original matn muallifi. (И.П.Гальперин.1972:12) Boshlang'ich tildan foydalangan holda (kod1) manbaa o'zining nutqiy matnini original tilda hosil qiladi va uni biz sxemada original matn (T1) deb belgilaymiz, ushbu matn o'zida aniq bir ma'lumotni qamrab olib ikki tilli muloqot jarayonida qatnashadi. Ushbu ma'lumot manbaa bilan bir tilda so'zlashuvchi va bir xil madaniy - tarixiy va lisoniy tajribaga ega bo'lgan retseptor uchun mo'ljallangan bo'lib

jadvalda situatsiya deb belgilanadi. Buning barchasi retseptorga (P1) manbaa tomonidan yaratilgan barcha ma'lumotni olishga boshqacha qilib aytganda, matn mazmunini tushunish imkoniyatiga yaratadi. (И.Р.Гальперин.1972:12)

Tillararo muloqot jarayonini tarjimon yaratadi. Bu vaziyatda tarjimon retseptor rolini bajarib, ya'ni original matn nutq aktida manbaa bilan umumiy madaniy-tarixiy va lisoniy tajriba hamda bir tilda so'zlashish qobiliyatiga ega. Buning barchasi retseptorga (P1) manbaa tomonidan yaratilgan barcha ma'lumotni olish ya'ni matn mazmunini tushunish imkonini yaratadi. Tillararo muloqot jarayoni tarjimon tomonidan davom ettiradi. Tarjimon ikkinchi tildagi retseptor uchun manbaa (I2) rolini bajarib, o'zga tilda matn yaratadi (T2), ya'ni tarjima tilida (Kod 2), ushbu ma'lumot boshqa retseptor uchun mo'ljallangan bo'lib (P2), ushbu retseptor boshqa tilda so'zlashadi va nutq vaziyatini oldingi tajribaga asoslanib quradi (situatsiya 2). (И.Р.Гальперин.1972:12)

Ma'lumki tarjimon, nafaqat tarjima tilida matn yaratadi, u shunday matn yaratishi kerakki to'laqonli va to'laqiyatli o'rnini bosa olishi shart va eng oxirgisi tarjima retseptori (P2) tarjima matnida unda mujassam bo'lgan ma'lumotni olib nafaqat nutq aktini, balki ikki tilli muloqot jarayonini yakunlaydi. Shunday qilib tillararo muloqot aktining tafovutli xususiyati unda qo'shimcha bosqichning mavjudligi, ya'ni qaytadan kodlash xususiyati va muloqot jarayonida qo'shimcha a'zoning-tarjimonning paydo bo'lishidir. (И.Р.Гальперин.1972:14)

Ba'zi rasmiyatchiliklarni ifodalash ham o'ta chigal, masalan, – rahmat” so'zi holatdan kelib chiqib turlicha tarjima qilinadi (sovg'a uchun, xizmat uchun, biror sabab bilan rahmat aytib minnatdorchilik bildirish). Misol uchun Janubiy Koreada ham raxmat (*감사합니다, 고맙습니다, 고생했다, 수고해다*) so'zi turlicha tarjima qilinishi mumkin yoki turlicha qo'llanilishi mumkin. Quyidagi misollar orqali farqlarni ko'rishimiz mumkin: *도와주어서 감사합니다*-Yordam berganingiz uchun rahmat (minnatdorchilik shaklida (김상대.2001:284)

미래알려주어서고맙습니다-oldindan aytganingiz uchun rahmat. (minnatdorchilik shaklida) (김상대.2001:284)

애들아오늘정말고생했다다들-bolalar bugun chindan ham zahmat chekdinglar hammalaringiz (bu gapda ularning chekkan zahmatidan va maqsad uchun qo'yilgan ish to'laqonli bajarganlikdagi bildiriladigan minnatdorlik shakli, bunda asosan yoshi shu so'z yo'naltirilgan shaxlardan yoshi ancha ulug' va hayotiy tajribaga ega bo'lishi lozim)

아직씨수고했어요-Aziz katta rahmat(bir ish buyurilgandan so'ng muvofaqiyatli bajargandan so'ng bildiriladigan minnatdorchilik shakli. (이흥식.1996:36)

Shu o'rinda shuni aytib o'tish joizki (*고생했다, 수고해다*)manashu ikki so'z ayrim paytda kontekstda o'z ma'nosini yo'qotib xayrlashish ma'nosiga ham to'g'ri keladi, ammo yoshi ulug' yoki katta insonlargina o'zidan ancha kichik bo'lgan shaxslargagina foydalana oladilar. Kiyim, zebziynat, oziq-ovqat buyumlari ham tarjimada muammo tug'diradi. Masalan, ovqat ta'mi yoki uning xususiyatlarini hech qachon eshitmagan odamga tarjima qilish befoyda. Xususan koreys tilida

시원하다(ob-havoga nisbatn salqin yoki ovqatga nisbatan mazzali, ichimlikga nisbatan esa muzdek degan ma'nolarni beradi) Quyidagi misollar orqali *시원하다*(salqin, muzdek, mazzali, xotirjamlik) kabi ma'nolariga misollarni ko'ramiz:

● *방이너무시원해요*-xona juda salqin

● *시원한음료를마시고싶어요*-muzdek ichimlik ichgim kelayapti.

● *여름철더위이겨내는시원한음식*-yoz oyida issiqlikni yengish uchun mo'ljallangan mazzali ovqat

● **고백을하고나니소기시원해졌습니다**-iqror bo'lganimdan (sevgiga nisbattan) so'ng ko'nglim yengil tortildi.(타쉬켄트국립동대학교.2005:56)

An'analar va urf-odatlar ham madaniyatning bir bo'lagidir.

Xoh to'y, xoh motam, xoh festival bo'lsin, uning ortidagi tarixi, ahamiyati, zamiriga yashiringan simvolizm tarjimon uchun qiyinchilik tug'diradi. Janubiy Koreya yarim orolida yil davomida asosiy bayramlardan **설날**(oy tavqimi bo'yicha yangi yil) va **추석**(hosil bayrami) keng miqyosda nishonlanadi. Koreys yarim orolida bayramlarni nishonlashda va xuddi o'zbek xalqiga xos tilaklar bildiriladi, ammo bu kabi tilaklar to'g'ridan-tog'ri tarjima qilinganda o'zining milliylik tusini yo'qotadi. Misol uchun **추석**(hosil bayrami)da **넉넉하고풍요로운가위를맞이하여,**

여러분의열정과노고에깊은감사를드립니다.(Shu yil qilgan zahmatingiz evaziga hosilingiz to'liq bo'lsin, sizning mehnatsevar va qilgan barcha harakatingiz uchun chuqur minnatdormiz) shu joyda o'zbek urf odatiga xos bo'lmagan tarjima yuzaga keldi. Bizda hosil bayramida "Xirmoning bug'doyga to'lsin, hosilingiz mo'l-ko'l bo'lsin degan tilaklar orqali o'z fikrimizni bildiramiz. Undan tashqari **설날**(oy tavqimi bo'yicha yangi yil) bayramida koreys xalqida quyidaga jummalardan foydalanishadi, **"새해복많이받으십시오"** to'g'ridan-to'g'ri tarjima qilishga urinib ko'ramiz, "Yangi yilda sizga omad kelsin". Albatta shu holatda ham ishlatishimiz mumkin ammo, xoh yozma, xoh og'zaki tarjima bo'lsin tarjima qilinayotgan tilning madaniyati va urf-odatini hisobga olmay turib qilingan tarjima ko'r-ko'rona tarjimadir. **"새해복많이받으십시오"**- "Kelatgan yangi yil sizga baxt, omad va sihat salomatlik olib kelsin" desak maqbul tarjima bo'lar edi. Madaniyatdan madaniyatga o'tgan sari e'tiqod, hissiyot ham o'zgaradi. Xususan koreys xalqida ham bevosita sohalar bo'yicha tarjima qilganimizda ko'proq o'sha sohada asosan qo'llaniladigan so'zlar va so'z birikmalari mavjud. Masalan **말미아마**(shunga asoslangan holda), **집사**(banda, birodar), **목사**(domla, imom) kabilar o'z sohasi bo'yicha asosan diniy kenglikda foydalaniladi. Taziya ma'rosimlari ham o'zgacha va hamdardlik belgilari ham tubdan farq qiladi. Koreys xalqi asosan mayitni olovda kuydirib, so'ngra inson kulini maxsus idish **"유구람"**ga solishadi.(유안진.1994:25) Oq rangi ba'zi madaniyatlarda soflikni, qora esa yovuzlikni bildirishi mumkin. Shuning uchun ko'p mamlakatlarda o'limlik marosimi qora rangda bo'lsa, koreys xalqida bu oq rangda ifodalanadi. Bu shuni anglatadiki, madaniyat shaharlar, tashkilotlar, maktablar kabi aniq narsalarni o'z ichiga olib qolmay, g'oyalar, urfodatlar, oila namunalari va tillar kabi mavhum narsalardan ham tashkil topadi. Xususan ularda hamdardlik bildirish, a'za tutgan tomon kimligiga qarab turli ravishdagi hamdardliklar bildiriladi. Quyidagi misollar orqali holatni tushuntirishga urinib ko'ramiz:(유안진.1994:25)

부모상인경우(ota-onaga nisbatan) "얼마나애통하십니까"

아내와남편의상인경우에도(er-xotinga nisbatan)

"얼마나애통하십니까"

"위로할말씀이없습니다"

며느리사사위의장례식경우(kelin yoki kuyovga nisbatan)

"얼마나상심하십니까"

형제자매의장례식경우고인보다본인의(Kang Gil Un.1990:65)

나이가적을때많을때하는인사말이에요!(Chin aka uka va yaqin qarindosh aka ukaga nisbatan, bu yerda marhumning yoshi ham hisobga olinadi)

"얼마나비통하십니까"

"얼마나비감하십니까"

친구, 직장동료, 선후배, 지인등

장례식인사말이에요!(do'st, hamkasb, yaqin aka ukaga nisbatan)

이렇게알고가도막상인사할때는

생각이나지않을경우도참많죠??!!

직접찾아뵈지못할경우(taziyaga bora olmagan paytda)

"삼가조의를표하며고인의명복을빕니다".(한국컴퓨터그래픽스학회]

외국인을위한가상현실기반한국어학습시스템.2018:32)

Umuman olganda yuqoridagi barcha misollar o'zbek tiliga tarjima qilinganda marhumning kimi bo'lishidan qat'iy nazar quyidagi hamdardlik so'zlari orqali tarjimada aks ettirishimiz mumkin.

"Bandalik"

"Olloh sabr bersin"

"Joi jannatdan bo'lsin"

"Olloh rahmatiga olgan bo'lsin"

"Yosh joniga jabr bo'ldi, xudo sabr bersin"

"Men voqeadan hayratda qoldim. Buni qabul qilish va qabul qilish qiyin."

"Yo'qotish azobini siz bilan ajratishga ijozat bering."

"O'lim xabari dahshatli zarba bo'ldi."

"Men sizning og'riqingiz bilan hamdardman."

"Biz sizning yo'qotishingizni ham hamdard qilamiz".

"Men hamdardliklarimni taklif qilaman."

"Men uning oxiri meni hayratda qoldirdi. Men uning joni uchun ibodat qilaman."

"O'likliklar biz uchun juda ko'p narsalarni anglatar edi, bu bizni tark etgani achinarli."(<http://www.wikipedia.com/korean/compounds/.htm>)

Tuzish so'zlar bilan ifodalanishi mumkin emas, lekin siz har doim qiyin daqiqada qo'llab-quvvatlashga ishonishingiz mumkin."

"Biz siz bilan xafa bo'lamiz. "(한국컴퓨터그래픽스학회]

외국인을위한가상현실기반한국어학습시스템.2018:32)

Ammo yaqinlar o'limidan keyin odamlar stressda, hamda ularni eslash kerak. O'lim haqidagi hamdardlik so'zlari diqqat bilan, tanlanadi. Bu shuni anglatadiki, madaniyat shaharlar, tashkilotlar, maktablar kabi aniq narsalarni o'z ichiga olib qolmay, g'oyalar, urf-odatlar, oila namunalari va tillar kabi mavhum narsalardan ham tashkil topadi.

Bir so'z bilan aytadigan bo'lsak, madaniyat jamiyatning yashash tarzi, hayot tarzini bildiradi. U osongina o'zgaradi va yo'q bo'lib ketishi mumkin. Chunki u faqat bizning ongimizdadir. Bizning yozma tilimiz, davlat, binolar va boshqa inson qo'li bilan yaratiladigan narsalar madaniyat mahsulidir. Tarjima esa albatta asl matnni qayta yetkazishdir. Qayta yozish esa yangi fikr, yangi ixtirolarni, yangi janrlarni aks ettirishi mumkin va tarjima tarixi adabiy yangilik tarixi yoki bir madaniyat layoqatlarini boshqa madaniyat qoshiga solishdir. Tarjima faoliyat sifatida yoki faoliyat natijasi sifatida madaniyat tushunchasidan ajralmas tushunchadir. Bunga tarixda bir madaniyatni ikkinchisiga tanishtiruvchi ikkita misol mavjud. Biri turli hind tillarida yozilgan Budda muqaddas kitobini xitoy tiliga, ikkinchisi grek (yunon) olimlari va faylasuflari kitoblarini grek va assiriya tilidan, ularni islom dunyosiga tanitish maqsadida arab tiliga tarjima qilinishidir.(B.H.Комиссаров.1997:22).

Tarjima san'ati dunyo madaniyati rivojida muhim rol o'ynagan va o'ynab kelmoqda. Tarjima tobora o'sib borayotgan, bir tilning jozibasini boshqa tilga ko'chiruvchi va o'quvchilarning hurmatini qozonishni maqsad qilib qo'ygan aqliy ijodiy faoliyatdir. Madaniyat tushunchasi inson faoliyatining uch turiga qaratilgan: biz individual tarzda fikrlaganimiz va harakat qilganimiz uchun

shaxsiy; biz guruh bo‘lib faoliyat yuritganimiz uchun –jamo; jamiyat o‘zini aks ettirgani uchun – ifodaviy. Til – ijtimoiy bo‘lib, usiz ijtimomiy faoliyat yo‘q. Tarjima jarayonida xorijiy madaniyat bilan yuzlashamiz. Shu sababdan ham, tarjimada muvaffaqiyatimiz xorijiy madaniyatni qanchalik tushunishimizga bog‘liq, zero tarjima madaniyatlararo hodisadir. (B.H.Комиссаров.1997:22)

Bir tilda iqtisod, ekologiya, hayvonlar, suv, tog‘lar, shahar, odamlar boshqalarga qaraganda ko‘proq mashg‘ul bo‘ladigan narsalarni ifodalovchi so‘zlar va birikmalar juda ko‘p. Buyuk Britaniyada suv iqtisodi, baliqchilikka doir so‘zlarning ko‘pligi oddiy hol, chunki bu orol mamlakat, u suv bilan o‘ralgan. Tarjima qilishda eng katta muammo madaniyatlar o‘rtasidagi farqlarni ajratishdir. Muayyan madaniyatga mansub aholi biror narsaga o‘z dunyoqarashidan kelib chiqib qaraydi. Bir-biriga ekvivalentdek ko‘rinadigan so‘zlar aslida ekvivalent bo‘lmashliklari mumkin. Masalan, –cho‘chqa” so‘zi o‘zbek tilida ma‘lum darajada salbiy bo‘yoqqa ega. Ammo –*pig* Amerikada bu so‘z neytral ma‘noda qo‘llanadi. –*Swinell* so‘zida bu salbiylik yo‘q. (K.Musayev.2005-63)

Turli madaniyatlar turli yo‘nalishga ega. Masalan, o‘zbek xalqining madaniyatida ko‘proq bog‘dorchilik, dexqonchilik, chorvachilik, maishiy hayot manzaralari katta o‘rin tutadi, Amerikada esa ish, pul topish, sport, foyda olishga diqqat e‘tibor kuchli. Ba‘zi jamiyatlar texnikaga ko‘proq, ba‘zilari kamroq yo‘naltirilgan. Bu farq muayyan mavzu borasida gap borganda ishlatish mumkin bo‘lgan lug‘atlar sonida aks etadi. Bunda o‘z o‘rniga qarab, gap borganda texnik va notexnik lug‘atlardan foydalanish mumkin. Agarda manba tildagi matn yuqori texnik jamiyatdan olingan bo‘lsa, bunda boshqa tildagi notexnik jamiyatga tarjima qilish qiyin bo‘ladi. Agar kimdir Afrika madaniyatiga oid ijtimoiy fan haqidagi kitobni tarjima qilayotgan bo‘lsa, bunda ko‘p hollarda unga ekvivalent topish qiyin bo‘ladi. Yozma yodgorliklarni qadimgi eskimos tiliga qorni hech qachon ko‘rmagan, sahroda yashovchi arab tilidan tarjima qilish qiyin. Madaniyatlar turlicha bo‘lgani bois, ko‘pincha tarjimada ekvivalent topish mushkul. Madaniyat so‘zlarning ishlatilishida aks etadi. (B.B.Боробьев 2008-8) Masalan, Amerikada –*qo‘yl* so‘zini – o‘ylamasdan ish qiladigan, kamgap, bosiq insonlarga nisbatan qo‘llashadi. O‘zbekistonda –*paxta* so‘zi ko‘p qo‘llanadi, ammo bu so‘z Buyuk Britaniyada g‘o‘za o‘stirilmagani bois qo‘llanilmaydi. Muayyan holatda ishlatiladigan so‘zlar, ularning ma‘nosiga katta ta‘sir ko‘rsatadi. (L.T.Boboxonova.1995:16) Kichik bolalar bilan og‘zaki aloqa maxsus grammatik tuzilishlarni o‘z ichiga olishi yoki tovush o‘zgarishlarini qo‘llanilishi yoki –*bolabop* gaplar aytilishi mumkin. Kichik bola bilan gaplashilganda, “*old man*” - “qariyal kabi so‘zlar o‘rniga “*dad*” - “*dada*” qo‘llaniladi, “*mother*” - “*ona*”, so‘zi o‘rniga – “*mammy*” - “*oyi*” deyishadi. (Voproso‘ filosofii.1988:56) Xuddi shu holatlar koreys tilida ham mavjud xususan, “*어머니*”- “*엄마*” (ona so‘zi o‘rniga oyi), “*아버지*”- “*아빠*” (ota so‘zi o‘rniga dada), “*형* *형아*” (aka so‘zi o‘rniga akajon), “*친구*”- “*친구야*” (do‘st so‘zi o‘rniga o‘rtoq), “*동생*”- “*동생아*” (uka so‘zi o‘rniga, ukajon), “*할머니*”- “*할매*” (buvi so‘zi o‘rniga buvijon) deyishadi. Koreyslar notanish yosh ayolga “*아가씨*”- “xonim”, notanish yosh erkakka “*아저씨*”- “janob, taqsir” deb, yoshi katta ayolga “*아줌마*” deb murojaat qilishadi. O‘zbek xalqi esa azaliy mehribonligi va o‘z xalqini ardoqlovchi hamda yaqin ko‘ruvchi xususiyatlarini aks ettirgan holda qarindoshlik atamalari “*opa*”, “*aka*”, “*amaki*”, “*tog‘a*”, “*yanga*” kabi so‘zlardan foydalanadi. 2015-yilda yozilgan “Milliy xoslikni qayta yaratish muammosi” mavzusida yozilgan dissertatsiyada qarindoshchilik rishtalarini koreys tilida talqin qilish va tarjima qilishda quyidagi jadval tuzilib bu jadvalda koreys qarindoshchilik rishtalarini yozishda koreys milliy madaniyati va tarixidan kelib chiqib yozilmagan, bunda asosan ko‘proq tarjima qilinayotgan til, misol uchun o‘zbek tilidan kelib chiqib, ketma-ket yoki o‘sha so‘z ekvivalentini qo‘llab koreys xalqining milliylik ruhi va shukuhi singan.

Koreys madaniyatida qarindoshlik rishtalarini ifodalash: aloqadorlik va uning yozilishi, aytilishi bo‘yicha uch guruhga bo‘linadi. Xususan quyidagi (A.S.Suyarova.2015:56)da yozilgan dissertatsiyada nazar tashlasangiz korey qarindoshlik rishtalarini ifodalashda eng muhim bo‘lgan yosh va jinsi umuman hisobga olinmagan. Xususan koreys tilida bu kabi holatlarda ona va ota tomon muhim ahamiyat kasb etadi. Masalan ota tomondan “*buvi*” va “*buva*” o‘zbek tilida bir xil

ifodalanadi, ammo koreys tilida ota tomondan “**친할아버지**”[*chin haraboji*]-buva ota tomondan, “**친할머니**”[*chin halmoni*]-buvi ota tomondan, ona tomondan esa “**웨할아버지**”,[*veharaboji*],-ona tomondan buvi, “**웨할머니**”[*vehalmoni*]-buvi ona tomondan undan tashqari “**동생**”-uka so’zi ham tarjimada o’ta yaqin bo’lgan yoki juda yaxshi qarindoshdek munosabatlarda bo’lgan shaxslardagina ishlatiladi, ammo quyidagi jadvalda “**후배**” so’zini yaqin uka sifatida qo’llab ishlatgan, koreys xalqida “**후배**” so’zini asosan begonalarga nisbatan qo’llaydi, ya’ni ko’chadagi o’zidan kichik bo’lgan shaxslarga nisbatan , ko’cha tilida “bratishka” ma’nosida keng foydalaniladi.Undan tashqari quyidagi dissertatsiyada (A.S.Suyarova.2015:56) qaynota va qaynona qarindoshlik rishtalariga no to’g’ri urg’u berilgan. Aslida koreys xalqida kuyov tomondan xotin tomonning ota-onasini chaqirish, xotin tomondan urning ota-onasini chaqirish o’zaro farq qiladi, ammo o’zbek tilida har ikki holatda ham bir xil qaynota, qaynona deb murojaat etishadi.Ammo ko’plab manbalarda shunga o’xsha holatlar bo’yicha noto’g’ri talqin qilingan ma’lumotlar yetarlicha.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Musayev K. Tarjima nazariyasi asoslari. – Toshkent, 2005. – 193b.
2. Javbo’riev M. Badiiy tarjimada milliy xarakter va tarixiy davr koloritini qayta yaratish. Dissertatsiya, Toshkent, 1991.
3. Sirojiddinov. Sh., Odilova G., Badiiy tarjima asoslari. – T., 2011.
4. Salomov G’., Komilov N. Tarjimon mahorati. – Toshkent, «Fan».2009- 234
5. 한국언어문화학] 중앙아시아출신유학생들의한국어학습전략에대한연구 2016
6. 한국컴퓨터그래픽스학회] 외국인을위한가상현실기반한국어학습시스템2018
7. Myon Bak. Mo’jiza sodir bo’lmaydi.Safarov.M tarjimasida.Toshkent.O’zbekiston, NMIU, Ewhan 나 nashriyoti,2009,o’zb
8. Internet: <http://www.wikipedia.com/korean/compounds/.htm>
9. Internet: <http://wwwmpsttu.ru/works/koreanlexicology/ htm>

T.S.Eshboyeva (SamDU, doktrant)

O’ZBEK TILIDAN FRANSUZ TILIGA TARJIMA QILINGAN SHE’RLARNING LINGVOPOETIK TAHLILI

Annotatsiya. Ushbu maqolada bugungi o’zbek tilshunosligida lingvopoetika tushunchasining mohiyati masalasi yoritib berilgan. Shu bilan bir qatorda o’zbek tilidan fransuz tiliga tarjima qilingan she’rlarning transformatsiyalari haqida ham to’xtab o’tilgan. Shuningdek, tilshunoslikda matnning lingvopoetik tahlili masalasiga berilgan bah ova mazkur hodisaga turlicha yondashuvlar hamda bu borada amalga oshirilgan tadqiqotlar haqida fikr yuritilgan.

Kalit so’zlar. Lingvopoetika tushunchasi, lingvopoetikaning o’rganish ob’ekti va predmeti, maqsad va vazifalari. Lingvopoetikaga oid tadqiqotlar tarixi va tahlil turlari ko’rsatilgan, kognitiv tilshunoslik, badiiy matnni lingvopoetik tahlili.

Tilshunoslikning lingvopoetika sohasi davrning dolzarb ilmiy-nazariy masalalari, muammolari, tadqiqiy vazifalari bilan xarakterlanadi. Xususan, adabiy ijodlar, yetuk badiiyat namunalarini lingvopoetik xususiyatlarini kuzatib, o’rganib borish, bu yo’nalishdagi tahlil, talqin, baholashni izchil yo’lga qo’yish bugungi o’zbek tilshunosligining muhim vazifalaridan biridir. Tilshunoslik badiiy adabiyot bilan ham uzviy aloqadadir. Chunki til aloqa vositasi sifatida muayyan axborot tashuvchi oddiy belgilar sistemasigina bo’lib qolmay, balki tinglovchiga ta’sir qiluvchi qudratli vosita hamdir. Tilning birinchi funksiyasi an’anaviy va sistem-struktur tilshunoslikning o’rganish ob’ekti bo’lsa, ikkinchi funksiyasi lingvopoetikaning o’rganish ob’ektidir.

Lingvopoetika lingvistik poetikaning qisqargan shakli bo'lib, badiiy asarlarda qo'llanilgan lisoniy birliklarning (fonetik, morfemik, leksik va boshq.) badiiy-estetik vazifalarini, tilning konnotativ funksiyasini o'rganadi. Boshqacha aytganda, lingvopoetika tilshunoslikning badiiy nutqni o'rganuvchi bo'limidir. Badiiy nutq badiiy adabiyotning bayon qilish vositasi sanaladi. O'zbek tilshunosligida lingvopoetikaning rivojlanishida X.Doniyorov, S.Mirzayev, Q.Samadov, X.Abdurahmonov, N.Mahmudov, B.Umurqulov, I.Mirzayev, M.Yo'ldoshev kabi olimlarning xizmatlari katta bo'ldi. Ular badiiy asar tilining stilistik, badiiy-estetik jihatlarini yozuvchining so'z tanlashi, uning o'ziga xos tili, umumxalq tiliga bo'lgan munosabati, yangi so'z va iboralar yaratishi kabi omillar nuqtayi nazaridan tekshirdilar.

Filologiya tarixida badiiy asar tili va poetik til atamaları tez-tez uchrab turadi. Mazkur atamalar ifodalagan tushunchalar bir-biriga juda yaqin tursa ham, lekin o'zaro ma'lum jihatları bilan farq qiladi. «Obraz», «uslub», «ko'chim (trop)», «badiiy til», «stilistika», «poetika» kabi tushunchalar badiiy asar tili va lingvistik poetikaga daxldor tushunchalardir.

Shundan kelib chiqib, lingvopoetika, fonetik poetika, leksik poetika, sintaktik poetika kabi turlarga bo'linadi. Lingvopoetikaning vazifasi ushbu sohaları alohida-alohida o'rganish va ularning o'zaro munosabatini ham yoritib berishdan iborat.

Jumladan, fonetik-fonologik sathda bir xil tovushlar bir xil bo'g'inlarning takrorlanib kelib, assonans (bir xil unlilarning takrorlanib kelishi), alliteratsiya (bir xil undoshlarning takrorlanib kelishi) hodisalarini yuzaga keltirishi hamda ta'sirchanlikni yuzaga keltiruvchi vosita sifatida xizmat qilishi o'rganiladi. Masalan :

Odamiy ersang demagil odami,

Onikim yo'q xalq g'amidin g'ami. (A.Navoiy)¹

Aforizmidagi **o** tovushining takrorlanib kelishi assonans hodisasi,

Derazamning tagida bir tup

O'rik oppoq bo'lib gulladi. (H.Olimjon)

she'rida **oppoq** so'zida **p** tovushining alohida ohang bilan takror aytilishi esa **alliteratsiya** hodisasi hisoblanadi.

Rozimasman bir yosh tomsa ko'zimdan,

Rozimasman sal rang ketsa yuzimdan,

Yo'l oshsam-u, sal yashashdan adashsam,

Rozimasman unda tamom o'zimdan.

she'rida *rozimasman*, *sal* so'zlarining, ***Har bahorda shu bo'lar takror, har bahor ham shunday o'tadi*** misrasida *har bahor* birikmasining takror qo'llanishi kabi hodisalar badiiy nutqda ta'sirchanlikni orttiruvchi vosita sifatida xizmat qiladi. Tarjimonlar she'riyat tarjimasida ham leksik, grammatik transformatsiyalarini qo'llashadi. Ingliz va fransuz she'riyatida kompressiyaning ishlatilishi bo'yicha quyidagi metodlar mavjud:

1. Mexanik tarzda tushirib qoldirish. Bu hol aslyatdagi unsum tarjimada berishning iloji bo'lmaydi, vazn, o'lchov yo'l qo'ymaydi.

2. Ijodiy tushirib qoldirish. Bu holda kompressiya holati transformatsiya metodi orqali (qisish) amalga oshadi. Ijodiy qurbon berishda, tarjimon nafaqat so'zlarni tarjima qilmay, balki aslyatdagi jumalarni qisqartiradi.

Endi esa ba'zi bir fransuz tilidan o'zbek tiliga, o'zbek tilidan fransuz tiliga qilingan tarjimalarda uchraydigan transformatsiyalarni ko'rib chiqamiz:

Yarim tun

Berk ko'chaning to'rida,

Qo'noqxona birida,

Yomg'ir yog'ar yarim tun,

Soat jiringlar, sezgum.

Kimdir yig'laydi mahzun,

Ko'cha nurlanar butun.⁽²⁾

(Anvar Obidjon)

Anvar Obidjonning “Yarim tun” she’rida “to’rida”, “birida”, “yarim tun”, “sezgum”, “mahzun”, “butun”, “ichida”, “kechada” so‘zlari o‘zaro ohangdorlikni, ya’ni ritmni ta’minlab kelgan. Ana endi buni fransuz tilidagi tarjimasini quyidagicha ;

*Minuit
Au fond de l’impasse,
Un hotel de passe:
Il pleut, c’est minuit.
D’une voi qui pleure
J’entends sonner l’heure
Et le pave luit.
Qui donc ici passe?
Quelle ombre s’efface?
Quelle autre la suit,
Au fond de l’impasse,
Par ce soir de pluie?*

(Traducteur: Jean-Pierre Balpe)³

Tarjima qilish jarayonida ohangdoshlikni, ritmni ta’minlash maqsadida «l’impasse», «passe», «pleur», «leur», «minuit», «luit», «passe», «s’efface» so‘zlari tanlangan. Tarjima qilishda esa birinchi misraning o‘zida leksik transformatsiyani ko‘rishimiz mumkin: «fond» so‘zi chuqurlik, tublik degani, lekin tarjima jarayonida boshi berk bo‘lgan ko‘chaning chuqurligi deb berilsa, umuman ma’no-mazmunga mos bo‘lmaydi. Shuning uchun berk ko‘chaning to‘ri sifatida berilgan. “hotel” so‘zi esa «qo‘noqxon» deb berilgan. Uchinchi misrada esa to‘liq leksik hamda grammatik mutanosiblikni ko‘rishimiz mumkin : «Yomg‘ir yog‘ar yarim tun» - «Il pleut, c’est minuit» so‘zma-so‘z tarjima qilinganda ham, qofiyaga solinganda ham aynan shu mazmun va

ma’no kelib chiqqan. Ma’lumki, 2017-yilda O‘zbekiston mustaqilligining 26-yilligi keng nishonlandi. Unda “Fidoying bo‘lgaymiz seni, O‘zbekiston” shoiri ostida turli tadbirlar o‘tkazildi. Aynan o‘sha she’r va uning tarjimasidagi transformatsiyalarni ham ko‘rsatib o‘tishimiz mumkin:

***Oq yo‘rgakka o‘ragansan o‘zing bizni,
Oq yuvib, oq taragansan o‘zing bizni.
Beshigimiz uzra bedor ona bo‘lib,
Kunimizga yaragansan o‘zing bizni.
Fidoying bo‘lgaymiz seni, O‘zbekiston,
Hech kimga bermaymiz seni, O‘zbekiston!..
Tu nous soignais des premier jour de notre naissance,
Tu nous tenais toute en proprette des notre enfance,
Ne faisant mem, un peu de somme, guettais sur nous,
Nous pretais tous ce que bouillions a notre enfance
Nous sommes tes defenseur l’Ouzbekistan,
Nous sommes fideles a toi l’Ouzbekistan.
(Parole de Moukhammad Yousouf)***⁴

G‘.Salomov qayd etganidek, “Tarjimada badiiy asar ohangini berish barcha adabiy janrlarda ham muhim. Alohida maqol yoki mataldan tortib to sonet, g‘azal, poema, hikoya, romangacha, agar hamohanglik ta’minlangan bo‘lmasa, u tarjima soxta jaranglaydi. Ohang esa o‘z navbatida, badiiy asarning boshqa komponentlari, lug‘aviy birlik, sintaksis, inversiya, saj’, radif, qofiya, vazn va boshqalar bilan bog‘langan holda tarjimada yo tabiiylik yoki aksincha, soxtakorlik, sun‘iy kontekst, yasama badiiy muhit paydo bo‘lishiga olib keladi”.

Tarjimada muvofiq uslub kalitni topish asarning yozilish uslubi bilan g‘oyasi hamda muallif dunyoqarashi o‘rtasidagi bog‘lanishni to‘g‘ri belgilash, marom, ohang, sintaktik tarz va obrazlar silsilasiga xos xususiyatlarni to‘g‘ri talqin qila bilishga bog‘liq. Biror asarni tarjima qilishda maqbul uslub kaliti topilmas ekan, tarjima asl nusxaga ekvivalentlik holatida bo‘la olmaydi. Uslubiy moslashtirish prinsipi tarjimaning umumiy konsepsiyasi bilan uzviy bog‘liq. Chunonchi, tarjima qanday bo‘lishi kerak degan masalada barcha tarjimonlar va nazariyachilar ikki guruhga

bo‘linadilar. Birinchi guruh tarjima asliyat asardek jaranglashi kerak deb hisoblasa, boshqalar tarjima tarjimaday bo‘lishi kerak deb da’vo qiladilar. Har bir aniq tarjima, tarjimonning tarjimoni qanday tushunishi mahsulidir. Tarjimon asarni o‘z tiliga o‘girish uchun shakliy kalit qidirishida dastavval shaklning mazmun funksiyasiga asoslanmog‘i kerak.

She‘rning ovoz shakli bilan uning mazmuni chambarchas bog‘langan. Ayni bir vazn turli tillarda bir biridan farq qiladigan tamomila boshqa funksiyalarni bajarishi mumkin. Chunki har bir til o‘ziga xos ohang, tallafuziga ega. Bundan tashqari, turli tillarda so‘zlar uzun yoki qisqaligi jihatidan ham farq qiladi.

Xulosa shuki, lingvopoetik tahlil asoslarini, ularning nomlanishini bir ko‘rinishga keltirish kerak. Bu masala yuzasidan yaratilgan tadqiqotlar tilimizning boyligini ko‘rsatish, filologiyaning yaxlitligini ta‘minlash bilan bir qatorda, yetuk tilshunos va adabiyotshunos mutaxassislar tayyorlashga ham xizmat qiladi, deb o‘ylaymiz. Yuqoridagi fikrlar asosida yaxlit xulosa qilishimiz mumkinki, matn tilshunoslik nuqtai nazaridan barcha lingvistik xususiyatlarni o‘zida mujassam etgan murakkab tuzilmadir va u tilshunoslikning barcha sohalari uchun asosiy o‘rganish obyektlardan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bekova. N. Navoiy she‘riyatida hamd poetikasi. -T., Fan, 2007. - 204-b.
2. Anvar Obidjon. She‘rlar, doston va ertaklar. -T.: Cho‘lpon. 2006. -118 b.
3. Raufov.M, Toshmatov.O. Ingliz, fransuz va o‘zbek she‘riyatini tarjima qilishda qo‘llaniladigan transformatsiyalar. "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - Issue 5 / 2020.166-b.
4. Саломов F. Таржима назарияси асослари. Т.: «Ўқитувчи». – 1983. – 230б
5. Salimova.D. She‘riy tarjimada poetic mahorat. -Jizzax, 2021. -146b.
6. O‘ralova.Ch, Boymatov.S. "Zamonaviy tilshunoslikda lingvopoetika tadqiqi" Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 1 Journal Impact Factor SJIF 2021: 5.423.463-P.
7. www.Ziyounet.com.

М.Нарзиева (СамДУ, ўқитувчи)

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ БАДИЙ ҚИЁФА ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Аннотация: Ушбу мақолада Абдулла Ориповнинг қаламига мансуб «Имкон», шеъри таҳлил остига олинган. Маркс, Искандар Макдуний, Темур каби тарихий шахслар номи ва фаолиятига оид маълумотлардан фойдаланиб тарихий ҳамда оддий инсонлар қиёфасини ярата олган ижодкорнинг поэтик маҳорати тадқиқ қилинади.

Калит сўзлар: исёнкор шахс, ҳақиқат тарозуси, Маркс, Искандар Макдуний, Темур, Беруний, Ҳотам, тарихий шахс.

Абдулла Ориповнинг она юрт, Ватан, халқ мавзусига бағишланган шеърларида ўзлигини таниб қолган, ҳақиқий ўтмишидан хабардор бўлган ва дунёқараши замон ўлчовларига мос келмайдиган исёнкор шахс образи бўй кўрсатади. Шоир ижодини кузатар эканмиз, ўтган бир аср давомида шўролар мафқурасининг бадий адабиётда етакчиликини ўз қўлига олган, адабиёт маълум даражада шу тузум ғоялари тарғиботчисига айланиб қолган бир даврда ҳақ сўзни айта олган, шижоатли, довюрак ижодкор кўз ўнгимизда гавдаланади. Адабиёт Худо томонидан берилган шундай инъомки, у қачон замон билан ўралашиб қолса, замоннинг ёлғонлари билан ўралашиб қолса, одам қалбидан узоқлашади, дарддан, ҳақиқатдан узоқлашади. Бу аксиома.- деб ёзади Назар Эшонкул. - Шу сабабли қайси тузум, шоҳ адабиёт жиловини ўзимнинг қўлимда ушлаб тураман деган бўлса, адашган. Шўро тузumi шуни истади. Аммо адабиётнинг юксаклиги инсон кўнгли, миллат кўнгли билан ўлчанади.

Абдулла Орипов шеъриятни кўнгил қадар кенгайтирди, миллат шаъни қадар юксалтирди ва ҳар қандай туйғу, ҳис, ташбеҳда миллат қалби ётишини кўрсатиб берди. Биз

60–70-йиллардаги хоҳлаган ўта интим шеърни олсак ҳам унда миллатга хос кечинмаларни, миллатга хос дардни кўрамиз⁶³.

Абдулла Орипов ўзининг “Имкон” шеърида инсон ҳаётида амал қилувчи қонуниятлар ҳақида фикр юритади. Ижтимоий ҳаётда ҳақиқат тарозуси мувозанати тенг эмаслиги азалдан ҳукм суриб келганлигини тасвирлашда Маркс, Искандар Макдуний, Темури каби тарихий шахслар номи ва фаолиятига оид маълумотлардан фойдаланади:

*Бу гаплар бор эди Марксдан аввал,
Яъни, қорни очу ва қорни тўқлар.
Майли, юмшатайин ташбеҳни сал-пал,
Имкони борлару имкони йўқлар.*

Шоир шеърда тарихий шахслар мисолида ҳаётда кишиларни икки табақага – бойлар ва камбағалларга ажратувчи аччиқ бир қонуният, ҳакам борлигига ишора қилмоқда. Бу ҳакамнинг номи – имконият. Дарҳақиқат, бу қонуният инсоният яралгандан буён амал қилиб келади. Ундан Маркс, Искандар Макдуний, Темурлар ҳам фойдаланганлар. У жамиятни ҳаракатлантириб турувчи шундай кучки, у йирик олимларни ўтин йиғишга мажбур қилади, халқ орасида қўли очик, сахийлиги билан ном чиқарган Ҳотамдай кишиларни ҳам қўл қовуштириб туришга мажбур этади:

*Балхнинг саҳросида ҳазрат Беруний,
Ўтин йиғар эди йилда икки бор.
Мажбур қилар эди имкони шуни,
Қолган барча вақти илмга нисор.
Имконинг келибди, омад йўлиқиб,
Қошингда Ҳотам ҳам кўкрак керолмас.
Кимдир ҳайитда ҳам бозорга чиқиб,
Ўғлига хўрозқанд олиб беролмас.*

Шеър охирида шоир инсоний муносабатлар мезони аслида имконга боғлиқ эканлигини эътироф этар экан, жамиятда фақатгина уддабурон кишиларгина яхши яшай олиши мумкинлигини қайд этади. Шоир таъкидлаганидек, имкон буюк куч дегани, у фақат уддабурон кишиларгагина хизмат қилади. Унинг сири эса Арслоннинг ғашига тегмасликда. Арслон мўйига текканларнинг аҳволи эса маълум. Абдулла Орипов шу ўринда ўзига ҳам Аллоҳ томонидан худди Балх саҳросида ўтин терган Берунийга берилгани каби илм берилганлигини, аммо қўл-оёғи боғлиқлигини айтиш билан шўролар тузуми сиёсатига ишора қилмоқда:

*Худойим мени ҳам қўллаб бир замон,
Бенаиб қилмади илму зиёдан.
Имкон-чи бермади, йўқ бошқа нажот
Ўтдим қўл-оёғим боғлиқ дунёдан.*

Абдулла Орипов ижоди рангбаранг. Унда оддий деҳқондан тортиб йирик алломалар, тарихий шахсларгача ўз бадиий қиёфасига эга бўлган. Шеърларнинг айримларида ижодкорнинг ўз ҳамюртларидан фахрланиши, аждодларимизнинг халқ ва Ватан олдида хизматларидан ғурурланиши акс этган бўлса, бошқасида атрофдагиларнинг кирдикорларидан нолиш, маддоҳлардан нафратланиш каби туйғулар етакчилик қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.- 432 б.
2. Эшонкул Н. Абдулла Орипов (“Ўтганлар ёди”)
<http://www.dunyouzbeklari.com/?p=150632>.

Д.М.Худойбердиева (СамДЧТИ, тадқиқотчи)

АДАБИЙ ТАЪСИР ВА ПОЭТИК ОЛАМ МУШТАРАКЛИГИ

⁶³Эшонкул Н. Абдулла Орипов (“Ўтганлар ёди”)<http://www.dunyouzbeklari.com/?p=150632>

Аннотация. Мақолада адабий таъсир масаласи ва унинг поэтикада воқеланиши ҳақида маълумот берилган. С.Есенин ҳамда Э.Воҳидов ижодий оламидаги муштараклик адабий таъсир масалалари таҳлилга тортилиб, шеърӣ асарларидан мисоллар келтирилиб асосланилган.

Калит сўзлар: Ватарпарварлик, ижтимоӣ дард, адабий таъсир, поэтик олам, туйғулар тасвири.

Эркин Воҳидов бадиӣ олами ҳақида сўз кетар экан, ўткир ижтимоӣ дард, ижтимоӣ “мен”нинг юзага қалқиб чиқиши, тарих ва аجدодларга мурожаат, бунинг натижасида мушоҳадавӣ-фалсафӣ жиҳатдан қамровдор лирик концепциянинг илгари сурилиши, сафар-саёҳат мотивлари, ушбу мотивларнинг бевосита миллат тарихи билан боғланиши, фожиавӣ ҳолатларга ечим топишнинг индивидуал усуллари, воҳидовча киноя, “ним табассум” (Б.Каримов) ўйноқи ва енгил, бир нафасда ўқиладиган оригинал сатрлар жилоланиши ҳақида гапиришимиз мумкин. Асосийси, юқорида саналган унсурлар ижодкорнинг олий мақсади – инсонга, ватанга муҳаббат туйғларини намоён этишга йўналтирилган. Тадқиқига киришганимиз иккала шоир поэтик қарашларини бирлаштириб турувчи омиллардан бири ҳам айнан мана шу хусусиятлар ҳисобланади.

С.Есенин ҳамда Э.Воҳидов ижодий оламидаги муштараклик Есениннинг “Анна Снегина” поэмаси ҳамда Э.Воҳидовнинг “Истанбул фожеаси” дostonларида яна бирлашади, фикрий яқинлик асарлар бош қаҳрамонлари кечмишидаги уйғунликда кўзга ташланади. Анна Снегина билан Искандарни баъзи маънавий-руҳӣ жиҳатлар боғлаб туради. Есенин ўз дostonини “Анна Снегина” деб номлаган. Бу бежиз эмас. Номланиш асар моҳиятини белгилайди. Шу жиҳатдан олганда, Анна Снегина тимсоли дostonнинг ғоя ва мазмунига қай даражада хизмат қилган. Буюк ижодкорлар ўз асарларида асосан инсон тақдири масаласи атрофида фикр юритадилар. Агар дostonга шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, Анна Снегина тақдири асарнинг энг фожиали нуқтаси эканлигини ҳис қилиш мумкин. Таъкидлаш керакки, Анна Снегинанинг ҳаётда прототипи бор. У константиновалик ер эгаси Лидия Ивановна Кашина. Бу ҳақда шоирнинг синглиси А.Есенина гувоҳлик берган. Э.Воҳидов ҳам “Истанбул фожиаси” дostonида Искандар образи орқали уруш келтириб чиқарган фожиаларни қаламга олади. Асарда Искандар образи марказий ўрин тутати. Искандарнинг қирқ йилдан зиёд ўз ватанидан йироқда яшаганлиги унинг ҳеч тузалмас дардидир. Шу боис у ҳеч бўлмаганда сўнгги нафасда она ватанида бўлишни истади, у бунинг учун акасини кечиришга тайёр. Нима учун? Чунки Ватан соғинчи, онасининг олисдаги меҳри уни шунга чорлайди. Шу ўринда шоир тириклик инсон учун улуғ неъмат эканлигини ўқирмоқчи бўлади:

Мен бир хазон япроғиман. Тақдир шамоли
Ўз боғимдан йироқларга учуриб кетган⁶⁴.

Ушбу сатрларда шоир бетакрор метафора орқали воқеликни бадиӣ ифодалашга эришган. Бинобарин, хазон япроғи – Искандар, ўз боғи эса Ватани. Тақдир шамоли уни ўз боғидан учуриб кетган. Демак, у – ватангадо.

Маълумки, ҳар иккала асарнинг марказида Ватан мавзуси туради. Улар иккаласи ҳам ватангадо. Бироқ бу қисмат бир хилда кечган эмас. Анна Снегина ўша давр сиёсати сабаб Россияни ташлаб Лондонга, Искандар эса, аввало, уруш, қолаверса, инсоний изтироблари туфайли Туркияга кетишга мажбур бўлади. Демак, улардаги ватангадолик мажбурият туфайли юзага келган. Бироқ улар ҳар лаҳзада Ватанни қўмсаб, унга интилиб яшайди.

Дostonлардаги яна бир мутаносиблик макон бирлиги билан белгиланади. Сабаби, Анна Снегина «ўзини шу кўйга солган Шўронинг қизил байроғи тикилган кемаларга боқиб таскин топиши учун ҳар куни денгиз қирғоғига, яъни портга келади... Денгиз қирғоғида турган мусофир аёл олисларда қолиб кетган Ватани томон йўл олаётган кемаларни кўзга

⁶⁴ Воҳидов Э. Умрим дарёси. Сайланма. Учинчи жилд. –Тошкент: Шарқ, 2001. 171-б.

кўринмай қолгунча кузатиб» қолади. Искандар ҳам ўз юртдошларини кўриш учун Истанбул портига келади. «Ўзбекистон» кемаси йироқлашгунга қадар унга тикилиб қолади:

Қуёш ботиб кетди – кемам кўздан йўқолди,
Ана, кўкка бирин-кетин чиқди юлдузлар.
Юлдуз-юлдуз ёшлар тўкиб менинг ҳолимга,
Кўнгилдаги фарёдимга фалак ҳам бўзлар.

Демак, ҳар икки асарда мусофирлик, ватандан йироқлик инсон учун аччиқ қисмат бўлиши баробарида тузалмас маънавий дард эканлиги юқоридаги руҳий изтироблар ифодаси орқали очиб берилган.

Шунингдек, ҳар иккала қаҳрамон ҳам муҳаббат борасида қисматдош: Анна Снегина ҳам, Искандар ҳам муҳаббаттини бир умр қалбида, хотираларида сақлашга маҳкум. Анна Снегинанинг ирода йўналиши ўзбек поэтикасида ҳам яна бир образ яратилишига туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

Анна Снегина шоирга нафақат замондош, балки қисматдош ҳамдир. Шу сабаб Есенин Анна Снегина кайфиятини мукаммал тасвирлай олади. Асар таржимони сифатида Э. Воҳидов ундан бадий кўмак олган ҳамда Анна Снегина қисмати Искандар образи учун поэтик асос бўлиб хизмат қилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маълум маънода Эркин Воҳидов томонидан қилинган таржималар таъсирида ёш ўзбек шоирларининг шеърий қарашлари, фикрлари ўзгарган. Хусусан, Эркин Воҳидов ижодида бўй кўрсатган Ватан ва маъшуқага беозор муҳаббат мотивлари айнан Есенин лирикаси таъсиридан эканлиги сезилиб туради. Есениннинг Эркин Воҳидов томонидан ўгирилган шеърлари Ўзбекистон маданий муҳитига баҳор шабадасидек кириб келиб, ўзбек ўқувчиси томонидан ўз она тилида яратилган шеърлардек қабул қилингани ҳам рост.

Адабиётшунос А. Расулов шундай хулосага келади: “Сергей Есенин, Михаил Светлов шеърларидаги нурафшонлик, ҳаётбахшлик Эркин Воҳидовни маҳлиё этди. “Хуросон паризоди” (С.Есенин) шеърини таржима қилар экан, Эркин Воҳидов рус шоири руҳидаги олижаноблик, улуғворликни бўрттириб кўрсатади. Есенин шеъри “Хуросонда бир эшик бор”, деган мисра билан бошланади. Эркин Воҳидов ишонадики, Есенин шеъридаги ошиқни ром айлаган паризод оддийгина эшиқдан эмас, салобатли дарвозадан кириб чиқиши лозим. Есенин шеърининг илк сатри: “Хуросонда бир дарвоза бор” дея бошланади. Биттагина детал шеърга улуғворлик, салобат бахш этди-қўйди”⁶⁵. Шоирнинг ўзи эса шундай хотирлайди:

Мени шеър боғига етаклаган ким?

Бу чаман асрорин ким этди аён?

Оламдан мен фақат шодлик изладим,

Менга устоз бўлди Ҳамид Олимжон.

Юрагимга яна бир ҳамдам топдим

Есенин шеърига бўлгач ошино (“Ишқ савдоси”, 213-б).

Бу борадаги фикрларимизни бир жойга жамлайдиган бўлсак, С.Есенин улғайган давр ҳамда Э.Воҳидовни тарбиялаган дунё мутлақо муштарак эмас, адабиёт эса шундай шула эканки, ҳар икки оламда ҳам бир хил зиё таратиб туради, унинг нури бадийят мезонлари аро нафақат ўз даврида, балки асрлар оша ҳам бирдек порлайверади.

Адабиётлар рўйхати

1. Таржима санъати. Мақолалар тўплами. 5-китоб. – Тошкент: 1980.
2. Воҳидов Э. Шоиру шеър ушур. Тошкент, “Ёш гвардия” нашриёти, 1987. – Б 220.
3. Воҳидов Э. Сайланма. Биринчи жилд. Ишқ савдоси. – Тошкент: 2000. – Б. 243.
4. Есенин С. Форс тароналари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007.
5. Раҳмонов Б. Вафо қисмати. - Тошкент: Муҳаррир, 2011.
6. Раҳмонов Б. Муқаддасдир шоир деган ном. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2008.
7. Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: “Шарқ”, 2007. – Б. 336.

⁶⁵ Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. – Тошкент: “Шарқ”, 2007. – Б. 336. 253-254 бетлар.

С.У.Расулова (СамДЧТИ, ўқитувчи)

XIX АСР АМЕРИКА АДАБИЁТИДА ИЛК РОМАНТИЗМНИНГ ХАРАКТЕРЛИ ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Америка адабиёти ва илк романтизми ҳақида сўз юритилади. XIX аср америка адабиётида ҳам худди Европа адабиётида бўлгани каби романтизм ва танкидий реализм мактаблари ва услублари ҳукмронлик қилди. Муаллиф инглиз тилидаги манбалар асосида Америка илк романтизмини таҳлил қиларкан, роман каби муҳим ўрин тутган қисқа ҳикоя-новелла жанрининг истиқболи инсон ва дунёнинг умуминсоний муаммоларини миллий материал асосида ўрганиш номи билан боғлиқ. Аслида чин ҳақиқатга оғир машаққатлар орқалигина эришиш мумкин.

Таянч сўзлар: новелла, роман, романтиклар, реалистлар, натуралистлар, альманах, пародия, шарж, афсона, ҳиндулар, федералистлар.

Америка романтизмнинг хронологик доираси Европа романтизмдан биров кейинроқ ривожланди: унинг дастлабки босқичи 1820-1830 йилларга, кейинги босқич - XIX асрнинг 1840-1860 йилларига тўғри келади. Иккала босқичга ҳам Франциядаги (АҚШнинг пайдо бўлишига туртки бўлган) фуқаролик тартибсизликлари ва бевосита Американинг ўзида (Англиядан мустақиллик уруши ва Шимол ва Жануб ўртасидаги уруш) таъсир кўрсатди.

XIX аср Америка адабиётида жуда кучли мавқе романи билан банд. Америкалик ёзувчи Брет Харт ҳатто қиссани «Америка адабиётининг миллий жанри» эканлигини айтди. Лекин, албатта, романга қизиқиш америкаликларнинг эксклюзив имтиёзи бўлган деб тахмин қилиш мумкин эмас. Қисса (ҳикоя) Европада ҳам муваффақиятли ривожланди. Бироқ, XIX асрда Европа адабий тараққиётининг асосий шакли реалистик ижтимоий роман эди. Америкада бу бошқача эди. Мамлакат ижтимоий-маданий тараққиётининг тарихий шароитлари туфайли танкидий-реалистик роман Америка адабиётида ўзининг муносиб тимсолини топа олмади. Нима сабабдан? Бунинг асосий сабабини, Америка маданиятининг бошқа кўплаб аномалиялари каби, XIX асрдаги кўшма штатлардаги ижтимоий онгнинг қолоқлигидан излаш керак. Америка адабиётининг XIX асрда ижод қила олмаслиги буюк ижтимоий роман, биринчидан, унинг тайёр эмаслиги, тарихий тажрибанинг йўқлиги ва бу тажрибани Европа адабиётида идрок этишни истамаслиги, иккинчидан, ҳар қандай ижтимоий воқелик рассомнинг тушуниши учун тақдим этадиган жиддий объектив қийинчиликлар билан изоҳланади. Етук бўлмаган иқтисодий муносабатлар туман» (Энгелс). Буюк танкидий-реалистик роман АҚШда пайдо бўлди, аммо сезиларли кечикиш билан фақат 20-асрнинг бошларида пайдо бўлди.

Америка адабиёти ўзининг ҳар бир авлодида Э.По, М.Твен ёки Д.Лондон каби ажойиб ҳикоячиларни тақдим этади. Қисқа қизикарли ҳикоянинг шакли Америка адабиётига хос бўлиб қолади.

Романнинг гуллаб-яшнашининг сабабларидан бири Америкада ўша пайтдаги ҳаётнинг шиддатлилиги, шунингдек, Америка адабиётининг «журнал усули». Америка ҳаётида, шунинг учун адабиётда муҳим рол, XIX аср ҳали ҳам оғзаки ҳикояни ўйнайди. Американинг оғзаки тарихи дастлаб тузоқчилар ҳақидаги афсоналарга (деярли бутун XIX асрда сақланиб қолган) бориб тақалади.

Романнинг асосий таркибий қисми «Америка ҳазилидир». 30-йиллардаги ҳажвий ҳаётни тасвирловчи қисса асосан халқ оғзаки ижоди негизида шаклланган. Америка фолклорининг муҳим элементи негрларнинг оғзаки ижоди бўлиб, улар ўзлари билан Африка ибтидоий достонининг анъаналарини олиб келишган (Жоел Харриснинг «Ремус амаки ҳақидаги эртаклари»).

Америка қиссаларининг ўзига хос хусусияти бу ҳикоянинг шундай қурилиши бўлиб, унда ҳар доим парадоксал, қутилмаган танқидга олиб келадиган ўткир сюжет мавжуд. Айтиш жоизки, Э.По қиссасининг афзалликларини ҳам, уни бирданига ўқиш имконини берадиган ҳажмида ҳам аниқ кўрган, таассуротнинг яхлитлигини йўқотмаслик, унинг фикрича, роман мисолида бу мумкин эмас.

Америка романтизмидан олдин миллий характери тушуниш муаммоси пайдо бўлганда, ўзини яратган одам биринчи ўринга чиқди. Рус ёзувчиси Л.Андрев жасоратни америкаликларнинг асосий хусусияти деб ҳисоблаган: «Уларнинг дунёдаги фаолияти - бу одамларнинг фаолияти, баъзида шафқатсизликка шафқатсиз, баъзан кенг ва эркин сахий, лекин ҳар доим қатъий, изчил ва кучли».

Адабиётшунос олимлар ёзувчилар ижодининг ғоявий-эстетик йўналишини ҳисобга олган ҳолда Америка романтизмнинг қуйидаги асосий йўналишларини аниқладилар; (В. Симмс). Америка романтизмнинг шаклланиши ва ривожланишида учта давр мавжуд.

Америка романтизмнинг ривожланишида уч босқични кузатиш мумкин. Биринчи босқич - илк Америка романтизми (1820-1830 йиллар). У бевосита ҳатто о'қув адабиёти доирасида ҳам ривожланган романтизмгача бўлган (шеърда Ф.Френот, роман жанрида К. Брокден Браун ва бошқалар). АҚШда илк романтизмнинг йирик ёзувчилари В.Ирвинг, Д.Ф.Купер, В.К.Браянт, Д.П.Кеннеди ва бошқалардир. Ўз асарларининг намоён бўлиши билан Америка адабиёти биринчи марта халқаро эътирофга сазовор бўлди. Америка ва Европа романтизми ўртасида ўзаро таъсир жараёни мавжуд. Миллий бадиий анъаналарни жадал излаш олиб борилмоқда, асосий мавзулар ва муаммолар (мустақиллик учун уруш, китъанинг ривожланиши, ҳиндларнинг ҳаёти ва бошқалар) кўрсатилган. Бу даврнинг етук адибларининг дунёқараши мустақиллик учун курашнинг қаҳрамонлик давлари ва ёш республика олдида очилган улкан истиқболлар билан боғлиқ оптимистик оҳангларда бўялган. Америка инқилобини мафкуравий тайёрлаган Америка маърифатпарвари мафкураси билан яқин давомийлик мавжуд. Шуниси эътиборга лойиқки, Ирвинг ҳам, Купер ҳам - Американинг энг йирик романтикларидан бири - мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб, унинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатишга интилишади.

Шу билан бирга, Америка Қўшма Штатларининг илк романтизмида, Америка жамиятининг барча соҳаларида капитализмнинг кучайишининг салбий оқибатларига реакция бўлган танқидий тенденциялар пишиб бормоқда. Илк америкалик романтиклар республика туғилишида эълон қилинган юксак ғояларнинг бузилиши ва унутилишини ваҳима билан кузатадилар. Улар кучайиб бораётган «яланғоч нақд пул», коррупсия, худбинлик, ахлоқий ва маънавий қашшоқлик тўлқини билан қайтарилади. Улар буржуа ҳаёт тарзига муқобил излайдилар ва уни Америка Ғарбининг ишқий идеаллаштирилган ҳаётидан (Ф. Купернинг Чарм пайпоқ ҳақидаги пенталогияси, В. Ирвингнинг “Прерияга саёҳат”) қаҳрамонлигидан топадилар. Мустақиллик уруши (Ф.Купернинг «Айғокчи»), эркин денгиз элементлари (Ф.Купернинг «денгиз» романлари), мамлакатнинг патриархал ўтмиши («Нью-Ёрк тарихи» ва В.Ирвинг ҳикоялари), бой ва ранг-барангликда. Европа тарихи (В. Ирвингнинг “Алгамбра”, Купернинг ўрта аср Европаси ҳақидаги трилогияси).

Иккинчи босқич - етук америка романтизми (1840-1850 йиллар). Н.Хоторн, э.А.По, Г.Мелвилл, Х.В.Лонгфелло, У.Х.Симмс, трансцендентал ёзувчилар Р.В.Емерсон ва Г.Д.Тороларнинг асарлари шу даврга мансуб. Бу йиллардаги Американинг мураккаб ва қарама-қарши ҳақиқати 40-50-йиллар романтикларининг дунёқараши ва эстетик позитсиясида сезиларли фарқларга олиб келди. Бу давр ёзувчиларининг аксарияти мамлакат тараққиётининг боришидан қаттиқ норози. Америка қўшма штатларида жанубда қуллиқ сақланиб қолган, Ғарбда қашшоқларнинг қаҳрамонлиги билан бирга материкнинг туб аҳолиси - ҳиндуларни ваҳшийларча йўқ қилиш ва табиий бойликларни талон-тарож қилишдир. Республика 18-асрнинг 30-йилларидаги иктисодий инқирозни, ҳукуматга ишончни йўқотган, коррупсия ботқоғини, ташқи ва ички сиёсий низоларни бошдан кечирмоқда. Ҳақиқат ва романтик идеал ўртасидаги тафовут чуқурлашади, тубсизликка

айланади. Етук давр романтиклари орасида буржуа Америка томонидан рад этилган, тушунилмаган ва тан олинмаган санъаткорлар кўп бўлиши бежиз эмас: По, Мелвил, Торо, кейинчалик шоир Э.Диккинсон.

Етук америкалик романтизмда драматик, ҳатто фожиали оҳанглар, дунё ва инсоннинг номукамаллиги ҳисси (Н.Хоторн), қайғу ва соғинч кайфияти (Е.По), инсон фожиасини англаш устунлик қилади. мавжудлиги (Г.Мелвилл). Руҳида ҳалокат тамғаси бўлган, бўлинган психикага эга қаҳрамон пайдо бўлади. Лонгфеллонинг мувозанатли-оптимистик дунёси ва трансценденталистларнинг ушбу ўн йилликлардаги умуминсоний уйғунлик ҳақидаги ғоялари Қўшма Штатлар адабиётида бир оз фарқ қилади. Бу босқичда америка романтизми миллий воқеликни бадий ўзлаштиришдан инсон ва дунёнинг умуминсоний муаммоларини миллий материал асосида ўрганишга ўтмоқда, фалсафий теранлик касб этмоқда. Бунда у Европанинг замонавий идеалистик фалсафасига, биринчи навбатда, Кант, Шеллинг, Фихтенинг немис идеалистик мактабига таянади. Ушбу назариялар Америка трансцендентализми таълимотида ўзига хос тарзда акс эттирилган бўлиб, у замондошлар олдига глобал характердаги саволларни қўйди - инсоннинг моҳияти, инсон ва табиат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар, ахлоқий ўзини ўзи бошқариш усуллари ҳақида. такомиллаштириш.

Етук америкалик романтизмнинг бадий тилига олдинги авлод романтиклари орасида камдан-кам учрайдиган символизм киради. По, Мелвил, Хоторн ўз асарларида катта чуқурлик ва умумлаштирувчи кучнинг рамзий образларини яратдилар. Уларнинг ижодида ғайритабиий кучлар сезиларли рол ўйнай бошлайди, мистик мотивлар кучаяди.

Учинчи босқич - кеч Америка романтизми (60-йиллар). Бу Қўшма Штатлар романтизмидаги инқироз даври. Романтизм услуб сифатида тобора янги воқеликни акс эттира олмаяпти. Адабиётда ҳамон ўз йўлини давом эттираётган аввалги босқич ёзувчилари оғир ижодий инқироз даврига кириб борадилар. Энг ёрқин мисол - кўп йиллар давомида ихтиёрий маънавий изолятсияга кирган Мелвилнинг тақдири.

Бу даврда Шимол ва Жануб ўртасидаги фуқаролар уруши туфайли романтизмда кескин чегара мавжуд. Бир томондан, аболисионизм адабиёти мавжуд бўлиб, у романтик эстетика доирасида ахлоқий, умумий гуманистик нуқтаи назардан қулликка қарши норозилик билдиради. Бошқа томондан, жанубий адабиёт «жанубий ритцарликни» романтиклаштириб, идеаллаштириб, тарихан ҳалокатга учраган нотўғри иш ва реаксион турмуш тарзини ҳимоя қилиш учун кўтарилади. Романтизм Европага қараганда Америка адабиётида анча кеч ривожланди. Адабий асарлар 2 турга бўлинади - шарқона (плантатсия тарафдорлари) ва аболисионистлар (қулларнинг ҳуқуқларини қўллаб - қувватлайдиганлар, уларни озод қилиш). Улар мустақиллик, тенглик ва озодлик учун курашнинг ўткир туйғуларига тўла. Америка романтизмнинг вакиллари - («Ушер уйининг қулаши», («Лигия»), Вашингтон Ирвинг («Арвоҳ куёв», «Уйқусиз бўшлиқ афсонаси»), Натаниел Хоторн («Етти габле уйи»), «Қизил мактуб»), Фенимор Купер (мохиканларнинг охирги), Харриет Бехер Стоу (Том амакиси кабинаси), (Хивата афсонаси), Херман Мелвилл (Тайф, Моби Дик) ва (Грасс шеър барглари).

- «Алҳамбра» ҳикоялар «руҳ келин» бир қатор, Вашингтон Ирвинг «Рип Ван Винкле» ва «Слеепий Ҳоллов афсонаси»;

- Жеймс Фенимор Купер томонидан янги «Охирги Мохикан»;

- шеър «Равен», ҳикоялар, «Олтин Беетле» ва бошқа Э.Аллан По «Ушер уйи куз»;

- янги «Қизил Леттер» ва Гортон «Севган Габлес уйи»;

- янги «Тйпее» ва «Мобий Дик» Мелвилле;

- янги «Амаки Том кулбаси» Харриет Бичер;

- «Евангелине» бир шеърый афсонаси «Милес Стандиш бир учрашиб»

Лонгфелло;

- бир йиғиш «ўт барглари»;

- Маргарет Фуллер томонидан иншо «Ўн тўққизинчи асрдаги аёл».

АҚШ адабиётидаги романтик тенденция фуқаролар уруши тугаганидан кейин дарҳол реализм билан алмаштирилмайди. Романтик ва реалистик элементларнинг мураккаб уйғунлашуви энг буюк америкалик шоир «Уолт Уитмен» асаридир. Романтик дунёқараш - романтизмнинг хронологик доирасидан аллақачон ташқарида - Диккинсон ижоди билан сингдирилган. Романтик мотивлар Фенимор Купер ижодий услубига органик равишда киритилган. “XIX аср охири - XX аср бошларида Брет Харт, М.Твен, А.Бирс, Д.Лондон ва бошқа америкалик ёзувчилар.

Америка романтизми уни Европа романтизмидан ажратиб турадиган қатор миллий хусусиятларга эга.

Миллий ўзликни ва мустақилликни тасдиқлаш, миллий ўзлик ва миллий хусусиятни излаш Америка романтизмнинг барча санъатини қамраб олади. Романтик ёзувчилар ўз китобларида ўз қаҳрамонлари ва китобхонлари билан денгиз, Буюк кўллар юзаси, зич ўрмонлар, қудратли дарёлар, чексиз даштлар бўйлаб иштиёқ билан саёҳат қилишади. Жаҳон романтизмида табиат ҳар доим ғайриинсоний тсивилизатсияга алтернатива сифатида ҳаракат қилади. Америка Қўшма Штатлари романтиклари ижодида бу мотив сивилизатсия тегмаган табиат америкаликлар учун том маънода эшикдан ташқарида бошланиши билан мустаҳкамланади.

Америкалик романтиклар учун маълум бир қийинчилик шундаки, Янги Дунёда гўзал харобалар, антик давр ёдгорликлари, қадимий анъаналар ва афсоналар, ҳаттоки кўплаб ҳаёт ҳақиқатлари йўқ эди, улар учун барқарор ишқий уюшмалар аллақачон мустаҳкамланган, масалан, инглиз қалъалари ва Шотландия тоғлари, Голландия лолалари ва Италия атиргуллари ва бошқалар. Аста-секин Ирвинг ва Купер, Лонгфеллоу ва Мелвил, Ҳавтҳорне ва Торо китобларида Америка табиати, тарихи, географиясига оид ҳодисалар ва фактлар романтик тус олади. Ўрта штатлардаги романтиклар ижодидаги асосий мавзулар - миллий қаҳрамон излаш, ижтимоий муаммоларга қизиқиш, мамлакат йўлининг сабоқлари ҳақида фикр юритиш, Американинг ўтмиши ва бугунини таққослаш. Қўшма Штатлар романтизми табиатан доимий равишда антикапиталистикдир ва демократик Американинг кайфиятини ифодалайди, мамлакат буржуа тараққиётининг қарама-қаршиликларидан норози ва хавотирда.

Америка романтизми учун ҳинд мавзуси кесишган мавзуга айланди. Америкадаги ҳиндулар бошиданок Европа романтизмида пайдо бўладиган одатий мавҳум тушунча эмас, балки мураккаб психологик комплекс - ҳайрат ва қўрқув, душманлик ва айбдорлик ҳисси билан боғлиқ бўлган кундалик воқелик эди. Америкалик романтикларнинг шубҳасиз хизматлари ҳинд халқига, ўзига хос дунёқараш, маданияти ва фолклорига бўлган самимий қизиқиши ва чуқур ҳурмати эди.

Ҳинд образи, “олижаноб йиртқич”, ҳиндларнинг ҳаёти ўзининг эркинлиги, табиийлиги, табиатга яқинлиги билан Ирвинг ва Купер, Торо ва Лонгфелло китобларида капиталистик сивилизатсияга ишқий алтернатив сифатида намоён бўлади. Уларнинг асарлари икки ирқ ўртасидаги тўқнашув ҳалокатли муқаррар эмаслигидан далолат беради, аммо бунга оқ кўчманчиларнинг шафқатсизлиги ва очкўзлиги сабаб бўлган. Америкалик романтиклар ижоди билан ҳиндларнинг ҳаёти ва маданияти АҚШ миллий адабиёти оламига кириб, унга ўзига хос тасвир ва лаззат бағишлайди.

Америкалик романтикларга жуда жиддий вазифа юкланган эди, улар миллий адабиётни шакллантиришдан ташқари, ёш миллатнинг бутун мураккаб ахлоқий ва фалсафий кодексини яратиши керак эди - унинг шаклланишига ёрдам бериш. Америка романтизмида ягона ижодий услуб доирасида сезиларли минтақавий фарқлар мавжуд эди. Худди шу нарса жанубий штатлардаги бошқа этник озчилик - қора танли америкаликларнинг муносабати ва фолклорига ҳам тегишли. Мамлакатнинг инқилобдан кейинги ривожланиши натижаларидан умидсизлик америкалик ёзувчиларни ғайриинсоний воқеликка қарши турадиган романтик идеал излашга олиб келади.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, ўз даври учун романтизм воқеликни бадий тадқиқ қилишнинг энг самарали усули эди; бусиз халқнинг эстетик тараққиёт жараёни тўлиқ бўлмаган бўлар эди.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. XIX аср чет эл адабиёти тарихи, М.А. Соловёва, М.: 1991 йил.
2. XIX аср чет эл адабиёти тарихи, II қисм, таҳрир. А.С. Дмитриева, М.: 1979 йил
3. XX аср чет эл адабиёти тарихи 1871-1917, эд. В.Н. Теологик, З.Т. Фуқаролик, М.: 1972 йил
4. Ирвинг В.Новеллы / перевод А. Бобовича; Вступ. статья Е. Лопревой. – М.: Л., Гослитиздат, 1954. VII.– С 310 .
5. *Brooks V.W.* The world of Washington Irving. New York: E. P. Dutton & Co., 1944. – P 250 .
6. *Brooks V.W.* The world of Washington Irving. New York: E. P. Dutton & Co., 1944. – P 330 .
7. Паррингтон В.Л. Основные течения американской мысли. Т.2. Революция романтизма в Америки. М.,1964.
8. *Irving W.* The sketchbook. – New York: The Book League of America. 1939. – P 404 .
9. *Irving W.* Diedrich Knickerbocker's A History of New York, ed. With an introd. by S.Williams and T. McDowell.-New York: Harcourt, Brace &Co., 1927.- P 475 .
10. *Уильямс Ст.* Вашингтон Ирвинг. Том 1, / Перев. с англ. – Вкп; Литературная история США. – Москва: Прогресса, 1977. - С 605.

ФУРҚАТ ҒАЗАЛЛАРИДА АНТОНИМЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

Аннотация: Мазкур мақолада Фурқат ғазаллари мисолида антоним сўзларнинг бадиий нутқдаги аҳамияти тадқиқ этилган. Фурқат ижодида зид маъноли сўзларнинг ўринли ва унумли тарзда қўлланилиши шоир лирикасининг бадиий қиммати ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилгани очиб берилган.

Калит сўзлар: антонимлар, қаршилантириш, шакл ва маъно муносабати, Фурқат ғазаллари лингвопоэтикаси, нутқ ифодалилиги ва ранг-баранглиги, шаҳ-қул, телба-соғ, сулҳ-жанг антонимлари.

Бадиий матннинг лисоний таҳлили ҳақида сўз кетганда, унда тасвир ифодавийлиги, маъно кўламдорлигини таъминлашга хизмат қилган тасвирий воситалар, хусусан, шакл ва маъно муносабатига кўра фарқланувчи лексик бирликларнинг қўлланилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки синоним, антоним, омоним, пароним каби лексемалар бадиий нутқнинг таъсирчанлигини, эстетик қимматини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу борада зид маъноли сўзларнинг поэтик нутқдаги аҳамияти бениҳоя салмоқлидир.

Антонимлар “бадиий нутқнинг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини таъминлашда қулай воситалардан биридир. Зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш орқали тушунчалар, белгилар, ҳолатлар, образлар зидлантирилади”⁶⁶. Англашиладики, антонимия ҳодисаси *узоқ-яқин, чиройли-хунук, қулмоқ-йиғламоқ* сингари бир-бирига тескари мазмундаги сўзларнинг ёнма-ён қўлланилиши орқали юзага келади. Тилшуносликда зид маъноли сўзларнинг “маъноси бир-бирига зид ва фарқли бўлса-да, маълум бир умумий мазмунни ифодалайди”⁶⁷, деган қараш илгари сурилади. Бу, масалан, аччиқ-ширин антонимлари ҳаётнинг турли давларини ифодалаш билан изоҳланади.

Антоним сўзлар “бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Барча нарсалар қиёсий ўрганилади”⁶⁸. Яъни, *баланд* тушунчаси бўлмаса, *пастни*, *узоқ* бўлмаса, *яқинни* идрок эта олмаганимиз каби. «А. Реформатскийнинг фикрича, улар кучли, катта аҳамиятга эга бўлган стилистик воситалардир. Антонимларни ўринли ишлата билиш нутқнинг ранг-баранглигини, ўткирлигини, ифодалилиги ва таъсирчанлигини оширади»⁶⁹. Умуман олганда, зид маъноли сўзларнинг нутқдаги қимматини бадиий матнда янада яққол намоён бўлади.

Фурқат лирикаси матнида ҳам антоним сўзларнинг қўлланилиши алоҳида лексик устуворликни кўрсатади. Ўзаро бир-бирига зид маъно ташувчи лексик бирларнинг самарали қўлланилиши шоир ижодида янгича лирик кашфлар қилинишига асос бўлади.

Фурқатнинг “Гул бара қўйлакка кийдинг...”⁷⁰ ғазалида антонимик бирликлар самарали қўлланилиб, бадиий матннинг маъно кўламдорлигини оширишга хизмат қилганини кўриш мумкин.

Сен каби **шаҳ**га на ҳаддим борки, бўлмоғ рўбаро,

Қулларингга арзи ҳол айтай агар келса кези.

Лирик қаҳрамон ёрни ўзи юзма-юз келишга ҳадди сиғмайдиган шоҳга тенглаштириб, фақат унинг қулларига арзи ҳол қилишга ботина олишини шарҳ этади. Ёрни баланд, ўзини паст мақомда кўришини ифодалаш учун *шаҳ-қул* антонимик жуфтлигини ўринли қўллайди.

Ғазалнинг қуйидаги байтида зид маъноли сўзлар орқали бадиий нутқ таъсирчанлиги оширилган:

Мунтазирликдан оқарди, бўлди **нобино** кўзум,

⁶⁶ Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 61.

⁶⁷ Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 60.

⁶⁸ Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. –Б. 113.

⁶⁹ Шу манба. –Б. 113.

⁷⁰ Фурқат. Сайланма. –Тошкент: Маънавият, 2009. –Б. 22.

Равшан этсун, айланай, лутф эт, аёғингнинг изи.

“Нобино” сўзи “Навой асарлари учун қисқача луғат”га кўра, кўр, “нобино бўлмоқ” – кўр бўлмоқ маъносини англатади.⁷¹ Мумтоз адабий тил бойлигини самарали ўзлаштирган шоир *нобино* ва *равшан* сўзларини антонимик жуфтлик сифатида ўринли ишлатади.

Антонимларнинг белги, воқеа-ҳодисаларни қаршилантериш ва бу орқали контраст образлар яратиш хусусияти Фурқат ғазалларида яққол намоён бўлади.

Шоирнинг биргина “Келинчак” деб номланувчи ғазали⁷² мисолида зид маъноли сўзлар Фурқат ижодига кучли экспрессивлик ва таъсирчанликни таъминлашда алоҳида ўринга эга эканлигини кўриш мумкин:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,

Ғозадин юзларда тоб-у ўсмадин қошлар таранг.

Байтдаги *қаро* сўзининг асл антоними *оқ* сўзидир. Бироқ, тасвир мазмунига кўра, *лоларанг* сўзи ҳам қаро билан зидлантирилган, дея оламиз. Бунда **қора** –қоронғулик, **лоларанг** –ёрқинлик маъноси билан бир-бирига антонимик муносабатга киришади. Қолаверса, бадий адабиётда *қизил* ва *қора* сўзларининг антоним сифатида қўлланилиши янгилик эмас.

Гавҳар оқсон ҳалқалар сиймин баногўшида банд,

Кўринур зулфи **тунида субҳи содиқ**дек аранг.

Мазкур байтда *тун* ва *субҳи содиқ*, яъни қоронғулик ва ёруғлик мазмунидаги сўзлар кетма-кетликда ишлатилади, уларнинг ўзаро муносабати асосида тасвир ифодаси янада равшанлашади.

Ул париваш ишқидинки **телба**дурман, гоҳ **соғ**,

Чунки бордур орамизда гоҳ **сулҳ**-у гоҳи **жанг**.

Ушбу байтнинг ҳар икки мисрасида қўлланилган *телба-соғ*, *сулҳ-жанг* антонимик бирликлари орқали ўзаро контраст образлар яратилган. Айниқса, зид маъноли сўзларнинг бир мисранинг ўзида *гоҳ-гоҳ* айирувчи боғловчиси билан биргаликдаги қўлланилиши натижасида контрастлик янада кучайган.

“Кўзларинг” радибли ғазали⁷³да эса бир неча маънодош сўзга битта зид маъноли сўзни қаршилантериш орқали маъно бўёқдорлигига эришилган. Масалан,

Шукр, Фурқат, фирқатингида **хаста-ю бемор** эди,

Бир боқишда айлади **дардиға дармон** кўзларинг.

Байтида *хаста*, *бемор* сўзларига *дард* сўзининг контекстуал маънодошлиги яққол англашилади, уларнинг барчасига зид равишда **дармон** лексик бирлигининг ишлатилиши эса шеъринг нутқдаги фикрнинг ифодалилигини оширган ва муҳим стилистик аҳамият касб этган.

“На бўлди, нигоро” ғазали⁷⁴да ҳам мумтоз адабиётимизга хос бўлган *шом-у саҳар*, *булбул* – *гул*, *хўб* – *якка-ю танҳо* сингари антонимик бирликлар ҳам қўлланилган. Бадий матнда антонимия ҳосил қилувчи энг фаол **қул** ва **шоҳ** сўзлари мазкур ғазал мақтасида антитезанинг шаклланишида лексик восита бўлган ва байтнинг алоҳида-алоҳида мисраларида қўлланилиб, мисралараро контрастни юзага келтирган:

Фурқат **қулин**гиз мисли **гадо** йўлда ётодур,

Бир лутф-у карам қилғоли, **шоҳо**, қарамайсиз.

Бунда *гадо* сўзи ҳам ўз маъно қиррасига эга бўлса-да, ушбу мисрада *қул* сўзининг маъносини янада ойдинлаштиришга хизмат қилган. Баъзи ғазалларда эса *шаҳ* сўзига зид тарзда *гулом* сўзи ҳам қўлланилган:

Сен каби **шаҳ**ни латофат мулкида кўргоч нигор,

Жон-у дил бирла камина Фурқатий бўлди **ғулом**.

тарзида.

⁷¹ Навой асарлари учун қисқача луғат. –Тошкент: Фан, 1993. –Б.206.

⁷² Фурқат. Сайланма. –Тошкент: Маънавият, 2009. –Б.11

⁷³ Фурқат. Сайланма. –Тошкент: Маънавият, 2009. –Б.13

⁷⁴ Шу манба. –Б.18

Фурқатнинг “Сайланма”сидан ўрин олган “Табассум бирла чикди...” ғазалида ҳам кайфиятнинг ижобий ва салбий баҳосини ифодаловчи антонимлар қўлланилган ва маъно нозиклигига эришилган:

Табассум бирла чикди гулруҳим гулдин савол айлаб,
Қилибон ғунчани **хомуш** ҳам булбулни лол айлаб.

Бунда *табассум* ва *хомуш* сўзлари бир-бирига боғлиқ бўлиб, антонимик жуфтлик сифатида намоён бўлади. Фурқат ғазалларида салмоқли қўлланилган *кеча-субҳ*, *ошно-бегона*, *бош-остона*, *меҳр-озор*, *субҳ-у шом*, *ёз-у қиш*, *фироқ-у висол* сингари бир-бирига зид маъноли сўзлар шоирнинг мумтоз лирикаси эстетик қимматини оширишга хизмат қилган.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Фурқат ғазалиётида шакл ва маъно муносабатига кўра хосланган лексемалар, хусусан, антонимларнинг фаол қўлланилиши шоирнинг мумтоз адабий тил бойликларини самарали ўзлаштирганлиги, ҳар бир сўзни маъно қиррасига мос равишда ўринли ишлатиш маҳоратига эга эканлигини кўрсатади. Қолаверса, юқоридаги мисоллар орқали антоним сўзларнинг бадиий нутқ савияси, таъсирчанлиги, маъно қўламдорлигини оширишда алоҳида ўринга эга эканлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995. –Б. 61.
2. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. –Б.113.
3. Фурқат. Сайланма. –Тошкент: Маънавият, 2009. –Б.22.
4. Навоий асарлари учун қисқача луғат. –Тошкент: Фан, 1993. –Б.206.

**M.B.Eshniyazova (Samarqand veterinariya meditsinasi,
chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti, o'qituvchi)**

“ABDULLA ORIPOV SHE’RIYATI” MAVZUSINI O‘QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH

Annotatsiya: ushbu maqolada adabiyot dasrlarida “Abdulla Oripov she’riyati” mavzusini o‘qitishda turli xil ta’lim usullari hamda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish bo‘yicha fikr-mulohaza va tavsiyalar berilgan.

Kalit so‘zlar: zamonaviy ta’lim, yangi pedagogik texnologiyalar, interaktiv usullar, erkin fikrlash, muammoli vaziyat, ijodiy yondashuv.

O‘zbekiston Respublikasida ta’lim tizimiga qaratilayotgan e’tibor juda yuqori. Ayniqsa, Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida: “Biz o‘z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug‘ maqsadni qo‘ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug‘beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta’lim va tarbiyani rivojlantirish, sog‘lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g‘oyamizning asosiy ustunlari bo‘lib xizmat qilishi lozim”, deb ta’kidladilar. Shunday ulug‘vor maqsadni amalga oshirishni ustuvor yo‘nalish sifatida belgilagan davlatimizda ta’lim va tarbiyaning uzviy ravishda olib borilishi nafaqat mamlakatimiz yoshlarining intellektual jihatdan yuksalishi, shuningdek, ma’naviy barkamol bo‘lishini ham ta’minlaydi. Ta’lim-tarbiyaning asosiy maqsadi zamon talablariga javob beradigan va jamiyatdagi muammolarni hal qila oladigan raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashdir.

O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” asarida e’tirof etilganidek: “Ta’limni tarbiyadan, tarbiyani esa ta’limdan ajratib bo‘lmaydi – bu sharqona qarash, sharqona hayot falsafasi”.

O‘qitishning maqsad va mazmunlari aniq muvofiqlashtirilganda, ta’lim-tarbiya jarayoni samarali bo‘ladi. Maqsad bilan mazmunni muvofiqlashtirish o‘qituvchining mahoratiga va e’tiboriga bog‘liq. Bugungi taraqqiyot har bir o‘qituvchidan o‘ziga xos ijodkorlikni, malaka va tajribani taqozo etmoqda. Bu, o‘z navbatida, ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilari zimmasiga katta

mas'uliyat yuklaydi. XXI asr muallimi yuksak taraqqiy etib borayotgan bugungi fan-texnika yutuqlariga har doim hozirjavob bo'lishi, ulardan o'z darslarida samarali foydalana olishi kerak. Darslarda qo'llanadigan interaktiv usullar o'quvchilarda o'z ona tili va yurtiga mehr-muhabbat tuyg'ularini uyg'otishi, ularning savodxonligini mukammal darajaga ko'tarishi, mantiqiy, aniq va to'g'ri nutq sohibi bo'lishiga erishish kabi muhim vazifalarni bajarishni nazarda tutadi.

Ona tili va adabiyot darslarida berilgan mavzularni o'qitishda turli xil ta'lim usullari hamda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan samarali foydalangan holda dars mashg'ulotlarini tashkil etish ta'lim-tarbiya sohasida sifat va samaradorlikning kafolatidir.

"Abdulla Oripov hayoti va ijodi. Shoir she'riyati" mavzusini o'rganishda tajribada sinalgan ayrim zamonaviy ta'lim usullarni qo'llash borasida fikr-mulohazalarimizni o'rtoqlashmoqni maqsad qildik.


Darsni tashkil etishda kichik guruhlarini shakllantirib olish o'quvchilar o'rtasida do'stona munosabat, hamjihatlik, birgalikda ishlash, mas'uliyat hissini o'stirish, muloqot madaniyatini shakllantirish uchun samarali usul sanaladi.

Kichik guruhlariga (mazkur darsda guruh to'rtta kichik guruhchaga ajratilishi maqsadga muvofiq bo'ladi) A.Oripovning "Ko'rgan-kechirganlarim" xotiralari asosida topshiriqlar beriladi. Mazkur topshiriq "Faktlar bilan ishlash" usulidan foydalanilgan holda bajariladi va guruhlar taqdimoti o'tkaziladi:

- 1.A.Oripovning tug'ilgan joyi haqidagi ma'lumotlar qayd etilgan parcha bo'yicha gapiring.
- 2.Yosh Abdullaning bolaligi va oilasi haqida gapiring.
- 3.Abdulla Oripovning ijod olamiga kirib kelishi haqida ma'lumot bering.
- 4.A.Oripov she'rlarining yaratilishiga turtki bo'lgan omillar haqida to'xtaling.

"Bir she'r sharhi" ta'lim usulidan foydalanib, har bir kichik guruhga shoirning adabiyot darsligida berilgan ma'lum she'rini ifodali o'qish va ularni tahlil qilish topshiriladi. Bu usul orqali o'quvchilar matnni o'qib tushunish va sharhlash ko'nikmalariga ega bo'ladilar, shuningdek, ularda fikrni og'zaki tarzda to'g'ri va ta'sirchan ifodalash, o'z nuqtai nazarini asoslab bera olish, mavjud holatga munosabat bildirish kabi sifatlar ham shakllanadi.

"Munajat"ni tinglab" she'ri tahlili jarayonida lirik qahramon ruhiyati, tuyg'ulari va tug'yonlari sabablari ifodasiga e'tibor qaratish maqsadida "Nima uchun?" ta'lim usulidan foydalanish mumkin.



Bunda o'quvchi mustaqil fikrlaydi, voqelikni mushohada qiladi, atrof-olamda ko'rgan-kuzatganlari asosida xulosalar chiqaradi, lirik qahramonning holatini his qilishga harakat qiladi, shuurida o'tmish va bugunni jonlantiradi, muammo nimada ekanligini, unga qanday yechim topish mumkinligini o'ylaydi. Va, nihoyat, har bir o'quvchi inson sifatida, shaxs sifatida shakllanishi, irodasini toblashi lozimligini, ruhan va jisman sog'lom kishigina hayotning bunday zarbalarida yengilmay o'ta olishini anglab yetadi.

“Yurtim shamoli” she’ri tahlilida shamol tushunchasi, shamol obrazi shoir talqinida qanday ma’nolar ifodalaganiga, ular fikr va mantiq ipiga qanday tizilganiga e’tibor qaratilishi lozim.

O’quvchilar she’rni o’qib, har bir badda shamol timsoli yangicha tushuncha anglatishini, ma’no qamrovi kengayib borganligini izohlashi lozim bo’ladi.

“O’zbek tilining izohli lug’ati”da “shamol” so’zi quyidagicha ta’riflangan:

SHAMOL [a. — shimoliy shamol, sovuq shamol] – **havoning yer sathi bo’ylab (gorizontal) harakati.**

Badiiy so’z imkoniyatlaridan kelib chiqib, shoir shamol so’ziga nafaqat yuqorida berilgan ta’rifda keltirilgan, balki bundan-da kengroq turli xil ma’nolarni yuklay oladi, shoirona tasavvur va mushohada natijasida bu tushuncha ijtimoiy, siyosiy, falsafiy, umuminsoniy mohiyat kasb etadi. O’quvchilar she’r tahlili orqali mana shu jihatlarni ochib berishi lozim bo’ladi.


“Yurtim shamoli” she’rida shamol timsolining ma’nolarini “Klaster” usulida ifodalash samarali natija beradi: “siym tan” – tuproqni “atlas” qiyofasiga keltirishga, changlanish hodisasi orqali alvon ne’matlar undirishga xizmat qiluvchi tabiat hodisasi, bolalik o’ynoqiligi, o’smirlilik qaynoqligi (1-band), yigitlik oshuftaligi (2-band), turfa taqdirar (insonlar, umrlar, yillar) (3-band), tarix “xarita”lari (janglar, talotumlar, boshqaruvlar, tuzumlar, islohotlar, oqimlar), sovuqlik (tanglik, yovuzlik, mehrsizlik, yolg’onchilik, soxtalik, g’iybat-u bo’hton kabi illatlar) (4-band), ezgulik, tinchlik, adolat (5-band), kelajak (yetuklik, ozodlik, erkinlik, bunyodkorlik, kamolot), umid, ishonch, orzu hamda Vatan timsoli shaklida namoyon bo’ladi va bir butun mukammal obrazga aylanadi.

Meni chorlayotir olis bir jamol,
Bilmasman, oh, unga qachon yeturman.
Bu gulshan vodiya men ham bir shamol,
Shamol kabi keldim, shundoq keturman.
Lekin Abdullaning boqiy kamoli,
O, yurtim shamoli, yurtim shamoli.

“Birinchi muhabbatim” she’rini tahlil qilish jarayonida o’quvchilar mehr-muhabbat tuyg’usi va uning qudrati haqida fikrlarini bayon qiladilar. Bunda ularga “Pog’ona” usulidan foydalanishlarini tavsiya etish maqsadga muvofiq. O’quvchilar she’r matnidan kelib chiqib muhabbat tuyg’usiga lirik qahramonning munosabati bandlararo qaytarzda o’zgarib borganiga diqqatni qaratadilar va bu ne’matning qadri qaysi holatlarda qaytarzda baholanishini izohlaydilar. Bunda mehr-muhabbatning insonga, tabiatga, borliqqa, haqiqatga, Haqqa nisbatan uyg’onishi, “muhabbat” tushunchasining yigit-qizga, oilaga, do’stiga, dunyoga, ijodga, Allohga qaratilgan bo’lishi mumkinligiga e’tibor beriladi va oxir-oqibat inson haqiqiy muhabbat nimaligini anglab yetishi haqidagi xulosa she’rning asosiy g’oyasi ekanligi ta’kidlanadi:

Nido bergil, qaydasan, sharpangga quloq tutdim,
Sirli tushlar ko’rib men bor dunyoni unutdim.
Tongda turib nomingga ushbu she’rimni bitdim,
Dildagi ohim mening, birinchi muhabbatim,
Yolg’iz Allohim mening, birinchi mudabbatim.

“Qo’riqxonalar” she’ri tahlili berilgan guruhda taqdimot uchun “Toifalash” usulidan foydalanish mumkin. Bunda o’quvchilar “qo’riqxonalar” timsolini o’z va ko’chma – ramziy ma’nodagi ifodasi bo’yicha fikrlarini bayon qiladilar. Qo’riqxonalar faoliyati quyidagi chizma ko’rinishida yoritilishi mumkin:



“Qo‘riqxonada” she‘rida shoirning asl maqsadi esa insoniy munosabatlar va tuyg‘ular taqdiri haqida boradi. Unda she‘rning shoirona tafakkur va uchqur xayol bilan yaratilgani, davrning, lozim bo‘lsa, bashariyatning dolzarb muammosi bo‘lgan “yo‘qolib borayotgan insoniy hislar”ni saqlab qolish g‘oyasi yetakchilik qilishi ta’kidlanadi:



Shoir she‘rda nazarda tutgan ezgu hislar turli o‘xshatishlar orqali tasvirlangan:

ezgulik	• tojdor turna
oqibat	• ayiq
hayo	• polapon
iymon	• Qor odam
vijdon	• noyob tortiq

Ushbu she‘rda juda dolzarb mavzu qalamga olingan bo‘lib, bu ulkan muammoga yechim topish uchun butun insoniyat birikib harakat qilmog‘i kerak. Xo‘sh, yoshlar bu borada qanday fikrda? O‘quvchilar “Keys-stadi” usuli asosida ushbu muammoga yechim topishlari mumkin. Bunda ular vaziyat bilan tanishish (matn bo‘yicha yoki so‘zlab berish orqali), muammolarni aniqlash, axborotni tahlil qilish va umumlashtirish, xulosalash, muammolarni hamda ularning dolzarbligi bo‘yicha ketma-ketligini aniqlash, muqobil yechim yo‘llarini ishlab chiqish, har bir yechimning afzal va zaif jihatlarini belgilash, maqbul yechimlarni baholash, munosib variantlarni qo‘llash imkoniyatlarini asoslash, hisobot hamda natijalar taqdimotini tayyorlash bosqichlari bo‘yicha harakat qiladilar.

Guruhlar taqdimotidan so‘ng A.Oripov she‘rlarini tadqiqi bo‘yicha umumlashmalar chiqariladi. Bunda “konseptual jadval” usulidan foydalanish juda o‘rinli bo‘ladi:

She‘r nomi	Hajmi		Qofiyal anishi	Timsoll ari	Badiiy tasvir vositalari	Mazmuni
	Ban dlar soni	Bandda gi misralar soni				
«Munjojotni tinglab»	5	4	a-b-c-b	Kuy, ohang, rubob, cholg‘uchi, tabiat, dunyo	Tashbeh, tashxis, sifatlash, qarshilantirish, talmeh, tanosib	-kuydan keyingi ruhiy holat aks etgan; -kuyga, rubob cholg‘uvchiga murojaati uslubida yozilgan; -g‘am yukining juda og‘irligi, va asrlar osha mavjudligi, insondan juda katta sabr-bardosh talab qilinishi tasvirlangan.

«Yurtim shamoli»	6	6	a-b-a-b-c-c	Shamol, bo'ston, bog', chechak	Tashbeh, takrir, tashxis, sifatlash, qarshilantirish, talmeh, tanosib	-shamol esishi orqali tuyg'ular oqimi maydonga keladi; -shamol ramziy obraz sifatida tasvirlangan: tabiat va jamiyat hayoti bilan bog'liq voqelik tasviri berilgan.
«Birinci muhabbat»	6	5	a-a-a-b-b	Muhabbat, yor, yoshlik, umr, dunyo	Tashbeh, takrir, tashxis, sifatlash, qarshilantirish, tanosib	-inson qalbidagi bebaho ma'naviy javhar bo'lgan hisni tasvirlagan; -muhabbat tuyg'usining qadri-qimmatini va insonning har doim unga ehtiyoj sezishi tasvirlangan.
«Qo'riqxonalar»	10	4	a-b-a-b	Qo'riqxonalar, tabiat, insoniy qadriyatlar va fazilatlar	Tashbeh, takrir, tashxis, sifatlash, qarshilantirish, talmeh, tanosib	-insoniy qadriyatlar va fazilatlar haqida so'z boradi; -dunyo va inson qalbini yovuzlikdan asarashga ogohnomasi; -moddiy va ma'naviy dunyoni yonma-yan qo'yib tasvirlash orqali sof ezgu hislarni asrash lozimligi, ular himoyaga muhtojligiga e'tibor qaratiladi; -she'r kompozitsiyasiga ko'ra qismlar quyidagi ko'rinishda: kirish - 1-2-3-bandlar; asosiy qism - 4-8-bandlar; xulosa - 9-10-bandlar.
A.Oripov she'rlarida olam go'zalligi qalb go'zalligiga, hislar samimiyligi va ko'ngil pokligiga, tabiat va insoniyat munosabatlari mutanosibligiga, adolat tarozisining haqqoniy ishlashiga bog'liq ekanligi aks ettirilgan.						

Demak, Abdulla Oripov she'rlarini o'rganish jarayonida yuqorida tavsiya etilgan ta'lim usullaridan foydalanish dars sifati va samarasining oshishi kafolatidir. Mazkur ta'lim usullari orqali quyidagi natijalarga erishish mumkin:

- dars mashg'uloti qiziqarli va jonli tashkil etiladi;
- zamonaviy ta'lim usullari uchun qo'yiladigan talab amalga oshadi, ya'ni o'quvchi faol ishtirokchiga aylanadi;
- o'quvchi erkin va kreativ fikrlaydi, voqelikni chuqurroq idrok qilish ko'nikmalari shakllanadi;
- jamoa bilan ishlash, o'zgalar fikrini tinglash, ularni hurmat qilish kabi insoniy xislatlari shakllanadi;
- mustaqil fikrlash va uni maqsadga muvofiq bayon qila olish, muammoli vaziyatlarda to'g'ri yechimga kela olish fazilatlarini rivojlanadi;
- o'quvchi komil shaxs sifatida shakllanishiga zamin yaratiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – T.: O'zbekiston, 2017. – 488 b.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni. // Harakatlar strategiyasi asosida jadal taraqqiyot va yangilanish sari. – T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017. – 92 b.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – "Zarafshon", 2018-yil 29-dekabr, 155-156-son.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – "Zarafshon", 2020-yil 30-dekabr.

5. O'zbekistonga jadal islohotlar sur'atiga mos ilg'or kadrlar kerak. – "Xalq so'zi", 2018-yil 19-dekabr, 262-son.
6. Adabiyot. O'rta ta'lim muassasalarining 10-sinfi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'quvchilari uchun darslik-majmua. Toshkent, 2017.
7. [www. ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).
8. www. edu.uz.
9. www. kitob.uz.
10. www. ma'naviyat.uz.

G.Isomova (Qo'qon DPI stajor tadqiqotchisi)

OXUNJON HAKIM IJODIDA MILLIYLIK IFODALARI

Annotatsiya. Maqolada millat tili, uning madaniyati, urf-odatlarini asrash, shoir Oxunjon Hakim she'rlaridagi ona tiliga, millatiga bo'lgan muhabbat haqida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: milliy til, urf-odat, ona tiliga muhabbat, milliy kiyim, milliy madaniyat, milliy ruh.

Millatlar, tillar, urf-odatlar xilma-xilligi insoniyatning bir-biriga bo'lgan qiziqishi, hurmat-ehtiromi, do'stlik, birodarlik tuyg'ularini paydo qiluvchi va saqlab turuvchi yagona omil bo'lsa kerak. Chunki yer yuzidagi odamlar bir-birlarining tili, urf-odati, umuman, qadriyatlarini o'rganish orqali bir-birlari bilan til topishadilar va o'z aro do'stlik munosabatini o'rnatadilar. Bu munosabatlar sabab bir millat tilidan ikkinchi millat tiliga so'zlar o'tib o'zlashadi va lug'at boyiydi. Lekin boshqa tilning o'tib o'zlashayotgan so'zlari lug'atiga yangi so'z qabul qilayotgan millat tilining qadimiy jilosiga soya solishi, ya'ni ko'p so'z va iboralarning unutilishiga sababchi bo'lishi ham mumkin. Til jozibasini turli jarohat va ofatlardan saqlab, ajdodlardan avlodlarga olib o'tuvchi ulkan bir kuch borki, bu adabiyotdir. Millatning shoir va yozuvchilari yozgan va yozayotgan asarlarida o'zlari mansub bo'lgan el-ulusning urf-odat va qadriyatlariga xos bo'lgan so'z va atamalardan, milliy madaniy birliklardan qancha ko'p foydalansalar, millat tili, madaniyati, tiynatini saqlab qolishga shuncha ko'p xizmat qilgan bo'ladilar.

O'zbek milliy madaniyatining mashhur vakillaridan biri, ma'rifatparvar olim Abdulla Avloniy "Har bir millatning o'zligini ko'rsatadurg'on oynai hayoti til va adabiyotidir. Milliy tilni yo'qotmak millatning ruhini yo'qotmakdir" deb ta'kidlaydi. Darhaqiqat, til, millat ko'zgusi, ma'naviyat sarchashmasidir.

Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning butun xalqimizni kitobxonga aylantirish yo'lidagi jonbozliklari, adabiyot ahliga bo'lgan beqiyos e'tiborlari, viloyatlarda ijod maktablarining tashkil etilishi bejizga emas, albatta. Bularning zamirida millatimizni, tilimizni, madaniyatimizni, umuman o'zligimizni kelajak zamonlarga bus-butun holda olib o'tish maqsadi mujassam.

Til uchun, millat uchun fidoyilik adib va shoirlarning qonida bo'ladi. Ular bu fidoyiliklarini minnat qilmagan holda o'z ijodlari bilan millatga, uning gullab-yashnashiga boshqa sohadagi fidoyilar qatori xizmat qiladilar.

Farg'onada yashab ijod qilgan shoir Oxunjon Hakim ijodiga nazar solgan she'rxon ham shoir she'rlaridagi samimiy satrlardan uning o'z ona tiliga, millatiga bo'lgan ana shu beminnat fidoyilikni osongina ilg'ab oladi. Shoir ijodida milliy ruh ustuvor ekaniga guvoh bo'ladi.

Zero, O.Hakimning "Alla aytavering", "Ko'kragida ori bor", "Keldi ko'klam" kabi ko'plab she'rlari bn bu fikrimizni dalillay olamiz.

O.Hakimning "Alla aytavering" she'rida o'zbek xalqining bolajonligi, xalqimizga xos milliy urf – odatlar yoritilgan. Har bir go'dak ona allasini eshitib katta bo'ladi. Bu xalqimizga xos milliy urf- odatdir. Onadan alla eshitish orqali farzand mehr-oqibat, vatanga muhabbat, sadoqatli komil farzand bo'lish kabi ezgulik g'oyalari singdiriladi. Ona aziz, ona mo'tabardir. Bizni dunyoga keltirgan, oq yuvib oq taragan, bizga allalar aytib, mehr berib o'stirgan onamizga qancha xizmat qilsak kam. O. Hakimning "Alla aytavering" she'rini o'qigan she'rxon mutolaa jarayonida o'z

onasini ko'z oldiga keltirib, onaizorini yanada hurmatlab e'zozlashi kerakligi haqida o'yga tolishi shubhasiz. Chunki, she'rda milliylikimizni aks ettiruvchi belgilar tasviridan tashqari har bir o'zbek farzandi ota-onasini hurmatlashi, e'zozlashi, qadriga yetishi kerakligi haqidagi xulosa kelib chiqadi. Ota-onani e'zozlash esa milliy madaniyatimizning eng muhim belgilaridan hisoblanadi. Umuman olganda qo'shig'imiz "Alla" insonni barkamol yetuk bo'lib tarbiyalanishida muhim omil sanaladi.

Shoirning "Ko'kragida ori bor" she'ri juda chiroyli milliy ruhda yozilgan. Shoir she'rda milliy bosh kiyimimiz bo'lgan "do'ppi"ni ulug'laydi va shu orqali bizga vatanga muhabbat, o'z vatanidan faxrlanish kabi g'oyalarni singdiradi. She'rni mutoala jarayonida o'z vataniga muhabbat, sadoqat va g'urur iftixorni his qilishimiz mumkin.

O.Hakimning "Keldi ko'klam" she'ri esa milliy bayramimiz "Navro'z" haqida. She'r juda chiroyli tarzda yozilgan. Unda milliy bayramimiz bo'lgan Navro'z qanday o'tkazilishi, ushbu bayramda barcha shod- hurram bo'lishi, milliy taomimiz "Sumalak" tayyorlanishi, go'zal milliy kuy va qo'shiqlarimiz aytilishi haqida tasvirlangan. She'rni o'qigan har bir kitobxon milliy bayramimiz bo'lgan "Navro'z" bayrami yurtimizda qanday keng tarzda nishonlanishini bilib oladi.

Donishmand bobolarimizning hayot tajribasidan kelib chiqib aytgan ajoyib o'xshatishli hikmat gaplari, mavzumizga moslab aytadigan bo'lsak, tilimizga va jonli nutqimizga uzukka qo'yilgan ko'zday yarashib turgan, uni yanayam boyitayotgan milliy-madaniy birliklarning aholi muloqotida bardavom bo'lishida badiiy adabiyotning, ayniqsa, she'riyatning xizmati beqiyos. Demak, millat tilining kelajagi ijodkorlarimiz bitgan asarlarning nechog'lik milliy ruh bilan sug'orilishiga ham bog'liq ekan. Shu jihatdan qaraydigan bo'lsak, taniqli shoir O. Hakim ham jonajon ona tilimiz umrining bardavomligiga samarali hissa qo'shib kelayotgan millatparvar shoirlardan biri deb bemaolol ayta olamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Oxunjon Hakim "Malaklar surati". "Sharq" Toshkent -2004. 23-61-betlar.
2. Oxunjon Hakim "Dunyo, dunyo...". "Sharq" Toshkent -2005. 52-bet.

T.Yu.Oydinov (SamDCHTI, o'qituvchi)

MANBALARDA HUSAYN BOYQARO OBRAZI TALQINI

Annotatsiya. Ushbu maqolada tarixiy manbalarda shoh va shoir Husayn Boyqaro va uning shaxsiyati haqida ma'lumot beriladi. Husayn Boyqaroning shaxsiy fazilatlarini talqini bilan birgalikda ijodiy olami haqida ham o'ziga xos qarashlar ilgari suriladi.

Kalit so'zlar: tarixiy manba, badiiy olam, ijodkor tabiati, mahorat, adabiy-tanqidiy qarashlar.

Ma'limki, tarixiy manbalarda, tazkiralarda, adabiy-badiiy risolalarda hattoki, badiiy asarlar tarkibida ham Temuriy ijodkorlar haqida qorishiq tarzda, qisqa-qisqa ma'lumotlar berilib o'tilgan. Ana shunday asarlar sirasiga Zahiriddin Muhammad Boburning "Boburnoma", Muhammad Haydar mirzoning "Tarixi Rashidiy", Hasanxoja Nisoriyning "Muzakkiri ahhob" kabi tarixiy-adabiy manbalarini kiritish mumkin. Ushbu asarlar shunisi bilan e'zozliki, asarlarda ko'plab tarixiy shaxslar, adabiyot va san'at ahlari, din ahlari, shoh va shahzodalar, beklar, amir-u ulamolar haqida ma'lumot beradi.

Shuni ta'kidlab o'tish kerakki, asarlar XVI asrda yaratilganligi uchun bo'lsa kerak, ularda temuriy va shayboniylar haqida batafsil ma'lumotlar berilgan. Bu jarayon har bir asarda o'ziga xos, ya'ni janriy xususiyatlariga ko'ra ma'lumotlar tarzida keltirilgan. Jumladan, Zahiriddin Muhammad Boburning "Boburnoma" asarida ham juda ko'p tarixiy shaxslar (temuriy hukmdorlar, harbiy amaldorlar, ilm-fan va san'at nomayondalari va boshqalar)ning shakl-shamoyillari va ruhiyatlari mohirona chizilgan, ularning xatti-harakatlari, faoliyatlari bayoni orqali shaxsiy xususiyatlari ochib berilgan. Masalan, muallif o'z otasi Umarshayx mirzo haqida quyidagi ma'lumotlarni berib o'tgan: "Hanafiy mazxabliq, pokiza e'tiqodliq kishi edi, besh vaqt namozni tark qilmas edi, umriy qazolarini tamom qilib edi, aksar tilovat qilur edi. Hazrati Xoja Ubaydullog'a irodati bor edi, suhbatlarig'a bisyor musharraf bo'lib edi, hazrat Xoja ham farzand deb edilar.

Ravon savodi bor edi. “Xamsatayn” va masnaviy kitoblarini va tarixlarni o‘qib edi. Aksar “Shohnoma”ni o‘qur erdi. Ta’bi nazmi bor edi, vale she’rg’a parvo qilmas edi. Taqrib bila xo‘b abyot o‘qur edi”. (“Boburnoma”, 37-bet.)

Tarixdan ma’lumki, XV asr tarix zarvaraqlarida “oltin asr” sifatida talqin qilingan. Ayniqsa, XV asrning ikkinchi yarmida Xurosonda adabiy-madaniy hayot ancha rivojlangan va keng qamrovli bo‘lgan. Bunda temuriylarning tarixiy jarayondagi o‘rni alohida maqtovg’a sazavordir. Jumladan, temuriy hukmdorlar ichida saltanat taxtida uzoq vaqt davlat boshqargan podshohlardan biri Husayn Boyqaro mamlakat hukmdori sifatida katta ishlarni amalga oshirgan. Bobur bu haqida fikr yuritar ekan, o‘ziga xos yuksalish mavjud bo‘lgan ana shu davr hayotini quyidagicha yorqin tasvirlaydi: “Sulton Husayn mirzoning zamoni ajab zamone edi, ahli fazil va benazir eldin Xuroson, bataxis Hiri shahri mamlu edi. Har kishining kim bir ishga mashg‘ullug‘i bor edi, himmati va g‘arazi ul edikim, ul ishni kamolg‘a tegurgay”. (“Boburnoma”, 136-137-betlar.)

Husayn Boyqaro hukmronlik qilgan davr Xuroson, ayniqsa, uning poytaxti Hirot shahri, Bobur tili bilan aytganda, birga o‘n, balki yigirma barobar taraqqiy qilib edi. “Bu yerda adabiyot, san’at, ilm-fan rivoj topgan, zamonasining iste’dodli shoirlari, olim va xattotlari, musavvir va san’atkorlari o‘z ijodiy ishlari bilan shahar go‘zalligiga go‘zallik qo‘shgan edi. Bunday ilm-u hunar sohiblari davrasida, dabdabali saroylar, hashamatli koshonalarda yashagan Husayn Boyqaroning didi, zavqi ham zarif va nozik edi. Shu bilan birgalikda bu rivojlanishlarning barchasi podshoh tabiatidagi mag‘rurlik va manmanlik kayfiyatlarini ham yuzaga keltirgan edi. Muallif Boyqaroning atrofini o‘ragan muhitdan kelib chiqadigan ana shu xususiyatlarni unga xos bo‘lgan ayrim chizgilar orqali ko‘rsatishga muvaffaq bo‘lgan”.⁷⁵

Uning ota tarafdan ham, ona tarafdan ham Amur Temurga borib taqalishini alohida aytib o‘tgan. “Hirida, Shohrux mirzo zamonida edi. Sulton Husayn mirzo binni Mansur binni Boyqaro binni Umarshayx binni Amir Temur. Mansur mirzo bila Bayqaro mirzo podshohliq qilg‘on emas. Onasi Feruzabegim edi, Temurbekning nabirasi. Sulton Husayn mirzo Mironshoh mirzoning ham nabirasi bo‘lur edi. Sulton Husayn mirzo karimut-tarafayn edi, asil podshoh edi”. (“Boburnoma”, 128-bet.)

Husayn Boyqaroni adolatli podshoh ekanligini Bobur o‘z asarlarida ta’kidlab o‘tgan. “Harrof va xushxulq kishi edi. Xulqi bir nima guzaroroq voqi’ bo‘lub edi, so‘zi ham xulqidek edi. Ba’zi muolatta shar’ni bisyor rioyat qilur edi. Bir qatla bir o‘g‘li bir kishini o‘ltirgan uchun qonliqlarig‘a topshurib, dorulqazog‘a yubordi”. (“Boburnoma”, 128-bet.)

Albatta, Husayn Boyqaroning shaxsiyati va faoliyatiga turlicha baho berish mumkin. Bobur bu murakkab shaxsni ta’riflar ekan, uning faoliyatini har tamonlama izohlashga, jamiyat hayoti uchun foydali bo‘lgan ijodiy tomonlarni ham, kamchiliklarni ham xolisona ko‘rsatishga intiladi.

“Avval taxt olg‘an mahalda olti-yetti yil toib edi. Andin so’ngra ichkuga tushushti, qirq yilg‘a yovuqkim Xurosonda podshoh edi, hech kun yo‘q edikim, namozi peshidan so‘ng ichmagay, vali hargiz sabuhiy qilmas edi, o‘g‘lonlari va jami sipohig‘a va shahrig‘a bu hol edi. Ifrot bila aysh va fisq qilurlar edi”. (“Boburnoma”, 128-bet.)

Shu bilan birgalikda “Boburnoma”da Husayn Boyqaroning ijodiy salohiyatiga ham to‘xtilib o‘tilgan. “Devon ham tartib qilib edi. Turkiy aytur edi. Taxallusi “Husayniy” edi. Ba’zi baytlari yomon emastur, vale mirzoning devoni tamom bir vazndadur”. (“Boburnoma”, 128-bet.)

Boburning yuqoridagi fikrlari Husayn Boyqaroning lirik merosi faqat bir vaznda ramali musammani maqsur (foilotun, foilotun, foilotun, foilon) ekanligini isbotlovchi tarixiy va haqiqiy ma’lumotlardan biri sifatida qadrlidir, desak xato qilmaymiz.

Husayn Boyqaro haqida Muhammad Haydar mirzo “Tarixi Rashidiy” asarida ham ma’lumotlar bor. Muhammad Haydar mirzo “Tarixi Rashidiy”da Sulton Husayn mirzo shaxsi va faoliyati haqida to‘xtalganda, uning hukmronligiga oid ma’lumotlarni berib o‘tgan: “Sulton Husayn mirzo hayoti va hukmronligi oxirgi kunlari edi. Sulton Husayn mirzo - Amir Temurning o‘g‘li Jahongir mirzoning nabiralaridan biri bo‘lib, Amir Temurdan keyin uning avlodidan hech kimga saltanat nasib etmagan edi. Sulton Husayn mirzo qilichining zarbi va uzoq yillik qat’iyatli kurashi

⁷⁵Хасанов С. Буюк қомусий асар. Бобурнома. - Тошкент, Шарқ, 2002. 26-бет.

bilan o'ttiz yetti yil Hirot taxtida butun Xurosonga mustaqil podsholik qildi. U fazilat egalarini, hunar, san'at ahlini tarbiyalashga shu darajada harakat qildi, zamonida har bir qavmdan bir nechta lab jahonga mashhur ulug' arboblari yetishib chiqdi, bunaqalari ungacha ham, undan keyin ham bo'lgan emas". ("Tarixi Rashidiy", 273-274-betlar) Bu fikrlardan bilish mumkinki, Sulton Husayn mirzo o'z davridagi san'at, ilm-fan, adabiyot ahliga e'tibor bilan qaragan.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Мухаммад Хайдармирзо. Тарихи Рашидий. – Шарқ, Тошкент, 2010.
2. Заҳириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Шарқ, Тошкент, 2002.
3. Қайюмов А. Асарлар. 10-том. – Мумтоз сўз, Тошкент, 2010.
4. Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Фан, Тошкент, 2006.
5. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Ўқитувчи, Тошкент, 1976.
6. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Ўқитувчи, Тошкент, 1967.
7. Форсча – ўзбекча ўқув луғати. 2- нашри. – Ўқитувчи, Тошкент, 1983.

O.B.Normurodov (Guliston davlat universiteti, o'qituvchi)

SO'ZDAN SO'ZNING FARQI BOR...

Annotatsiya. Ushbu maqolada temuriylar saroyida xizmat Sayyid Qosimiyning tilshunoslik qarashlari tahlil qilinadi. Unda muallifning nutq madaniyati haqidagi qarashlari o'rganiladi. Bu muammoning yechimi o'zbek mutafakkirlarining jahon tilshunosligiga qo'shgan hissasining o'ziga xos jihatlari yoritishga xizmat qiladi.

Kalit so'zlar. til, tilshunoslik, nutq, tilshunoslik, nutq madaniyati, qisqa lug'at, jahon tilshunosligi.

Ma'lumki, milliy tilshunosligimiz tarixi uzoq o'tmishga bog'lanishini Abu Nasr Farobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Qoshg'ariy, Ahmad Yugnakiy, Navoiy, Bobur kabi mutafakkirlarning shu sohaga doir risolalari va boshqa asarlari tarkibidagi til haqida bildirilgan fikrlarda ko'rishimiz mumkin. Jumladan, Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asarining "Tilning fazilati, foyda-zararlari" bobida shunday fikrlar bor:

Uquvga, bilimga tilmoch – bu til,

Kishini ro'shnolikka chiqargan ravon til deb bilgin.

Kishini til e'zozlaydi, kishi (u tufayli baxtga erishadi),

Kishini til qadrsiz qiladi, er boshini yoradi.

Til hovlida (ya'ni qafasda) yotgan arslon kabidir.

Ey, qafasdagi (makkor) vahshiy boshingni yeydi. [Yusuf Xos Hojib, 1971:86].

Bugungi kunda tilshunoslar til va lison tushunchalarining farqlanishini jahon tilshunoslik ta'sirida tadqiq qilishmoqda: "Tilshunoslikda lison va nutqni izchil farqlab o'rganish avvalo tilshunoslar V.fon Humboldt, B.de Kurtene va F.de Sossyur nomi bilan bog'liq. Lison va nutqning farqlanishi, tilga tizim sifatida yondashuv XX asr jahon tilshunosligida tub burilish sifatida baholanadi. Chunki u mavjud qarashlarni tubdan o'zgartirib yubordi. [Sayfullayeva va boshqalar, 2006: 32.], biroq bu kabi qarashlarni Yusuf Xos Hojib XI asrdayoq obrazli qilib tushuntirgan. Yuqoridagi misolda adibning "Til hovlida (ya'ni qafasda) yotgan arslon kabidir" jumlasini tilning ichki imkoniyatlari mavjudligini ko'rsatib beradi. Yozuvchi aytmoqchi bo'lgan arslon (lison) qafasdan nutqqa (tashqariga) chiqisa, o'zining vahshiylikni (voqeligini) aniq ko'rsatadi. Adibning "Uquvga, bilimga tilmoch – bu til" gapida ham "Til hodisasi dastlab nutqda paydo bo'ladi, takror-takror ishlatilishi natijasida miyaning til xotirasi qismida bu hodisaning ramzi shakllanadi, keyinchalik ana shu ramzdan nusxa olib nutqiy birlik hosil qilinadi. Demak, asli til hodisalari nutqdan lisonga ko'chadi va keyin-gina lisondan nutqqa olib chiqiladi" [Rahmatullayev, 2006: 6-bet] kabi qarashi akslangan deyish mumkin. O'zbek olimlarining lingvistik qarashlari, odatda, asarlarning ma'lum boblarida, biror asar qahramonlarining nutqida aytib o'tilgan. Shu bilan birga chiroqli, o'rinli gapirish Islom olamida eng katta ahamiyatga ega ekanligini Ahmad Yugnakiy "Hibatul haqoyiq" asaridan olingan mana bu parchadan ham bilish mumkin:

*Oqil nimalarni so‘zlar, quloq sol,
Odob boshi tildan, shuni bilib ol.
Tilingni nojo‘ya so‘zdan mahkam tut,
Tishlaring sinmasin, so‘kishni unut.* [Ahmad Yugnakiy, 2002: 7].

Temuriylar davri adabiyoti o‘zbek adabiyoti rivojida o‘ziga xos alohida bir bosqichni tashkil etadi. Undagi ulug‘vor insonparvarlik va xalqchillik, adolatparvarlik va ma‘rifatparvarlik g‘oyalari hamon o‘z tarovatini yo‘qotgani yo‘q. Bu adabiy meros O‘zbekistonda hali asrlar davomida o‘zining boy mazmuni bilan, g‘oyaviy-mafkuraviy teranligi va ilohiyligi bilan komil insonni tarbiyalashda katta ahamiyat kasb etadi.

Temuriylar davrida yaratilgan adabiyot bilan bir qatorda tasavvuf adabiyoti ham shakllandi. Badiiy adabiyot tasavvuf g‘oyalarini o‘z mazmunida ilohiy sevgi tarannumi shaklida namoyon etdi.

Movarounnahr va Xurosonda XIV asrning ikkinchi yarmi va XV asrda ro‘y bergan madaniy yuksaklik butun Sharq mamlakatlarigina emas, balki jahonni mamlakatlarini hayratga soldi. Bu yuksaklik Markaziy Osiyoning so‘nggi madaniy-ma‘naviy rivojinigina belgilab bermay, qo‘shni mamlakatlardagi madaniy taraqqiyotga ham katta turtki berdi.

Mana shu davrning salohiyatli adiblaridan biri Sayyid Qosimiy ham temuriyzodalar saroyida xizmat qilgan. Muallifning «Majma‘ ul-axbor» (Xabarlar to‘plami) asari temuriyzoda Sulton Abu Said Mirzoga (1451 – 1469), ya‘ni Amir Temurning uchinchi o‘g‘li Mironshohning nabirasi (Xalil Sultonning o‘gli)ga bag‘ishlaganligi, «Gulshani roz»(Sirlar gulshani) kitobi esa Sulton Abu Said Mirzo tasarrufidagi shaharlarning birida hokim bo‘lgan Jaloliddin Sayyid Mazid madhi bilan boshlanishi, Sayyid Qosimiyning temuriylar davri adabiyotining vakili ekanligini aniq ko‘rsatadi. Yana bir dalil sifatida ushbu ijodkorning “Haqiqatnoma” dostoni xotimasida asarining yozib tugatgan yili haqida shunday ma‘lumot bor:

*Muhabbat ko‘yida qildim iqomat,
“Haqiqatnoma” ni etdim tamom.
Maoniy durini olamga yoydim,
Ko‘ngulning dardini bir shamma aydim.
Sakkiz yuz oltmish uchda bo‘ldi tayyor.
Ra‘bi ul-oxar oyinda bu guftor...*

Yuqoridagi misralardan asarning hijriy 863 yili yoki 1458 – 1459 yillarda yozilganligini bilib olsak, boshqa tomondan ushbu dalillarga suyangan holda shoirning XV asr o‘rtalarida yashab ijod etganligini aniqlaymiz. Demak, Sayyid Qosimiy temuriylar saroyida xizmat qilgan, shu davrning, ya‘ni XV asr o‘rtalarining ko‘zga ko‘ringan ijodkorlardan biri hisoblanib, uning ijodi o‘zbek adabiyotida alohida o‘ringa ega. Garchi Alisher Navoiyning “Majolis un-nafois” tazkirasida Qosimiy haqida ma‘lumotlar uchramasa-da, uning asarlari g‘oyaviy rang-barangligi, tasavvufiy ohanglarning yangi bosqichga olib chiqqanligi, doston, noma kabi janrlar bilan o‘zbek adabiyotining ajralmas qismi bo‘lib qoldi.

Yuqoridagilar Sayyid Qosimiy ijodining XV asr o‘zbek adabiyotida alohida o‘rni bor ekanligini ko‘rsatadi.

Umuman, til bilan bog‘liq kuzatishlar Sayyid Qosimiyning asarlarida ham juziy bo‘lsada kuzatiladi. Adibning “Gulshani roz” dostonidan olingan quyidagi baytda qisqalik haqida fikr yuritilgan:

*Qosimiy sen so‘zlama ko‘b, ayla bas,
Sidqing erur holina faryodras.* [Sayyid Qosimiy, 1992: 102].

Til o‘z ichki imkoniyatlarini so‘zning ma‘no qirralarini qay darajada namoyon qilishi bilan yuzaga chiqaradi. Adib ilgari surgan til haqidagi fikrning ma‘lum bir jihati yuqorida ko‘rildi. Sayyid Qosimiyning “Haqiqatnoma” asari ham mumtoz adabiyotimizda badiiy jihati yuqori dostonlardan biri sanaladi. Asarning dastlabki munajat qismidan o‘rin olgan quyidagi misralarini kuzataylik:

*Yoyayin elga so‘zning gavharin,
Tuzayin nazmi turkiy daftarin.*

Sayyid Qosimiy yashagan davrda turkiy tilga nisbatan forsiy tilda ijod qilish birmuncha yetakchilik qilar edi, shu bois muallif o'zining ona tiliga bo'lgan hurmatini ko'rsatgan va so'zni ulug' bilib uni gavharga tenglaydi. Navoiy ham so'zni gavharga qiyoslaydi. Bu esa sharq tilshunosligida so'z tushunchasining keng ma'noli ekanligini bildiradi. Bundan tashqari muallifning boshqa dostonlari tarkibida ham til, nutq, so'z va nutq madaniyati bilan bog'liq qarashlar mavjud.

Xullas, adibning til qarashlari ko'p hollarda sharq mutafakkirlari kabi dostonlari tarkibida namoyon bo'lib, obrazli tarzda ifodalangan. Muallifning bu boradagi qarashlari, asosan nutq madaniyati, til odobi, qisqa so'zlik kabi tilning ijtimoiy tomonlarini qamrab olganligini ma'lum bo'ladi. Bularni o'rganish bugungi adabiyotshunoslik va tilshunoslik oldidagi dolzarb muammolardan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Sayyid Qosimiy. Masnaviylar majmuasi. – T., Fan. 1992.
2. Alisher Navoiy. Muhokamat ul lug'atayn. Toshkent. G'. G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti. 2013.
3. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abzalova M. Hozirgi o'zbek tili. – T.: "Fan va texnologiya". 2006.
4. Sh. Rahmatullayev. Hozirgi adabiy o'zbek tili. – T., Universitet. 2006.
5. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig. Saodatga yo'llovchi bilim. Nashrga tayyorlovchi Qayum Karimov. – T., Fan. 1971.
6. Fitrat A. Tanlangan asarlar. – Toshkent: Ma'naviyat, 2009.
7. www.ziyouz.com kutubxonasi

О.Ч.Бозоров (ҚарДУ, ўқитувчи)

ЭПИСТОЛЯР РОМАНЛАРНИНГ АДАБИЁТШУНОСЛИКДА TUTGAN ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада дунё адабиётшунослигида эпистоляр асарлар тараққиётига эътибор қаратилган, жумладан, романларни тадқиқ этиш бадиий адабиётнинг санъат тури сифатида тасаввур қилиш имкониятлари хусусида. Эпистоляр жанр тарихий-ижтимоий, маиший воқеликни индивидуал ракурсдан ёритиш, тарихий воқеликка олинган қаҳрамон тақдири ва инсон руҳиятини очишга имкон беришдаги ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: Эпистоляр, хат, хабар, лирик, элигия, риторика, мактубот, расоил, барокко.

Эпистоляр роман ёки умуман эпистоляр жанр деганда замонавий адабиётшуносликда хатлар асосида ёзилган асарлар тушунилади. Эпистоляр – юнонча сўз (epistole) бўлиб, хат, хабар деган маънони билдиради.

Хат орқали мулоқот қилиш ҳали ёзув пайдо бўлмаган даврлардаёқ амалда бўлган. “Бунга мисол сифатида скифлар шоҳи Иданфриснинг эронийларга юборган буюмлар — камон ўқи, бақа, сичқон ва кушдан иборат ўзига хос “хат”ини эслаш кифоя. Бундай “хат”ларнинг тарихи жуда қадимийдир”.

Манбаларга кўра, эпистоляр ёзувларнинг илк намунаси қадимги юнон файласуфи Эпикур томонидан яратилган. Унинг бизгача етиб келган оз сонли асарлари ичида Геродот, Пифокл, Менекейга ёзган мактублари ҳам сақланиб қолган. Юнон файласуфининг Менекейга ёзган мактуби яқинда ўзбек тилига таржима қилинди. Шунингдек, Марк Туллий Цицероннинг “Хатлар”и, Луций Анней Сенеканинг “Луцилияга насиҳат-мактублар”и, Платоннинг мактублари ҳам машҳур. Эпистоляр бадиий жанрларнинг асоси ўлароқ хизмат қилгани ҳамда бадиият унсурларидан холи эмаслигига қарамасдан, буларни том маънодаги бадиий асарлар дея олмаймиз. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, фақатгина Сенеканинг “Луцилияга насиҳат-мактублар”и бадиий адабиётга яқинлиги билан ажралиб туради.

Бундан ташқари антик даврда хат шаклидаги бадиий асарлар ҳам яратилган. Катулланинг дўстларига бағишланган нома-шеърлари, Овидий шеъриятидаги “Понтий мактублари” ҳамда мифлардаги аёл қаҳрамонларнинг эрларига битган муҳаббат

мактубларидан иборат “Героида”лар, Горацийнинг фалсафий-адабий мактублари шулар жумласидандир. Булар бевосита ҳаётий шахсга йўлланган хатлар бўлмасдан, муаллифлар ўз фикр-қарашларини ифода этиш учун эпистоляр шаклдан фойдаланганлар.

Эпистоляр жанр тараққиётига катта ҳисса қўшган муаллифлардан бири Плинийдир. “Плиний гарчанд шак-шубҳасиз эпистолография қоидалари ва эпистоляр асарларнинг ўзи билан таниш бўлса-да, унинг мактублари тақлиддан иборат бўлиб қолмади. Унга ўз даврининг янги адабий шакллар тараққиётида ифода топган хос тенденциясини идрок этиш ҳамда насрий-адабийноманинг махсус шаклини яратиш муяссар бўлди. Бу номалар шакл ва мазмунига кўра поэзиядаги эпиграмма, лирик шеър, элегия сингари кичик жанрларга жуда ўхшаб кетарди”.

Эпистоляр жанрнинг шаклланишида қадимги Юнонистонда филологиянинг тараққий қилган йўналишларидан бири бўлмиш риториканинг роли катта бўлди. Айнан шу соҳа вакиллари эпистоляр асарларнинг алоҳида жанр эканлигига урғу бердилар, специфик хусусиятларини тавсифладилар. Бу даврда содда услубда ёзилган ҳар қандай мактублар эпистоляр битик намунаси саналгани каби, баъзан фақат мактуб шаклида ёзилган ҳар қандай илмий, сиёсий, публицистик ё бадиий асарни шу жумлага киритдилар.

Немис, француз, инглиз, испан ва Европанинг бошқа халқларида ҳам мактубот шакли тараққий қила борди. Бу борада французлар муҳим ютуқларга эришдилар. Лотин тили устуворлик қилган Германиядан фарқли равишда улар эпистоляр жанрда ўз тилларидан фойдаландилар; эркин услубда ёздилар. Бальзак ва Вуатюр мактублари турли сўз ўйинлари, муболаға ва санъатпардозликка тўла бўлса-да, миллий наср тараққиётида алоҳида аҳамият касб этди. Қизиғи шундаки, немисларда ҳам, французларда ҳам табиийлик ва самимийлик аёлларнинг мактубларида кўпроқ намоён бўлди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу кўпроқ аёлларнинг саводлилиқ даражаси билан боғлиқ эди. Немисларда Елизаветта-Шарлотта ва герцогиня Орлеанскаянинг; французларда М.Лафәет ва Ф.Ментенон, Графиньи, Ремюза кабилар ўз мактубларида ана шундай самимийлик ва содда ифодани истифода этдилар. XVII асрда французларда мактуб ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этди, элита орасида ақл ва тафаккур намоишига, намунасига айланди. XVIII асрга келиб эса сиёсий қарашларни ифода этиш воситасига ҳам айланди. Бу борада Рабле, Монтескьё, Вольтер, Руссо, Дидро, Жорж Санд каби машҳур шахслар турли ижтимоий, фалсафий, маърифий, ахлоқий қарашларини мактублар шаклида ифода этдилар.

Германияда мактуботчилик катта тарихга эга. Эпистоляр асарлар дастлаб XII-XIII асрларда ёйилган миннезингерларнинг назмий адабиётида учрайди. Миннезингерлар немис халқининг ўзига хос бахшилари бўлиб, улар кўпинча ишқий қўшиқларни, рицарларнинг аёлга муҳаббатини куйлаганлар; бу муҳаббат баъзан мактуб шаклида ҳам ифода этилган. Немисларда прозаик мактублар XIV асрларга келиб пайдо бўлди. Бу мактубларнинг айрим қисмлари лотин ёзувида битилган. Немис мактуботчилиги XV асрда бир муддат латинизм таъсиридан халос бўлди, аммо кейинчалик яна ўша таъсир остига тушиб қолди. Энди лотин тилидан ташқари, юқори табақа француз тилида ҳам ёзадиган бўлди ва бу ўзига хос аристократизм узоқ вақтгача ҳукм сурди. 1751 йилда шоир ва файласуф Христиан Геллерт ўз мактубларини китоб ҳолида жам қилди. Унинг мактублари содда услуби билан ажралиб турган. Й.Штокгаузен хатлар назариясига бағишланган “Йиғма хат тамойиллари” номли асарини ёзди.

Исломгача бўлган давр форс мактуботчилиги ҳақида маълумот берувчи энг яхши манбалардан бири Ибн Надимнинг “Алфихраст” китобидир. Ибн Надим бу китобида ўз хатларини жамлаган котиб ва ёзувчилар ҳақида маълумот беради. Унга кўра, куйидагиларнинг эпистолографияга оид тўпламлари мавжуд: Саъид ибн Ҳамид, Иброҳим ибн Исмоил, Саъд ибн Холид Бахтаган, Ҳамид ибн Меҳран ва бошқалар. Ибн Надимнинг ёзишича, Саъд ибн Иброҳим ибн Тустарий эпистолографияга сажъ усулини олиб кирган ва шундан кейин сажъ усули кенг ёйилган. Унинг “Китоб ур-расоил” (“Хатлар китоби”) ҳамда “Расоил ул-мажмуа фи кулли фан” (“Барча фанлар бўйича хатлар тўплами”) каби китоблари бўлган. Шунингдек, шоир ва котиб Саби Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол ибн Иброҳим ибн

Ҳоруннинг “Китоби девони расоил” (“Хатлар тўплами”) деган минг саҳифага яқин китоби машҳур бўлган. Ибн Надимнинг “Алфихраст”ида “Хатлар мавзулари” деган бобнинг мавжудлигидан ўша пайтларда эпистолографиянинг ўз мавзулари бўлганини билиш мумкин.

Манбаларга кўра, усмонли туркларда ҳам эпистолография анча тараққий қилган. Унинг гуллаб-яшнаши XVII асрга тўғри келади. Масихий, Лоший, Латифий каби шоирларнинг мактублари бадиийлигига кўра ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаётий мактублар, уларнинг жамланиб бир маҳражга келтирилиши бадиий адабиётда эпистоляр асарларнинг шаклланиши ва тараққийси учун муҳим асос бўлиб хизмат қилди. Реал ҳаётда ёзилган мактубларга хос бўлган самимий ва очиқ изҳор, сиқиклик, ўқувчи қалбини забт этадиган лиризм мактуб шаклидаги асарларга ҳам кўчиб ўтди.

Адабиётшуносликда эпистоляр роман генезисига оид икки хил қараш мавжуд. Биринчи қараш тарафдорларига кўра, эпистоляр роман ҳаётий ёзишмалар асосида пайдо бўлган. М.Соколянский ҳамда Д.Урнов каби адабиётшунослар шу хил нуқтаи назар тарафдори. Бу қарашга кўра, эпистоляр роман ҳаётий ёзишмалардан эпистоляр адабиётнинг оралиқ бўғини орқали яхлитлик (эпистоляр роман ва хатлар мажмуи учун ажралмас белги) ва фабулавийлик(эпистоляр романнинг дифференциал белгиси – уни ҳам хатлар тўпламидан, ҳам эпистоляр насрдан ажаратди)ни изчил эгаллаш орқали келиб чиққан. Атоқли адабиётшунос М.Бахтин фикрига кўра эса, эпистоляр роман Уйғониш давридан кейинги барокко даври романларидаги киритма мактублар заминиде келиб чиққан; барокко романларида унчалик аҳамиятли бўлмаган ҳодиса сентиментал-эпистоляр романларнинг асосига айланди.

Эпистоляр романи махсус тадқиқ қилган О.Рогинская умуман эпистоляр насрнинг илк намунаси сифатида француз адиби Жан Фруассарнинг “Ишқ асири” (1372-1373) асарини келтиради. Ишқий мазмундаги ушбу асар шеър ва насрда ёзилган бўлиб, насрий қисмини муаллифнинг дўстига ёзилган мактублар ташкил қилади. Тадқиқотчи иловада шу даврдан кейин то 1991 йилгача эпистоляр шаклда Европада яратилган 107 номдаги, рус адабиётида 1766 йилдан бошлаб (Ф.А.Эмин. Письма Ернеста и Доравры) 1985 йилга қадар яратилган 49 номдаги асарни келтиради. Бу рўйхатлар эпистоляр жанр ғарб ва рус адабиётида анча тараққий қилганини кўрсатади. Англияда 1660 йилдан 1740 йил – эпистоляр романнинг мукамал намунаси бўлган “Памела” (Ричардсон) нашрдан чиққунга қадар 200дан ортиқ эпистоляр романлар нашр қилинган экан. Албатта, бу асарларнинг ҳаммаси бирдек машҳур эмас. Улар ичидан С.Ричардсоннинг “Памела” (1740), “Кларисса” (1747-1748), “Сэр Чарльз Грандисоннинг тарихи” (1754); Ж.Ж.Руссонинг “Юлия ёки янги Элоиза” (1761), И.В.Гётеннинг “Ёш Вертернинг изтироблари” (1774), П.Шодерло де Лаклонинг “Хавфли мулоқотлар” (1782) каби романларини кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотчилар эпистоляр жанрнинг муайян муддатда бу қадар машҳур бўлишини баён усули билан боғлайдилар. Яъни мактуб усули ёзувчига воқеаларни ишончли ҳикоя қилиш имконини берарди. Бундан ташқари бу шакл инсоннинг ички дунёсига чуқур кириш учун асос бўлар ва бу ҳам китобхонни кўпроқ жалб қилар эди.

Умуман, 1740-1780 йиллар мобайнида Европа адабиётида эпистоляр жанрнинг пайдо бўлиши ва тараққийси кузатилади. Алоҳида таъкидлаш керакки, эпистоляр асарлар сентиментализм, романтизм даврларида кенгрок тарқалган.

Рус адабиётида ҳам эпистоляр жанрнинг юксак намуналари яратилди. Табиийки, бу асарлар Европа адабиёти таъсирида пайдо бўлди. Мутахассислар фикрига кўра, рус адабиёти Европадан тайёр канонларни қабул қилди, эпистоляр романнинг шаклланиши ва такомиллашишида иштирок этмади. Рус эпистоляр романчилигининг Европадаги турдошидан асосий фарқи мана шунда. Ғарбдан ўзлаштирилган эпистоляр жанр рус адабиётининг бемисл тажрибалари билан уйғунлашиб, жанрнинг дурдона намуналари яратилди.

Рус тилида яратилган илк эпистоляр роман ёзувчи ва таржимон Фёдор Эмин-Муҳаммадали Эмин томонидан 1766 йилда ёзилган “Эрнест ва Доравранинг мактублари” асари ҳисобланади. Роман 4 қисмдан иборат бўлиб, Жан Жак Руссонинг “Янги Элоиза” асари

таъсирида ёзилган. Роман икки севишганнинг ўзаро мактубларидан таркиб топган. Рус адабиётида эпистоляр жанр тараккиётини махсус тадқиқ қилган О.Рогинскаяга кўра, XIX асрда хатлар шаклидаги қисса-повестлар ҳам яратилди. А.Бестужева-Марлинскаянинг “Етти хатдан иборат роман” (1823-1825), Ю.Жадовскаянинг “Ёзишма”, В.Вонлярлярскийнинг “28 сентябрга ўтар кечаси” (1852), О.Сомовнинг “Икки хатдан иборат роман” (1832) каби асарларини шу сирада санаб ўтиш мумкин. Уларнинг барчасида анъанавий тарзда ишқ-муҳаббат можаролари тасвирланган. Таъкидлаш лозимки, бу асарларнинг сарлавҳаларида қўлланган “роман” сўзи жанр маъносида эмас, “севги саргузаштлари” деган маънони англатади.

О.Рогинская ўз тадқиқоти охирида рус адабиётида яратилган 49 номдаги эпистоляр асарни келтиради. Улардан 12 таси XVIII асрда, 19 таси XIX асрда ва 18таси XX асрда яратилган. О.Рогинская микдор эмас, мазмун-моҳиятдан келиб чиққан ҳолда, Европа адабиётида бўлгани сингари рус адабиётида ҳам XVIII асрда гуллаб-яшнаган эпистоляр жанр ривожини XIX асрга келиб пасайди, деб ҳисоблайди. Асар таркибига мактуб матнини киритиш усулидан ибтидо олган эпистоляр жанр бу даврга келиб, агар шундай дейиш мумкин бўлса, “адабий хотира”га айланди – бу хотира ўзини роман таркибига мактуб матнини киритиш шаклида намоён қилди.

Мактуб шакли сочилиб ётган ҳаёт воқеаларини бир марказга жамлаштириш учун ниҳоятда қулай. Чунки бундай жанрдаги асарда ҳаёт воқеалари ичидан фақат кераклисини танлаб, қолганини ташлаб ўтиш имконияти катта. Бошқа турдаги асарда ёзувчига реал воқеликнинг керакли бўлакларини асар бадий тўқимасининг яхлитлигига путур етказмасдан, бирор усул билан, сезилмайдиган қилиб бир-бирига улашга тўғри келади.

Мактуб – инсониятнинг ўзаро мулоқот шаклларида биридир. Бевосита мулоқот имконияти чекланган ўринларда одамлар ва ҳатто давлатлар ҳам ўзаро хат орқали мулоқот қилишган. Бадий адабиёт – бевосита реал ҳаётнинг инъикоси бўлгани сабабли ҳам одам ҳаётига оид бирор нарса-ходиса, ҳолат ёки деталь, тафсилот йўқки, бадий адабиётга кўчмаган бўлса. Шунга кўра, айтишимиз мумкинки, эпистоляр жанрнинг, шунингдек, бадий асар таркибидаги эпистоляр унсурларнинг манбаи, бошланғичи – ҳаётдир.

Адабиётлар

1. Античная Эпистолография. – М., Наука, 1967. – Стр. 4.
2. Кузнецова Т. Письма Поиния Младшего к друзьям // Античная эпистолография. Очерки. – М., Наука, 1967. – Стр. 119.
3. Рогинская О. Эпистолярный роман: поэтика жанра и его трансформация в русской литературе // дисс.на соиск. ... канд.наук. – Стр. 64.
4. Ўзбек мумтоз адабиёт намуналари. II жилд. (XIV – XV аср бошлари). Тузувчи, изох ва шарҳлар муаллифи: филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмон. – Т., Фан, 2007. – 94-б.; 293-б.
5. Ф. Петровский. Письма римской комедии // Античная эпистолография. – М., Наука, 1967. – Стр. 164.

Yu.T.Shaymanova, Z.A.Qarshiboyeva. (Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti o'qituvchilari)

JADID ADABIYOTIDA MA'RIFATPARVARLIKNING BADIY TALQINI

Annotatsiya. Mazkur maqola jadid adabiyotida ma'rifatparvarlik g'oyalarining badiiy talqiniga bag'ishlanadi. Jadidchilikning mazmun mohiyati, uning badiiy adabiyotda qay yo'sinda paydo bo'lganligi borasidagi nazariy qarashlar o'z aksini topgan.

Kalit so'zlar: jadidchilik, milliy uyg'onish, erk talqini, tenglik, hur fikrlilik, milliy ong, tafakkur.

Jadid ijodkorlarining asarlarida insoniy taqdirlar, qismat fojialari millat ozodligi, inson erki, Vatan buyukligi muammolari fonida aks ettirildi. Jadid adabiyotida tarixiy adolat, siyosiy tenglik,

shaxs va millat erki, xalqni gʻaflatdan uygʻotish singari oʻtkir ijtimoiy muammolar juda koʻp tasvirlandi. Jadidlarning vatan, millat, ozodlik yoʻlida jon fido etishga chorlab bitilgan olovli asarlari samimiy, ammo yuksak darajada ijtimoiylashgan shaxslarning nidolari edi. Bunday asarlarda millatning ulkan dardi maʼrifatli insonning shaxsiy fojiasi bilan birgalikda ifoda etiladi. Tuygʻular samimiyati, iztirob koʻlaminig kengligi ruhiy dardlar teranligini oshirib, umumning dardi alohida shaxsning gʻami, iztirobi darajasiga koʻtariladi. Odatda, koʻpchilikning iztiroblari alohida shaxslarning dardlaridan baland turadi deb hisoblaniladi. Holbuki, dard xususiylashsagina umuminsoniy miqyos kasb etadi.

Jadid adabiyoti faqat mavzu jihatidan emas, balki ifodasiga koʻra ham ommaga yaqinlashtirildi. Badiiy asarlarda tasvir injaligi, ifodaning yangiligidan koʻra, zalvorli va keskin fikr aytishga eʼtibor kuchaydi. Sheʼriyat aruzga xos ohangdorlikdan chekinib, barmoqqa xos ochiqlikka erishdi. Kuylanishdan daʼvatga aylandi.

Aytish kerakki, shoʻrolar davrida oʻzbek adabiyotining mohiyati tubdan oʻzgardi. Lekin bu birdaniga sodir boʻlmadi. 1917-yilgi oktabr toʻntarishidan keyingi dastlabki davrlarda ham soʻz va ijod erkinligi bir qadar saqlandi. Shoʻrolar yetarlicha siyosiy va tashkiliy kuchga ega boʻlmagani, uning gʻoyalarini kuylaydigan adiblar qatori hali shakllanmagani uchun badiiy adabiyotda nisbatan erkinlik bor edi. Eng isteʼdodli ijodkorlar, tabiiy ravishda, millat va vatan ozodligi uchun kurashayotgan jadid yozuvchilari safida edi. Shuning uchun ham Fitratning “Abulfayzxon” dramasi, “Shaytonning tangriga isyoni”, “Qiyomat” hikoyalari, Hamzaning “Boy ila xizmatchi”, “Maysaraning ishi”, “Paranji sirlaridan bir lavha” dramalari, Qodiriyning “Kalvak Maxzumning xotira daftaridan”, “Toshpoʻlat tajang nima deydi”, “Oʻtkan kunlar”, “Mehrobdan chayon”, Choʻlponning “Buzilgan oʻlkaga”, “Koʻngil”, “Binafsha”, “Goʻzal”, “Qalandar ishq”, “Galdir”, “Sirlardan” sheʼrlari, “Yorqinoy” dramasi, “Kecha va Kunduz” romani singari asarlar shoʻrolar davrida yaratilgan boʻlsa-da, mohiyatan jadid adabiyoti namunalaridir. Chunki ular eʼtiqodi va faoliyat yoʻnalishiga koʻra jadid boʻlgan, hayotni jadidchasiiga badiiy idrok etadigan odamlar tomonidan yaratilgan edi. Jadidchilik davri adabiyoti oʻziga xos yangi bir yoʻnalishda shakllandi. Bu davr adabiyotshunosligida yangicha fikr va qarashlarning shakllanganligini ijodkorlarimizning sheʼriy, nasriy, dramatik asarlari orqali ham yorqin koʻrishimiz mumkin.

Turkistondagi murakkab va ziddiyatli ijtimoiy sharoitlarda paydo boʻlgan ilgʻor ijtimoiy-falsafiy tafakkur xususan oʻzbek adabiyotiga doir asarlarda namoyon boʻldi. Yangi ijtimoiy – falsafiy tafakkur bir tomondan esa, mamlakatda yangi kapitalistik munosabatlarning rivojlanishi davrida vujudga keldi.⁷⁶ Umuman olganda, XIX asr oxiriga kelib mahalliy ziyolilar birinchidan, Xalqni ilmi-maʼrifatli qilish orkali milliy ong va tafakkoʻrni oʻygʻotishga, ikkinchidan, milliy davlatchilikni tiklash, turkiy til birligiga erishish, diniy va maʼnaviy qadriyatlarni mustaxkamlash, uchinchidan, Markaziy Osiyo xalqlarini zamonaviy va demokratik taraqqiyot yoʻliga olib kirishga harakat qiladilar. Jadidchilik aslida maʼrifatparvarlik harakatining koʻrinishidir. Maʼrifat tushunchasining lugʻaviy maʼnosi bilish, tanish, bilim demakdir, yoki kishilar bilimi, maʼnaviyatini oshirishga karatilgan taʼlim-tarbiya jarayonidir.

Jadidchilik harakatining oʻzbek milliy-maʼrifiy taraqqiyotidagi ahamiyati.

Demak, jadidlar umum milliy, maʼrifatni koʻtarish, milliy ongni rivojlantirish, milliy birlikka erishish va ularni amalga oshirish orqali jaxon madaniyatini egallab, Mustaqilikka erishish kabi gʻoyalari bilan milliy maʼnaviyatimiz rivojiga munosib xissalarini qushgan. Mana shu borada, bugun hayotimizda tadbiiq qilinayotgan milliy istiqlol mafkurasi Xalqimizning asrlar davomida shakllangan yuksak maʼnaviy, anʼanaviy udumlari, ulugʻ bobokalonlarimizning oʻlmas merosidan oziqlanadi va uning oʻzviy qismi sifatida milliy maʼnaviyatimiz rivojlanishida muhim manbaa boʻlib xizmat qiladi. Maʼnaviyat rivojida maʼrifat, ilmning ahamiyati nihoyatda katta ekanligini Paygʻambarimizning quyidagi hadislarida ham koʻrishimiz mumkin: “Beshikdan qabrgacha ilm izla”, shuningdek, “Ilm oʻrganish har bir mumin uchun farzdir”. Bular ham jadidchilar koʻtarib chiqqan maʼrifatparvarlik gʻoyalari islom dinimizda ham mavjudligini koʻrsatadi. Shunday qilib, umuman ilm egalari elda aziz boʻlib, hurmatga sazovor boʻladilar. Shu toʻfayli ota-bobolarimiz

⁷⁶ Гафуров И. «Жадидлар ва жадидчилик» // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1995 йил, 17 феврал.

doimo bilimga intilib yashaganlar va shu yuksak ma'rifat va madaniyati tufayli Turonzamin yer yo'zida shuxrat qozongan. Siz talabalarning ham ilmni chuqurroq egallab, Vatan, millatimiz kelajagi uchun xizmat qilishimiz asl burchimizdir.

Jadidlar o'z asarlarida jamiyatni ma'rifat orqali isloh qilish bilan istiqloлга erishish mumkinligini e'tirof etadilar, millat o'zligini anglash uchun tarixiy xotirani shakllantirish lozim, degan fikrni ilgari surdilar, jamiyat a'zolari ilmsizligining ijtimoiy sabablarini ochishga harakat qiladilar va shu orqali barkamol avlodni tarbiyalashning ob'ektiv sharoitlari va sub'ektiv omillarini ko'rsatishni maqsad qilib qo'yadilar.

Xullas, jadid adabiyoti o'zining mavzu ko'lami bilan ham nihoyatda salmoqli. Bu davr adabiyotida milliylik, o'zlikni anglash, ma'rifatga oshinolik, erk va ozodlik g'oyalari o'z ifodasini topgan. Yoshlarni ilm olishga, jaholatga qarshi faqatgina ma'rifat bilan kurashishga undagan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Karimov N. XX asr adabiyoti manzaralari. – T.: “O'zbekiston” NMIU, 2008.
2. Muhammadjonova L. Jadid mutafakkirlarining axloqiy qarashlari. –T.: O'zMU. 2007.
3. Шарофиддинов О. Истиқлол фидойилари. –Т.: Шарқ, 1993.

Sh.Rayimova (SamDU magistranti)

PANDNOMA ADABIYOT VAKILLARIDA YOR OBRAZI

(Yusuf Amiriy misolida)

Annotatsiya. Maqolada Navoiyning nigohi tushgan ijodkorlardan bo'lmish, Yusuf Amiriyning g'azallarida, tuyuqlarida va “Dahnoma” asarida keltirilgan yor obrazi tahlilga jarayoniga tortilgan.

Kalit so'zlar: Haqiqiy ishq, majoziy ishq, noma, g'azal, yor, timsol.

Sharq xalqlari mumtoz adabiyoti tarixida juda ko'plab ijodkorlar o'z asarlarida yor obraziga murojaat qilgani va uni haqiqiy hamda majoziy ishq tarzida tarannum etganligiga moziy guvoh. (Biz bu borada nafaqat turkiy xalqlar, qolaversa yer yuzidagi o'z she'riyatida Yor obraziga murojaat qilgan barcha ijodkorlarning u yoki bu tarzda ishqni, yorni ta'rifu tavsif qilganliklariga ishora qilyapmiz). Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev: «Adabiyot, san'at va madaniyat yashasa, millat va xalq, butun insoniyat bezavol yashaydi» degan fikrlari naqadar o'rinli va haqli ekanligining guvohi bo'lamiz. Mustaqillik yillarida o'tmishda yaratilgan asarlarni atroflicha o'rganish va ular bo'yich tadqiqot ishlari olib borish keng yo'lga qo'yildi. Ijodkorlarning noyob asarlarini to'g'ri talqin qilish birinchi vazifalardan etib belgilandi desak yanglishmagan bo'lamiz. Darhaqiqat, “...ma'rifat fidoyilarining qoldirgan o'lmas merosi bugungi kunda ham ma'naviyatimizni yuksaltirish, yoshlarimizni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda muhim manba bo'lib xizmat qiladi”.⁷⁷ Ma'naviyatni yuksaltiruvchi vosita sifatida birinchi o'rinda adabiyot turishini inobatga olgan holda bugungi kunda mumtoz adabiyot vakillari sanalgan ijodkorlarning asarlarini keng ko'lamda o'rganish yo'lga qo'yilmoqda. Mumtoz adabiyotni o'zining go'zal g'azallari bilan boyitgan ijodkorlardan biri Yusuf Amiriydir. Alisher Navoiy o'zining “Majolis un-nafois”, “Mukomatul lug'atayin”, “Nasoyim ul-muhabbat” kabi bir qator asarlarida poetikaning go'zal namunalarini yaratgan va ularda Yor obrazini tasvirlashga keng o'rin bergan ijodkorlar va ularning she'rlaridan na'munalar keltiradi.

Yusuf Amiriy haqidagi ma'lumotlar Davlatshoh Samarqandiyning «Tazkirat ush-shuaro» asarida ham uchraydi. Davlatshoh Samarqandiyning yozishicha, Yusuf Amiriy Shohruh Mirzo zamonida shuhrat qozongan shoirlardan biri bo'lib, Shohruh va uning avlodlariga, jumladan, Boysung'ur sultonga qasidalar bag'ishlagan. E.Rustamovning taxminiga ko'ra, Yusuf Amiriy

⁷⁷ 1 Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.178

haqidagi ma'lumotni Davlatshoh Samarqandiy Alisher Navoiyning «Majolis un-nafois» tazkirasidan olgan bo'lishi mumkin.⁷⁸

Yusuf Amiriy ijodi, uning "Dahnoma" asari pandnoma rivojiga ulkan hissa bo'lib qo'shildi. Bu devon nusxasi Turkiyada, «Dahnoma», «Chog'ir va Bang...» nusxalari Britaniya muzeyida, fotonusxalari O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik va Qo'lyozmalar institutlarida saqlanadi. Yusuf Amiriy o'zining yaratgan asarlari orqali pandnoma adabiyot rivojiga ulkan hissa qo'shdi. Uning she'rlarida aks etgan obrazlar orasida yor timsoli alohida ajralib turadi. Yorga bo'lgan munosabati qay darajada ekanligini biz uning she'rlaridan na'munalar keltirish orqali yaqindan bilib olishimiz mumkin bo'ladi. Mana uning ajoyib tuyuqlaridan biri:

Dilrabo, hajring o'tida yonamen,
O'rtanib vasling tilarman yona men.
Ka'ba azmidin manga san muddao,
Bo'lmasang, albatta, andin yonamen.⁷⁹

Ushbu tuyuqda ijodkor ishq mavzusiga murojaat qilganligini alohida e'tirof etish mumkin. Ishq madh etilganda ham haqiqiy ishq tilga olinganligining guvohi bo'lamiz. Ma'shuqaga dilrabo deya murojaat etadi lirik qahramon va ayriliq o'tida olov bo'lib yonayotganligini aytadi. (1-bayt) Ayriliqdan jabr chekib men yana visolingni istayman. (2-bayt) Menga Ka'baga borishdan maqsad sensan. (3-bayt) Agar bo'lmasang unda qaytaman. (4-bayt) Bu o'rinda lirik qahramon Ka'baga borishdan maqsad Ka'ba emas, balki Yordir deb asl muddaosini oshkor etmoqda.

Yusuf Amiriy bu tuyuqda haqiqiy ishqni kuylagan bo'lsa, boshqa bir tuyuqda majoziy ishqqa o'rin berganligini ham aglashimiz qiyin emas, albatta.

Sham yanglig' yonadur boshimda o't,
Ko'z yoshimdin yer yuzinda undi o't.
Qon yoshim qildi yo'lungni lolazor,
Muncha taqsir ayladim, qonimdan o't.⁸⁰

Boshimda olov sham kabi yonadi (1-bayt). Yer yuzida (hatto) ko'zyoshimdan o't unib chiqdi (2-bayt). 3-baytga kelib lirik qahramon o'z fikridan qaytmoqda ko'zidan ko'z yoshi ham emas, qonli yoshlar kelganligi va u qon ma'shuqaning yo'lini lolazor qilib yuborganligini ta'kidlaydi va nihoyat lirik qahramon qilganlarining bari xato ekanligini aytib ma'shuqadan oshiqning qonidan kechishi, uni avf etishini so'raydi (4-bayt).

Yusuf Amiriyning ijodida xususan, g'azallari va "Dahnoma" asarida haqiqiy ishqni ko'proq madh etganligi ayon bo'ladi. Devoniga kirgan she'rlarida shoir hayot haqida chuqur falsafiy fikr va mushohadalar yuritadi, ishq-muhabbatni yuksaklarga ko'tarib ulug'laydi va mashuqani turli tashbihlar bilan ta'rifu tavsif etadi. («Ey ko'za...», «Telbaman», «Ey ko'ngul» va boshqalar). "Dahnoma" tarkibida keltirilgan quyidagi g'azalda ijodkor o'zini alifga mengzaydi va bu bilan kitobat san'atining go'zal namunasini yaratadi.

Tuzotkim majlise bo'ston ichinda,
Bo'yumni elt aliftek lom ichinda.
Yuzumdin bog'ni qil tozakim, ey yor,
Yaroshur yosmin rayhon ichinda.

Yusuf Amiriyning "Dahnoma" asaridan biz ham majoziy ham haqiqiy ishq madh etilganligini ko'rishimiz mumkin bo'lgan o'rinlar mavjud.

Alo, ey mehrning tobanda mohi,
Malohat kishvarining podshohi.
Jayron ko'zluk, buti mushkin kulola,
Ko'zi nargis, bo'yi sarv, yengi lola.

Birinchi baytda lirik qahramon go'zallik mamlakitining podshohi deya Ollohni nazarda tutgan bo'lsa, ikkinchi baytda jayron ko'zli, buti mushkin, ko'zi nargis, bo'yi sarv, yengi lola degan o'xshatishlarni keltirib majoziy yorning ta'rifi keltirilganligi ayon bo'ladi. Bu o'rinda mashuqani

⁷⁸ Bu haqda qarang: . Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М. 1963. S.204.

⁷⁹ Navoiyning nigohi tushgan. -Toshkent G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti 1986-yil, 140-bet.

⁸⁰ Navoiyning nigohi tushgan. -Toshkent G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti 1986-yil, 139-bet.

ta'riflashda an'anaviy usullardan unumli foydalanadi. Mashuqani ko'zini ohu ko'ziga, jayron ko'ziga, bo'yini, qomatini sarv daraxtiga o'xshatish mumtoz adabiyotda avvaldan mavjud sanaladi. Yusuf Amiriy bundan ko'rinadiki, o'zigacha mavjud bo'lgan davrdagi adabiyotdan ham yaxshigina xabardor bo'lganligiga shak-shubha yo'q. Ijodkor o'z asarining xotimasida Ollohga munojot qilib shunday yozadi:

Anga berding chu devon daftarini,
Ato qilding maoni kishvarini.
Nizomiytek ishin bedardu ranj et,
Aning "Dahnomasi"ni "Panj ganj" et.

Ushbu baytda ijodkor Tangri unga ma'nolar mammlakatini ato qilgani uchun shukronalar keltiradi. "Dahnoma"ning Nizomiy Ganjaviy asari "Panj ganj" kabi ma'nolar olamiga keng yoyilishini tilab Ollohga munojot qiladi.

Umuman olganda, Yusuf Amiriy «Dahnoma» (1429) asari bilan noma janrini rivojlantirdi, nafaqat rivojlantirdi qolaversa bir pog'ona yuqoriga ko'tardi. Nomanavislikning o'ziga xos namunalari hisoblangan Muhammad Xorazmiyning "Muhabbatnoma", Sayyid Ahmadning "Taashshuqnoma", Xo'jandiyning "Latofatnoma" nomalaridan o'zing betakrorligi bilan ajralib turadi. Biz bu asarni o'qish jarayonida Xorazmiyning "Muhabbatnoma" asari ta'sirida yozilganligini anglab yetishimiz qiyin emas. Yusuf Amiriy asarlarining asl nusxalari bizgacha yetib kelmagan. Devon nusxasi Turkiyada, «Dahnoma», «Chog'ir va Bang...» nusxalari Britaniya muzeyida, fotonusxalari O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Sharqshunoslik va Qo'lyozmalar institutlarida saqlanadi. Amiriy asarlaridan namunalar dastlab o'zbek adabiyoti antologiyasida E.Rustamov tomonidan e'lon qilingan.

Bugungi kunda ma'naviy hayotda yuz berayotgan ijobiy o'zgarishlardan va yutuqlardan biri sifatida mumtoz adabiyotning yuksak namunalari sanalgan asarlarning nashrlari sonining hamda unga bo'lgan ma'naviy ehtiyojning ortishida deb o'ylayman. Darvoqe, adabiyot bo'stonida shunday asarlar borki, ular asrlar oshsada o'zining asl "qaror"i va "hukm"ida qolaveradi. Shunday asar sirasiga esa biz Yusuf Amiriyning asarlarini ham kirita olamiz. Amiriy asarlari ham o'lmas asarlar sirasiga kirishga va kelgusi avlodning ma'naviy olamini boyitishga xizmat qila oladi desak yanglishmagan bo'lamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Alisher Navoiy. Asarlar. O'n besh jildlik, o'n ikkinchi jild. Toshkent., 1966 y. 22-bet
2. Navoiyning nigohi tushgan. -Toshkent G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti 1986-yil
3. Ўзбек адабиёти, 4 жилдли, 1-жилд, Т., 1959
4. Рустамов Э., Узбекская поэзия в первой пол. 15 в., М., 1963
5. Ўзбек адабиёти тарихи, 5 жилдли, 1-жилд, Т., 1977
6. Абдулвоҳидова М., Ўзбек адабиётида мунозара, Т., 1984.

N. Boboqulova (TerDU, magistrant)

CHO'L PON SHE'RIYATINING RITMIK-INTONATSION XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek jadid adabiyotining yetuk namoyandasi Cho'lpon va uning nazmiy ijodidagi ritmik-intonatsion xususiyatlar haqida so'z yuritiladi. Ta'kidlash joizki, Cho'lpon ijodidagi ritmik-insonatsion xususiyatlar shoir she'rlari vazniga bevosita aloqador hisoblanadi. Sababi, ba'zi ijod namunalariidagi ritmik-intonatsion xususiyatlari yaqqol aks etsa, ba'zilarida bu holatga zimdan ishora mavjudligiga guvoh bo'lishimiz mumkin.

Kalit so'zlar: jadid adabiyoti, Cho'lpon she'riyati, ijodiy namuna, she'riy vazn, ritmik-intonatsion xususiyat.

Barchamizga ma'lumki, o'zbek adabiyotining shakllanishi qator davrlarni o'z ichiga olib, ularning har biri o'ziga xos xususiyatlarga ega. Xususan, o'zbek adabiyotining ma'lum yo'nalishi hisoblangan jadid adabiyoti mazmunij jihatdan alohida jihatlarga ega va buni jadidchilik

adabiyotining yetuk vakillari Mahmudxo`ja Behbudiy, Abdulhamid Cho`lpon, Abdulla Qodiriy va shu kabi qator ijodkorlar ijodida kuzatishimiz mumkin. Biz tadqiq qilmoqchi bo`lgan ushbu maqolada esa jadid adabiyotining yirik vakili Cho`lpon ijodiyoti va uning ritmik-intonatsion xususiyatlari haqida so`z boradi.

Abdulhamid Cho`lpon – “O`zbek yosh shoirlari”, “Uyg`onish”, “Buloqlar”, “Tong sirlari”, “Soz” va shu kabi qator ijod namunalari muallifi hisoblanib, asarlari bugungi kunda ham o`zining muhim qadr-qiyamatiga ega. Adabiyotning ahamiyatini anglagan ijodkor u haqida shunday fikr bildiradi: ***“Adabiyot chin ma`nosi ila o`lgan, so`ngan qaralgan, o`chgan, yarador ko`ngilga ruh bermak uchun, faqat vujudimizga emas, qonlarimizga qadar singishgan qora balchiqlarni tozalaydirg`on, o`tkur yurak kirlarini yuvadurg`on toza ma`rifat suvi, xiralashgan oynalarimizni yorug` va ravshan qiladirdg`on, chang va tuprog`lar to`lgan ko`zlarimizni artub tozalaydirg`on buloq suvi bo`lg`onlikdan bizga g`oyat kerakdir. Adabiyot yashasa – millat yashar”***[7]. Ha, adabiyotning naqadar kuchli vosita ekanligini ta`kidlagan Cho`lpon o`zi ham qator ijodiy namunalar yaratishga harakat qildi. Ayniqsa, uning she`riy asarlari oson o`qilishi, ifodaviy xususiyatlari, intonatsion-ritmik tarziga ko`ra barchaning ko`nglidan chuqur o`rin egallagan. Cho`lponning nazmiy asarlaridagi ritmik-intonatsion xususiyatlar uning she`rlaridagi nazariy jihatlariga to`xtalib o`tishimizga asosiy sababdir. Shu o`rinda ta`kidlash joizki, ritmik-intonatsion xususiyatlar she`rning mazmuniy, vazniy holati bilan bevosita aloqador hisoblanib, ularning har biri, ya`ni ritm va intonatsiya o`ziga xos sifatlarga ega.

Xususan, nazmdagi ritm – ma`lum bo`laklarning she`riy misralar orasida ma`lum belgilar asosida bevosita takrorlanishni ifodalasa, intonatsiya esa she`r o`qilishidagi ohangdorlikni ta`minlab beruvchi vosita hisoblanadi. Demak, intonatsion-ritmik jihat deyilganda esa she`rdagi ohangdoshlikni yuzaga keltiruvchi ma`lum vositalarning she`r talabidan kelib chiqqan holda ifodalanishi hisoblanar ekan. Cho`lpon she`rlaridagi intonatsion-ritmik xususiyatlar ham o`ziga xos bo`lib, ularni hosil qiluvchi ma`lum vositalar adabiy jihatdan qator talablar asosida namoyon bo`ladi. Cho`lponning quyida keltirilgan she`riga e`tibor bering:

-Bu nega?

Ayt menga.

Ko`m-ko`k, go`zal o`tloqlaring bosilg`on,

Ustlarida na poda bor, na yilqi,

Podachilar qaysi dorg`a osilg`on?

Ot kishnashi, qo`y ma`rashi o`rniga

-Oh, yig`i,

Bu nega?[4]

Cho`lponning “Buzilgan o`lkaga” she`ridan olingan yuqoridagi parchada shoir lirik qahramon sifatida buzilgan o`lkaga murojaat qilib, o`zining emotsional hislarini she`r satrlariga singdiradi. She`rdagi ritmik-intonatsion xususiyatlar so`roq, undov ohangi orqali yuzaga kelgan bo`lib, “Bu nega?” so`rovining takrori, “Oh, yig`i” misrasidagi undov so`z (oh) asosida misralarning ritmik-intonatsion xususiyati yuzaga kelgan. “Bosilg`on – osilg`on” qofiyadosh so`zlari esa she`rning ritmik bo`lagini yuzaga keltirishga xizmat qilgan.

Yoki bo`lmasa:

Ko`zimni olamen oy chiqqan yoqqa,

Boshlayman oydan-da seni so`rmoqqa,

Ul-da aytadirki: «Qizil yanoqqa

Uchradim tushimda, ko`milgan oqqa.

Oqqa ko`milganda shunchalar go`zal,

Mendan-da go`zaldir, kundan-da go`zal!..»[4]

Satrlarida shoir lirik qahramon sifatida “go`zal” ni tanlaydi. Ul go`zalni izlab oy tomon yuzlanib, oydan-da yorini so`raydi. Oy jonlantirish san`ati yordamida “tilga kiritiladi”, oy ham oshiqqa qarata *tushida oqqa ko`milgan go`zalga duch kelganligini, ul go`zal oyning o`zidan-da go`zal ekanligini* ta`kidlaydi. Misralardagi ritmik-intonatsion xususiyatni yuzaga keltiruvchi vosita sifatida qofiyani misol qilib keltirishimiz mumkin: ***yoqqa – so`rmoqqa – yanoqqa – oqqa.***

Bundan tashqari, sheʼrdagi takror “**goʻzal**” soʻzining qayta-qayta ishlatilishi sheʼriy satrning yanada taʼsirchan chiqishiga sabab boʻlgan. Soʻnggi misradagi undov gapning qoʻllanilishi (*Mendan-da goʻzaldir, kundan-da goʻzal!*) intonatsion-ritmik hodisani yuzaga keltirgan.

Choʻlponning “Qalandar ishq” sheʼridan olingan ushbu parchaga eʼtibor bering :

Muhabbatning saroyi keng ekan, yoʻlni yoʻqotdim-ku,

Asrlik tosh yangligʻ bu xatarli yoʻlda qotdim-ku.

Karashma dengizin koʻrdim, na nozlik toʻlqini bordir,

Halokat boʻlgʻusin bilmay, qulochni katta otdim-ku.

Ishq deb atalmish saroyning yoʻllari kengligidan yoʻlni yoʻqotgan lirik qahramon bu yoʻllarning xatarli ekanligini taʼkidlab, aslardan beri qotgan tosh yangligʻ ushbu manzilda turib qolganini ifoda etadi. Biror noz toʻlqini boʻlmagan karashma dengizida halokat boʻlishini bilmay qulochini katta otgan oshiq holi Choʻlpon qalamida ifoda etilgan ushbu sheʼriy satrlarda adabiyotning aruz vaznida yozilgan ushbu sheʼrda ritmik-intonatsion vosita sifatida misralardagi hijoni yuzaga keltiruvchi boʻgʻinlar xizmat qilgan. “**Yoʻqotdim-ku - qotdim-ku - otdim-ku**” qofiyalari sheʼriy satrlar ritmik xususiyatini yuzaga keltirgan.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, jadid adabiyotining yetuk vakili Choʻlpon oʻzbek adabiyotida oʻzining goʻzal ijodi bilan oʻchmas iz qoldirdi. Choʻlpon sheʼrlaridagi ajoyib mazmun, takrorlanmas intonatsion-ritmik ohang Choʻlpon ijodining yanada taʼsirchan, ohangdor boʻlishiga xizmat qilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. B.Axmedov. Tong qorongʻusida// Oʻzbekiston adabiyoti va sanʼati.-1988.-25 noyabr
2. B.Dostqorayev. Bir munozara tarixidan// Sharq yulduzi.- 1989.
3. Choʻlponning ijod yoʻli toʻgʻrisida// Sharq yulduzi.-1988
4. Choʻlpon. Yana oldim sozimni – T: Adabiyot va sanʼat nashriyoti, 1991.
5. E.Karimov. Olisdagi yorqin yulduz// Fan va turmush.-1988
6. Mirvaliyev. Oʻzbek adiblari. – T: Yozuvchi, 2006.
7. Murodov G. Moziy va badiiy adabiyot. – Buxoro, 1994
8. O.Sharafiddinov. “Kecha va kunduz”// Ozbekiston adabiyoti va sanati.-1990.-16 fevral
9. O.Sharafiddinov. Choʻlponni anglash.-T.,1994;
10. O.Sharafiddinov. Ijod yoli// Yoshlik.-1987
11. R.Otaboyev. Tong yulduzi shuʼlari// Sharq yulduzi.-1989
12. Sattorov M. Vatan osmoni – T,1987.
13. Sulton I. Adabiyot nazariyasi – T: Oqituvchi,1980.

R.U.Ruzmanova (OʻzMU magistranti)

OʻZBEK MILLIY TAOMLARI TARJIMA QILISH MASALALARI

Annotatsiya: Ushbu maqolada tarjima haqida, uning dolzarbligi, tarjima qilish usullari haqida maʼlumotlar keltirilgan, shuningdek, oʻzbek milliy taomlari tarjima qilish, oʻzbek milliy taomlarining xalqaro tan olingan tarjimonlar tomonidan berilgan taʼriflar oʻrganilgan.

Kalit soʻzlar: tarjima, osh, Palov, Navroʻz, sumalak, halim, halisa, tuxumbarak, gʻarma.

Tarjima — bir tildagi matnni boshqa tilda qayta yaratishdan iborat adabiy ijod turi. Tarjima millatlararo muloqotning eng muhim koʻrinishi. Asliyat va qayta tiklangan matn xususiyatiga qarab badiiy tarjima, ilmiy tarjima va boshqa turlarga ajratiladi. Asl nusxani aks ettirish tarziga koʻra tafsir, tabdil, sharh kabi koʻrinishlarga ham ega boʻlishi mumkin. Tarjima davrlarda, turli qabilaga mansub kishilar orasidagi oʻzaro aloqa, muloqot ehtiyoji tufayli yuzaga kelgan. Tilmochlik deb ataladigan bu ogʻzaki turi hozirda ham saqlanib qolgan.

Zamonlar oʻsha tarjimaga boʻlgan talablar yangilana boradi. Ammo uning ijodiy xarakteri, qayta yaratish sanʼati ekanligi oʻzgarmaydi. Tarjimaning koʻlami va taraqqiyoti har bir xalqning maʼrifiy darajasiga bogʻliq va, oʻz navbatida, u millatning ijtimoiy tafakkuriga samarali taʼsir etadi. «Tarjima» termini bir tildan ikkinchi tilga oʻgirish jarayonini, shuningdek, tayyor

tarjima asarini anglatadi. XX asrga qadar “tarjima” soʻzi faqat tarixiy, falsafiy, adabiy va badiiy asarlar oʻgirmasiga nisbatan qoʻllanib kelingan. Ogʻzaki tarjimonga nisbatan esa turkiy xalqlarda “tilmoch”, nemis tilida “dolmetechen”, ingliz va frantsuz tillarida “interpret” atamaları qoʻllanilgan. Tarjima nazariyasi xususida aytilgan fikrlar ham shu yoʻsinda umumiy maʼno kasb etgan.

Badiiy tarjimaning asosiy xususiyati tilning badiiy vazifasidan kelib chiqadi. Til badiiy asarda estetik hodisa, sanʼat faktiga aylanadi. Adabiy asar tili — alohida «badiiy voqelik» unsuridir. Tarjimada ana shu obrazli ifodaviy tildagi badiiy maʼnoni boshqa tilning obrazli ifodaviy zaminiga oʻtkazish, obrazni obraz bilan qayta ifodalash jarayoni yuz beradi. Shuning uchun tarjimon asardagi voqealarning badiiy tafakkur jarayonini yangidan idrok etadi. Zamonaviy tarjima talablariga asosan tarjimon asliyatning sanʼat asari sifatida shakl va mazmun birligini qayta yaratishi, milliy va individual xususiyatlarini saqlashi lozim. Tarjimon ona tilining rivojlanish darajasi, tarjimachilik anʼanalari, tajribalariga suyanadi, turli xil tafovutlarning mavjudligini hisobga oladi. Tarjimonning ijodiy qobiliyati va bilimi uning imkoniyatlarini kengaytiradi. Tarjima jarayonida tarjimon hammavaqt oʻz ona tilida fikrlaydi, ona tili unga tahlil quroli, sinov mezonini boʻlib xizmat qiladi.

Tarjima nusxa koʻchirish emas; tarjimonning estetik ehtiyoji uning ixtiyoridan tashqari, Tarjimada iz qoldiradi. Yozuvchi hayot voqealaridan olgan mushohadalarini tilda badiiy ifodalasa, tarjimon asl matnini yangi til vositasida qayta gavdalandiradi. Buning uchun u asarda tilga olingan voqelikning muallif darajasida puxta bilishi kerak. Har bir xalq adabiyotining rivojlanishida Tarjimachilikning taʼsiri katta boʻladi, zero tarjima tarixi adabiyot tarixi bilan tengdosh. Oʻzbek adabiyotida ham Tarjimachilik qadimdan rivojlangan. Mahmud Koshgʻariy, Rabgʻuziy, Qutb, Navoiy, Bobur, Munis, Ogahiy va boshqa ijodida tarjima katta oʻrin egallaydi.

20-asr oʻzbek yozuvchilaridan Choʻlpon, Gʻafur Gʻulom, Oybek, Abdulla Qahhor, Mirtemir, Shayxzoda, Mirzakalon Ismoilov, Asqad Muxtor, Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, Muhammad Ali va boshqa badiiy tarjima sohasida ham samarali ijod qilganlar. Badiiy tarjima sohasida M.Osim, N.Alimuhamedov, Sh.Shomuhamedov, K.Qaxdorova, O.Sharopov, Sh.Tolipov, V.Roʻzimatov, Q.Mirmuhamedov, A.Rashidov, M.Hakimov, I.Gʻafurov, M.Mirzoidov, Gʻ.Toʻrabekov, T.Alimov va boshqa professional tarjimon sifatida tanilganlar. Oʻzbek tilida ilmiy-texnikaviy, ijtimoiysiyosiy adabiyotlar tarjimachiligida ham katta yutuqlarga erishilgan. Bunda R.Abduraxdyunov, V.Rahimov, A.Shomahmudov, Z.Tincherova kabi tarjimonlarning hissasi katta. Tarjima amaliyotini, uning oʻziga xosliklarini, tarixini, tamoyillari, prinsip va qonuniyatlarini tarjimashunoslik fani oʻrganadi, tarjimonga oʻgirish uchun asar tanlash, tillararo tafovutlar hamda asliyatga xos boshqa xususiyatlarni, milliy- adabiy anʼanalarni hisobga olgan holda ish tutishda yordam beradi. 20-asr oʻzbek adabiyotida tarjimashunoslik maxsus fan tarmogʻi sifatida yuzaga keldi va shakllandi. Choʻlpon, Sanjar Siddiq kabi mohir tarjimonlar nafaqat bu davr tarjima adabiyotini, ayni paytda tarjimashunoslik ilmini ham boshlab berganlar, tarjima haqida maqola va risolalar bitganlar. Mustaqillik davri oʻzbek adabiyotida barcha tur va janrlar qatori badiiy tarjima amaliyotida ham oʻsish-oʻzgarishlar yaqqol koʻzga tashlanmoqda. Ayniqsa, asliyat tilidan tarjima izga tushayotgani quvonarli hol. Bu borada yoshlarning oʻz iqtidorini sinovdan oʻtkazayotgani, Sharq va Gʻarb xalqlari adabiyoti namunalarini bevosita ona tilimizga oʻgirishga dadil kirishayotgani katta umid uygʻotadi.

Ayni paytda oʻzbek adabiyoti durdonalarini xorijiy tillarga tarjima qilish bobida ham yoshlar yaxshigina tashabbus koʻrsatmoqda. Bu sohadagi ishlarning izchil tus olganini Oʻzbekiston Yozuvchilar uyushmasi qoshidagi Badiiy tarjima va xalqaro aloqalar boʻlimining respublikamizdagi yosh ijodkorlarni qoʻllab-quvvatlash maqsadida poytaxt va viloyatlardagi oliy oʻquv yurtlari bilan hamkorlikda “Yosh tarjimonlar maktabi”ni tashkil etgani, yosh tarjimonlarning ilk tarjima asarlari “Adib” nashriyotida chop etilayotgani, “Jahon adabiyoti” jurnalining muntazam chiqib turgani va amalga oshirilgan boshqa koʻplab tadbirlar misolida koʻrish mumkin. Zero, oʻzbek adabiyoti namunalarini chet tillariga, jahon adabiyoti sara asarlarini ona tilimizga munosib tarzda tarjima qilib taqdim etishdek sharaflı vazifa bugungi navqiron avlodning iqtidori, gʻayrat-shijoatiga bogʻliqligi sir emas.

Tarjima nazariyasiga bagʻishlangan ilk tadqiqotlar oʻtgan asrning 20-30 yillarida yuzaga kela boshladi. Bu davrda nashr qilingan Amos, Postget, Finkel, Alekseev kitoblarida va Sanjar

Siddiqning “Adabiyot tarjiması san’ati” (1936) risolasida tarjima nazariyasi fan sifatida e’tirof etilgan tezislarni uchratamiz. 50-yillarda taniqli tarjimon Ivan Kashkin va tilshunos Reformatskiyning tarjima nazariyasi xususidagi maqolalari e’lon qilingandan so’ng bu sohada bahs-munozaralar boshlanib ketdi. Professor Reformatskiy “tarjima amaliyoti barcha fanlar uchun xizmat qilsa-da, tarjima nazariyasi mustaqil fan bo’la olmaydi, balki tilshunoslikning bir bo’limigina bo’lishi mumkin”, degan g’oyani ilgari surgan edi. Shundan so’ng ularni ma’qullagan va tanqid qilgan qator tadqiqotlar, maqolalar chop etildi. 1953 yil - Xalqaro tarjimonlar uyushmasi (FIT) tashkil topdi. 1955- yildan uning organi “Bobil” (Babel) jurnali nashr etila boshladi.

O’zbekistonda tarjimashunoslik ilmining rivojida Jumaniyoz Sharipov, Ninel Vladimirova, G’aybulla Salomov, Najmiddin Komilov, Qudrat Musaev kabi olimlarning xizmati katta bo’ldi. Bugungi kunga kelib o’zbek tarjima maktabi jahon tarjimashunoslik ilmida tan olindi. O’zbekiston o’z mustaqilligini qo’lga kiritgandan so’ng o’tgan yigirma ikki yil davomida badiiy ijodning barcha sohalarida bo’lgani kabi tarjima nazariyasi va amaliyotida ham o’zgarish va yangilanishlar ro’y berdi. O’zbekistonda tarjimashunoslik maxsus ilm sifatida o’tgan asrning 2yarmidan shakllandi. Asr oxiriga kelib, bu sohada 10 ga yaqin fan turi, 50 dan ortiq fan nomzodi yetishib chiqdi. Professor J.Sharipov tadqiqotlariga asosan adabiyotimiz tarixida tarjimaning o’rnini ko’rsatishga bag’ishlangan bo’lsa, professor F.Salomov asosan zamonaviy tarjimashunoslik masalalari bilan shug’ullandi, tarjima jarayoniga til hamda adabiy an’analarning ta’sirini ko’rsatib berdi. N. Komilov esa mumtoz janrlarning o’tmish va hozirdagi tarjimalarini tadqiq etdi.

O’zbek tarjimashunosligi asosan adabiy yo’nalishda taraqqiy etgan. Tarjimaning insoniy jihatlari keyinroq — o’zbek tiliga ko’pgina xorijiy tillardan bevosita o’g’irishga yo’l ochilganidan so’ng rivojlana boshladi.

Tarjima barcha ijod jarayonlari kabi og’ir kechadi. Lekin bu degani uning qonun-qoidalari, prinsiplarini haddan ortiq chigallashtirish, ayrim hollardan pashshadan fil yasashga sira hojat yo’q. Chunonchi, yirik Amerika olimi, tarjimashunos va lingvisti Yu. Nayda tarjimada ekvivalentlik haqida gapirganda, uni nisbiy (formal) ham da dinamik ekvivalentliklarga ajratib ko’satadi. Nisbiy ekvivalentlikda har bir so’z doim unga muvofiq so’z bilan tarjima etiladi, asliyat tilidagi gap bo’laklari, nutq birliklari tarjim a tilida o’zgartirilmasdan o’z holicha saqlanadi. Barcha idiomalar kalka qilinadi. Asliyatdan uzoqlashtirish izohlab boriladi. Dinamik ekvivalentlikda esa leksika va grammatika adaptatsiya qilinadi, matn o’quvchiga tushunarli bo’lishiga harakat qilinadi. “Avtor tarjima tilida shunday yozgan bo’lardi”, deydi darajaga yetkaziladi.⁸¹ Tarjima san’ati dunyo madaniyati rivojida muhim rol o’ynagan va o’ynab kelmoqda. Tarjima tobora o’sib borayotgan, bir tilning jozibasini boshqa tilga ko’chiruvchi va o’quvchilarning hurmatini qozonishni maqsad qilib qo’ygan aqliy ijodiy faoliyatdir.

“ST” (“Source translation - Asl nusxa matni”) va “TT” (“Target translation - Tarjima matni”) o’rtasidagi o’xshashlik darajasini aniqlovchi tarjimadagi semantik ekvivalentlikning muammolari haqida ma’lumotga ega bo’lish muhimdir. Agar biz “TTs” ni “STs” bilan qiyoslaganimizda ikki matn o’rtasidagi semantik o’xshashlik darajasini tarjima jarayonida farq qilishni bilib olishimiz mumkin. Shunga ko’ra, tarjima ekvivalentining bir qancha turlari bir-biridan farq qiladi. Masalan,

1) maybe there is some chemistry between us that doesn’t mix-harakteri bir-biriga to’g’ri kelmaydigan odamlar ham boladi.

2) A rolling stone gathers no mass- kim uyida o’tiraolm asa uni mehribonlik kutmaydi.

3) That’s a pretty thing to say - Uyalsang bo’lard!

Shu narsa aniqki, ikki gap ham umumiy ma’noga ega. Ularning tarkibidagi bu umumiy jihat mos keluvchi mazmunni yetarli darajada ta’minlashda katta ahamiyat kasb etadi. Bundan tashqari, u tarjimada original (tarjima qilinayotgan matn)ning tarkibiy qismidagi barcha ma’nolarni saqlab qolgan axborotni o’z ichiga oladi. Tarjima mohiyatini aniqlashda quyidagi savolga javob berish o’ta muhim hisoblanadi: nimaga asoslanib biz tarjima matnini asl matnga adekvat tarzidagi ekvivalent, har jihatdan teng. Masalan, nima uchun “*Mening akam Myunxenda yashaydi*” gapi nemischa (1)

⁸¹. В.Н. Комиссаров. Общая теория перевода. Проблема переводоведения в освещении зарубежных ученых. М. 1999. с.53-54

“*Mein Bruder lebt in Menchen*” gapining tarjimasi deb ayta olamizu, “*Men universitetda o‘qiyman*” gapi yuqorida keltirilgan nemischa gapning tarjimasi deb ayta olmaymiz? Ma’lumki, tarjima jarayonida biror tildagi matnni ikkinchi tildagi xohlagan matn bilan almashtirib bo‘lmaydi. Tarjima jarayoni ixtiyoriy ravishda emas, balki ma’lum bir qoidalar asosida sodir bo‘ladi. Agar ushbu qoidalariga rioya qilinmasa, tarjima haqida gapirishga o‘rin qolmaydi.

Bizning maqolamizda o‘zbek milliy taomlari tarjima qilish masalalari, bu masalalarning ayniqsa ingliz tilida bajarilgan tarjimalari ko‘rib chiqamiz. To‘y marosimlarida osh, ya’ni Palov; Navro‘zda sumalak, halim, halisa, tuxumbarak; g‘arma yoki qora osh ustida, dafn qilinganidan keyin qirqinchi kun; Bibi seshanba marosimida o‘moch, mushqulkushodda shirguruch, mavlud va bola birinchi tishini kesganda; Beshdagi ugra, kecha va boshqalar. Bu taomlar allaqachon marosim va marosimlarning timsoliga aylangan. Milliy taomlar nomlarini ifodalovchi harfiy birliklar etnografizmlar hisoblanadi. Bunday etnografiyalar o‘zbek tili lug‘atining katta qismini tashkil qiladi. Dialekt sinonimiga ko‘ra etnografizmlar kuzatiladi. Ko‘rinib turibdiki, har bir xalqning o‘ziga xos ta’mi va holatiga xos taomlari bor. Shunday qilib, tashqi ko‘rinishi bilan farq qiladigan turli xil ovqat nomlari mavjud. Masalan, ba’zi ovqatlar bir xil nomga ega bo‘lishi mumkin, ammo pishirishdagi farq tufayli ular nomlarida, joylashgan joyi yoki usuliga qarab farq qiladi. Masalan, “Osh” taomi. Bu taomni nomi hamma joyda ham bir xil, lekin ushbu taomni pishirilgan joyiga qarab ham nomlanadi. Misol uchun, “Andijoncha palov” (Andijon palov), “Buxorocho palov” yoki “Oshi sofi” (Buxoro palov), “Xorazmcha”, “Samarqandcha palov” (Samarqand palov) deb nomlanadi.⁸²

O‘zbek milliy taomlaridan biri bo‘lmish Palov, yoki osh ingliz tilida “plov”, “pilav” deb tarjima qilingan.⁸³ Ayni paytda bu taomning ta’riflari beriladi. Masalan: “Osh – Palovdek guruchli taom”; “palov, beshbarmoq kabi milliy taomlar” va boshqalar. Qachonki mehmon kelsa, o‘zbek oilalarida “palov” pishirishga odatlangan. Palov osh, palov, palov, palau, kul kabi turli yo‘llar bilan tarjima qilingan. Ushbu marosim tufayli ushbu milliy taomlar ham xorijiy, ham mintaqaviy mualliflarni o‘ziga jalb qildi. Shuning uchun ular uni boshqa tillarga tarjima qilingan. “Buxoro palovi mayizli, Farg‘ona palovi, Qashqadaryo palovi, Samarqand palovi, behi bilan palov, sarimsoq, to‘ldirilgan uzum barglari, no‘xat, tovuq go‘шти, ot kolbasa (kazi)” va boshqalar. M.Petersen oshning tayyorlanish jarayonini quyidagicha ifodalaydi: “O‘sh – palovga o‘xshash guruchli taom. Dastlab, piyozni qovuriladi, go‘شت va sabzi birga yog‘da. Ular yaxshi qizarib ketganda, guruch va suv qo‘shiladi. Mayiz, garbonzo loviya va pishirilgan sarimsoq chinnigullari ham bo‘lishi mumkin. Taxminan 30 daqiqa davomida pishiriladi”.⁸⁴

Qolaversa, birinchi sayohatchi X.Vamberi bu taomni palau, kul, palov va palov deb tarjima qilgan. Olimga bu taom juda yoqqan va uning tayyorlanish jarayonini batafsil bayon etishga harakat qilgan. “Idishda bir necha qoshiq yog‘ eritiladi (O‘rta Osiyoda odatda dum yog‘i olinadi) va qizib ketishi bilanoq go‘شت kesiladi. Mayda bo‘laklarga bo‘linib, ichiga tashlanadi. Qisman qovurilgach, ustiga uch barmog‘igacha suv quyiladi va asta-sekin qaynaguncha qoldiriladi. Go‘شت yumshoq; qalampir va yupqa to‘g‘ralgan sabzi qo‘shiladi va bu masalliqlarning ustiga guruch qatlami qo‘yiladi, u guruchdan tozalanadi. Yana bir oz suv qo‘shiladi va guruch so‘rilgach, olov kamayadi va yaxshi yopilgan idish ustida qoldiriladi. Guruch, go‘شت va sabzi bug‘da yaxshilab pishirilguncha taom tayyorlanadi. Yarim soatdan keyin qopqoq ochiladi va oziq-ovqat shu tarzda taqdim etiladi. Birinchi navbatda guruch, yog‘ ichida suzadi, keyin sabzi va go‘شتning tepasida. Bu taom juda zo‘r va qirol dasturxonida ham, eng kambag‘allarning kulbasida ham ajralmasdir»⁸⁵

Yana bir o‘zbek milliy taomi bu ko‘kat yoki qovoq bilan tayyorlangan «bichak»dir. Bu taom, ayniqsda, Buxoro viloyatiga xosdir. Odatda bug‘langan qovurilgan idishda ozgina yog‘ bilan har ikki tomondan qovuriladi.

O‘zbek milliy taomlari xilma-xilki, ularning sanab bo‘lmaydi. Ulardan yana bir bu nohat shurvadir. “Nohatshurva” – loviya, go‘شت, piyoz, kartoshka va sabzi qo‘shilgan sho‘rva”. Tarjimada

⁸². Seitova et al., 2007

⁸³. R.Abazov “Culture and Customs of Central Asia”

⁸⁴. Petersen, 2000

⁸⁵. Petersen, 2000

talaffuziga moslashtirgan. Aralash, orqa, lablangan “o” unlisi keng, orqa, labli “o” unlisi bilan birinchi va “o” bilan almashtiriladi. uchinchi bo‘g‘indagi tor, orqa, labiallashgan unli “u”. Ikkinchi bo‘g‘inning orqa til, velar, frikativ, jarangsiz undosh “x” ga o‘zgartiriladi. Frikativ, jarangsiz, faringeal undosh “h”. Shunday qilib, so‘zning ma’nosi saqlanib qoladi, ammo talaffuzi buziladi.

Shuningdek, o‘ziga xos taomlari bilan ajralib turadigan marosimlarni kuzatish mumkin. Ritual ovqatlanish marosimning asosiy bosqichi hisoblanadi. Marosim ovqatni ta’kidlash uchun shunday deyiladi. Masalan: momo so‘zi bilan bog‘liq bo‘lgan “Bibi seshanba” marosimi “Oshibibiyon” deb ataladi. Ingliz tilida bibi, ya’ni buvining taomi degan ma’noni anglatadi.⁸⁶ Marosim an‘analari qayg‘uli bo‘lishiga qaramay, bu marosimlarning o‘ziga xos menyusi ham mavjud. Marhumdan keyin u yerda dafn etilgan hayvonlarni so‘yishadi va ko‘p joylarda osh beriladi. Aslida bu odat turkiy xalqlarga xos. Uning shakllanishi totemi va ho‘kizga sig‘inish bilan bog‘liq e’tiqodga borib taqaladi. Bunga misol keltirib, qadimgi Oltoyliklar marhumning otini so‘yishadi va dafn kuni maxsus taom tayyorlashgan.

Ta’ziya marosimlarida, shuningdek, taziyaning uchinchi kuni piyozsiz osh, chalpak, mastava guruchsiz, lekin yasmiq, yettinchi kuni, shovla, qirqinchi kuni sabzisiz (asosan, Nurotada hududida), g‘arma - no‘xatli qalin atala (boshqalarda) Buxoroning Olot va Qorako‘ldan tashqari tumanlari) va boshqalar. Ko‘p joylarda marhumlar sharafiga o‘sh pishiriladi. “Mehmon oshi”, ya’ni “mehmon taomi” deyiladi. Ishtirokchilar odatda xurofot tufayli ovqat yemaydilar. Xorazmda bu marosim “qoqin oshi” deb ataladi.⁸⁷

Shuningdek, muayyan mavsumda pishirilgan ovqatlar mavjud. Sumalak ana shunday taomlardan biri hisoblanadi. Bu Navro‘z bayramining tantanali taomidir. Amerikalik olim M. Petersen sumalakni shunday tushuntirishga harakat qiladi: “Sumalak – eng sevimli taomdir. Bug‘doy nihollaridan foydalanib Navro‘z kelganligi ifodalanadi”. Etnologlar va tarjimonlar etnografizmlarni tasvirlashning uchta usulidan foydalanadilar: transliteratsiya, berish. ta’riflar, tarjimalar. Xorijlik etnolog va tarjimonlarning sa’y-harakatlari bilan kitobxonlar o‘zbek milliy taomlari haqida ingliz tilida ma’lumotlarga ega bo‘lmoqdalar. Nafaqat mahalliy, balki xorijlik olimlar, etnolog va antropologlar ham xalqimiz tarixiga katta qiziqish bildirayotgani hayratga sabab bo‘lgan milliy taomlarimiz mavjud.

Shu o‘rinda bir narsani alohida ta’kidlab o‘tish kerakki, o‘zbek an‘analari va milliy taomlari dunyoning ko‘plab etnograflari e’tiboridan chetda qoldi. Fikrimizcha, bu e’tibordan chetda qolishning asosiy sababi, yurtimiz ko‘p vaqt, ayniqsa, taraqqiyot va fan texnika inqilobi bo‘lmish XVIII, XIX hamda, XX asrlarda Chor Rossiyasi, keyinchalik esa Sovet davlati tomonidan mustamlaka sifatida qolgani bo‘lgan. Bu esa, barcha fan yutuqlari ham rus tilida ifodalangan. Rus tili an‘analari, ushbu so‘zga doir o‘rganishlar amalga oshirilda, hamda boshqa tillar, xususan o‘zbek an‘analari va milliy taomlari e’tibordan chetda qolishga sabab bo‘ldi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. В.Н. Комиссаров. Общая теория перевода. Проблема переводоведения в освещении зарубежных ученых. М. 1999. с.53-54
2. R.Abazov “Culture and Customs of Central Asia”
3. Dirks, W., & Davronov, T. 2005. Ozbekcha-Inglizcha Lug‘at/Uzbek English Dictionary. The Central Asian Heritage Group.
4. Fischer, J., & Sai, Y. 2015. Muslim food consumption in China: between qingzhen and halal. In Halal Matters (170-184). Routledge
5. Kandiyoti, D., & Azimova, N. 2004. The communal and the sacred: women's worlds of ritual in Uzbekistan. Journal of the Royal Anthropological Institute, 10(2), 327-349.
6. Scott, E. R. 2012. Edible Ethnicity How Georgian Cuisine Conquered the Soviet Table. Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History, 13(4), 831-858
7. Маъруфов, З. М. 1981. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.
8. Rosenberger, N. 2007. Patriotic appetites and gnawing hungers: Food and the paradox of nation-building in Uzbekistan. Ethnos, 72(3), 339-360.

⁸⁶. Fischer and Sai, 2015

⁸⁷. Petersen, 2000

9. Seitova, S. B., Trushev, A. K., Eserkepova, K. K., & Saurbayev, R. Z. 2014. Ethno-linguistic description of set expressions formed by the names of the plants in the Kazakh language. *Life Science Journal*, 11(9), 346-354
10. Scott, E. R. 2012. Edible Ethnicity How Georgian Cuisine Conquered the Soviet Table. *Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History*, 13(4), 831-858
11. I.G'afurov, O.Mo'minov, N.Qambarov **TARJIMA NAZARIYASI «Tafakkur B o'stoni» Toshkent – 2012**
12. Akbarova S. A. Лингвостилистические средства и когни- тивно-прагматическая значимость художественного портрета (на материале английских художественных текстов) Авторы дис. канд. фил. наук-Т аш кент, 2005.
13. Vinogradov V. S. Перевод: Общие и лексические вопросы. Учебное пособие. М. “Книжный дом “Университет”. 2006.
14. Nida E. Taber Ch. The theory and practice o f translation. Leiden. 1969.

G.O'ngalova (SamDU, magistr)

ALISHER NAVOIY DOSTONLARINING RUS TILIGA TARJIMALARI VA TADQIQI

Annotatsiya: Ushbu maqolada amir Alisher Navoiy dostonlarining rus sharqshunoslari tomonidan o'rganilishi, tarjimalari, ular tomonidan olib borilgan tadqiqot natijalari tahlil qilinadi. Shuningdek, buyuk shoir ijodi borasida jiddiy tadqiqot olib borgan olim Y.E.Bertels xulosalarining navoiyshunoslikdagi ahamiyati yoritiladi.

Kalit so'zlar: tarjima, doston, rus sharqshunosligi, qiyosiy tahlil, matn.

Alisher Navoiy dostonlari rus adabiyotshunosligida maxsus o'rganilib, tarjima qilingan. Shoir asarlarining alohida tadqiq qilinishida 1948-yilda A.N.Kononov tomonidan tayyorlangan “Mahbub ul-qulub”ning yig'ma-qiyosiy matni alohida ahamiyat kasb etadi. Tadqiqotning kirish qismidagi ma'lumotga ko'ra, olim bunda asarning oltita Sankt-Peterburg va ikkita Toshkent nusxasiga tayangan. Sh.Sirojiddinov bu tadqiqot ayrim manbalarda “ilmiy tanqidiy”, ayrimlarida “chog'ishtirma” matn deb berilgani, ammo mazkur matnni yig'ma qiyosiy matn deb atash kerakligini ilmiy jihatdan asoslaydi. Olim ta'kidlaganidek, yig'ma-qiyosiy matn imkoniyat darajasida qo'lga kiritilgan matnlarni o'zaro qiyoslash natijasida tuziladi, bunda asarning hamma nusxalarini tekshirish maqsad qilinmaydi⁸⁸.

Y.E.Bertelsning “Navoiy” monografiyasida shoirning “Xamsa” dostonlariga maxsus fasl bag'ishlangan. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, asarning eng qadimgi qo'lyozma nusxasi ham Y.E.Bertels sa'y-harakati bilan topilgan, fan uchun asrab qolingan. Y.E.Bertels Navoiyning har bir dostonini Nizomiy va Dehlaviy dostonlariga qiyosan o'rganadi. Misollarda va rus tiliga tarjimada ularning xarakterli xususiyatlari, originalligini ochib beradi. Dostonlarning birma-bir tahlili asnosida olim quyidagi xulosalarga keladi:

1. Navoiyni ideallashtirish, uning obrazini modernizatsiya qilish shart emas, shoir ovozinig bugungi kunda ham yangrayotganining o'zi unga berilgan yuksak bahodir.
2. “Hayrat ul-abror” dostonida shoirning falsafiy, axloqiy-ijtimoiy dunyoqarashining asosiy qirralari aks etgan.
3. Navoiyning “Layli va Majnun” dostonini yozishdan maqsadi ota-onaning farzand ustidan mutlaq hukmronligi qanday oilaviy fojialarga olib kelishini ko'rsatishdan iborat bo'lgan.
4. “Farhod va Shirin” fidokorona mehnat, insoniylik va muhabbat madhiyasidir. Shubha yo'qki, Farhod obrazida Navoiyga xos xususiyatlar ham aks etgan.
5. “Sab'ayi sayyor” dostonidagi hikoyatlar bir-biri bilan o'ziga xos aloqada bo'lib, asarning poetik muhimligini ta'minlashga xizmat qilgan va Navoiyning kompozitsiya yaratish mahoratini ko'rsatgan. Bu asari bilan shoir temuriy shahzodalarga “maishat va lazzat botqoqligi” qanday fojialarga olib kelishi mumkinligini ko'rsatgan.

⁸⁸ Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: Академнашр, 2015, 19-6

6. “Saddi Iskandariy” chuqur falsafiy-siyosiy donolik xazinasini, shu davr ijtimoiy hayotining oynasidir. Doston tilining sodda va ravshanligi uni “Xamsa”dagi boshqa dostonlardan ajratib turadi, shuning uchun ham Y.E.Bertels Navoiyni o’rganishni aynan shu dostonidan boshlashni tavsiya qiladi. Akademik Aziz Qayumovning ta’kidlashicha, Y.E.Bertels bu tadqiqotida katta mahorat va bilimdonlik bilan ish yuritadi⁸⁹.

Tabiiyki, navoiyshunoslikka bugungi kun nuqtayi nazaridan qaraganda, Y.E.Bertelsning ayrim mulohazalari bahsli ko’rinadi. Deylik, “Layli va Majnun” dostonini dunyoviylik bilan birga diniy-tasavvufiy ta’limotlar asosida talqin qilish nisbatan boshqacha ilmiy xulosalarga ham olib keladi. Har bir asar xususida xulosa chiqarishdan oldin o’sha xalq madaniy turmush-tarziga, urf-odatlariga nazar tashlash lozimligini esdan chiqarmaslik lozim, deb o’ylaymiz.

1943-yilda S.Lipkin tomonidan “Layli va Majnun” rus tiliga tarjima qilinib, Y.E.Bertels so’zboshisi bilan nashr etilgan bo’lib, muqaddimaning eng boshida muallif dostonning yaratilish tarixi, kelib chiqishi, tarqalish doirasi, sujeti va shu kabi mavzularda ilgari ijod qilgan shoirlar haqida ma’lumot bergan. So’ngra qiyosiy jihatdan Nizomiy, Dehlaviy va Navoiyning “Layli va Majnun” asarlariga alohida to’xtalib o’tgan.

Alisher Navoiy “Layli va Majnun” dostonini yozishni boshlaganidayoq Dehlaviy va Nizomiy asarlarini bilgan. Y.E.Bertels Navoiyning Nizomiy va Dehlaviyga munosabatini aks ettiruvchi ba’zi she’riy parchalarni tahlil qilib, quyidagi xulosaga keladi: “Navoiy Amir Xusrav dostonining yuksak badiiy fazilatlarini e’tirof etgan holda, Nizomiy dostonini nisbatan quyi pog’onaga qo’yadi. U o’zining barcha tashqi vazminligi bilan Amir Xusrav dostonining yorqin ko’rinishini qat’iy va adolatli qayd etadi, ammo buning ortida Nizomiy asarlarining teranligi va ulug’vorligi yashiringan emas. Navoiy sharqona hayo bilan, avvallari Nizomiy qurdirgan “qal’a” yonida kichik bir “shahar” va “bog” barpo etishni maqsad qilgani haqida xabar beradi. Y.E.Bertels bu dostonni chuqur tahlil qiladi. Bizningcha, bu bilan olim Navoiy ijodining o’ziga xosligini yana bir bor ta’kidlamochi bo’lgan. Ya’ni, “shoir o’zidan oldingilardan nimani olganini va o’z yo’lidan borishni zarur deb bilganini ko’rsatmoqchi edi”⁹⁰. Y.E.Bertels dostonlarni yonma-yon qo’yib qiyoslar ekan, Navoiy dostonidagi Layli va Majnun uchrashuvini haqqoniy chiqqanini izohlaydi.

Shoir dostonlari 1985-yilda Toshkentda “Yosh gvardiya” nashriyotida ommabop shaklda rus tilida nashr etiladi. Kitobda “Hayrat ul-abror”ning tarjimasi X.Ismoilov, qolgan to’rtta dostonning tarjimasi L.Serekova tomonidan berilgan. Kitob keng kitobxonlar ommasini uchun mo’ljallanganligi bois dostonlarning sujeti beriladi. Kitob L.Serekovanning “Xamsa” xususidagi kirish so’zi bilan nashr etilgan bo’lib, tarjimon dostonlarning mazmun-mundariyasi haqida so’z yuritadi:

...“Xamsa”dagi “Hayratul-abror” va boshqa dostonlarning ko’pgina satrlari real hayotdagi ijtimoiy-siyosiy vaziyat va hodisalar ta’sirida yuzaga kelgan. Navoiy garchi o’z oldiga adabiy jihatdan avvalgi “Xamsa”larga javob yozish vazifasini qo’ygan bo’lsa ham, ammo dostonlarning yuzaga kelishi real ijtimoiy-tarixiy muhit bilan bog’liq. Bu asarning g’oyaviy yo’nalishini ham shu muhit, shu davrdagi vaziyat belgilab bergan. “Hayrat ul-abror”da jamiyat ahvoli va taraqqiyoti, kishilarning axloqi bilan bog’liq barcha fikrlarini shoir o’z nomidan aytgan, asar markazida o’zi turgan bo’lsa, “Farhod va Shirin”da o’zining mehnat kishisi, haqiqiy pok inson tushunchasi bilan bog’liq qarashlarini Farhod va Shirin obrazlari orqali gavdalantiradi. “Layli va Majnun”da Navoiy adolatsizlik asosiga qurilgan ijtimoiy tuzum sharoitidagi inson fojiasini tasvirlaydi. Ularga o’zini qalban juda yaqin tutib, o’zi benihoya ta’sirlanib, ba’zan esa o’zini shu qahramonlari bilan bir jon bir tan his qilib yozadi. “Sab’al sayyor”da shoh Bahrom obrazi orqali davrining podshosi Sulton Husaynni ko’rsa, bu asardagi hikoyalarda o’zbek xalq ma’naviy boyligini, uning orzu-umidlarini kuylaydi. “Saddi Iskandariy” dostonida ulug’ shoirning ijtimoiy-siyosiy qarashlari, adolat, ma’rifat bilan bog’liq tushunchalari o’zining eng mukammal tasvirini topishi kerak edi. Navoiy butun hayoti davomida shunday qarash va g’oyalar bilan yashagan edi. Uning uchun ushbu g’oyalarni she’riy-badiiy gavdalantirish u qilishi lozim bo’lgan ishlarning eng muhimi va asosiysi edi”⁹¹.

⁸⁹ Қаюмов А. Садди Искандарий. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975. 8-б

⁹⁰ O’sha kitob, 427-bet

⁹¹ Алишер Навои. Хамса. Ташкент.: Ёш гвардия, 1985. С 6

Shoir ijodi bilan qiziqib qolgani bois keyinchalik Serekova Lyudmila Nikolayevna Alisher Navoiy lirikasining kichik janrlari: ruboiy, qit'a va fard bo'yicha nomzodlik dissertatsiyasini yoqlagan.

Alisher Navoiy ijodi xorijiy mamlakatlarda ham sevib o'qilib, asarlari bot-bot tarjima qilinmoqda. Amerika Qo'shma Shtatlarining Massachusetts shtatida istiqomat qiluvchi adabiyotshunos, yozuvchi va shoir Denis Deli ko'p yillik izlanishlari tufayli Alisher Navoiyning g'azallarini ingliz tiliga o'girdi hamda "Cervena Barva Press" nashriyotida "Alisher Navoiyning yigirma bir g'azali" ("Twenty one ghazals by Alisher Navoiy") deb nomlangan kitobni chop ettirdi. To'plam xorijliklar tomonidan katta qiziqish bilan kutib olindi. U yozadi: "Alisher Navoiy – buyuk shoirlardan biri. Italiyaliklar uchun Dante qancha qadrlı bo'lsa, Navoiy ham o'zbeklar uchun shunchalik buyuk shaxs. Qisqa vaqt ichida uning barcha ijodi bilan tanishish mushkul. Buning uchun bir insonning umri yetmaydi. Men uning ingliz, rus, fransuz tillaridagi tarjima asarlarini ko'zdan kechirdim. Angladimki, Alisher Navoiy ijodiga butun dunyoning qiziqishi hamon davom etib kelmoqda. Ulug' shoir ijodining bir qatrasini kashf qilgan kishi borki, hayratini yashira olmaydi. Tezroq Navoiy haqida zamondoshlariga xabar bergisi, uning yozganlarini o'z ona tiliga o'girgisi kelaveradi. Men bunga aminman... Masalan, mamlakatingizda Alisher Navoiy ijodi haqida ilmiy tadqiqot olib borgan kanadalik Harri Dik Navoiyga "Dunyoni ma'naviy tanazzuldan qutqara oladigan ko'ngil bog'ining bog'boni" deya ta'rif beradi va "Lison ut-tayr" asarini ingliz tiliga tarjima qiladi. Bular qatoriga "Farhod va Shirin"ni ukrain tiliga tarjima qilgan shoir Nikolay Bajan, polyak tarjimoni Yanush Kijiovskiyani ham qo'shish mumkin... Navoiy ijodi shunchalik serqirradi, uning tarjimasiga qo'l urish uchun, avvalo, islom dini g'oyasi va qarashlari, turkiylar madaniyati, yashash tarzi, so'zlarning kelib chiqish etimologiyasini ham bilish juda zarur ekan..." ("Xalq so'zi" gazetasi, 26 aprel, 2018-y).

Alisher Navoiy asarlarining tarjimalari xususida to'xtalganda, akademik Konradning "Alisher Navoiy va Renessans" maqolasini eslash joiz. U Alisher Navoiyning "Layli va Majnun" asarini nemislarning "Tristan va Izolda", yigirmanchi asr rus adabiyotida fantasmagoriya yo'nalishida yaratilgan Mixail Bulgakov qalamiga mansub "Usta va Margarita" romani bilan qiyoslaydi va buyuk bobomizni "barcha xalqlarning shoiri", deya e'tirof etgan holda, Sharq Renessansi hosil bo'lishida G'arbga ehtiyoj sezmagani qistirib o'tadi.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, shoir dostonlari ru adabiyotshunosligida keng miqyosda o'rganilgan bo'lib, bu izlanishlar, asosan, shoir ijodining originalligi, ya'ni fors shoirlarining asarlari tarjiması emasligi masalasiga bag'ishlangan hamda bir qator olimlar tomonidan tadqiq qilinib, dalillangan.

Adabiyotlar ro'yxati

1. Алишер Навои. Избранная лирика. Т.: ЦК КП Узбекистана. 1985. С 136
2. Алишер Навои. Собрание сочинений в десяти томах "Язык птиц". Т: Фан, 1970. С 40
3. Алишер Навои. Хамса.Т.: Ёш гвардия, 1985. С 185
4. Алишер Навои. Язык птиц. Перевод С.Н.Иванова. – СПб.: Наука, 2007. – С 382
5. Алишер Навои. Махбуб ул кулуб. Сводный текст подготовил А.Н.Кононов. – М. – Л. : Изд – во СПбГУ, 1996. – С 504.
6. Бертелс Е.Э. Лайли ва Мажнун. Рус тилидан И.Мирзаев таржимаси. – Т.ЎЗме Давлат илмий нашриёти, 2007. – 23 б.
7. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1995. Б 184
8. Алишер Навои. Избранно. Вступительная статья, составление и примечания доктора филологических наук, профессора С.И.Иванова Издательство «Укитувчи», Ташкент – 1978, С 210
9. Бертельс Е.Э. Навоий. Монография (И.К.Мирзаев таржимаси) Тошкент: Тафаккур каноти. 2015. Б 356
10. Бертельс Е.Э.Навоий. Монография. Москва.1948. - Б.201

11. Навои А. Лейли и Меджнун: поэма / пер. С. Липкина; вступ. ст. Е. Э. Бертельса. – Ташкент: Госиздат, 1943. С. 232
12. Эркинов А. Алишер Навоий «Хамса»си талқини манбалари. – Тошкент: Тамаддун, 2018.
13. Халлиева Д. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек адабиёти. Т.Мухаррир, 2018
14. Ҳаққул И.Ч. Ижод иқлими. – Т.: Фан, 2009. 316-б

G.Osomiddinova (Termiz davlat universiteti, magistrant)

TOG‘AY MURODNING “OT KISHNAGAN OQSHOM” QISSASIDA TARLON OBRAZI TASVIRI

Annotatsiya. Ushbu maqolada hozirgi davr o‘zbek nasrida jonivorlar obrazi va tasviriga katta hissa qo‘shgan yozuvchilardan biri Tog‘ay Murodning „Ot kishnagan oqshom“ qissasidagi Tarlon obrazi haqida fikr yuritiladi. Dastavval, folklor namunalari hisoblangan „Alpomish“ va „Go‘ro‘g‘li“ kabi dostonlardagi Boychibor, G‘irot obrazlarining mantiqiy davomi hamda yangicha qiyofaga ega bo‘lgan obrazning yaratilishi va yozuvchining uslub mahorati haqida qarashlar keltirilgan. Maqola davomida esa Tarlon obrazi va bosh qahramon Ziyodulla kalning do‘stlik va qardoshlik tuyg‘ulari, insoniy va ijodiy yaratilgan xislatlarning namunalari ikki obrazning munosabatlarida aks etishi ochib berilgan.

Kalit so‘zlar : Totemizm, jonivorlar, Go‘ro‘g‘li, Alpomish, Manas, Boychibor, G‘irot, ot obrazi, Ot kishnagan oqshom, Pirmqul Qodirov, Tog‘ay Murod, Tarlon, Ziyodulla Kal.

So‘z san‘ati yaralibdiki, unda ma‘lum voqeani obrazli qilib tasvirlash va shu orqali kitobxon qalbiga yetish maqsadi ustuvordir. Insonga to‘g‘riligicha o‘z qiyofasini ko‘rsatishdan ko‘ra boshqa elementlar, vositalar yordamida, masalan: tabiat hodisalari, jonivorlar va jonsiz buyumlar orqali ta‘sir etish samaraliroqdir. Adabiyotga jonivorlar obrazini kiritish nafaqat insonga boshqa ko‘rinishda o‘z illatlari-yu kamchiliklarini ko‘rsatish, ya‘ni tarbiyalash vazifasini, balki insoniyatni ularga yaqinlashtirish, do‘st tutinish, ularga mehr-muhabbat va odamiylik nuqtayi nazaridan munosabatda bo‘lish kabi tuyg‘ularni yuksaltirish, befarqlikni yo‘qotgan holda hayotimizning ajralmas bo‘lagi sifatida ko‘rish kabi xislatlarni uyg‘otish vazifalarini bajaradi.

Qadimiy tosh asrlarda ibtidoiy insonlar, keyingi davrlarda esa ba‘zi qabilalar ham tabiatni, jonzotlarni o‘zlarining uzoq qarindoshlari, qondoshi, qabila ajdodlari sifatida bilishgan. Ular turli totemlar, fetishizmlar ko‘rinishida namoyon bo‘lgan. Bunga o‘xshash fikrlar odamlarni tabiat va jonivorlar bilan yakdil bo‘lib yashashga undagan va ular o‘rtasida qadrdonlik kabi tuyg‘ular paydo bo‘lgan. Shuning uchun ham hozirgi davrga qadar insonlarning turli jonivorlar: it, ot, burgut, bo‘ri kabi jonzotlar bilan qadimgi davrlardanoq do‘stlashganligini, yaqinligini ko‘ramiz.

Turkiy xalqlarning og‘zaki ijodi namunalari hisoblangan “Go‘ro‘g‘li”, “Alpomish”, “Manas” kabi dostonlarda ham qahramonlarning eng yaqin hamkori, yo‘ldoshi, og‘ir kunida yonida bo‘lib, hatto maslahat ham beruvchi (G‘irot timsolida), yov bilan jangda yoki eng muhim vaziyatlarda va shartlarda o‘z sadoqati bilan namoyon bo‘luvchi obrazlar sifatida gavdalandirilgan. Xususan, ”Go‘ro‘g‘li” turkumidagi dostonlarda G‘irot(G‘irko‘k) xuddi qahramon uchun jonli haqiqiy do‘stdek gavdalandiriladi, uning paydo bo‘lishi va tarbiyalanishi ham dostonda alohida o‘rinni egallaydi. Fantastik uslubdagi ot obrazi doston syujeti davomida bosh obrazning gapiga tushunadi, zarur paytda unga yo‘l-yo‘riq ko‘rsatadi (xuddi hayotiy inson obrazlari kabi). Qahramon boshiga kulfat tushganida achinadi, yig‘laydi, yarador bo‘lgan va ustida behush bo‘lib qolgan egasini bexatar yerga eltadi, qo‘riqlaydi, asir tushganida undan eliga xabar beradi.

“Alpomish” dostonida ham Boychibor obrazi „nazarkarda“ sifatida tasvirlanadi, otning zotini tanigan insonlargina uning asl kuchiga baho bera oladilar (Qaldirg‘och, Ko‘sa sinchi kabilar). Bu obraz insoniy fazilatlariga ega irodali va sadoqatli ot sifatida (ko‘z yosh to‘kishi, gulumixlar bilan otchoparda yugurishi kabilar) ko‘rsatiladi. Bundan tashqari dostonidagi Boychibor obrazida boshqa dostonlarda uchramaydigan ba‘zi afsonaviy va diniy xususiyatlar ham aks etgan.

Misol tariqasida, uning qirq qulochlik qanoti, ucha olish xususiyati, Qorajonning ko'ngliga badbin o'y (otni olib qochib Alpomishga xoinlik qilish) kelganida Alpomishning o'giti bilan kalmia qaytargandan so'nggina to'xtab qolgan otning yurishi kabilar. Xuddi shunday dostonlardagi ot obazining xususiyatlari yangi ko'rinishda, novatorlik ko'rinishlari bilan Tarlon obraziga singgan desak yangilashmaymiz.

Tog'ay Murodning ijodi haqida, unga tilak va doimiy yo'ldosh sifatida o'zbek adabiyotining zabardast vakili, yozuvchi Pirimqul Qodirov shunday so'zlarni yozgan edi: "Chinakam katta yozuvchi o'z xalqiga katta bir qo'shin keltirgandan ham ulkanroq zafar va shuhrat keltirishi mumkin. Faqat buning uchun adib o'zidagi iste'dodni xuddi qo'shin bayrog'ini avaylab qo'riqlaydigan yalovbardor kabi asrashi kerak, bu bayroqni oldirib qo'ymasligi, unga g'ubor yuqtirmasligi, dog' tushirmasligi kerak. Tog'ay Murodga chin qalbdan aytadigan tilagim shu"⁹². Chindan ham, haqiqiy xalqparvar yozuvchi bo'lish qo'rqmas posbon bo'lish bilan barobar. Chunki har qadamda chaqir tikanak kabi oqil yo'lini to'suvchilar, siyosiy o'ynlarning "malaylari" uchrashi mumkin. Tog'ay Murod ushbu asarini yaratgan davrda, ya'ni 80-yillar boshlarida o'zbekning o'zligini, qadriyatlarini xalqning xalqona, o'z tili bilan ayta oladigan yozuvchi deyarli yo'q edi.

Yozuvchi asarlari orqali o'zbek nasriga folklor namunalari-yu, xalqchil ruhni olib kirdi. O'z qahramonlarini xalq tilida so'zlatdi, sodda va samimiy insonlardek o'ylatdi. Soflikni, haqqoniyatni va ular ortidan keluvchi balo-yu ofatlarni ochiq ko'rsata oldi. Ayniqsa, o'zi tug'ilib o'sgan hududning - Surxonning ohangini asarlari qariga chertib-chertib singdirdi. Tog'ay Murodning "Ot kishnagan oqshom" qissasida aynan shu holat ochib berilgan. U qissani yozishdan oldin Tarlon obrazini yaratishda ot va chavandozlikka doir bilimlarni chuqur o'rgangan. Buni asarning turli o'rinlarida: "... ot olsang Oboqlidan ol, ayol olsang Irg'alidan", "bir yashar qulunlar, uch yashar toylar, to'rt yashar g'ulonlar, besh yashar do'nanlar", "saman ot, bo'z ot, to'riq ot, burnoch ot, oqtuyoq, chag'ir ot..." kabi so'zlari, ularga berilgan birma-bir izohlar buning yaqqol dalilidir. Yozuvchi Tarlon obrazini tasvirlashda, uni qalb va ongli ko'rinishda tasvirlaydi. Shu bilan birga Ziyodulla Kalning unga bergan e'tiborini alohida baholaydi.

Qahramon turli o'rinlarda Tarlonni "... inim, akam, jiyanim, qiyomatlik birodarim", deya eng yaqinlari qatoriga qo'yadi, ularga mengzaydi. Ko'pkariga chiqqanda necha bor uni qutqargani, yordam berganini so'zlaydi; uni dostonlardagi tengi yo'q qahramonlarga o'xshatadi: "Tarlon ot emas, Jumanbulbul kuylagan "Kuntug'mish"! Fozil Yo'ldosh kuylagan "Alpomish". Nega aynan qahramonlarga mengzaydi, ularning otlariga emas, chunki Ziyodulla Kal Tarlonni oddiy hayvon emas, insondek ko'radi, e'zozlaydi:

"..." Kuntug'mish" ni go'shtga topshirib bo'ladimi? "Alpomish"ni go'sht qilib bo'ladimi? Yozuvchi Tarlonni so'zsiz so'zlatadi, holatlar orqali o'y-xayollarini ko'rsatadi, norozilik-u rahmatini harakatlar bilan bildiradi:

"Tarlon yemsirab iltijoli pishqirdi", "... Uloqni ko'tarayotganimda esa, yelkasiga yuk olayotgan odamdayin bir silkindi".

Ziyodulla chavandoz obrazi g'ururli va oriyatli, samimiy inson sifatida gavdalangan. Uning begona bo'lsa-da, bir yordamga muhtoj insonga yordam bergani, Qatron kaldek ikkiyuzlamachi, muttaham insonlar oldida o'z g'ururi uchun "qon yutgani" uning haqiqiy or-nomusli o'zbek o'g'loni ekanligini ko'rsatadi. Ijodkor Qurbonnazar obrazi tilidan Seton-Tompson mahorati va asarining haqqoniyligini takidlab o'tadi. O'zi ham ma'lum o'rinlarda Ziyodulla chavandoz orqali otlarning xususiyatini ta'kidlaydi: "Otning devi bor", ... ot ham ayoldek gap", "Ot ko'ngli ham ayol ko'nglidek nozik bo'ladi".

Eng qaltis damda ham ot u bilan birga edi, unga dardkash va hamroh, unga yelka tutuvchi, uni omon saqlovchi qadrdoni bo'lib yovuzlar hujumida ham oxirigacha u bilan birga bo'ldi :

"Ana shunda Tarlonni ko'rdim. Tarlon bo'ynini gajak-gajak qildi. Tog'larga qaradi, zorlanib - zorlanib kishnadi.

Tarlon dumlari yoyilib - yoyilib kishnadi, yollari hurpayib-hurpayib kishnadi.

⁹² Pirimqul Qodirov. Tog'ay Murodning tug'ma iste'dodi. Maqola. 1985.

Tarlon qahr ham iztirob bilan kishnadi, oqshom kishnashdan zir titradi. Oqshom, Tarlon kishnashidan, Tarlon kishnashi oqshomdan-da mungliroq bo'ldi, oqshomdan-da ayanchli bo'ldi".

Yozuvchi Tarlon obrazini shu vaqtgacha yaratilgan ot obrazlaridan mehribonligi, viqorliligi, fahm-farosat ustuvorligi bilan tasvirladi, unga shu unsurlar bilan obraz sifatida qayta jon ato etgandek, « badiiy hayot » berdi. Uning o'zbek chavandozlari dilidagi, tilidagi qadr-qimmatini ochib berdi. Bu holat ayniqsa asar yakunidagi Ziyodulla kalning iltijoli afsus-nadomat, shukronaligi va xulosalarida quyidagi gaplar bilan aks etadi :

Men seni bilaman, Tarlon. Ular men uchun begona, Tarlon...

Ayo Tarlon, sen mening ukamsan, ukam.

Bo'ldi, men endi ularni ukam demayman. Mening ukam sensan. Sen mening ukamsan, Tarlon. O'zi menga o'xshaysan, Tarlon, menga. Ukasi akasiga o'xshaydi-da, Tarlon...

Tarlon ukam-ov, endi nima qilamiz? Endi, bola-chaqaga borib nima deymiz? El so'rasa nima deymiz?..

Ayo Tarlon, sen mening jiyanimsan, jiyanim.

Bo'ldi men endi ularni jiyanim demayman. Mening jiyanim sensan, Tarlon. Sen menga tortding, Tarlon. Jiyan tog'asiga tortmasa, kinga tortadi, Tarlon...

Tarlon jiyanimov, yo yo'lda yiqildik deymizmi? Ko'zlaring bor edi-ku, desalarchi? Ariq loy ekan, toyib ketdik, deymiz. Binoyimi, Tarlon jiyanim? Bo'lmasa elga ermak, xalqqa shaloq bo'lamiz...

Ayo Tarlon, sen mening akamsan, akam...

Bo'ldi, men endi ularni akam demayman. Mening akam sensan, Tarlon. Uka desa degulik, mendayin ukang bor, aka desa degulik, sendayin akam bor, nima g'amim bor, Tarlon...

Ayo Tarlon, sen mening birodarimsan, birodarim.

Bo'ldi, men endi ularni birodarim demayman. Mening birodarim sensan, Tarlon...

Ayo Tarlon, sen mening qiyomatlik birodarimsan, qiyomatlik birodarim...

Foydalanilgan dabiyotlar:

1. Alpomish. O'zbek xalq dostonlari 1-qism. Fozil Yo'ldosh o'g'li aytuvchi. –Toshkent .: O'zbekiston, 1992.-187 bet.

2. Alpomish. O'zbek xalq dostonlari 2-qism. Fozil Yo'ldosh o'g'li aytuvchi. –Toshkent .: O'zbekiston, 1993.-224 bet.

3. Pirimqul Qodirov. Tog'ay Murodning tug'ma iste'dodi. Maqola. 1985.

4. Tog'ay Murod. Ot kishnagan oqshom. Qissa. –Toshkent .: „Sano-standart” nashriyoti, 2017. -176 bet.

5. Zavqiddin Subxon. Tog'ay Murod nasrida obrazlar poetikasi. Monografiya. –Toshkent.: Muharrir nashriyoti, 2020.-160 bet.

M.Ahmatova (SamDU, magistrant)

O'ZBEK SHE'RIYATIDA FOLKLOR AN'ANALARI

Annotatsiya: O'zbek she'riyatida folklor an'analarning namunalarini mumtoz adabiyot siymolari A.Navoiy, Atoiy va zamonaviy adabiyot namoyandalaridan A.Oripov, A.Qutbiddinlar ijodi misolida tahlil qilindi. Folklor va mumtoz adabiyotning o'zaro munosabati o'rganildi. Maqol janrining she'riyatdagi o'rni va ta'sir doirasi ko'rib chiqildi.

Kalit so'z: folklor, she'riyat, motiv, maqol, pari, daraxt, jamiyat, olqish, qarg'ish, ibora.

Yozma adabiyot bilan folklor o'rtasidagi ijodiy aloqalar o'ziga xos badiiy an'ana bo'lib, muayyan estetik qonuniyatlar doirasida kechayotgan jarayondir. Bu ijodiy aloqalar natijasida badiiy ijodda yuzaga kelgan ko'plab syujet, motiv, obrazlar, mavzu va badiiy detallar yozma adabiyotga ko'chib, ijodkor badiiy niyati va poetik iqtidoriga bog'liq holda, o'ziga xos tarzda talqin qilina boshladi. Binobarin, folklorning yozma adabiyotga ko'rsatgan ijodiy ta'siri hamda shoirlarning xalq og'zaki ijodidan foydalanishdagi badiiy mahoratining o'ziga xos qirralarini yoritib berish adabiyotimiz taraqqiyoti bilan bog'liq ijodiy jarayonlarga daxldor g'oyat muhim nazariy

masalalarni keng qo'llashda asos bo'ladi.

Klassik adabiyotimizning cho'qqisi – Alisher Navoiy asarlaridagi maqol va hikmatlar bir tomondan, xalqning o'sha zamondagi turmushi tarzini o'rganishga yordam bersa, ikkinchidan, shoirning xalq ijodidan bahramand bo'lishdagi badiiy mahoratini, bu sohada ham ustoz san'atkor ekanligini namoyish qiladi. Adabiyotshunos Muhammadjon Hakimov Alisher Navoiy asarlarida maqol, matal, hikmatli so'zlar shu darajada ko'pki, ularni o'qib og'zaki badiiy ijodning yashirinib yotgan bir qismi shoirning badiiy merosini o'zlashtirish jarayonida yaqqol ko'rinadi, desak bo'ladi. Navoiyning "Xazoyin ul-maoniy"dagi g'azallarida qo'llangan maqollar aslida tarqoq holdagi injuni eslatishini yozadi. Quyida Navoiy g'azallarida uchraydigan folklor namunalaridan ayrimlarin keltirib o'tamiz. Zero, adabiyot va adabiyotshunoslik tarixi Navoiydan boshlanadi. Navoiysiz adabiyotga kirish, tadqiq qilish aslo mumkin emas. Biz shunday yo'ldan bormoqchimiz.

Ey Navoiy, xasta ko'nglimga madaddir novaki,
Rost andog'kim, zaif *elg'a berur quvvat aso*.⁹³
Jismimdan oqib qoni, paykoni ayon bo'ldi,
Shox uzra bo'lur doim *gul ketsa samar paydo*.
Jism uyidin ko'ngil tilar ul ko'yni vale
G'urbat suubatin kishi bilmas vatan aro.
May batining ko'r nishotafoziligin huzn ahliga
Kim, kuyar o'lu quruq chun naystonga tushdi o't.
Ey ko'ngil ishq ichra yo'q shoh-u gadoga imtiyoz:
O't aro tengdir quruq yol ul yog'ochning xirqati.

Sen o'z xulqingni tuzgil, bo'lma el axloqidin xursand,
Kishiga chun kishi farzandi hargiz bo'lmadi farzand.

Atoyining "Ul sanamkim..." deb boshlanuvchi g'azalida ham xalq iboralari g'oyat ta'sirchan tarzda ifodalangan. G'azalning matlaasida xalq og'zaki ijodida tez-tez uchrab turadigan, go'zallikka nisbatan "bir qoshiq suv bilan yutib yuborgudek" iborasi qo'llangan.

Ul sanamkim, suv yoqosinda paritek o'lturur,
G'oyati nozikligidin suv bila yutsa bo'lur.⁹⁴

Ma'shuqaning go'zalligi, tiniqligi, pokizaligi shunchalikki, u qo'lini suvda yuvib tozalamaydi, balki qo'lni yuvib suvni poklaydi. Tadqiqotchi Laylo Sharipova mubolag'a san'ati ham yozma adabiyotga folklordan o'tganligini e'tirof etadi.

U ilkkim suvdan oriqlir, yumas oni suvda,
Balki suvni pok bo'lsin deb iligi birla yur.

Istiqlol adabiyotida folklorga xos obrazlar Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, To'ra Sulaymon, Xurshid Davron, Usmon Azimov, Abduvali Qutbiddinlar tomonidan muvaffaqiyatli qo'llanildi. Folklorizmlar namunalari shoirlar maqsadini ro'yobga chiqarishda badiiy vosita bo'lib xizmat qildi. Vatan, erk, ozodlik kabi insonparvarlik tuyg'ularini tarannum etadigan so'zlar folklorizm namunalari bilan sintezlashib yagona zamonaviy she'riyatni vujudga keltirishga xizmat qildi.

Abduvali Qutbiddin she'riyati o'zbek adabiyotida favqulodda voqea bo'lgan she'riyat desak adashmaymiz. Shoir she'riyatida folklor an'alaridan tortib, mumtoz adabiyot ohanglarigacha, tasavvuf falsafasidan tortib, modern, ya'ni zamonaviy she'riyat tasvir ifodalarigacha bo'lgan yuqori darajadagi she'rlarni ko'rish mumkin. Uning "G'ayriy daraxt" she'ri metaforalar hisobiga qurilgan ramziy xarakterdagi she'rdir. Daraxtning inson shajarasi bilan bog'liqlik jihatlari mavjud. Shoir daraxt deyilganda insonlar tomonidan tabiatga qoldirilgan izni, o'zgarishlarni tushunadi. To'fon qo'zg'alishi, Nuh payg'ambarning xoloskorligi sabab sohilda daraxt – inson yashaydi. Ramziy ma'noda daraxt jamiyat timsoli. Uning har bir shoxida daraxt

⁹³ Навоий А.Топмадим. Ғазаллар. Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988. 12-б. (Ғазаллар шу китобдан олинди).

⁹⁴ Ҳаёт васфи. Тўплам. Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988. 352-б.

mevalari bilan bir qatorda, ilonlar, chayonlar ham o'tiradi. Bular barchasi shu jamiyat yetishtirgan hosildorlik.

Nahr sohilida daraxt ko'ringay
Yaprog'i chig'alay,
Ildizi baliq,
G'adir-budurida tufon ko'ringay
Chayir shoxlariga
Ilingan qayiq.
Shu qayiq ichida sevgi o'tirgay
Tizzasida dovul
Bo'ynida ilon.⁹⁵

Abdulla Oripov she'riyati ham folklorizmning turli ko'rinishlariga boy: xalq maqollari, qarg'ish va olqishlar, matallar, naqlar, xalqimizda uchraydigan bir qayroqi gaplar shoir she'riyatini har jihatdan jozibador qilib turadi. Ular she'r mohiyatiga singib, poetik xulosalar, falsafiy umumlashmalar hosil qiladi. Bu orqali shoir yuqorida ta'kidlaganlarimizdan tashqari, she'r ohangdorligiga, hukmning ixcham va lo'ndaligiga hamda tushunarli xulosalarga erishadi. Xalq olqish va qarg'ishlari shoir she'riyatida qog'ozga o'ralib beriladi. Ular G'afur G'ulom misralari kabi yalong'och emas.

Istasang, istasang qo'shiqlarim bor,
Ba'zan yaxshi yomon to'qishlarim bor,
Gar she'rni sevmasang so'kishlarim bor,
Omon aylamoqni kutmagil mendan.

Xalqda shunday naql bor. "Suv keltirgan xor, ko'za sindirgan aziz" mazkur ibora xalq donishmandligi, uning turmush tajribasi orqali yuzaga kelgan real ifodadir. Mazkur ma'noda shoir she'riyatida yaxshilikka yomonlik, ezgulikning ustidan tubanlikni g'alaba qozonishi kabi salbiy holatlarga urg'u beriladi.

Kim berib dunyoga zar, abgor o'lib qolgan o'zi,
Kimki dorni buzdi gar anga qurildi dorlar.

Shoir mashhur xalq og'zaki ijodi namunalarini keltirish orqali, o'z yurtining to'kin sochinligini, istagan narsaning muhayyo bo'lishi mumkin bo'lgan Vatan qudratini o'xshatishlar orqali chizadi. Shu asosda adabiyotda, she'riyatda talmeh san'atini yuzaga keltiradi. Aynan yangi yil arafasida xalqimiz odatlariga binoan shohona dasturxon tuzaydilar. Ular ertaklardagi "ochil dasturxon"ga o'xshatilmoqda.

Bunchalik shon-shuhrat uchramas tayin,
"Ming bir kecha"larning afsonasida.
Yurtim, seni yana qutlab qo'yayin
Qutlug' yangi yilning ostonasida.

"Yigitning og'zi oshga yetguncha boshi toshga tegadi" maqoli shoir she'riyatida tayanch vazifani o'tab keladi. Maqollar kamdan kam holatda she'rning birinchi misrasida keladi. Shuning uchun ham mazkur maqol she'rning ochg'ich vazifasini ham o'tab kelgan. Epik asarlardagi kabi tugun bajargan vazifasini ham bajarmoqda. Nima uchun yigitning boshi toshga tegish sabablari shoir kechinmalarida izohlanadi.

Oshga yetganida yigitning boshi
Toshlarga tegmasin boshi hech qachon.
Sen inson tayanchi, sen bashar baxti,
Ey buyuk iroda, to'zim bilmas jon.

Poetik mushohada shu ma'nodaki, shoir yigitning boshi toshlarga tegishini yana bir nechta sababini boshqa bir she'ri "Ikki soniya" she'ri orqali yaxshigina yechimini ham bergan. Biri yigitning uyida tinchi bo'lishi, ikkinchisi do'stining imoni butun bo'lishligi xalq maqollarida qayd etilgan. Shoir uni she'rlarida jozibador qilib tasvirlagan. She'rning badiiy estetik g'oyasiga munosib

⁹⁵ Кутбиддин А. Бахтли йил. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 48-б.

xulosa bo‘lib xizmat qilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Навоий А.Топмадим. Ғазаллар. Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988. 12-б.
2. Ҳаёт васфи. Тўплам. Т. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1988. 352-б
3. Қутбиддин А. Бахтли йил. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991. 48-б.
4. Ҳақимов М.Навоий лирикасида халқ мақоллари. Ўзбек мумтоз адабиёти. Антология. Т. О‘ЗМЕ. 2016. 248-б.

*F.A.Xolova (PastDarg‘om tumani XTBga qarashli
123 umumiy o‘rta ta’lim maktabi o‘qituvchisi)*

TA’LIM JARAYONIDA O‘QITUVCHINING KOMPYUTER TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH MAHORATI

Annotatsiya. Ta’lim jarayonida o‘qituvchining mahorati masalasi va uning o‘ziga xos jihatlari haqida ma’lumot beriladi. O‘qituvchi o‘quvchilarning qobiliyatini, qiziqishlarni shakllantirishda katta bilim va tajribaga ega bo‘lishi bir qancha misollar bilan tahlil qilinadi. Bundan ko‘rinadiki, har bir kasb egasi professional etika mohiyatini o‘zligida singdirmog‘i lozim.

Kalit so‘zlar: professionalizm, etika, estetika, qobiliyat, mahorat, malaka va tajriba, bilim va ko‘nikma, shaxsiy fazilatlar, pedagogik texnologiya.

Kompyuter texnologiyalari davri tobora kuchayib bormoqda va endi inson faoliyatining o‘z qo‘llanilishini topa olmaydigan yagona sohasi yo‘q. Ta’lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan (AKT) foydalanish zamonaviy ta’limning dolzarb muammosidir. Bugungi kunda har bir o‘qituvchi AKTdan foydalangan holda o‘quv mashg‘ulotlarini tayyorlashi va o‘tkazishi kerak, chunki o‘qituvchiga darsni yanada jonli va qiziqarli qilish imkoniyati beriladi. Ta’lim jarayonida AKTdan foydalanish o‘quvchining darsdagi rolini o‘zgartiradi - passiv tinglovchidan u o‘quv jarayonining faol ishtirokchisiga aylanadi. Bunda o‘quvchi va o‘qituvchi o‘rtasidagi munosabatlar sheriklik yo‘nalishida o‘zgaradi va o‘quvchi pedagogik ta’sir ob’ektidan ta’lim faoliyati sub’ektiga aylanadi. Shu munosabat bilan darsning intensivligini, uning to‘yinganligini oshirish muammosi mavjud.

Birinchidan, kompyuter ta’lim tizimining an’anaviy usullari doirasida “qo‘llab-quvvatlovchi” vosita sifatida o‘quv jarayoniga kiritilgan.

Ikkinchidan, u keng ma’noda o‘quv jarayonini texnologiyalashtirishni ifodalaydi - inson va mashinani birlashtirgan kompyuter - axborot ta’lim modellarini ishlab chiqish va amalga oshirish.

Zamonaviy texnik o‘qitish vositalaridan foydalanish kerakli natijaga erishish imkonini beradi - o‘rganishni yorqin, esda qolarli, qiziqarli qiladi, o‘rganilayotgan fanlarga hissiy ijobiy munosabatni shakllantiradi.

Hozirda o‘zgaruvchan maqsad va vazifalar zamonaviy ta’limga duch kelmoqda. Sa’y-harakatlarda bilimlarni o‘zlashtirishdan kompetensiyalarni shakllantirishga siljish kuzatilmoqda, asosiy e’tibor talabaga yo‘naltirilgan ta’limga qaratilmoqda. Talabalarni tayyorlash sifati ta’lim mazmuni, darslarni o‘tkazish texnologiyalari, uning tashkiliy-amaliy yo‘nalishi, muhiti bilan belgilanadi, shuning uchun ta’lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish zarur.

Barcha kasblar orasida o‘qituvchilik kasbi o‘zgacha va muhim ijtimoiy ahamiyat kasb etadi. Zero, o‘qituvchi yosh avlod qalbi kamolotining memori, yoshlarga ta’lim-tarbiya beruvchi insondir. Bugungi kunda u yoshlarni g‘oyaviv - siyosiy jihatdan chiniqtirib tabiat, jamiyat, ijtimoiy hayot, tafakkur taraqqiyoti qonuniyatlarini o‘rgatadi, yoshlarni mehnat faoliyatiga tayyorlab, kasb-hunar sirlarini puxta egallashlarida ko‘maklashadi va jamiyat uchun muhim bo‘lgan ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatlarni hal etadi. Ana shu mas’uliyat o‘qituvchidan o‘z kasbining mohir ustasi bo‘lishni, o‘quvchilarga tarbiyaviy ta’sir ko‘rsatib, ularning qiziqishi, qobiliyati, iste’dodi, e’tiqodi va amaliy

ko'nikmalarini har tomonlama rivojlantirish yo'llarini izlab topadigan kasb egasi bo'lishni talab etadi⁹⁶.

Hozirgi kunda eng qimmatbaho manba bu ma'lumotdir, eng almashtirib bo'lmaydigan vaqt esa zamonaviy insonga juda etishmayapti. Albatta, hayot sur'atlarining oshishi, vaqtning tezlashib borishi yosh avlodning dunyoqarashini shakllantiradi, qobiliyatini rivojlantiradi. Qobiliyatlar - odamning shunday psixologik xususiyatlaridirki, bilim, malaka, ko'nikma orttirish shu xususiyatlarga bog'liq bo'ladi, lekin bu xususiyatlarning o'zi bu bilim, malaka va ko'nikmalarga taalluqli bulmaydi. Masalan, ikkita bola institutga kirayapdi deylik. Ulardan biri test sinovlaridan muvaffaqiyatli o'tdi, ikkinchisi o'tolmadi. Bunda ulardan birining qobiliyati ortiq degan xulosaga kelib bo'lmaydi. Bilim orttirishdagi muvaffaqiyatning faqat bir o'zi bilan qobiliyatni aniqlab bo'lmaydi. Qobiliyatlar bilim, malaka va ko'nikmalarini egallashda namayon bo'lsa ham ular bilim, ko'nikmalarga taalluqli bo'lmaydilar. Odamning qobiliyatlari bilim va ko'nikmalarni egallash uchun faqat imkoniyat hisoblanadi. Bu bilim va ko'nikmalar egallanadimi yoki yo'qmi, bularning hammasi, juda ko'p sharoitlarga bog'liqdir. Bolada namayon bo'lgan musiqa qobiliyati uning musiqachi bo'lishiga kafil bo'la olmaydi. Bolaning musiqachi bo'lishi uning unga maxsus ta'lim berilishi, qat'iylik, salomatligining yaxshi bo'lishi, musiqa asbobi, notalar va boshqa sharoitlar bo'lishi kerak. Bularsiz qobiliyat taraqqiy etmay, so'lib ketishi ham mumkin. O'quvchida hali zaruriy ko'nikma va malakalar sistemasi hamda mustahkam bilimlar va tarkib topgan ish uslublari yo'qligiga asoslanib, jiddiy tekshirmay shoshilinch ravishda unda qobiliyatlar yo'q deb xulosa chiqarish pedagogning jiddiy xatosi buladi. Bolalik paytida ma'lum qobiliyatlarning atrofdagilar tomonidan tan olinmaganligi, keyinchalik shu qobiliyat tufayli shon – shuhrat topgan odamlar ko'p. Demak, qobiliyat shakllanishida atrof muhit omilining o'rni katta ekan.

Pedagogik faoliyatning samarali bo'lishi pedagogik mahoratga erishish uchun o'qituvchida quyidagi qobiliyat turlari mavjud bo'lmog'i va tarbiyalab yetishtirilmog'i lozim. Bilish qobiliyati, kuzatuvchanlik qobiliyati, nutq qobiliyati, tashkilotchilik qobiliyati, obru ortira olish qobiliyati, to'g'ri muomala qilish qobiliyati, kelajakni ko'ra bilish qobiliyati, diqqatni taqsimlay olish qobiliyati. Bu pedagogik qobiliyatlar shaxsning aqliy tomonini ham, emotsional – irodaviy tomonini ham xarakterlab beradi. Bu sifatlarning hammasi bir – biri bilan o'zaro bog'langan bo'lib, bir - biriga ta'sir etadi va bir butunlikni hosil qiladi. Bu esa samaradorlikning garovidir.

Zamonaviy o'qituvchi o'zi o'qitmoqchi bo'lgan bolalar XX asrda tug'ilib, maktabga kelganligini aniq tushunishi kerak, demak, ular 80-90-yillardagi bolalar avlodlariga qaraganda butunlay boshqa axborot makonida o'sgan va shakllangan. Shubhasizki, kompyuter sevimli mashg'ulotga, maktab o'quvchisi hayotining ajralmas xususiyatiga, ba'zan esa, afsuski, eng yaxshi do'stga aylanadi.

Yuqorida aytib o'tganimizdek, o'qituvchi pedagogik faoliyat jarayonida ko'plab funktsiyalarni bajaradi. Ushbu funktsiyalarning muvaffaqiyati o'qituvchining shaxsiyati, uning kasbiy fazilatlari bilan belgilanadi. Pedagogik ishning o'ziga xosligi unga, uning shaxsiyatiga bir qator talablarni qo'yadi, ular kasbiy ahamiyatga ega shaxsiy fazilatlar deb ataladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurahimova D.A., Mavlonova R.A. Pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma. T., Fan va texnologiya nashriyoti, 2012.
2. Azizxo'jayeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma. T., O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006.
3. Ishmuhamedov R. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari. T., Nizomiy nomidagi TDPU, 2009.
4. Ochilov M. «Yangi pedagogik texnologiyalar» Qo'llanma. Qarshi: Nasaf, 2000.
5. Omonov H.T. va boshqalar. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. Qo'llanma. T., 2009.
6. Xoliqov A.A. Pedagogik mahorat. Darslik. T., Iqtisod – moliya nashriyoti, 2011.

⁹⁶ Xoliqov A.A. Pedagogik mahorat. Darslik. T., Iqtisod – moliya nashriyoti, 2011, 11-b.

SOBIR O'NAR ASARLARIDA DIALEKTIZMLARDAN FOYDALANISH

Annotatsiya. Bu maqolada biz Sobir O'narning "Bibisora,, qissasida shevaga xos so'zlardan qay darajada unumli foydalanganligini ochishga xarakat qilamiz.

Kalit so'zlar: dialektizm, fonetik dialektizm, morfologik dialektizm, leksik dialektizm, qipchoq lahchasi

Biz bilamizki, o'zbek tili turkiy tillar ichida ko'p shevali tillar sirasiga kiradi. Dialektizmlar tilning ajralmas qismi sifatida badiiy asarlarda ham o'z o'rniga egadir. Badiiy so'z ustalari asar tilining boy va jozibador bo'lishida shevaga xos so'zlardan ko'p foydalanishadi. Bu yo'l bilan yozuvchi mahalliy kolotirni berish orqali real hayot tasvirini ochishga, mahalliy aholini qaysi tabaqa vakili ekanligini va shu bilan birga personaj nutqi orqali o'sha davr muhitini kitobxon xayolotida jonlantirishga erishadi. Abdulla Avloniy, Cho'lpon, Tog'ay Murod, Shukur Xolmirzayev, O'lmas Umarbekov, O'tkir Xoshimov, Ulug'bek Hamdam, Normurod Norqobilov, Sobir O'nar kabi ijodkorlar asarlarida dialektizmlardan unumli foydalanganliklarini ko'rishimiz mumkin. Dialektizm – adabiy tildagi dialektlarning oziga xos hududiy unsurlari bo'lib, badiiy ijodda ulardan narsa va voqeaga mahalliy urg'u berish maqsadida personaj nutqini individuallashtirish uchun qo'llaniladi. Dialektizmlar ham o'z o'rnida 3 turga bo'linadi: leksik dialektizmlar, fonetik dialektizmlar, morfologik dialektizmlar. Leksik dialektizmlar – badiiy asarlarda shevaga oid so'zlarning badiiy qo'llanishi. Fonetik dialektizmlar – asarda muayyan shevaga oid fonetik xususiyatlarning aks etishi. Morfologik dialektizmlar – shevaga xos morfologik elementlarning badiiy asarda qo'llanishi. Badiiy adabiyotda 2 o'rinda dialektizmlardan foydalaniladi: 1. Qahramonni muayyan sheva vakili ekanligini ko'rsatish; 2. Mahalliy kolotirni berish maqsadida;

Dialektizmlardan unumli foydalanish yozuvchining mahoratidan dalolatdir. Bu maqolada biz Sobir O'narning "Bibisora" qissasida shevaga xos so'zlardan qay darajada unumli foydalanganligini ochishga harakat qilamiz. Biz bilamizki, Ijodkor Samarqand viloyati Qo'shrabod tumanida tavallud topgan. Shu sabablimi, ijodkor asarlarida ko'proq qipchoq lahja ustunlik qiladi. Qipchoq shevasi j- lashgan hamda a-lashgan shevalar sirasiga kiradi. Asarda qishloq hayoti, sodda insonlarning oddiy turmush tarzi, qishloqdagi ijtimoiy muhitning sustligi, Chegachi chol va uning o'g'lidan butun qishloq ahlining qo'rqishi, hatto pokiza qizlarini ham ularning changalidan qutqara olishga jazm qilolmasligi, Jahongirni gazablantiradi. Faxriddin bor payti uni tovonini o'pganlar u ketgandan keyin Jahongir tomonga o'tib "tog'amni o'g'li" deb u bilan faxrlanadilar. Asarni o'qigan inson o'zini qishloq odamlari orasida yurgandek his etadi. Boisi, shevaning qahramonlar dialoglarida uyg'unlashib ketganligidir. Asardagi leksik dialektizmlarga e'tibor berayik:

1. Akasi posang askar kiyimida, shapkasini do'ndirib tushgan bo'lsa ko'ring qizig'ini.

Posang sozi chiroyli kiyingan degan ma'nosini bildirib kelgan.

2. Xullas Saypi mallim qadami hoppoylab bilan oltmish hoppoy maydonning narigi tomoniga bir chiziq chizdi.

Hoppoy – bir qadam oraliq'iga teng o'lchov birligi.

3. Tanya chechamdan xat dedim.

Checha – Samarqandda aka yoki amakini xotini

4. Amakim shunaqa enasi bilan ham otasi bilan ham eshgirib hazil qilaverar edi.

Ena – ona

Eshgirmoq – adabiy tilda ozidan ketgan iborasi bilan sinonim.

5. Tanya kelingiz zo'rda, hali poychalari shildinglab bir xizimatingizni qilsin.

Shildinglamoq – adabiy tilda yengil kiyinmoq

6. Ena, qo'ying, bir pasil otirsin.

Bir pasil – biroz, vaqtga nisbatan

7. To'lg'onoy bunga joy sobber toza tinkasi quribdi, - dedi jerksinib.

Tinka – mador, hol.

Toza – juda, ma’noni kuchaytirish uchun ishlatilgan.

Morfologik dialektizmlar:

1. Kelinni ko‘pkari jo‘ralaridan birining saman qashqasig‘a mingashrtirib keldi.

Qashqasig‘a – ga jonalish kelishigini shevaga xoslanishi

2. *yangam ota-onasinikiga “choy ichdi” bo‘lib keldi qudag‘aylar yetovida.*

Quda so‘ziga *g‘ay* qo‘shimchasini qo‘shish natijasida hurmatlash ma’nosi kuchaygan.

Fonetik dialektizmlar:

1. Ho‘ Jonibekop, kelin moyli oyoq bo‘lsin!

V tovushi P ga o‘zgarishi

2. Birov bir nima desa noma‘qulning nonini jepti.

Y tovushi bilan j tovushini almashishi (j-lashish)

3. O‘h bo‘lamning bolasi molodes, jo‘rnalis bo‘ladi bu.

u fonemasi bilan o‘ fonemasiga o‘zgarishi

4. Xotining bilan ko‘pkari o‘ynayberasan endi.

v tovusi bilan b tovushi o‘zgarishi

5. Bir bo‘larli ul tuqqan emish.

O‘gil so‘zini shevaga xoslanishi natijasida tovush tushishi va tovush almashinishi hodisalarini kuzatishimiz mumkin. Bundan kelib chiqib shuni aytishimiz joizki, Sobir O‘nar o‘z asarlarida dialektizmlardan unumli foydalanib o‘z mahoratini ko‘rsatgan desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Dialektizmlardan unumli foydalanish badiiy ijodning, muayyan nutqning badiiyligini uslubning ta’sirchanligini oshiradi. Dialektlar adabiy tilning boyishi uchun tabiiy manba bo‘lib xizmat qiladi. Dialektlar dastlab adabiy tilga singib ketishi qiyin bo‘ladi, lekin adabiyot kuchi orqali bir asarda qo‘llanilgan dialektizm ikkinchi asarga o‘tadi va shu tariqa umumxalq mulkiga aylanib, adabiy tilda o‘zlashib ketadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. S. Ashirboyev. O‘zbek tili dialektologiyasi. Toshkent. 2003. 88-b

2. Sobir O‘nar “Bibisora” Toshkent. “O‘zbekiston” nashriyoti. 2011. 45-b

N.Qurbonova (SamDU, talaba)

“CHINOR” ROMANIDA PEYZAJ TASVIRI

Annotatsiya. Ushbu maqolada Asqad Muxtorning ko‘plab muhokamalarga sabab bo‘lgan “Chinor” romanidagi tabiat tasviri qiyosiy o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: Peyzaj, fasllar, kuz, tashbeh, real tasvir.

“Peyzaj” fransuzcha *paysage* – “mamlakat”, “joy” degan ma’nolarni anglatib, rassomchilik va haykaltaroshlikda tabiatni aks ettiruvchi janr yoki shu janrda yaratilgan alohida asarir. Adabiyotda peyzaj - badiiy so‘z vositasidagi tabiat tasviri ifodasida namoyon bo‘ladi. Peyzaj orqali yozuvchining o‘z asarida tanlangan ifoda usuli va ijodiy uslubi bilan bog‘liq holda turlicha vazifalarni bajarishi mumkin. Tabiat manzarasi tasviri orqali yozuvchi o‘zining yurtiga, Vataniga, ona tabiatiga bo‘lgan munosabatini ifodalaydi. Peyzaj syujetning tarkibiy qismlaridan biri bo‘lib, asarning g‘oyaviy - estetik quvvatini oshirish, qahramonning ichki dunyosini ochish kabi vazifalarni bajaradi. Bu bilan peyzaj badiiy asarda ishtirok etuvchi personajlarni yanada to‘laqonli ifodalashga xizmat qiladi. Badiiy asarda peyzajdan 2 xil usulda foydalaniladi: qahramonning ruhiy holatini tabiat tasviri bilan parallel ravishda tasvirlash va kontras usulda tasvirlash.

Badiiy asarlarni o‘qish davomida, tabiat tasviri ifodalangan o‘rinlar diqqatimizni tortadi. Asqad Muxtorning “Chinor” romanidagi peyzaj tasvirlarini o‘qigan kitobxon qalbida u jonlanadi, go‘yoki asar voqealari talqiniga olib kiradi.

“Endi ikki qavatli uydek katta qoya toshni ko‘z oldingizga keltiring. Shu qoyaning ichiga o‘yilib kirib ketgan katta tabiiy g‘or. G‘orning tosh shiftidan to‘rt - besh gaz uzunligidagi millionlab sumbul pastga qarab solinib yotibdi. Sumbulning har bargida tiniq buloq suvi tomib turardi

.G'orning og'ziga yaqinlashganingizda siz, avvalo, quyosh nuri va buloq suvi zarralaridan paydo bo'lgan ajoyib nay kamalakni ko'rasiz, keyin ko'zingiz sal ko'nikkach bosh ustringizda qora soch tolalaridagi milliard - milliard yiltiroq bargchalarda ko'z yoshiday mo'lt - mo'lt etib turgan tomchilarni, ularning oyoq ostingizdagi oydin buloqqa yomg'irdek tomishini ko'rasiz, bag'ringizga rohatbaxsh, salqin kelib uriladi".

Romandagi har bir hikoya va qissalardagi tabiat tasviri qahramonlar ruhiyati bilan hamohang tarzda yoritilgan. Jumladan, yuqoridagi parcha Orif aka va cho'lni o'zlashtirish bilan bog'liq voqealar silsilasida namoyon bo'lgan. Orif akani insonparvar obraz sifatida gavdalandirgan unsurlardan biri peyzaj tasviridir.

Asqad Muxtor nazmda ham ijod qilgani bois, uning asarlaridagi peyzaj tasviri yanada go'zal qiyofa kasb etadi:

"Quyoshli Kuz ertasi juda chiroyli edi. Yo'l bo'yidagi qayrag'ochlarning shapaloqdek - shapaloqdek qizg'ish barglari oyoq ostida shitirlaydi, ko'lmak suvlar jimirlaydi. Tog' shabadasi Shodasoyning sovuq shovqinini daralarga taratmoqda. Uzoqda qorli cho'qqilar quyoshga o'chakishgandek yilt - yilt charaqlaydi, kungay yonbag'irlarida saf tortgan archalar qorayib ko'rinadi". Ushbu parchani o'qish davomida o'quvchi ko'z o'ngida kuz tasviri, uning o'zgacha tarovati namoyon bo'ladi, barchaga huzur baxsh etadigan havo va tanish manzaralarni yodga soladi. Romadagi kuz tasvirini o'qirmon xotirasida beixtiyor boshqa adib va yozuvchilarning asarlaridagi peyzaj tasviri jonlanadi.

"Oy singan qizil lagandek bo'lib bo'zarib chiqdi. U sekin - sekin havolanib terak bo'yi ko'tarildi-da, qimirlamay osilib qoldi. Birin -ketin yulduzlar ko'zi ravshanlana boshladi. Osmoni zaminda arava orqasidan ko'tarilgan to'zondek bo'lib somonchi yo'li ko'rindi". Barcha entikib, sevib o'qiydigan "Ufq" romanidan olingan ushbu parchadagi peyzaj tasviri Said Ahmadning til vositalaridan o'rinli foydalanganini, betakror badiiy mahoratini va so'zga chechan yozuvchi ekanligini ifodalaydi. Yuqorida keltirilgan peyzaj tasviri insoniyat tafakkur va tasavvur olamini boyitadi.

Ijodida realistik tasvir ustuvor bo'lgan yozuvchi Shukur Xolmirzayev ijodida ham peyzaj tasviri aniqligi va jonliligi bilan shuhrat qozongan. Yozuvchi, ayniqsa, fasllarni mohir rassomdek tasvirlaydi. Shukur Xolmirzayevning "O'n sakkizga kirmagan kim bor" qissasida kuz tasviri g'oyat chiroyli jonlantirilgan: "Kuz keldi. O'riklardan endi yaproqlar ucha boshladi. Bog' oralab ketgan yo'lakka ham yaproqlar qo'nardi..."

Birinchi yomg'ir yog'ib o'tib, havoda qurigan o't va qovjiragan xazonlarning talx hidi anqib turgan bir kuni Zaynabxon Jalolov bilan choshgohda kirib keldi".

Xulosa qilib aytganda, Said Ahmad peyzajni ko'proq tashbeh vositasida, Shukur Xolmirzayev esa tabiat boricha qanday bo'lsa, shu holatda tasvirlashi bilan, Asqad Muxtor esa ham real, ham tashbehlar vositasida ifoda yo'siniga egaligini ko'ramiz. Peyzaj tasviri kitobxon qalbiga chuqur ta'sir etadi, hatto uning mimikalarida ham o'zgarish holatlarini paydo qiladi. Peyzaj o'quvchining go'zal tuyg'ularini uyg'otadi, shuningdek, tarbiyaviy va ma'rifiy vazifalarni ham uning ong-u shuuriga jo qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000.
2. Shukur Xolmirzayev. O'n sakkizga kirmagan kim bor. - Toshkent : Yangi asr avlodi, 2020. 26-b
3. Asqad Muxtor. Chinor. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2017. 54- bet
4. Said Ahmad. Ufq. - Toshkent: Sano-standart, 2019. 435-bet

ADABIYOT DARSLARIDA MUMTOZ SIYMOLARNING ASARLARINI INTERFAOL USULLAR ORQALI O'RGATISH

Annotatsiya. Maqolada akademik litseylarining adabiyot darslarida mumtoz siymolarning merosini o'rganishning o'ziga xos usullari haqida so'z yuritilgan. Badiiy asarlarning o'quvchilarga o'rgatilishi ularda vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirib, komil inson bo'lib shakllanishida katta ahamiyatga ega.

Kalit so'zlar: mumtoz siymolar, lirik asar, vatanparvarlik, interfaol usul, adabiyot metodikasi, dunyoqarash.

Mustaqillik sharofati bilan har jabhada yangilanish va poklanish, milliy an'analarni tiklash hamda takomillashtirish, uni jahon andozalari darajasiga ko'tarish hodisalari yuz bermoqda. Adabiyot o'qitish tizimida bu harakat erta boshlanib, darsliklar sifat jihatidan yuqori ko'tarildi. Yangilangan darsliklarimizda, ayniqsa, mumtoz adabiyotimizning ilgari o'rganilmagan manbalariga katta e'tibor qaratilgani quvonarlidir. Oliy o'quv yurtlarida ma'lumot berilgan tasavvuf ta'limotini bugun maktab o'quvchisi ham o'rganish imkoniga ega bo'lmoqda.

Bu hol adabiyotning ma'naviy ta'sirini kuchaytirish, o'quvchilarning merosimizni o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini oshirishga yordam bermoqda. Masalan, VII-XI sinf adabiyot darsliklarida Yusuf Xos Hojib, Nosiriddin Rabg'o'ziy, Atoiy, Lutfiy, Navoiy, Bobur, Mashrab, Turdi, Nodira kabi adiblar ijodi, tasavvuf adabiyoti namunalari berilgan. Bu esa o'qituvchining mumtoz adabiyot namunalari, tasavvuf adabiyoti va tasavvuf ta'limoti to'g'risida keng bilimga ega bo'lishini, shuningdek, bu mavzuga tegishli yangi adabiyotlar bilan muntazam tanishib borishini taqozo etadi.

Adabiyot jamiyat bilan birga mavjud bo'lsa-da, uning ko'tarilish hamda tushish bosqichlari hamisha ham jamiyat taraqqiyoti pog'onalariga mos tushmagan. Adabiyot o'z qonunlari asosida yashaydi. Masalan, Bobur temuriylar saltanati tanazzulga yuz tutib, mamlakatni ulkan bezovtaliklar o'z girdobiga tortgan, bir sulola o'rnini ikkinchisi egallayotgan paytda maydonga keldi. Yurt egalari vatandan quvildi. Ammo ular naqadar yuksak adabiyot namunalari qoldirdilar! Boburdan keyin eng yirik ijodkor sanalgan Ogahiy ko'hna Xorazm shuhrati so'nib, yurt o'z qobig'iga o'ralib, dunyodan uzilgan, bosqinchi Rusiya Turkiston sarhadlarini birma-bir egallab olayotgan bir paytda yashab o'tdi. Lekin shoirdan qolgan asarlarning qimmatini qanchalar baland. Muqimiy, Furqatlar adabiyotni ilohiy dard-u g'am ifodasidan yerdagi tashvishlar tomon olib tushgan bo'lsalar, Fitrat, Cho'lpon, Hamza, Saryomiy, Tavallo, Avloniy singari shoirlar zamon jarohatlarini satrlarga ko'chirib, yangi o'zbek she'riyatini oyoqqa qo'yidilar. Qodiriy o'zbek romanchiligini boshlab berdi. Fitrat chinakam o'zbek dramachiligining asoschisi bo'ldi, yangi o'zbek adabiyotshunosligining dastlabki namunalari yaratdi. Sho'rolar zamonida badiiy adabiyot to'lig'icha mafkuraga bo'ysundirildi.

Badiiy adabiyot bugunni kecha va erta bilan bog'laydi. Bu bog'lanish shunchaki vaqtni emas, balki inson ruhiyati, tafakkurini va orzu-umidlarini ifodalagani uchun ham muhim ma'rifiy, estetik, axloqiy, tarbiyaviy, kommunikativ va ruhiy ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan, qanchalik o'ziga xos bo'lmasin, badiiy adabiyotning taraqqiyotini jamiyat hayotidagi o'zgarishlardan ayri qarab bo'lmaydi.

Har bir pedagog shuni doimo hisobga olishi va esda tutishi lozimki, dars o'quv-tarbiya jarayonining asosiy shaklidir. Dars jarayonida har tomonlama rivojlangan shaxsni tarbiyalashga e'tibor qaratiladi, birinchi navbatda bu amalga oshiriladi. Shuning uchun ham mamlakatimizda faoliyat olib borayotgan soha mutaxassislarining fikricha "Pedagogik texnologiya" bu o'quvchilarni o'qishi, o'rganish va ularni har tomonlama rivojlantirish qonun-qoidalarini o'z ichiga olgan pedagogik tadbirlar tizimida iboratdir deyiladi. Ta'limni texnologiyalashtirish ta'lim jarayonini samaradorligini oshirish va ta'lim oluvchilarni berilgan sharoitda hamda ajratilgan vaqt ichida loyihalashtirilayotgan o'quv natijalariga erishishlarini kafolatlash maqsadida uni to'liq boshqarish g'oyasini tashkil etishdir. Pedagogik adabiyotlarda ta'lim texnologiyalariga doir asosiy tushunchalarning mazmun va mohiyoti yoritilgan bo'lib, biz ularning ayrimlariga to'xtalamiz.

О‘қитишни texнологиялаштириш – бу о‘қитиш jarayoniga texnologik yondashish asosida ta’lim maqsadlariga samarali erishishning eng maqbul usul, vosita, qonuniyat va tamoyillarini tadqiq qiluvchi hamda ochib beruvchi pedagogik yo‘nalishdir. Akademik litseylardagi ta’lim mazmuni yo‘nalishi va o‘quvchilarning adabiyotdan o‘zlashtirishi zarur bo‘lgan bilimlarni ehtiyoj va qiziqishga muvofiqlashtirib tavsiya etish ma’qul deb hisoblandi. Bunda o‘quvchilarning adabiyotga e’tiborini kuchaytirish, hazrat Navoiy asarlari mohiyatini anglash, o‘z adabiyot fani tarixi, o‘ziga xos tabiatini bilish, asarlaridan to‘la foydalanish imkoniyatlarini izlashi lozimligini tushuntira va singdira olish orqali amalga oshirilishiga e’tibor berildi. Bunday talablarning qo‘yilishi orqali o‘quvchilarni mustaqil va hur fikr sohibi, badiiy so‘zni anglaydigan, undan ta’sirlanadigan, erkin shaxslar sifatida shakllantirish maqsadi ko‘zda tutilgan.

Mustaqil demokratik jamiyat qurilishida insonning ma’naviy etuk bo‘lishi, o‘z hayoti va kelajagining bunyodkoriga aylanishi, umuminsoniy madaniyatni egallashi, o‘z Vataniga halol xizmat qila oladigan, ham ma’nan, ham jismonan barkamol yoshlarni tarbiyalash davlatimiz siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biridir. Respublikamizda o‘rta maxsus, kasb-hunar ta’limi quyidagi bilim sohalari va akademik litseylar bo‘yicha tashkil etilgan bo‘lib, ularda adabiyot fanidan yagona dastur asosida o‘qitiladi. Adabiyot va adabiyot o‘qituvchisi ta’lim muassasasining yo‘nalishini hisobga olgan holda ta’lim mazmunini kasbiy yo‘naltirishga e’tiborni qaratishi lozim.

Adabiyotlar royxati

- 1.Rajabova I. Adabiyot darslarini interfaol usullarda tashkil etish. -T.: “Tamaddun”, 2010.
- 2.Rafiev A. va boshqalar. O‘zbek tili va adabiyoti. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. -T.: “Sharq”. 2004.
- 3.Tolipov O‘, Usmonboeva M. Pedagogik texnologiyalarning tadbqiqiy asoslari. O‘quv qo‘llanma. -T.: 2006. - 261 b.
- 4.To‘xliiev B., R.Niyozmetova va boshqalar. Til va adabiyot ta’limining zamonaviy texnologiyalari. -T.: 2011.
- 5.To‘xliiev B. Adabiyot. Akademik litseylarning birinchi bosqichi uchun darslik. -T.: 2004.

Н.Х.Ашурова (ТДЎТАУ тадқиқотчиси)

ЗУЛФИЯ ҚУРОЛБОЙ ҚИЗИ РОМАНЛАРИДА АЁЛ РУҲИЯТИНИНГ БАДИИЙ ИНЪИКОСИ

Аннотация. Мақолада замонавий ўзбек адибалари ижодида аёл образи, хусусан таниқли ижодкор Зулфия Қуролбой қизи қаламига мансуб “Машаққатлар гирдобини” ва “Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари” романида аёлларнинг кўнгил асрорлари, бахту-саодати, орзу-умидлари, интилишлари, жамиятда, оилада тутган ўрнининг бадий талқинида гавадалантирилган ҳолатлари таҳлилга тортилган. Шунингдек, ўзбек аёлининг қатъиятлилиги, меҳнатсеварлиги, оилапарварлиги, болажонлиги, маънан юксаклиги ҳамда аёл кўнгилнинг сир-асрорлари хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: аёл, образ, жамият, эрк, оила, тадбиркор, тақдир.

Аёл... У чексиз уммон, сирли тилсимот, унинг руҳиятида тўрт фасл жо бўлганлиги, бир сўз билан айтганда мўъжиза эканлиги аини ҳақиқат. Аёл деб аталган бу мўъжизанинг ҳали том маънода сир-синоати, ўлчови ва ярашқли баҳоси топилганича йўқ. Аёл эранги кун давомчиси, миллат фахридир. Шоира Турсуной Содиқова таъбири билан айтганда: “... миллатнинг сифат белгисини аёл таъминлайди” [6;183]. Аёлни – она, онани - Ватанга қиёс қилинишида ҳам бир ҳикмат бор.

Маълумки, ҳозирги ўзбек адабиётида адибалар ижодида аёл образи етакчи қаҳрамон сифатида гавадаланади ҳамда улар адабиётга ўзбек аёлининг бадий идрок этилмаган характерларини, қиёфаларини, ҳис-туйғулари ва қалб кечинмаларини олиб киришди. Аёлларнинг оилада ва жамиятда тутган ўрнини, турли тақдирлар ва синовларда тобланган, аччиқ қисмат битикларини бошидан кечирган аёллар ҳаётини маҳорат билан таъриф эта олишди. Мана шундай истеъдодли адибалардан бири Зулфия Қуролбой қизидир.

Зулфия Қуролбой қизининг илк ҳикоясидаёқ бўртиб кўринган ва унинг ижодий такомилида қудратли бир қанот бўлиб хизмат қилган бу миллийлик, ўзбек миллатига хос бўлган туйғуларни ўзида мужассамлаштира олган сифатларни маҳорат билан тасвирлайди. Адибанинг кейинги йилларда нашр этилган “Армон асираси”, “Машаққатлар гирдобии” ва “Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари” сингари романлари миллий насримизда янгича мазмун, янгича кифо кашф этилганлигини исботлайди. Зеро, адабиётшунос Умарали Норматов таъкидлаганидек, “...Зулфиянинг бир вақтлар танқидчиликда менсимай қараладиган, унча хуш кўрилмайдиган ижтимоийликдан холи соф “кўнгил майллари нағмалари” талқини адабий тажрибалари йўлидан бориб яратган қатор ҳикоялари, ... ўзининг бадиий-маънавий таъсир кучи жиҳатидан соф ижтимоий йўналишдаги етук асарлардан асло қолишмайди” [5]. Ҳақиқатдан ҳам Зулфия Қуролбой қизи ижодининг дастлабки босқичларига қараганда, кейинги яратилган асарлари (“Армон асираси”, “Машаққатлар гирдобии” ва “Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари” романлари)даги ўзига хос услубий теранлик, халқчил, иборалара, қочиримли сўзларнинг янада сайқалланганлигини, фалсафий тус олганлигини кўришимиз мумкин. Унинг “Машаққатлар гирдобии” романида ҳаётнинг турли зарбаларида ўз йўлини йўқотган, адашган қисматлар галерияси чизиб берилади. Асар қаҳрамонлари Даврон ва Гулруҳ образлари орқали тирикчилик заҳматлари ортидан ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлишлари, инсон кадр-қиймати, эрк, ватан соғинчи сингари масалалар еткази ўринни эгаллайди. Шунингдек, асарда аёлларнинг турли хил характер хусусиятлари, ўй-кечинмалари, кўнгил асроридаги туйғулари ҳам чиқиб берилади. Гулруҳ образи орқали инсоннинг нафақат ташқи гўзаллиги балки ахлоқий поқозалиги, маънан бойлиги эътироф этилади. Асарда Пўлат Дамирович ва Ҳаким Назаровичдай ҳеч кимга бўйин эгмайдиган, ўзгалар кўнгли билан ҳисоблашмайдиган, қалб асрорида ёвузлик ин қурган бу каби инсонларни Гулруҳ тиз чўктиради. Инсон дунёда яхшилик улашиши, эзгу мақсадлар сари интилиши, ҳаётнинг гўзаллигини Пўлат Дамирович ва Ҳаким Назаровичга англантиб қўйишга имкон топади. Гулруҳнинг маънавий – ахлоқий гўзаллиги билан ўзгалар ҳаётида туб бурилиш ясай олиши, руҳий оламнинг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади.

Адиба аёллардаги бу каби назокатни, оқилликни, маънавий гўзаллиги ва ахлоқий сифатлари орқали ҳар қандай ёвузликни, пасткашликни, инсон кадр-қийматини ерга уриш ортидан роҳат қилувчи Пўлат Дамирович ва Ҳаким Назаровичга ўхшаган инсонлар ҳаётида туб бурилиш ясай олишини намоён эта олади. Ёлланма ишчилар Пўлат Дамирович ва Ҳаким Назаровичга ҳеч қачон тик боқиб, унинг фикр-мулоҳазаларига қарши турмаган (қарши борганларнинг қисмати Хусан сингари аянчли якун топишини билишар эди), ҳар қандай масалада ҳам доим итоаткор бўлишган. Гулруҳ аёл бўлсада улар олдида дадил гапириб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши баробарида уларга очикчасига қарши тура олган эди. Ўз мақсадига эришиш йўлида Пўлат Дамирович ва Ҳаким Назарович Гулруҳга қанча таклиф киритишмасин, у ўз шаънини, аёллик ифатини сақлай билади. Пўлат Дамирович ва Ҳаким Назаровичга ўхшаш кимсалар ҳар қандай йўл билан аёлларни ўзига оғдириш, уларни ўзиники қилиб олиш маҳорати юқори бўлганлиги билан характериладир. Аммо ҳаётда барча аёллар ҳам Ҳаким Назарович ва Пўлат Дамирович ўйлагандек моддиятнинг қулларига айланиб улгурмаган, ўзлиги ва шаънини устун қўйгувчи аёллар ҳам борлигини Гулруҳ мисолида исботлаб беради. Шунингдек, унинг жасорати, ахлоқий поқизалиги, уздабуронлиги ва ширин сўзлиги оқибатида қулликка маҳкум бўлган ва келажаги мавҳумликка фарқ бўлган кимсаларни ҳалокатдан қутқариб қолади. Уларнинг ҳам ватанга қайтишига сабабчи бўлади.

Адибанинг “Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари” романида ғоявий-бадиий мундарижасининг теранлиги, тасвир ва ифода ранг - баранглигининг кенгайганлиги, қаҳрамон тасвирида ҳаққонийлик, тилида халқчиллик, ибратли, қочиримли сўзларнинг маҳорат билан қўлланганлиги боис ўзгача жозибадорлик касб этгани диққатни тартади. Унинг “Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари” романида ҳаёт деб аталмиш синовли масканда ўз ўрни ва мавқеини тинимсиз меҳнат ортидан рўё қилган аёл - Назира Шодмонова қисмати маҳорат билан ёритиб беради. Шунингдек, адиба асар воқеликларини тасвир этиш асносида оилада хусусан инсонлар ўртасида аёлларга бўлган қарашларни, уларга “шаҳар олиб

берармидин” қабилида ёндошиш масалаларини ҳам олиб чиқади. Бу оғриқли ва аёлларга хусусан қизларга, уларнинг келажагига қўштирноқ остида қаровчиларнинг “аёл ҳам инсон, унинг ҳам қалби борлигини” исботлаб беради. Аёлларда кўнгил иши жуда нозик масала эканлигини ошкор этади ва буни асар қаҳрамонлари тилидан ифодалаб беради. Аёл қачон бахтли бўла олади? Аёл кимгадир керакли эканлигини қалбан англаганида, оила бағрида, фарзандлар тафтини ҳис қилганида, ёнида севимли ёри, қалқони бўлганида ўзини янада бахтли ҳис қила олади. Адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев таъкидлаганидек, “Аёл зоти бор ҳамиша унитилишидан, назарга олинмасликдан, эътибордан қолишдан кўрқиб яшайди” [4;482]. Аёл - аёл сифатида қадрланмаса, эътибордан, эътирофдан йироқ бўлиб яшаши уни руҳан азоблаши ҳақиқатдир. Асар воқеалари ривожда кўришимиз мумкинки, Ҳамробуви қизлар тарбиясига жуда қаттиқ турганлиги, бўш вақтларининг тақсимотига эътиборли бўлганлиги, уй-юмушларига, сарамжон-саришталикка, озодаликка қизларини ўргатганлигини кўриш мумкин.

Асар воқеалар ривожда Назира иккинчи бор бахтли бўлиш, оила қуриш умиди, кўнглида яна баҳор келганидан масрур эканлиги кўрсатилиб берилади. У кўнглида баҳорнинг яна қайта бўй кўрсатганига, ҳаётида уни бахтли қилаоладиган инсонни учратиши унинг кўнглини нурафшон қилади. Мана шундай кунлардан бирида яхши ниятларда Жўрабекка турмушга чиқади, бир этак фарзандларнинг севимли онасига айланади. Аммо бора-бора Жўрабек билан ўртасидаги муносабатларда кемтиклик юзага келди. Оиланинг, рўзгорнинг оғир юки Назиранинг зиммасида, унинг масъулияти, вазифаси даражасига етказиб қўйган Жўрабек оила, фарзандлар учун меҳнат қилиш, изланиш, елиб-югуришдан бош тортади. Назиранинг қанча ялиниб-ёлворишига қарамасдан бирор ишнинг этагидан тутмайди. Бу ҳолатга Назира бора-бора кўникиб, мослашиб бораверади. Эрта-ю-кеч оилам, бола-чақкам деб тинмай меҳнат қилади, изланади. Асар персонажлари орасида ҳаёт синовларидан, турмуш чорраҳаларидан эсон-омон ўтиб олган зот – айти шу Назиранинг ўзидир. Энг муҳими, ғоят чигал, таҳликали дамларда ҳам у ўзлигига содиқ қолади, аёллик шаъни, ор-номуси, латофатига гард юқтирмайди. Бу аломат аёл жамики қийинчиликларни, рўзгор “юк”ини бўйнига олиб, турмуш чорраҳаларида умр йўлдоши Жўрабекни ҳам унга елкадош бўлишни ҳис этишга уринади. Афсус, бу аёл табиатидаги бебаҳо фазилатларни, истеъдодини, қалб тубидаги эзгу туйғуларини, юрт қорига яраш, обод этиш, ривожлантириш, халқнинг фаровонлиги йўлидаги олиб борган эзгу амалларини нафақат умр йўлдоши балки юқори мансаб эгалари бўлган Анвар Бўриев, Абдор Қодирович сингари амалдорлар ҳам пайкамади, қадрламади. Жамиятда Назирага ўхшаш тадбиркор аёлларнинг оёғига болта уриш истагида юрган, коррупцияни ўзига шиор қилган, ўз манфаатини устун қўйгувчи баъзи амалдорларнинг хатти-ҳаракатларидан норизо бўлади. Ҳақиқат, адолат барибари ғалаба қозонишига умид қилган Назира ҳаётда яхши, ҳалол инсонлар ҳам борлигини англаб, Суннат Аҳмедович сингари ўз ишининг устаси бўлган инсон уни оқлаб чиқади. Унга қўйилган айбловлар ноҳақ эканлигини исботлаб беради. Адиба аёлнинг кўнгил оламидаги эврилишлар, ноҳақликлардан озорланишларини Суннат Аҳмедович билан кечган суҳбатда намоён этади, “... қадимда аёлларни қурбонлик қилишга тўғри келганда улар орасидан тайинли яқинлари, таниши-билиши бўлмаган хотинни танлашаркан. Негаки унга тоғдай суянчиқ бўладиган, довуллардан ҳимоя қиладиган ҳеч ким бўлмас экан-да...” [2;505]. Назирада мана шундай тоғдай қалқони, суянадиган суянчиғи, дарддоши, елкадоши йўқ эди. Роман мутолааси чоғида мана шу ҳол бир армон бўлиб ўқувчи қалбини тирнайди. Аёл боши билан ўз куч ва манотантига, истеъодига, интилувчанлик, тадбиркорлик қобилиятига суяниб юқори марраларни эгаллади.

В.Алимасов “Гендер фалсафаси” китобида таъкидлаганидек: “Эркак буюкликка интилади, валеқ буюкликка етиш унга насиб этавермайди: аёл буюкликка интилмайди, аммо у мудом буюқдир” [1;45]. Ҳақиқатда Гулруҳ ва Назирадек аёллар том маънода буюкликка интилмадилар ва лекин уларнинг маънавий олами, ахлоқий сифатлари, қилган амаллари буюкликка дахлдордир.

Хуллас адиба аёллар руҳий оламини, кўнгил сир-асрорини нозик тасвирлайди, ўқувчи олдида бу оламнинг нозик кечинмалари, кўнгил асрорлари борлигидан огоҳ этади. Уларга заифа, ожиза сифатида эмас балки келажак давомчиси сифатида қарай олишдан, оилада ва жамиятда ҳам ўз ўрнига эга бўла оладиган кучга эга эканлигидан воқиф этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимасов В. Гендер фалсафаси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. 2008. – Б. 45.
2. Зулфия Қуролбой қизи. Машаққатли ҳаёт сўқмоқлари. “Янги китоб”. – Тошкент. 2020.
3. Зулфия Қуролбой қизи. Машаққатлар гирдоби. www.ziyouz.com кутубхонаси. – Б.
4. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. “Янги аср авлоди”. – Тошкент. 2006.
5. Норматов У. Қалбдаги беназир зиё. Веб-саҳифаси. 2010 йил.
6. Содиқова Т. Аёлга қасида. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2008. – Б. 326.

S.R.Bobomurotova (JDPI, magistrant)

OGAHİY DEVONIDA ZONIM SO‘ZLAR TAHLILI

Annotatsiya. Ushbu maqolada Ogahiy g‘azallarida qo‘llanilgan zoonim so‘zlarning ko‘chma ma‘noda qo‘llanilishi tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: leksika,devon,g‘azal,zoonim,badiiy obraz.

Biz mutaxassislar,bo‘lajak olimalar uchun muhtaram Birinchi Prezidentimizning “Biz ajdodlardan avlodlarga o‘tib kelayotgan bebaho boylikning vorislari sifatida ona tilimizni asrab-avaylashimiz, uni boyitish,nufuzini yanada oshirish ustida doimiy ishlashimiz zarur”[1,87],-degan purma‘no so‘zlari ilm-fanda chuqurroq izlanishlar olb borishimizga undaydi.Shu ma‘noda, biz mumtoz adabiyotimizning yorqin namoyondasi,shoir,tarjimon,davlat arbobi,kezi kelganda aytish joizki,o‘z zamonasining Rumiysi,Navoiysi[2,3] bo‘lgan Ogahiy Devonining leksikasi tahliliga e‘tiborimizni qaratdik. Tilning lug‘at sostavi, tildagi so‘zlar majmui leksika deb yuritiladi.Shu sababli leksika so‘zi adabiy tilning lug‘at sostavi ma‘nosida ham,biror sheva yoki dialektning lug‘at sostavini ifodalash uchun ham (dialektal leksika), ma‘lum bir kasb-hunar va sh.k.,sohaga xos lug‘at sostavi ma‘nosida ham (terminologik leksika), hatto ayrim yozuvchi asari (yoki asarlari)ning so‘zlari majmui ma‘nosida ham (Oybek asarlari leksikasi) qo‘llanaveradi. [3,67] Shu ma‘noda bugun biz Ogahiy Devoni leksikasini o‘rganishga kirishdik. Tilshunosligimizda Ogahiy asarlari tili hali yetarlicha o‘rganilmagan.Bu jarayonda tizimli va monografik jarayonlar sanoqli.Biz Ogahiy devonida zoonimlarga e‘tiborimizni qaratdik.Umuman, she‘riyatda zoonimlar,ya‘ni hayvon yoki qushlar nomi ko‘chma ma‘noda shaxs sifatini ifodalab kelishi ko‘p kuzatiladigan an‘anaviy badiiy hodisalardan biridir.Asarda badiiy obrazni yaratish va tavsiflash uchun qush turlari nomlaridan,umuman hayvon yoki jonivor nomlaridan foydalanishda uning ma‘nosini insonga ko‘chirish,albatta,qush,hayvon va shaxs orasidagi ma‘lum ramziy o‘xshashliklarga asoslanadi.Bunday o‘xshatishlar ko‘proq oshiqning ahvolini tasvirlashda qo‘llaniladi. Ogahiyning ko‘plab g‘azallarida ham aynan shu holatni ucharatishimiz mumkin. Shoir ,asosan, she‘rlarida oshiqning holatini tasvirlashda bulbul va qumrilardan ayrim holatlarda esa to‘ti,qarchig‘ay va boshqa qushlardan foydalanadi. Masalan “Ayshu tarab paydo” g‘azalida quyidagi misralar uchraydi:

Birov husn ichra topti sarvdek oroyishi qomat,

Birov ishq ichra qildi qumri oso larz-u tab paydo.

Birovga gul misllik orazi gulgun bo‘lib hosil,

Birovda bulbul aso bo‘ldi yuz sho‘r-u shaab paydo. [4,54]

Ma‘shuqaning qomati sarv daraxtidek tik,yuzi esa gul misli go‘zalligi uni ko‘rgan oshiqning qumridek nola qilib o‘rtanishi,bulbuldek kechalari fig‘on chekishini ma‘lum qilmoqda.Shoir “Bulbul fig‘on etgay guliston ustida” g‘azalida ko‘nglini qush singari kuylayotganligini bulbulning

gulzorda sayrashiga qiyoslaydi. Ya'ni bulbul erkin sayrashi uchun ,albatta,gulzor-guliston bo'lishi kerak.Buni quyidagi baytda ko'ramiz:

Kuyi uzra aylanib, faryod etar ko'nglum qushi,
O'ylakim bulbul fig'on etkay guliston ustida. [4,83]

Xalq og'zaki ijodida ham,yozma adabiyotda ham bulbul oshiq ramzini,gul ma'shuqa ramzini ifodalab,she'riy misralarda ko'pincha yonma-yon keltiriladi.Ogahiyning ko'plab g'azallarida ham aynan shu holatni ucharatishimiz mumkin.Masalan,"Gulshan ichra gul yuzing" g'azalida ko'rishimiz mumkin:

Gulshan ichra gul yuzing hijronida
G'am fizo bulbul navosidur mango. [4,89]

Bunda barcha gullar ichra ma'shuqaning gul yuzi hijronida g'amgin bulbul navosini kuylayotganligini ifodalayapti.Xuddi shu holatni aynan "Ul gul yuzi" g'azalida ham uchratamiz:

Faryodmu ko'nglumdin ko'yi aro fosh o'lg'on,
Yo bog' aro bulbuldin g'ul-g'ulmu ekan oyo.
Ey Ogahiy, olingda bulbulmu navo tortar,
Bulbul qoshida yohud chul-chulmu ekan oyo. [4,87]

Bundan tashqari shoir ijodida oshiqni to'tiga mengzash ham uchraydi. "Mehri anvardin judo" g'azalida oshiqni to'tiga o'xshatadi. To'ti shakardan judo bo'lsa sayray olmagani singari, ma'shuqaning shirin so'zlarini eshitolmagan oshiqning gung bo'lib qolganligini mubolag'ali tarzda ifodalaydi:

Gung-u lol o'lsam ne tong shirin kalomin topmayin,
So'z degaymu to'ti o'lgan chog'da shakkardin judo.[4,73]
Yana "Sallamno" g'azalida ham to'ti timsoli kiritiladi:

Labing shirin takallumdin o'lukni tirgizib,aylar,
Suxanvar to'ti oso shakkaristonigga sallamno. [4,90]

Yorning so'zi shunchalar shirinki,hatto o'likni tiriltirib yuboradi.Xuddi shakariston to'tini sayratvorgani singari.Bundan tashqari "Yuz ochib pari yanglig'" g'azalida qarchig'ay timsolini ham uchratamiz:

Qarchig'aydek o'ynarda chustlik qilib zohir,
Ayladi ko'ngullarning qushlarin shikor o'ynab. [4,108]

Bizga ma'lumki, qarchig'ay tirnoqlari uzun va o'kir ovga solinadigan yirtqich qush. Baytda yorning oshiqlarning qarchig'ay singari ko'ngil qushlarini ov qilib o'ynaganligini yuksak mahorat bilan ko'rsatib bergan.Shoir devonida nafaqat qushlar ,balki hayvon timsollarini ham uchratamiz.Masalan,"Gavharmu ekan oyo" g'azalida:

Gisularimu ul yuz ustida makon etkan,
Ganj uzra va yo ikki ajdarmu ekan oyo.[4,63]

Yor yuzining ikki yonidagi gajak sochlarini,uning yuzini makon etgan ikki ajdarga o'xshatadi. "Ahli davron olida" g'azalida esa o'zini jonon oldida hatto itchalik ham qadri yo'qligini; parining unga e'tiborsizligi, raqibining esa devsfat singari unvon olganligi va g'azalning oxirrog'ida ko'ngliga qarata,agar ahli davron oldida odam bo'lmoqni istasa,hayvon singari go'l-u tentaklikni kasb qilmoqlikni it,dev,hayvon kabi zoonimlarda ifodalaydi.

Garchi har oshiqqadur yuz qadr jonon olida,
Lek man dilxastag'a bir itcha yo'q son olida.
Man na yanglig' ul pari olida topg'um e'tibor,
Kim raqibi dev siyrat topti unvon olida.
Ey ko'ngul, hayvon kibi go'l-u hamoqat pesha bo'l,
Odam o'lmoq istasang gar ahli davron olida. [4,66]

Xulosa qilib aytganda,badiiy ijodda qushlar,hayvonlar qiyosiy manba sifatida ko'pincha oshiq obrazini tavsiflash,uning holatini ifodalash uchun qo'llanadi.O'zbek xalq poetik ijodida eng ko'p qo'llanilgan timsollar gul va bulbuldir.Ular voqealarni bir-biriga bog'lovchi bog'ich sifatida takror-takror tilga olinadi.Buning yorqin misolini Ogahiy g'azallarida ko'rib chiqdik. Shoir ijodida an'anaviy Gul bilan Bulbul timsollari ana shu tarzda talqin etilgan. Bulbul,qumri,to'ti,qarchig'ay

singari qushlar vositasida oshiq(yigit)larning sifatlari,holatlari ochib berilgan. Bundan tashqari,hayvonlar timsollari yordamida ham oshiqning holatini nihoyatda teran ochib berilgan.Buni Ogahiy ijodi misolida ham dalillash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Каримов И.А Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент:Маънавият,2008.–Б.87.

2.Haqqulov I Ogahiy she'riyatini o'rganish muammolari, "Muhammad rizo ogahiyning o'zbek mumtoz adabiyoti rivojida tutgan o'rni" mavzusidagi Respublika ilmiy-nazariy anjuman materiallari. Toshkent – 2020,3-bet.

***G.Irgashova Gulmira (Pastdarg'om tumani 24-umumiy o'rta ta'lim maktabi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi)***

ADABIYOT O'QITISHDA INTERFAOL USULLAR

Annotatsiya. Mazkur maqolada adabiyot darslarini tashkil etishda interfaol metodlarning ahamiyati haqida qisqacha fikr- mulohazalar keltirildi.

Kalit so'zlar: "Aqliy hujum", "Bumerang", "Galereya", "Zig-zag", "Zinama-zina", "Muzyorar", "Rotastiya", "Yumaloqlangan qor", "Baliq skeleti", "BBB", "Konsteptual jadval", "Venn diagrammasi", "T-jadval", "Insert", "Klaster", "Nima uchun?", "Qanday?".

Bugungi kunda fan, madaniyat, axborot texnologiyalari jadallik bilan rivojlanib borayotgan mamlakatimizda ta'limni rivojlantirish eng asosiy masalaga aylanib bormoqda.

Bugun adabiyot kirib bormagan biror soha yo'q, har bir fan, albatta, adabiyot bilan uzviy bog'liq. Ushbu fanga o'quvchini qiziqtirish, rejada berilgan mavzularni to'liq o'zlashtirilishini ta'minlash pedagogning vazifasi sanaladi. Pedagog kutilayotgan natijaga erishish uchun avvalo darsni rejalashtirishi yoki loyihalashtirishi lozim bo'ladi. Darsni loyihalashtirishda quyidagi tavsiyalarni berib o'tamiz.

Interfaol metodlarni 3-guruhga ajratishadi.

Interfaol metodlar: "Keys-stadi" (yoki "O'quv keyslari"), "Blist-so'rov", "Modellashtirish", "Ijodiy ish", "Muammoli ta'lim" va b.

Interfaol ta'lim strategiyalari. "Aqliy hujum", "Bumerang", "Galereya", "Zig-zag", "Zinama-zina", "Muzyorar", "Rotastiya", "Yumaloqlangan qor" va bosh.Interfaol ta'lim metodlari tarkibidan interfaol ta'lim strategiyalarini ajratishda guruh ishini tashkil qilishga yondashuv ma'lum ma'noda strategik yondashuvga qiyoslanishiga asoslaniladi. Aslida bu strategiyalar ham ko'proq jihatdan interfaol ta'lim metodlariga tegishli bo'lib, ularning orasida boshqa farqlar yo'q.

Interfaol grafik organayzerlar: "Baliq skeleti", "BBB", "Konsteptual jadval", "Venn diagrammasi", "T-jadval", "Insert", "Klaster", "Nima uchun?", "Qanday?" va b. Interfaol grafik organayzerlarni ajratishda bunday mashg'ulotlarda asosiy fikrlar turli grafik shakllarda yozma ko'rinishda ifodalanishiga asoslaniladi. Aslida bu grafik organayzerlar bilan ishlash ham ko'proq jihatdan interfaol ta'lim metodlariga tegishli bo'lib, ularning orasida boshqa farqlar yo'q.

SAN" texnologiyasi(uchlik - samarali, axloqiy, nazokatli) - o'quvchilarda yakka, jamoaviy ishlash, ijodiy va tashkilotchilik faoliyati ko'nikmalarini, ishga mas'uliyat bilan yondashuvni, bezash ishlari ko'nikmalarini rivojlantiradi.

Mashg'ulotda o'quvchilar uch kishidan iborat kichik guruhlariga ajratiladi va quyidagi rollarga ajratiladi: rassom, adabiy va badiiy muharrir, dizayner(bezakchi). Guruh vakili o'qituvchi stolidan topshiriqlar yozilgan tarqatmalardan birini tanlaydi. Topshiriqlar turli bo'ladi: masalan, devoriy gazeta, bayram yoki tadbirga chorlovchi afishaning eskizini chizish va tayyorlash. Guruhlarning taqdimot qilishlari uchun tayyorgarlik ishlariga 30 daqiqa beriladi. Barcha guruhlarning taqdimoti tugagach, umumiy muhokama boshlanadi. Muhokama jarayonida tayyorlangan ishlarga tegishlli talablar aniqlanadi va bildirilgan fikrlar qayd etib boriladi.

Adabiyot fanini estetik fanlar bilan uzviy bog'lagan holda tashkil etish o'quvchining tasavvur dunyosini kengayishida, asardagi detallargacha yorqin qiyofa aks ettira oladigan

ko'nikmani shakllantirishida, milliy tarbiyaning singdirilishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda **"SAN" texnologiyasi** orqali jarayon vujudga keladi.

Debat" uslubi:

Debatlar – bu qarama-qarshi nuqtai-nazarlarning o'zaro bahsi bo'lib, u o'quvchilarni tanqidiy fikrlashga, turli masalalarni o'rganish va o'zlari haq ekanligiga boshqalarni ishontirishga o'rgatadi. Debatlar bu jamoaning hamkorlikdagi faoliyati bo'lib, bunda jamoaning har bir a'zosi o'zining burch va majburiyatlariga ega bo'ladi, kim g'alabaga erishganini esa debat yakunida jamoalarning argumentlari, faktlari, favqulodda savollar va ularga berilgan javoblar asosida hakamlar jamoasi yoki o'qituvchi belgilab beradi. O'quvchilar bilan debat o'tkazganda 3 ta tamoyilga amal qilish kerak.

1. Debatlar ko'p narsaga o'rgatadi (chunki debat o'tkazishdan maqsad faqat g'alaba qozonish emas, balki asosiy maqsad debatlar yordamida yangi bilimlarni egallashdir).

2. Jarayonga faol ishtirok va vijdonlilik majburiyati.

3. O'zaro hurmatni saqlash.

Debatda ikkita jamoa ishtirok etadi. 1-jamoa: Tasdiqlovchi tomon sifatida.

2-jamoa:

Qarama-qarshi yoki inkor etuvchi tomon sifatida. O'tkaziladigan debatning mavzusi aniq, tasdiqlovchi tugallagan fikr shaklida bo'lishi kerak. Tasdiqlovchi tomon hakamlarni o'z nuqtai-nazarlarning to'g'riligiga ishontirishga harakat qiladi. Inkor etuvchi tomon tasdiqlovchi tomon nuqtai nazarining noto'g'ri ekanligiga hakamlarni ishontirishga harakat qilishi kerak. Shuningdek, debat ishtirokchilari o'z nutqai nazarlarini mustahkamlovchi dalillarni taqdim qilishlari lozim.

"Yelpig'ich" texnologiyasi muammoli mavzularni o'rganishga, mavzuning turli tarmoqlari bo'yicha axborot berilishiga qaratilgan. Ayni paytda, ularning har biri alohida nuqtalardan muhokama etiladi. Masalan, ijobiy va salbiy tomonlari, afzalliklari va kamchiliklari, foyda va zararlari belgilanadi. Bu interfaol texnologiya tanqidiy, tahliliy va aniq mantiqiy fikrlashlarini muvaffaqiyatli rivojlantirishga hamda o'z g'oyalari, fikrlarini yozma va og'zaki shaklda ixcham bayon etish, shuningdek himoya qilishga imkon yaratadi.

"Yelpig'ich" texnologiyasi mavzuni o'rganishning turli bosqichlarida:

- boshida – o'z bilimlarini erkin faollashtirish;
- mavzuni o'rganish jarayonida – uning asoslarini chuqur anglab yetish;
- yakunlash bosqichida - olingan bilimlarni tartibga solishda qo'llaniladi.

Texnologiyada uchraydigan asosiy tushunchalar:

Aspekt (nuqtai nazar) bilan predmet, hodisa, tushuncha tekshiriladi.

Afzallik - biror narsa bilan qiyoslashda ustunlik; imtiyoz.

Fazilat- ijobiy sifat.

Nuqson- nomukammallik, qoidalarga, mezonlarga nomuvofiqlik

Xulosa qilib aytganda didaktik tahlil o'quvchilarni nafaqat ijodkorligini, tasavvur dunyosini boyitadi, balki birdamlik, Vatanga muhabbat tuyg'usini shakllantiradi.

Hamkorlik ta'lim texnologiya va uslublarining ahamiyati ham shundaki, badiiy asar tahlili orqali jamoalar fikri to'liq o'rganiladi, har bir a'zoning dunyoqarashi muhim hisoblanadi. Fikrini erkin isbotlashga, dalil keltirishga harakat qiladi. Fikrlar solishtiriladi. Mantiqqa tayanadi, tasavvur dunyosi kengayadi. Ikkilanishdan voz kechadi. Qat'iylik bilan o'z g'oyasini himoya qiladi. Noodatiy fikrlar tizimi umumlashtiriladi. Yangi g'oyalar o'rganiladi. Zero, inson tafakkuri qanchalik mustaqil bo'lsa, u shunchalik tashshabuskor bo'ladi. Uning fikrlashi qancha erkin bo'lsa, u shuncha izlanuvchan, ijodkor bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.B.Toxliyev, B.Karimov va boshq.10-sinf adabiyot darsligi 2017-yil.

2.11-sinf. Adabiyot. II qism Boqijon To'xliyev, Bahodir Karimov, Komila Usmonova Toshkent – 2018.

3.8-sinf adabiyot darsligi Sultonmurod Olim, Sunnat Ahmedov, Rahmon Qo'chqorov Toshkent- 2019.

4.7-sinf. Adabiyot darsligi Qozoqboy Yo'ldoshev, Begali Qosimov, Valijon Qodirov, Jalolbek Yo'ldoshibekov. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati Toshkent- 2017.

5.R. Ishmuhamedov, M. Yuldashev. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar. Toshkent- 2016.

M.O'.Muxtorova (SamDU, talaba)

CHO'LPON SHE'RIYATIDA AYRIM FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING QO'LLANILISHI

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek xalqining xalqsevar, vatanparvar, millatning ham ruhan, ham ma'nan ozodlikka erishishi yo'lida qalam tebratgan yozuvchisi Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lpon she'rlaridagi ayrim iboralar tahlili haqida so'z boradi. Frazemalarning ijodkor she'riyatida tutgan o'rni, ahamiyati, o'ziga xosligi kabi masalalarga to'xtalib o'tiladi.

Kalit so'zlar: ibora, frazema, frazeologik butunlik, frazeologik chatishma, baho semasi, emotsional-ekspressivlik, salbiy baho semasi, ruhiy ta'sirchanlik.

Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lpon o'ziga xos betakror she'riyat gulshanini yaratgan ulug' shoirlar sirasidandir. "Cho'lpon ilhomi jo'shqin buloqday qaynab toshdi, purtanaday qirg'oqlarga sig'may ko'pirib jo'sh urdi, u uchta she'riy to'plamidan tashqari, ko'plab she'rlar, hikoyalar, maqola va ocherklar yaratadi, o'nlab dramatik asarlar yozib, adabiyotimiz xazinasini qator barkamol tarjimalar bilan ham boyitdi"[1,15]. Abdurahmon Sa'diy o'z maqolasida Cho'lpon ijodiga quyidagi fikrlarni bildirib o'tgan edi: "Cho'lpon omma-xalq shoiri emas, o'qimishlilar, ziyolilar shoiri. Lekin shuning barobarida, u xalq qayg'usi bilan (faqat hech bir sinfga ayirmasdan) ijod qilgan yozuvchi "xalqchi" bir shoirdir. Cho'lponda asl ko'zga qattig' berilib turg'on tub xususiyat ham shundadir".

Ijodkor she'riyati ta'sirchanligi, mavzu va g'oyasi jihatdan har bir adabiyot muhlisining yurak mulkiga aylandi. Cho'lpon yaratgan poetik yuksaklik nafaqat badiiy tasviriy vositalar, balki milliy til birliklaridan o'z o'rnida foydalanganligi bilan ham ahamiyatlidir". Cho'lpon tili haqida gap ketganda, ayniqsa, Olim Sharafiddinov shoirni yoyilib-yoyilib maqtaydi, unga yuksak ta'riflar beradi: Bu kungi o'zbek adabiy tili, shubhasiz, Cho'lpon tilidir. Butun adabiy yoshlik uning tilini o'rnak taniydir. Unga taqlid qiladi"[1, 22]. Darhaqiqat, Cho'lpon o'zbek tili xazinasidan noyob durlarni tanlab olib birma-bir ipga tergan san'atkordir. Jumladan uning barchamiz sevib o'qiydigan, jamiki she'riyat ixlosmandlarining ko'nglidan joy olgan "Xalq", "Go'zal", "Buzilgan o'lkaga" va boshqa ko'plab she'rlari milliy tilimiz aks etgan ko'zgu desak, adashmaymiz.

Yuksak did sohibi Cho'lpon o'z she'riyatida tilimiz imkoniyatlaridan keng foydalanib, uning misli ko'rinmagan xususiyatlarini ochib berishga harakat qiladi. Jumladan, shoir she'rlari umirboqiyliigi tildagi o'xshatish, metafora, aksioma, epitet, takror so'zlar, ritorik so'roq gap va iboralarni yuqori ijodiy saviya orqali qo'llashi bilan bog'liq. O'zbek tilining boy lug'at boyligi, o'ziga xos milliy so'zlarini bo'lishi bilan bir qatorda boshqa turkiy tillarda uchramaydigan va hech qaysi tilga so'zma-so'z tarjima qilib bo'lmaydigan iboralari ham mavjud. Shu asnoda milliy til ruhini oshiruvchi, o'zbek mentalitetiga xoslikni aks ettiradigan frazeologik birliklar Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lpon she'riyatida ham talaygina. Yozuvchi she'rlarida iboralar baytlarning ta'sirchanligi, ifodaviyligi, poetik xususiyatini oshirishga xizmat qilgan. B.Yo'ldoshev o'z monografiyasida "frazema" terminiga shunday ta'rif beradi: "Frazema — ko'chma ma'nodagi turg'un konstruksiya. Frazeologik birliklar so'zlardan farqli holda obyektiv reallikdagi muayyan voqea-hodisani nomlash uchun emas, balki unga nisbatan modal munosabatni ifodalash maqsadida yuzaga keladi". Iboralarni o'rganish jarayonida Sh.Rahmatullayevning ilmiy izlanishlari ham o'rinlidir. Bunda olim frazmadan yaxlitligicha anglashiladigan lug'aviy ma'no bilan uning tarkibidagi leksemalar anglatadigan lug'aviy ma'nolar orasidagi munosabat asosida frazemalarni ikki asosiy turga bo'linadi: 1) frazeologik butunlik, 2) frazeologik chatishma. Cho'lpon ijodini

kuzatar ekanmiz, juda ham ko‘p iboralarning mohirona qo‘llanganligini guvohi bo‘lamiz. Shoir qalamiga mansub quyidagi baytga nazar tashlasak:

Kuzatgan armonlarga
Yetmakka **bel bog‘lab**
Ko‘p og‘ir kunlarda chidading,
Yo‘lingni mo‘ljallab,
Xo‘p bilib, xo‘p anglab,
Boshqaga aldanib ketmading.

Ushbu misrada **“bel bog‘lab”** iborasi qo‘llangan bo‘lib, frazeologik ma‘nosi nimagadir shaylanmoq, otlanmoq, ahd qilmoq, astoydil kirishmoqni bildiradi. Ibora ma‘noviy guruhi jihatidan frazeologik butunlikni tashkil etib, ya‘ni ma‘nosi tarkibidagi leksemalarga xos ma‘nolar asosida izohlangancha, leksik ma‘nolarning umumiy maxraji sifatida gavdalanmoqda. Darhaqiqat, frazema anglatgan tushuncha uning tarkibidagi so‘zlarning lug‘aviy ma‘nosi bilan aloqador. Tarixga nazar tashlaydigan bo‘lsak, urf-odatimizga ko‘ra erkalar qayergadir otlanishdan oldin albatta do‘ppilarini boshlariga kiyib, bellariga belbog‘ bog‘lashgan, bu esa kuch, or-nomus, g‘urur ramzi hisoblanadi. Yuqoridagi iboraning o‘xshashi sifatida **“bel bog‘lashmoq”**, ya‘ni kim bilan yoki kimlar bilandir musobaqalashmoq, kuch sinashmoq kabi varianti ham Sh.Rahmatullayevning **“O‘zbek tilining izohli frazeologik lug‘ati”** da uchraydi. Baytdagi frazeologik birlik poetik nutqning qofiyalanishini ta‘minlab, voqealanish hamda ifodaviyligini oshirgan. She‘rda og‘ir, alamli kunlarda boshqalarga(dushmanga) aldanib ketmay, o‘tmishdagi armonlarga yetmak uchun astoydil harakat qilib, umid bog‘laganligiga ishora qilgan holda **“bel bog‘lab”** iborasiga urg‘u berilgan. Iborani lingvistik poetikaga ko‘ra tahlil qilishda Cho‘lpon lirikasidagi yana bir nodir namunaga e‘tibor qaratsak:

Yerga egdim boshlarimni, so‘ldi to‘lgan yuzlarim,
Qarg‘ani uchganligin ko‘rdi bu baxtsiz ko‘zlarim.
O‘yna-o‘yna, o‘yna dengiz, qiynama shov-shuv qilib,
Qayg‘u vaqtinda azob berma **yuraklarni tilib**.

To‘rtinchi misra qofiyasini yuzaga keltirishda yordamchi bo‘lgan mazkur ibora ma‘noviy tomondan frazeologik chatishma bo‘lib, frazema mazmuni tarkibidagi leksemalarning xos ma‘nolar asosida izohlanmay, frazemadan anglashiladigan ma‘noni tushunishda qandaydir shartlilik kuzatiladi. Ya‘ni ibora tarkibidagi so‘zlarning mazmuni bilan u bildirgan frazeologik ma‘no tafovut kasb etgan. **“Yuraklarni tilib”** iborasi– kimnidir yashirin holda ruhan bezovda qilmoq, iztirob chektirmoq kabi frazeologik ma‘noni bildiradi. Bu she‘rda ham ibora qofiya uchun xizmat qilib, undagi emotsional-ekspressivlikni oshirgan.

“Mashhur shoir Oybek **“O‘zbek poeziyasida til”** maqolasida poeziya tiliga xos to‘rtta xususiyatni alohida qayd qiladi: **“Ular– ohangdorlik, bo‘yoqdorlik, ixchamlik, chiroylilikdir. Zero so‘z va iboralarni she‘rga munosib va o‘rinli tanlanishi lozim, buning uchun har bir qalamkash bir she‘r ustida bir qayta emas o‘n qayta ishlashi talab etiladi”**[2,4]. Cho‘lpon ham mana shunday o‘n qayta ishlab o‘z she‘rlariga bo‘yoqdorlik, ta’sirchanlik, ohangdorlikni singdira olgan ijodkorlardan hisoblanadi. Quyida shunday mazmundor she‘rlardan birini ko‘rishimiz mumkin:

Sabrning kosasi to‘lgandir,
Bu og‘ir ayriliq to‘ydigan.
Oh, qancha g‘azablar bo‘lgandir,
Go‘zalim, xabaring bo‘lmagan.

Mazmuniy guruhiga ko‘ra **“sabrning kosasi to‘lgan”** iborasi frazeologik chatishma. Sh.Rahmatullayevning frazeologik lug‘atida sabr kosasi to‘ldi –1) o‘lar holatga yetdi 2)chidami tugab, yashashdan ham bezor bo‘lib ketdi 3) nihoyatda qattiq qo‘rqdi kabi ma‘nolarga egaligi ko‘rsatilgan. Bu she‘rda ibora chidami tugaganligi mazmunini beradi va bu sabr kosasini og‘ir ayriliq to‘ldirganligi aytilib, o‘z o‘rnida metafora (og‘ir ayriliq)ham qo‘llangan. Frazemalarda ham leksemalar kabi baho semasi mavjud. **“Frazema mazmun jihatining voqelikka munosabat bildirish belgisiga baho semasi deyiladi.** Baho semasi leksemalarning ko‘pida betaraf bo‘ladi yaqqol ifodalanib turmaydi; turlicha qo‘llash bilan hosil qilinadi. Frazemalarning ko‘pida esa baho semasi

uning mazmun jihatida doimiy tarkibiy qism bo'lib qatnashadi, ba'zan frazemaning lug'aviy ma'nosini to'liq qamrab oladi"[3,434]. Lirikada ibora qo'llanilar ekan, albatta, unda she'rning mazmunini hamda ruhiyatini o'zida tashuvchi baho semasi ham shunga mos ravishda bo'ladi. Masalan, Cho'lpon ijodidagi quyidagi to'rtlikni olsak:

Maqtadim, **ko'kka ko'tardim** sizni men,
Endi menga sizga yetmaklik qiyin.
Maqtamoqqa bir kirishgach maqtayin,
To'xtasam so'nggi tinimda to'xtayin.

Baytdagi "ko'kka ko'tarmoq" iborasi "maqtamoq" so'ziga sinonim qilib olingan holda, misradagi ta'kidni yanada kuchliroq qilishga yordam bergan.

Xulosa qilib aytganda, Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lpon hayoti va uning ijodiy faoliyati ko'plab vaqtlardan beri o'rganilmoqda. Cho'lpon ijodiy merosining asl ma'no mohiyati, g'oyasi, xalqchilligi, she'rlaridagi jasorat, jo'shqinlik ruhiyatidagi falsafiy qarashlari yangidan kashf etila boshladi. Jumladan, uning asarlari til xususiyatlari ham ko'plab tadqiqotchilarning diqqatini tortgan. Zero, Cho'lpon o'zbek tilining boy imkoniyatlaridan unumli foydalana olgan, asrlarga tatigulik asarlar yaratgan shoirdir.

Adabiyotlar:

1. Sharafiddinov O. Ijodni anglash baxti. – Toshkent: Sharq, 2004.
2. Boltaboyeva B. Zamonaviy o'zbek she'riyatida iboralarning ahamiyati//Journal of Innvation in Primary Education, 2021.
3. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o'zbek tili. –Toshkent: Universitet, 2006. –B.432-435.
4. Rahmatullayev Sh. O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati. – Toshkent: O'qituvchi, 1976. –B.35, 205, 273.
5. Jabborova D. Cho'lponshunoslik. –Toshkent: "Muharrir" nashriyoti, 2019. –B.40.

N.N.Abdullayeva, M.N.Sharopova (BuxDU)
n.n.abdullaeva2019@buxdu.uz

FRANSUZ ZAMONAVIY SHE'RIYATI JAK REDA TALQINIDA

Annotatsiya: Ushbu maqolada zamonaviy fransuz she'riyatining yorqin vakili va musiqiy tanqidchisi bo'lmish Jak Redaning hayot va ijod yo'li xususida so'z boradi. Shuningdek, maqolada shoirning "Après-midi" she'rineing maqola mualliflaridan biri N.N.Abdullayeva tomonidan o'zbek tiliga tarjimai ham o'rin olgan.

Kalit so'zlar: talqin, tahlil, peyzaj, kechinma, tuyg'u, badiiy olam.

Fransuz shoiri va musiqiy tanqidchisi Jak Reda 1929-yil Lyunvilda tug'ilgan. U o'z qiziqishlari tufayli huquq sohasida o'qishni boshlaydi, biroq uni yakunlamasdan 1953-yilda Parijga jo'nab ketadi. Avvaliga u Gaymard nashriyotining o'quv komiteti a'zosi bo'ladi va 1987-1995-yillar o'rtasida « La Nouvelle Revue » jurnalida bosh redaktor bo'lib ishlaydi. Jak Reda iqtidori, bilimga chanqoqligi va eng asosiysi tinimsiz mehnati tufayli bir nechta nomdor mukofotlarga sazovor bo'lgan. Adabiyot sohasida 1997-yilda Gran Pri, 1999-yilda esa Gonkurt mukofotlari bilan taqdirlandi.

Mana shunday yutuqlardan so'ng shoir yana jo'shqin ijodga beriladi. Shoirning birinchi to'plami « Amen » (« Omin ») 1968-yilda chop etiladi. Bu asar elegik ruhda yozilgan bo'lib, u asarda dunyoda mavhum, yashirin bo'lgan sir-sinoatlarni izlagan, ularni boshqalardan oldin anglagan.

Reda sayohatchi hamdir. U « Sayohatchilarga maslahat » (1988) yoki «Yurishning mazmuni» asarlari bilan, eng avvalo esa, Parijning shahar va qishloqlaridagi sayohatlari bilan tanilgan. Jak Reda bu sayohatlari davomida goho kichik yo'llarda adashib, goho esa noxush sarguzashtlarga yo'liqib, motorli velosipedda Parijdan boshqa chekka qishloqlarga ham borib kelib turardi.

Jak Reda urushdan keyingi zamonaviy fransuz adabiyotidagi zabardast shoirlardan biri. U urush davomida ham, urushdan keyingi yillarda ham samarali ijod qilgan.

Jak Redaning adabiyot sohasida ko'rsatgan muhim ishlaridan biri bu zamonaviylik unsurlarini kuzatishdan iborat bo'ldi. U zamonaviy o'n ikki barmoqli she'r vaznida salmoqli ijod qilgan.

Shoir Parijning shahar chetlarida, Fransiyaning ovloq burchaklarida ham, « Qiyalikdagi maysa », « Parijdagi xaroba joylar » asarlarida ham his-tuyg'ular bilan sezib, anglanadigan ajoyibotlarni isbotlab beradi. Keyinchalik « Tinchlikka qaytish » (1989) asarida taniqli shoir imperik tajriba va metafizik savollar o'rtasidagi bog'liqlikni bayon qiladi.

Sayohatlari va izlanishlari muhimligiga qaramay Reda asarlari o'sha davr fransuz adabiyotida sayohatnoma janrini to'lagicha yuqori darajaga olib chiqa olmadi.

U Fransiya yoki chet ellarda bo'lganida ham joy, o'rin, ruh muhitini qo'lga kiritish uchun izlanmadi. Jak Reda qiziquvchanligi tufayli adabiyotning turli yo'nalishlarida o'zini bir-bir sinab ko'rdi. U kundalik hayotning ziyrak va diqqatli kuzatuvchisi bo'lishni talab qiluvchi soha – intim lirikaning yorqin namoyondasi sifatida ham tanildi.

Shoir bir joyda turib qolmagan, fan-texnika taroqqiyoti tufayli insonlar nazaridan chetda qolgan joylarda ham biror yangilik topishga harakat qiladi.

« Sariq tog'olchaga borish » (1991), prozadagi bu avtobiografik asarida esdaliklarning namoyon bo'lishi uchun muhim bo'lgan eng mayda detallar va eng kichik narsalar hech qanday o'zgarishsiz tasvirlanadi. U bunday narsalar haqida gapirish uchun uzoqqa borib o'tirmaydi, uni yon-atrofdan izlaydi. Shuningdek, 1990-yilda nashr qilingan « Ozod bo'laylik » nomli asarida ham kichik mavzularni qalamga oladi, ya'ni pochtaga borish, marka tanlash va xat yuborish singari ishlar.

Jak Reda nafaqat taniqli shoir shuningdek, u musiqa ishqibozi hamdir. U hatto elektron asbobda chalingan musiqalarni ham tadqiq qila oladi. U « Jazz » jurnalining tanilishiga ham o'z hissasini qo'shgan. Uning « Improvist » (1980) va « O'yin » asarlari jazzga bag'ishlangan poema va turli hajmdagi ilmiy matnlarni o'z ichiga oladi. Bunday izlanishlardan so'ng u 2002-yilda « Jazz avtobiografiyasi » asarini nashrdan chiqaradi. U shunchalik tajribaga ega ediki, cholg'u asboblari musiqa san'atini, she'riyatda so'zni birday mohirlik bilan qo'llay oladi. U ikki yo'nalishdagi ruh va ritmni bir xilda his qila oladi. U bu hissiyotni shunday tushuntiradi : « Musiqa va she'riyat bu shunday uslubki, ular bilan shug'ullangan kishining hayotiga o'lim soya solganda ham, san'atkor shu izlanishlari, qilgan ishlari bilan o'limidan keyin ham tirik yashaydi, nomi abadiyatga muhrlanadi ».

Tushdan keyin...

Quyosh o'z kulbasi tomon shoshmoqda,
Ko'k osmon tubida qon parchalari.
Kimsasiz ko'chada vaqt ham o'tmoqda,
Qo'ng'iroq chalindi bedor damlari.
Qayerdadir mehmon uyqusiz tunlar,
Xona o'rtasida turardi kimdir,
Uni qiynayapti qanday xayollar,
Rangpar yulduzlar ham bermaydi taskin.
Deraza oldida turar bo'sh kursi,
Uning ham cho'chirdi silliq yog'ochi,
Bedor xonadonga bermoq uchun nur,
So'lg'in oymomoning nurin sindirib.
Deraza oldida qushlar ham sukut,
Unga otilgandek tuhmat toshlari,
Erta bo'ladi bu holat unut,
Yana chertiladi xayol torlari.
Uyqu yo o'lim...
Sharpangiz ma'quldir oshkoralikka,

Tun ham sezyaptiki nursiz ko‘zlarga,
Yorug‘lik kerakdir ham bo‘sh yurakka.
Go‘zal yorug‘likning cheksiz nurida
Rang-barang orzular ro‘yobi bisyor.

Mana tong otmoqda quyosh mo‘ralab,
Ulkan maqsadlarni yelkaga ortib...

Après-midi...

Pâle clarté d'après-midi sur les toits bleus et roses.
La cloche va sonner ; on voudrait dormir comme l'arbre
A l'angle de la rue où ne passe jamais personne.
Mais l'astre d'insomnie est dressé là, strident
Comme un coq au milieu de la cour abandonnée.
Entre les timons dont le bois poli craint de luire.
Et tout ainsi, jusqu'à l'oiseau irréprochable qui s'est tu,
Frissonne dans la pauvreté humiliée des apparences.
Sommeil, ou mort, votre ombre est préférable à ce dévoilement
Infini des rêves livrés à l'ironie de la lumière,
Aux yeux qui n'ont plus de paupière et ne peuvent nier
Ce vide qui s'accroît soudain lorsque deux heures sonnent.

Mana siz yuqorida Jak Reda hayoti va ijodi bilan birgalikda uning she‘riyatidan ham keltirilgan namunani ko‘rib chiqdingiz. She‘rning birinchi bandida quyoshning botish manzarasi tasvirlangan va keyingi bandlarda tasvir biroz o‘zgaradi, ya‘ni shaxs obrazi kiritiladi. So‘ngra yana tasvir tabiat manzarasiga ko‘chadi. Bu Reda ijodining o‘ziga xos xususiyatidir. Chunki uning birorta she‘ri yo‘qki, tabiat tasviridan yiroq bo‘lsa. Reda bu she‘rida qorong‘u tunni tasvirlaydi, ammo u qorong‘u tundan so‘ng yorug‘ kun kelishini ham unutib qo‘ymaydi. Bu Reda ijodining o‘zbek she‘riyatiga o‘xshash bo‘lgan bir jihatidirki, ushbu jihat bilan uning ijodi o‘zbek kitobxonlari orasida ham o‘z muxlislarini topishiga ishonamiz.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. “Poésie Gallimard”, mars 2016, Paris.
2. “Amen”, Jacques Réda, 1968.
3. Abdullaeva N.N. Poetik uslubning fonetik talaffuzni tuzatishdagi o‘rni: poetik o‘yindan fonetik o‘yinga. “Til, adabiyot, tarjima, adabiy tanqidchilik: zamonaviy yondashuvlar va istiqbollari” xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. Buxoro, 2022.

Ch.O.Saydazzamova (SamDU, talaba)

TILDAGI TEJAMLILIK VA ORTIQCHALIK HODISALARI

(Rauf Parfi she‘riyati misolida)

Annotatsiya. Ushbu maqolada lisoniy tejamlilik va lisoniy ortiqchalik tamoyillarining Rauf Parfi she‘rlaridagi ishlatilish o‘rinlari va she‘riyatdagi ahamiyati, shuningdek, ushbu hodisalarning fonetik, morfologik hamda leksik turlari shoir ijodida o‘ziga xos tarzda namoyon bo‘lishi haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: lisoniy tejamlilik, lisoniy ortiqchalik, qisqaruv, semantika, nutqiy ixchamlik, vazndoshlik, ohangdorlik, qofiya, uslub.

Ma‘lumki, til sistema sifatida hamisha o‘zgarishda bo‘ladi, rivojlanadi va shular qatorida til birliklari ham ma‘lum shart-sharoit natijasida turli xil hodisalarga uchraydi. Ana shunday hodisalardan biri – tildagi tejamlilik va ortiqchalik hodisalaridir. Ushbu til hodisalari faqat og‘zaki

nutq yoki nasriy asarlarda uchragina qolmasdan, poetik matnda ham oʻrni bilan ishlatilib turadi. Buni hassos shoir Rauf Parfi ijodi misolida ham kuzatish mumkin. Shoir yoki yozuvchi oʻz asarida turli xil oʻxshatishlar, metaforalar, qiyoslashlar, soʻz oʻyinlari, shuningdek, xalq jonli tilining rang-barang iboralari, shevaga xos soʻzlaridan mohirona tarzda foydalanadi va shu qatorda bunday birliklarni qoʻllashda ijodkor maʼlum bir maqsadni ham koʻzlagan boʻladi. Shunisi eʼtiborliki, muayyan yozuvchining til birliklaridan oʻrinli, maqsadga muvofiq tarzda qoʻllay olishi shu ijodkorning ulkan tajribasi, oʻzigagina xos uslubidan darak beradi. Jumladan, Rauf Parfi sheʼrlari falsafiylikka yoʻgʻrilganligi bilan bir qatorda til nuqtayi nazaridan ham bir qancha hodisalarga boyligi bilan xarakterlanadi. Tejamlilik tushunchasi haqida filologiya fanlari doktori, professor J. Eltazarov “Tildagi tejamlilik tamoyili va qisqaruv” nomli monografiyasida shunday fikrlarni bildiradi: “Tilshunoslikda tejamkorlik tamoyili xususida soʻz ketganda asosan til (nutq) birliklarining qisqarishi tushunilsa-da, ushbu qonuniyat doirasiga boshqa til hodisalarini kiritish hollari ham uchraydi. Masalan, Y. D. Polivanov turkiy tillardagi singarmonizm qonuniyatini, V. A. Bogorodskiy soʻzlarning yangi maʼno kasb etish xususiyatini, E. A. Zemskaya metonimiya hodisasini tildagi tejamlilik tamoyili taʼsirida yuz beradi, deb hisoblaydilar” [1.26]. Koʻrinadiki, tejamlilik tamoyili haqida tilshunoslar orasida turli xil qarashlar, fikrlar mavjud. Tildagi tejamlilikning maxsus koʻrinishi qisqaruv usuli hisoblanib, professor J. Eltazarov oʻz fikrlarini shunday davom ettirgan: “...qisqaruv hodisasining asosiy belgisi – nutq birliklarining miqdor jihatdan qisqarishi, tovushlar, boʻgʻinlar va boshqa boʻlaklarning tushib qolishidir” [1.35]. Quyida Rauf Parfi ijodida uchraydigan tejamlilik tamoyilining bir qancha koʻrinishlariga toʻxtalib oʻtaylik:

Quvnoq qizlar toʻldirar etak,
Shoshib qolar usta *tarozbon* [2.288].

Ayonki, fonetik tejamlilik soʻzda biror tovushning yoki boʻgʻinning tushirilgan holda qisqartirilishidir. Koʻrishimiz mumkinki, yuqoridagi misralarda qoʻllangan “*tarozbon*” soʻzi fonetik tejamlilikka uchragan holda qoʻllangan. Aslida, bu soʻz “Oʻzbek tilining izohli lugʻati”da *tarozibon* tarzida, yaʼni “tarozida tortuvchi, tarozida tortish ishini bajaruvchi” maʼnosida keltirib oʻtiladi. Ammo sheʼriy misralarga eʼtibor qiladigan boʻlsak, shoir tomonidan *tarozibon* shaklida emas, balki *tarozbon* tarzida ishlatiladi. Bu albatta, bir tomondan fonetik tejamlilikka uchragan soʻz boʻlsa, ikkinchi tomondan esa vazn talabi asosida, boʻgʻinlar miqdori teng boʻlishi uchun ham shoir shu tarzda qoʻllaydi. Shuningdek, bu yerda tejamlilik natijasida soʻning maʼnosiga putur yetmagan. Xuddi shunday hodisani feʼl turkumi doirasida qoʻllangan satrlarda ham uchratamiz. Bunda, asosan, eliziya hodisasi orqali tejamlilikka erishilgan:

Bir vaqtlar shunchaki *qaygʻurardim*, oh,
Bir vaqtlar shunchaki *uxlamasdim* men,
Shunchaki tun boʻyi *yigʻlardim*, ammo
Ona yurt, sen uchun *yigʻlamasdim* men... [2.51]

Yuqoridagi misralarda qoʻllangan *qaygʻurardim*, *uxlamasdim*, *yigʻlardim*, *yigʻlamasdim* kabi soʻzlarda eliziya hodisasig unli bilan boshlanuvchi ikkinchi soʻzning bosh unlisi tushib qolgandagi holatini koʻrish mumkin.

Shoir Rauf Parfi sheʼriyatida tejamlilik tamoyilining morfologik qisqaruv hodisasi ham keng qoʻllanadi. Morfologik qisqaruv, asosan, egalik, kelishik qoʻshimchalari bilan yuzaga chiqqanligini kuzatamiz. Jumladan, Rauf Parfining quyidagi sheʼrida kelishik qoʻshimchasi bilan bogʻliq morfologik qisqaruv yuzaga kelganligini koʻrishimiz mumkin:

Navoiy baytiga oʻxshaydi yoʻllar,
Bu toshlar Hamzaning qotili, hayhot! [2.211]

Yuqoridagi poetik matnda qoʻllangan *Navoiy bayti* birikmasida qaratqich kelishigi belgisiz ravishda qoʻllangan boʻlib, morfologik qisqaruvni yuzaga keltirgan. Albatta, bunda ham shoir vazn oʻlchoviga qatʼiy rioya qilgan holda boʻgʻinlar miqdorining teng boʻlishini taʼminlagan. Xuddi shunday holatni tushum kelishigining qisqargan *-n* shaklida ham kuzatish mumkin:

Shovullaydi, shamol uvlaydi,
Na tinim bor, na uyqu unda,
Alamini yoza bilmaydi,

Shodligin ham etolmas udda [2.54].

Rauf Parfi she'riyatida lisoniy tejamlilik hodisasi bilan bir qatorda lisoniy ortiqchalik hodisasini ham uchramiz. Ortiqchalikni tilning maksimal aniqlikka intilish xususiyati vujudga keltiradi [1.23].

Shoir. Ilhomning bir qo'lida xanjar.

Bir qo'lida porlar *zumurrad*, marjon.

Qoqar vujudningning eshigin ochar,

U sendan muruvvat kutmas hech qachon [2.269].

Ushbu misralardan ko'rinib turibdiki, ikkinchi misrada qo'llangan *zumurrad* so'zi fonetik ortiqchalikka uchragan. Asliyati esa bu so'z *zumrad* tarzida ifodalanishi kerak edi. Shoir Rauf Parfi esa misralarning vaznga mosligini ta'minlash maqsadida *zumurrad* shaklida qo'llaydi. Shu bilan birga, Rauf Parfi so'zni bunday shaklda qo'llash orqali leksemaning semasiga putur yetkazmagan holda she'rdagi ma'noni yanada aniq ifodalashga erisha olgan. Quyidagi misralarda ham shoir misraning ma'nosini yanada konkret ifodalash, ochib berish maqsadida misralarda fonetik ortiqchalikka yo'l qo'yadi:

Qarri sarmoyaning bulg'onch yosdiqdoshlari,

Grimaunning joni olingan qadahda

Luis Moran qonini ichar [2.55].

T. V. Gamkrelidze tildagi tovush o'zgarishlari xususida so'z yurita turib: "Tildagi ortiqchalik... shunday struktural faktorki, u tilning tovush tomonida o'zgarishlarni taqozo qiladi. Buning natijasida til tizimi tovush o'zgarishlariga nisbatan qotib qolgan struktura sifatida namoyon bo'lmaydi", – deb uqtiradi [1.23].

Xulosa qilib aytish mumkinki, shoir Rauf Parfi she'riyatida uchraydigan tildagi lisoniy tejamlilik va ortiqchalik hodisalari alohida ahamiyatga ega. Tildagi mazkur hodisalardan shoirlar she'riy matnda ma'lum o'rinlarda vazndagi o'lchovlilik hamda nutqiy ixchamlikka, ma'no tomondan esa aniqlikka erishish maqsadida foydalanadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Eltazarov J. Tildagi tejamlilik tamoyili va qisqaruv. Monografiya. – Samarqand: SamDU, 2004. – 110 b.
2. Parfi R. Sakina: she'rlar. – Toshkent: Muharrir, 2013. – 376 b.
3. O'zbek tilining izohli lug'ati. – Toshkent, 2020.

N.A.Fayzullayeva (SamDU, talaba)

SHE'RIYATDA OLMOSHLAR TAKRORI BADIY IJOD VOSITASI SIFATIDA

(Anvar Obidjon she'rlari misolida)

Annotatsiya: Ushbu maqolada Anvar Obidjon ijodidagi olmoshlarning takrori va ularning badiiy tasvir vositalari sifatidagi ahamiyati tahlilga tortilgan.

Kalit so'zlar: Anvar Obidjon ijodi, olmosh, olmoshlar takrori, anafora, parallelizm, sintaktik parallelizm.

So'zlar takrori she'riyatda azaldan ko'plab badiiy san'atlarni shakllantirishda asos vazifasini bajarib kelgan. Tilshunoslikda ham, zamonaviy adabiyotimizda ham ularning o'z o'rnini hamda ahamiyati bor. Takrorlar takrir, tasbe, tasdir kabi badiiy san'atlarni vujudga keltirishda ham, anafora san'ati hosil qilishda asosiy vosita vazifasini bajaradi. Xususan, adabiyotshunos Dilmurod Qur'onov takrorlarning badiiy matndagi ahamiyati haqida shunday fikrlarni bildiradi: "She'riy sintaksisda eng keng qo'llaniluvchi vositalardan biri takrordir. Avvalo shuni aytish kerakki, takror tilning barcha sathlariga xos hodisa bo'lib, she'riyatda uning bir qator xususiy (tovush takrori, so'z takrori, anafora, epifora, ma'no takrori, ma'noning kuchaytirilgan va susaytirilgan takrori, misra takrori, band takrori) ko'rinishlari faol qo'llaniladi. So'z takrori ham sintaktik usullardan sanalib, u fikrni ta'kidlab ifodalash bilan birga ohangdorlikni oshirishga va shular asosida she'rning ta'sir kuchini

oshirishga xizmat qiladi. Anafora (misralar boshida bitta soʻzning takrorlanishi) bilan epifora (misralar oxirida bitta soʻzning takrorlanishi) ham mohiyatan soʻz takrorining xususiy koʻrinishlaridir. Shunga monand, mumtoz sheʼriyatimizdagi radif va hojib ham soʻz takrorining bir turi boʻlib, ular qatʼiy belgilangan oʻrinda – qofiyadan keyin va qofiyadan oldin takrorlanishi bilan farqlanadi⁹⁷”.

Maʼlumki, tilshunoslikda olmosh soʻz turkumi boshqa mustaqil soʻz turkumlaridan atash maʼnosiga ega emasligi bilan ajralib turadi. Ularga nisbatan taʼrif berganda “ichi boʻsh soʻzlar” jumlasini ham koʻp ishlatamiz. Olmoshlar nutqda fikrni ixcham, takrorsiz ifodalashga xizmat qiladi. Baʼzida olmoshlarning oʻzi nutqda takroriy holda ham qoʻllanadi. Bunda olmoshlarning badiiy tasvir vositasi sifatidagi kuchi yaqqol namoyon boʻladi.

Biz tadqiqot obyekti sifatida olgan Anvar Obidjon ijodi asosan ikki toifa vakillari: bolalar va kattalar uchun moʻljallanganligi bilan alohida ajralib turadi. Shoir oʻz sheʼrlarida til birliklaridan gʻoyat ustalik bilan foydalanadi. Natijada, bor-yoʻgʻi uch-toʻrt misrali sheʼrlar ham kitobxonni chuqur oʻyga toldirib qoʻyadi. Ana shunday sheʼrlarning yaratilishida shoir olmoshlarning takroridan ham unumli foydalanadi. Ijodkorning “Qorinparvar” sheʼriga eʼtibor qararataylik:

*Mening otam boshqa,
Sening otang boshqa.
Mening qoʻram boshqa,
Sening podang boshqa*[1.71].

Sheʼr toʻrt misradan iborat boʻlib, unda *mening, sening, otam, boshqa, qoʻram, podang* kabi kam sonli soʻzlardan foydalanilgan. Shunga qaramay sheʼr sarlavhasidagi maʼnoni bir nechta soʻzlar zahiridan kitobxon osongina ilgʻay oladi. Dastlab birinchi va uchinchi misralarda *mening*, ikkinchi va toʻrtinchi misralarda *sening* soʻzlari takroran qoʻllangan boʻlsa, har bir misra soʻnggida *boshqa* soʻzining takror qoʻllanganining guvohi boʻlamiz. Ushbu soʻzlar takrori sintaktik parallelizm va epifora badiiy sanʼatlarini shakllantirishga xizmat qilgan. Sintaktik parallelizm sheʼrning ohangdorligini, taʼsirchanligini oshiruvchi figuralardan sanaladi. Bunda sheʼrdagi har bir misra bir xil sintaktik qolipda ohangdoshlikni yuzaga keltiradi. Yuqoridagi sheʼrda ham sintaktik parallelizm va olmoshlar takrori faqat qorinning gʻamini yeyuvchi kimsa bilan, hayotga teran boquvchi kishi oʻrtasidagi farqni ochib berishga xizmat qilgan. Ularning ikkisi ikki xil dunyo, ikki xil ota tarbiyasini koʻrgan, turli xil muhitda tarbiya topgan. Demak, ularning yoʻrigʻi, dunyoqarashi bir xil boʻlishi mumkin emas. Hayotda faqat qornini oʻylab yashovchi kimsalar, afsuski, koʻpchilikni tashkil etadi. Shoir yashashni faqat yeyishdan iborat deb tushunuvchi kimsalarni tasvirlab bergan. Vijdoni uygʻoq kishilar esa aslo bunday yashay olmaydilar. Muallif ayni shu haqiqatni soddagina usulda takror vositasida ochib beradi.

Shoirning “Munavvar qori” sheʼriga diqqat qilaylik:

*Sen-ehiros, men – yoniq ixlos,
Sen-shahvatsan, ishq – havas menman.
Sen – juvonboz, men – gʻirt vatanboz,
Molparast – sen, elparast menman*[1.49].

Sheʼrda *sen* va *men* olmoshlarining toʻrt misrada toʻrt marta takrorlanganining guvohi boʻlamiz. Shoir bu soʻzlarni shunchaki takror qoʻllamaydi, balki bir maʼnoda oʻzaro ziddlikni ham vujudga keltiradi. Shoir *yoniq ixlos* ila *ishq-havasga* eʼtiqod qiluvchi *vatanboz, elparast* kishini, *ehiros, shahvatga* berilgan, *juvonboz, molparast* kimsaga qarshi qoʻyadi. Olmoshlar takrori misralarga taʼkid va ogʻriqli haqiqatlarni joylaydi. Sheʼrda sintaktik parallelizmi maʼnoni taʼkid bilan, kuchaytirib berishga xizmat qilishini ham kuzatishimiz mumkin. Jumladagi *vatanboz* va *elparast* soʻzlarining qoʻllanilishi ham misralarga oʻzgacha badiiylilikni yuklaydi. Chunki *vatanparvar* va *elparvar* shakllariga oʻrgangan oʻquvchining *vatanboz* va *elparast* holatiga duch kelishi unga boshqacha estetik zavq beradi.

⁹⁷ Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. – 156 b.

Yuqoridagi ikki she'rda ijtimoiy ruh ifodasining yuzaga kelishida olmoshlar takrorining o'rnini ko'rgan bo'lsak, Anvar Obidjonning "O'sha qiz" she'rida nekbin tuyg'ularga yo'g'rilgan muhabbat ifodasining aynan olmoshlar takrori vositasida yuzaga kelganligining guvohi bo'lamiz:

Jonim qavir cho'g' igna jiz-jiz ...

Qanday munis,

Qanday oydin,

Qanday dilkash edi o'sha qiz ! [1.51]

Lirik qahramon dastlab o'yg'a toladi. Bu o'ylar go'yo cho'g'dek igna bo'lib uning jonini qaviydi. Xo'sh, buning sababi nimada? Lirik qahramonning muhabbatiga sazovor bo'lgan qizda-da. Qizning sifatlari keltirilishidan oldin qanday so'zi uch bor misralar boshida qo'llanilib anafora san'atini yuzaga keltirgan. Anafora badiiy san'ati asosida kishi kayfiyati ajib bir holga tushadi. Chunki inson eng farahbaxsh, yorug' kunlarini yoki qadrli kishisini eslaganda "Eh, qanday ..." tarzda boshlanuvchi jumla bilan xotira ummoniga g'arq bo'ladi. Lekin bu xotira ummonidan kishi faqat xursand holda bahramand bo'lmaydi. She'rdagi lirik qahramon ham qachonlardir o'zini ishq dardiga muhtalo etgan, samimiy tuyg'ularining sababchisi bo'lgan qizni armon, ichki bir xo'rsinish bilan yodga oladi. Bu armonga aylangan muhabbatning kishi qalbida qoldirgan yarasi, o'kinchi yanglig' ko'zga tashlanadi. Shoir shunday o'ziga xos tuyg'ularni ifodalashda takror san'atining o'ziga xos xususiyatlaridan unumli foydalangan holda ochib bergan.

Xulosa qilib aytganda, olmoshlarning nafaqat, jonli so'zlashuvda, adabiy tilda, balki badiiy nutqda ham katta imkoniyatlarga ega ekanligi yaqqol ko'zga tashlanadi. Ular xoh takror qo'llansin, xoh yakka fikrni aniq, mazmunli, ta'kidiy hamda samimiy ifodalashga xizmat qiladi. Badiiy matn namunalari bo'lmish she'rlarda esa ular bir qancha badiiy san'atlarni, sintaktik figuralarni yuzaga keltirib, asarning o'ziga xos, ta'sirchan hamda ohangdor bo'lishiga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Anvar Obidjon. Orzudan tonmagaymiz... – Toshkent: Sharq, 2019.
2. Hojiahmedov A. She'r san'atlarini bilasizmi? – Toshkent: Sharq, 2001.
3. Каримов С. Бадийй услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994.
4. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004.
5. Yo'ldoshev M. Badiiy matn lingvopoetikasi. – Toshkent: Fan, 2008.

*P.Nurmamatova (Alisher Navoiy nomidagi
Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti, talaba)*

ABDULLA QODIRIY SHE'RLARIDA MILLAT DARDI

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek romanchiligining asoschisi Abdulla Qodiriyning lirikasi to'g'risida fikr yuritiladi. Adib she'rlarida xalqning og'ir hayoti, turmushidagi eng og'riqli nuqtalari qalamga olingan. Maqolada ijodkorning aynan mana shu she'rlari tahlilga tortilgan.

Kalit so'zlar: millat dardi, taraqqiyot, g'aniy, ilm va ma'rifat, jaholat, tahlil, lirik asar, tuyg'ular olami, davr va zamon.

XX asr o'zbek adabiyoti dastlab jadidlar ijodi bilan sug'orilib, ko'plab iste'dod darg'alarining bo'y ko'rsatgan pallasi bo'ldi. Xususan, XX asr boshlaridagi bir qancha yorqin ijodkorlar, xususan, Fitrat, Cho'lpon, A.Qodiriy, Hamza va yana bir qancha jadidlarimiz ijodiga nazar solar ekanmiz, haqiqiy millatparvarlik ruhi singdirilgan, haqqoniylik va shiddatni o'zida aks ettirgan ijod namunalari ko'rib, nafaqat nasriy asarlar balki, lirik asarlar ham millat dardlari bilan yonib yaratilganligiga guvoh bo'lamiz.

O'zbek romanchiligining asoschisi, o'zbek realistik hikoyachiligiga tamal toshini qo'ygan A. Qodiriy ham nasriy ham lirik asarlari bilan adabiyotimiz xazinasini boyitdi, nafaqat boyitdi, balki, o'zining keskir, shiddatli fikrlari bilan boshqalarni ham ochiq va oshkora bo'lishga da'vat etdi. Ayniqsa, A.Qodiriy nasriy asarlari, romanlari va hikoyalaridan o'sha davrda yaratilgan asarlarda bo'lgani kabi ma'rifiy-tarbiyaviy ruh ufurib turishi, ammo hazil-mutoyiba, so'z

o'yini, uslub ravonligi bilan ajralib turishi yaqqol ko'zga tashlanadi. Birgina "O'tkan kunlar" romanining o'zigina o'zbek romanchiligida katta o'zgarish yasab, hozirgi kunga qadar romanchilikning cho'qqisi bo'lib turibdi. Adib publitsistika sohasida ham anchagina keskir va zamonaning eng chirkin va og'riqli nuqtalarini yoritib o'tgan. "Bizda teatru ishining borishi", "Qimmatchilik masalasi", "Qiroatxonalarimiz", "Yangi sistem betaraflik", "Tilanchilik yoxud yengil kasb" kabi maqolalarida jamiyatdagi, xalq hayotigai eng og'riqli masalalarni keskin tanqid qila oladi. Qodiriyning lirik asarlariga murojaat qiladigan bo'lsak, ushbu fikrlarning qoliplarga solingan holatda o'quvchiga she'r orqali yetkazib berilgan. Nomlaridan ham albatta, she'rda yoritilajak mavzularni anglashimiz mumkin: "To'y", "Ahvolimiz", "Millatimga bir qaror", "Fikr aylagil", "Pildir-pis". "Adib she'riyati masalasi qodiriyshunoslikda tesha tegmagan muammolardan biri shunga ko'ra Qodiriy she'rlarining o'z harakteriga ko'ra ikki turga bo'lamiz: birinchisi sof she'riy shaklda ("To'y"), ikkinchisi nasriy asarlar bilan qorishiq tarzda"⁹⁸1. She'rlarni o'qir ekanmiz, bosh qahramon - xalq qanday omi, johil va xurofotga beriluvchan ekanligi, uni bu yo'sindan qanday qutqara olish mumkinligi keskin tanqid, kinoya va maslahat ohangi bilan o'quvchiga yetkazib beriladi. "Haqiqat ochiq so'zlashdadir", deya haqiqatni adolat mezoniga aylantira olgan, buni o'tkir qalami orqali o'quvchiga ham yetkaza olgan ijodkor o'sha davrdagi xalq ommasi qiyofasini haqqoniy tarzda chinakam badiiyat tushunchasiga moslab talqin qilgan. "Badiiylikning bosh mezoni hayot haqiqatini o'ziga xos tarzda kashf etishdan iboratdir"⁹⁹2. Darhaqiqat, Qodiriy she'rlarida badiiyat yuksak tarzda haqiqat bilan uyg'unlashib ketganini ko'rishimiz mumkin. Ijodkorning "To'y" she'rini tahlil qiladigan bo'lsak:

"Ishlamas shunday ahlik kishi,
Yo'lamas aslo ahli vijdon to'y.
O'tsa to'y birla yoz-u qishimiz,
Aylagay bizni yerga yakson to'y"¹⁰⁰.

Zamona kulfati, millatning loqaydligi, mustamlakachilik illatlari va mavjud qashshoqliklari o'zi pok, dili pok, adib tuyg'ularini junbushga keltirardi. Undagi ziyraklik, nurli, aqli ko'z va qalb, go'zallik va fojiaiylikni tez payqardi, deyishadi. She'r haqiqatdan o'tkir pafos bilan yozilgan. Birgina to'yning nafaqat o'sha davrda o'tkazilish jarayonida xalqning og'ir turmushini yanada battar holatga kelishi, xurofot va jaholatga berilgan xalqning bir-biridan o'tish maqsadida isrofgarchilik va axmoqqarchilikga yo'l qo'yishi ifodalangan. "Mundayin ishlar sha'rimizda yo'q", "Amr etibdurmi bizga Qur'on to'y" deya ijodkor ongli tarzda nafaqat shariatimizda, Qur'oni Karimda ham amr etilmagan bunday chiqimdor va xalq ahvolini og'irlashtiruvchi ishlardan qaytarmoqchi bo'ladi. ("Baxtsiz kuyov" dramasida ham xuddi shu mavzu qalamga olingan). Umuman olganda badiiy asar salmoqdorligi jihatidan oladigan bo'lsak, ushbu she'rlar nafaqat o'sha davr va undan oldingi davr tuzumiga, inchunin, hozirgi zamon voqeligiga xos va mos, umuminsoniylikka, umumbashariyatga xos va mos deya olamiz.

Abdulla Qodiriy she'riyatida voqelikka tanqidiy munosabat bildirish juda kuchli. Voqelikni xoh u zamonaviy mazmunda bo'lsin, xoh tarixiy jihatdan bo'lsin, achchiq kinoya va o'tkir tanqid bilan tasvirlash imkoniyati juda kuchli. Xususan, "Millatimga bir qaror" she'rida:

Bizning johilligimizni ko'rib ul shod bo'lganlar,
Ko'rib mashg'uliyatimizni ilmg'a sharmisor o'lsun"¹⁰¹.

Bu yerda ijodkor to'g'ridan to'g'ri o'sha tuzumni, sobiq davlatning rahbarlari bizning o'z tilimiz, madaniyatimiz, saviyamiz quyiga tushib ketayotganidan xursand bo'layotgan "sovet kishi"larini to'g'ridan to'g'ri tanqid qiladi. Bir necha o'rinlarda "ochaylik jamiyatlar", "inoyatlar qilib yetimu bechora bekasga mador bo'lsin", "oltin kumushni ayamay boyonlar, dorilfununlar solsun" kabi jumalalarda adib xalqni jaholat botqog'idan chiqib, ilmli bo'lishga, bor-budini faqat maishatga sarflayotgan boyonlar mablag'larini ilm yo'liga sarflashlari naqadar kerak ekanligini aytib o'tgan. Ushbu she'rda da'vat ruhi kuchli. Shuningdek Qodiriyning "Ahvolimiz" she'rida:

⁹⁸ S.Mirvaliyev «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasining 2003 yil, 47-b.

⁹⁹ Umarali Normatov. Obid ketmon haqiqati. "O'zbek adabiyoti va san'ati", 1989-yil, 17-noyabr.

¹⁰⁰ "Sadoyi Turkiston" 1915-yil, 64-son. 20-mart, 2-bet.

¹⁰¹ <http://vostoka.ucoz.com/publ/3-1-0-1033#:~:text=MILLATIMGA%20BIR%20QAROR>

Ko‘r bizning ahvolimiz, g‘aflatda qanday yotamiz,
Joyi kelgan chog‘ida vijdonni pulg‘a sotamiz.

O‘g‘limizga na adab, na fan, na yaxshi so‘ylamak,

Na xudoni buyrug‘i bo‘lgan ulum o‘rgotamiz. - Satrlari bizga xuddi hozirni ko‘rib yozilgandek tuyuladi. Aslida, “tub estetik qatlam esa asar yaratilgan davrgagina qaratilgan emas - u davr kontekstidan ayro holda ham tushunilaveradi. Buning omili, ilgari aytilganidek, badiiy ijod onlarida san'atkor o‘z davridagina emas, katta VAQT qo‘ynida yashashi bilan izohlanadi. Shu bois ham unda mangu muammolar, mangu qadriyatlar o‘z aksini, ifodasini topadi. Asarning umrboqiyligini ta'minlovchi jihat ham aslida shudir”¹⁰². Xalqni tezroq jaholatdan chiqarish, ilm yo‘liga yo‘naltirish, yoinki turli xil bid‘at va xurofotlardan xalos etishda ham mana shu ilmning roli yuksak ekanligi e’tirof etilgan. Ijodkorning she’rlari bir-biriga ma’no jihatidan juda yaqin. Bir-birining uzviy davomi desak ham, yanglishmagan bo‘lamiz. Adib she’riyati uning millatparvarlik, xalqsevarlik qiyofasini bir qadar ochib bergan va falsafiyli, umumbashariyligi bilan haligacha o‘z ta’sirini yo‘qotgani yo‘q.

Xulosa qilib aytganda, har bir ijodkorning o‘z originalligi, o‘ziga xosligi bo‘lgani kabi Qodiriy she’riyatida ham o‘ziga xoslik bor. Uning o‘ziga xosligi tom ma’noda o‘zbek she’riyatiga o‘zgacha da’vat ruhini, tanqidiy ruhni olib kira olganligidadir, albatta.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Normatov U. Obid ketmon haqiqati. “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” gazetasi 1989, 17-noyabr.
2. “Sadoyi Turkiston” 1915-yil, 64-son. 20-mart, 2-bet.
3. Mirvaliyev S. “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” gazetasi 2003, 47-b.
4. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, “Fan” nashriyoti, 2007, 227- b.

С.Э.Шодиев (СамДЧТИ, PhD)

ГАП ҚОЛИПИДАГИ ТУРҒУН БИРИКМАЛАР КОМПОНЕНТЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Ушбу мақола гап қолипидаги турғун бирикмалар ва уларнинг компонентларига бағишланган бўлиб, унда гапнинг курилиш материали бўлмиш сўз ва турғун сўз бирикмаларининг хусусиятлари борасида сўз юритилган. Шу билан бирга, турғун сўз бирикмасининг талқини бўйича мулоҳаза юритган, сўз бирикмаси ва гап оралигидаги функционал чегарани белгилашга қаратган. Тадқиқотчи масала доирасида мақолада келтирилган мисоллар таҳлиliga таянган ҳолда ўз хулосаларини асосли равишда баён этган.

Калит сўзлар: гап қолипидаги турғун бирикма, сўз, сўз бирикмаси, турғун сўз бирикма, перифраза, ифода, тасвирий ифода, тавсифий ифода, гап.

Гап қолипидаги турғун бирикмалар кўлами анча кенг бўлиб, улар жумласига ноидиоматик маъно ифодаловчи гап қолипидаги соф турғун бирикмалар, ҳамда идиоматик маъно ифодаловчи гап қолипидаги турғун бирикмалар, мақол, маталлар, паремиялар (ҳикматли сўзлар) ва афоризмлар ва баъзи турғунлик белгисига эга бўлган гаплар ҳам киради. Лекин, шундай бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бири, компонентлари алоқасининг турғунлик даражасига ҳамда семантик салмоғига кўра иккинчисидан фарқ қилади.

Авваламбор, гап қолипидаги турғун бирикмалар таркибидаги компонентларнинг ўзаро синтактик муносабати ҳақида сўз юритишдан олдин, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, прагматик нуқтаи назардан, бундай турғун гаплар сўзловчи нутқида шаклланиб, тингловчи уларни тил материали сифатида қабул қилади, ёки улар матнда тил материали сифатида тайёр ҳолда намоён бўлади.

¹⁰² Dilmurod Quronov, Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, “Fan” nashriyoti, 2007, 94-b.

Синтаксис атамаси юнонча “синтаксис” – “курилиш, текислаш, тузилиш” сўзига айтилади, нутқни шакллантириш қоидаларини ўрганувчи ва шакллантирувчи тил ҳақидаги фан сифатида таърифланади. В.В. Виноградов асарлари 20-асрнинг 2-ярмида синтаксис тавсифининг асосий жиҳатларининг ривожланишини белгилаб беради: анъанавий структуравий, семантик, функционал ва коммуникатив синтаксис билан бирга шаклланади[1,42].

Ушбу ўринда турғун ҳолатдаги бундай гаплар компонентлари алоқасининг турғунлик даражаси ва семантик салмоғини кўриб чиқамиз. Гап материали сифатида, албатта, биз бунда сўзни келтирамиз. Бироқ, бундан ташқари, турғун сўз бирикмалари ҳам мавжудки, улар ҳам гап материали бўлиб хизмат қилади.

Ф.Ф. Фортунатов синтаксиснинг асосий вазифасини сўзларнинг тарқалиш қобилиятини ўрганиш деб ҳисоблаган, сўз бирикмасини синтаксиснинг асосий бирлиги, гапни эса сўз бирикмаси тури сифатида белгиллаган[1,42]. Ф.Ф. Фортунатовнинг синтаксиснинг асосий вазифасини сўзларнинг тарқалиш қобилиятини ўрганиш деган нуқтаи назарига қўшилиш мумкин, бироқ, гапни сўз бирикмаси тури сифатида белгилаш тўғри деб билмаймиз. Шунинг учун ҳам қуйида гап компонентлари хусусиятларига эътибор қаратган ҳолда, уларни ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Гап компонентларининг шакл ва мазмун жиҳатдан синтактик муносабатга киришувининг фаол иштирокчиси сўз ҳақида гапирар эканмиз, унинг кўп функционал ҳодиса эканлигини таъкидламоқчимиз. Бундай сўзлар турғун ва турғун бўлмаган гап таркибида қўлланиши ва қуйидаги вазифаларни бажариши мумкин.

Авваламбор, ҳар қандай сўз номинатив бирлик сифатида кенг маънода атама ва шу билан бирга тор маънода термин бўла олиши аҳамиятлидир. Уларнинг бундай вазифаси турли тилларда бир хил намоён бўлади, мисол сифатида ўзбек тилида; *тил* – атама, *тил* – термин; инг., *head* – атама, *head* термин, рус., *язык* – атама, *язык*- термин;

Албатта, ҳар қандай сўзлар умумий ва хусусий тушунчаларни, масалан ўзбек тилида *олма* –*умумий тушунчани*, шу билан бирга - *қизил олма* мисолида *қизил* - хусусий тушунчани; инг., *an apple – red apple*, бунда *apple* *умумий тушунчани*, артикл *an*, ва *red* *сифати хусусий тушунчани ифода*лайди;

Сўз воқеликдаги нарсаси, предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг кўзга намоён бўладиган хусусиятидан келиб чиқиб, масалан, *олма*, *китоб*, *дафтар* ҳақида конкрет тушунчаларни ва мавҳумликни ифода этувчи *севги*, *муҳаббат*, *шайтон*, *фаришта*, *худо* сўзлари абстракт тушунчаларни билдиради;

Сўз нутқ жараёнида ўз маъносида ва кўчма маънода қўлланилиши мумкин, масалан, ўзбек тилида *тулки* – ўз маъносида, *тулки* – кўчма маънода; инг. тилида, *a fox*– ўз маъносида, *a fox* тап – кўчма маънодаги тушунчаларни ифода этади;

Сўзлар гапда мустақил равишда алоҳида алоҳида келиши ҳам, биргаликда уюшиб келиши ҳам мумкин. Боғда *олма*, *анор*, *шафтоли*, *беҳи* фарқ пишган. Бунда ҳар бир сўз алоҳида тушунчани ифодалаб, улар бир бири билан вергул билан ажратилиб, тушунчалар қоришмаган ҳолда, алоҳида тушунчалардан ташкил топган.

Ушбу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, прагматик нуқтаи назардан ҳар доим сўз - ўзидан катта бирликлар, сўз бирикмаси, гап ва ундан катта бирликлар вазифасини бажариб келган ҳолатлардан ташқари, ҳар доим *тушунчани* ифода этади.

Кейинги навбатда, гап компонентларининг шакл ва мазмун жиҳатдан синтактик муносабатга киришувининг яна бир иштирокчиси сўз бирикмаси бўлиб, унда икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро муносабатга киришувини назарда тутилади, улар гап материали бўла олмаслиги барчамизга аён, бироқ турғунлашган сўз бирикмалари бундай вазифани бажара олади. Гап таркибида турғун сўз бирикмаларининг қўлланилиши, уларнинг қуйидаги хусусиятларига эътибор беришни талаб этади:

Сўз бирикмаси нутқ жараёнида эркин бирикмани ҳосил қилиши ва кейинчалик ёнма-ён доимий қўлланиши натижасида турғун бирикма шаклидаги тил материали сифатида

хизмат қилади; шахримизда *темир йўл* қурилди - эркин бирикма, *темир йўл* инсон артериасига ўхшайди- турғун бирикма;

Сўз бирикмаси – таркибли атама ва таркибли термин бўлиб келиши мумкинлиги қуйидаги ўзбек ва рус тиллари мисолларида кўриш мумкин; таркибли атамага *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*, таркибли терминга эса – *сўроқ белгиси* - *вопросительный знак*, *иқтисодий сиёсат-экономическая политика* ва ҳ.к келтириш мумкин.

Сўз бирикмасини қўлланиши жиҳатидан тўғридан-тўғри ўз маъносида келадиган бирикмаларга, *красная строка* (*қатор боши*) ва кўчма маъно ифода этадиган бирикмаларга ажратиш мумкин, *красная девица* (*чиройли қиз*).

Бироқ, ушбу ўринда сўз бирикмаси ифодаси борасида мунозарали ҳолат юзага келмоқда. Бизнингча, сўз – умумий тушунча ва хусусий тушунчаларни ифода қиладиган бўлса, сўз бирикмаси умумий планда *мураккаб тушунча ёки тушунчалар бирлигини* ифода қилади деган нуқтаи назарни илгари суриш тўғридир, бироқ, улар таркибли атама бўлиб, тилшунослик учун таркибли термин сифатида хизмат қила олмайди ва барчамизни чалғитади. Шунинг учун ҳам, бундай талқинларни таркибли термин даражасига чиқаришимиз лозим.

Кўпчилик тилшунослар сўз бирикмаси - тушунча, тушунчалар бирлиги, тушунчалар кўшилмаси, *мураккаб тушунчаларни* ифода этади, каби нуқтаи назарларни билдиришади. В. В. Виноградов таъкидлашича, «Словосочетание — это сочетание слов, организованное по законам данного языка и выражающее какое-нибудь понятие, хотя и сложное, и способное служить его обозначением. Это свободный эквивалент фразеологической единицы» [3.42]. Кўриниб турибдики, ушбу талқинда сўз бирикмаси тушунча, хотя сложное – гарчи *мураккаб тушунчани* ифодалайди деган нуқтаи назар илгари сурилмоқда. Бироқ, биз бундай ёндашувга қўшила олмаймиз ва қуйида ўз ёндашувимизни келтириб ўтамиз.

Сўзлар умумий планда ҳар қандай ҳолатда *тушунчани*, қолган ҳолатларда сўз бирикмаси ва гап вазифасини бажарган ҳолатда, ўша бирликлар функциясини бажарган ҳолда, айнан шу бирликлар *мазмун моҳияти ифодасини* беришини барчамиз биламиз. Бироқ, сўз бирикмасининг *мураккаб тушунча* ифодалаши борасидаги фикрга қўшилиш тўғри эмас деб ҳисоблаймиз. Қуйида келтирилган икки мисолни кўриб чиқар эканмиз, фикримиз далили сифатида ўз нуқтқа назаримизни далиллай оламиз. Масалан, *мамлакат маликаси* - сўз бирикмаси умумий планда умумий тушунча, *мураккаб тушунчани* ифодаламоқда дейдиган бўлсак, *дала маликаси* - ўз функциясини бажараётган ҳолда, кўчма маънода тасвирий ифодани билдиради деган фикр мантикка тўғри келмайди ва бунда умумий функционаллик нуқтаи назаридан сўз бирикмасининг икки вазифа бажараётганлигини кўрамиз. Бундай бирикмалар ўзига хос, хусусий маъно ифодалаётган экан, буни сўз ва гап функциясини бажармоқда деган нуқтаи назарга асосланган ҳолда, унга қўшилиб бўлмайди. Бу мисолларнинг ҳар иккиси таркибли атама (бирикма), бири ноидиоматик бўлса, иккинчиси идиоматик ифодалидир. Бизнингча, *тушунчалар бирлиги*, *мураккаб тушунча* каби сўзлар бирикмаси умуман ифодалаш учун хизмат қиладиган бўлса, ушбу ўринда *тасвирий ва тавсифий ифода* таркибли термин сифатида хизмат қила олади. Бизнингча, сўз бирикмаси умумий планда ифодани, хусусий планда – *тўғридан-тўғри тасвирий, тавсифий ифодани* (*тушунчалар бирлиги*), *кўчма маънодаги тасвирий, тавсифий ифодани* билдиради. Бундай сўзлар бирикмасига перифразалар мисол бўлади.

Перифраза, бошқача қилиб айтганда парафраза Азим Ҳожиёвнинг тилшунослик терминларининг изоҳли луғатида, парафраза (юн. paraphrasis* — тасвирий ифода, тасвир). Нарса, ҳодисанинг ўз номи билан эмас, уларни характерли белги хусусиятлари асосида тасвирий усул билан ифодалаш; шундай ифода. Мас., *дала маликаси* (*маккажўхори*), *зангари олов* (*газ*) каби берилган [3, 67].

Перифраза- (юнонча перифразадан, пери - атрофида, фраза - айтаман) - сўз ёки ибора ўрнида қўлланиладиган из, тавсифловчи нутқнинг бир тури. П.да предмет ёки ҳодисанинг номи каттароқ ифодалилик учун унинг энг характерли белгиларини кўрсатиш билан алмаштирилади: “Шимолий Венеция” (Санкт-Петербург), “ҳайвонлар шоҳи” (шер). П.

мажозий (метафорик характерга эга) ва мажозий бўлмаган (уларни ташкил этувчи сўзларнинг бевосита маъносини сақлаб қолган, масалан: “Нива бўйидаги шаҳар” – Петербург). Йўлларга фақат образли тасвирлар тегишли. Мажозий тасвирларда баъзи асосий хусусиятлар ажралиб туради, қолганлари эса хиралашган бўлиб, бу муаллифга тасвирланган нарса ва ҳодисаларнинг, айниқса, муҳим бўлган хусусиятларига эътибор қаратиш имконини беради, унинг учун бадиий жиҳатдан. Тасаввурсиз П. фақат предметлар, сифатлар, ҳаракатлар номини ўзгартиради ва эстетик эмас, балки семантик вазифани бажаради: улар муаллифга фикрни тўғрироқ ифодалашга ёрдам беради, тасвирланган нарса ёки ҳодисанинг маълум сифатларини таъкидлайди, сўзларни такрорлашдан сақлайди (масалан,)., А.С. Пушкин ўрнига -"Евгений Онегин" муаллифи", "буюк рус шоири"). "Шоирнинг ўлими" шеърида М.Ю. Лермонтов худди шу А.С. Пушкинни "шараф қули", "ажойиб даҳо" деб аташади, таниқли неврологда - "рус шеърининг қуёши"- булар мажозий П., тропиклар. П. - XX аср бошлари рамзий шеърининг етакчи тропаларидан бири [Адабий атамалар луғати. 2012].

Перифраза адабий атамалар луғатида перифразанинг тавсифловчи нутқнинг бир тури сифатида талқин этилиши, унда ифодалилик, перифразалар мажозий (метафорик характерга эга) ва мажозий бўлмаган характерларни ифодалашга, предметлар, сифатлар, ҳаракатлар номини ўзгартиради ва шу билан бирга эстетик эмас, балки семантик вазифани бажариши ҳақида келтирилган, фикрни тўғрироқ ифодалашга ёрдам бериши, тасвирланган нарса ёки ҳодисанинг маълум сифатларини таъкидлаш учун хизмат қилишига тўлиқ қўшилиш мумкин бўлади.

Перифраза адабий энциклопедияда: [юнонча перифразис] - предмет ёки ҳаракатнинг бир сўзли номини тавсифловчи сўз бирикмаси билан алмаштиришдан иборат бўлган синтактик-семантик фигура. Мактаб ва классик услуб...

Юқорида келтирилган адабий энциклопедиядаги берилган таърифнинг аҳамияти шундан иборатки, бир тушунчани ифодаловчи бир лексик бирлик бўлган бир сўз орқали ифодаланиши мумкин бўлган воқеликни икки сўзнинг, яъни сўз бирикмасининг синтактик ва семантик жиҳатдан бирикуви натижасида тавсифлаш мумкинлиги англашилмоқда.

Бундан ташқари, яна бир катта энциклопедик луғатда, перифраза (юнонча перифразис - аллегориядан) троплар, тўғридан-тўғри номни тўғридан-тўғри номланмаган объектнинг белгиларини кўрсатадиган тавсифловчи ибора билан алмаштириш: ...деб таърифланган. Бунда сўз бирикмаси бўлмиш перифраза тўғридан-тўғри ифодалаш мумкин бўлган объектнинг белгиларини алмаштириш орқали кўчма маънодаги тавсифловчи ибора билан ифодалаш мумкинлигини тушунилмоқда.

Перифразалар ҳақида гап борар экан экан, улар - объектни тасвирлаш орқали унга билвосита мурожаат қилиш.. Перифразада баҳоловчилик, субъективлик мавжуд. Перифраза ҳар доим тавсифловчидир. Улар воқеликни ташқи ва ички хусусиятларни тасвирий ифодалайди. Перифразалар тасвирий ва тавсифий ифодадир.

Перифраза, умуман ўзбек, рус, инглиз тилшунослигида сўз бирикмаси атрофидаги тушунчаларни ўрганар эканмиз, ушбу тушунчалар таҳлили сўз бирикмалари табиатини яхшироқ англашга хизмат қилади. Ўзбек тилшунослари М.К.Абузалова ва У.Ш.Аҳмадовалар ўз ишларида перифразалар ўзбек тилшунослигида “тасвирий ифода” маъносида қўлланилганлиги таъкидланган[1, 253].

Таъкидлаб ўтганимиздек, перифраза бўлмиш сўз бирикмаси билан боғлиқ тушунчаларни ўрганиш орқали ишимиздаги кўпгина масалаларга ойдинлик киритиш мумкин бўлади. Сўз бирикмаси инглиз тилида қуйидагича берилади ва бундай бирликлар ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади: expression - ифода, free expression - мустақил (эркин) ифода, set expression – турғун ифода, phrase - фраза, free phrase - эркин фраза, set phrase - турғун фраза каби термин ва таркибли терминлар ёрдамида ифодаланилади. Ушбу таржимага эътибор қаратилса, эркин бирикмалар – ифода сўзи ёрдамида берилмоқда, турғун бирикмаларда фраза калимаси қўлланилмоқда.

Рус тилида словосочетание, свободные словосочетание, устойчивые словосочетание тарзида бериладиган термин ва таркибли терминларнинг функционал вазифаси - выражение, прямое выражение, косвенное выражение тарзидаги ифодани беради ва буни ўзбек тилидаги сўз бирикма, эркин сўз бирикма ва турғун сўз бирикма термини ва таркибли терминлари таржимаси ўзбек тилида тушунча сўзига эмас, балки, ифода, эркин ифода ва тасвирий ифода талқинига тўғри келади.

Шу ўринда С.И.Ожиговнинг изоҳли луғатига эътибор қаратар эканмиз, унда ифода – выражение тушунчаси сўз бирикмаси функциясига қанчалик мос келишига иқрор бўламиз. Выражение Выражение, -я, средний род – 1. смотрите выразить, -ся.

2. То, в чём проявляется, выражается что-нибудь Цена — денежное в. стоимости товара.

3. Внешний вид (лица), отражающий внутреннее состояние. Весёлое в. глаз. Недовольное в.

4. Фраза (в 1 знач.) или сочетание слов, часто употребляющиеся в речи. Устарелое, общеупотребительное в. Образное, меткое, избитое, ходячее в. Устойчивое в. Не стесняться в выражениях (говорить, пренебрегая вежливостью, пристойностью).

5. Формула, выражающая какие-нибудь математические отношения. Алгебраическое в. С выражением (читать, декламировать) (разговорное) — выразительно, с чувством. (Слово "Выражение" может использоваться сокращённо в тексте как "В." или "в.") [4, 742].

Шундай қилиб, бизнингча, сўз бирикмаси – умумий тушунча, тушунчалар бирлигини эмас, балки умумий ифодани, хусусий ифодани, тўғридан-тўғри тасвирий, тавсифий ифодани ва кўчма маънодаги тасвирий, тавсифий ифодани; *давлат раҳбари* - умумий (тасвирий, тавсифий) ифодасини, *давлатимиз бош қўмондони, иқтисодиётимиз ислохотчиси, барча тадбирлар боши* - хусусий (тасвирий, тавсифий) ифодаси; шу билан бирга улар *мамлакат маликаси* тўғридан –тўғри тасвирий ифодани ва *дала маликаси*- кўчма маъноли, мажозий маъно билдирувчи тасвирий ифодани билдиради.

Шу билан бирга, уюшиқ бўлақлар ва сўз бирикмаси компонентларининг ўзаро муносабатга киришуви бобида ҳам аниқлик киритилиши лозим бўлган масалалар ҳам борки, унда уюшиқ бўлақлар функционал жиҳатдан пунктуацион бирлик бўлмиш вергул ёки тенг боғловчилар ёрдамида, қандай боғланишидан қатъий назар тушунчаларнинг уюшиб келишидан ташқарига чиқа олмайди, бироқ сўз бирикмасида сўзларнинг ўзаро боғланиши натижасида тасвирий, тавсифий ифода мавжуд бўлиши лозим. Мисол тариқасида:

1. Боғимизда *олма, анор, шафтоли, узум ва бошқа сархил мевалар* пишган.
2. Боғимизда *олма-ю анор, шафтоли-ю узум ва бошқа сархил мевалар* пишган.

Биринчи мисолимизда келтирилган *олма, анор, шафтоли, узум* уюшиқ бўлақлар бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида алоҳида *тушунча* ифода этмокда. Бироқ, иккинчи мисолимизда *олма-ю анор, шафтоли-ю узум, сархил мевалар* сўз бирикмаси бўлиб, улар тўғридан-тўғри ифодани билдирмокда.

Биз юқорида келтириб ўтган бирликлар талқини гап қолипдаги турғун бирликларнинг ўзаро муносабатида уларнинг тугал ёки тугал бўлмаган фикр ифода этишидан қатъий назар иштирок этади. Гап қолипдаги тунғун бирикмалар таҳлили асносида юзага келадиган нуқтаи назарлар ифодасида муаммоларни юзага келтиради ёки тўғри талқин этиш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, тугал ва тугал бўлмаган фикр ифодалайдиган бундай бирикмалар таҳлилида унинг сўз бирикмаси қолипдаги турғун бирикмами, ёки гап қолипдаги турғун бирикмами деган саволни юзага келтиради ва турғун сўз бирикма ва гап қолипдаги турғун бирикма чегарасини аниқлашда муаммалар келтириб чиқаради. Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Гап қолипдаги турғун бирикмаларни ўзидан кичик бўлган бирлик сўз бирикмалардан фарқли жиҳати унинг тугал ва тугал бўлмаган фикр ифодалашидир.

Сўз бирикмаларининг бошқа бирликлардан фарқли жиҳати сўз тушунчани, гап фикрни ва сўз бирикмаси ифодани (тасвирий, тавсифий ифодани), тўғридан - тўғри тасвирий ва

тавсифий ифодасини ва кўчма маънодаги ифодани (тасвирий ва тавсифий ифодани) билдиради.

Шу билан бирга умумий планда сўз - сўз бирикмаси, гап ва ундан катта бирликлар функциясини бажара олсада, хусусий планда сўз бирикмаси “ифода”ни – воқеликдаги нарсалар-предмет, воқеа ва ҳодисаларни тасвирий ва тавсифий ифодалаб келади, уларни мураккаб тушунча, умумий тушунча, тушунчалар бирлиги тарзида талқин этиш мумкин, бироқ бундай тушунчалар сўз бирикмаси ифодаловчи таркибли термин сифатида хизмат қила олмайди. Кўчма маънодаги сўз бирикмаси яъни парафраза, бошқача қилиб айтганда, перефраза тасвирий ифодани билдиради деб талқин этаётган эканмиз, бундай бирликлар бир пайтнинг ўзида ҳам тушунчани (тушунчалар бирлиги, мураккаб тушунча) ва ифодани, яъни тасвирий ва тавсифий ифодани билдириши мантиққа тўғри келмайди ва ҳар қандай сўз бирикмаси умумий планда ифодани, хусусий планда тўғридан-тўғри тасвирий, тавсифий ифодани ва кўчма маънодаги тасвирий ва тавсифий ифодаларни билдиради.

Кейинги навбатда, яна шуни таъкидлаш лозимки, инглиз тилида expression, free expression, set expression термини ва таркибли термини ўзбек тилига ифода, мустақил (эркин) ифода, турғун ифода тарзида бериш мумкин бўлади. Рус тилида словосочетание, свободные словосочетание, устойчивые словосочетание тарзида бериладиган термин ва таркибли терминлари эса, выражение, простое выражение, косвенное выражение тарзидаги ифодани беради ва ўзбек тилидаги сўз бирикмаси, мустақил сўз бирикма ва турғун сўз бирикмаси таркибли терминлари таржимаси эса ўзбек тилида тушунча сўзига эмас, балки, ифода, тўғридан-тўғри (эркин ифода) ва турғун ифода талқинига тўғри келади.

Агар сўзларнинг ўзаро муносабатида *ифода* мавжуд бўлмаса, тушунчалар уюшиб, кетма-кет, тенг боғловчилар ёрдамида муносабатга киришидан қатъий назар, уларни сўз бирикмаси дея олмаймиз, улар уюшиқ бўлақлар деб талқин этилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абузалова М.К., Аҳмадова У.Ш. “Перифразаларнинг аргон, жаргон ва эвфимизмлар билан муносабати” Journal of Advanced Research and Stability. 02 Issue: 01/ 2022. ISSN 2181-2608 www.sciencebox.uz.
2. Акимов Г.Н., Вяткина С.В., Казаков В.П., Руднев Д.В. Учебник. СПб.: Факультет филологии и искусств СПбГУ, 2009. 347 с. ISBN 978-5-8465-0976-4.
3. Азим Ҳожиёв “тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”
4. Толковый словарь русского языка Ожегова С. И.
www.ozhegov.textologia.ru/definit/virazhenie/?q=742&n=168248

U.U.Sattarov (SamDCHTI tadqiqotchisi)

CHET TILINI O‘QITISH TIZIMI “QUIET” USULIDAN FOYDALANISHNING SAMARADORLIGI

Annotatsiya. Maqolada chet tilini o‘qitishning usullari haqida ma’lumot berilgan. O‘qitish jarayonida “Quiet” usuli va uning samaralari haqida ma’lumot berilgan.

Kalit so‘zlar: ta’lim, samaradorlik, yangi pedagogik texnologiya, o‘zaro ta’sir, talqin, tushuncha.

Chet tilini o‘qitish tizimi voqelik hodisalarining umuminsoniy bog‘liqligi va o‘zaro bog‘liqligi, uzluksiz rivojlanayotgan dunyoning yaxlitligi va u haqidagi bilimlarimizni tizimli aks ettirish haqidagi qoidalarga asoslanadi. Tizimning yaxlitligi uning elementlari o‘rtasidagi turli xil aloqalar va tizimning ishlashi davomida ularning o‘zaro ta’siri bilan ta’minlanadi.

Chet tillarni o‘qitishga kelsak, tizim tushunchasini ikki darajada ko‘rib chiqish maqsadga muvofiq: chet tillarini o‘qitish metodikasining dastlabki qoidalarini belgilovchi eng muhim hodisa

va jarayonlar darajasida; pedagogik jarayon darajasida, ya'ni o'qituvchi va o'quvchilarning ta'lim kompleksi vositachiligida, yakuniy natijani – ma'lum darajada o'rganishni belgilaydi.

Chet tillarni o'qitish metodikasi bir qator boshqa fanlar - asosiy va tegishli fanlar bilan bog'liq. Asosiy fanlarga falsafa, pedagogika, psixologiya, psixolingvistika, tilshunoslik, aloqa nazariyasi va boshqalar kiradi. Tadqiqotning samaradorligi va ishonchligini ta'minlash vositasi sifatida metodologiya tomonidan turdosh fanlar ma'lumotlaridan foydalaniladi.

“Quiet” usuli tilshunoslikda strukturaviy yondashuvga, psixologiyada gumanistik yo'nalishga asoslanadi.

Bu metodning muallifi K.Gattegno bo'lib, u o'zining ona tilida matematika o'qitish va o'qish dasturini yaratish tajribasini chet tillarini o'qitish metodikasiga o'tkazgan. Usulning nomi muallifning darsdagi tashabbus nutqi o'qitishning ko'p vaqtini oladigan o'quvchilar tomonidan bo'lishi, o'qituvchi esa darsda imkon qadar kamroq gapirishi kerakligi haqidagi fikrini aks ettiradi. O'qituvchidan keyin takrorlash va takrorlashdan farqli o'laroq, sukunatda o'rganish, topshiriqni bajarishda o'quvchilarning aqliy faolligi va konsentratsiyasiga yordam beradigan texnikaga aylandi [7].

"Quiet" ta'lim usulidan foydalanish ma'lum cheklavlarga ega, chunki u o'quvchilarning yuqori qiziqishini va ichki motivatsiya mavjudligini nazarda tutadi.

Bu metodning ijobiy jihati o'quvchilarning mustaqilligini rag'batlantirish va o'quv jarayonida turli tayanch va ko'rgazmali qurollardan foydalanish hisoblanadi.

Yana bir usullardan biri Jismoniy harakatlarga tayanish usuli (Total jismoniy javob - TPR) psixolog J. Asher tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, strukturaviy tilshunoslik, o'rganishdagi bixeviorizm va gumanistik yo'nalishga, shuningdek psixologiyaning nutq va jismoniy muvofiqlashtirish pozitsiyasiga asoslanadi. harakatlar, unga kim hamrohlik qiladi. Usul tabiiy usulning g'oyalarini rivojlantiradi.

Uning mohiyati shundan iboratki, chet tilini o'rgatishda bolalarning ona tilini o'zlashtirish jarayoniga taqlid qilish kerak, bu esa tegishli jismoniy harakatlarni bajarish bilan parallel ravishda o'zlashtiriladi. Tuzilmalarni idrok etish, agar u o'qituvchi va talabalar tomonidan bajariladigan harakatlar bilan birga bo'lsa, osonlashadi.

Leksik-tarjima usuli yoki analitik usul Yevropaning turli mamlakatlarida (Angliya, Fransiya, Shveytsariya) qo'llanilgan. Ushbu uslubning asosiy yo'nalishi lug'at edi. So'z boyligi asl asarlarni yodlash orqali yaratilgan. Grammatika ikkinchi o'ringa qo'yildi va matnga sharh sifatida tasodifiy o'rganildi. Leksik-tarjimonlik metodi asosan umumiy ta'lim maqsadlarini ko'zlagan va o'qish malakalari va tarjimalarning rivojlanishini ta'minlagan. Leksik-tarjima usulining vakillari Shovan (Shveytsariya), Jakoto (Fransiya) va Gamilton (Angliya) hisoblanadi.

Tadqiqotning ushbu bosqichining natijasi muloqot samaradorligini oshirish, o'quv jarayonini optimallashtirish va shaxsiy takomillashtirish uchun foydalaniladigan texnikalar to'plami edi. NLP rivojlanishiga navbatdagi muhim hissani britaniyalik antropolog Gregori Beytson qo'shdi, u ayni paytda psixoterapiya, kibernetika va biologiya sohalarida ham ko'p ishlagan. NLP jadal rivojlanib, odamlarga faoliyatning turli sohalarida, shu jumladan ta'limda muvaffaqiyat va mukammallikka erishishning turli usullarini taklif qiladi. NLP usuli juda murakkab, ammo uning nomi juda oddiy. Neyro - fikrlash yoki hissiy idrok - asab tizimida sodir bo'ladigan jarayonlarga munosabatdan dalolat beradi va odamlar o'rtasidagi o'zaro tushunishga erishishda muhim rol o'ynaydi va aloqa jarayonlarining asosiy qismini tashkil qiladi. Dasturlash maqsadlarimizga erishish uchun fikrlashni qanday tashkil qilishimizni anglatadi.

Loyiha metodi amerikalik pedagog U.Kilpatrik tomonidan 1920-yillarda J.Dyui tomonidan instrumentalizm kontseptsiyasining amaliy amalga oshirilishi sifatida ishlab chiqilgan. Loyiha usulining asosiy maqsadi talabalarga turli fan sohalaridagi bilimlarni birlashtirishni talab qiladigan amaliy masalalar yoki muammolarni hal qilish jarayonida mustaqil ravishda bilim olish imkoniyatini berishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Babanskiy Yu. K. Zamonaviy umumta'lim maktabida o'qitish metodikasi. - M.: Ma'rifat, 1985 yil.

2. Belyaev B.V. Chet tili lug'atini o'zlashtirishning psixologik asoslari. - M., 1964 yil.
3. Bim I.L. Chet tillarni fan sifatida o'qitish metodikasi va maktab darsligi muammolari. - M.: Rus tili, 1977.
4. O'rta va oliy maktablarda chet tillarini o'qitish metodikasi masalalari / tahrir. A. S. Shklyeva. - Qozon: Qozon davlati. universitet, 1961. - 263 b.
5. Galskova N.D. Chet tillarini o'qitishning zamonaviy usullari: M.: Glossa, Moskva, 2000 yil.
6. Gez N.I., Lyaxovitskiy M.V., Mirol'yubov A.A. h.k. o'rta maktabda chet tillarini o'qitish metodikasi. M., 1982 yil.
7. Kolesnikova I., Dolgina O. "Chet tillarini o'qitish metodikasi bo'yicha ingliz-ruscha ma'lumotnoma" - Sankt-Peterburg, 2001. - B.52.

MUNDARIJA

I SHO‘BA

TIL TARAQQIYOTINING DERIVATSION QONUNIYATLARI

<i>И.М.Тухтасинов.</i> Таржимага ўқитишни ташкил этишнинг методик асослари	3
<i>X.Z.Xayrullayev, M.A.Ibragimova.</i> Morfemaning lingvistik tavsifi va morfematik sath xususida ...	6
<i>Самандаров Р. Д.</i> Аппликатив модель ва матн деривацияси хусусида айрим мулоҳазалар...	12
<i>Б.Н.Турниязов</i> Kauzativlik xususida mulohazalar	13
<i>Ли Чэньсюй,</i> Профориентационная модель подготовки кадров по направлению «китайский язык + туризм» в узбекских вузах	15
<i>А.Б.Ахмедов.</i> Неологизмларнинг динамик нуктаи назардан тадқиқи	18
<i>У.Б.Усмонова.</i> Публицистик матннинг синтактик-стилистик хусусиятлари (тоҳир малик публицистикаси мисолида).....	19
<i>О.А.Ruzmetova.</i> Sintaktik-derivatsiya haqida qarashlar.	21
<i>Faleeva Anastasiya Vadimovna.</i> Nominative, expressive and constructive functions of composites in colloquial word formation	23
<i>Ф.Р.Халимова</i> Концептнинг лингвотаданий тадқиқи	21
<i>М.Х.Зайниева.</i> Матн ва унинг лингвистик тавсифидаги мунозарали масалаларга доир	25
<i>G.Y.Xoliqulova.</i> Sintaktik munosabatning tilshunoslikda o‘rganilishi.....	27
<i>Amonova Gulsanam Bahodir.</i> Aspektuallik lingvistik hodisasi xususida	31
<i>Adham Sujarow Begmuradowitsch.</i> Perspektiven einer vergleichenden kultur- und mentalitätsforschung in deutsch als fremd-und zweitsprache	34
<i>Н.Раимназарова.</i> Изоҳли луғатларда диалектал сўзларнинг иллюстратив мисолларда берилиши.....	38
<i>Т.Ойдинов.</i> Фонемалар ва уларнинг матнда намоён бўлиши	41
<i>Н.А.Urmonova.</i> Oksyumoron – poetik individuallikni yuzaga keltiruvchi vosita sifatida (abdulla oripov she’riyati misolida)	41

II SHO‘BA

SISTEM VA STRUKTUR TILSHUNOSLIK MUAMMOLARI

<i>Н.Қ.Турниёзов.</i> Матн ва унинг сарлавҳаси: структур-семантик ҳамда деривацион хусусиятлари	45
<i>Т.А. Бушуй</i> Словари современного типа	47
<i>Р.Д.Журакулов.</i> Основные семантико-структурные разряды сказочной фразеологии	50
<i>A.F.Shamaxmudova.</i> Classification of sentences into communicative types	52
<i>R.Suvonova, O.Abdusolieva.</i> Ot turkumiga xoslangan so‘zlarda metonimiya	54
<i>Д.Ш.Мамирова.</i> Реклама матнларида олмошларнинг қўлланилиши.....	56
<i>N.S.Sadinova.</i> Metaforalarning lirik asarlarda voqe‘lanishi.....	57
<i>Д.Н.Рахматова Д.Н.</i> Махмудхўжа бехбудий асарларининг статистик тадқиқи	59
<i>О.Аноркулова.</i> Концепт тушунчаси ва унинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқига доир мулоҳазалар.....	61
<i>А.А.То‘xtamishev.</i> “是” bog‘lamasining sintaktik sathda qo‘llanilishiga oid.....	63
<i>М.А.Махмудова.</i> Понятие «ум» в философской трактовке.....	65
<i>А.Ибаев.</i> Инглиз ва Ўзбек тилларида компонентлари сифатдош шакли билан боғланган пайт муносабатли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси	67
<i>S.M.Mardonova.</i> Qadimgi ingliz tili yo‘nalish harakat fe‘llarining semantik taraqqiyoti.....	69
<i>М.Зайниддинов.</i> Гап ва унинг таҳлил усуллари хусусида	71
<i>Д.Б.Бойматова.</i> Мураккаблашган содда гаплар таркибига кирувчи синтактик бирликларнинг тилшуносликда тадқиқ қилиниши.....	75
<i>Z.U.Urmonova.</i> Tilda ijobiy baho birliklarining leksik-semantik xususiyatlari.....	77

О.С.Эшбоева. Трансформация ҳақида айрим мулоҳазалар	79
Нарзиева Диёра. Роль классической художественной литературы в нашей жизни.....	81

III SHO‘BA KOGNITIV, PRAGMATIK TILSHUNOSLIK MASALALARI

В.Г.Гак.(И.К.Мирзаев таржимаси). Грамматикада ассиметрия. функционал ёндашув	84
Ш.Н.Турниязова. Матнда айрим нуқсонларнинг юзага келиши ва унинг прагматик вазиятга таъсири	89
В.А.Воситов. Инглиз тилига туркий тиллардан сўз ўзлаштиришда инсон омилининг тутган ўрни	92
F.E.Sattorova. Muloqotda kommunikativ kompetentsiyaning ahamiyati.....	94
M.A.Rajabova. National-cultural and universal features of proverbs in english, russian and uzbek languages	96
С.С.Каримова. Муаллиф идиостили таърифи: когнитив аспект	98
B.I.Qodirova O‘zbek va qozoq tillari terminlarining qiyosiy tahlili (punktuatsiyaga doir terminlar misolida)	100
З.Ш.Холмурадова. Стилистические и прагматические особенности французских вкраплений в русских художественных текстах.....	102
Д.А.Исламова. Оламнинг бадий манзараси ва унинг асосий параметрлари	104
A.K.Usmonov. Bog‘lovchilarining lingvopragmatik xususiyatlari	106
M.Хрождиддинова Бир ранг-тус сифатининг коннотациясига прагматикаси.	109
Sh.U.Ishonkulov, A.T.Ziyatov. Discourse, pragmatic and functional approaches	111
A.S.Kushbakova. O‘zbek- ingliz matnlarida pragmatikaning qo‘llanilishi	113
R.Eshaliyeva. O‘zbek tilida “qandaydir” gumon olmoshining lingvopragmatik xususiyatlari	115
D.F.Qushmurodova. Erkin Vohidov she‘riyatida antonimlarning pragmatik xususiyatlari	120

IV SHO‘BA ZAMONAVIY TILSHUNOSLIKDA MATN NAZARIYASI VA TA‘LIM USLUBIYATI MASALALARI

X.Z.Xayrullayev, I.Hamroqul. Ingliz va o‘zbek tillarida boks terminlari va ularning tavsifi.....	122
О.С.Юсупова. Содда гап турларининг шеърий матнда қўлланилиши	124
U.Rashidova. Ingliz tilidagi fe‘l iboralar va ularni o‘zbek tiliga tarjima qilishning ayrim usullari	126
M.A.Убайдуллаева. Термин ва терминология тушунчалари таҳлили	132
Қ.М.Бегматов. Касбий компетенция педагогик фаолиятнинг ажралмас қисми сифатида...	134
H.M.Berdibekova, D.A.Artikova. Terminologiyada termin tushunchasi.....	136
Ф.Ф.Болтаев. Глобаллашув жараёнида тил маданияти хусусиятларининг фалсафий таҳлили	137
E.A.Сурмилова. Гендерная маркированность речевого поведения в английском языке	140
M.З.Safarova. Etnonimlar joy nomi sifatida.....	142
Ш.Ш.Улзуова. Метафора вазифалари таҳлиliga назарий ёндашувлар	144
F.Sadinov. Veterinariya terminlari shakldoshlik xususiyatlari.....	145
D.Sh.Norkuziyeva. Badiiy adabiyotda zoomorfizmlarni qo‘llanilishining o‘ziga xos xususiyatlari	147
U.U.Pulatova. Subektiv baho formalarida pressupozitsiya	150
Y.Qarshiboyev. O‘qituvchining o‘quvchilar bilan muloqot madaniyati.	152
H.P.Yagfarova. Лингвокультурологические явления при исследовании фитонимов в разноструктурных языках.	154
Z.M.Murtozayeva. Ingliz tilida ergashgan qo‘shma gaplar va ularning turlari	157
Петросян Неля Валерьевна. Использование оригинальной литературы для развития критического мышления.....	159
U.Muxammadiyeva. Hozirgi zamon nemis yoshlar tili leksik elementlarini tahlil qilish	161

G.U.Ochilova. Maxsus maqsadlar uchun ingliz tilini o‘qitish va o‘rganishda lug‘atning o‘rni.	163
У.Каримова Умрия. О проблеме аналитизма в современном немецком языке.....	164
Ш.Носирова. Преподавание иностранных языков в начальных классах.....	168

V SHO‘BA TIL VA ADABIYOT NAZARIYASI

Ҳ.И.Умуров. Кексалик ва дилбар шеър	161
Г.Ҳ.Умурова. Иқрономаларда яқин кишилар ёди.....	174
М.И.Давронова. Zebo Mirzo she‘riyatida ayol ruhiyati tasviri.....	175
М.А.Халова. Светлана Алексиевичнинг “Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси” асарида аёл калби тасвири	179
А.Й.Маҳмудов. Хайнрих Хайне ижодида диний таълимотнинг ифодаси.....	181
I.Pardaeva. Navoiyning turkiy tildagi badiiy-tarixiy nasr namunasi haqida	183
М.И.Давронова, F.X.Yusufova. Sh‘eriyatdagi she‘rlar yoki qismatga aylangan she‘riyat	185
С.Р.Каримова. Зебуннисобегимни яратган давр	188
D.Jabborova. Cho‘lponning hikoyachilik mahorati	190
Ҳ.А.Асланова. Гадоийнинг наът ғазали таҳлили ва тасаввуф масаласи	192
Б.Ф.Холмухамедов. Олтинхон Тўра ва унинг куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири.....	195
G.I.Ernazarova. Zamonaviy she‘riyatda “arba’in”an‘analari tematikasi.....	197
T.R.Kadirov. Koreys va o‘zbek adabiy aloqalari va tarjimashunosligining taraqqiyot prinsiplari.	201
T.S.Eshboyeva. O‘zbek tilidan fransuz tiliga tarjima qilingan she‘rlarning lingvopoetik tahlili ...	208
М.Нарзиева. Абдулла Ориповнинг бадий қиёфа яратиш маҳорати	211
Д.М.Худойбердиева. Адабий таъсир ва поэтик олам муштараклиги	212
С.У.Расулова. XIX аср америка адабиётида илк романтизмнинг характерли жиҳатлари ...	215
Д.Х.Қўлдашева. Фурқат ғазалларида антонимлар лингвопоэтикаси	220
М.В.Ешниязова. “Abdulla Oripov she‘riyati” mavzusini o‘qitishda interfaol usullardan foydalanish	222
G.Isomova. Oxunjon Hakim ijodida milliylik ifodalari.....	222
T.Yu.Oydinov. Manbalarda husayn boyqaro obrazi talqini	228
O.B.Normurodov. So‘zdan so‘zning farqi bor... ..	230
О.Ч.Бозоров. Эпистоляр романларнинг адабиётшуносликда тутган ўрни	233
Yu.T.Shaymanova, Z.A.Qarshiboyeva. Jadid adabiyotida ma‘rifatparvarlikning badiiy talqini ...	235
Sh.Rayimova. Pandnoma adabiyot vakillarida yor obrazi (Yusuf Amiriy misolida).....	237
N.Boboqulova. Cho‘lpon she‘riyatining ritmik-intonatsion xususiyatlari.....	238
R.U.Ruzmanova. O‘zbek milliy taomlari tarjima qilish masalalari	239
G.O‘ngalova. Alisher Navoiy dostonlarining rus tiliga tarjimalari va tadqiqi.....	241
G.Osomiddinova. Tog‘ay Murodning “Ot kishnagan oqshom” qissasida tarlon obrazi tasviri.....	249
M.Ahmatova. O‘zbek she‘riyatida folklor an‘analari.....	251
F.A.Xolova. Ta‘lim jarayonida o‘qituvchining kompyuter texnologiyalaridan foydalanish mahorati.....	253
A.Qurbonboyeva. Sobir O‘nar asarlarida dialektizmlardan foydalanish.....	255
N.Qurbonova. “Chinor” romanida peyzaj tasviri.....	257
Z.Tosheva. Adabiyot darslarida mumtoz siymolarning asarlarini interfaol usullar orqali o‘rgatish.....	259
Н.Х.Ашурова. Зулфия Куролбой қизи романларида аёл руҳиятининг бадий инъикоси	261
S.R.Bobomurotova. Ogahiy devonida zoonim so‘zlar tahlili	263
G.Irgashova Gulmira. Adabiyot o‘qitishda interfaol usullar	265
М.О‘.Muxtorova. Cho‘lpon she‘riyatida ayrim frazeologik birliklarning qo‘llanilishi.....	267
N.N.Abdullayeva, M.N.Sharopova. Fransuz zamonaviy she‘riyati jak reda talqinida	269
Ch.O.Saydazzamova. Tildagi tejamlilik va ortiqchalik hodisalari (Rauf Parfi she‘riyati misolida).....	271

N.A.Fayzullayeva. She'riyatda olmoshlar takrori badiiy ijod vositasi sifatida (Anvar Obidjonshe'rlari misolida)	273
P.Nurmamatova. Abdulla Qodiriy she'rlarida millat dardi.....	275
С.Э.Шодуев. Гап қолипидаги турғун бирикмалар компонентлари ҳақида баъзи мулоҳазалар.....	277
U.U.Sattarov. Chet tilini o'qitish tizimi "Quiet" usulidan foydalanishning samaradorligi.....	282

ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK VA DERIVATSION QONUNIYATLAR

Respublika ilmiy-amaliy anjumani
MATERIALLARI

Samarqand shahri, 2022-yil, 25-may

Muharrir: S. Karimova
Texnik muharrir: H. Amirdinov
Kompyuterda sahifalovchi: Sh. Abduraximov
Musahhihlar: D. G'aybullayeva, Z. Usmanova

Guvohnoma № 10-3512

Nashriyot tasdiqnomasi: № 1243-7560-5999-432c-2125-1811-8655 Bosishga ruxsat etildi:
25.05.2022 yil. Ofset bosma qog'oz. Qog'oz bichimi 60x84 1/16. "Times New Roman"
garnituras. Ofset bosma usuli. Hisob nashriyot t.: 14,6. Shartli b.t.: 10,5. Adadi: 100 nusxa.
Buyurtma №2305.

Samarqand davlat chet tillar instituti" nashriyoti. Samarqand sh., Bo'stonsaroy ko'chasi, 93-uy.